

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ  
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ**

*A. Ж. Ҳамраев, M.A. Ҳамедова*

# **ХИРУРГИЯ**

*Тиббиёт коллежлари учун дарслик*

ТОШКЕНТ „ЎҚИТУВЧИ“ 2002


617.0(02/07)

Тақриэчилар: Сам. Дав. Тиббиёт институти хирургия кафедраси  
мудири, тиббиёт фанлари доктори,  
проф. А. С. САЛОМОВ.

Самарқанд 2-тиббиёт коллежи директори  
Х. Х. ХОДИЕВ, Жиззах тиббиёт коллежи  
директори, т.ф.н., доцент М. И. СУБХОНҚУЛОВ

Мазкур китоб 2 та бўлим ва 17 та бобдан иборат. Унда ҳамширалар  
амалиётида энг зарур бўлган мавзулар ёритилган. Китобда хирургия фани  
ва унинг Ўзбекистонда ривожланиш тарихига ҳам аҳамият берилган. Ҳар  
бир боб охирида талабалар билимини баҳолаш учун тестлар ва мавзуга  
доир масалалар келтирилган.

29.03.2002  
Alisher Niyozov  
nomidagi  
O'zbekiston MK  
HO 3  
29332



X **4108050000-161** Қат.буюртма — 2002  
353(04) — 2002

ISBN 5—645—03977—7

© „Ўқитувчи“ нашриёти, 2002

## СҮЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг „Таълим тўғрисида“ги ва „Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури“ тўғрисидаги қонун талабларига амал қилган ҳолда касб-хунар колледжлари учун ўкув дарслекларини янгидан ёзиш бугунги кун талабидир. Шу асосда республикамиз учун чуқур билимга эга бўлган, кенг фикрлай оладиган етук ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш тиббиёт колледжлари зиммасига юклатилган.

Мазкур дарслек ана шу фикрларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўқув-услубий маркази томонидан тасдиқланган режа асосида ёзилган.

„Хирургия“ фани кундалик турмушимизда учраб турадиган ва хирургик йўл билан даволанадиган касалликлар, уларнинг сабаблари, кечиши, даволаш, олдини олиш, стериллаш, хирургик инфекция, қон кетиш, қон қўйиш, беморни операцияяга тайёрлаш, оғриқсизлантириш, операциядан кейин парвариш қилиш, десмургия ҳамда жароҳатланиш, „ўтқир қорин“ яллигланиши, ўсма ва тұғма нүқсонлар синдромларини ўрганади.

„Хирургия“ фани бошқа тиббий фанлар билан бир қаторда анатомия, фармакология, терапия, ҳамширалик иши, лотин тили ҳамда тиббиёт терминологияси каби фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ўқитилади.

Ушбу дарслек хирургик йўналишидаги талабалар учун мўлжалланган бўлиб, ундаги бўлим ва мавзулар жуда ихчам, содда, мутахассис фойдаланиши учун қулай қилиб ёритилган. Дарслекни ёзишда хирургияяга доир бир неча ўкув дарслекларидан ва тиббиёт колледжлари учун ёзилган „Хирургия ва реанимация асослари“ китобидан фойдаланилди.

Дарслекни яхшилашга қаратилган барча фикр-мулоҳазала-рингизни бажону дил қабул қиласиз.

Бизнинг манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 30. „Ўқитувчи“ нашириёти, кимё-биология ва умумтехника адабиётлари таҳририяти.



# УМУМИЙ ХИРУРГИЯ



## I. КИРИШ

### Хирургия түгрисида түшүнчә

„Хирургия“ сўзи юончада сўз бўлиб, cheir – қўл ва ergon – ҳаракат, иш деган маънени англатади. Хирургия сўзини ҳозирда бундай тушуниш бу фаннинг мазмунига тўлиқ мос келмайди. Бу сўз хирургларнинг чиқсан суюкларни ўрнига солиш, жароҳатларни тозалаб, унга дори қўйиш ва қон олиш каби муолажалар билан шугулланган давригатина хосдир. Ҳозирги вақтда хирургия деганда тибиётнинг беморларни консерватив усуслар ёрдамида даволаш билан бир қаторда, хирургик усулда даволаш ҳам тушунилади. Ташхис қўйинча, беморни операцияга тайёрлаш ва операциядан сўнг даволашда патофизиология, гистология, клиник фармакология, иммунология ва биокимёниянг энг янги ютуқларидан фойдаланилади, мураккаб, замонавий тибиёт техникаси, асбоб ва ускуналари ишлатилади.

Хирургик касалликларни қўйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

1. Ривожланиш нуқсонлари, норасоликлар ва майиб-мажрухликлар (қизилўнгач, ингичка ва йўғон ичак, орқа чиқарув тешиги атрезияси, ичакларнинг иккиланиши, қуён лаб, юракнинг туфма нуқсонлари ва ҳоказо).

2. Орттирилган ва паразитар касалликлар.

3. Шикастланишлар (жароҳатлар, суюкларнинг чиқини, синиши, қўйини, совуқ олиши, электрдан шикастланиш).

4. Хирургик инфекция (абсцесслар, флегмоналар, остеомиелит, суюк-бўғим сили ва ҳ.к.).

5. Ўсмалар (хавфесиз ва хавфли ўсмалар).

6. Эндокрин аъзолар касалликлари.

7. Ўткир яллиғланишлар (перитонит, ўткир аппендицит).

Хирургиянинг равнақ топиши муносабати билан терапевтик касалликлар деб аталадиган айрим касалликлар хирургик усулда даволанадиган бўлди (масалан, туфма ва орттирилган юрак нуқсонлари). Аъзо ва тўқималар (буйрак, жигар, ўпка, юрак)ни трансплантация қилиш (кўчириб ўтказиш) жорий этилиши билан хирургия учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Ҳозирги вақтда хирург ёрдамининг кўлами анча ошди. Илгари фақат ички касалликлар мутахассислари даволаган кўпгина касалликларга эндиликда хирургик усул билан даволаш натижасида катта ютуқларга эришилмоқда. Ўпка сили, туфма ва орттирилган юрак

нуқсонлари, юрак, жигар, буйрак касалликлари, мөъда ости безини трансплантация қилишда хирургик даво ва текшириш усулларининг ўрни салмоқлидир.

Хозирги замон хирургиясида фақат механик таъсир кўрсатиш юситаларидан эмас, балки, физика, кимё, биология ва тиббиётнинг назарий фан соҳалари (анатомия, физиология, биокимё, микробиология, иммунология, фармакология)нинг энг янги ютуқларига асосланган турли бошқа усуллардан ҳам фойдаланилади.

Хирургик операциялар доираси ҳам сезиларли даражада кенгайди. Аслини олганда, организмдаги ҳар қандай аъзо касаллигини хирургик йўл билан даволаш мумкин. Хирургик операция кўп ҳолларда ниҳоятда мураккаб бўлади ва у ўз ичига фақат даволашнингина эмас, балки селектив ташхислашни ҳам қамраб олади. Операциялар пайтида мураккаб аппаратлардан, шунингдек, кўпинча ультратовуш, лазер, магнит майдони, микрооптика, радиоактив изотоплар, бўёқ, контраст моддаларни эритиш билан амалга ошириладиган ташхис усуллари билан бир қаторда, сунъий қон айланиши ва гемодиализ, гемосорбция ва плазмофорез усулларидан ҳам фойдаланилади.

### **Хирургик операция ҳақида тушунча**

Хирургик операция — беморнинг тўқима ва аъзоларига даволаш ва ташхис мақсадида механик таъсир кўрсатишdir.

**Операцияларнинг турлари.** Операциялар *бажарилиш муддатига кўра*: режали — беморни пухта текшириб тайёрлагандан кейин бир неча кун ўтгач бажариладиган ва шошилинч — беморни касалхонага ётқизилиши билан минимал тайёргарлиқдан кейин шошилинч қилинадиган операция турларига бўлинади.

Операциялар *хусусиятига кўра*: радикал — патологик ўчоқ тўлиқ олиб ташланадиган ва полиатив турларга бўлинади. Полиатив турда ўчоқ олиб ташланмаслиги мумкин, бироқ вақтинча операция туфайли бемордаги оғир кечинмалар бартараф қилинади.

Операциялар *бажарилиш турига кўра*: қонли ва қонсиз турларга бўлинади. Қонли тури деганда тўқималарни кесиш, улардан қон оқишини тўхтатиш, тўқималарни бириктиришда чок қўйип ва операциянинг хусусиятига кўра бошқа муолажаларни бажариш тушунилади. Қонсиз тури қон оқмайдиган хирургик муолажаларни бажариш операцияларидир. Бунга чиққан суюклар ва суюк синикларини жой-жойига солиш киради.

Операциянинг ҳамма турида, айниқса қонли операциялардан кейинги даврда, инфекциянинг олдини олишга, bemорни яхши оғриқсизлантиришга ва кесилган тўқималардан қон оқишини тўхтатишга қаратилган профилактик тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

## **Ҳамширалик жараёни ҳақида тушунча**

Ҳамширалик жараёни ҳамширалик ишини ўз ичига қамраб олган замонавий тушунча ҳисобланади. У бемордаги касаллик туфайли юзага келган жисмоний, психологик, ижтимоий ўзгаришларни бартараф қилишга қаратилган даво муолажалари ва тадбирларни ташкиллаштиришдан иборат бўлган бир неча муаммоларни ўз ичига олади.

Ҳамширалик жараёнининг мақсади bemor соғлигини тиклаш, унинг организмини қувватлантиришга қаратилган асосий тадбирларни ўз вақтида бажаришdir. Ҳамширалик жараёни ҳамширадан фақат bemorни парваришлашда яхши техник тайёргарликни ва билим савиясини оширишинигина эмас, балки унинг bemor билан шахс сифатидаги муносабатида, муолажа сифатида объект шаклида касбий маҳоратида баҳоланиши керак.

Ҳамширалик жараёни 5 асосий босқичдан иборат:

**1. Ҳамширалик текширишини ўтказиш ва bemorning соғлиги ҳақидаги маълумотларни йигиш.** Бу иш субъектив ва объектив усуllibarda олиб борилади.

**Субъектив усулда** — bemordan физиологик, психологик, ижтимоий, атроф-муҳит ҳақидаги маълумотлар йигилади, унинг шу давргача бўлган тиббий текшириш тўғрисидаги маълумотлари билан танишилади.

**Объектив усулда** — bemor физиологик текширилиб, касалликка оид маълумотлар (ташқи кўриниши, аҳволи, ўриндаги ҳолати, тери ва шиллиқ пардаларининг ранги, ҳолати ва ҳ.к.) қайд қилинади. Bemorning бўйи ва оғирлиги, ҳарорати, пульси ва қон босими ўлчаниб, ҳужжатлаштирилади ва касаллик тарихи тўлдирилади. Касаллик тарихи ҳамширанинг мустақил касбий юридик ҳужжати ҳисобланади.

**2. Бемордаги мавжуд муаммолар асосида ҳамширалик ташхисини қўйини.** Bemordagi muammolarni mavjud va keliib chiqishi mumkin bўlган muammolargacha bўlinadi.

Масалан, bemor ичагидан қон кетиши ҳолати ҳамширалик ташхисини қўйиш учун muammo bўlsa, uning oқибати кейинчалик геморрагик шокка айланиши bemorda ҳали юзага чиқмаган, ammo vaqt ўтиши bilan pайдо bўliishi mumkin bўlган ҳолат deb баҳolanadi. Shuning учун bunday ҳолларда қон қусиш, melena, bosh aylaniши, ichakdan қон кетiши, қориндаги оғриқ каби ҳодисалар sezilsa, ҳамширалик tashxisi қўйiladi.

Bemor kасаллигини aniklash va uni davolaشا ҳамшиra va shifokor tashxisinining ahamiyati katta. Shifokor tashxisida bemordagi barcha patologik ҳолатlar mажmuasi birлаштирилиб izoҳланса, ҳамшиra tashxisida bemorning baён қилган shikояti klinik belgi va reaksiyalariiga aсос қилиb olinadi.

**3. Ҳамшира фоалиятини режалаштириш ва парваришлаш мақсадини aniklash.** Bunda ҳамширанинг даво режаси tezkor va uslubiy

мақсадларни ўз ичига олиб, узоқ ва яқин муддатларда бажаришга мұлжалланади ҳамда бемор қолатини яхшилашга қаратылған бўлади. Бунинг учун ҳамшира дастлаб ўзининг барча имкониятлари даражасини ҳисобга олган ҳолда bemorning тузалиш муддатини, даво натижаси ва шарт-шароитларини чамалаб чиқиб, bemorni даволаш ва парваришлиш режаларини ҳамширалик касаллик тарихига ёзиши лозим бўлади.

**4. Режаларни амалга ошириш.** Бу босқичда ҳамшира касалликнинг олдини олиш, текшириш, даволаш ва реабилитация тадбирларини амалга ошириши лозим.

Ҳамшира муолажалари З гурӯҳга бўлинади:

**Алоқадор ҳамшира муолажаси** — bemorni даволаш шифокор назорати ва кўрсатмаси асосида бажарилади.

**Мустақил ҳамшира муолажаси** — ҳамшира муолажани ўз хоҳиши, фикрлаши бўйича шифокор кўрсатмасисиз mustaqil amalga oshiradi.

**Ҳамкорликдаги ҳамшира муолажаси** — ҳамшира ва шифокор бошқа мутахассислар билан биргалиқда даволаш ишларини олиб боради.

**5. Ҳамширалик парвариши даражасини баҳолаш.** Бу босқичда ҳамширининг фаолияти bemorda кузатиладиган динамик қолатлар натижаси билан аниқланади. Бунда bemorning ҳамшира давосидан кейинги тузалиш натижаси, ҳамширалик парвариши мақсадидан келиб чиққан ютуқлари, ҳамшира ёрдамининг фойдалилик даражаси ва bemorni даволашдаги яқуний муаммоларни ечувчи тадбирлар аниқ белгиланади.

### Хирургиянинг қисқача тарихи

Хирургиянинг ilk куртаклари жуда қадим замонларда пайдо бўлган. Тош асридаги кишиларнинг трепанация қилинган (сунъий теншиклар) калла сүяклари қазилмаларда топилган. Қадимги мисрликлар оёқ-қўлларни кесиб ташлашни (ампутация), бичиб қўйишни билишган, синган узун найсимон сүякларни қўмирламайдиган қилиб боғлаш техникасидан хабардор бўлишган. Қадимий ҳиндлар хирургик иғналарни ишлатишган ва тўқималарни тикиш усуулларини ишлаб чиқишган. Уларда турли-туман хирургик асбоблар бўлиб, шулар ёрдамида бурунни тиклаш бўйича пластик операциялар бажаришган. Ўна вақтларда табиблар жуда катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлганлар. Кўхна Юнонистонда ва Римда хирургия юксак даражада ривож топган.

Юнонистонлик Гиппократ илмий тиббиётга ва хирургияга асос солган. Гиппократ йирингли жароҳатларни даволаш, қон тўхтатиш усуулларини ишлаб чиққан. У операцияга тайёргарлик кўришда озодаликка қатъий риоя қилиш, тоза ёмғир сувини ишлатишни



Абу Али ибн Сино

тавсия этади. Синган суюкларни даволашда шиналар, тахтакачдан фойдаланган, мас-саж, бадантарбияни жорий қилган, унинг хирургик техникаси эса жуда юксак дара-жада эди.

Қадимги Рим табиби Авл Корнелий Цельс ўз даврининг тибиёт билимларини ўз асарларида батафсил баён қилган. У ҳозирги вақтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Унда чуррани кесиш, қовуқдаги тошларни олиш, калла суюгини трепанация қилиш, қон кетишини тўхтатиш усуллари тасвиirlаб берилган.

Эрамизнинг II асрода яшаган Клавдий Гален физиология, анатомия ва амалий хи-рургияга доир талайгина қимматли маълу-мотлар ёзib қолдирган. Гален томирни бу-

раш йўли билан қон оқишини тўхтатиш усулини билган. Чокларни тикишда ипак ип ишлатган, тиртиқ лабни операция қилиш усулини ва бошқа кўпгина операцияларни ўз китобларида тасвиirlаб берган.

Бухоролик буюк олим ва ҳаким, 100 дан ортиқ илмий асарларнинг муаллифи Абу Али ибн Сино (Авиценна, 980 — 1037 й.й.) хиургиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Ибн Синонинг ўша даврнинг назарий ва амалий тибиёт даражасини таърифлаб берган „Тиб қонунлари“ асари алоҳида диққатга сазовордир. Ибн Сино ўзининг ушбу китобида оғриқ ва оғриқсизлантириш, ши-кастланиш, йирингли ялиғланиш жараёnlари ва жароҳатлар соҳасида ўзининг чуқур билимини намойиш эта олган. Тибиётга оид асарларида (уларнинг сони 40 дан ортиқ), хусусан, „Тиб қонунлари“да Ибн Сино бутун Ўрта асрлардаги Европа ва Шарқ табобатининг ўзигача бўлган асосий ютуқларини умумлаштириб ва бир тизимга солибгина қолмай, балки ўзининг сермашаққат шахсий тадқиқотлари натижалари билан бойитган ва уларни кўп жиҳатдан ривожлантиришга муваффақ бўлган.

Рус олими В. Д. Петровнинг эътирофи бўйича „Тиб қонунлари“ ўз даврида одамнинг соғлиғига ва касалликларига тааллукли билимларни ўзига тўла-тўқис қамраб олган бутун бир тиббий қомусдир.

Ўрта асрларда дин ҳукмронлиги туфайли хиургия фани кенг ривожланмади. Чунки инсон ички аъзоларини тўлиқ ва мукаммал билиш, ўлим сабабини аниқлаш учун даволаш, мурдаларни ёриб кўриш ва қон чиқариш билан боғлиқ бўлган операциялар тақиқланган бўлиб, бунинг учун ўлим жазоси берилар эди. Хиургия, хусусан, ҳарбий хиургия ҳунармандлар, сартарошлар ихтиёрида эди. Машхур француз хиурги Амбруаз Паре (1517 — 1590 й.й.) ўқ теккан жароҳатларни даволаш тўғрисида таълимот яратди. Ампутация техникасини такомиллаштириш ва қон томирларини боғлаш усулларини яратишда унинг хизматлари катта.

Жароқатларни даволашда Парацельс (1493 — 1541 й.й.) кимёning ютуқларидан фойдаланди. У жароқатни битирадиган воситалар ва қўпгина дори препараларининг қўллаш усууларини ишлаб чиқди. А. Везалийнинг (1514 — 1564 й.й.) анатомик тадқиқотлари, Гарвейнинг (1578 — 1657 й.й.) қон айланиш қонунларини қашф қилиши, Левенгук (1632 — 1723 й.й.) томонидан микроскопнинг ихтиро қилиниши хирургиянинг жадал суръатлар билан ривожланиши учун шароит яратиб берди. 1731 йилда Парижда Хирургик академия таъсис қилиниб, у ўша давр илмий хирургиясининг марказига айланган эди.

XVII асрдагача қон кетиш, йириングлаган жойни кесиш, куйдириб даволаш ҳолларида тампонада қилишга доир маълумотлар аҳён-аҳёнда учраб турар эди. Хирургик ёрдам, асосан, мутахассис табиблар, шикастбандлар томонидан кўрсатилар эди. XVII асрдагина полк шифокорлари, уларнинг қўл остида эса дорихоначилар ва сартарошлар пайдо бўла бошлади. 1654 йилда биринчи рус тиббиёт мактаби („шикастбандлар“) ва иккита муваққат ҳарбий госпитал очилди.

1706 йилда Москвада Пётр I фармонига кўра биринчи госпитал очилди. Бу „Россиядаги тиббиёт мактаби ёки тиббиёт-хирургия билим юрти“ эди. XVIII асрда Петербургда тиббиёт Академияси ва Москвада тиббиёт факультети бўлган университет очилган эди. Бу муассасалар кейинчалик йирик тиббиёт марказига айлантирилди ва хирургиянинг ривожланишига улкан таъсир кўрсатди.

Москва университетида „Хирургик операциялар баёни“ китобининг муаллифи, профессор Е. О. Мухин салмоқли ўрин эгаллаган эди.

1846 йилда кимёгар Жексон ва тиш врачи Мортон эфир буғларидан нафас олинса, киши беҳуш бўлишини ва мутлақо оғриқ сезмаслигини исботладилар. 1847 йилда хирург-акушер Симпсон хлороформ наркозини амалиётга жорий қилди. Ўша даврда касалхона ичida юз берадиган инфекция чинакам офат ҳисобланиб, кўпчилик ҳолларда ажойиб тарзда бажарилган операцияларнинг натижасини пучга чиқарар эди. Беморлар жароқатнинг йирингли заарланишидан нобуд бўлар эдилар.

Инглиз хирурги Листер (1827 — 1912 й.й.) мойли ва сиркали бижишининг ривожланишида микроорганизмларнинг ролига доир ишларига асосланиб, жароқатнинг йиринг бойлашига жароқатга ҳаводан тушадиган тирик микроорганизмлар сабаб бўлади, деган хulosага келади. Листер бу микробларга қарши курашиб учун карбол кислота қўллашни таклиф этади. Шу мақсадда у операция хонасига ва хирург қўлига пуркатилар эди. Операция чоклари ва операция жароқатига ҳам карбол кислотага шимдириб олинган маҳсус боғлам кўйиладиган бўлди.

Антисептик усул хирургиянинг ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилди, бироқ унинг бир қанча камчиликлари ҳам бор эди. Карбол кислота жароқат регенерациясини секинлаштиради ва сўрилиб, заҳарланишга сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳавфни камайтириш мақсадида Бергман *асептика усулини таклиф* қилди. Бунга, асосан,

яра боғлов материали ва хирургик асбобларни юқори ҳароратда буг билан стерилланып, шунингдек, операциянинг ўзини ва операция блокини асептик ҳолатда тутишни алоҳида ташкил этиши принципи ётади.

Ландштейнернинг қон түрухларини кашф этиши ва Янский томонидан қон күйиш усуулларининг ишлаб чиқилиши хирургиянинг янада ривожланишига сабаб бўлди.

XX асрнинг ўрталарида қизилўнгач, ўпка, юрак, таянч-ҳаракат аппаратида, шунингдек, мия ва нервларда муваффақиятли равиша операциялар ўтказиш усули ишлаб чиқилди ва амалиётга кенг жорий қилинди.

Петербург Тиббиёт академиясида „Клиник хирургиядан қўлланма“ ёзган профессор И. Ф. Буш етакчи олимлардан эди. Унинг шогирди, профессор И. В. Буялский хирургик анатомия атласини яратди.

Н. И. Пирогов Москва университетининг тиббиёт факультетини тамомлагандан сўнг Юрьев (ҳозирги Тарту) университетининг профессорлик фаолиятига маҳсус тайёргарликдан ўтиб, 26 ёшида хирургия кафедрасига бошчилик қилган. „Артерия ўзаги ва фасцияларнинг хирургик анатомияси“ номли асарини нашр қилдирган.

Н. И. Пирогов хирурглар анатомияни, айниқса турли аъзо ва тўқималар орасидаги ўзаро муносабатни ўрганадиган топографик анатомияни яхши билишлари лозимлигини уқтириб ўтади. У топографик анатомиядан атлас яратди. Кейинчалик тиббиёт факультетларида янги топографик анатомия ва оператив хирургия кафедралари пайдо бўлди.

Н. И. Пирогов жароҳатларнинг йиринглаши олдини олиш мақсадида хирургия бўлимининг маҳсус тартибини ишлаб чиқкан. У беморлар ётадиган хоналарнинг яхши шамоллатилишини, шифо-корларнинг қўли ва асбобларнинг тозалиги устидан назорат қилинишини талаб қилган, жароҳатни қайнаган сувда ювиш учун маҳсус чойнаклар тутишни жорий этган. Шунингдек, йиринглашнинг сабабчиси Гиппократ эслатиб ўтганидек, миазмалар эканлигини уқтирган.

Н. И. Пирогов ўзининг „Умумий ҳарбий-дала хирургиясининг асослари“ китобида жароҳатларнинг олдини олиш ва даволаш чоралари билан бирга „жанг майдонида“ ярадорларни саралашга алоҳида аҳамият бериш керак, деган. У Россияда биринчи бўлиб синган сукларни даволашда гипс боғламлари ишлатишни таклиф этган.

Хирургларнинг бундан кейинги авлоди ўз орасидан бир қанча йирик олимларни етиштириб чиқарди. Улар орасида асептика ва антисептиканинг тарқалиши ва ривожи учун кўп ҳисса қўшган Н. В. Склифосовский алоҳида ўринни эгаллайди.

XX асрнинг бошида Петербургда — В. А. Оппель ва У. Н. Турнер, Москвада — А. В. Мартинов ва П. П. Дьяконов, Қозонда —

В. И. Разумовский, Саратовда — С. И. Спасокукоцкий, Томскда — П. И. Тихоннинг хирургик мактаблари вужудга келди.

С. П. Фёдоров (1869 — 1936 й.й.) буйраклар, сийдик йўли ва қовуқ хирургиясини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшиган. Ўт пуфаги хирургиясига доир бир қанча асарлар яратган.

П. И. Дьяконов (1855 — 1908 й.й.) земство хирурглигидан Москва университетининг оператив ва госпитал хирургияси клиникаси раҳбари лавозимигача бўлган улкан йўлни босиб ўтди. У хлороформ наркозининг хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб дунёда биринчилардан бўлиб ўпкани операция қилди ва айни пайтда ўпка томирларининг айрим анатомик элементларини боғлаш ёки кесиши, қизилўнгачни кесиб олиб ташлашни муваффақиятли амалга оширди.

А. А. Бобров (1850 — 1904 й.й.) П. И. Дьяконовнинг устози эди. У моҳир хирурглар авлодини тайёрлади. Уларнинг орасида С. П. Фёдоров ҳам бор эди. А. А. Бобров чуррани кесишининг оригинал усулини ишлаб чиқди, мия чуррасини операция қилиш ва суяқ силини даволаш усулини тавсифлаб берди. Суюқлик юбориш учун мўлжалланган Бобров аппаратидан ҳозирги кунда ҳам фойдаланилмоқда.

С. И. Спасокукоцкий (1870 — 1943 й.й.) ўпка ва плевранинг йирингли касалликлари хирургияси, қон қуишига доир клиник-экспериментал тадқиқотлар, хирург қўлига ишлов бериш усули ва бошқа соҳаларга оид ёзган қимматли асарлари билан машҳур эди.

1944 йилда тиббиёт фанини ривожлантириш мақсадида собиқ Иттифоқда Тиббиёт Фанлари академияси таъсис қилиниб, у атоқли олимларни бирлаштириди. Хирургия Иккинчи жаҳон уруши йилларида айниқса, катта ютуқларни қўлга киритди. Ярадорларнинг 70% идан кўпроғи даволангандан сўнг сафга қайтди, ваҳоланки, Биринчи жаҳон уруши даврида жароҳатланганларнинг атиги 40 — 50% сафга қайтган эди. Кейинчалик хирургиянинг энг йирик намояндлари, яъни қуидаги олимлар етишиб чиқди:

П. А. Герцен (1871 — 1946 й.й.) нинг номи билан аталадиган бир қанча оригинал операциялар бор: сон чуррасини кесиш, қовуққа ичакни улаш, тўғри ичакни фиксация қилиш, қизилўнгач пластикаси шулар қаторига киради.

Н. Н. Бурденко (1878 — 1946 й.й.) шок, жароҳатларни даволаш, ҳарбий-дала хирургияси, нейрохирургия масалаларини ишлаб чиқишга кўп ҳисса қўшди. У нейрохирургия институтига асос солган.

Ю. Ю. Жанелидзе (1883 — 1950 й.й.) юрак хирургиясига асос солганлардан бири эди. У пай ва суяқ пластикаси, ичакнинг тутилиб қолиши, шошилинч хирургияга бағишлиган оригинал ишлар муаллифиdir.

Н. Н. Петров (1876 — 1964 й.й.) таниқли онколог, онкологиядан фундаментал қўлланма асарининг муаллифи. У ракка қарши кураш системасини ташкил қилиш ишига катта ҳисса қўшган.

А. В. Вишневский (1874 — 1948 й.й.) маҳаллий оғриқсизлантириш усуллари, мой-бальзамли боғламлар ва бир қанча операцияларни ишлаб чиқиб, тиббиёт амалийетига жорий қилди. Унинг ишларини ўғли А. А. Вишневский (1906 — 1974 й.й.) давом эттириди.

А. Н. Бакуев (1890 — 1967 й.й.) юрак ва йирик томирлар хирургиясининг асосчиси ҳисобланади. У Юрак-томирлар хирургияси институтини ташкил қилди ва Тиббиёт Фанлари академиясининг президенти бўлди.

С. С. Юдин (1891 — 1954 й.й.) меъда-ичак хирургиясига доир кўптина асарлар муаллифи ҳисобланади. Унинг қизилўнгач пластикаси, орқа мия анестезиясига доир ишлари айниқса таҳсинга лойик.

Республикамизда катталар хирургиясини ривожлантиришга академик олимлар Б. В. Петровский, А. А. Вишневский, В. И. Стручков, Н. М. Амосов ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшган бўлсалар, болалар хирургиясини ривожлантириш ва кадрлар билан бойитишида академик Ю.Ф.Исаков, профессорлардан Г. А. Баиров ва А. И. Ленишвилиларнинг хизматлари каттадир.

### Ўзбекистонда хирургия фанининг ривожланиши

Туркистон ўлкаси руслар томонидан истило қилинганидан кейин биринчи тиббий даволаш муассасаси 1861 йилда Тошкентда очилган ҳарбий лазарет (1870 йилда у ҳарбий госпиталга айлантирилган) эди. 1872 йилга келиб Самарқандда 20 ўринли шаҳар касалхонаси очилди. Кейинчалик Каттақўргон, Фарғона, Марғилон, Кўқон (1883 й.), Петро-Александровск (ҳозирги Тўрткўлда, 1886 й.)да шифохоналар иш бошлади.

1903 йилда Тошкентда Халқаро Қизил Xоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари хирургик касалхонаси, 1906 йилда эса Тошкент шаҳар касалхонасида хирургик бўлим ташкил этилди.

1913 йилда Халқаро Қизил Xоч ва Қизил Ярим ой жамияти йўналиши бўйича П. Ф. Боровский Тошкент ва Сирдарё вилоятида ягона хирург бўлиб ишлаган. П. Ф. Боровский (1863 — 1932 й.й.) йирик олим ва Туркистонда биринчи бўлиб, Тиббиёт институти қошида госпитал хирургия кафедрасини очган ташкилотчи эди. У ўз умрининг кўп қисмини хавфли ўсмалар („Туркистонда хавфли ўсмалар“, (1924 й.) „Хавфли ўсмалар этнологиясига замонавий қарашлар“, (1930 й.), ўт йўллари, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси хирургиясини ўрганишга багишлаган. Ўзбекистонда хирургиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшган олимлардан М. С. Астров, И. И. Орлов, С. А. Маъсумов, Л. Д. Василенко ва бошқалар унинг шогирдлари эдилар.

1917 йилда Туркистон (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) университети таркибида тиббиёт факультети ташкил қилинди. Кўп ўтмай Ўрта Осиё Тиббиёт институти ташкил этилди. 1930 —



*S. A. Маъсумов*



*M. A. Ашрапова*



*C. M. Аззамхўжайев*

1940 йилларда Самарқанд, кейинчалик эса Андижон, Бухоро ва Нукусда тиббиёт олий ўқув юртлари ташкил топди.

1917 йилдан бошлаб атоқли олим, профессор В.Ф. Войно-Ясенецкий (1877 — 1961 й.й.) Тошкент шаҳар касалхонасининг бош шифокори ва хирурги этиб тайинланди. У 1920 — 1923 йилларда топографик анатомия ва оператив хирургия кафедрасини ташкил қилди. Унинг „Йирингли хирургия. Очерклар“ (1934 й.) номли илмий асари Давлат мукофотига сазовор булган, у регионар анестезия, уч шохли нервни этил спирти билан оғриқсизлантириш усулини ишлаб чиқкан.

П. Ф. Ситковский (1883 — 1933 й.й.) — Туркистон университети тиббиёт факультетининг ташкилотчиси, даволаш факультетининг биринчи декани эди, у факультет хирургияси кафедрасини ташкил қилиб, ушбу кафедрада 1920 — 1931 йиллар давомида фаолият кўрсатган. У сариқ касаллитига операциядан кейинги қон оқишиларни ўрганишга (қон ивишига) катта ҳисса кўшган, қон ивишини ўрганиш учун коагулометрни ихтиро қилган. Олим ўтқир аппендицитнинг клиник белгиси — „Ситковский симптоми“ни тасвирлаган (1922 й.), кетгутга йод буғлари билан ишлов бериш усулини таклиф қилган (1926 й.). У шунингдек Ўзбекистонда юз-жагнинг пластик хирургияси, Тошкент илмий хирургия жамияти ва „Туркистоннинг тиббий тафаккури“ номли биринчи тиббий ойнома ташкилотчиси саналар эди. Унинг клиникасидан профессорлардан У. А. Ирлин, П. П. Гаренко, доцентлардан В. М. Парадоксов, Ф. Я. Соколов, Л. М. Обухова ва бошқалар етишиб чиқди.

Тошкент Давлат тиббиёт институти умумий хирургия кафедрасини 1920 йилда Н. С. Перешивкин ташкил қилиб, 1920 — 1933 йилларда кафедрага мудирлик қилган. У „Пластик цистоскопия атласи“ нинг муаллифи эди. Ўрта Осиёда эндемик бўқоқни ўрганишни бошлаб берган, Туркистонда урология бўлимига асос солган ва унга ташкилотчилик қилган. Унинг шогирдлари Д. Л. Введенский, У. А. Ротенберг, Э. А. Фракман ва бошқалардир.

Самарқанд Давлат тиббиёт институтида госпитал хирургия кафедрасини проф. С. П. Шиловцев (1934 — 1939 й.й.), кейинчалик проф.



*V. B. Boxidov*



*Yu. O. Orilov*



*Sh. I. Karimov*

У. Б. Монашкін (1939 — 1949 й.й.), факультет хиургияси кафедрасини проф. Б. Е. Панкратов (1934 — 1945 й.й.), проф. А. В. Сушевский, умумий хиургия кафедрасини проф. А. А. Козиревлар (1932 — 1936 й.й.) бошқарғанлар. Ушбу институттинг оператив хиургия ва топографик анатомия кафедраси ташкилотчиси проф. А. В. Сушевский (1887 — 1951 й.й.) булган. У кафедрани 1932 — 1938 йилларда бошқарған. Кейинчалик уни проф. У. Н. Александров (1938 — 1972 йилларда) бошқарған.

Ўзбекистоннинг хиургия фани бўйича кўзга кўринган олимлари И. И. Орлов, С. А. Маъсумов, М. П. Постолов, М. А. Ашрапова, В. В. Воҳидов, Ў. О. Орипов, С. М. Аъзамхужаев, Ш. И. Каримов, Ф. Ф. Назировлар республикамизда тарқалган регионар хиургик патологияни даволашнинг муаммоларини ишлаб чиқишига самарали ҳисса кўшдилар.

С. А. Маъсумов (1902 — 1980 й.й.) тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, республикамизда дастлабки маҳаллий хиург олимларни тарбиялашда, эндемик бўқоқ ва ўт-тош касалликларини хиургик усулда даволаш ва хиургияни ташкил этишда катта ҳисса кўшган олим ҳисобланади. Унинг раҳбарлигида 5 та докторлик ва 25 та номзодлик диссертацияси ёқланган. У 100 дан ортиқ илмий ишларнинг муаллифи эди. Қилган салмоқли меҳнатлари эвазига бир неча бор орден ва медаллар билан тақдирланган.

М. А. Ашрапова (1919 — 1992 й.й.) — тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач ва фан арбоби, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. У хиургия соҳасида биринчи ўзбек олимаси, бош мия жароҳатларидаги биокимёвий ўзгаришлар, жигар ва портал гипертензия хиургияси соҳасида илмий ишлар қилиб, республикамизда хиургияни ривожлантиришга салмоқли ҳисса кўшганлардан эди. Унинг раҳбарлигида 8 та номзодлик диссертацияси ёқланган, 100 дан ортиқ илмий ишларнинг муаллифи ва республика хиурглар уюшмасининг раиси бўлган. Халқ олдидаги хизматлари учун қатор орден ва медаллар билан тақдирланган.



*F. F. Назиров*



*K. X. Тагиров*

С. М. Аъзамхўжаев (1917 йилда туғилган) тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач ва фан арбоби. У шошилинч хирургия, меъда ва ўн икки бармоқ ичак, жигар ва портал гипертензия, носспецифик ярали колитни хирургик усулда даволаш бўйича кўптина илмий изланишлар олиб борган, 5 та докторлик ва 15 та номзодлик диссертациясига раҳбарлик қилган, 250 дан ортиқ илмий ишларнинг муаллифи. У республикада бош хирург бўлиб ишлаган.

В. В. Воҳидов (1917 — 1996 й.и.) — тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги — ўпка, кўкс оралиғи, жигар, ўт йўллари, юрак, магистрал қон томирлар хирургияси ва қорин бўшлиғи аъзолари шошилинч хирургиясининг ривожланишига катта ҳисса қўшган олим. Унинг раҳбарлигига 20 та докторлик ва 40 та номзодлик диссертацияси ёқданган, 200 дан ортиқ илмий ишларнинг муаллифи эди. В. В. Воҳидов Бутун жаҳон хирурглар ассоциациясининг ҳақиқий аъзоси, „Ўзбекистон тиббиёт журнали“ нинг бош муҳаррири, „Хирургия“ журналининг муҳарририят аъзоси бўлган.

1974 йилда унинг ташкилотчилиги туфайли Бутунитифоқ хирургия илмий марказининг Тошкент филиали (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси акад. В. В. Воҳидов номидаги Хирургия илмий маркази) очилиши республикамиз хирургияси тарихида муҳим воқеа бўлди. Бу марказга Восит Воҳидович Воҳидов узоқ йиллар моҳирлик билан раҳбарлик қилиб келди. Унинг бошчилигига аорта ва магистрал қон томирлар, юрак, ўпка, меъда ва ўн икки бармоқли ичак, жигар ва ўт йўллари хирургик касалликларини даволаш илмий маркази ташкил этилди. Олим республикамизда хирургиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Ҳозирги пайтда бу масканда жигар циррози ва портал гипертензия хирургияси (проф. Ф. F. Назиров), лазер хирургияси (проф. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ю. И. Калип), меъда-ичак хирургияси (проф. А. М. Ҳожибеков), қизилўнгач хирургияси (проф. А. X. Янгиев) ва микрохирургия бўйича қилинган операциялар жаҳон стандартларига мос келади ва бу маскан республикамизда хирургия фанини ривожлантиришда улкан мактаб бўлиб ҳисобланади.

Ў. О. Орипов (1924 – 2001 й.й.) – тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги – жигар, меъда ости бези, меъда-ичак тизими хирургияси, буйрак ва меъда ости безини кўчириб ўтказиш колопротология марказларининг ташкилотчиси ҳисобланади. У 25 та докторлик ва 80 га яқин номзодлик илмий ишларига раҳбарлик ва 30 дан ортиқ илмий ихтиrolарга муаллифлик қилган.

Ш. И. Каримов 1943 йилда туғилган. Тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўrsатган фан арбоби. Унинг раҳбарлигига 13 та докторлик, 50 га яқин номзодлик диссертациялари ёқланган, 300 дан ортиқ илмий ишларинг муаллифи. Ш. И. Каримов аорта ва қон-томир касаллуклари, эндovаскуляр ва эндобилиар хирургия, ўткир перитонит, сурункали ўпка, пленра ва қандли диабет касаллуклари хирургиясини ривожлантиришига катта ҳисса қўшган олим. Россия Тиббиёт Фанлари академиясининг академиги, Бутун жаҳон хирурглари ва Пирогов номидаги хирурглар ассоциациясининг аъзоси, „Ўзбекистон тиббиёти журнали“нинг бош муҳаррири, 1989—1991 йилларда Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари, 1991—1998 йилларда Вазир лавозимларида ишлаб, Ўзбекистонда хирургия (амбулатор хирургия)ни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Ф. Ф. Назиров 1950 йилда туғилган, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Россия Тиббиёт Фанлари Лазер академиясининг академиги. 1998 йилдан бошлаб Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири лавозимида ишлаб келмоқда. Унинг раҳбарлигига шу кунгача 15 та докторлик ва 25 дан ортиқ номзодлик диссертацияси ёқланган. Жигар, портал гипертензия, меъда ости бези, меъда, ўт йўллари хирургиясига доир, хирургиянинг энг мураккаб соҳалари бўйича иш олиб бориб, хирургияни замон талаблари даражасига олиб чиқилида астойдил меҳнат қилмоқда.

Ф. Ф. Назиров раҳбарлигига Республика миқёсида тиббий тизимда янги ислоҳотлар жорий қилинди. Тошкентда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий-текшириш институти ташкил топди, вилоят ва туманларда алоҳида тез тиббий ёрдам илмий маркази филиаллари шакллантирилди ва бу марказларда аҳолига тиббий ёрдам бериш давлат қарамоғида қолди. Республикамизда ягона Саломатлик институти ташкил топди. Янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, амалиётта татбиқ қилинди. Соғлиқни сақлаш тизимидағи бирламчи звенодаги қишилоқ шифокорлик пункти ва амбулаторияларнинг техник-таъминот базалари мустаҳкамланди ва аҳолига хизмат кўrsatiш тизими сифати тубдан ўзgartирилди. Хусусий тиббий муасасаларни шакллантиришга ва уларни ривожлантиришга катта имкониятлар яратилди.

Томирлар хирургиясининг ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазириligининг 1-клиник касалхонаси базасида

1969 йилда ихтисослашган бўлим ташкил этилгандан кейин бошланди. Ҳозирги вақтда бу йўналишни акад. Ш. И. Каримов ва унинг шогирдлари, Ўзбекистон Республикаси Хирургия илмий марказининг томирлар хирургияси бўлимида акад. В. В. Воҳидовнинг шогирдлари, лимфа томирлар хирургиясини проф. С. У. Жумабоевнинг шогирдлари муваффақиятли ривожлантирум оқдалар.

Томирлар хирургиясида қўлга киритилган ютуқлар туфайли академик Ў. О. Орипов, проф. Д. Л. Арустамов ва Н. И. Паклар томонидан буйракни муваффақиятли кўчириб ўтказиш ва гемодиализ Республика маркази 1974 йилда Ташкентдаги 1-клиник касалхонада очилган.

Туркистонда эндемик бўқоқ муаммоларини ўрганиш ва уни ривожлантириш, даволаш иншларига проф. С.А.Маъсумов раҳбарлигига унинг шогирдлари — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Ё.Х.Тўракулов, профессорлар Р.К.Исломбеков, Р.Ю.Омиров, А.Сайдхоновлар катта ҳисса қўшилар.

Республикада Оператив нефрология ва урология марказини проф. Д.Л.Арустамов томонидан ташкил этилиши, эндо-урологик операцияларнинг бажарилиши (проф. Ф.А.Оқилов) ва литотрипсийнинг ишлатилиши замонавий хирургия технологияларига яқинлашганлигидан далолат беради. Ҳозирги пайтда Республикаиз миёсидаги тиббиёт институтлари қошидаги клиника, ихтисослаштирилган илмий хирургия ва амбулатор хирургия марказларида лапароскопик, эндоскопик операцияларнинг бажарилиши, замонавий тез тиббий марказларнинг вилоят ва туман даражасида ташкиллаштирилиши жаҳон стандартларига тенглашганидан далолат беради.

**Болалар хирургиясининг қисқача тарихи.** Ўзбекистонда болалар хирургияси кафедрасининг ташкил топиши ва болалар хирургия мактабининг шаклланиши проф. К.Х.Тагиров номи билан боғлиқ.

К.Х.Тагиров (1907—1987 й.й.) — тиббиёт фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган врач, Ўзбекистонда болалар хирургиясини 1947 йил курс тариқасида ташкил қилиб, уни ривожлантиришга пойдевор қурган. Болаларда буйрак-тош касаллиги ва аномал нуқсонлар муаммоларини ечишга доир 100 дан ортиқ илмий ишларнинг муаллифи.

1971 йилда Республикаизда Ўрта Осиё Педиатрия институтининг ташкил топиши, болалар хирургиясининг ривожланишида муҳим ўрин эгаллади.

А.С.Сулаймонов (1937 йилда туғилган), тиббиёт фанлари доктори, профессор, Россия Табиий Фанлар академияси ва Қозогистон Миллий академиясининг академиги. У болаларда учрайдиган буйрак-тош, ўпка ва жигар эхинококзоzi, йўғон ичакнинг туфма нуқсони касалликлари муаммоларини ечишда, болалар хирургиясини ривожлантириш ва миллий кадрларни тайёрлаш, болалар хирургияси соҳасида мутахассис шогирдларни етиштиришда хизматлари катта

бўлиб, 3 та докторлик ва 30 дан ортиқ номзодлик илмий ишларга раҳбарлик қилди. Проф. А. С. Сулаймонов таҳрири остида ўзбек тилида биринчи „Болалар хирургияси“ дарслиги чоп этилди ва олим томонидан болалар хирургияси республика уюшмаси ва болалар хирургияси марказининг (1994 й.) ташкил топиши диққатга сазовордир. Унинг шогирдлари тиббиёт фанлари доктори Ж. Б. Бекназаров томонидан болалар урологияси ва тиббиёт фанлари доктори А. Ж. Ҳамроев томонидан болалар проктологиясининг шакллантирилиши Республикамизда болалар хирургик хизматини юқори поғоналарга кўтарилаётганидан далолатдир.

1980 йилда иккинчи болалар хирургияси кафедрасининг профессори Э. М. Ходиев томонидан ташкил топиши ва ривожлантирилиши, 1991 йилдан бошлаб эса проф. Н. Ш. Эргашев томонидан бошқарилиши ва республикада чақалоқлар хирургиясининг йўлга кўйилиши диққатга сазовордир.

Самарқанд Давлат тиббиёт институти қошида проф. М. А. Аҳмедов болалар хирургия кафедрасини ташкил этди ва кейинчалик унинг шогирдлари профессор И. А. Аҳмаджонов, М. К. Азизов, Ю. М. Аҳмедовлар томонидан ривожлантирилди. Ушбу институт қошида 1983 йилда иккинчи болалар хирургия кафедрасининг проф. А. М. Шамсисев томонидан ва 1993 йилда эса Самарқандда Болалар хирургияси вилоят марказининг ташкил топиши, бу ерда проф. Ж. А. Отакуловнинг фаолият кўрсатиши Республикамизда болалар хирургиясининг ривожланишида катта аҳамият касб этди.

Андижонда 1971 йилда профессор С. Р. Раҳимов ва унинг шогирдлари томонидан биринчи болалар хирургияси кафедраси ташкил топди. Кейинчалик профессор Б. М. Қиличев томонидан иккинчи болалар хирургияси кафедраси ҳам очилди.

Ҳозирги кунда I Тошкент Давлат тиббиёт институти болалар хирургияси кафедрасига профессор М.М.Алиев, II Тошкент Давлат тиббиёт институти болалар хирургияси кафедрасига профессор Ш. Т. Салимов раҳбарлик қилиб келмоқдалар.

**Ортопедия ва травматологиянинг қисқача тарихи.** 1931 йилда Ўзбекистон ортопедия ва травматология институти ташкил этилиб, унда шу ихтисослашган соҳани ривожлантиришга катта ҳисса кўшган проф. Б. И. Берлинер, О. Ш. Шокиров, Н. М. Шоматов ва бошқалар кўп йил самарали меҳнат қылганлар. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ногиронларга ортопедик-травматологик ёрдам бериш бўйича самарали ишлар қилинган. Тиббиёт институтлари қошида ортопедия ва травматология кафедраларининг очилиши мутахассислар этиинтириб бериш билан бирга, тиббиёт фанининг бу соҳасини ривожлантиришга имкон яратди.

**Онкологиянинг қисқача тарихи.** Туркистанда онкология хизматининг ривожланиши проф. П. Ф. Боровский номи билан боғлиқ, бироқ мунтазам даволаш ва онкологияга қарши профилактик ишлар, онкология, рентгенология ва радиология соҳасидаги илмнинг тарақ-

қий этиши 1931 йилда Ўзбекистон рентген-радиология ва онкология институти ва диспансернинг очилишидан бошланди.

1946 йилда Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти қошида, сўнгра тиббиёт институтлари қошида ҳам онкология ва рентген-радиология кафедралари ташкил этилди. Ҳозир Онкология илмий-текшириш институти проф. С. Н. Наврўзов томонидан бошқашиб келинмоқда.

**Нейрохирургиянинг қисқача тарихи.** Ўзбекистонда, дастлаб, II Жаҳон уруши давригача нейрохирургик шошилинч ёрдамни мутахассислар М. С. Астрор, М. А. Захарченко, Л. Я. Шаргородскийлар, кейинчалик нерв ўсмаларининг оператив давосини И. И. Орлов ва А. С. Умаровлар неврология бўлимлари ичида ташкил этганлар ва биринчилардан бўлиб асаб касалликлари кафедраси таркибида фаолият кўрсатганлар. Нейрохирургия фан сифатида II Жаҳон уруши даврида ривожлана бошлади.

И. И. Орлов катта эвакогоспиталларда нейрохирургия бўлимини ташкил қилишда ва уларда юқори малакали ихтисослашган ёрдам кўрсатишда катта хизмат кўрсатган. Бу даврда П. О. Эмдин, Г. А. Рихтер, Ю. Я. Калужнийлар нейрохирургик хизматни ривожлантиришга катта ҳисса кўшганлар. 1946 йилда республикада Травматология ва Ортопедия илмий-текшириш институти қошида 60 ўринли нейрохирургия бўлими очилган ва унга проф. А. Г. Тишин раҳбарлик қилган. Бу бўлимда мутахассислардан А. А. Букейхонова, М. М. Мақсадов, М. Ҳ. Қориев, А. С. Мирсодиқов ва бошқалар фаолият кўрсатганлар. 1968 йилда республика ва вилоятларда нейрохирургия бўлимлари очилди. 1982 йилда Республика нейрохирургия илмий маркази проф. М. Ҳ. Қориев томонидан ташкил қилинди ва ҳозиргача фаолият кўрсатиб келмоқда. Республика изда болалар нейрохирургиясининг ташкил топиши ва ривожланиши проф. А. С. Мирсодиқов номи билан боғлиқ.

### **Мамлакатимизда хирургик ёрдамнинг ташкил этилиши**

Ўзбекистоннинг вилоят шифохоналарида кўп тармоқли ихтисослаштирилган хирургик бўлимлар мавжуд.

Уларда хирургик ёрдам қўйидагича ташкил этилган:

— Қишлоқ шифокорлик пункти (ҚШП) ёки қишлоқ шифокорлик амбулаториясида (ҚША) хирург кўргунга қадар кечикириб бўлмайдиган биринчи тиббий хирургик ёрдам кўрсатилади.

— Участка касалхоналарида кечикириб бўлмайдиган хирургик ва травматологик ёрдам кўрсатилади, ҚШП, ҚША ва участка касалхоналари туман марказий касалхоналари назорати остида фаолият кўрсатади.

— Туман марказий касалхоналарида кечикириб бўлмайдиган ва режали хирургик ҳамда травматологик ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатилади.

— Вилоят, шаҳар ва республика касалхоналарида кечикириб бўлмайдиган ва режали хирургик ёрдамдан ташқари, тор ихтисослаштирилган хирургик ёрдам ҳам кўрсатилади.

— Республика тибиёт институтлари, Илмий-текшириш институтлари, Хирургия илмий марказларида ва республика клиник касалхоналарида кечикириб бўлмайдиган ва ихтисослаштирилган хирургик ёрдам кўрсатилиши билан бир қаторда, хирургияга оид илмий муаммолар ҳам ҳал қилинади.

### **Шошилинч ҳамда кечикириб бўлмайдиган хирургик ва травматологик ёрдамни ташкил қилиш**

Кечикириб бўлмайдиган биринчи хирургик ёрдам — шаҳар, вилоят ва туман поликлиники, касалхонаси, травматология пункти ва тез тиббий ёрдам бригадаси томонидан кўрсатилади. Қишлоқда бу ёрдам фельдшер-акушерлик пунктida — фельшер, ҚШП ва ҚШАда тезда — умумий амалиёт шифокори, тез тиббий ёрдам бригадасида — хирург ва травматолог, участка ёки туман марказий касалхонасида — мутахассис хирург томонидан кўрсатилади. Юқори малака талаб қиласидан кенг кўламдаги хирургия ёрдами маҳсус операция хонаси бўлган туман, шаҳар, вилоят касалхоналарининг хирургия бўлимларида вилоят ва республика санитар авиацияси орқали тажрибали ихтисослашган мутахассис хирург, травматолог, нейрохирург, анестезиолог ва реаниматологлар чақирави билан амалга оширилади. Республика ва вилоят клиник касалхоналарида эса тор хирургик ихтисослашган бўлим, илмий марказ ва маҳсус илмий-текшириш институтларида — юқори малакали мутахассис, доцент, профессор ва академиклар томонидан амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда республикамизда миллий дастур режалари асосида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш икки йўналишда, кечикириб бўлмайдиган ва режали тиббий хизмат орқали амалга оширилмоқда. Бу борада Республика марказида тез тиббий ёрдам кўрсатиш илмий-текшириш институти маркази фаолият кўрсатмоқда. Вилоятларда унинг филиаллари ташкил қилинган ва улар туман марказий касалхоналари фаолиятини ҳам ўз ичига олади. У ерда оғир касалларга барча тиббий йўналишлар бўйича бир жойда (бўлимда, касалхонада) шошилинч ёрдам кўрсатилади. Беморлар даволаниб бўлганидан (йўига жавоб берилганидан) кейин лозим бўлса, маҳсус ихтисослашган бўлимларда ва реабилитация марказларида қўшимча даволаниб, асоратсиз тузалиб кетадилар.

Шошилинч тиббий хизматга муҳтож бўлмаган режали касаллар эса маҳсус ихтисослашган хирургик (торакал, абдоминал, йирингли, урология, проктология, ортопедия, гинекология) бўлимларда ва илмий-текшириш институтларида хирургик йўл билан тўлиқ даволаниб чиқадилар.

## **Ихтисослаштирилган хирургик ёрдам күрсатиши**

Махсус хирургик ёрдам күрсатиши хирургиянинг айрим соҳаларида, шу жумладан, онкология, гинекология, сүяқ-бўғим сили, травматология, ортопедия, нейрохирургия, эндокринология, болалар хирургияси, ўпка, юрак қон-томирлар хирургияси, микро ва йирик хирургия клиникаларида, шунингдек, кўпинча, республикадаги ихтисослаштирилган илмий марказларда тўла-тўқис олиб борилади.

### **Хирургик ёрдам күрсатишида фельдшер (акушер) ва ҳамиширигининг туттган ўрни**

Тўсатдан авж оладиган огир касалликлар ва баҳтсиз ҳодисалар (жароҳатланиш, заҳарланиш, куйиш, қон кетиши, ҳушдан кетиши) ҳаётда доимо учраб туради. Бундай ҳолларда шошилинч тиббий ёрдам күрсатиши фельдшер ва акушердан юқори малака талаб қиласди. Фельдшер (акушер) ва ҳамишира саломатлик марказларида, тез тиббий ёрдам машинасида, фельдшер ва акушерлик пунктларида мустақил даволаш-профилактика ишларини бажаришда, ҳамишира ташхисини ўтқазишида, бирламчи тиббий ёрдам беришда ва беморни тегишили тиббий – даво муассасаларига юбориш каби асосий тиббий хизматларни бажаради.

Ҳамишира (фельдшер)нинг хирургик хизматни амалга оширишдаги умумий тадбирларига қўйидагилар киради:

1. Ҳавфли хирургик касал гуруҳларни аниқлаш, оммавий ахборот воситалари ёрдамида аҳоли ўртасида тушиунириш ишларини олиб бориш, ўсма билан касалланган беморларни аниқлаш.

2. Ҳамишира қўйидаги ҳолларда беморни умумий амалиёт шифокори ёки тор мутахассисларга йўллайди: шикастлар, куйишлар, совуқ уриши, электр токидан шикастланиш, аэроп ва анаэроб инфекция, сепсис, сил, қон кетиши, „ўтқир Қорин“ оғриғи, чурра қисилиши синдроми, ичак тутилиши, асцит, ўсмалар, гангrena, тромбоз, эмболия, яралар, оқмалар, буйрак ва сийдик йўллари тош касалликлари, қовуқ шикастлари, цистит, простатит, облитерацияловчи эндартрет, веналарнинг варикоз кенгайиши ва ҳ.к.

3. Ҳамишира қўйидаги амалий кўнікмаларни бажара олиши лозим бўлади: кўл ва операция майдонини заарсизлантириш, стериллаш, bemорни наркоздан сўнг парваришлаш, инфузия ва трансфузия, қон гуруҳи, Rh омилни ва биологик мослиқни аниқлаш, боғлов усууллари, қорин ва плевра бўшлиғини функция қилиш, йирингли бўшлиқларни очиш, жароҳатни дренажлаш, қовуқни катетерлаш, цистоскопияга стерил асблоблар тайёрлан.

4. Реабилитация ва диспансеризацияда фаол қатнашиш. Яллигланишга қарши дори-дармонларни қўллаш, физиотерапевтик даволаш, ампутациядан кейинги чўлтоқни, илиостома, колостома, гастростома, эпицистостомани парвариш қилиш.

Хамшира билиши керак бўлган амалий қўникумаларга қўйи-  
дагилар киради:

— психолигик мулоқот; наркотик воситалар юбориш; ингалятор  
қўллаш; жгут қўйиш; қон кетган вақтда уни тўхтатиш; кўкрак қафасини  
массаж қилиш; кислород бериш; ошқозонни ювипи; тиббиёт  
хужжатларини тўлдириш; хуқнанинг турли усулларини қўллаш, сунъий  
нафас олдириш; аналгетикларни қўллаш; аспептик боғлам қўйиш; ан-  
тигистомин препаратларини қўллани; юракни билвосита массаж қи-  
лиш; тилтутқичини қўллаш; оғир беморларни парваришини тўғри  
ташкил қилиш; шифокор томонидан буюрилган даволаш ва  
текшириш муолажаларини тўғри ва аниқ бажариш; жароҳатланишини  
олдини олиш ҳамда ётоқ яраларини тўғри парвариш қилиш ва ҳ.к.

**Қишлоқ (шаҳар) шифокорлик пункти фельдшери қўйидаги ҳол-  
ларда тайинланади:**

— қишлоқ (шаҳар) шифокорлик пункти фельдшери лавозимига  
ўрта тиббиёт билим юртини „даволаш иши“ мутахассислиги бўйича  
битирган мутахассис тайинланади.

— худудий бошқарув соғлиқни сақлашни муассасаси раҳбари мав-  
жуд тартиблар асосида фельдшер мутахассисни лавозимга тайинлайди  
ва бўшатади.

**ҚШПда фельдшернинг умумий вазифалари:**

— қишлоқ (шаҳар) шифокорлик пунктига бириткирилган аҳо-  
лига шифокор кўригигача бўлган тиббий ёрдам кўрсатиш;

— шифокор бўлмагандага беморларни амбулатор қабул қилиш,  
касалларга ва ҳомиладорларга уйда тиббий ёрдам кўрсатиш;

— қишлоқ (шаҳар) шифокорлик пунктида шифокор йўқлигига  
касалнинг олдига бошқа даволаш-профилактика муассасаларидан ке-  
рак бўлган мутахассисни чақириш ёки касални шифокор олдига  
олиб бориш;

— шифокор тавсияларини бажариш;

— беморни шифокор кўригига тайёрлаш;

— соғлом аҳоли ва касаллар диспансеризациясида қатнашиш;

— лаборатория текшируви усулларини ўзлаштириб, уни қишлоқ  
(шаҳар) шифокорлик пунктида ўтказиш;

— қишлоқ (шаҳар) шифокорлик пунктидаги физиотерапия ап-  
паратларининг ишлатилишини ўзлаштириб, беморларни даволашда  
қўллаш;

— эпидемияга қарши қураш муассасалари маълумотларига биноан  
юқумли касалликлар билан касалланганларни, улар билан мулоқотда  
бўлганларни ва юқумли касалликка чалинган леб гумон қилинган  
беморларни аниқлаш мақсадида уйма-уй юришларда қатнашиш;

— соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишда тиббий тушун-  
тириш ишларини олиб бориши;

— назоратдаги муассасалар ва корхоналардаги жорий санитария  
назоратида қатнашиш;

### **Фельдшернинг ҳуқуқлари:**

— ўз соҳасидаги ва мутахассислик талабларига риоя қилган ҳолда беморлар текшируванин ўтказиш, ташхис қўйиш, даволашни тавсия қилиш, даволаш, шифокор муолажаларини бажариш ва профилактик ишлар олиб бориш;

— қишлоқ (шаҳар) шифокорлик пунктида шифокор йўқлигига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда касаллик варақаларини, маълумотларни ва бошқа тиббий ҳужжатларни тайёрлаб бериш;

— қишлоқ (шаҳар) шифокорлик пунктида бўлим бошлиги йўқлигига ўрта тиббий ходимларга фармойишлар ва кўрсатмалар бериш;

### **ҚШПи доясининг умумий вазифалари:**

— ҳомиладорларга ва гинекологик касалларга тиббий ёрдам кўрсатиш;

— ҳомиладорларни ва гинекологик касалларни вақтида аниқлаш;

— аёлларнинг амбулатор қабулини олиб бориш;

— ҳомиладорларни ва түққан аёлларни уйида патронаж қилиш;

— аёлларга кечиктириб бўлмайдиган акушерлик ва гинекологик ёрдам кўрсатиш, шифокорни маслаҳатга чақириш ва кейинчалик даволаш- профилактика муассасаларига кузатиб бориш;

— қишлоқ (шаҳар) шифокорлик пунктида ва уйда гинекологик касалларни назорат қилиш;

— ўткир хирургик касаллкларда ва нохуш ҳодисалар (жаро-ҳатланиш, қон кетиши, заҳарланиш ва бошқалар)да беморларга биринчи ёрдам кўрсатиш, кейинчалик шифокорни чақириб ёки яқинроқда жойлашган даволаши-профилактика муассасасига етказиш, зарурият бўлганда кузатиб бориш;

— ҳомиладорларни ва гинекологик касалларни шифокорларга ва даволаши -профилактика муассасаларига ўз вақтида юбориш;

— аёлларни профилактика кўриклиридан ўтказишда қатнашиш;

— шифокорлар тавсияларини бажариш;

— шифокорнинг режали кўригига ҳомиладорларни ва гинекологик касалларни тайёрлаш;

— ҳомиладорларга ва гинекологик касалларга даволаш -профилактика ёрдами билан боғлиқ бўлган айрим лаборатория текширувlarини ўтказиш;

— гинекологик касалларга физиотерапия муолажаларини ўтказиш;

— аҳоли орасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, оиласи режалаштириш, табиий овқатлантириш, ҳомиладорлик ва эмизизи пайтида сифатли овқатланиш, болаларда туфма нуқсонларни ва насл касалликларининг олдини олиш ҳақида тиббий-оқартув ишларини тарғибот қилиш;

### **ҚШПи дояси ҳуқуқлари:**

— ўз соҳасидаги ва мутахассислик ҳуқуқларига тегишли тартибда текширувлар ўтказиш, ташхис қўйиш, ҳомиладорликнинг

муддатини аниқлаш, даволашни тавсия қилиш ва даволаш, шифокор мулажаларини бажариш;

— ўрнатилган тартибда маълумотномаларни ва бошқа тиббий ҳужжатларни бериш;

— доя қишлоқ (шаҳар) шифокорлик пункти мудирига бевосита бўйсунади. Доянинг ишини қишлоқ (шаҳар) шифокорлик пункти-нинг фаолият доирасига кирадиган акушер-гинекологик ёрдамини кўрсатиш масъулияти юқлатилган акушер-гинеколог ва бошқа шифо-корлар бошқаради;

— доя ўз мутахассислиги бўйича савиясини ошириб бориши ло-зим.

— Доя ўз соҳасига тегишли бўлган ҳужжатларни ўрнатилган тар-тибда юритади, қишлоқ (шаҳар) шифокорлик пункти мудирига акушер-гинекологик ёрдам бўйича ҳисоботлар тақдим этади;

— қишлоқ (шаҳар) шифокорлик пунктида ҳамшира йўқлигига доя ўзининг вазифаларидан ташқари, бир ёшгача бўлган болаларнинг соглигини ва ривожланишини назорат қиласди;

— қишлоқ (шаҳар) шифокорлик пункти мудири дояни ўз соҳа-сидаги ва мутахассислик ҳуқуқларига тегишли миқдорда пунктига юқлатилган „Доя Низоми“да кўзда тутилмаган вазифаларни бажариш учун жалб қиласди.

### **Фавқулодда ҳолатларда ҳамширанинг фаолияти**

Қисқа муддатга хушдан кетиш — бош миядда қон айланishi-нинг ўтқир етишмовчилиги оқибатида содир бўлади. Бу ҳолат одам қаттиқ чарчаганда, кўрққанда, ҳавоси оғир хонада бўлганда юз беради. Бу ҳолат, кўпинча, камқон, юқумли касалликлардан энди тузалган беморларда кузатилади. Бунда беморнинг боши айланади, кўнгли айнийди, кўз олди қоронгилашиб ҳушини йўқотади. Беморнинг ранги кескин оқариб, бадан териси совуқ тер билан қопланади, оёқ-кўллари совийди, томир уриши тез ва кучсиз бўлиб қолади. Одатда, хуруж 20 — 40 секунд давом этади ва бемор ҳушига келади. Бундай ҳол-ларда bemornинг ёстиги олиниб, каравотининг оёқ томони кўтариб қўйилади. Дераза очилиб, bemor кўйлагининг ёқалари ечилади, юзига, кўкрагига совуқ сув пуркалади, новшадил спирти ҳидлатилади. Тадбирлар самара бермаса, шифокор чақирилади.

Шок сўзи — „туртки“ деган маънени англатади. Бу атама шартли равишда келиб чиқиши ҳар хил бўлган қатор ўхшаш клиник ҳолат-ларни билдиради. Шок организмнинг асосий ҳаётий функциялари бўлмиш қон айланishi ва нафас олишнинг бузилиши билан белги-ланади. Шокка қон йўқотиш, оғриқ, қонсизланиш, тўқималардан сўрилган парчаланиш маҳсулотларидан заҳарланиш каби омиллар сабаб бўлади. Клиника амалиётида кардиоген, травматик анафилактик, ку-йиш, теморрагик жароҳат ва бошқа шок турлари учраб туради.

Шок босқичли жараён бўлиб, унда эректил ва торлид босқичлар бир-биридан фарқланади.

**Эректил босқич** жароҳатдан кейин бирдан ривожланади ва бунда беморда ўзига ва атрофдаги воқеаларга танқидий муносабат йўқолади. Терининг ранги оқарган, томир уриши тезлашган, қон босими нормал, баъзан юқори бўлади. Эректил босқич 10—20 дақиқа давом этади ва торпид босқичга ўтади.

**Торпид босқичда** bemorning қон босими пасаяди, қўзгалиш каражтлик билан алмашинади. Шок динамик жараён бўлиб, енгил босқичида даволанмаса, у оғир босқичга ўтиб кетини мумкин.

#### **Биринчи ёрдам:**

- нафас йўлларини тозалаш ва ҳаво ўтишини таъминлаш;
- ташқи қон кетишини тўхтатиш;
- оғриқсизлантириш;
- иммобилизация;
- тез фурсатда касалхонага етказиб бориш.

Қон кетини ички, ташқи ва яширин бўлиши мумкин. Ички қон кетиши — организм бўшлиқларига қон кетганда, ташқи қон кетиши — бутунлиги бузилган тери ва шиллик қаватлардан қон оқканда, яширин қон кетиши ичаклардан қон кетганда содир бўлади.

Меъданда қон кетганда қон қусиши кузатилади. У меъда ва ўн икки бармоқ ичак ярасининг ёки жигар касалликларининг асорати сифатида юзага чиқади. Қон кўп кетганда bemorning аҳволи ёмонлашади, дармони қурийди, кўз олди қоронгилашади, боши айланади, кўнгли айнийди, ташна бўлади ва ҳатто қисқа муддатга ҳушидан кетини мумкин. Bemorning ранги оқарган, томир уриши тезлашган, кучсиз ҳолатда бўлади. Бундай ҳолларда тезда шифокорни чақириш керак. Шифокор келгунча bemorni ётқизиб, меъда соҳасига музли халтacha қўйиб, унга дори-дармон, овқат бермасдан тинчлантиришга ҳаракат қилиш керак. Ичакдан қон кетганда ахлатга қон аралашиб келиши ёки ахлат ўрнига қон келиши мумкин. Бунда bemorni ўринга ётқизиб, қорнига совуқ нарса қўйиш, ахлатни эса шифокор келгунча сақлаш керак бўлади.

Ўпкадан қон кетганда оғиздан оч қизил рангли кўпиксимон кон ажралиб чиқади. Бу ўпка силида, ўсмаларда, юрак порогида ва қатор бронх касалликларида учрайди. Агар қон кетиши кучли бўлса, кетаётган қон бронхларни бекитиб қўймаслиги учун bemorni қорни билан ётқизиб, каравотининг оёқ томонини 40 — 60 см баланд қилиб кўтариб қўйилади.

Агар bemorning аҳволи унчалик оғир бўлмаса, унинг қаддини баланд қилиб ўтқизилади. Bemorga муз бўлакчалари ютиш, совуқ сув ичиш, тўш соҳасига музли халтacha қўйиш тавсия қилинади. Хирургия бошқа тиббиёт фанларидан фарқли ўлароқ ўз хусусиятига эга бўлиб, бунда bemorni операция қилиш керак бўлади. Операция қилишида асептика ва антисептика қоидаларига катта эътибор берилади. Аксинча, унинг муҳимлигига етарлича баҳо бермаслик операция жароҳатининг йиринглаб кетишига ва бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлади.

Хирургик хизматни күрсатиш ва уни ташкиллаштириш жара-әни бүйича шошилинч, кечикириб бўлмайдиган — аппендицит, ичак тутилиши, перетонит ҳамда режали касални обдан текшириб, кейин оператив даво ўтказиш турларига бўлинади. Булар тўгрисида тўлиқ маълумотлар кейинги бобларда кенг баён қилинади.

### **Хирургияда тиббиёт этикаси ва деонтология**

Ҳар бир тиббиёт ходими инсон ва жамият олдидаги катта жавобгарлик ҳиссини ҳар доим сезиб турмоғи лозим. Шуни ёдда тугиш керакки, даволашнинг мувафаққияти ва самарадорлиги беморнинг тиббиёт ходимларига бўлган ишончига боғлиқ, ваҳоланки, тиббиёт касалликни эмас, балки беморни даволайди. Даволашнинг ҳар бир поғонасида бемор онгига соғайишга ишонч ҳиссини сингдириб бориш ҳар бир инсонпарвар тиббиёт ходимининг бурчидир, инсонпарварлик эса тиббиёт касбининг ажралмас ҳусусиятидир.

Этика сўзи грекча — „aethos“ деган сўздан келиб чиққан бўлиб, урф-одат, ахлоқ деган маънони билдиради. Тиббиёт этикаси эса тиббиёт ходимлари фаолиятидаги инсонпарварликда акс этади.

Тиббиёт инсоният тарихидаги энг дастлабки касблардан бўлиб, инсонни даволашда у жуда бой тажриба тўплади ҳамда инсоният фаолиятидаги бошқа касблардан ўзига хослиги билан алоҳида ажрадиб туради.

Ўрта асрларда ижод қилган буюқ ҳаким Абу Али ибн Сино тиббиёт ходимларининг ҳулқига катта эътибор бериб, тиббиёт ходимининг алоҳида жисмоний ва руҳий фазилатларга эга бўлиши тўгрисида қўйидаги фикрларни айтган: „... ҳакимда бургутнинг қўзи, қизларнинг моҳир қўли, илоннинг донолиги ва шернинг юраги бўлиши керак“. Бундан ташқари, табибларнинг ахлоқ фазилатлари ва бемор билан бўладиган муомаласидаги ҳусусиятлари ҳақида тўхтабиб, ҳакимларга касалликдан ва уни даволашдан кўрқиш ҳиссини бемор онгидан узоқлаштириш учун қўлидан келган барча зарур чора-тадбирларни кўришни маслаҳат берган ва ҳатто мусиқадан даволаш воситаси сифатида фойдаланишни тавсия этган. Аллома „бемор борки, сўз билан даволаса бўлади“, деган эди.

Тиббиёт этикаси қадимги Юноностонда жуда ривожланган. Буни Гиппократ қасамёдидаги ҳам кўриш мумкин. Тиббий қасамёд бўлғуси тиббиёт ходимларини тайёрлашда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, тиббиёт этикасининг ривожланишига катта ижобий таъсир кўрсатади ва кейинчалик тиббиёт институтлари, билим юртларини битириб чиққан талабаларнинг қасамёдига айланган.

Тиббиёт этикасининг асосий вазифалари — жамият ва фуқароларнинг фаровон яшаси йўлида ҳалол меҳнат қилиш, ҳамиша ва ҳар қандай шароитда беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш, уларга дикқат-эътибор ва гамхўрлик билан муносабагда бўлиш, ўзининг барча хатти-ҳаракатларида, муомаласида олижаноблик, инсонийлик

қонун-қоидаларига риоя қилиш, тиббиёт ходимининг юксак вазифаси ва бурчини англаб етиш, ўз Ватанига, ҳуқуматига меҳр-муҳаббат ва садоқатни тарбиялаш, юксак инсонпарварлик касбининг олижаноб анъяналарини давом эттириш, уни сақлаш ҳамда бойитиш, тиббиёт ходимини кўтаринки меҳнат руҳида тарбиялашнинг мавжуд барча воситаларини умумлаштириш ва янгиларини ишлаб чиқишидир.

Тиббиёт ходимининг ташқи қиёфаси ҳам катта аҳамиятга эга. Кийимларни пала-партиш кийиш, халатнинг ифлослиги, тирноқларнинг кирлиги ва ўсиб кетганлиги тиббиёт ходимлари фаолиятида йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатлардир. Ажойиб шифокор ва ёзувчи А. П. Чехов: „Шифокорлик касби бу жасоратdir, у ҳамма нарсадан воз кечишни, қалб мусаффолиги ва фикр соғлигини талаб этади. У ақлан доно, маънан пок ва жисмонан тетик бўлиши лозим“, — деб ёзган эди.

Деонтология (юнонча *dentos* — зарур, лозим бўлган нарса, *logos* — таъминот) — тиббиёт этикасининг бир қисми бўлиб, тиббиёт ходимиининг ахлоқ-одоби, ўзини тута билиши ва муомаласини амалий фаолиятида қўллай билишидир.

Тиббий деонтологиянинг асосий вазифалари:

- тиббиёт ходимлари хулқ-авторини, беморларни даволаш натижаларини яна ҳам яхшилашга қаратилган йўл-йўриқларни ўрганиш;
- тиббий фаолиятидаги нокулай омилларга чек қўйиш;
- тиббиёт ходимлари билан бемор ўртасида ўрнатиладиган ўзаро муносабатлар мажмунини ўрганиш;
- самарали бўлмаган тиббий фаолиятнинг зарарли оқибатларини тутгатиш.

Ер юзида тиббиёт ходими фаолиятидек меҳр, юрак ҳисси, ақл-идрок, билим билан қўшилиб кетган бирорта касб йўқ. Гёте шундай деб ёзган эди: „Буюк ва олижаноб ақл-идрок, билим олдида бош эгмаганман, олижаноблик, инсонпарварлик олдида эса тиз чўкаман“. Хушмуомалалик ва одобиликда намоён бўладиган меҳр иссиқлигидек, инсон фазилати бошқа касбларга нисбатан табобат учун сув ва ҳаводек зарурдир. Хитой мақолларидан бирида: „Доно бўлмаса ҳам, одобли бўлиш мумкин, аммо одобли бўлмай туриб, доно бўлиш мумкин эмас“, — дейилади.

Гиппократ тиббиёт ходимлари ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида шундай деган эди: „Нима иш қилмоқчи бўлсанг, уни хотиржам ва пухта бажар. Беморни керак пайтида кўнглини ол, яхши, қувноқ гаплар билан кайфиятини кўтар, айrim пайтларда — шароит шуни тақозо қилса, bemornинг талабларини қатъий рад қил, бошқа вақтларда эса уни тинчлантири“.

Деонтология жараёнларини такомиллаштиришда шифокорнинг ўрни алоҳидадир. У bemорни текширади, ташхис қўяди, унга доридармон, парҳез буяради, маслаҳатлар беради, касалликнинг кечишини кузатади, ўрта тиббиёт ходими эса шифокор тайинлаган топшириқ ва

күрсатмаларни бажаради. Бемор билан шифокор ўргасида ишонч пайдо бўлишида ҳамширанинг роли жуда каттадир. Ҳамшира гамхўр, ширин сўз бўлиб, этика меъёрларига риоя қилиши, сабр-тоқатли ва ўз-ўзини тута билиши, шифокор ва даволаш муассасаси обрў-эътиборини оширишга ҳисса қўшиши, табобат сирини сақдай билиши шарт.

Тиббиёт ходимининг сўзи bemorning даволанишида доим мұхим ўрин тутиб келган. Беморга айтилган ҳар бир ширин сўз унинг кўнглини тинчлантириши, соғайишга умид уйготиши лозим. Баъзан тиббиёт ходимларининг ўйламасдан айтиб юборган сўзлари bemorda касаллик чақиради, бу ятрогения деб аталади. Ятроген касалликнинг асосий сабабчиси — умумий тиббий маданиятнинг етишмаслиги, шошма-шошарлик, вақтнинг камлиги, bemorغا касалликнинг ёмон ташхиси ёки оқибатини, таҳдилларнинг натижаларини айтиб қўйиш ва бошқалардир.

Беморлар одатда тезда кўнгли оғрийдиган ва тиббиёт ходимининг ҳар бир сўзини ўзига оладиган бўлиб қолади. Кўп мартараб руҳиятнинг таъсиrlаниши ва касалланиши, атроф-муҳитни эса нотўгри талқин қилиши туфайли bemorга тиббиёт ходими айтган ҳар бир қўпол сўз катта зарар келтиради.

Айрим пайтларда тиббиёт ҳамшираси bemor билан бўлган сұхбат чоғида bemorga касалликнинг ёмон оқибати, текширишларнинг ёмон натижалари ҳақида айтиб юборади ва кўпинча, bemorlar қўлига ҳатто хавфли, оғир касалликдан дарак берувчи таҳлил натижаларини ҳам бериб қўяди. Bemor қандай касаллик билан касалхонага ётмасин, ҳар доим тиббиёт ҳамшираси uning ruҳий ҳолати ва кечинмаларини тушуниши, англаб етиши ва гаплашгандага эҳтиётлик билан, тиббий сирни сақлаб гапириши керак.

Агар bemorda онкологик касаллик бўлса, эҳтиёткорлик ва хуш-феълик билан муомала қилиш зарур. Bemor тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган бўлса, uning тиббий ёрдамга кеч келганини, касалликнинг ўтиб кетганини ва уни даволаш қийинлигини ачиниш ёки афсус билан айтиш ёки юз кўринишида ифода қилиш умуман мумкин эмас. Bu пайтда табобат унга тўлақонли ёрдам бера олмаслигини сездирмаслик керак.

Ҳамшира ўлаётган bemor олдида uning хушсизлигини назарда тутиб, bemorning касаллиги, кечиши ва салбий оқибати тўғрисида bemorxonada шу ташхис билан ётган bemorlar олдида гапириб юбормаслиги лозим. Bemorlar эшитганини ўзига қаттиқ олади ва натижада уларнинг касаллиги оғирлашади. Шунинг учун тиббиёт ҳамшираси „сўз — ҳам даволаши, ҳам кўнгилни жароҳатлаши“ мумкинлигини доимо ёдда тутиши керак. Bemor олдида нимаики гапирилса, хотиржамлик, вазминлик билан гапирилиши лозим. Bemorga ёки uning олдида, қўшни хонада қандай bemorlar ётгани ҳақида гапирмаслик ёки уни таҳлил қилмаслик керак.

Кўпинча тиббиёт ходимлари текшириш натижаларидан bemorni хабардор қилиб қўядилар. Bu нотўгри, албатта.

Қадимги юонон мақолида шундай дейилади: „Бир сўз айтишдан олдин икки марта ўйласанг, унда сен иккита яхши сўз айтган бўласан“. Буни ҳар бир тибиёт ходими доимо эсда тутиши зарур.

Шуни эътироф этиш керакки, табобат иши қанчалик яхни йўлга қўйилмасин; бирон-бир шифокор йўқки, каттагина илмий-амалий тажрибага эга бўла туриб, тоят эътиборли ва жиддий бўлишига қарамай, ўз фаолиятида ҳар қандай касалликни бехато даволаган бўлсин. Хатонинг ҳар бир турига қараб шифокор тегишли равишда ўз жазосини олади, яъни фуқаролик хатоси бўлса, кўрсатилган зарарнинг ўрнини қопланашда суд йўли билан ва маъмурий, жамоатчилик тартибида амалга ошириладиган жавобгарликка тортиш, агар маъмурий хато бўлса, жарима солиш, буюмларни мусодара қилиш, вақтинча вазифасидан бўшатиш билан чегараланилади. Агар интизомга доир хато бўлса, огоҳлантириш, хайфсан, қаттиқ хайфсан, қуи лавозимга ўтказиш, ишдан бўшатиш, ўкув юртидан ҳайдаш чоралари қўлланилади.

Тибиёт ходимлари республика жиноят кодексининг тегишли мoddаларида бевосита кўзда тутилган жиноятларни қасдан содир қилганда ва ўз фаолияти вақтида зарур бўлган эҳтиёткорликка риоя қилмаганда, эътиборсизлиги ёки ноҳақлиги туфайли ўз вазифаларини тўлиқ ёки етарли даражада бажармаганда жиноий жавобгарликка тортилади.

Тибиёт деонтологиясининг муҳим масалаларидан бири, бу шифокорликнинг сири масаласидир. Гиппократ қасамёдиди: „Мен даволаш чоғида, шунингдек бошқа пайтларда ҳам беморларнинг ҳаётига тааллукли бўлган ошкор қилиш мумкин бўлмаган нарсаларни кўрмасам ёки эшитмасам, демак, булар сир сақланадиган қарорлардан деб ҳисоблайман. Қасамёдимни сўзсиз бахараётганим учун мен ҳаётда ва фаолиятимда баҳтиёр бўлай, одамлар орасида абадий ҳурмат қозонай, қасамёддан чекинувчи ва ёлғон қасам ичувчилар учун бунинг тескариси бўлсин“, деб ёзилган.

Хирург ишининг хусусияти шундаки, у ҳар доим беморнинг ҳаёти ёки соғлиги ҳал бўладиган қисқа вақт ва ҳатто саноқли дақиқаларда қийин муаммоларни ечиши керак бўлади. Буларга фақат ташхис кўйишгина эмас, балки операция хавфи даражасини, у ёки бу ташхис қўювчи ёки даво муолажаларининг керак ёки нокераклигини аниқлаш, шошилинч операцияга бемор ва унинг яқинларининг розилигини олиш ва бошқалар киради. Бундай муаммоларни ҳал қилишида хирургдан зўр маънавий куч, билим ва тажрибаларни ишга солиш, бемор, жамоа ва жамият олдидаги бурчнинг нақадар масъулиятли эканлигини тушуниб этиш кабилар киради.

Хирургнинг имконияти кўпинча операциянинг муваффақиятли чиқишига ҳар доим ҳам кафиллик бера олмаслик, операция хавфи даражасини имкони борича камайтириш муаммоси ва бошқалар билан мушкулланиб туради. Бундай ҳолларда хирург ўзбилармонлик қилмай,

устозлари, ҳамкасблари, тажибалироқ хирурглардан маслаңат олиши, керак бўлса, уларни ёрдамга чақириши лозим. Албатта, бунда ёрдамга келган шифокор беморни кўрганда, операция пайтида ёки ундан кейинги даврда таъна қилмаслиги, хирург обрўйига путур етказмаслиги керак.

Айрим пайтларда, касаллик туфайли азоб чеккан, оғир кечин-маларга қўмилиб кетган бемор поликлиникадаги хирург хонаси ёки боғлаш хонасига, касалхонанинг қабул бўлимига ёки бошқа хона-ларнинг санитария ҳолатига, унинг жиҳозларига эътибор беради. Масалан, күшеткадаги фижимланган чойшаб, касаллик тарихи ёки амбулатория карталарининг сочилиб ётиши ва бошқалар беморнинг гашига тегади.

Тез тиббий ёрдамга мурожаат қўлганлар кўпинча рўй берган ҳодиса ёки касаллик туфайли ҳаяжонланган ёки кайфиятлари бузилган бўлиши мумкин, тиббиёт ходимлари бу ҳолатни доим ёдда тутишлари зарур. Бемор ёки унинг яқинлари тез ёрдам бригадасини албатта сабрсизлик билан кутадилар ва улар учун қисқа фурсат ҳам жуда узоқдек туюлади. Бундай пайтда тиббиёт ходимининг хатти-ҳаракати, муомаласи, юз ифодаси катта роль ўйнайди. Бир-икки оғиз ширин сўз билан бемор ва унинг яқинларини тинчлантириш, согайишига ишонч ва умид уйғотиш зарур, аммо бемор оғир аҳволда бўлса, яқинлари билан сухбат чогида ҳеч қачон унинг согайишига юз фоиз кафиллик бериш керак эмас.

Шошилинч хирургик касали бор беморни касалхонага топшириш босқичи мураккаб ва муҳим жараён ҳисобланади. Масалан, қабулхона бўлимига топширилган беморни навбатчи хирург зудлик билан кўрса ва тез ёрдам ташхиси тасдиқланиб, зудлик билан операция таклиф қилинса, операциядан воз кечиш ёки бошқа келишмовчиликлар бўлиши мумкин эмас. Аксинча, қабул бўлимидаги бемор узоқ вақт кўрилмасдан күшеткада ётса, бу бемор ва унинг яқинларида ишончсизлик, шубҳа туғдиради ва одатда, келишмовчиликларга сабаб бўлади.

Айрим ҳолларда беморнинг яқинлари табобат билимларидан хабарсизлиги, маданий савияси пастлигидан, хирургларни хуш кўрмаслигидан „буларга фақат кесин бўлса бас“ ёки „балки ўтиб кетар“ деган фикрга бориб, операциядан воз кечадилар ёки беморни касалхонага ётқизищдан бош тортадилар. Бунга деонтологик ва касб нуқсони деб қараш керак.

Одамлар орасида „қўли енгил хирург экан“, „иши доим ўнгидан келади“, деган ибораларни эшитамиз. Албатта, истеъдод билан билимни инкор этиб бўлмайди, ҳар иккаласи хирургда мужассам бўлса, „хирургик бахт“нинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Афсуски, шундайлар ҳам борки, улар ўзларининг хирургик фаолиятида фақат енгил хирургик беморларни танлаб операция қиладилар ва оғир беморлардан узоқроқ бўлиб, шу тариқа обрў-эътибор қозонмоқчи

бўладилар. Афсуски, бундай хирурглар халқ олдида ҳам, ҳамкаслари олдида ҳам тўла шон-шуҳратга эга бўла олмайдилар.

Хирургик стационарда ишлайдиган барча ходимлар, дарс ўтётган шифокорлар, ҳамширалар, талабалар ўзларининг ташқи кўриниши, ширинсуханлиги билан бошқаларга ўрнак бўлиши зарур.

Тиббиёт ҳамшираси беморни текширишда, уни турли хил операцияларга тайёрлашда, шифокор тайинлаган даво муолажаларини амалга оширишда ва беморлар парваришида бевосита қатнашади. Бемор билан мумомала қилган кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари бемор хаёлини оғир ўй-фикрлардан холи қилиши, чалгитиши, уни тетиклантириб, согайиб кетишига ишонч ўйготишни керак. Бунда, албатта беморнинг ўзига хос хусусиятларини ва ўша вақтдаги аҳволини ҳисобга олиш ҳам лозим; бир беморни чидаб туришга кўндириш керак бўлса (сал оғрийди-ю, лекин кейин енгил тортасиз), бошқасини ҳар хил гап-сўзлар билан чалгитиш керак бўлади.

Беморлар кўпинча ўрта ва кичик тиббиёт ходимларидан ўзининг ташхиси ва қандай натижа билан тугашини сўрашади. Беморнинг дарди оғир бўлса, айниқса унда хавфли ўсма (рак) касаллиги бўлса, буни унга айтиш мутлақо ярамайди. Касалликнинг қандай якунланишига келганда, ҳамиша комил ишонч билан „тузалиб кетасиз“, деб айтиш керак.

Беморнинг олдида у яхши туннунмайдиган ва кўнглида ваҳима ва қўрқинч ўйфотадиган: „шок“, „агония“, „қон туфлаш“, „гематома“, „коллапс“ сингари ибораларни ишлатмаслик керак. Наркотик уйқу ва ҳатто юзаки кома ҳолатидаги беморлар ҳам баъзан палатадаги гап-сўзларни эшлитиб, кўнглига тугиб қўйишини эсдан чиқармаслик керак. Чунки bemor кўнглига озор етадиган бўлса, бу унинг аҳволини оғирлаштириб қўйиши, баъзи ҳолларда эса даволанишдан бош тортиб, ҳатто ўзини-ўзи ўлдиришга уриниб кўришига сабаб бўлиши мумкин.

Гоҳо bemorлар бетоқат, даводан кўнгли тўлмай, гумонсирайдиган бўлиб қолишиади, уларда эс-хуш айниб қолиши, васвасага тушиб туриши мумкин. Ана шундай ҳолларда кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари сабр-тоқатли ва хушмуомала бўлишлари зарур. Бемор билан ҳеч қачон гап талашиб ўтириш ярамайди, лекин даволанишининг зарурлигини тушунтира олиш керак. Шу билан бирга ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари аҳволи унча оғир бўлмаган bemorларнинг интизомни, даво режимини бузишига, палатада чекишига, спиртли ичимлик ичишига йўл қўймасликлари, қаттиққўл бўлишлари, аммо қўполлик қилмасликлари лозим.

Ҳамширанинг ташқи қиёфаси катта аҳамиятга эга бўлиб, ишга келгандан кейин у дазмолланган тоза халат ёки мазкур муассасада одат бўлган кийимларни кийиб олади. Кўчада кийиб келган пойабзалини осон тозалаштиридан ва юрганда товуш чиқармайдиган шиппак ёки алоҳида туфлига алмаштиради. Сочларини маҳсус қалпоқ тагига бостириб олади. Саранжом ва озода ҳамшира қиёфаси bemor кўнглида завқ уйготади.

Аксинча, кийим-кечакдаги пала-партишлик, халатнинг кирбўлиши, қалпоқ ёки рўмол тагидан соchlарнинг чиқиб туриши. ҳаддан ошириб пардоз-андоз қилиш, тирноқларни ўстириш, бўяш эса бемор кўнглида тиббиёт ҳамширасининг юқори малакасига, унинг аниқ, тоза ишлай олишига шубҳа пайдо қилади. Бемор шубҳалари бундай ҳолларда кўпинча ўринли бўлади. Баъзан bemор оғирлашиб қолиши мумкин, лекин бу вақтда ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари саросимага ёки ваҳимага тушмасликлари керак.

Қандай ҳодиса рўй бермасин (шовуллаб қон кетиши, юрак ритмининг тўсатдан издан чиқиши, шок, агония, клиник ўлим ҳолатларида), тиббиёт ходимларининг барча хатти-ҳаракатлари жуда аниқ ва ишончли бўлиши керак. Вазият қанчалик хавотирли бўлса, шунчалик паст товушда гапириш керак. Ҳушидан кетмаган bemorgа, бақириқ-чақириқлар ёмон таъсир кўреатади; бу бошқа bemорларнинг тинчини бузади, ҳаяжонлантиради, уларнинг соглигига зарар етказади; булар bemorgа ўз вақтида ва малакати ёрдам кўрсатишга халақит беради.

Ҳамшира кўпинча bemорнинг қариндош-уруглари ва яқин одамлари билан мuloқотла бўлишига тўгри келади. Бунда ҳам эҳтиёткорлик талаб этилади. Bemordan дардининг тузалмаслигини ёки аҳволининг оғирлашиб қолганини яширган ҳолда буни унинг қариндошларига ётиги билан тушунтириш керак. Бироқ улар орасида ҳам bemор одамлар бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, улар билан гаплашганда ниҳоятда эҳтиёткор бўлиш лозим. Bemorni кўргани келган одамлар билан гаплашишдан олдин шифокор билан масла-хатлашиб керак.

Айниқса, телефонда гаплашганда эҳтиёт бўлиш, хусусан бирор жиддий хабарни айтмаслик, балки шифохонага келиб шифокор билан шахсан гаплашини кераклигини тушунтириш лозим.

Тиббиёт ҳамшираси малакасини доимо ошириб борини, даволаш муассасасидаги умумий муҳит эса бунга ёрдам бериши керак.



## II. ХИРУРГИЯ ИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

### Хирургик стационарнинг тузилиши

Хирургик бўлимни очишда даволаниши лозим бўлган bemорлар гурухини, қўлланиладиган операция усусларини ҳисобга олиш лозим бўлади. Умумий хирургик бўлимларда bemорлар ётадиган хонанинг кенглиги бир ўринга  $6,5 - 7,5 \text{ m}^2$  ни ташкил қилиши лозим. Xоналарда 2 — 4 тадан ўрин, изоляторда 1 — 2 та ўрин бўлиши ва уларда алоҳида ҳожатхона ҳам бўлиши мақсадга мувофиқ. Палаталардан ташқари бўлимда боғлаш ва муолажа хоналари, ошхона, буфет, ваннахона, тиббиёт ходимлари учун санитария шохобчаси, ҳамширалар ва шифокор хоналари бўлиши керак.

Туман ва шаҳар касалхоналарида очилган умумий хирургия бўлимида аҳолига юқори малакали стационар хирургик ёрдами кўрсатилади. Умумий хирургия бўлимининг қарийб 50% ини ўткир хирургик патология ва 20 — 40% ини шикастланиш ва суяк-бўғим аппарати касалликларига учраган беморлар ташкил қиласди.

Йирик клиникаларда ва илмий-текшириш институтларида ихтинослашган онкология, урология, проктология, торакал, абдоминал ва юрак-томирлар хирургияси, микрохирургия бўлимлари ташкил қилинади. Ўткир хирургик инфекцияси бўлган беморларни алоҳида бўлимга жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Чунки улар умумий хирургик бўлимда асептик операцияни бошидан кечирган беморларга инфекция тарқатувчи манба бўлиб катта хавф туғдиради. Маълумки, стационарга тушган хирургик касалларнинг 5%идаги патоген микроблар бир ойдан сўнг касалларнинг 70% ида, 1,5 ойдан сўнг 100% ида топилади. Шунинг учун беморни палатага жойлаштиришда касалхонага тушган вақтни ҳам ҳисобга олиш керак.

Умумий хирургия бўлимида асептик операция қилинган ва йирингли жароҳат инфекциялари билан касалланган беморлар учун алоҳида-алоҳида боғлаш хонаси ташкил қилинади. Боғлаш хонасида тоза халат, ниқоб ва қўлқоплар ишлатилиши, ҳар гал боғлам қўйилгандан сўнг хирург ва ҳамшира қўлни дезинфекция қилиши зарур. Бўлимда операция ёки боғлаш хонасида ҳаво алмашинишини таъминлайдиган кондиционер, ВОПР-0,9 ёки ВОПР-1,5 мосламалари қўлланилади, улар ҳавони мунтазам тозалаб туради. Кейин боғлов хонасида бактерицид лампаларни ишлатиш орқали ҳаводаги микроблар сони 15 дақиқада 7—10 мартағача камайтирилади.

### Палаталар ва уларнинг жиҳозланиши

Хирургия бўлимини жиҳозлаш ва ишни тўғри ташкил қилиш хирургик ёрдамга муҳтоҷ касалларни тўғри даволанида асосий омилардан бири ҳисобланади.

Хирургия бўлимларида режа бўйича 2—4 ўринли палаталар ажратиш кўзда тутилади. Бундан ташқари, оғир аҳволдаги ёки алоҳида ётқизилиши зарур бўлган беморлар учун 1—2 ўринли палаталар ажратилади.

Касалхонада ишлатиладиган мебеллар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак: касал учун қулай бўлиши, беморларни осон парвариш қилинни таъминлаши, бир жойдан иккинчи жойга осон сурилиши, сақлаш учун қулай бўлиши, касалларнинг турли ёшдаги гуруҳларига мувофиқ бўлиши, тозалаганда ва дезинфекциялаганда ишдан чиқмаслиги керак.

Касалхонада металл ёки ёғоч каравот асосий буюм ҳисобланади, унинг фиддираклиси жуда қулай (каравот фиддирагига ричаг ўрнатилган, унинг ўрнини ўзгартириш ва бир жойда сурилмайдиган қилиш ҳам мумкин). Бундай каравотни кичик ҳамширанинг ўзи ҳам осонтина

суралади. Ҳар бир каравотда металл ёки бўялган тахтачадан ясалган бош таглиги, шунингдек, бемор ўзи ўтириб-туриши учун каравот устида маҳсус осилма мослама ҳам ўрнатилган бўлади. Бундан ташқари, палатада стол-тумбочка ва курси бўлади. Оғир касалларни овқатлантириш учун олиб қўйиладиган каравот усти столчаси, қон ва суюқлик ампулалари осиб қўйиладиган таглик, юргизиладиган замбил, кресло ва шу қабилар бўлиши керак.

Кўпгина хирургик усууллар bemор учун хавотирли ва шикастлантирувчи бўлиб, хирургнинг моҳирлигидан ташқари, бир қанча хирургик чора-тадбирларнинг ташкил қилинганлигига, асбоб-ускуна ва аппаратлар билан жиҳозланишидан ташқари ишни ташкиллашибилганлигига боғлиқ бўлади.

Хирургик клиникаларда кейинги йилларда айлана шаклдаги бўлимлар кўплаб қурилмоқда. Унинг афзаллиги ўтиш жойларининг қисқариши ҳисобига ходимларнинг bemорлар билан мулоқот даврини узайтириши ва бунда бўлимлар яқин бўлиб, бир-бирига ўтиш кам вақтни талаб қилишидир. Мамлакатимизда шундай бинолардан бири акад. В.В. Воҳидов номидаги Республика Хирургия илмий марказидаги барокамерали бино ҳисобланади.

Замонавий хирургия бўлимлари, одатда, 60 ўринга мўлжалланган бўлади. Айрим ҳолларда 25 — 40 ўринли маҳсус хирургия бўлимлари ҳам мавжуд. Замонавий хирургик палаталар икки секциядан иборат бўлиб, улар зал, шлюз ёки коридор билан туташтирилади.

Бўлимда қўйидаги хоналар бўлиши кўзда тутилади: навбатчи ҳамшира пости ( $4\text{ m}^2$ ), муолажалар хонаси ( $18\text{ m}^2$ ), боғлаш хонаси ( $22\text{ m}^2$ ), ошхона (ўринлар сони bemорлар умумий сонининг 50 — 60% ини ташкил қиласи), ётоқхона жиҳозларини саралаш ва ишлатилган жиҳозлар, тозалаш воситаларини сақлаш хонаси ( $15\text{ m}^2$ ), ваннахона ( $12\text{ m}^2$ ), ҳуқна хонаси ( $8\text{ m}^2$ ), ҳожатхона (эркаклар, аёллар ва ходимлар учун алоҳида).

Бўлимда бўлим мудирининг хонаси ( $12\text{ m}^2$ ), ординаторлар хонаси ( $10\text{ m}^2$ ), катта ҳамшира хонаси ( $10\text{ m}^2$ ), хўжалик бекаси хонаси ( $10\text{ m}^2$ ) бўлиши лозим.

Институт клиникаларида профессор, доцентлар учун иш хонаси ва 10 — 12 кишига мўлжалланган асистентлар учун ўқув хоналари алоҳида бўлади.

**Қабулхона бўлими.** Bеморлар қабулхона бўлими орқали қабул қилинади ва касалликнинг турига қараб тегишли бўлимларга ётқизилади.

Қабулхона бўлимида регистратура, bemорларни бирламчи кўздан кечириш хоналари, 1 — 2 та ташхислаш палаталари, шунингдек, юқумли bemорлар учун изолятор, ванна (эркаклар ва аёллар учун алоҳида), тоза кийимлар ва bemорлар кийимини сақлаш хоналари бўлади.

Қабулхона бўлимида бемор санитария ишловидан ўтказилиб, гигиеник ваннага туширилади, унинг сочи педикулёзга текширилиб, бит, сиркалар бор-йўқлиги аниқланади ва беморга касалхона кийими кийдирилади.

**Умумий хирургия бўлими.** Хирургик беморлар маҳсус жиҳозланган ва ускуналар билан таъминланган хирургия бўлимларида даволанади. 20 – 25 ўринга мўлжалланган кичик участка ва туман касалхоналарида хирургия бўлими бўлади. Уларда шопшилинч хирургик ёрдам кўрсатинч, кичикроқ режали операцияларни бажариш имконини берадиган операция ва яра боғлаш учун маҳсус хоналар бўлади.

Хирургия бўлимида беморлар учун палаталар, операция блоки, боғлаш хонаси ва қўшимча хоналар – ванна, ошхона, буфет бўлади. Хирургия бўлимида совуқ ва иссиқ сув, марказдан иситиш системаси, канализация ва ҳавони тозалаб турадиган вентиляция бўлиши лозим.

**Травматология бўлими.** Шикастланган беморларни даволаш учун мосластирилган хирургик бўлимдир. Одатдаги бўлимдан фарқли равишда травматология бўлимида рентген, гипс боғлаш, аппарат хоналари, даво физкультураси, механотерапия ва физиотерапия хоналари бўлиши зарур.

**Травматология пункти.** Бир қанча касалхоналар ва поликлиникаларда маҳсус даволаш-профилактика бирлиги сифатида травматология пункти бўлиб, унда шикастланган беморларга травмотологик ёрдам кўрсатилади. Травматология пунктида травматолог учун маҳсус хона, операция, гипс-боғлов ва рентгенология хоналари бўлиши лозим.

Травматология пунктида бирламчи шифокорлик даражасидаги тиббий ёрдам кўрсатилади. Бунда суяқ синиқлари репозиция қилинади, оддий гипс боғламлари қўйилади, чиққан суяклар ўрнига солинади, кичикроқ жароҳатларга хирургик ишлов берилади. Бемор стационарда даволанишга муҳтож бўлганда уни травматология бўлимига юборилади. Травматология пункти ўз ҳудудидаги травматологик беморларни ҳисобга олади, улар стационардан уйига жўнатилгандан кейинги реабилитация ишларини олиб бориш, шунингдек, травматологик беморларни меҳнатга лаёқатли қилиш масалалари билан шуғулланади.

**Гипс-боғлов хонасида** одатда синган жой оғриқсизлантирилади, чиққан суяклар жойига солинади, гипс боғламлар қўйилади, синган суяклар тахтакачланади. Асептика нуқтаи назаридан гипс ва яра боғлов хонаси операция хонасига қўйиладиган талабларга мос келиши керак. Гипс-боғлов хонасида синган суякларни жой-жойига солиш, суякларни тахтакачлаш, гипс боғламларини қўйиш учун маҳсус аппаратура, кўчма рентген аппарати ва бошқалар бўлиши керак. Катта ҳажмдаги ускуналар (шитлар, каравот оёқчасига қўйиладиган тагликлар, бош остига қўйиладиган мосламалар, ён томондан тортиш учун мосламалар ва ҳоказолар) аппаратхонада сақланади.

**Операция блоки.** Операция блоки — хирургик бўлимнинг „юраги“ ҳисобланиб, қуидаги гуруҳларни ўз ичига олади.

1. Операция ўтказиладиган хоналар (операция зали, наркоз аппаратлари ва бошқа асбоб-ускуналар турадиган хона, операциядан олдинги ва бемор наркоздан уйғонгандан кейинги хоналар).

2. Хўжалик хоналари (кийим-кечак, асбобларни сақлаш, қон ва қон ўрнини босувчи суюқ препаратлар сақланадиган хона).

3. Тиббиёт ходимлари хонаси (операция ва боғлов материалларини тайёрлаш, автоклав, марказий стериллаш хоналари).

Операция блоки маҳсус ажратилган жойда бўлиб, хирургик ҳамда интенсив терапия бўлимлари билан коридор орқали тутангандан ва хирургия бўлими ҳамда озиқ-овқат шоҳобчасидан узоқда бўлиши лозим. Унинг деразалари шимол ва шимоли-гарб томонга қаратилган бўлиши керак. Бу ҳол операция хонасини йилнинг иссиқ кунларида қизиб кетишдан сақлайди, ходимлар ва беморлар учун қулай микроклим яратади. Операция блоки чанг ва шонқиндан ҳоли бўлиши учун бинонинг юқори қаватларига (иккинчи қаватдан паст бўлмаслиги керак) жойлаштирилади. Операция блоки йирингли зонадан имкони борича четда бўлиши, шунингдек, ҳар иккала зона учун айрим-айрим хоналар, кийим-кечак, жиҳозланиш материаллари, асбоблар бўлиши керак. Хирургия ёрдамининг ҳажми ва мақсадига қараб кўшимча рентген, сунъий буйрак, эндоскопия бўлимлари ташкил қилинади.

Операциянинг асоратсиз ўтишини таъминлаш учун операция блоки қуидаги уч зонага бўлинади:

**Биринчи зонага** асептика қоидаларига қатъий риоя қилиниши шарт бўлган хоналар, жумладан, операция зали, стериллаш хонаси, сунъий қон айланиш лабораторияси киради.

**Иккинчи зонага** операция зали билан узвий боғланган хоналар, жумладан, операция залидан олдинги хона, наркоз аппаратлари турадиган жой киради.

**Учинчи зонага** материал ва асбоблар, хирурглар ва ҳамширалар хонаси, санпропускник киради.

Учинчи зона иккинчи зона билан коридор орқали боғланади. Биринчи ва иккинчи зоналар бир-бири билан инфекциянинг палаталардан операция хонасига кириши йўлини тўсиш учун тамбур орқали боғланади.

Иккита операция хонаси бўлган ҳамда умумий операциядан олдинги ва стериллаш хоналари мавжуд бўлган операция блоки мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Замонавий хирургик стационардаги палаталар, операция блоки ва хоналарига қўйиладиган талаблар бошқа профилдаги тиббий йўналишлардан фарқ қиласди.

Хирургия бўлимидағи ишнинг ҳажмига кўра бир неча операция хоналари бўлиши мумкин. Бироқ тоза ва йирингли операция хоналари бўлишини кўзда тутиш лозим. Биргина операция хонаси бўлган жойларда дастлаб тоза операцияларни биринчи навбатда ўтказиш ва

Йирингли операциядан кейин хонани тұла-тұқис йигиштириб тозалаш шарт әкәнлигини унугмаслик керак. Иккита операция хонасига зәғ бүлган операция блокида йирингли операция хонаси худди тоза операция хонаси каби махсус йигиштириб тозаланади. Деворлари ва шипи чант тутилиб қолмаслиги учун мойли бүёк билан бүялади. Хонанинг полига кафель ёки керамик плиталар ётқизилади.

Замонавий операция хоналарининг деворларига оқ ёки пушти рангли махсус кафель плиталар ёпиширилади. Ҳозирги пайтда туман хирургия бўлимларида одатда иккита бир-биридан ажратилган тоза ва йирингли касалликларни операция қиласидаган заллар мавжуд. Операция зали бевосита операция ўтказиладиган жой бўлиб, таҳминан 100 ўринли хирургия бўлими учун  $40\text{ m}^2$  ли, кенг, ёруғ хона ажратилиши лозим.

**Иситиш.** Хоналарни радиаторлар билан бугда иситган яхши. Радиаторларда чант тўпланиб қолишига йўл қўймаслик учун уларнинг устини ўраш лозим. Операция хонасининг ҳарорати бир меъёрда —  $22-24^\circ\text{C}$  атрофида бўлиши шарт.

**Ёритиш системаси.** Операция хоналарига шимоли-тарбга йўналган, оч рангли бўёқ билан бўялган кенг дераза қуриш тавсия қилинади. Баъзи минтақаларда операция хоналари деразасиз бўлиб, уларда операциялар сунъий ёруғликда ўтказилади. Аммо сунъий ёруғлик хирургни тез чарчатиб, унга салбий таъсир қиласи. Операция хонасида умумий ва маҳаллий сунъий ёруғликдан фойдаланилади. Умумий ёритиш учун 400 лк ли панелли люминесцент лампалар ёки 200 лк ли лампалар қўлланилади. Маҳаллий ёритиш умумий ёритишдан 100 марта ортиқ бўлиши керак. Ҳозирги кунда шипга ўрнатиладиган, стационар, 4—7—9 ва 12 рефлекторли, соясиз ёритиш системалари мавжуд. Бу ёритиш системалари учун аккумуляторлар бўлиши лозим, чунки уларни умумий электр токи келмай қолганда қўллаш мумкин. Лампалар етарлича ёруғ бўлиши ва рангни бузиб кўрсатмаслиги лозим. Тик тушадиган қуёш нури хирург ишини қийинлантиради ва ёзда хонани қизитиб юборади. Шунинг учун операция майдонини ёритиш учун хирург боши ва қўлларига соя туширмайдиган махсус лампалар тақиб олади. Зарурат бўлганда қўшимча равишда ён томондан ёритиладиган лампалар ёки хирург бошига киядиган шаҳтёр лампочкаси типидаги махсус ёритгичлар ишлатилади. Булар нейрохирургик операцияларда айниқса зарур.

Операция жароҳатлари чуқур бўлса, соясиз лампа билан ҳатто ён томондан қўшимча ёруғлик берилганда ҳам уларни яхши ёритиб бўлмайди. Шунинг учун стационар ёритиш системасидан ташқари, 1—3—4 ва 6 рефлекторли, ён томондан ёритадиган ҳаракатлантирувчи ёритиш системалари ҳам бўлиши шарт. Шунингдек, қорин, кўкрак бўшлиги операцияларида махсус оптикаси бўлган, ёруғлиги 17,6 В ли лампаларнинг нуридан фойдаланилади. Операция хонасининг мебели кўчма, енгил, силлиқ, тузилиши содда, осон ювиладиган ва сирли бўёқ билан бўялган бўлади.

**Шамоллатиш.** Операция хонаси яхпі шамоллатилиши керак. Бунинг учун күпроқ ұаво оқиб келадиган ұаво алмаштиргич мосла- малар күллаган яхши. Советадиган, иситадиган, ұавони намлаб берадиган эмас, балки стерилизация ҳам қиласынан махсус конди- ционерлар маъқұл ҳисобланади.

**Жиҳозлар.** Операция хонасида ишга зарур аппараттар ва мебеллар бўлиши керак; операция вақтida беморга ҳар қандай зарур ҳолатни эгаллаш имконини берадиган операция столи, асбоблар ва яра боғлаш материали кўйиладиган операция ҳамшираси столлари, хирург учун асбоблар столчаси, қон оқишини тўхтатиши учун термоагулятор, электрсўргич ва анестезиологик аппаратлар шулар жумласига киради. Кислородли ва наркотик газли баллонлар операция хонасидан чиқариб кўйилади. Газ махсус газ найлари ёрдамида берилиши лозим. Операция хонаси ва операциядан олдинги хонанинг жиҳозланиши юқорида қайд қилинган эди. Операциядан олдинги хона ҳамма операция блокларида, ҳатто участка касалхонасида ҳам бўлиши шарт. Операциядан олдинги хонада хирург ва операция ҳамшираси кўлларини ювib ва дезинфекция қилиб операцияга тайёрланади. Кўпинча ундан асбобларни стериллашда ҳам фойдаланилади. Наркоз операция хонасида ҳам берилиши мумкин. Аппарат хонаси тўғри- дан-тўғри операция хонаси билан боғлиқ бўлиши мумкин эмас. Аммо улар орасида иккиёқлама алоқа бўлиб, беморнинг асосий кўр- саткичлари ёритилган таблода ўз аксини топиши мумкин.

Хозирги пайтда операция учун ишлатиладиган асбоблар тўп- лами ва миқдори шунчалик кўпки, уларни тўғри сақлаш ва фойдаланиш учун махсус хона ажратиш талаб қилинади. Асбобларнинг операциядан олдинги хона, стериллаш хонаси ва ҳоказоларнинг шкафларида сақланишини тўғри деб бўлмайди, чунки бу улардан фойдаланишни қийинлаштиради. Баъзи ҳолларда хона ҳавосининг намлиги асбобларнинг бузилишига олиб келади. Асбоблар айrim қисмларга ажратилган ҳолда шиша шкафларнинг жовоионларига териб кўйилади.

Операция блокининг ишлаб чиқариш хоналаридан иккитаси алоҳида эътиборни талаб қиласи:

а) *автоклав хонаси* – чойшаблар ва боғлов материаллари стерил- ланадиган жой. Операция хонасига хизмат қиласынг автоклавлар операция блокига жойланиши ва катта операция ҳамширасининг бевосита назорати остида ишлатилиши лозим;

б) *стерилаш хонаси*. Бу хонада асбоблар учун стерилизаторлар бўлиб, у иссиқлик манбалари – электр токи ва газ билан таъмин- ланган бўлади. У операция хонаси ёнида ёки иккита операция хонаси ўртасида жойлашган бўлиб, улар стерил асбобларни узатиш учун қилинган туйнуклар ёрдамида туташтирилади.

Хозирги кунда йирик клиникаларда операция хоналарида ич- ки инфекциядан сақлаш учун (агар талабалар ва курсантлар кўп бўлса) махсус телевизор ёки ойнали тўсиқ орқали операцияни

кузатиш тавсия қилинади. Операцияда қатнашувчи кишилар: хирург, унинг ёрдамчиси, анестизиолог ва ҳамширалар санитария-гигиена назорати остида бўладилар. Санитар қўриқхонада қайта кийини шонаси бўлиб, ечиладиган кийим учун алоҳида шкафлар ва ходимларнинг операция вақтида киядиган махсус кийимларини алмаштириш учун кўчма пардалар бўлиши керак. Бундай хонанинг йўқлиги, одатда асептиканинг қўпол бузилишига олиб келади. Операция хонасига кўчада юриладиган пойабзал билан кириш қатъян ман қилинади.

Операция бригадасига бактерия ва суюқлик кирмайдиган қалин импрегнация қилинган пахтали ашё (легилен)дан тайёрланган бактеришид кийим берилади. Операция кийими фақат шу ерда кийилади, шунинг учун операция кийимининг ранги бошқа кийимлардан фарқ қилиши (масалан, яшил рангда бўлиши) керак. Тиббий қалпоқ сочни бекитиб туриши керак. Бурун, оғиз, иякни бекитиб турадиган ниқоб фильтр вазифасини бажаради. Бурун чеккаларини ўраб туриши учун ниқобнинг махсус металлик мосламаси бўлади. Ниқоб тўрт қаватли докадан тайёрланади. Бурун ва оғизни бекитиб турадиган ниқобдан ташқари, ходимлар ҳаёт фаолияти чиқиндиларини чиқариб ташлайдиган махсус мосламалар ихтиро қилинган. Айrim ўта тоза операцияларда (юракни кўчириб ўтказиш, юракка клапанлар қўйиш) операция қиласидаги хирурглар ва ҳамширалар махсус кийим ва шлемлар кийишида, уларнинг пешаналарига доимо енгил шабада келиб туради. Нафас билан чиқарилаётган ҳаво ва тер ходимлар юзи ва бўйнидан вакуум насослар ёрдамида тортиб олиниб, хонадан ташқарига узатилади. Шлемга операция қилувчилар билан гаплашиш, алоҳа қилиш учун мослама ўрнатилган. Бу система ишончли асептикани вужудга келтиради.

**Операция хонасини тозалаш.** Операция бўлмаган кунлари операция хонасига ҳеч ким киритилмайди, эшиклари ёпиб қўйилади. Зарур бўлмаса, операция хонасига кириш ман этилади. Иш вақтида эса тозалик ва тартибга қатъий риоя қилинади. Кон ва жароҳат оқмасига ишлатилган дока шарчалар махсус тогорага ташланади. Операция пайтида жароҳат ва бўшлиқдан олинган экссудат ва йирингли моддалар электр сўрғич ёрдамида идишларга йифилади.

Операция хоналари ҳамма вақт нам усулда (1% ли хлорамин Б, 3% ли водород пероксид, 0,5% ли ювиш воситалари, 0,2% ли дезоксан, 1,2% ли дихлор) тозаланади.

Операция хонасини тозалаш:

1. **Операция пайтида тозалаш.** Ҳамшира полга тасодифан тушган салфетка, шарчаларни йиғишириди ва қон ёки экссудатдан ифлосланган полни артади. Шарча ва салфеткаларни ҳамшира қўлқоп ёки махсус қисқич билан олиши керак.

2. **Операция тугагандан кейин хонани тозалаш.** Бу билан навбатдаги хирургик ёрдам учун операция хонасининг тозаланишига эришилади.

### **3. Операция куни тугалланғандан ёки шошилинч операциялардан кейинги күндәлік тозалаш.**

**4. Ҳафтанинг операция бұлмайдыган куннанда режа бүйіча бошдан-оёқ тозалаш.** Операция хонаси (шип, деворлар, деразалар) совунли қайноқ сув, 3 – 6% ли водород пероксид әрітмаси, 0,5% ли ювиш воситалари ҳамда 1% ли хлорамин Б суюқлиги билан ювіб чиқылади.

**5. Профилактика тозалаш.** Эрталаб иш бошлаш олдидан хонанинг пастки қисмлари (пол, асбоб-ускуналар, дераза ромлари) антисептиктерге құлланған латта билан артилади.

Операция хонасини бактериал жиқатдан текшириш шуны күрсатадыки, күннинг охирда ұавыттың мөлдөмдіктерінде (микробларни экиш) бактерия колониялары сони кескін күпаяди, үз вактида шамоллатыш, нам усулда тозалаш эса уни кескін камайтиради. Аммо ұавони бу хилда тозалаш күнгилдагидек бұлмайды. Шунинг учун операция хонаси ұавосини дезинфекция қилиш учун қысқа түлқинли бактериопцид лампалардан фойдаланилади.

Бактериопцид лампалар ұавонинг конвекция оқими ҳаракати йұналиши бүйіча үрнатилиши керак, яъни улар махсус мослама билан полдан 2 м баландликта бұлады ёки шипга осилади. Операция хонасига кирайтган ұавони бактериопцид нурлантириш учун бир-иккита лампани кириш эшиги тепасига үрнатылған лозим. Ҳар бир лампа үз атрофида диаметри 2 – 3 м<sup>2</sup> бўлған сатҳни эгаллаган стерил зонани ҳосил қиласы. Шу сабабли лампаларни операция столидан 2 м дан узоқ масофага жойлаштириш керак. Чунки жароҳат юзасининг ва сероз эндотелиал түқима билан қолланған аъзоларнинг узоқ муддат нурлантирилиши организм учун фарқсиз эмас, куйишга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бактериопцид лампаларни тўзиш учун алюминдан ясалган акс эттиргичлар тавсия қилинади.

Хона ұавосини нурлантириш муддати кишилар бўлганда 6 – 8 соатдан ошмаслиги керак. 2 – 3 соат бактериопцид лампалар қўллашдан сўнг операция хонасининг ұавосидаги микроблар сони 50 – 80% гача камаяди. Хона ұавоси бараварига бир соат ичиде шамоллатилса ва ультрабинафша нурлар билан дезинфекция қилинса, ұавода микроорганизмларнинг сони 75 – 90% гача камаяди. Ҳозир амалиётда бактериопцид лампаларнинг БУВ-15, БУВ-30, БУВ-30П турлари кўпроқ исплатилади.

Операция хонаси ұавосини дезинфекция қилиш клиник хирургик муассасаларда айниқса мұхым аҳамиятта эга. Ҳодимларнинг кўп бўлиши ұавода микробларнинг кўпайишига олиб келади ва бу асептик шароитни ёмонлаштиради. Шунинг учун операция блокига микроорганизмлар тушишини камайтириш мақсадида ҳодимлар ва беморлар учун алоҳида стерил шлюзлар қилинади.

Микроорганизмларни ташқи мұхитдан тушиши ва тарқалишини кескін камайтириш мақсадида ҳодимлар кийимларини алмашти-  
40

ришлари, бармоқларини гигиеник дезинфекция қилишлари, маҳсус пойабзал, қалпоқ ва ниқблардан фойдаланишлари лозим. Операция блокида хирургдан тортиб то ҳамширагача, ҳамма ходимларнинг сидқидилдан, пухта ишлаши ва даволашнинг муваффақиятли чиқишига имконият яратилиши шарт. Қатъий интизом ва ростгўйлик операция хонасида ишловчи ходимларнинг ижобий фазилатидир.

Операция хонасининг вентиляцияси микроорганизмларни ушлаб қоладиган фильтрли кондиционерлардан иборат бўлади. Операция хонасининг ҳарорати  $24^{\circ}\text{C}$ , ҳаво намлиги 50% ва микроорганизмларнинг сони ҳар  $1\text{ m}^3$  да 500 дан ошмаслиги керак.

Юқори стерилликда бажариладиган хирургик муолажаларда операция хоналарида лампалардан келувчи (горизонтал ва вертикал) нурлардан фойдаланилади. Бу ҳолда горизонтал ва вертикал ҳаво оқими соатига 500 мартагача алмашиниши керак. Бундай ламинар оқим хонадаги бемор ва хирурглар бригадасидан чиқадиган заррачаларни чиқариб юборади. Горизонтал оқимда ҳаво девордан қарама-қарши томонга йўналади, шунинг учун анестезиолог операция майдонини тўсиб қўймаслиги керак, вертикал оқимда эса ҳаво пол томонга оқади. Бундай операция хоналарида стериллик ўн мартагача кам бўлади. Ламинар ҳаво оқимини вужудга келтириш учун бокслардан фойдаланса бўлади. Уларнинг деворлари ойна ва пластикадан ишланган бўлиб, вертикал ҳаво оқими юқоридан пастга йўналади.

Мураккаб операцияларни бажариш учун ҳозирги кунда юқори атмосфера босими остида кислородга тўйинган ҳаво ёрдамида операция қилишга имкон берадиган барооперация хоналари мавжуд. Уларда мураккаб ускуналарнинг тўғри ишлашини таъминлаш учун маҳсус ўргатилган тиббий ва техник ходимлар керак.

### Дезинфекцияловчи иш эритмасини тайёрлаш.

#### Хлораминнинг иш эритмасини тайёрлаш

Хлораминнинг иш эритмаси, %	1 л сувга қўшиладиган хлорамин, г	5 л сувга қўшиладиган хлорамин, г	10 л сувга қўшиладиган хлорамин, г
0,5	5,0	25,0	50,0
1	10,0	50,0	100,0
2	20,0	100,0	200,0
3	30,0	150,0	300,0
5	50,0	250,0	500,0



#### Эслатма.

Хлораминнинг тайёрланган иш эритмаси 24 соатга, 10% ли тиндирилган хлорли оқак эритмаси 10 кунгacha яроқли ҳисобланади.

## Водород пероксидининг 0,5% ли иш эритмасини тайёрлаш

Эритма, %	30% ли пергидрол, мл	Юувчи кукун, г	Сув миқдори, мл
3% ли водород пероксид ва юувучи эритма	100	5	895
6% ли водород пероксид ва юувучи эритма	200	5	895

## 10% ли хлорли оҳак тиндириласидан иш эритмасини тайёрлаш

Иш эритмаси, %	10% ли тиндирилган хлорли оҳак эритмаси	Сув миқдори	Тайёр эритма миқдори, л
0,5	50 мл	950 мл	1
1	100 мл	900 мл	1
2	200 мл	800 мл	1
3	300 мл	700 мл	1
5	500 мл	500 мл	1
3	3 л	7 л	10
5	5 л	5 л	10



### Эслатма.

1. Дезинфекцияловчи модда сақланадиган идишларда модданинг номи, унинг концентрацияси % да, тайёранган сана ва ҳамширининг имзоси бўлиниш шарт.

2. Соғлиқни саклаш вазирлигининг 2000 йил 30 октябрдаги 560-сонли буйргуга асосан, бир марта ишлатиладиган шприцлар, игналар ва бир мартали системалар 5% ли хлорамин эритмасида ёки 2,5% ли кальций хлорид, хлорли оҳакда 2 соат сақлангандан сўнг ёқиб юборилади.

3. Тиббий асбобларни водород пероксид ёки гидроперидда ювиш мумкин, кейин оқар сувда юваб ташланади. Ветошларни қайнатиш (содали сувда 15 мин), 2 — 3% ли заарасизлантирувчи эритмада 1 соат ювилиб, тоза сувга чайиб олиш мумкин.

4. Лаборатория анжомлари, аппаратлар, ишдан кейин ветош билан артилиб, 0,5% ли хлораминнинг эритмасида ювилади.

## Муолажа хонасида ишлатиладиган дезинфекцияловчи моддалар

Дезинфекцияловчи моддаларнинг номи ва % миқдори	Заарсизлантириш тuri
0,5% ли хлорамин, кальций гипохлорид эритмаси, хлорли оҳак эритмаси	Қўлни ювиш учун
1% ли хлорамин, кальций гипохлорид эритмаси, хлорли оҳак эритмаси	Стерил пинцетни сақлаш учун. Кундалик тозалашда анжомларни артиш учун
3% ли хлорамин, кальций гипохлорид ва хлорли оҳак эритмаси	Қон төккан жиҳозларни артиш учун (2 марта). Катта тозалаш ишларини олиб бориш ва кўп марта ишлатиладиган шприцларни заарсизлантириш учун
5% ли хлорамин, кальций гипохлорид эритмаси, хлорли оҳак эритмаси	Бир марта ишлатиладиган шприц ва системаларни заарсизлантириш учун
6% ли водород пероксид ва 0,5% ли содали сув	Умумий тозалаш ишларини олиб бориш учун
1% ли хлорли оҳак ва 0,5% ли кальций гипохлорид эритмаси	Девор, каттиқ анжомлар ва полни ювиш учун



### Эслатма.

1. Умумий тозалаш тадбирларини ўтказишида дезинфекцияловчи моддалар алмаштириб ишлатилади.
2. Кўп марта ишлатиладиган шприц ва асбоблар кальций гипохлорид эритмасида заарсизлантирилмайди, чунки улар тез ишдан чиқади.
3. Меъёрда 1 м<sup>2</sup> майдонга 200 мл дезинфекцияловчи иш эритмаси ишлатилади. Муолажаона майдони 12 м<sup>2</sup> дан кам бўйласлиги керак.

*Масалан, девор, пол учун 10,5 л дезинфекцияловчи модда ишлатилади. Катта тозалаш ишларини ўтказиш учун бу эритмадан 15 л керак бўлади.*

**Операция олди хонаси** — операция ҳамшираси, хирург ва унинг ёрдамчиларининг операцияга тайёргарлик кўриши учун хизмат қиласи. Тайёргарлик қўл ювишдан бошланади. Бунинг учун совуқ ва иссиқ сувли маҳсус чиганоқлар, қўл ювиладиган тогоралар, кум соатлар керак бўлади.

**Наркоз хонаси** — одатда маҳсус хона бўлиб, унда анестезиолог ишлатадиган наркоз аппаратлари, дори воситалари, ҳужжатлар сақланади. Баъзан бу хонада беморда наркознинг бошлангич босқичлари ўтказилиб, сўнгра беморни операция хонасига олиб кирилади.

**Стериллаш (автоклав) хонаси** — операция учун ишлатиладиган дока, оқ сурплар ва асбобларни стериллаш учун автоклав, стерилизатор ва қайнатгичлар ўрнатилган бўлади.

**Асбоблар хонаси** — хирургик асбоблар ва аппаратларни сақлаш учун хизмат қиласи ва улар маҳсус шинша шкафлар билан жиҳозланган бўлади.

**Материаллар хонаси** — операция учун ишлатиладиган дока, оқ сурплар, яра боғлаш ва чок қўйиш материалларини тайёрлашда фойдаланилади. Унда спирт, эфир ва бошқа дори-дармонларнинг оптиқаси сақланади.

**Боғлаш хонаси** — боғлашлар, айрим муолажа ва кичик операциялар ўтказишга мўлжалланиб, маҳсус жиҳозланган бўлмоги лозим. Боғлаш хонаси майдони битта боғлаш учун  $15\text{ m}^2$  га тўғри келиши керак. Боглаш хонасига операция хонасига қўйиладиган талаблар қўйилади (деворлари мойли бўёқ билан бўялган ёки плитка ёпиштирилган ёруғ хона бўлиши керак). Боглаш хонасининг ҳарорати  $20^\circ\text{C}$  дан кам бўлмаслиги лозим. Унинг жиҳозлари: бемор ярасини боғлаш, асбоблар ва яра боғлаш материали учун алоҳида столлар, ўтирадиган bemorлар учун бир нечта стул, ечишган боғламлар учун контейнер, асбоблар ва дори моддалар учун шкафдан иборат бўлади. Асбоблар кўшни хонада стерилланади.

Боғлаш хонаси марказдан бериладиган система орқали совуқ ва иссиқ сув билан таъминланиши ва у ниҳоятда озода сақланиши лозим. Асбоблар ва яра боғлаш материали турадиган столлининг усти операция хонасидаги сингари ёпиб қўйилади ва лозим бўлганда, аввал тоза яралар, сўнгра эса „Йирингли“ яралар боғланиши мумкин бўлади. Иш куни охирида боғлаш хонаси нам усулда артиб тозаланади ва ҳавоси ультрабинафша нур билан нурлантирилади. Йирингли бўлимларда эса алоҳида „тоза“ ва „Йирингли“ bemorлар учун иккита яра боғлаш хонаси бўлади.

**Палаталар.** Хирургия бўлимида кенг, ёруғ ва яхши шамоллатиладиган палаталар бўлиши керак. Мебелнинг юзаси силлиқ бўлиши лозим. Аксинча, буни иложи бўлмаган ҳолларда у осон тозаласа бўладиган оч рангли эмал бўёқ билан бўялади. Каравотлар bemorларнинг олдига ҳамма томондан бора олинадиган қилиб жойлаштирилади. Беморлар операциядан кейинги биринчи кунларда операциядан кейинги палаталарга ётқизилади. Касалхонада маҳсус йирингли бўлим бўлмаса, йирингли bemorлар учун алоҳида палаталар ажратилади.

Хирургия бўлимида палаталарда битта ўринга катталар учун  $7\text{ m}^2$ , болалар учун эса  $6\text{ m}^2$  майдон ажратилади. Аксарият палаталар 4 ўринга мўлжалланган бўлиши, шунингдек, 2 та икки ўринли ва 2 та бир ўринли палаталар ҳам бўлиши керак. Палатада ўринларнинг сони 3—4 тагача бўлмоги лозим.

Бир ёшгача бўлган болаларни 2 ўринли палатага, бир ёшдан катта болаларни 4 тадан кўп бўлмаган ўринли палаталарга жой-

лантириш лозим. Бир ёшгача бўлган болалар учун катта палаталарни алоҳида боксларга бўлиш керак. Ҳар бир боксда 1—2 тадан ўрин бўлиши мақсадга мувофиқ. Чақалоқлар учун ажратилган боксларга қўйилган каравотлар (кювэзлар) 2 тадан оиласлиги керак. Битта касалга мўлжалланган ва санитария тармоғига эга бўлган палата (ярим бокслар) дан изолятор сифатида фойдаланиш мумкин. Ташқаридан алоҳида кириладиган боксларгина тўлиқ изоляция қилинади.

Болалар хирургияси бўлимларида чақалоқлар, эмизикли болалар, бир ёшдан уч ёшгача бўлган ва ундан катта ёшдаги болалар учун алоҳида палаталар ажратилиши керак. Марказий шифохоналарда чақалоқлар ва чала туфилган болалар учун ҳам алоҳида бўлим ёки палаталар ажратилади.

Болалар хирургияси муассасалари ўзига хос тузилишга эга бўлиб, касалхона ичи инфекцияси тарқалишининг олдини олиш учун камида 25% палаталар алоҳида ажратилган бўлиши керак. Бундан ташқари, палаталардан 15—20 дақиқа давомида беморларни эвакуация қилиб, кўчириш имконияти (кўплаб лифтлар, кенг зинапоялар) яратилган бўлиши лозим.

Болаларга машғулотлар ва ўйнаш учун маҳсус хоналар ажратилган бўлиши керак. Шундан 20% га яқини оналар учун ажратилиши керак.

Ҳар бир палатанинг ички бўёғи, мебеллари ва ёритилиши талабга жавоб бериши лозим. Ҳозирги даврда касалхоналарда оқ ранг билан биргаликда бошқа рангларни ҳам қўллаш кент тус олмоқда. Палаталарда ювинини жойи ва ойналар, умумий ва ҳар бир каравот учун алоҳида ёритиш ҳамда ҳамширани чақириш системаси, радиони қулоққа тутиб эшиктиш системаси бўлиши кўзда тутилган. Бир ёки икки ўринли палаталар қўшимча марказлаштирилган кислород бериш системалари билан жиҳозланиши зарур.

Металл ёки диван каравотлар билан жиҳозланган палаталар жуда қулай бўлиши керак, бу она ва боланинг ётиши учун имкон беради.

Аксарият каравотлар функционал бўлиши керак. Палаталарда яна каравот ёнида турадиган тумбочка, кийим илгич, умумий стол, стуллар, қофоз учун тўр идиш ва деворга ўрнатилган шкаф бўлиши керак. Ётиб даволанадиган касаллар учун каравотнинг устига кўтариб-тушириладиган столлар керак бўлади. Палатада ўстириладиган гуллар бўлиши ва деворларга 1—2 та тасвирий санъат намуналаридан осиб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Палаталар ва умуман, бўлимда ҳаво ҳароратини иситиш асбоблари ёрдамида мўътадиллаштириб туриш керак. Умумий хирургия бўлимларининг палаталарида ҳарорат  $20^{\circ}\text{C}$ , болалар бўлимларида эса  $22^{\circ}\text{C}$  атрофига бўлиши керак. Ҳавонинг нисбий намлиги 55—60%, ҳаво ҳаракатчанлиги секундига 15 м атрофига бўлиши зарур. Бўлимдаги ҳамма палаталар табиий ёруғлик билан яхши ёритилиши, деразалар жанубга, жануби-шарқ ёки жануби-гарбга қараган бўлиши керак. Палата эшикларида даволовчи шифокор ва ҳамширанинг исми-шарифи ва фамилияси ёзиб қўйилади.

Беморлар дам оладиган жой зал ҳисобланади. Унда 1—2 та диван, журнал столчаси, стуллар, гуллар ва рўзнома-журналлар бўлиши керак. Агар телевизор ўрнатиб ва деворларга тасвирий санъат асарлари намуналаридан осиб қўйилса, яна ҳам кўркам бўлади.

**Ординатор хонаси.** Бу ерда ҳар хил тиббий ҳужжатлар тўлдирилади. Столлар, стуллар, китоб ва кийим-кечак учун шкаф, ювинадиган жой, ойнадан ташқари бу ерда китоб жавонлари бўлиши керак. Эълонлар тахтасида навбатчилар рўйхати, ҳафтада қилиниши лозим бўлган операциялар, bemorlarни tekshiриш ва даволашнинг ҳар хил схемалари осиб қўйилади.

Ординаторлар хонасига бўлим амалий фаолиятини (қилинган операциялар сони, асосий касалликлар бўйича ўлим ҳоллари сони, бир неча йил давомида ва охирги йил чораклар билан) кўрсатувчи стендлар, диаграммалар ва бошқа кўрсаткичлар қўйилади.

Китоб жавонига хирургия, анестезиология ва реанимацияга оид асосий қўлланмалар қўйилиши керак. Бўлимда фотоаппарат ва илмфан билан шугулланиш учун керакли боинқа нарсалар бўлиши керак. Столдаги ойна тагида ҳамма ҳодимларнинг тўлиқ манзилгоҳи ва телефонлари ёзилган варақа туриши лозим.

Хонадаги мавжуд компьютер, ёзув машинкаси, телефон ва селектор шифокорлар ишини осонлаштириш учун хизмат қиласди.

**Муолажа хонаси.** Бу хонада инъекциялар амалга оширилади, бўшлиқларга пункция қилинади, дори моддаларни узоқ муддат юбориш учун доимий катетерлар қўйилади ва ҳоказо.

Хирургик стационарда касаллиги оғирлашиб қолган, операциядан чиқсан bemorlar учун зарурат бўлганда реанимация тадбирларини бажариш имконини берадиган маҳсус аппаратлари бўлган палата ёки интенсив терапия бўлими жиҳозланади. Операциядан чиқсан bemorlar тўшаги олдида кеча-кундуз ишлайдиган ҳамширалар пости ташкил қилинади.

Жуда оғир, агонал (ўлаётган) ҳолатдаги bemorlar маҳсус хона — изоляторга ётқизилиб даволанади.

**Ҳамшира пости.** Ҳамшира пости ҳамширанинг асосий иш жойи бўлиб, у палаталардаги bemorga, палаталар эса унга яхши кўриниб турадиган жойда бўлиши, анестезиология, реанимация бўлимларида эса пост бевосита палатада жойлашади. Пост дори-дармонлар, асбоблар, парвариш воситалари, ҳужжатлар қўйиладиган шкафлар билан жиҳозланиши керак.

Ҳамшира постида телефон, сигнализация, стол чироги ва қофозлар бўлиши керак. Ойна тагида муолажа тартиби ва парҳези кўрсатилган касаллар рўйхати, ҳароратни қайд қилиш варафи, календарь, айрим шифокор кўрсатмалари (масалан, ўмров ости венасига қўйилган катетерга қараб бориши, таҳлилга намуналар олиш ва ҳ.к.), bemorlarни ҳар хил текширишларга, йўл-йўриқлар ва операцияларга тайёрлаш қоидалари ёзилган бўлиши лозим.

Бундан ташқари, пост ёнидаги шкафда дорилар, термометр, шпател, банкалар, иситгичлар, меъдани ювиш ва шира олиш учун ишлатиладиган зондлар бўлиши керак. Пост ёнига тарози, бўй ўлчагич ва музлаткич қўйилади. А ва Б рўйхатидаги дорилар муолажа хонасидаги сейфларда сақланади. Шкафда анафилактик шок ҳолатида ёрдам бериш учун мўлжалланган дорилар туради. Беморларга лозим бўлганда ҳамширани чақириши учун ёруғлик ёки товуш сигналлари ўрнатилади.

### **Поликлиника кундузги шифохонасининг хирургия бўлими**

Поликлиниканинг хирургия кабинети хирургик касалликлар билан оғриган bemorlarни қабул қилишни ва касалхонага ётқизишга муҳтоҷ бўлмаганларни ўша ерда операция қилиш билан даволашни таъминлайди.

Касалларнинг кўпчилиги ярани боғлатиш, томирга дори қуийш ва бошқа муолажаларни олиш учун муолажа хонасига мунтазам қатнайди. Одатда, у ерда умумий аҳволи унчалик оғир бўлмаган bemorларнинг кичик ҳажмдаги операциялари бажарилади. Бу бўлимда ишни асоратларсиз ва ташхис ҳамда даволаш ишларини ўтказишга ёрдам берадиган қилиб ташкил қилинади. Хоналарнинг сони, уларнинг режалаштирилиши аҳолининг сони, хирургик бўлимларнинг фаолияти ва ҳажмига боғлиқ (шаҳар, вилоятлардаги ихтисослаштирилган поликлиникалар ва ҳ.к.).

Хирурги бўлган участка касалхонаси амбулаториясида кўпи билан иккита (хирургия кабинети ва боғлаш хонаси) ва камида битта хона (боғлаш хонаси) ажратилади.

Туман марказий поликлиникасида хирург кабинети ва у билан туашган боғлов хонаси ажратилади. Иш ҳажми катта бўлганда операция хонасида қилинishi мумкин бўлган тоза операциялар учун қўшимча операция хонаси ажратилади. Бу хоналарнинг ҳаммаси ёнма-ён жойлаштирилади. Агар операция хонаси битта бўлса, унда аввало асептик муолажа бажарилади (атерома, ёт жисмни олиш, жароҳатларга биринчи хирургик ишлов бериш ва ҳ.к.), йирингли операциялар (ҳасмол, флегмона, чипқон), одатда кейин бажарилади.

Йирик поликлиникалар (шаҳар, вилоят, клиник поликлиникалар)да иккита операция хонаси ва операция олди хонаси бўлган операция блоки ажратилади. Операция хоналарининг бирида йирингли, иккинчисида эса тоза операциялар бажарилади. Кейинги йилларда поликлиниканинг хирургия бўлимида бажарилаётган операциялар чурралар крипторхизм ва истисқоларни бартараф қилувчи, липомаларни олиб ташлаш операциялари бажарилади. Бемор операциядан сўнг бир неча соат кундузги стационарда маҳсус кузатишда бўлади. Иккитадан ортиқ кабинети (қабул учун) бўлган поликлиникаларда уларни ихтисослаштириш мақсаддага мувофиқ. Ма-

салан, тоза, йирингли операция хоналари, боғлов, операция олди, стериллаш хоналари бўлган операция блокига ажратилади.

Поликлиникада хирургия бўлимини режалаштириш ундаги хоналар таркиби боғлиқ. Масалан, боғлов хонаси ва хирург хонаси бўлса, улар ёнма-ён жойлаштирилиб, беморлар кутиш хонаси орқали чиқилади. Поликлиника хирургик бўлимининг жиҳозланиши стационардагидан кўра соддароқ бўлади.

Хирург хонасида стол, 2 та стул, касалларни текшириш учун клеёнка қопланган күшетка (касалнинг ечишини қулай бўлиши учун уни парда (ширма) орқасига қўйган яхши), рентген суратларини ўқиш учун негатоскоп бўлади.

Боғлов хонасининг жиҳозларига стерил хирургик асбоблар учун стол, дори-дармонлар ва эритмалар учун столча ва шкаф, стерил чойшаблар, боғлов материаллари ва бинтлар солинган бикслар (таглик), иссиқлик манбай билан асбобларни қайнатиш учун стерилизатор, курсилар, қўл ювгич, очилган бинтлар ва боғламлар учун қопқоқли сирланган челаклар, наркоз учун керакли асбобускуна, боғлов хонаси асбоблари тўплами ва бошқалар киради.

Операция, операция олди ва стерилизация қилиш хоналарининг жиҳозлари операция столи, асбоблар учун кўчма столча, винтли курсилар (2—3 та), чойшаблар, боғлов материаллари ва бинтлар учун бикслар (3 та), наркоз учун кўчма аппарат, автоклав, бикслар учун шкаф, кичик операцион асбоблар ёки умумхиругик асбоблар тўплами ва ҳоказолардан иборат.

Йирингли хирургик операциялар bemor қабул қилингандан кейин боғлов хонасида ёки маҳсус ажратилган йирингли операция хоналарида бажарилади. Режали операциялар олдиндан белгилаб қўйилган операция кунларида тоза операция хоналарида қилинади. Кичик шикастланишларда бирламчи ишлов бериш bemor мурожаат этиши билан тоза операция хонасида бажарилади. Қайта боғловлар хирург томонидан ёки унинг бевосита назорати остида боғлов хонасидаги ҳамшира томонидан бажарилади.

### Тоза ва йирингли хирургия

Хирургия бошқа тиббий фанлардан фарқли равишда ўз хусусиятларига эга бўлиб, бунда bemorлар операция йўли билан даволанади. Операция қилишда асептика ва антисептика масалаларига катта эътибор берилади. Асептиканда эътиборсизлик, хатоларга йўл қўйиш ва антисептиканинг нечоғли муҳимлигига етарлича баҳо бермаслик операция жароҳатининг йиринглаб кетишига ва бошқа асоратларга сабаб бўлади.

Хирургия муассасаларида bemorлар „тоза“ ва „йирингли“ bemorларга бўлинади. Шу муносабат билан тоза ва йирингли хирургия тафовут қилинади.

**Тоза хиургия** — йирингли ва яллиғланиш касалликлари (бүкіл, мейда яраси, хавфсиз ва хавфли ўсмалар ва ҳ.к.) бўлмаган беморларни даволаш билан шуғулланади.

**Йирингли хиургия** — касалланиб қолишига инфекция сабаб бўлган беморларга ёрдам беради. Инфекциянинг бир бемордан иккинчисига, айниқса, „йирингли“ беморлардан „тоза“ беморларга ўтиши эҳтимолини назарда тутиб йирингли касалликлари бор беморлар махсус палаталарга ётқизилади. Бундай беморлар сони қўпайгандага махсус йирингли хиургия бўлими ташкил қилинади. Ҳолбуки, бу бўлимда асептикага кўпроқ риоя қилинади.

### Хиургик асбоблар

Операциялар учун ишлатиладган асбоблар иккита катта гуруҳга:


1) деярли ҳамма операцияларда ишлатиладиган умумий асбоблар — тўқималарни кесиш учун скальпель, пинцетлар, илмоқлар, зондлар, цапкалар, корнцанглар; жароҳатдан қон оқишини тўхтатиш учун қисқичлар;

2) операцияларнинг айрим турларидағина фойдаланиладиган махсус асбоблар — йирингли абдоминал, торакал хиургия, нейрохиургия, урология ва проктологияга бўлинади. Қуйида энг кўп ишлатиладиган асбоблар келтирилган.

**Тўқималарни кесувчи асбоблар** (1- расм): а, б) уни ўткир, қоринчали скальпеллар; қайчилар: в) уни ўткир тўғри, г) Купер; д) томирлар учун ишлатиладиган қайчилар.

**Қўшимча асбоблар:** пинцетлар: а) тишли; б) хиургик; в) анатомик; зондлар: г) Кохер; д) тарновсимон; е) тугмасимон; жароҳатни очувчи илмоқлар: ж) Фарабер; з) бир ва кўп тишчали; и) корнцанг; л) цапкалар (2- расм).


**Қон тўхтатувчи қисқичлар ва лигатура игналари:** а) Кохер; б) Бильрот; в) „чивин“ типидаги қисқичлар; игналар: г) Дешан (ўнг ва чап); д) комбинация қилинган (3- расм).



1 - расм. Тўқималарни кесувчи асбоблар.



2- расм. Күшімча хирургик асбоблар.



3- расм. Қон тұхтатувчи қисқичлар әулиялары.



4- расм. Тұқымаларни тикишда ишлатыладиган асбоблар.

**Тўқималарни тикишда ишлатиладиган асбоблар:**  
 а) Гегар игна тутқичи;  
 б) юмалоқ; в) кесадиган;  
 г) атравматик игналар;  
 д) Мишель скрепкасини кўйиш учун тўплам (4-расм).

**Шприцлар:** а) Жане;  
 б) „Рекорд“ 2,0; 5,0; 10,0  
 ва 20,0 граммли бир ва кўп марта ишлатиладиган шприцлар.


**Қорин бўшлиғи опера-**  
**цияси учун асбоблар:**  
**жароҳат кергич:** 1) Госсе;  
 2) Микулич; 3) жигар;  
 4) қорин кўзгулари;  
 5) троакар; 6) Реведен шпа-  
 тели; 7) ичакнинг юмшоқ  
 жомлари; 8) ичакни босиб  
 турадиган жомлар; 9) ичакни  
 босиб турадиган Пейер жоми  
 (5- расм).

**Суякларда ўткази-**  
**ладиган операциялар учун**  
**асбоблар: распаторлар:**  
 1) Фарабеф (тўгри, қайрил-  
 ган); 2) ясси ва тар-  
 новсимон; 3) остеотом; 4)  
**болғачалар** (металл ва ёғоч-  
 дан ишланган); **арралар:**  
 5) ёйсимон; 6) сим; 7—8)


Ольенинг фиксацияловчи қисқичлари; 9) Люэр қисқичи; 10) Лис-  
 тон қисқичи; **пичоқ:** 11—14) ампутациялари (кatta, ўрта, кичик);  
 ханжарсимон; 15) фалангасимон; 16) резекцион; 17) скальпель; 18)  
 ретрактор (6- расм).

**Трахеостомияда:** трахеостомик конюля; Труссонинг трахея кер-  
 гичи; бир тишли илмоқ каби асбоблар ишлатилади.

**Кўкрак қафаси ва бўшлигини операция қилишда ишлатиладиган**  
**асбоблар:** 1) Дуайн распатори; 2) Дуайн қисқичлари; 3) Шумахер;  
 4) Штилле; 5) Люэр қисқичи; 6) жароҳат кенгайтиргич; 7) Фридрих  
 қисқичи (7-расм).




5- расм. Қорин бўшлиғи операцияси учун асбоблар.



6-расм. Сүяқ операциялари учун асбоблар.



7-расм. Күкрак қафаси ва бўшлигини операция қилишда ишлатиладиган асбоблар.




8- расм. Нейрохирургик операциялар учун асбоблар.

**Нейрохирургик операциялар учун асбоблар:** 1) парма фрезлари билан; 2) Жиглининг сим арраси; 3) распаторлар; 4) мия шпателлари; 5) диссекторлар; 6) қайчилар; 7) клипса (8- расм).


**Урологик операциялар учун асбоблар:** 1, 2) Фёдоров қисқичи; 3) резина катетер; 4,5) металл катетерлар; 6) цистоскоплар; 7) сийдик найи катетерлари; 8) катетерлаш учун цистоскоп (9- расм).

**Тұғри ичакдаги операциялар учун асбоблар:** а) ректоскоп; б) ректал күзгү (10- расм).

Замонавий операция хоналари, айниқса махсус профилдаги операция хоналари юракдаги мураккаб операциялар учун сунъий қон айланиш аппаратлари, бөш мия биопотенциалларини ёзіб бориши учун электр энцефалография; юрак ишини назорат қылиб туралған электр кардиоскоп, кардиомониторлар ва сунъий нафас беріш, наркоз аппаратлари билан жиҳозланған. Бундан ташқари, күп операциялар учун зарур аппаратлар: термокоагуляторлар (қон оқишини тұхтатиши ва тұқымаларни электр пичоқ билан кесиш),



**9- расм.** Урологик операциялар учун асбоблар.



**10- расм.** Түғри ичакни текшириш учун асбоблар.



*a)*



*b)*



*c)*

11- расм. Замонавий текшириш усуллари.

электр сўргич (суюқликларни сўриб олиш учун) аппаратлари, телевизорли эндоскопик „OLYMPUS“, ультратовуш текшириш „ALOKA“ аппаратлари ва портатив телевизорли рентген „WHA-10,T“ аппарати (11- расм, а, б, в) ва шу кабилар бўлади.

## Операция ҳамширасининг иш фаолияти

Операция хонасини тайёrlаш бўйича тадбирларнинг ҳаммаси операция ҳамширасининг вазифаси ҳисобланади. Қуйидагилар унинг ихтиёрида бўлади: 1) операция, операция олди хонаси, автоклав ва материаллар хонаси; 2) асбоблар ва уларни операцияга тайёrlаш; 3) операция ва боғлов материали ҳамда уларни стериллаш; 4) чоклар учун материаллар ва уларни тайёrlаш; 5) операция хонасини керакли дори-дармонлар билан таъминлаш.

Касалхонада бир нечта операция ҳамшираси ўрни мавжуд бўлганда ҳамшираларнинг вазифалари ўзаро тақсимланади. Улардан бири — катта ҳамшира моддий жавобгар ҳисобланади ва бошқа ҳамшираларнинг ишига бошчилик қиласи. Асбоб-ускуналар унинг ихтиёрида бўлади. У операция материалларини (салфеткалар, тампонлар, шарчалар) тайёrlаш, уни стериллаш устидан кузатиб боради, дорилар ёзиб беради.

Операция ҳамшираларининг қолган ҳаммаси материал тайёrlашда ва операцияда бевосита иштирок этади.

Операция ҳамшираси кичик тиббиёт ҳодимлари устидан диққат билан кузатув олиб бориши ва асептиканинг операцияда қатнашаётгандар (шифокорлар, талабалар ва бошқалар) томонидан ҳар қандай бузилишини тўғрисида хирургга хабар қилиши шарт. Операция қилаётган хирурглар асептиканинг қандай бўлмасин бузилишини сезмай қолганларида ҳамшира бу ҳақда уларни зудлик билан хабардор қилиши зарур.

Операция вақтида хирургларни зарур асбоблар ва материаллар билан таъминлаш операция ҳамширасининг асосий вазифаси ҳисобланади. Одатда, операциядан олдин, асбоблар тури билан бирга стерилизатордан олинади ва уларни ҳамширанинг стерил чойшаб ёпиб қўйилган асбоблар столига қўйилади. Бунда чойшабнинг намланиб қолмаслиги текшириб турилади, чунки бу асептиканинг бузилишига сабаб бўлади.


Асбоблар турлари бўйича, шунингдек операциянинг бориши ҳисобга олинган ҳолда босқичлар бўйича териб чиқилади. Ҳамшира столидаги заҳира асбоблардан бир қисмини кичик столга олиб қўяди, бу стол бевосита операция столи яқинида бўлиб, операциянинг ҳозирги босқичини таъминлаш учун зарур асбоблар қўйилади. Агар ҳамшира столининг стериллиги учун операция ҳамширасининг ўзи жавоб берса, ассистент столининг стериллиги учун операция қилалиган хирурглар ҳам жавоб берадилар.

Операция ҳамшираси асбобларнинг бекаму кўстлигини текшириб туриши керак. Асбоб икки усулда узатилади. Ҳамшира асбобни бевосита хирург ёки унинг асистенти қўлига беради ёки асбобни столга қўяди. Бунда хирург асбобни ўзи олади. Ҳамшира хирургга асбобни унинг қўлини шикастлаб қўймаслик учун оҳиста узатиши керак. Кўпчилик ҳолларда операция вақтида хирургнинг бутун диққат-эътибори операция майдонида бўлиб, узатилаётган асбобга қарамайди. Шунинг учун операция ҳамшираси **операциянинг бошидан охиригача боришини билиши** ва бирор нарсани тушунмаса, уни хирургдан сўраши лозим бўлади.

Операция бригадасининг операция вақтида бетартиб ишлашига йўл қўймаслик керак. Агар операция вақтида асбоб биронта ностерил нарсага тегиб кетса, ҳамшира бу ҳақда хирургга маълум қилиши, асбобни эса четга олиб қўйиши керак. Чок материалини узатиш катта тажриба ва чаққонликни талаб этади. Чок материали кўл билан эмас, асбоб билан олинади. Бунда пинцет билан ипнинг учидан ушланади, ип стерилланган гафтак ёки буюм ойнасидан аста тортиб бўшатилади. Керакли узунликдаги ип бўшатилгандан сўнг қайчидаги қирқилади. Кетгутдан фойдаланиши қулай бўлиши учун уни олдиндан кесиб, керакли узунликдаги иплар тайёрлаб қўйилади. Керакли ипни узатиш учун ҳамшира операциянинг боришини кузатиб туриши ва қандай узунликдаги ип талаб қилинишини яхши билиши керак. Ипнинг пишиқлиги асосан унинг йўғонлигига боғлиқ.

Кўп ҳолларда операция жараёнида операция хонасидағи баъзи наркоз ва сўрғич аппаратларнинг жадал ишлаши ва ходимларнинг операция жараёнида фаол иштирок этиши натижасида операция хонасида шовқин юзага келади ва бу ҳолат операция жараёнига ва операция сифатига салбий таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун операция жараёнида мумкин қадар осойишталикни сақлаш жуда муҳим омиллардан бириди. Шу жиҳатдан хирургнинг операция ҳамшираси билан (имо-ишорали) мануал муроқот орқали фаолиятни давом эттириши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат айниқса маҳаллий оғриқсизлантириш остида ўтказиладиган операцияларда, бемор операция жараёнини эшитмаслиги ва ундан қўрқмаслиги учун амалиётда жуда кўп қўлланади.

Операция қилувчи хирург бундай ҳолда одатдагидек беморнинг ўнг томонида туриб, ўнг қўлини яқин турган операция ҳамширасига узатади. Ҳамшира хирургнинг кўл орқали кўрсатилган мануал сигнали ёрдамида керакли асбобларни унинг қўлига мос қилиб бериши керак. Баъзан хирург кўзини операция майдонидан узмасдан асбобни олиб ишлатади, шунинг учун ҳамшира ўткир асбобларни беришда хирург қўлини қўққисдан жароҳатламаслиги учун эҳтиёт чораларини кўриши лозим бўлади.



12- расм. Мануал муроқот турлари.

Амалиётта күп ишлатиладиган асбобларни узатишнинг 10 та мануал сигналлари мавжуд (12- расм).

Ушбу расмдаги 1- ҳолат — хирургнинг ўнг кўлини очиб узатиши „асбобни яна бер“ деган белгисидир. Бунда ҳамшира асбобнинг уткир қисмини пастга қаратиб, тутқич томонини узатади. 2 — қўлнинг II — III бармоғини очиб-ёпиш ҳаракати „қайчини бер“. 3 — хирургнинг ўнг қўл бармоқларини ёпиб кўрсатиши „скальпелни бер“. 4 — қўлнинг I — II бармоғини очиб-ёпиши „пинцетни бер“. 5 — кафтни мушт ҳолатида кафт-тирсак бўйимидан ҳаракатлантириши „тикишга бер“. 6 — кафтни очиши — „боғлашга бер“. 7 — бармоқларини букиб қўлини кафт-тирсак бўйимидан юқори ва пастга ҳаракатлантириши — „ишловга бер“. 8 — бош ва кўрсаткич бармоқ ҳаракатлари — „қис-қиҷни бер“, 9 — қўлни осилтириш ҳаракати — „ретракторни бер“ (қўшимча айтиш орқали). 10 — панжа бармоқларини ёнига очиб-ёпиши — „жароҳат кенгайтиргични бер“ деган белгисидир.

Операция ҳамшираси ипни хирургга узатишдан олдин унинг пишиқлигини текшириб кўради. Одатда, ингичка иплар кичикроқ томирларни боғлашда, бирмунча йўғон иплар йирик томирларни боғлашда ва бир қадар пишиқ иплар тўқималарни, яъни аппоневроз пардаларни тикишда ишлатилади. Лавсан ва капрондан тайёрланган ҳатто жуда ингичка иплар ҳам жуда пишиқ бўлади. Лекин ўта эластиклиги уларнинг ечилиб кетишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун фақат „хирургик тугун“ қилиш ва уни уч марта боғлаш керак.

Чок қўйиш учун иғнани танлаш жуда муҳимдир. Иғнанинг ўлчами ва унинг тури чокка қўйиладиган талабларни ҳисобга олиб танланади. Томирларни боғлаш ёки ичи ковак аъзолар — (меъда-

и чаклар) деворини тикиш учун юмалоқ „и чак“ игналаридан фойдаланилади. Чокларни герметик қилиш талаб этилмайдиган бир қадар қаттиқ түкималарни тикишда уч қиррали, кескир игналар ишлатиласи. Ип қанчалик йүғон бўлса, игнани ҳам йўғони танланади. Операция ҳамшираси ипни игнага тез ва тўғри ўтказиб бериши лозим.

Операция ҳамшираси операция вақтида салфетка, шарчалар, бирорта асбоб ёки бошқа ёт жисмнинг тасодифан жароҳатда қолиб кетмаслиги устидан назорат қилиб туриши лозим. Бунга йўл қўй-маслик учун салфетка ва асбоблар сони операциядан олдин ва кейин саналади ҳамда дока шарчалар фақат корнцанглар ёрдамида узатиласи.

Хирургга ёрдамчи ходимлар етишмаган ҳолларда операция ҳамшираси истисно тариқасида асистент вазифасини бажариб туриши мумкин.

Тажрибали ва вижданан хизмат қиладиган операция ҳамшираси хирургнинг инсон ҳаётини қутқариб қолишдаги қийин, фахрли ва масъулиятли ишида унинг биринчи ёрдамчиси ҳисобланади. Буни асло унутмаслик керак.

### **Хирургия бўлимида ҳамшира юритадиган тиббий ҳужжатлар**

Тез ёрдам машинасида келтирилган беморнинг расмий ҳужжатлари билан ёки шаҳар поликлиникалари йўлланмалари билан келган беморларнинг расмий ҳужжатлари билан даволаш ташкилотлари қабулхонасида дастлаб ҳамшира танишади.

*Қабул бўлимида касалларни рўйхатга олиш ҳужжатлари қўйи-  
дагича:*

- касалхонага ётқизиши расмийлаштириш журнали;
- маслаҳатларни расмийлаштириш журнали;
- ҳар хил сабабларга кўра касалхонага ётқизишдан бош тортган ёки ётиши ман қилинган беморларни расмийлаштириш журнали.

*Тиббий ҳамшира хирургик бўлим иш фаoliyati учун расмий ҳужжатлар тузишида қатнашади:* буларга касаллик тарихининг титули ва дориларни қайд қилиш ва рагуларни тўлдириш, беморларнинг вазни ва бўйини ўлчаш, касаллик тарихига барча таҳдилларни ёпиштириш; бир ёшгача бўлган болаларда неча марта ич келиши, унинг хусусиятини, миқдорини назорат қилиш варагини тўлдиришлар киради.

*Хирургик бўлимнинг катта ҳамшираси томонидан юритиладиган ҳужжатлар:*

- касалларнинг ўлимини қайд қилиш журнали;
- дорилар ва уларнинг сарфланишини рўйхатга оладиган журнал;
- кучли таъсир этувчи ва наркотик дориларни рўйхатга олиш журнали.

*Операция ва боғламларни рўйхатга олиш ҳужжатлари:*

- операцияларни қайд қилиш журнали;

- боғламларни рўйхатга олиш журнали;
- қон, плазма ва қон ўрнини босувчи суюқликларни рўйхатга олиш ва улар тўғрисидаги ҳужжатлар журнали.

*Стационарда юритиладиган ҳужжатлар:*

- ходимларнинг келиб-кетишини назорат қилиш журнали;
- беморларни рўйхатга олиш журнали;
- 639-сонли буйруққа асосан дори-дармонлар ҳисоботи журнали;
- шикоят ва таклифлар журнали;
- 5 дақиқалик йиғилишлар журнали;
- бўлимнинг текширув журнали;
- маърузалар, ходимлар савиясини ошириш учун суҳбатлар ўтказилиши ҳақидаги журнал;
- меҳнат хавфсизлиги ва ёнгинга қарши хавфсизлик бўйича юритиладиган журнал.

*Постда юритиладиган ҳужжатлар:*

- bemorларни рўйхатта олиш журнали;
- таҳлиллар журнали;
- парҳез журнали;
- bemorларнинг ҳаракати ҳисоботи журнали;
- HBS антигенига олинган қонларни қайд қилиш журнали.

*Муолажа хонасида юритиладиган ҳужжатлар:*

- муолажаларни қайд қилиш журнали;
- кваршаш журнали;
- бўлимдаги хоналар ва коридорларга узил-кесил ишлов беришни қайд қилиш журнали;
- қон қўйишни қайд қилиш журнали;
- дори-дармонлар; пахта, спирт, шприц ва бир марталик системаларни қайд қилиш журнали.

*Боғлаш хонасида юритиладиган ҳужжатлар:*

- боғламларни қайд қилиш журнали;
- боғлов учун ишлатилган материалларни (бинт, дори-дармонлар, спирт ва б.) қайд қилиш журнали;
- кваршаш журнали;
- боғлаш хонасига тўла-тўқис ишлов беришни қайд қилиш журнали.
- асбобларни қайд қилиш ва стериллаш журнали.

**Дала шароитидаги хирургик ишда ҳамшира фаолияти.** Ҳарбий ва фавқулодда ҳолат даврида жароҳатланган аскар ва фуқароларга хирургия хизматини кўрсатиш етакчи ўринни эгаллайди. Хирургик хизмат асосини қатъий равишда босқичма-босқич даволаш ташкил қиласи. Бу системада тиббий эвакуациясининг ҳар бир босқичида қатъий белгиланган тадбирлар ва бирламчи тиббий ёрдам ҳамшира томонидан амалга оширилади. Жангда аскарнинг жароҳати боғланади, унга жгут қўйилади, қон тўхтатилади, оддий иммобилизация қилинади.

нади ва бемор батальон тиббиёт пунктига (БТП) етказилади. Бу пунктда зарурат бўлганда боғлам алмаштирилади, оғриқ қолдирувчи воситалар юборилади, жгут ечилиб қайта боғланади, транспорт иммобилизацияси қилинади.

Кейинги босқич полк тиббиёт пунктидир (ПТП). Бу босқичда беморга биринчи шифокорлик ёрдами кўрсатилади. Бу ерда қон ва қон ўрнини босадиган суюқликлар қўйилади, зарурат бўлган тақдирда қоқшолга қарши зардоб юборилади, транспорт иммобилизацияси текшириб кўрилади. Кейинги босқичда тиббий-санитария батальонида (тибсанбат) ихтисослашган хирургик ёрдам кўрсатилади (очиқ пневмотораксни бекитиш, жароҳатни бирламчи хирургик тозалаш, қорин бўшлиғи аъзоларини текшириш ва ҳ.к.). Беморлар бу ердан кўчма дала госпиталига ёки ихтисослашган госпиталларга (енгил ярадорлар учун, қорин аъзолари шикастланганлар учун, кўкрак қафаси аъзолари шикастланганлар учун госпитал ва ҳ.к.) жўнатилади. Узоқ муддат даволанишга муҳтоҷ bemорлар фронт орқасидаги госпиталларга юборилади.

Жант майдонида санинструктор, БТП да — фельдшерлар, ПТП да — ҳамшира, умумий ихтисосликдаги шифокорлар, тибсанбатда — умумий ихтисосликдаги хирурглар, эвакуациянинг кейинги босқичларида — бирмунча тор хирургик ихтисосликдаги мутахассислар билан биргаликда (торакал абдоминал хирурглар, урологлар, травматологлар ва ҳ.к.) ёрдам кўрсатади.

Ҳаминиранинг, шу жумладан, операция ҳамширасининг жанг ва фавқулодда ҳолат даврида ишлаши жуда оғир кечади. Бу асосан электр энергиянинг бўлмаслиги ёки баъзан ишламаслиги, сувнинг баъзан етишмовчилиги ёки эвакуацион палаталарнинг тезда жойини ўзгартириш ҳисобига келиб чиқади. Беморлар бир вақтнинг ўзида кўплаб, ҳеч қандай СПИД, гепатит, сил ва ҳ.к. касалликларга текширилмаган ҳолда очик ва ёпиқ жароҳат билан тиббий ёрдамга муҳтоҷ бўлиб қолади. Бундай ҳолда биринчи оғир bemорлар гуруҳи, яъни ҳаётий хавф туғдирувчи аъзоларнинг шикастланишида (қон кетиш, жигар, талоқ, ўпка, мия ва ҳ.к.ларнинг оғир шикастларида) биринчи навбатда тиббий, хирургик ёрдам кўрсатилади. Иккинчи гуруҳга бирламчи хирургик ишловга муҳтоҷ касаллар киради. Бу гуруҳларни ажратишда ва bemорларга биринчи ёрдам бериш, хирург маслаҳати асосида уларга ҳамшира ва операция ҳамшираси ёрдам беради.

### Хирургияда профилактик йўналиш

Замонавий хирургия профилактик йўналишга, яъни бирор касаллик ёки шикастланишининг олдини олишга катта эътибор беради. Шу мақсадда профилактик кўриклар ўтказилади. Текширилаётган кишида ўпканинг бирор сурункали касаллиги (сурункали бронхит, ўпканинг сурункали пневмонияси), гастрит, полипоз, колит ва бошқа

бир қатор касалликлар аниқланса, у диспансер ҳисобига олиниб, вақт-вақтида текшириб турилади. Диспансер текшируви рак сингари жиддий касалликларни бошланғич босқычидан аниқлаш ва унга ўз вақтида радикал даво ўтказиш имконини беради. Шикастланишнинг олдини олиш учун иш жойига, хавфсизлик техникасига, меҳнатни илмий асосда ташкил қилинишига, оғир яллиғланишга олиб келиши эҳтимоли бўлган кичик шикастланишлар (тирналиш, уриб олиш, майдада жароҳатлар) да тиббий ёрдамга ўз вақтида мурожаат қилинишига аҳамият берилади.

**Хирургиянинг физиологик ҳусусиятлари.** Ҳозирги вақтда операция йўли билан даво қилишда бирор аъзонинг нормал физиологик функцияларини вужудга келтириш масаласи биринчи ўринга қўйилади. Масалан, туғма ва ҳаётда орттирилган юрак пороклари операциялари юракнинг нормал иши бузилганлиги сабаби (бўлмачалараро ва қоринчалараро тўсиқлардаги тешикларни тикиш, патологик ўзгариб қолган клапан ўрнига сунъийсини қўйиш ва ҳ.к.)ни бартараф этадиган қилиб ишлаб чиқилган. Меъда-ичак йўлларидаги операцияларда уларнинг нормал ишланиш учун энг қулай шароитлар яратилади. Таянч-ҳаракат аппарати шикастланганда даво тадбирлари нормал физиологик функцияни, масалан, оёқ функциясини тиклашга қаратилган бўлади.

Аъзо ва тўқималарни трансплантация қилиш (кўчириб ўтказиш) соҳасида қўлга киритилган сўнгги ютуқлар ҳозирги замон хирургиясининг физиологик йўналишига ёрқин мисол бўла олади. Бу операцияларда патологик ўзгарган аъзо олиб ташланади ва ўрнига бошқа одамдан олинган нормал ишлаб турган аъзо кўчириб ўтказилади.



## Талабаларнинг мавзуга доир билим даражасини аниқлаш учун тестлар

1. 2% ли хлорамин эритмасини тайёрлаш учун сув ва хлорамин миқдори қанча бўлиши керак?

- а) 1 л сув, 2 г хлорамин;
- б) 990 мл сув, 10 г хлорамин;
- в) 980 мл сув, 20 г хлорамин;
- г) 950 мл сув, 50 г хлорамин;
- д) 970 мл сув, 30 г хлорамин.

2. 0,5% ли ишчи эритмани тайёрлаш учун сув ва 10% ли хлорли оҳак миқдори қанча бўлиши керак?

- а) 100 мл хлорли оҳак, 9,9 л сув;
- б) 200 мл хлорли оҳак, 9,8 л сув;
- в) 500 мл хлорли оҳак, 9,5 л сув;
- г) 1 л хлорли оҳак, 9 л сув;
- д) 2 л хлорли оҳак, 8 л сув.

**3. Операция хонасида ҳаво ҳарорати қандай бўлиши керак?**

- а) 20 – 22°C;
- б) 22 – 24°C;
- в) 34 – 36°C;
- г) 26 – 28°C;
- д) 30 – 32°C.

**4. Операция хонасининг тозалигини сақлаш учун қандай тозалаш ишлари ўтказилади?**

- а) операция вақтида тозалаш;
- б) якуний тозалаш;
- в) кундалик тозалаш;
- г) режали тозалаш;
- д) а, б, в, г ҳаммаси тўғри.

**5. Бөғлов хонасидаги ҳавони заарсизлантириш учун қачон ва қанча муддатга бактериоид лампалар қўйилади?**

- а) иш бошлашдан олдин 1 соат;
- б) иш тугаганидан кейин 1 соат;
- в) иш вақтида 30 дақиқа;
- г) иш тугаганидан кейин 2 соат;
- д) иш бошлашдан олдин 30 дақиқа ва иш тугаганидан кейин 30 дақиқа.



**Эслатма . тўғри жавобнинг тагига чизилган.**



### **III. ХИРУРГИЯДА ИНФЕКЦИЯ ТУШИШИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ**

#### **Хирургик инфекция тушунчаси**

„Инфекция“ термини заминида макроорганизм (одам организми) билан микроорганизм (микроблар) ўртасида вужудга келадиган ўзаро патологик жараён (муносабат) тушунилади. „Хирургик инфекция“ деганда одам организмига жароҳат, микроб тушиши ёки организмнинг ҳимоя кучлари бирмунча пасайиши оқибатида юзага келадиган йирингли яллигланиш жараёнлари (сепсис, фурункул, карбункул, флегмона, псевдофурункулёз, аденофлегмона, сарамас ва б.) тушунилади.

Хирургик инфекция ҳақида сўз юритилганда қўйидаги тушунчаларни билиш лозим бўлади. Буларга **бирламчи инфекция** – жароҳатга бирламчи инфекция тушиши, **реинфекция** – бирламчи инфекция жараёни тугалланмасдан унинг такрорий юқиши, **суперинфекция** – бирламчи инфекция жараёни тугалланмасдан унинг такрорий юқиши ва унинг шиддатли кечиши киради.

Хирургик инфекциянинг олдини асосини организм ҳимоя кучларининг кучайиши, тери ва шиллиқ пардаларнинг микрофлорадан ифлосланишининг камайиши, шунингдек, шикастланиш-

ларнинг олдини олиш ва унга ўз вақтида хирургик ишлов бериш ташкил этади. Хирургик инфекцияга қарши курашишда аввало организмнинг иммунологик кучларини имкон даражасида ошириш ва микрофлоранинг ривожланиши учун нокулай шароитларни яратиш йўллари амалга оширилади. Бунинг учун хирургия амалиётида антисептик препаратлар, антибиотиклар, организмнинг ҳимоя кучларини оширадиган препаратлар, шунингдек, даволашнинг хирургик усул ва услублари қўлланилади.

**Инфекциянинг жароҳатта тушиши йўллари.** Жароҳатта инфекция экзоген ва эндоген йўл билан тушиши мумкин.

**Экзоген** йўл билан инфекция ташки мұхитдан: ҳаводан, жароҳатта теккан буюмлардан (контакт инфекция), ходимлар сўзлашаётганда ва йўталганда ажраладиган сўлагидан ва шиллиғидан (томчи инфекция), тўқималарда қолдириладиган чок, дренаж, металл стержень, тампон ва бошқалардан (имплантацион инфекция) тушиши мумкин.

**Эндоген** йўл билан инфекция бемор организмининг ўзидағи инфекция ўчоқларидан (терининг йирингли заарланиши, муртак безлари, нафас йўллари ва ичак шиллиқ пардасининг ўткир ва сурункали яллиғланиши ва ҳ.к.) юқади. Инфекция жароҳатта операция вақтида, шунингдек, операциядан кейинги даврда қон томирлар (гематоген йўл) ва лимфа томирлари (лимфоген йўл) орқали тушиши мумкин.

Хирургияда жароҳатта микроб тушиши хавфини камайтириш имконини берадиган изчил тадбирлар системаси ишлаб чиқилган. Бунга ҳозирги замон хирургиясининг асоси ҳисобланган антисептика ва асептика усуllibарини қўллаш йўли билан эришилади.

**Йиринг ҳосил қилювчи микроботлар.** Патологик жараёнларни келтириб чиқарадиган йиринглатувчи микроботлар аэроб (кислородли мұхитда яшайдиган ва ривожланадиган) ва анаэроб (кислородсиз мұхитда яшайдиган ва ривожланадиган) бўлиши мумкин.

**Страфилококк** (*Staphylococcus aureus*) — анаэроб шароитларда ҳам ривожлана оладиган аэроб ҳисобланади. Кенг тарқалган ва ҳавода, буюмлarda, кийим-бошларда, одам танасида ва шу кабиларда бўлади. Оқ ва тилла ранг страфилококк фарқ қилинади. Бу микроб кўпинча йирингли жараёнларнинг қўзғатувчиси бўлиб хизмат қиласади.

**Стрептококк** (*Streptococcus pyogenes*) — страфилококк сингари кенг тарқалган, бирмунча чидамли. Йирингли жараёнларга сабаб бўлади, аксарият сероз пардалар ва бўлимларнинг синовиал пардаларини яллиғлантиради.

**Пневмококк** (*Pneumococcus*) — аэроб шароитларда яшайди. Ўпка бўлимларининг синовиал пардаларини айниқса кўп яллиғлантиради.

**Ичак таёқчаси** (*B. coli communis*) — ичакларда ва нажасдан ифлосланган жойларда бўлади. Аэроб ва анаэроб шароитларда кў-

паяди. Күпинча, йириңгли жараёнларнинг ўтишини оғирлаштиради. Бу микроб таъсирида тўқима, мушаклар, пайлар ва фасциялар ириб кетиши мумкин.

Хирургияда аэроб бактериялардан газли гангрена ва қоқшол қўзғатувчилари ниҳоятда хавфлидир.

**Газли гангрена таёқчаси** (*Clostridium perfringens*) — газли гангренанинг энг кўп тарқалган қўзғатувчисидир. У спора ҳосил қилади, токсинлар ва газ ишлаб чиқаради. Токсинлари гемолиз, умумий интоксикация ва нерв системасининг заарланишини келтириб чиқаради.

**Хавфли шиш таёқчаси** (*Clostridium oedematiens*) — спора ҳосил қиладиган микроб. Тўқима ва мушаклар шишишига сабаб бўладиган токсинлар ажратади.

**Септик вибрион** (*Clostridium vibrio* *septicum*) — унинг токсинлари сероз ва сероз-геморрагик яллиғланиш ҳисобига авж олиб борадиган шишга сабаб бўлади. Мушаклар ва тўқиманинг некрозига олиб келади. Токсинлари томирларни заарланитиради.

**Тўқимани эритадиган бацилла** (*Clostridium hystolyticum*) — спора ҳосил қиладиган, ҳаракатчан микроб. Тўқималарни некрозга учратадиган ва эритиб юборадиган токсинлар ажратади.

**Қоқшол таёқчаси** (*Clostridium tetani*) — спора ҳосил қиладиган микроб. У тетаногемолизин ва тетаноспазмин токсинларини ишлаб чиқаради, кейинги токсин марказий нерв системасини специфик заарланириб, қоқшол касаллигини келтириб чиқаради.

Тиббиёт ходимларига юқори гигиеник талаблар қўйилади. Ушбу талаблар туфайли хирургик стационарга инфекция олиб кирилиши ва уни ташқарига олиб чиқиш ҳамда тарқатишнинг олди олинади. Оқибат-натижада бу **касалхона ичи инфекцияларининг** носпештифик профилактикаси бўйича тадбирларни самарали олиб боришга ижобий таъсир кўрсатади.

**Касалхона ичи инфекциялари** — бу беморнинг даволаш муасасаларida ортирган юқумли касалликларидир. Хирургик клиникаларда ҳозирги замон касалхона ичи инфекцияларини турли микроблар (тилла ранг стафилококк, кўк йириңг таёқчаси, протей, ичак таёқчаси, клебсиелла, кандида замбурулари ва б.) келтириб чиқаради. Клиник жиҳатдан улар асосан йириңглаш ва септик синдром кўринишда намоён бўлади.

Хирургик стационарларда ички инфекциянинг манбаи йириңгли септик касалликларнинг ўткир ва сурункали тури билан касалланган катта ва кичик ёшдаги bemorлар ёки патоген микроб организмларни симптомларсиз тарқатувчилар (тиббиёт ходимлари) ҳисобланади. Касалхона ичи инфекциясини қўзғатувчилари асосан ҳаво-томчи, қўллар, чойшаб, ёстиқ жилди, боғлов материаллари, асбоб-ускуналар ва аппаратуралар орқали юқиши мумкин. Касалхона ичи инфекцияси стационар, поликлиника, ташхис ва даволаш физкультураси хоналари орқали тарқалиши мумкин.

Палаталар, махсус ёки ىхтисослашган инфекция бўлимлари, операция бўлимларининг „ифлос“ зоналари, кирхоналар, душ ва ҳожатхоналар, кўл кўп тегадиган жойлар (жўмраклар, эшик тутқичлари, оёқ кийимлар) инфекция хавфи юқори бўлган зоналар ҳисобланади. Патоген микроорганизмларнинг бир касалдан иккинчисига ўтиши касалларнинг стационарда узоқ муддат бўлиши билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун касалларни стационарда имкони борича қисқа вақт ичиди — операциядан олдинги даврда текнериб, операциядан кейинги даврда эса тезроқ ўйига жавоб берилиши талаб қилинади.

Бундан ташқари, касалхона ичи инфекциясининг олдини олишда санитария-гигиена тадбирлари кенг кўламда олиб борилади. Бунга айни пайтда патоген микроблар (стафилококк) ташувчиларни ўз вақтида аниқлаш, сурункали инфекция ўчоқларини санация ва бартараф қилиш, тиббиёт ходимининг қўлларини микробсизлантиришининг такомиллаштирилган усувларини қўллаш, умумий овқатланиш объектларида санитария-гигиена қоидаларини сақлаш ва дезинфекция воситаларидан фойдаланиш асосий омиллардан ҳисобланади.

Касалхона ичи инфекциясига қарши кураш тадбирларини амалга оширишда бош шифокор, хирург ва профилактика муассасаларининг мудирларига жавобгарлик юклатилиди ва булар бош, катта, ўрта тиббиёт ҳамишираси ва кичик тиббий ходимлар иштирокида амалга оширилади. Касалхона ичи инфекциясига қарши курашиш учун хирургия бўлимларида мунтазам назорат олиб бориш, бўлимда, боғлов ва операция хоналарida асептика ва антисептика, санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш лозим.

Хирургия ихтисослигидаги бўлимларга ишга кирган ҳар бир ходим тўлиқ тиббий кўрикдан (стоматолог, оториноларинголог кўриги ва патоген стафилококк бор-йўқлигига бактериологик усул ёрдамида) ўтади ва санитария-эпидемиология талаб ва тадбирларини ўтказиш бўйича кўрсатмаларни олади. Ишга қабул қилинган тиббий ходим диспансер ҳисобига олинади, у ҳар уч ойда бир марта тиббий кўрикдан ўтади. Агар бацилла ва микроб ташувчилар аниқланса, микроб ўчоқлари санация қилиниб, бемор бутунлай соғайгандан кейин ишга қабул қилинади. Агар касалхона ичи инфекцияси тарқалса, бундай ҳолларда тиббий ходимлар дарҳол навбатдан ташқари қайта тиббий кўрикдан ўтказилади.

Тиббий ходимнинг шахсий гигиенасига бадани, кийим- боши, жинсий аъзоларини покиза сақлаш, соч ва тирноқларини ўз вақтида олиб юриш, тишларини ҳар куни тозалаш, оғиз бўшлигини чайиб туриш киради. Тиббий ходим ишга келганида гигиеник душ қабул қилиши, таҳорат қилиши, ички кийимларини алмантириши лозим. Инфекция тушган ёки беморнинг ахлати, сийдиги, қусуғи, балғами, қони ва йиринги теккан асбоб, чойшаб, халатларни тозалашда, пол, девор ва шифтларни ювишда, таҳлилга намуна олишда тиббий ходим клеёнка фартук, резина қўлқоп кийиб олиши лозим, иш бажарилади.

гандан кейин улар микроблардан бактериоцид эритмалар орқали юқумсизлантирилади. Құл совун билан обдан ювилади ва шахсий сочиққа артилади.

Агар ходимнинг қўли инфекция тушган нарсаларга теккан бўлса, у қўлларини этил спиртининг 80% ли, хлоргексидин биглюконатнинг 70% ли эритмаси ёки хлораминнинг 0,5% ли эритмаси билан 2 дақиқа давомида ювилади.

Халат ва қалпоқлар ҳар куни алмантириб турилади. Эркак ва аёлларнинг тор шим кийишиларига рухсат берилмайди. Дезинфекция қилишга қулагай юмшоқ чарм пойабзал кийиш тавсия қилинади. Тиббий ходим боғлов хонасига, интенсив терапия ва жонлантириш бўлимларига, операция блокларига кириши олдидан юқоридагиларга қўшимча равишда оғиз ва бурнига ниқоб тутиб, оёғига баҳила кийиши, қалпоқ ва халатини алмантириши лозим. Кўпинча баъзи бир манипуляция ёки муолажаларни бажаришда бир марта кийиладиган кийим-кечакларни кийиш мақсадга мувофиқ. Тиббий ходим бўлимда чекмаслиги ва спиртли ичимлик ичмаслиги лозим.

### **Антисептика ва асептика**

Антисептика деганда жароҳатдаги микробларни йўқотиши ёки унинг сонини камайтиришга қаратилган тадбирлар системаси тушунилади.

Антисептиканинг физик, механик, кимёвий, биологик ва аралаштурлари мавжуд:

*Физик антисептика* воситаларига дренаж, стерил тампон, шарчалар, қиздирувчи, ультрабинафша лампалар ва инфрақизил лазер аппаратлари киради. Бундай физиковий воситалар ёрдамида жароҳатдаги заҳар (токсин) ва йирингларни ўз вақтида физиканинг сўриш, оқим йўналиши ҳосил қилиш қонунлари асосида чиқариб ташлани кўзда тутилади.

*Механик антисептиктага* жароҳат ва унинг атрофини механик усул ёрдамида тозалаш, ёт жисмларни олиб ташлаш, некрозга учраган ва ўлиши муқаррар тўқималарни кесиб олиб ташлаш, жароҳатга бирламчи ишлов бериш ва тикиш киради.

*Кимёвий антисептикада* микробларни йўқотиши (бактериоцид) ёки жароҳатда унинг ривожланишини тўхтатиш (бактериостатик) хусусиятга эга бўлган турли кимёвий йўл билан олинадиган антисептик моддаларни ишлатиш кўзда тутилган. Бунга малҳамлар (Вишиевский, ируксол ва синтомицин), кукунлар (ксероформ, йодоформ), эмульсиялар, йод, спирт ва шу гуруҳдаги кимёвий ва тиббиёт амалиётидаги ишлатиладиган барча дорилар киради.

*Биологик антисептикага* турли биологик дори моддалари киради. Булардан махсус вакциналар, иммуноглобулинлар, қон, плазма ва анатоксинлар бемор организмига киритилганда унинг умумий (специфик ва носпецифик) иммунитети ошади, микроорганизмларга

бўлган курашувчанлик қобилияти ортади ва натижада микроблар организмдан йўқолади. Антибиотиклар, бактериофаг ва антоксиснлар микроб тўқималарига ёки унинг заҳарларининг маълум бир турига макроорганизм томонидан тўғридан-тўғри таъсир қилиб, уни йўқ қиласди ёки нейтраллайди. Протеолитик ферментлар эса жароҳатдаги яроқсиз тўқималарни лизисга учратаб, унинг тезроқ тозаланишини таъминлайди ва микроб тўқималари озиқланишини бузади.

*Аралаш антисептика* — юқорида келтирилган антисептика турларини тиббиёт амалиётида алоҳида қўллашнинг фойдаси ва имконияти камлиги туфайли, улар доимо биргаликда ишлатилади. Шунинг учун аралаш антисептикандан амалиётда кўп фойдаланилади. Масалан, жароҳатни замонавий усусларда тез даволаш учун жароҳатга бирламчи хирургик ишлов берилади. Бунда жароҳат четлари кесилади (механик антисептика), атрофларига йод билан ишлов берилади ва жароҳат водород пероксид эритмаси билан ювилади (кимёвий антисептика), қоқшолга қарши зардоб ва антибиотиклардан биронтаси организмга юборилади (биологик антисептика), жароҳатга гипертоник эритмага шимдирилган салфетка қўйилади ёки УВЧ (физик антисептика) қўлланилади.

*Антисептик восита*лар. Ҳозирги вақтда кўп сонли антисептик моддалар қўлланилади. Булардан амалиётда кўп ишлатиладиганларини келтириб ўтамиш.

### 1. Галлоидлар.

**Хлорацид** (*Chloracidum*) — 0,5% ли эритмаси хирург қўлини зарарсизлантириш, резина қўлқоплар, катетерлар, дренажларни стериллаш, инфекция тушган жароҳатларни, йирингли бўшлиқларни ювиш учун қўлланилади.

**Хлорамин Б** (*Chloramixin B*) — 2% ли эритмаси худди шу мақсадлар учун қўлланилади.

**Хлоргексидин** (*Chlorhexidinum*) — 20% ли сувли эритмаси хлоргексидин биглюканат кўринишида чиқарилади. Операция майдонини тайёрлаш учун 70% ли этанолдан тайёрланган 20% ли эритмаси ишлатилади. Куйиш жароҳатларини ювишда 0,05% ли, қовуқни ювишда 0,02% ли сувли эритмаси ва хирург қўлини ювишда 0,5% спиртли хлоргексидин биглюканат эритмаси ишлатилади.

**Йоднинг спиртли эритмаси** (*Solutio jodi spirituosa*) — 5% ли эритмаси операция майдонига, жароҳат четларига суртиш учун дезинфекция қиладиган восита сифатида қўлланилади.

**Йодапат** — йоднинг сувдаги 1% ли эритмаси операция майдонини микробсизлантириш мақсадида ишлатилади.

**Йодопирон** — 1% ли сувли эритмаси операция майдонини ва хирург қўлини микробсизлантиришда, йирингли жароҳатларни даволашда ишлатилади.

**Люголь эритмаси** (*Solutio Lugoli*) — йод ва калий йодининг спирт ёки сувдаги эритмаси. Кетгутни стериллаш ва шиллиқ пардаларга суртиш учун қўлланилади.

## **2. Оксидловчилар.**

**Водород пероксид эритмаси** (*hydrogenii peroxydati diluta*) — 3 — 5% ли эритмаси йирингли жароҳатларни ювиш учун дезинфекция қиласидиган ва ёқимсиз ҳидни йўқотадиган восита сифатида қўлланилади. Бунда ҳосил бўладиган кўпик билан ҳаётга лаёқатсиз тўкималар механик равишда тозаланади.

**Калий перманганат** (*Kalii permanganas*) — кучли оксидловчи, 0,1 — 0,05% ли эритмаси жароҳат, 0,01 — 0,1% ли эритмаси томоқ ва оғизни ювиш, 0,02 — 0,1% эритмаси чайиш учун, 2 — 5% ли концентрацияси яра ва куйган юзага суртиш учун ишлатилади.

**Борат кислота** (*Acidum boricum*) — кўк йиринг таёқасидан заарланишда жароҳатларни ювиш учун 2 — 3% ли эритмаси қўлланилади, малҳам ва сепма дорилар кўринишида ишлатилиши ҳам мумкин.

## **3. Оғир металл туълари.**

**Симоб дихлорид** (*Hydrargiri dichloridum*) — симобнинг 1:1000 нисбатдаги эритмаси (сулема) парвариш буюмлари, қўлқопларни дезинфекция қилиш учун қўлланилади. Сулема кучли заҳар. Уни ишлатишда эҳтиёткорликка риоя қилиш керак. А рўйхати бўйича сақланади.

**Диоцид** (*Diocidum*) — кучли антисептик таъсири бор. Қўлни ювишда 1:3000 — 1:5000 даги, тикиш материаллари ва асбобларни стерилизация қилишда 1:1000 даги эритмаси ишлатилади.

**Кумуш нитрат** (*Argenti nitras*) — жароҳат, қовуқ ва шу кабиларни ювиш учун дезинфекцияловчи восита сифатида (1:500 — 1:1000 нисбатидаги концентрацияси) қўлланилади. Грануляция тўкималарини куйдириш учун 5 — 10% ли эритмасидан фойдаланилади.

**Протаргол** (*Protargolum*) — 1 — 3% ли эритмаси қовуқ яллигланганда битирувчи, антисептик ва яллигланинга қарши восита сифатида қўлланилади.

**Колларгол** (*Collargolum*) — 0,2% ли эритмаси йирингли жароҳатларни ювиш учун дезинфекциялайдиган ва яллигланишга қарши восита сифатида ишлатилади.

Ҳамма кумуш препаратларини ёқут рангли, оғзи маҳкам бекитиладиган идишда, ёруғлик тушмайдиган жойда сақлаш керак.

## **4. Спирт.**

**Этил ёки вино спирти** (*Spiritus aethylicus*) — дезинфекциялаш ва ошлаш хусусиятига эга. 70 — 96% ли эритмалари қўлга ва операция майдонига суртиш учун ишлатилади.

## **5. Формальдегид.**

**Формалин** (*Formaldehydum solutum*) — формальдегиднинг 36,5 — 37,5% ли сувли эритмасидан иборат. Асбобларни дезинфекция қилиш учун 0,5% ли эритмаси қўлланилади. У уч хил моддадан ташкил топган эритма таркибига киради (1000 мл дистилланган сувга 20 г формалин, 10 г карбол кислота, 30 г натрий карбонат ҳисобида).

## **6. Фенол.**

**Фенол ёки карбол кислота** (*Acidum carbolicum*) — 2 — 3% ли эритмаси парвариш буюмларини дезинфекция қилиш, асбоблар, резина құлқопларни стериллаш учун құлланилади. Уч хил моддадан ташкил топган эритма таркибига киради.

## **7. Бүек моддалар.**

**Этакридин лактат** — *Риванол* (*Aethacridini lactas*) — 1:500 ва 1:2000 нисбатдаги концентрацияси йириングли жароҳатларни даволаш, йирингли бўшлиқларни ювиш учун ишлатилади.

**Брилиант яшили** (*Viridi nitens*) — спиртдаги 0,1 — 0,2% ли эритмаси йириングли касалликларда терига суртиш учун құлланилади.

**Метилен кўки** (*Methylenum coeruleum*) — спиртдаги 1 — 3% ли эритмаси куйиш ва терининг йириングли касалликларида антисептик восита сифатида ишлатилади.

## **8. Нитрофурлан препаратлари.**

**Фурацилин** (*Furacilinum*) — 1:5000 нисбатдаги эритмаси йирингли жароҳатларни даволаш, бўшлиқларни ювиш учун құлланилади. Анаэроб флорага фаол таъсир этади.

**Фурагин** (*Furaginum*) — 0,1% ли эритмаси оғиз бўшлигини ва жароҳатни ювишда кучли антисептик восита сифатида ишлатилади.

**Фурадонин** (*Furadonini*) — урологик касалликларда овқатдан кеин кунига 3 — 4 марта 0,1 — 0,155 г дан ичиш учун құлланилади.

## **9. Сульфаниламид препаратлари.**

**Стрептоцид** (*Streptocidum*) — турли соҳаларда жойлашган яллиганиш жараёнларида ишлатилади. Кунига 4 — 6 марта 0,5 — 1 г дан ичиш учун буюрилади.

**Сульфадиметоксин** (*Sulfadimethoxinum*) — сульфаниламид қаторидаги препарат. Фоят фаол. Пролонгировчи таъсирга эга. Аввалига кунига 1 г дан 2 марта, кейинроқ кунига 1 г дан тайинланади.

## **10. Антибиотиклар** (биологик антисептиклар).

Улар микроблар, ўсимликлар, ҳайвон тўқималаридан ва синтетик йўл билан олиниши мумкин.

Кимё соҳасида эришилган ютуқлар узайтирилган таъсири бўлган, ўзгартирилган синтетик ва яримсинтетик антибиотиклар яратиш имконини берди.

Қўйида хирургия амалиётида энг кўп ишлатиладиган антибиотиклар келтирилади.

**Пенициллин гуруҳи.** Бу гурухда пенициллиннинг кўпгина тузлари бўлади. Препаратлари турли микроорганизмларга нисбатан кенг таъсир доирасига эга. Пенициллин физиологик эритмада, кўпроқ 0,25 — 0,5% ли новокайн эритмасида эрийди. Пенициллин организмдан тез чиқарилади, шунинг учун уни суткасига 4—6 мартағача юборилади. Катталар учун ўртача бир марталик дозаси 500 минг — 1 млн. ТБ, суткалик дозаси 2—3 млн. ТБ гача. Пенициллинни тери остига, мушак орасига, венага, артерияга, турли

бўшлиқларга (қорин, плевра бўшлиғига, бўғимга), интратрахеал ва орқа мия каналига юбориш мумкин. Пенициллин феноксиметил-пенициллин (Phenoxymethylenicillinum) ҳолида ичиш учун қўлланилади, бу меъда шираси таъсирида парчаланмайди.

**Бициллин** (Bicillinum) — бензилпенициллиннинг кристаллик тузи. Юборилган соҳадан жуда секин — 2 ҳафтача сўрилади ёки 2 ҳафтада 1 марта 1,2 млн. ТБ дозада юборилади.

**Ампициллин** (Ampicilllinum) — пенициллин қаторидаги антибиотик. Таъсир доираси кенг яримсинтетик препарат. Арадаш инфекция қўзғатган касалликларда қўлланилади. 0,25 — 0,5 г дан 4 — 6 соат оралатиб ичиш тавсия этилади.

### Цефалоспоринлар гуруҳи.

**Цефалоридин** — микробларга қарши таъсир механизми пенициллинга ўхшайди, аммо у микроорганизм ҳужайралари қобиги ҳосил бўлишига тўқсқинлик қиласи ва бактериоид таъсир кўрсатади. 20 — 60 мг/кг дан 2 — 3 марта мушак орасига юборилади. Баъзан оғир касалликларда 60 мг/кг ҳисобида вена ичига ҳар 6 соатда дистилланган сувда эритилган эритмаси юборилади.

**Цефазолин** (кефзол) — кенг таъсир доирасига эга бўлган антибиотик бўлиб, у граммусбат ва грамманфий микробларга бактериоид таъсир кўрсатади. 0,25 — 0,5 г дан 3 марта мушак орасига, болаларга 20 — 50 мг/кг дан суткасига 3 — 4 марта юборилади.

### Тетрациклин гуруҳи.

**Окситетрациклин** (Oxytetacyclini hydrochloridum) — тузилиши ва таъсирига кўра тетрациклин ва биомицин (агромицин) га яқин. Таблетка ҳолида бир қабулга 100 — 500 минг ТБ дан кунига 3 — 4 марта буюрилади. Суткалик энг юқори дозаси 2 г.

**Морфоциклин** (Morphocyclinum) — суткасига 1 — 2 марта венага 75 — 150 минг ТБ дан 20 — 30 мл 40% ли глюкозада эритиб, астасекин юборилади. Оғир инфекцияларда (сепсис, ўпка абсцесси, плевра эмпиемаси ва ҳ.к.) буюрилади.

**Сигмомицин** (Sigmomycinum) — тетрациклин ва олеандомициндан иборат комбинация қилинган препарат. Ичишга 0,25 г дан, мушак орасига 0,1 г дан, венага 0,25 — 0,5 г дан қўлланилади. Таъсир доираси ва қўлланилиши олетеинрин каби.

### Стрептомицин гуруҳи.

**Стрептомицин** (Streptomycinum) — турли-туман микрофлора-га, шунингдек сил микробактерияларига ҳалокатли таъсир кўрсатади. Суткасига 1 — 2 марта 500 минг — 1 млн. ТБ дозада мушак орасига юборилади.

**Стрептомициллин** (Streptomicillinum) — бензициллин ва стрептомицин тузлари аралашмасидан иборат препарат. Стрептомициллинда пенициллин билан стрептомицин хоссалари мавжуд, шунга кўра арадаш инфекцияли беморларни даволашда таъсирчан восита.

## **Макролидлар гурухи.**

**Эритромицин** (*Erytromycinum*) — граммусбат микробларга, жумладан бошқа антибиотикларга резистент микробларга ва айрим йирик вирусларга (трахома) ҳалокатли таъсир қилади. Ҳар 4 — 5 соатда 100 — 200 минг ТБ дан овқатдан олдин құлланилади. Суткалик дозаси 800 минг — 2 млн. ТБ. 1 г да 100 минг ТБ тутган малжамидан маҳаллий фойдаланилади. Венага кунига 2 марта 200 минг ТБ дан эритромицин-аскорбат 5% ли глюкоза эритмаси құлланилади.

**Олеандомицин фосфат** (*Oleandomycinum phosphas*) — таъсир доираси кенг препарат. Пневмония, плеврит, ўпка абсцесси, эмпиема, йириングли бронхоэктазиялар, стафилококк, стрептококк ва пневмококк сепсис, остеомиелит, сийдик ҳамда ўт йүллари касаллукларини даволашда ишлатиласы. Суткасига 4—6 марта 125 — 250 минг ТБ дан таблетка ҳолида ичиш учун буюрилади.

**Канамицин** — анаэроб ва сил таёқчаларига таъсир қиладиган аминогликозид. 0,5—1 г дан таблеткалари ичишта, эритмалари мушак ва томирларга юбориласы.

**Гентамицин** — граммусбат ва грамманфий коккларга, протей, салмонелла, ичак таёқчасига бактериостатик таъсир қилади. Суткасига 1—3 мг/кг миқдорида 7—8 кун мобайнида мушак ичига юбориласы.

## **Аминогликозидлар гурухи.**

**Мономицин** (*Monomycinum*) — таъсир доираси кенг препарат. Тетрациклин, левомицетин, стрептомицинга чидамли микроорганизмларга нисбатан фаол. Мушак орасига (суткасига 3 марта 250 минг ТБ дан), бўшлиқларга юбориласы, маҳаллий ва ичиш учун құлланилади. Узоқ вақт құлланилганда эшитув нерви зараланади, баязан буйраклар зарарланиши кузатилиши мумкин.

**Колимицин ёки неомицин сульфат** (*Colimycinum*) — таъсир доираси кенг препарат. Қорин ва плрева бўшлиғидаги йириングли жараёнларни, инфекция тушган жароҳатларни даволашиб учун құлланилади. Бўшлиқларга 700 минг — 1,4 млн. ТБ гача 10 — 20 мл 0,5% ли новокаин эритмасида суюлтириб юбориласы. Жароҳатларга даво қилиш учун 0,25 — 0,5% ли колимицин эритмасига ҳўлланган тампонлар, терига эса сиртдан құлланилади.

**Турли гурухлардаги антибиотиклар.** Полимиксин М сульфат (*Poly-myxin M sulfat*). Грамманфий микробларга, айниқса кўк йиринг таёқчасига таъсир қилади. Секин битаётган жароҳатлар, абсцесслар, яраларни ювиш, уларга дока босиш учун фақат маҳаллий құлланилади. 100 мл да 500 минг — 1 млн. ТБ препарат сақлаган сувдаги эритмаси ишлатиласы.

**Ристомицин** (*Ristomycinum*) — таъсир доираси кенг препарат. Фақат венага суткасига 2 марта 500 минг ТБ дан 250 — 500 мл физиологик эритмада томчилаб юбориласы. Узоқ вақт құлланилганда лейкопения ва тромбопения пайдо бўлиши мумкин.

**Линкомицин** (*Lincomycin hydrochloridum*) — пенициллин, стрептомицин, тетрациклин, неомицин ва бошқа антибиотикларга чидамли

микроорганизмларга нисбатан фаол. Мушак орасига суткасига 2 марта 0,5 г дан юборилади. Ўткир ҳолатлар ўтиб кетгандан сўнг кунига 3 марта 0,5 г дан капсулада юборилади. Кўп ишлатилиши беморда кўпинча дисбактериоз ҳолатни келтириб чиқаради.

### **Левомицетин гуруҳи.**

**Левомицетин** (*Laevomycetinum*) — таъсир доираси кенг синтетик препарат. Кунига 3 — 4 марта 0,5 г дан, овқатдан 20 — 30 дақиқа олдин ичишга буюрилади.

**Синтомицин** (*Synthomycinum*) — таъсир қиласиган қисми левомицетин ҳисобланади. 1—5—10% ли эмульсияси йирингли жароҳат, куйган юза, яра кабиларни даволаш учун сиртдан қўлланилади.

### **Замбуругга қарши антибиотиклар.**

**Нистатин** (*Nystatinum*) — патоген замбуруғларга, айниқса, *Candida* туркумига кирадиган ачитқисимон замбуруғларга таъсир қиласи. Бактерияларга чидамсиз. Турли соҳаларда жойлашган кандидамикоузни даволаш ва олдини олишида қўлланилади. Кунига 3 — 4 марта 500 минг ТБ дан таблеткада ёки кунига 6 — 8 марта 250 минг ТБ дан қўлланилади. Оғир кандидамикоузда дозаси оширилади.

**Леворин** (*Levorinum*) — бу ҳам кандидамикоузда кунига 2—3 марта 500 минг ТБ дан капсулада ичиш ёки кунига шиллиқ пардаларга суртиш учун малҳам ҳолида қўлланилади.

**Амфотерицин В** (*Amphotericinum В*) — юқорида санаб ўтилган препаратлар билан даво қилиш наф бермаган турли хил замбуруг касалликларида қўлланилади. Кун ора 50 минг ТБ дан 40 мл 5% ли глюкоза эритмасида эритиб венага юборилади.

Антибиотиклар турининг кўплиги бирор препаратни ёки уларни биргаликда қўллаш имконини беради. Бироқ, у ёки бу антибиотикларни биргаликда қўллашда уларнинг бирга таъсир қилиш хусусиятини ҳисобга олиш зарур. Батзи ҳолларда антибиотиклар бир-бiriнинг таъсирини кучайтиради, бошқа ҳолларда эса улар таъсирида антагонизм кузатилиади.

**Беморларнинг антибиотикларни қўтара олишини аниқлаш.** Антибиотикларга ортиқча сезувчанликни аниқлаш учун тери ичи синамаси қилиб кўрилади. Шу мақсадда 1 минг ТБ антибиотик сақлаган 0,1 мл физиологик эритма билакнинг ички юзаси терисига юборилади. Назорат тариқасида антибиотиксиз шунча миқдордаги физиологик эритмадан фойдаланилади. Сезувчанлиги юқори бўлган шахсларда антибиотик юборилган соҳада анчагина шиш, гиперемия, тошмалар пайдо бўлади. Беморда антибиотикка мусбат реакция бўлганда унга антибиотик юбориб бўлмайди.

Антибиотикларнинг ҳаммаси замбуругга қарши препаратлар — нистатин, леворин ва амфотерицин В билан яхши аралашади.

**Антибиотиклар билан даволашдаги хато ва хавфлар.** **Антибиотикнинг оптимал дозасини аниқлаш.** Антибиотикнинг терапевтик дозаси асоссиз кўпайтирилганда токсинлар таъсир қилиш хавфи пайдо бўлади. Масалан, стрептомицин, канамицин дозаси

ошириб юборилганда уларнинг ототоксик таъсири кучайиб, бемор эшитув қобилиятини батамом йўқотиб қўйиши мумкин. Дозаси етарлича бўлмаганда даво таъсири кам бўлади ва касалликнинг кечипи сурункали тус олиши мумкин.

**Антибиотиклар билан даволашга нотўғри қўрсатмалар бериш.** Вирусли инфекцияларда, келиб чиқини номаътлум бўлган иситмаларда антибиотиклар буюриш мумкин эмас.

**Антибиотикни нотўғри танлаш.** Антибиотик таъсир доирасининг ҳар бир аниқ ҳолда ажратиб олинган қўзғатувчига мос келиши антибиотиклар билан муваффақиятли даволашнинг асосий шарти ҳисобланади. Кўп ҳолларда таъсир доираси тор препаратларни қўллаш зарур. Таъсир доираси кенг антибиотик буюрилганда токсик ҳодисаларни кузатиш ва дисбактериоз вужудга келиши мумкин. Антибиотикнинг фармакодинамикасини ва унинг патологик ўчоққа кириш йўлларини ҳам назарда тутиш зарур.

**Антибиотиклар комбинациясини асоссиз қўллаш.** Антибиотиклардан фойдаланишда монотерапияга, яъни микрофлоранинг сезувчанлик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда битта препаратни қўллашга асосланиш керак. Антибиотикларни аралаш инфекцияда ташхис бактериологик тасдиқланганда комбинация қилиб буюрилади. Антибиотиклар комбинацияси асоссиз қўлланилганда қўшимча токсинли ва аллергик таъсир юзага келиш хавфи ортади.

**Яроқлилик мuddати ўтган ва нотўғри сақланган антибиотикларни ишлатиш мумкин эмас.**

### **Антибиотикларнинг асоратлари**

**Аллергик реакциялар** — антибиотикка сезувчанлиги ошган беморларда пайдо бўлади. Сенсибилизация реакцияга сабаб бўлган антибиотикнинг ўзидангина эмас, балки сезувчанликни юзага келтирадиган бошқа дори моддаларидан ҳам пайдо бўлиши мумкин. Аллергик реакциялар „эшакем“ тошиши, ҳиқилдоқ ва трахеянинг шишиши, астма хуружи (бўғилиш), аллергик тумов, конъюнктивит, ўткір диарея (колит) билан намоён бўлади. Лекин шуларнинг ичida энг оғири **анафилактик шок**dir. У инъекция қилингандан бир неча дақиқа ўтгач ривожланади. Бунда касалнинг дармони қурийди, бадан териси оқаради ва совуқ тер босади, қўл ва оёғи музлаб, кўкара бошлайди, артериал қон босими кескин пасаяди, пульси испимон бўлиб қолади, талваса тутади, bemor ҳушидан кетади. Баъзан юз ва шиллиқ пардаларида шиш пайдо бўлиб, „эшакем“ тошиши, кўнгли айниб, кусиши ёки ичи кетиши мумкин.

Оғир ҳолатларда эса bemornинг ичидан қон кетиши, диспноэ, мия шиши ва жигарнинг заҳарланиши ҳисобига коматоз ҳолат кузатилиши ёки bemor қисқа муддатда ўлиб қолиши мумкин. Бу ҳолатларда зудлик билан қуидаги чораларни кўриш лозим бўлади:

а) дори юборилган жой юқорисидан жгутни артериялар ва ве-

налар босиладиган қилиб қўйиш керак. Бунда жгут тўғри қўйилган бўлса, текширганда периферияда пульс аниқланмайди;

б) иккинчи қўл венасига аллергияга қарши препарат (димедрол, дипразин, супрастин, гидрокортизон ва б.) юбориш;

в) жгутни ечмай, препарат юборилган жой атрофидаги тери остига адреналин эритмаси юбориш (0,1% ли 1 мл адреналин 0,9% ли натрий хлорид эритмасида эритилади) лозим бўлади. Бу эритма томирларни торайтирувчи таъсир кўрсатиб, анафилактик шокка сабаб бўлган препаратларнинг сўрилишини секинлаштиришга хизмат қиласди.

Бу оғир асоратнинг олдини олиш учун бемордан илгари шу препараттага бўлган реакция хусусида сўрашдан ташқари, биринчи инъекцияни битта қўл ёки оёқ соҳасига қилиш (реакция пайдо бўлган тақдирда жгут қўйишга имкон бўлиши учун) ва беморни биринчи кун мобайнида, айниқса, инъекциядан кейинги дастлабки дақиқаларда синчковлик билан кузатиб бориш керак.

Тайинланган дори ўрнига тери остига янглишиб бошқа дорини юбориш дорининг кимёвий хоссаларига қараб турли кўнгилсиз ҳолларга сабаб бўлиши мумкин. Шприцни тўлдиришдан (куруқ ампула игнада қолган бўлса), инъекциядан олдин доридаги ёзувни қайта текшириш йўли билан бунинг олдини олиш мумкин. Борди-ю, хато қилиб қўйилса, препарат юборилган жой юқорисидан жгут болгланади ва қандай дори юборилгани маълум бўлса, ўша жойга қарама-қарини таъсир қиласди. Агар маълум бўлмаса, дори юборилган жой атрофидаги тери остига 0,9% ли натрий хлор эритмасидан ҳаммаси бўлиб 50 — 100 мл гача юборилади, бу юборилган препарат концентрациясини пасайтиришга ва шу билан унинг зарарли таъсирини камайтиришга имкон беради.

Оғир ҳолатларда венага дори юбориш тавсия қилинади. Венага томчи усулида ноадреналин (500 мл физиологик эритмада 5 мг дозада кортикостероидлар ва мезатон билан бирга) юбориш мумкин. Преднизолонни венага аста-секин 50 — 100 мг дозада, гидрокортизонни 100 — 250 мг, кальций хлориднинг 10% ли эритмасини 10 мл дозада юборилади.

Ҳиқилдоқ шишида трахеостомия қилинади, сунъий нафас олдирилади, кислород берилади. Венага эуфиллиннинг 2,4% ли эритмасидан 10 мл ва димедролнинг 2,5% ли эритмасидан 1 мл юборилади. Пенициillin юборилганда вужудга келган анафилактик шокни мушак орасига 800 000 ТБ пенициillinаза юбориб даволаш зарур.

Бундан ташқари, амалиётда ҳаёт учун унчалик хавф тудурмайдиган бошқа реакциялар ҳам кузатилиши мумкин. Бундай реакцияларга: зардоб касаллигини эслатувчи синдром, эозинофилия, лейкопения ва агранулоцитар, тошмалар, дерматит, эшакем, ангионевротик шиши (Квинке шиши), ринит, бронхит, стоматит, гастрит, энтероколит, неврит, плексит, нефрит ва уларнинг бирга учрайдиган хиллари киради.

**Токсик реакциялар** ҳар қандай антибиотик айниңса катта до-заларда құлланилғанда пайдо бўлиши мумкин. Клиник жиҳатдан эшитув нервига (қисман ёки батамом эшитмайдиган бўлиб қолиш), вестибуляр аппаратга (vesterбуляр бузилишлар), кўрув нервига (кўзниң хиралашуви) таъсир этиб, полиневрит, парестезия, бош оғриғи, бош айланиши, марқазий нерв системаси, меъда-ичак йўлларининг турли хилдаги заарланишида намоён бўлади.

**Суперинфекция.** Антибиотиклар билан даволаш жараёнида асо-сий касалликка сабаб бўлган флора йўқотилади. Бу вақтда бошқа касаллик қўзгата олиш эҳтимоли бўлган шартли патоген микрофлоранинг тез ривожланиши кузатилиши мумкин (эндоген суперин-фекция).

**Кандидозлар.** *Candida* туркумига кирадиган ачитқисимон замбуруғлар қўзгатади. Антибиотиктерапия (айниңса, таъсир доираси кент препаратлар билан) нормал микрофлоранинг турли хил вакиллари ўртасида бўладиган одатдаги нисбатни бузади (бактериялар ўсишини тўхтатиш ва ачитқисимон замбуруғларнинг жадал суръатда кўпайиши) ва *Candida* нинг фаоллашишига имкон беради. Кандидозларда ташқи қопламлар (тери, шиллиқ пардалар) ва ички аъзолар (нафас йўллари, меъда-ичак йўллари, сийдик-таносил системаси ва ҳоказолар) нинг заарланиши кузатилади. Даволаш антибиотикни бекор қилиш ва нистатин буюришдан иборат.

**Бактериолиз — (Яриш-Герксгеймер) реакцияси.** Баъзан кўп миқдорда антибиотиклар юборилганда микроблар тезда ҳалокатга учраб, бир талай эндотоксин ажралиб чиқиши мумкин. Клиник жиҳатдан бу эт жунжикиши, иситма, тахикардия, терлаш, баъзан диарея билан юзага чиқади. Оғир ҳолларда ҳароратнинг пасайиши, колапс, ҳушдан кетиш, олигурдия, анурдия қайд қилинади, даво қилинмаса, бемор оламдан ўтиши мумкин. Юрак дорилари юбориш, кўп миқдорда суюқлик қуиши, антигистамин препаратлар бериш лозим.

### Асептика

Асептика деб, операцион жароҳатга микроблар тушишининг олдини олишни таъминлайдиган тадбирлар комплексига айтилади.

Шу мақсадда ташкилий тадбирлар, физикавий омиллар, айрим антисептик ва кимёвий препаратлардан фойдаланилади. Микроблар ва уларнинг спораларини йўқотиш **стериллаш** дейилади. Стериллашнинг турли хил усуллари мавжуд бўлиб, буларга: куйдириш, чўғлантириш, автоклавлаш, қайнатиш, кимёвий моддалар, нур, ультратовуш орқали ишлов бериш киради.

**Куйдириб стериллаш.** Куйдиришда стериллаш яхши бўлмайди ва у асбобларни ишдан чиқаради, шунинг учун камдан-кам ҳолларда, масалан, тайёр стерил асбоб бўлмаган шошилинч операцияларда ишлатилади. Шу мақсадда стерилизатор қопқоғига ёки тогорачага

асбобларни қўйиб, озроқ миқдорда  $96^{\circ}$  ли спирт қўйилади ва ёқилади. Спирт ёниб бўлганидан сўнг асбобларни ишлатиш мумкин.


**Куруқ иссиқлик билан стериллаш.** Металлдан ясалган асбобларни стериллаш бирмунча кенг тарқалган. Шу мақсад учун қуруқ иссиқлик берадиган махсус шкафдан фойдаланилади. Шкаф бекитилади ва электр тармоғига уланади,  $10-15$  дақиқа ўтгач, шкафдаги ҳарорат  $120-140^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилади. Ҳароратнинг доимийлиги контакт термометр билан бошқариб турилади. Стериллаш муддати  $30$  дақиқа. Бу усулда стериллаш ишончли бўлади ва асбоблар ишдан чиқмайди.

**Автоклавлаш.** Босим остида буғ билан стериллаш автоклавлаш дейилади. Операция учун чойшаблар, боғлов материали, резина қўлқоплар, асбоблар, қон қўйиш учун система ва бошқаларни автоклавлаш мумкин. Автоклавлар тузилиши ва тури жиҳатидан ҳар хил бўлади, бироқ ҳаммасининг ҳам ишлаш усули деярли бир хил. Автоклав одатда қўш деворли металл қозондан иборат бўлиб, деворлари орасига сув қўйилади (13- расм).

Стерилланадиган материаллар махсус биксларга солиниб, автоклавга қўйилади. Автоклав қопқоғи ёпилади ва зичлигини сақлаш учун болтлари бураб қўйилади. Автоклавнинг манометри, эҳтиёт клапани, сув ва буғни чиқарини учун жўмраклари бор. Автоклавда сувни қиздирадиган манба электр иситгич, газ ва бошқалар бўлиши мумкин. Автоклавда сув қиздирилганда қайнаб буғ ҳосил бўлади. Бунда камерадаги босим ва шунга мувофиқ ҳолда ҳарорат ошади. Босим билан буғ ҳарорати ўртасида узвий физик боғланиш мавжуд:  $1$  атм. —  $120^{\circ}\text{C}$ ;  $1,5$  атм. —  $127^{\circ}\text{C}$ ;  $2$  атм. —  $134^{\circ}\text{C}$  га тенг.

Шундай қилиб, босим нечогли юқори бўлса, ҳарорат ҳам шунча юқори бўлади.  $1$  атм. босимда стерилизация  $1$  соат,  $1,5$  атм да —  $45$  дақиқа,  $2$  атм да эса  $30$  дақиқа давом эттирилиши керак.

Автоклав ишламай турганида суви тўкиб қўйилади. Автоклавлаш учун: а) буғ чиқадиган кранни очиш; б) қиздириш манбани улаш; в) автоклав камерасидаги ҳаво ўрнига буғ киритиш учун  $15-20$  дақиқагача буғ чиқаришни давом эттириш; г) кранни бекитиб, босимни талаб этиладиган даражагача ( $1,5-2$  атм) етказиш зарур. Замонавий автоклавларда бу босим автоматик тарзда сақлаб турилади.



13- расм. Автоклав.

Резина құлқопларни стериллашда уларнинг устига ва ичига тальк сепилади, жуфт-жуфт қилиб қўйилади, ёпишиб қолмаслиги учун дока салфеткага ўралади ва алоҳида барабанга жойланади ва улар 1,5 атм. босимда 30 дақиқа стерилизация қилинади.

Катетерлар, дренажлар, шунингдек қон қўйиш системаларини йиғма ҳолда стерилизация қилишда улар сочиққа ўраб биксга жойланади ва 1 атм.да, 1 соат давомида стерилизация қилинади. Стерилланган материаллар биксларда кўпі билан 3 суткагача сақланиши мумкин.

Стериллаш муддати тугалланганидан сўнг: а) унинг иситгичини улаш; б) буг чиқадиган жўмрагини аста-секин охиригача очиб, босимнинг нолга қадар тупшишини кутиб туриш; в) автоклав қопқоғини очиш; г) биксларни олиш ва дарҳол улардаги буг чиқадиган тешикларни бекитиш; д) автоклав қопқоғини ёпиш зарур.

Стериллаш устидан назорат ўрнатиш шарт. Бунинг учун муайян ҳароратда суюқланадиган моддалар: олтингурут кукуни ( $117^{\circ}\text{C}$ ), антипирин, амидопирин ( $110^{\circ}\text{C}$ ), резорцин ( $119^{\circ}\text{C}$ ), каҳрабо кислота ( $180 - 184^{\circ}\text{C}$ ), аскорбин кислота ( $187 - 192^{\circ}\text{C}$ ), пилокарпин гидрохлорид ( $120^{\circ}\text{C}$ ), бензоат кислота ( $121^{\circ}\text{C}$ ) дан фойдаланилади. Бу моддалардан бири пробиркага солинади. Стериллаш тугагандан сўнг модда суюқланса, бу жараён тўғри ўтказилган ҳисобланади. Кукун батамом суюқланмаса, стериллашни такрорлаш керак бўлади.

Бундан ташқари, кам деганда 10 кунда бир марта бактериологик текширув ўтказилади. Бунинг учун материалнинг кичик бўлакчалари пробиркага солинади, дока тиқин билан бекитилади ва пробирка барабан ичига қўйилади. Стериллаш тугаганидан сўнг бу пробиркалар бактериология лабораториясига жўнатилади. Лабораториядан олинган хулоса маҳсус папкада сақланиши керак.

**Операция учун чойшаблар, кийим-бошлар ҳамда боғлов материалларини стериллаш.** Операция учун хирург, ассистентлар ва операция ҳамшираси маҳсус кийимлар кияди. Кўпчилик хирургик муассасаларда тиббий ходимлар салат рангли ёки ҳаво ранг маҳсус енгил кийим киядилар.

**Тиббий ниқоблар.** Томчи инфекцияси хавфини камайтириш учун ходимлар оғиз ва бурнига маҳсус ниқоб тутиб юради. Ниқоблар ўлчами  $16 \times 20$  см бўлган 4 қаватли докадан тайёрланиб, бурчакларига 4 та боғич чатиб қўйилади. Ниқобларнинг бошқа турлари ҳам ишлатилади, бироқ улар қандай шаклда тикилган бўлмасин, бурун, оғиз, иякни беркитиб туриши шарт. Ниқоблар ишлатишдан олдин стерилланади. Ниқобни тутишда унинг устки боғичларини хирургнинг қўлига тегиб кетмайдиган қилиб ушлаб туриш керак. Ҳамшира орқа томонга ўтиб боғичларни учидан ушлайди ва уларни қулоқ чиганоқлари орқасидан ўтказиб, бошнинг тепа қисмига боғлайди.

**Халатлар.** Операция учун маҳсус ёпиқ халатлар пишиқ оқ, пушти ёки ҳаво ранг матодан тикилади. Халатларнинг ранги турли хилда бўлиши мумкин. Операция учун мўлжалланган халатлар нозик матодан

тикилмаслиги керак, чунки бир-икки марта ишлатилгандан кейин улардан тер ва бактериялар ўтадиган бўлиб қолади. Операция бригадасидаги ходимларнинг терисида операция бошлангандан 30 дақиқа ўтмасданоқ микроблар пайдо бўлади. Яхшиси, чойшаб ва халатлар учун зич импрегнация қилинган газламадан (пахтали) фойдаланган мъкул. Костюмнинг манжетлари ва боғламлари кўлни қисмайдиган, эластик, юмшоқ бўлиши керак. Ниқоб оғиз ва бурунни ёпиб туриши лозим. Стериллашдан олдин халатнинг енги ва боғичлари ичига қилиб тахланади.

**Қалпоқчалар ва рўмоллар.** Операцияда қатнашадиган ходимлар сочни батамом бекитиб турадиган газмолдан тикилган қалпоқчалар кийиши ёки учбурчакли рўмол (косинка) ўраши шарт.

**Чойшаблар.** Асбоблар қўйиладиган столга бир неча қават қилиб тахланган стерил чойшаб ёзиб қўйилади. Уни ёзишда ностерил буюмларга тегиб кетмаслигига қараб туриласди. Ходим чойшабни қўлини узатиб турган ҳолда ҳавода ёзади. Беморни чойшабга ўраганда унинг четлари операция столидан камида 0,5 м пастга тушиб туриши керак.


**Сочиқлар.** Операция майдонига ишлов берилганидан сўнг уни ажратиб қўйиш учун ишлатилади.

**Салфеткалар.** Салфеткалар гигроскопиклик хусусияти юқори бўлган, ёғисизлантирилган, тўрлари йирик бўлган докадан тайёрланади. Докадан бинтлар, тампонлар ва шарчалар қилинади. Салфеткалар ҳар хил ўлчамдаги квадрат ёки тўғри тўрт бурчакли дока парчаларидан иборат: катта салфеткалар — 2 дона, 1 м докадан (50×70 см), ўртача салфеткалар — 4 дона, 1 м докадан (50×35 см), кичик салфеткалар — 8 дона, стандарт, эни 70 см бўлган 1 м докадан (25×35 см) тайёрланади. Доканинг четлари иккала томонидан 1,5 — 2 см дан қилиб ичига қайтирилади, сўнгра салфетка узунасига иккига буклаб қўйилади. Салфеткаларни операция вақтида жароҳатни қуритиш, жароҳат четларини бекитиши, яра боғлаш, жароҳат устига ёпиб қўйиш учун ишлатилади (14- расм, ə).

**Тампонлар.** Узун дока тилишларини салфетка сингари четларини қайтириб, эни бўйлаб икки қават қилиб буклаб тайёрланади. Тампонларнинг узунлиги ҳар хил. Улар жароҳатдан қон оқишини тўхтатиш ва йирингли бўшлиқларни дренажлапда ишлатилади.

**Шарчалар.** 4 хил қилиб тайёрланади: ўртача салфеткалар (5×7 см) ва кичик салфеткалар (2,5×3,5, 5×5 ва 2×2 см). Бир парча дока учга букланади ва марказини чўққили бурчак қилиб тахланади. Асосида қолган қисми ичига қайтириб қўйилади (14- расм, a).

Салфеткалар, тампонлар, шарчалар ва бинтлар йирингли операциялардан ва bemorning анаэроб инфекцияли ярасини боғлагандан сўнг албатта куйдирилади. Фақат қон теккан материални 0,5% ли нашатир спирти эритмасига 2—3 соат мобайнода бўқтириб қўйилади ва 30 дақиқа мобайнода сода эритмасида қайнатилгандан кейин одатдаги усулда ювиш ва яна қайтадан ишлатили (яра боғлаш хонасида) мумкин.



**14- расм.** Салфетка ва шарчани тайёrlаш усули.

Бўлади. Бу тешниклар сурилувчи бандаж билан бекитилган бўлиши мумкин. Стериллаш вақтида бикс тешниклари албатта очиб қўйилади, стерилизациядан кейин эса бандаж билан бекитилади. Стерилланадиган материал биксларга маълум тарғибда жойлаштирилади. Биксга материал жойлашнинг уч хил усули мавжуд:

1. Кичикроқ операция хоналарида *универсал жойлаш* усулидан фойдаланилади. Биксга операция учун талаб қилиниши эҳтимоли бўлган материалларнинг ҳамма тури қаватма-қават қилиб ҳар бир қаватга эса секторлар билан жойланади. Биринчи қаватга қўл салфеткалари, халатлар, ниқоблар, пахта бўлаклари, иккинчи қаватга чойшаб ва сочиқлар, учинчисига салфеткалар, тампонлар, шарчалар ва шу кабилар жойланади.

2. Операцияларнинг муайян тури учун мақсадга *мувофиқ жойлаш* усули қўлланилиши мумкин (масалан, ичак резекцияси учун зарур материалларнинг ҳаммаси жойланади).

3. Катта операция хоналарида кўпинча маълум турда жойлаш усулидан фойдаланилади (материалнинг маълум тури: халатлар, чойшаблар, тампонлар ва шу кабилар жойланади).

Барабан ичига буғ бемалол ўтиши учун ҳамма буюмлар говак қилиб жойланади. Барабан қопқори дастасига стерилизация қилинган вақт ва стерилизацийни ўтказган масъул шахснинг фамилияси ёзилган ёрлиқ (этicketка) ёпишистириб қўйилади.

**Қайнатиб стериллаш.** Бу усул билан одатда металлдан ясалган асбоблар, шиша ва резина буюмлар стерилланади. Асбобларни чўтка ва совун билан тозалаб ювгандан сўнг, 2% ли сода эритмасида сув қайнаб чиқсан вақтдан бошлаб, 45 дақиқа мобайнида қайнагиши йўли билан стерилизация қилинади. Йирингли инфекция ва айниқса анаэроб микроорганизмлардан ифлосланган асбобларни қисмларга ажратиб қайнатиш лозим. Стериллаш қопқори зич бекитиладиган ва электр иситтичи бўлган металл қутидан иборат махсус стерилизаторларда бажарилади. Асбоблар махсус тўрга жойланади ва

Оқ пахта суюқликни яхши шимади. Уни жароҳатга салфетка устидан қўйиш мумкин. Бу — суюқликнинг жароҳатдан боғламга яхши оқиб чиқишини таъминлайди.

Халатлар, тиббий ниқоблар, чойшаблар ва яра боғлаш материалларнинг ҳаммаси албатта стерилланади. Бунинг учун ҳамма материаллар маҳсус металл барабанларга — биксларга жойланади. Бикслар қопқори зич бекитиладиган турли ҳажмдаги юмaloқ металл идишлардир. Бикснинг ён томонида биксга буғ киришига имкон берадиган тешиклари

стерилизаторга солинади. Стериллаш тугагандан сүнг түр маҳсус илмоқлар билан олинади ва стерил столга қўйилиб, шу ерда улар тартибга солинади.

Шиша буюмлар: шприцлар, пробиркалар, мензуркалар алоҳида қайнатиб стерилланади. Шприцларни қисмларга ажратиб стериллаш шарт. Шиша буюмлар стериллашдан олдин докага ўралади ва совуқ ёки илиқ сувга солинади, орқа мия анестезияси учун ишлатиладиган шприц ва игналар дистилланган сувда алоҳида қайнатилади.

**Асбобларни стериллаш.** Операция учун ишлатиладиган асбоблар 2% ли сода эритмаси ёки сувда у қайнаб чиққан пайтдан бошлаб 45 дақиқа давомида қайнатиш йўли билан стерилланади. Стериллашнинг бу усули энг оддий ва кенг тарқалган усул ҳисобланади. Асбоблар қопқоғи зич ёпиладиган, тубига түр тўшалган турли металл стерилизаторларда стерилланади. Суюқлик қайнаб чиққач, ҳар бир асбоб қисмларга ажратилган ҳолда стерилизаторга тўри билан туширилади. Сувнинг қайта қайнаш вақти стерилизациянинг бошланиш вақти ҳисобланади. Ҳозирги кунда стерилизаторлар автоматик тарзда ишлайди. Стериллаш тугагандан кейин асбоблар солинган түр стерилизатордан чиқариб олинади (ундаги сув оқиб кетгунча кутиб туриш лозим), кейин асбоблар стерил столга териб қўйилади.

Операция пайтида ифлосланган хирургик асбоблар оқар сув тагида яхшилаб ювилади. 1% ли водород пероксид ва баравар миқдордаги совун куқунли эритмада 50°C да ивитилади. Кейин тампон ёки маҳсус чўтка билан яна ювилади. Охирги босқичда асбоблар оқар сув ва дистилланган сув билан яна ювилаб, кейин қуритилади. Аниқроғи, ишлатилган асбоблар иссиқ сувда 30 сек давомида чўтка билан ювилади ва юувучи эритма солинган маҳсус идишга (суюқликнинг ҳарорати 50°C бўлиши керак) 15 дақиқа давомида ивитиб қўйилади, кейин асбоблар чўтка, пахта, дока тампон билан юувучи эритмада 30 сек давомида тозалаб ювилади ва оқиб турган сувда чайилади, кейин эса 5 мин дистилланган сувда қайнатилади ва 85°C да қуритилади.

Асбобларнинг тозалик даражаси амидопирин, бензидин ва фенолфталеин синамалари билан текширилади. Бу синамалар қониқарсиз бўлса, асбоблар қайта юкумсизлантирилади.

Йирингли операциялардан кейин ҳамма тиббиёт асбоб-ускуналари дезинфекция қилиниши керак. Коррозияга учрайдиган асбоблар 30 дақиқа давомида 2% ли сода эритмасида қайнатилади, анаэроб инфекция бўлганда қайнатиш муддати 90 дақиқага узайтирилади. Сийдик йўллари катетерлари, цистоскоплар ва тиббиёт анжомлари 1% ли хлорамин эритмасида 30 мин, 0,5% ли ювиш воситалари билан водород пероксидда 80 мин, 0,1% ли дезоксонда 15 дақиқа дезинфекция қилинади. Бу ҳолда ҳавони стерилизациялашда тегишли ҳароратни сақлаш ва стерилизацияни 60 дақиқа давом эттириш керак. Кесадиган учли асбоблар (скальпель, нина, қайчи,

устара пичоги) ҳаво ёрдамида стерилланса, улар ўтмаслашмайды. Асбоб түпламлари ҳам 1,1 атм. босимда автоклавда 45 дақиқа ёки 2 атм. да 20 дақиқа стерилланади. Стерилланган асбоблар 3 суткагача стериллигини йўқотмайди.

Коррозияга учрайдиган хирургик асбоблар ва пластмасса (резина) буюмлар 18°C ҳароратда 6% ли водород пероксид эритмасида 360 дақиқа ва 50% ли водород пероксидда 10 дақиқа сақлаб турилса бас. Резина ва пластик материалдан ясалган тиббиёт ашёлари 1% ли дезоксон - I эритмасида 45 — 50 дақиқа дезинфекция қилинади.

### **Кимёвий стериллаш**

Кесадиган асбоблар ишқорли сувда ювилгандан сўнг оқар сув тагида чайилади, қайнаб турган сувга 5 дақиқа солиб стерилланади, кейин спиртда 30 дақиқа ёки таркибida уч хил моддаси бор эритмада 3 соат сақланади. Турли мақсадларда ишлатиладиган ярим қаттиқ (ипак, локланган) катетерлар махсус бүф-формалинли стерилизаторларда ёки қопқоғи ишқаб бекитиладиган шиша цилиндрларга осиб қўйилган ҳолда стерилланади. Стериллаш формалин буғлари билан 2 сутка мобайнида бажарилади. Шу мақсадда цилиндр тубига 2 — 3 таблетка формалин қўйилади ёки 20 — 30 мл суюқ формалин қўйилади.

Оптик системали асбоблар (цистоскоп, ректоскоп ва б.) ни стериллашда пробиркаларнинг ҳар бирини 1:1000 концентрациядаги симоб оксицианид эритмаси билан ювиб, сўнгра спирт ва физиологик эритма билан (оптикасига тегмасдан) артилади. Бир нечта пробиркаларни стериллашда уларни дезинфекциялайдиган 1:5000 нисбатдаги диоцид эритмасига (5 л сувга 100 г сода) 3 — 4 соатга солиб қўйиш усулидан ҳам фойдаланилса бўлади.

Резина қўлқопларни „совуқ“ усулда стериллаш қўйидагилардан изборат: а) таркибida уч хил модда бўлган эритмада 3 соат мобайнида стериллаш; б) 2% ли хлорамин эритмасида 1 соат мобайнида стериллаш; в) 1:1000 нисбатдаги сулема эритмасида ҳам 1 соат мобайнида стериллаш; г) 1:5000 нисбатдаги диоцид эритмасида 30 дақиқа давомида стериллаш. Уларни стерил сочиқ билан артиб қутилгандан ва стерил тальк сепилгандан сўнг стерил барабанда сақлаш мумкин. Бу поликлиника ва амбулатория шароитида айниқса қулай усул ҳисобланади.

### **Нур билан стериллаш**

Касалликнинг олдини олиш учун гамма нурланиш изотоплари дозаси кучли бўлиши, яъни 2,5 млрд. (25000 Грей)га teng келиши керак.

Бу усул катта инерт кучига эга бўлиб, стериллашнинг кучи материалларнинг ҳар хил чуқурлигига етиб боради. Амалиётда бета-

ва гамма- нурланиш құлланилади. Полиинфекция ва мутация натижасыда янги бактериялар колонияси ривожланишинг ультратовушли стерилизация олди олинади. Бу усулда стерилизаторлар күчсиз антисептик (0,05% ли хлоргексидин биглюконатнинг сувли эритмаси) билан тұлдырилади ва ультратовуш тұлқынлари таъсирида хирургик асбоблар, кичик пластмасса объектлар ёки хирург бармоқлари дезинфекция қилинади. Сүнгги вақтларда асбоблар, резина буюмлар (катетерлар, құлқоплар ва ҳ.к.) ва оптик асбобларни стериллашда маҳсус аппараттар ҳам құлланилмоқда. Аппараттар ультратовуш, плазма ва керамик инфрақызыл нурларнинг микроорганизмларга бактериолитик таъсири принципиға асосан дезинфекция қилинади. Бундай стерилизаторлар паст ҳароратда ва жуда қысқа мүддатда стериллаш хусусиятига зәға бўлиб, бунда асбобларнинг чидамлилиги сақланиб қолади.

Кимёвий совук стериллаш этилен оксид ҳамда кучли антисептиклар (0,2% ли парацетат кислота эритмаси, 6%ли водород пероксид эритмаси, учламчи эритма) құлланилади. Бунда реакция натижасыда ҳосил бўлган 45 — 60°C гача бўлган совук ҳарорат микроорганизм оқсиллари коагуляция ёки денатурацияланиб, ашёни стерилланышига сабаб бўлади. Этилен оксид сув ва спиртда эримайдиган бактериялар протеинини алкиллаш хусусияти бўлган бактерицид мoddadir.

Амалиётда мустақил бошқариладиган газли стерилизатор ишлатилади. Бу мақсадда 750 — 1000 мл 55°C ли этилен оксиддан фойдаланилади. У жуда ихчам бўлиб, автоклавда ёки ҳаво стерилиторида катетерлар, хирургик құлқоплар, томир протезлари, эндоскоплар, респиратор ва сунъий қон айланиш аппаратлари стерилланади. Ҳозирги пайтда паст ҳароратли плазма стерилизатор (СТЕРРАД-100S) амалиётга кириб келмоқда (15- расм). Унинг ишилаши 50°C дан паст ҳароратда водород пероксидни плазма ҳолатига келтириб, ҳосил бўлган ионлар, электронлар, нейтрал атомлар ва молекулаларнинг микроорганизмларни йўқ қилиш ёки дезактивация қилиш принципиға асосланган. Бундан ташқари, керамик инфрақызыл ёриткичлар ёрдамида, 60°C дан паст ҳароратда хирургик асбобларни стерилизация қилиш амалиётга кириб келмоқда. Унинг иш принципи микроорганизм танасидаги биокимёвий ҳаётй занжирни бузиш ва шу орқали уларни йўқ қилишга қаратилган.

Ҳозирги кунда ҳар хил операциялар орқали тарқалиши мумкин бўлган инфекцияларнинг олдини олиш, уларнинг юқишини камайтириш ва стерилизацияга бўлган талаблардан воз кечиш ва энг муҳими қон орқали юқадиган (гепатит, СПИД) касалликларнинг олдини олиш, тиббиёт ходими (хирург, ҳамшира)нинг соғлигини муҳофаза қилиш борасида бир марта ишлатиладиган асбоблар — чойшаб, кийим-кечаклар хирургия амалиётида кўп ишлатилади. Булар операцияда ишлатиладиган чойшаб, халат, тиббий ниқоб,



15- расм. Плазма стерилизатор.

бахила ва жароғатта ишлов беринүү учун шарча, тиқин, салфетка, тампон антисептик дори шимдирилмаган ёки шимдирилган ҳолатда алоҳида тахламларда чиқарилади. Буларни ишлатиш жуда қулай бўлиб, уларни ҳар қандай шароитда, жумладан, ҳарбий-дала шароитида ҳам ишлатиш мумкин.

Бундан ташқари, бир марта ишлатиладиган шприцлар, қонтомир, қовуқ катетерлари, қизилўнгач, мөъда, йўғон ичак зондлари, дренаж найчалар турли хил ўлчамда ва диаметрда чиқарилади. Қизилўнгач, мөъда, ингичка ва йўғон ичак, сийдик йўллари, сунъий ва патологик оқмаларни парваришилашда бир марта ишлатиладиган боғлов материаллари ёки ахлат, сийдик халта касал ва шифокор учун жуда қулай. Бу хирургик кийим- кечак, асбоб-ускуналар ва боғлов материаллари гигроскопик қоғоздан, пластмасса ва цеплофан материаллардан тайёр стерил ҳолда ишлаб чиқарилади ва ишлатилгандан кейин тезда ёқиб юборилади. Бундай тиббий анжомларни ишлаб чиқариш ва ишлатиш ҳозирги пайтда дунёда жуда кенг тарқалган бўлиб, бизда тиббиёт амалиётида кенг кўламда ишлатилиб келинмоқда.

### Тикиш ипларини стериллаш

Хирургия амалиётида чок материали сифатида ипак, капрон, лавсан, капрон ва қофоз иплар, от ёли, аёллар сочи ва кетгут ишлатилади.

*Ипак ип* пишитилган ва тўқилган ипак кўринишида чиқарилади. Ипакнинг йўғонлиги 00 дан 16- рақамгача бўлади. Ингичка ипнинг 00 ва 1- рақамлиларини томирларга, 2- рақамлиларини ичаклар, асосан, лапортотомияда қориннинг тўғри мушакли апоневрозини тикишда ва суюклардаги операцияларда ишлатилади.

Ипак ип кўпроқ Кохер усулида стерилланади. Ипак қалаваси илиқ сувда 2—3 марта совунлаб ювилади ва қуруқ сочиқ билан артилади. Ипак 3—5 м узунликда стерил қўллар ёрдамида шиша ғалтакларга ёки қирралари ўтмасланган буюм ойнасига ўралади ва ёғсизлантириш учун 12—24 соатга эфирга солиб қўйилади. Ипак ипни эфирли банкадан олиб, шунча муддатга 70° ли спиртга солиб қўйилади. Кейин у 1:1000 нисбатдаги сулема эритмасида 10 дақиқа мобайнида қайнатилади, сўнгра 96° ли спирт тўлдирилган, тиқини ишқаб бекитиладиган банкага солиб қўйилади. Ипак ип ишлатилгунча шу банкада сақланади. Уни автоклавда стерилласа ҳам бўлади, бироқ бунда унинг пишиқлиги камаяди.

*Капрон ва лавсан иплар ҳам ипак ип каби стерилланади. Аммо, капрон, лавсан каби материалларни бошқа усулда стериллаш ҳам мумкин. Бунинг учун калавалар 1:5000 нисбатдаги диюцид эритмасига 24 соатта солиб қўйилади, сўнгра устидан 96° ли спирт қўйилади.*

*Кетгут — қўй ичагининг мушак ва шиллиқ парда ости қатламларидан тайёрланадиган, йўғонлиги ҳар хил иплардан иборат. Ингичка-йўғонлигига кўра унинг рақами 000 дан 9 гача бўлади. Тўқималарда кетгут 2—3 ҳафтадан сўнг сўрилади. Сўрилиш муддатини узайтириш учун унга махсус ишлов берилади, яъни хромланади ёки кумушланади. Баъзан формалин билан ишлов берилади. Бактериологик ифлосланиши мумкинлигини ҳисобга олиб, пухта стериллаш лозим.*

**Кетгутни йод буёларида стериллаш (Ситковский бўйича).** Кетгут калаваси 24 соатга эфирга солиб қўйилади. Стандарт кетгут иплари уч бўлак қилиб қирқилади ва 1:1000 нисбатдаги сулеманинг бўялмаган эритмасига ботириб олинган дока тампонлар билан артилади. 1-рақамгача бўлган иплар 2 % ли калий йодид эритмасига 30 соатга, 1-рақамли ва бундан йўғон иплар рақамига қараб шунча дақиқага эритмага солиб қўйилади. Кетгутни кичик-кичик ҳалқа кўринишида ўраб, орасидан ип ўтказилади ва тубига кристаллик йод (3 л гача 40 г йод, 5 л га 60 г йод) солинган, тиқини ишқаб бекитиладиган стерил шиша банка ичига солиб қўйилади. Банка тиқини устидан парафин қўйилади. Банкани ҳар куни силкитиб туриш зарур. Интичка кетгутни 3 сутка ўтгач, йўғонробини 5 сутка ўтгач, ишлатса бўлади.

**Кетгутни люголнинг спиртли эритмасида стериллаш.** Кетгут калаваси 12 — 24 соатга эфирга солиб қўйилади. Кейин эфир тўкилади. Кетгутга ҳар 8 кунда 2 марта люголнинг спиртли эритмаси (1000 мл 96° ли спирт, 10 г калий йодид, 10 г соф йод) қўйиб турилади. Кетгут бактериологик назоратдан ўтказилади, сўнгра люгол эритмасида сақланади.

**Кетгутни люголнинг сувли эритмасида стериллаш.** Бунинг олдинги усуллардан фарқи шундаки, бунда спиртли эритма ўрнига сувли эритма ишлатилади (спирт ўрнига шунча микдорда дистилланган сув ишлатилади), стериллашдан кейин кетгут 96° ли спиртда сақланади.

Кетгутни 1:2000 — 1:1000 нисбатдаги диюцид эритмасида 48 соат мобайнида стериллаб, кейин спиртда сақлаш ҳам мумкин.

Ҳозирги пайтда ипак, кетгут, капрон ва лавсан иплар, хирургияда ишлатиладиган бошқа тикиш материаллари ампулаларда куруқ ҳолда ёки эритмалар билан махсус пакетчаларда стерил ҳолда, ҳар хил йўғонликда ва узунликда ишлаб чиқарилади. Юқорида келтирилган стерилизация усуллари уни сақлаш, кимёвий дориларни излаш ва ишлатишни назорат қилиш каби мураккаб иш фаолиятидан ходимларни ҳолос қилиш билан бирга, уни танлаб ишлатиш ва ҳар қандай шароитда қўллаш имкониятини беради.

**Құлни операцияга тайёрлаш.** Операцияда бевосита иштирок эта-диган тиббиёт ходими құлининг тозалигини құнт билан кузатиб бориши лозим. Құл териси тирнаған бүлмаслиги, тирноқлар олинган бўлиши ва унга лок бўёқ суртмаслик лозим. Қўлга ишлов беришнинг бир неча усувлари бор. Қўл дастлаб оқар сувда 5 дақиқа чўтка билан ювилади. Хирургик муолажаларни бажаришда қўл ювилгандан кейин, 96° ли спирт шимдирилган салфетка билан яхшилаб артилади. Тирноқ соҳалари ва тери бурмаларига 2—5% ли йоднинг спиртли эритмаси суртилади. Операция муолажалари учун эса қўлни механик сувда ювилгандан кейин қўйидаги усувлар билан ишлов берилади.

**Спасокукоцкий-Кочергин усули.** Қўлни ювиш учун мўлжалланган куруқ тоғорага 5 мл 96° ли спирт қўйилиб, ёқилади. Тоғорани ҳар томонга қийшайтириб, унинг ички сатҳи қўйдирилади, кейин унга 1 л дистилланган сув қўйилади ва 5 мл 0,5% ли соф нашатир спирти қўшилади. Бунда қўлни олдин чўтка билан совунлаб ювиш шарт бўлмай, унинг амалда тоза бўлишининг ўзи кифоя қиласи: 1) дастлаб қўл билакнинг учидан юқори қисмигача эритмада салфеткалар ёрдамида 3 дақиқадан 2 та тоғорада ювилади. Ювиш вақтида қўл доимо сувда бўлиши ва уни бирин-кетин тозалаб ювиш лозим. Бармоқлар ораси ва кафт юзаларини ювишга алоҳида аҳамият берилади; 2) кейин қўл стерил сочиқ билан қуритиб артилади; 3) қўлга 96° ли спиртта ҳўлланган салфетка билан 5 дақиқа мобайнида ишлов берилади; 4) тери бурмалари ва тирноқ юзаларига йоднинг 5% ли спиртдаги эритмаси суртилади.

**Қўлга диоцид билан ишлов бериш.** Қўл 40°C гача иситилган 1:5000 нисбатдаги диоцид эритмасига ҳўлланган стерил салфетка билан 3 дақиқа мобайнида ювилади, стерил сочиқ билан қуритилади ва 96° ли спиртта ботириб олинган салфетка билан унга 2 дақиқа мобайнида ишлов берилади. Йирингдан ифлосланган қўлга ишлов бериш учун 1:2500 нисбатдаги диоцид эритмаси қўлланилади.

**Қўлга церигел билан ишлов бериш.** Қўлнинг куруқ терисига 3 — 4 г церигел қўйилади ва препарат кафт ва кафт орқа юзаларини, бармоқ ораларини ва билакнинг пастки учдан бир қисмини қоплагунча 8 — 10 секунд мобайнида унга обдан ишлов берилади. Сўнгра қўл ҳаво ёки вентилятор тагида қуритилади.

**Қўлга дегмин билан ишлов бериш.** Бу мақсадда дегминнинг сувдаги 1% ли эритмаси қўлланилади. Қўл 2 — 3 дақиқа мобайнида илиқ сув билан совунлаб ювилади ва дегминга ботирилган (ҳар бирини 3 дақиқадан) иккита тампон билан ишқаланади, стерил сочиқ билан артилади ва стерил қўлқон кийиб олинади.

**Қўлга дегмицид билан ишлов бериш.** Бунинг учун 1:30 концентрациядаги 29 қисм сув ва 1 қисм дегмицид қўлланилади. Ишлов бериш усули юқорида баён қилинганидаги каби.

**Қўлга С-4 (чумоли кислотаси) ёки первомур билан ишлов бериш.** Эритма қўл ювина олдидан тайёрланади. Бунинг учун 85 мл 100%

ли чумоли кислотасига 170 мл 33% ли водород пероксид эритмаси аралаштирилиб, бутилкага солинади ва I соат музлаткичда сакланади. Бу даврда эритма чумоли кислотага айланади. Кейин эритма 10 л қайнаган сувга аралаштирилиб, ишчи эритма тайёрланади. Кейин қўл бир дақиқа давомида оқар сув тагида совунлаб ювилади ва стерил латта билан артилади. Тогорага солингган (5 л) чумоли кислота иш эритмаси билан қўл I дақиқа ювилади ва стерил салфетка билан артилади. Сўнгра қўл спиртга ботирилган салфетка билан артилиб, стерил қўлқоп кийилади.

### Операция майдонини тайёрлаш

Операциядан олдин бемор гигиеник ванна ёки душга туширилади. Беморнинг ич кийимлари, чойшаби ва ёстиқ жилдлари алмаштирилади. Операция майдони операция куни устара (яхшиси куруқ усул билан) қирилади. Унга ишлов беришнинг бир неча усуллари бор.

**Фilonчиков-Гrossих усули.** Терига спирт эритмаси суртилади, сўнгра йоднинг спиртдаги 5% ли эритмаси билан икки марта ишлов берилади. Териси нозик кишилар ва болаларда терини кўйдириб қўймаслик учун йоднинг спиртдаги эритмаси билан қисман тозаланади.

**Баккал усули** териси нозик кишиларга қўлланилади. Операция майдонига бриллиант яшилининг 1% ли эритмаси билан ишлов берилади.

**Йоднат билан ишлов бериш.** 5% ли йодонат эритмасидан олиб, стерил ёки қайнатилган дистилланган сувда 5 марта суюлтирилади ва шу эритма билан операция майдонига ишлов берилади.

Операция майдонига ишлов бериш учун 1% ли дегмицин эритмасининг 1:30 концентрацияси, шунингдек, 1% ли роккал, 2,4% ли первомур ва 0,5% ли хлоргексидин биглюконатнинг спиртли эритмасидан фойдаланиш мумкин.

### Стериллаш сифатини текшириш

Модда ва буюмлар маҳсус ўралган бўлиб, стериллаш индикатори таъсирлансанагина стерилланган ҳисобланади. Ҳаво ва буг стерилизаторлари максимал термометрлар ва кимёвий тест-индикаторлар ёрдамида назорат қилинади. Стерилизаторларнинг сифатли ишлаш кўрсаткичлари кимёвий тест-индикаторлар (ранги, агрегат ҳолати) билан текширилади.

Ҳаво стерилизаторлари ишининг кўрсаткичи бўлиб, рангли термоиндикатор, ТИК-6 ва гидрохинон ҳисобланади. Қоғозга туширилган оч-салат рангли ТИК-6 маркали термоиндикатор 175 – 180°C ҳароратда тўқ қўнғир рангга киради. Гидрохинон 0,3 г миқдордаги шиша флаконларга солинади. 170 – 175°C да сарғиш-қўнғир рангдаги кукун эриб, қора рангли массага айланади.

Бүг стерилизаторлари эса ҳар куни мочевина ва фуксинли бензоат кислота тест-индикатори ёрдамида назорат қилиб турилади.

Оқ қуқунли мочевина 132°C, 2 атм. босимда эриб, шу рангли эритмани ҳосил қиласи (биксларга 0,3 г мочевина флаконларда қу-йилади). 120°C ва 1 – 1,1 атм босимда стерилизация назоратини фуксин, бензоат кислота бажариши мумкин. Уларни шиша найчага түлдириб, стерилизациядан олдин биксларга қуйилади. Ҳарорат етарли бўлганда, фуксин эриб, бензоат кислота билан қизил ранг, аччиқ тури эса ишқорий фуксин билан кўк аморф массани ҳосил қиласи.

Олдинлари тест-индикатори сифатида қўлланилган қуқунсизмон олтингугурт, антипирин, пирамидон (110 – 120°C да эрийди) ҳозирги кунда кам ишлатилади. Шунингдек, Микулич синови ҳам бўлиб, бунда қоғозга „стерил“ сўзи ёзилиб, унга крахмалнинг 3% ли эритмаси суртилади ва устидан люгол эритмаси (йод – 1,0, калий йод – 2,0, дистилланган сув – 97,0) юритилганда йод крахмал билан бирикиб қоғоз кўкаради ва ёзувлар кўринмайди. У стерилланадиган материаллар билан биксларга солинади.

Юқори ҳарорат таъсирида йод бугланиб кетиб, қоғоз усти рангизланади ва ундаги ҳарфлар яна кўринадиган („стерил“ сўзи) бўлиб қолади. Кейинги кўрсатилган икки усул ҳозир қўлланилмайди ва тарихий аҳамиятга эга. Этилен оксид билан стерилланганда тест-индикатор сифатида этилен билан глицерин эритмаси (1-суюқлик) ва литий бромид, бромкреазол пурпурни билан этанол (2- суюқлик) эритмаси қўлланилади.

Стериллаш сифатини ҳар куни текширишдан ташқари, танланши ўли билан стерилланган материаллар ҳар 6 – 10 кунда бактериологик анализдан ўтказилиши зарур. Бактериологик назорат ўта аниқ бўлиб, унинг камчилиги – жавоби кеч маълум бўлиши ва бажариш қийинлигидир. Шунинг учун клиника амалиётида экспресс усувлар кенг қўлланилади. Тибиёт ходимлари (хирург, унинг ёрдамчилари, операция ҳамисираси) қўлларини хирургик дезинфекция қилишгач, стерилланган маҳсус тиббий халат кийдилар.

Қўл хирургик дезинфекция қилингандан сўнг терида микроорганизмлар қолмайди. Аммо бир оздан сўнг иш жараённада тери ва без йўллари очилиб, кўзга кўринмас тери шикастларидан микроорганизмлар пайдо бўлади. Шунинг учун операцияни асептик ҳолда ўтказиш учун резина қўлқоп кийилади. Уни кийишда очиқ қўл билан қўлқопнинг ташқи томонига тегиб кетмаслик керак. Операция пайтида қўл қўлқопда терлаб ҳўл бўлади, унда сув йифилади, бу қўлқоп шарбати дейилади. У вирулент микрофлорага бой бўлиб, агар қўлқоп тешиладиган, ёриладиган бўлса, суюқлик жароҳатга тушади ва инфекцияни кўпайтиради. Унинг олдини олиш учун операция пайтида қўлқоплар бутунлигига эътибор берилади ва ҳар 45 – 60 дақиқа давомида уни 2,4% ли первомур билан юваб,

96% ли этил спирти билан артиб турилади. Күлқопни осонгина кийиш учун унинг ичига стерилланган упа ёки тальк сепилади. Крахмал асосида тайёрланган упа талькка нисбатан яхшироқ, чунки у бутунлай сўрилиб кетади.

**Соғлиқни сақданш вазирлигининг 1995 йил 25 августдаги 0044–95- рақамли „Даволаш-профилактика муассасаларида зарарсизлантириш ишларини ўтказиш“ тўғрисидаги буйругига биноан даволаш-профилактика муассасаларидаги стериллаш пунктларини лойиҳалаш, қуриш, ундан фойдаланиш санитария меъёр ва қоидалари, хоналарнинг жойлашиш тартиби, анжомларни ювиш қоидалари ва стерилизация қилиш усуллари, стерилизация пунктидаги хоналарни тиббий анжомлар билан таъминлаш, стерилизация вақтида кетма-кетликка амал қилиш тўғрисида кўрсатма берилади.**

**1994 йилнинг 10 арелидаги 173-сонли буйруқ „Хирургик“ йўналишдаги даволаш-профилактика муассасаларида хирургик беморларга тиббий ёрдамни ташкил этиш ва касалхонаичи инфекцияларига йўл қўймаслиқда санитария-гиёна чора-тадбирлари тўғрисида бўлиб, хирургик йўналишдаги муассасалар ҳамда санитария-эпидемиология маркази ходимлари учун мўлжалланган. Унда даволаш-профилактика муассасаларида хирургик муолажалар ўтказилгандан кейин йирингли асоратлар келиб чиқишининг олдини олиш ва камайтириш, хирургик шифохоналарнинг тузилиши, жиҳозланиши, шифохонаичи инфекцияларига қарши кураш олиб бориладиган мажбурий тартиб ва муолажахоналар санитария-гиёна режими тўғрисида тўхталиб ўтилади.**

**2000 йилнинг 30 октябридаги 560-сонли буйруқ „Вирусли гепатит касаллиги билан касалланишнинг олдини олиш чора-тадбирлари“ тўғрисида бўлиб, республикамида вирусли гепатит касаллигининг А, В, С, Д, Е турлари рўйхатга олинаётганлигини ҳисобга олиб, гепатитнинг ушбу турини олдини олингга қаратилган. Буйруқка биноан барча даволаш-профилактика муассасаларида санитария-гиёна ва эпидемияга қарши дезинфекция ва стерилизация талабига риоя қилиниши, шифохонаичи инфекциясининг олдини олиш тадбирлари устидан назорат ўтказиш ҳамда донорлар, ҳомиладор аёллар, лаборатория ходимларини гепатитнинг „В“ турини ташувчиликка текширилиши кўрсатилган.**

**1999 йилнинг 3 февралидаги 55-сонли буйруқ „ОИТС касаллиги вирусининг қон орқали юқишини олдини олиш“ тўғрисида бўлиб, унда барча профилактик масалалар назарга олинган.**

### **Операция столини тайёрлаш**

Ҳаммира стерил операция столини тайёрлашдан олдин қўйидаги ишларни бажариши лозим:

1. Қабул қилинган усул ёрдамида ҳамшира қўлини ювади.

2. Стерилланган халатни кийишда уни биксдан юқумсизланган күл билан бирорта ҳам ностерил нарсага теккизмай олиниб, дастлаб ниқоб бурунга боғланади, кейин халатни ёзиб, бирин-кетин иккала енги кийилади ва халатни ҳамшира олд томонига ташлайди (16-расм, а, б). Халатнинг бөгичларини бошқа одам орқа томондан боғлаб қўяди. Стериллаш олдидан чўнтакка солиб қўйилган белбоғни ҳамширанинг ўзи олади ва белбоғ учларини пастга осилтириб, ўзига мос қилиб тортиб туради. Санитарка белбоғнинг учларини ҳамширанинг орқа томонидан боғлаб қўяди (16-расм, в, г). Халатнинг енглари узунгина бўлиб, билакни панжага қадар тўла-тўқис бекитиб туриши керак.

3. Ҳамшира стерил қўлқопни кийишдан олдин унинг бутунлигини текшириб кўради. Ҳамширанинг стерил қўлқоп кийиш босқичлари қўйидагича:

- а) қўлқопнинг чети очилади;
- б) чап қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоги билан қўлқопнинг чети очилиб, дастлаб чап қўлга кийилади;
- в) қўлқоп кийилган қўл билан ўнг қўлқоп четидан ушланиб ўнг қўлга кийилади;
- г) бармоқлар ёрдамида қўлқопнинг буқланган қисмлари тўғриланади;
- д) ушбу усул ўнг қўлқоп четларини тўғрилашда ҳам ишлатилади;
- е) ҳамшира 96° ли спиртга намланган шарча билан қўлқопдаги тальк қолдиқларини яхшилаб артади. Шундан сўнг операция ҳамшираси қўйидаги усуллар ёрдамида стерил операция столини тайёрлайди.

А. Махсус асбоблар столини бир қаватли стерил чойшаб билан шундай ёпиш керакки, чойшаб стол атрофидан 15 — 20 см пастга тушиб турсин.

Б. Яна бир чойшаб икки буқланиб, биринчи чойшаб устига ёпилади, биринчи чойшабнинг тушиб турган четлари иккинчи чойшаб устига қайрилади.

В. Стол устига асбоблар, чок материаллари, салфетка, тампонлар жойлашитирилади.

4. Асбоблар устидаги иккита стерил чойшаб ҳамма томондан ёпиладиган қилиб ёзилади ва пастдаги чойшаб билан қисқичлар ёрдамида бекитилади.

Шундан кейин операция ҳамшираси хирургга стерил халатни очиб, унинг тескари томонидан икки қўлига ташлаб, дастлаб қўлларини кийдиради, кейин халатни унинг елкасига ташлаб, кийдиради. Санитарка кийилган халатнинг орқасидан иплари ва белбоғини боғлайди. Шундан кейин ҳамшира стерил қўлқопни хирургнинг қўлига кийдиради, баъзи ҳолларда хирург халатни худди операция ҳамшираси кийдиргандек қилиб ўзи кияди. Шундан кейин



16- расм. Ҳамширанинг стерил ҳалат кийиш босқичлари.



17- расм. Ҳамширанинг қўлқоп кийдириш босқичлари.



18- расм. Хирургнинг стерил ҳалат кийиш босқичлари.

операция ҳамшираси хирургга қўлқопни қўйидаги тартибда кийдиради.


1. Дастрраб стерил қўлқоп четини кериб очади (17- расм, а).
  2. Хирургнинг керилган бармоқларини мўлжаллаб қўлқопни кийдиради (17- расм, б, в).
- Хирург қўлқопни кия туриб бармоғини юқорига кўтариб кийишни енгиллаштиради.

Кейин ҳамшира хирургга құлқопни тозалаш учун 96° ли спиртга шимдирилған шарчани беради. Баъзи ҳолларда хирург ўзи ҳамшира ёрдамисиз стерил халатни кияди. Бунинг учун стерил халат буқланган ҳолатдан, аста-секин очилади (18- расм, *a*, *b*, *v*). Кейин халатнинг енглари — дастлаб ўнг, кейин чап қўл кийилиб, елкага илинади (18-расм, *g*, *d*). Ҳамшира орқадан халатининг илмоқ ва белбоғларини боғлайди (18- расм, *e*, *ж*). Хирург енгларни бойлаганидан кейин, қўлқопни ҳамшира кийидиради.

### Беморнинг операция столидаги вазияти

Бемор кўпинча чалқанча — горизонтал вазиятда ётади. Бу вазият меъда-ичак йўллари, кўкрак қафаси, оёқ-қўллардаги операциялар учун қулай. Бемор чойшаб ёзилган қаттиқ резина тўшакка, яъни операция столига ётқизилади, бошига клеёнка ёстиқ қўйилади. (19- расм, *a*). Бемор албатта фиксация қилинади (боғлаб қўйилади). Одатда, оёғининг тиззадан юқори қисми маҳсус камар ёки чойшаб билан боғланади. Бир қули боғланади, иккинчисини эса боғламай, ундан пульси текшириб турилади. Беморнинг бехосдан ҳаракатлар қилишига йўл қўймаслик ва айниқса унинг наркоз вақтида йиқилиб тушмаслиги учун шундай қилинади. Беморнинг боши тепасига маҳсус равоқ ўрнатилиб, унга стерил чойшаб тортиб қўйилади — бу мослама bemornинг нафас йўлларини операция жароҳатидан тўсиб туради.

Бўйинда қилинадиган операцияларда (трахеостомия, қалқонсимон безни кесиш ва ҳ.к.) bemor чалқанча ётади. Елкалари тагига болишча қўйилиб, бошини орқага энгаштириб ётқизилади (19- расм, *a*).



19- расм. Беморнинг операция столидаги ҳолатлари.

Меъда, меъда ости бези, жигар, ўт йўлларидағи операцияларда белга болища ёки операция столида бўладиган маҳсус мослама суреба қўйилади. Сут безини олиб ташланада бемор салтина ёнбошга бурилади ва унинг қўли тўғри бурчак остида қўтарилади.

Бош томони пастга тушириб қўйиладиган (Тренделенбург) вазият (19- расм, б) кичик чаноқ аъзоларидағи операцияларда қўлланилади. Бундай ҳолатда ичак қориннинг юқори бўлимига сурелади ва операция майдонини бекитиб қўймайди. Стол 45° гача қиялатилади. Столнинг оёғи букилади ва унга беморнинг оёғи боғлаб қўйилади.

**Беморни ёнбошига ётқизиш** (19- расм, в). Бу вазият кўкрак қафаси органларидаги операцияларда талаб қилинади. Беморнинг қўли маҳсус тиргакка боғланади. Гавдасининг юқори бўлими баландроқ қилиб қўйилади. Ёнбошга ётқизиш вазиятида буйраклардаги операциялар бажарилади. Бундай ҳолларда белга болища қўйилади, устки оёқ тизза ва чаноқ-сон бўғимларида букилади, столга тегиб турган иккинчи оёқ эса узатилади.


**Юз билан ётиш вазияти** (19- расм, г) умуртқа поғонаси, калла суюгининг орқа чукурчаси, думба ва бошқа аъзолардаги операцияларда қўлланилади. Беморнинг боши маҳсус тагликка маҳкамланади ёки четта буриб қўйилади.

**Оралиқ (гинекологик) вазияти** (19- расм, д). Бемор оралиқ, орқа чиқарув тешиги, қинда бажариладиган операцияларда шу вазиятда ётади. Бу вазиятда беморнинг думбаси столнинг чеккасида бўлиб, оёқлари қўтарилади ва кериб, маҳсус тиргакка қўйилади.

### Операция вақтида хирургларнинг ўрни

Операциянинг тури ва операция бригадаси аъзоларининг сонига қараб уларнинг жойи ўзгариб туриши мумкин. Одатда, қорин бўшлиғи аъзоларидаги операцияларда хирург bemорнинг ўнг томонида, биринчи асистент унга қарама-қарши томонда, учинчиси унинг ўнг томонида туради, бу ҳолат операциянинг жойига қараб турлича бўлиши мумкин (20- расм, а, б, в, г, д, е).

Бемор ёнбоши билан ётадиган кўкрак кафаси аъзоларидаги операцияларда хирург bemорнинг орқа томонида, асистентлар унинг рўпарасида туради. Операция бригадаси операциянинг характерига кўра имкон борича уни қулай ўтказишга ёрдам берадиган жойни танлаб туради. Операция ҳамшираси ўз столчаси билан одатда операция столининг оёқ томонида хирургга асбобларни узатишга қулай масофада туради. Анеестезиология бригадаси операция столининг бош томонида туради.



**20- расм.** Операция вақтида хирург ва ёрдамчиларнинг урни.

### Организмда инфекциянинг ривожланиш шароитлари

Организмга инфекция тушгандан сўнг ҳамиша ҳам патологик жараён пайдо бўлавермайди. Организмнинг ҳимоя кучлари (иммунитети) яхши бўлганда микробларга қарши курашувчаник қобилияти ҳам юқори бўлади. Бу эса микробларнинг ҳалок бўлини ва организмдан чиқиб кетишига сабаб бўлади. Акс ҳолда организм ҳимоя кучларининг пасайиши ва организмга тушган касаллик қўзғатувчи микроб вирулентлигининг юқорилиги организмда инфекциянинг ривожланиши учун шарт-шароит яратиб, касаллик келиб чиқиштига сабабчи бўлади.



## Талабаларнинг мавзуга доир билим даражасини аниқлама учун тестлар

1. Сульфаниламиидлар гуруҳига қайси препарат киради?

- а) олететрин;
- б) линкомицин гидрохлорид;
- в) сульфадиметоксин;
- г) пенициллин;
- д) стрептомицин.

2. Оғир металл тузларига қайси препарат киради?

- а) протаргол;
- б) фурациллин;
- в) борат кислота;
- г) калий перманганат;
- д) водород пероксид.

3. Механик антисептикада қайси усул қўлланади?

- а) ферментларни қўллаш;
- б) жароҳатни кесиш;
- в) жароҳатга УФО қўллаш;
- г) зардоб юбориш;
- д) вакцина юбориш.

4. Кўйидаги чок материалларидан қайси бири жароҳатнинг ич-ки тўқималарини тикиш учун ишлатилади?

- а) кетгут;
- б) ипак;
- в) лавсан;
- г) от ёли;
- д) капрон.

5. Асбобларни стерииллашда қайси эритмалар қўлланилади?

- а) автоклав;
- б) калий перманганат эритмаси;
- в) люголнинг спиртдаги эритмаси;
- г) хлорамин;
- д) люголнинг сувдаги эритмаси.



*Эслатма: тўғри жавобнинг тагига чизилган.*



### *Мавзуга оид муаммоли масалалардан намуналар*

1. Бемор анемнезида йод препаратига реакция бор. Беморни операция қилиш учун операция майдонига йоддан бошқа қандай антисептик препаратлар билан ишлов бериш мумкин?

2. Операция учун юмшоқ боғлов материаллари стерилизацияга тайёрлаб қўйилди. Материаллар стериллигини назорат қилиш учун қандай препаратлардан фойдаланиш мумкин?



## IV. ДЕСМУРГИЯ

**Десмургия** — (грекча „desmos“ — алоқа, боғлам, қийиқча, ҳаракат, иш маңынин билдиради, синоними десмология) умумий хирургиянинг асосий бўлимларидан бири бўлиб, боғламлар тури ва боғлам қўйиш қоидалари тўғрисидаги таълимотdir.

Боғлам деганда бемор танасига даво мақсадида маҳкам ўраб боғланган боғлов материални тушунилади.


Жароҳатга ёки тананинг бошқа қисмларига даво мақсадида қуйиладиган материалга боғлов материалi, боғламни алмаштиришга эса қайта боғлаш дейилади.

Материалининг кўлланилишига кўра боғламлар икки гурӯҳга — юмиюқ (пластирли, клеолли, коллоидли, рўмолли, лейкопластирли ва бинтли) ва қаттиқ (декстринли, крахмалли, гипсли) боғламларга бўлинади.

### Юмшоқ боғлам турлари

**Клеолли боғлам.** Клеол қарагай елимининг баравар миқдорда олинган спирт ва эфирдаги эритмасидир. Жароҳат боғлам билан бекитилади. Боғлам атрофидаги терига клеол суртилади ва бироз қуритиб қуйилади. Боғлам ва клеол суртилган терига соҳалари дока билан бекитилади. Салфетканинг четлари терига маҳкам босилади. Доканинг ёпишмай қолган ортиқча қисми қайчи билан кесиб ташланади. Камчилиги — боғлам етарли даражада қаттиқ ёпишмайди ва терига қотиб қолган клеолдан ифлосланиб қолади.

**Коллоидли боғламнинг** олдинги боғламдан фарқи шундаки, бунда дока терига клеол билан эмас, балки колloidий (спирт ва эфир аралашган нитроклетчатка эритмаси) билан ёпиширилади. Боғлам қўйини техникаси: боғламга салфетка ёпилади ва салфетка четларига колloidий суртилади. Колloidий қотгандан кейин салфетканинг ортиқча қисми қирқиб ташланади. Колloidийни шпател билан суртиш тавсия этилади. Бундай боғлам 7—8 кунгача тупиб кетмайди. Боғламнинг қайишқоқлиги камлиги ва терини таъсирлаши унинг камчилигидир.



21- расм. Рўмол боғламни билакка қўйиш усуллари.


Худди шу мақсадда резина елим (эфир ва бензин аралашган резина эритмаси), БФ-6 елимидан фойдаланиш мумкин.

**Рұмолли боғламлар.** Бұу мақсад учун учбұрчак шаклидаги бирорта боғлов материалы (дока, сурп, бўз ва ҳ.к.) парчаси ишлатиласы. Бундай боғламнинг энг узун томони рўмол (косинка)нинг асоси, унинг рўпарасидаги бурчак — тепаси, қолган иккита бурчаги — учлари дейилади. Рўмол кўпинча қул ёки умров сяяги шикастланганда қулни осиб қўйиш учун қўлланилади (21- расм, *а*, *б*, *в*, *г*). Унинг ўртаси тўғри бурчак ҳосил қилиб букилган қисми билакка қўйилади, тепаси тирсакка йўналтирилади, учлари эса бўйинга боғланади. Рўмолнинг тепаси тирсак атрофида орқадан олдинга томон букиб текисланади ва тирсакнинг олд томонидан боғламга қадаб қўйилади.

Кукрак безини рўмол билан боғлашда (22- расм, *а*) унинг асоси сут бези остига жойлаштирилади, тепаси касал томоғи орқали орқадан елка устига, бир учи иккинчи елка устига олдинги томондан йўналтирилади, иккинчи учи эса касал томондаги кўлтиққа туширилади. Рўмолнинг иккала учи ва тепаси орқадан боғланади.

Чаноқ-сон бўғимига иккита рўмол билан боғлам боғланади (22-расм, *б*, *г*). Битта рўмол (буқлангани) билан белбоғ кўрйнишида гавда айлантириб боғланади. Иккинчисининг тепаси белбоққа маҳкамланади, унинг асоси чаноқ-сон бўғимини бекитади, учлари эса сон атрофидан ўралиб боғланади.


„Плавки“ туридаги рўмол боғлам боғлашда (22- расм, *в*) унинг тепаси оралиқдан ўтказилади, асоси билан қорин бекитилади, учлари эса орқага ўтказилиб, у ерда тепаси билан боғланади. Думба соҳасига боғлам „плавки“ боғлами тариқасида қўйилади. Унинг тепаси ва иккала учи олд томонидан боғланади.



22-расм. Рўмол боғламни кукрак бези, таз, боз ва елкага қўйиш.



**23- расм.** Рўмол боғламни қўл, оёқ панжаси ва бўғинга, сонга қўйиш.



**24- расм.** Катта ёшдаги беморларга тўрсимон боғлам қўйиш турлари.

*Боини боғлагандо* (22- расм, д) рўмолнинг асоси энса соҳасига, тепаси юзга, учлари эса пешана орқали боғланади, тепаси боғланган учлари орқали биш тепасига қайрилади ва шу жойга тўғнаб қўйилади. Елка соҳасига битта рўмол (22- расм, е) билан боғлам боғлаш қулай.

*Қул ва оёқ панжасини рўмол билан боғлашда* (23- расм, а, б) рўмолнинг ўртаси панжанинг кафт юзасига қўйилиб, тепаси бармоқлар орқасига ўтказилади ва кафт устида айлантирилади, учлари айлантирилиб тўпиқ юқорисидан боғланади, тепаси эса боғланган учлари тепасига маҳкамланади.

*Оёқ панжаси ва сон соҳаларига рўмол боғлам қўйшида* дастлаб у ўралади ва кейин унинг учлари боғлаб қўйилади (23- расм, в, г).



26-расм. Пластирили боғлам.

**Эластик тўрсимон боғлам** („рэтэласт“) фабрикалар етти рақамда (0 дан 6 гача) ишлаб чиқарилади. У катта ёшдаги беморларда тананинг тури жойига қўйилган боғламларни жуда яхши ушлаб турари ва қулай (24- расм, 1—10). Тўрсимон боғламлар болаларда ҳам жуда кенг фойдаланилади (25- расм).

**Лейкопластирили боғлам.** Жароҳатга қўйилган боғлов материали бир неча тилиш ёпиш-қоқ лейкопластир билан бемор терисининг туксиз жойларига ёпиширилади (26- расм). Лейкопластирили боғламнинг камчилиги шуки, унинг остидаги тери мацерацияланади (шили-нади) ва айниқса бўкканда кераклигича маҳкам ушлаб турмайди.


**Бинтли боғламлар.** Бу боғламлар бинтнинг бир парчасидан, битта бутун бинтдан ёки бинтнинг бир неча ўрамлари ёрдамида боғланади.

Оёқ, қўл панжаси бармоқларини боғлаш учун камбар бинтлар (эни 3—5—7 см); бош, панжа, билак, бодирни боғлаш учун эни ўртacha (10 — 12 см) бинтлар; кўқрак қафаси, сут бези ва сонни боғлаш учун сербар (14—18 см) бинтлар ишлатилади.


Бинтлар фабрикада тайёрланади ёки улар ўша жойнинг ўзида докадан кесиб тайёрланади. Бинтнинг ўралган қисми *бошчаси*, эркин учи эса *дум* қисми дейилади. Боғлам яхши боғланиши учун у қуйидаги талаблар асосида аниқ бажарилиши шарт: а) боғлам гавданинг касал қисмини бекитиб туриши; б) лимфа ва қон айланишини бузмаслиги; в) беморга халақит бермаслиги; г) тоза бўлиши; д) гавдага зич ёпишиб туриши керак.

### Бинтлаш қоидалари ва боғламларнинг турлари

Бинтлашда бинтни тўғри ўраб боғлашга ёрдам берадиган қатор қоидаларга риоя қилиш зарур. Бемор бинтланадиган қисм учун қулай вазиятда (тик турган ёки ўтирган) бўлиши лозим. Гавданинг тегишли соҳасига берилган вазият бинтлашдан кейин сақланиб қолиши керак. Шу мақсадда турли хил болишлар, тиргаклар ёки маҳсус столлардан фойдаланилади. Бинтланадиган соҳа бинт боғлаётган киши кўкси



27- расм. Сопқонсимон боғлам.



28- расм. Т-симон боғлам.

түғрисида бўлиши керак. Бинтлаш аксарият четдан марказга томон, бироқ қатор ҳолларда боғлам тескари йўналишда боғланади. Бинтнинг маҳкамлайдиган ўрамидан кейин унинг ҳар бир кейинги ўрами олдинги ўрамнинг ярмини ёпиб бориши лозим. Бинт бошчасини бинтланадиган юздан узоқлаштирмаслик ва бир меъёрда торгаш керак. Гавданинг конус шаклидаги қисми (сон, болдири, билак) ни бинтлашда бинт зич ёпишиб туриши учун 1—2 марта айлантирилгандан сўнг у қайириб боғланади.

Бинтлаш охирида у тикиб маҳкамланади, тўғнагич билан тўғнаб қўйилади ёки бинтнинг ўртасидан йиртиб, икки бўлакка бўлинади, булар бинтланган қисм устидан айлантириб ўралади ва тугиб қўйилади. Бинтни жароҳат соҳаси устида маҳкамлаш тавсия қилинмайди, балки уни четроққа суриб маҳкамлаган маъкул.

Боғламларнинг қўйидаги турлари бир-биридан фарқланади.

**1. Сопқонсимон боғлам** (27- расм). Бинтнинг бир парчасидан тайёрланади. Бинтнинг иккала учи ўртасига йўналтирилган ҳолда узунасига кесилиб, унинг ўртаси кесмай қолдирилади. 27- расм (а, б, в, г) да бурун, ияқ, энса ва пешанага сопқонсимон боғламни боғланижойлари кўрсатилган.


**2. Т-симон боғлам.** Ўртасига бошқа бинт тикилган ёки унинг учи ташлаб қўйилган бинт парчасидан иборат бўлади. Ундан кўпроқ



**29- расм.** Айлана боғлам.




**30- расм.** Спиралсимон боғлам.



**31- расм.** Ўрмаловчи боғлам.



**32- расм.** 8- симон боғлам турлари.



**33-расм.**  
Бошоқсимон боғлам.

оралиқ соғани боғлашда фойдаланилади: горизонтал қисми тана төв арағида белбоққа ўхшаб айлантирилади, вертикал қисми эса белбогдан оралиқ орқали ўтказилади ва ўша белбоққа тананинг бошқа томонидан боғланади (28- расм).


**3. Айлана боғлам.** Бинт гир айлантириб ўралади, бинтнинг навбатдаги ўрами аввалги ўрамни тамомила бекитади (29- расм).

**4. Спиралсимон боғлам.** Бинтнинг навбатдаги ҳар бир ўрами аввалги ўрамининг ярмини ёки бундан каттароқ қисмини бекитади (30- расм). Боғламнинг бу тури икки хил: юқорига кўтариувчи бинтлаш — пастдан юқорига, пастга тушувчи бинтлаш эса бунинг аксича бўлади.


**5. Ўрмаловчи боғлам** спиралсимон боғлам кабидир, лекин ўрамлари бир-бирига дуч келмайди. Одатда, бинтлашнинг бошида мураккаб боғлам элементи сифатида танага қўйилган салфеткаларни тутиб туриш учун қўлланилади (31- расм).

**6. Саккисимон боғлам.** Боғламнинг бу турида бинт ўрамлари бир-бири билан кесиштирилади (32- расм).

**7. Бошоқсимон боғлам.** Саккисимон боғламнинг бошқа бир тури бўлиб, бинт ўрами бир чизиқ бўйича кесиштирилади, бу бошоқни эслатади (33- расм).



**34- расм.** Тошбақасимон боғлам. (а- түпланувчи.  
б- тарқалувчи).



**35- расм.** Қайтарувчи боғлам.

**8. Тошбақасимон боғлам** аксарият бўғимларнинг букилган соҳасига қўлланилади. Унинг иккита — тарқалувчи ва түпланувчи турлари фарқланади.

Тарқалувчи боғлам тизза бўғими соҳасига ёпилади, бунда бинт бўғимнинг ўртасидан, „тизза кўзидан“ айлантириб олинади. Кейинги ўрамлар аввалгисининг гоҳ пастидан, гоҳ юқорисидан галма-гал юргизилади. Бинт ўрамлари тақимда кесишади ва биринчи ўрамдан икки томонга тарқалиб, аста-секин бўғим соҳасини ёпди (34- расм, б).

**Тўпланувчи боғламни** ёпишда биринчи (маҳкамлайдиган) ўрам бўғим юқорисидан ёки унинг пастидан ўтади, иккинчи ўрам бўғими рўпарасига уралади, учинчى ўрам бўғим соҳасига яқинлашиб, биринчисини, тўртинчи ўрам иккинчиси билан кесишиб, бўғим соҳаси тамомила ёпилгунча шу тариқа давом эттирилади (34- расм, а).

**9. Қайтувчи боғлам.** Бундай боғлам аксарият оёқ-қўлнинг кесиб ташлангандан (ампутация) қолган қисми (чўлтоги) га ишлатилади (35- расм). Бинтни маҳкамлаш учун у бир неча марта айлантириб уралади. Сўнгра уни бармоклар билан тутиб туриб, 90° ли бурчак остида қайрилади ва чўлтоқ орқали узунасига ўрамлар билан маҳкамланади ва бинт билан тамомила бекилгунга қадар ўрам давом эттирилади.


Боғламларнинг айтиб ўтилган турларидан гавданинг исталган соҳасини бинтлашда фойдаланиш мумкин. Шунинг учун қўлланиладиган боғламларнинг айрим турлари устида тўхталиб ўтамиз.

### Бош ва юз соҳасини боғлаш

Вазифасига кўра боғламларнинг бир неча тури қўлланилади.

**Бошдаги қайтувчи боғлам.** Бунда бошнинг олд ва орқа томонидан ҳамма соҳасини қоплагунча бинтни бир неча бор қайтариб, кейин унинг атрофидан 3 марта ўраб мустаҳкамланади (36- расм, а).

**Гиппократ қалпоги.** Боғлам боғлаш учун икки бошчали бинт ёки иккита бинт қўлланилади. Ўнг қўлдаги бинт бошчаси билан циркуляр



36 - расм. Баш ва пастки жағ соҳасига қўйиладиган боғламлар:

ўрамлар қилинади ва бинтлангаётган ўрамлар маҳкамланади. Улар тарқалиб ёки тўпланиб, аста-секин калла гумбазини бекитади (36- расм, б).

**Калпоқча шаклида боғлаш.** Тахминан 1 м узунликдаги бинт парчаси бош тепасига кўндаланг йўналишида қўйилади, икки учини эса қулоқ супрасининг олдидан пастга туширилади ва тараанг қилиб тортиб турилади (ёрдамчи ёки беморнинг ўзи). Бинт билан бош атрофидан биринчи циркуляр ўрам қилинади. Кейинги ўрам боғга етгач, бинтни шу боғ атрофида айлантирилади ва бир оз қийшиқ йўналишида энсани беркитиб юргизилади. Иккинчи томонда бинтни

бош атрофида қарама-қарши томонга айлантирилади ва қийшиқроқ йұналишда бошнинг пешона қисмiga олиб борилади. Бинтнинг кейинги ўрами билан энса соҳаси бекитилади. Шу тариқа бош бир текисда бинтланади. Бинтнинг учи бошга боғланади, кейин борчлари жағ остидан боғланади (36- расм, в).

**Бир күзни боғлаш.** Ўнг күзни боғлашда бинт чапдан ўнгга қараб юргизилади. Чап күзни боғлашда эса бунинг акси қилинади. Бинт циркуляр йұналишда бош атрофидан айлантириб маҳкамланади, сүнгра орқадан пастга — энсага туширилади ва қулоқ остидан қийшиқ ҳолда юқорига күтарилиб беморнинг күзи бекитилади. Қийшиқ ўрам доира ўрам билан маҳкамланади. Сүнгра аввалги ўрамнинг юқорисидан қийшиқ ўрам қилинади. Шундай қилиб, ўрамларни қийшиқ ўрамлар билан навбатлаб, бутун күз соҳаси бекитилади (36- расм, г).

**Икки күзни боғлаш.** Бинт гир айлантириб ўраб мустаҳкамлангач, кейинги ўрам бош тепаси ва пешона бўйлаб пастга туширилади ва юқоридан пастга томон чап күзни бекитадиган қийшиқ ўрам қилинади, сүнгра бинтни энса орқали ўтказиб, пастдан юқорига томон ўнг күзни бекитадиган қийшиқ ўрам қилинади. Бунинг натижасида бинтнинг кейинги ҳамма ўрамлари қаншар соҳасида кесишиб, иккала күзни бекитади ва тобора пастга тушаверади. Бинтлаш охирида боғлам горизонтал доира шаклида ўраш билан мустаҳкамланади (36- расм, д).

**Нұхтасимон боғлам.** Бундай боғлам асосан ияқ соҳасини бекитишида құлланилади. Дастреб бош атрофида циркуляр ўрам қилинади. Иккінчи ўрамни энса соҳасига бўйиннинг ён юзасига қийшиқ йұналишда юргизилади ва жағ остидан вертикал ҳолатга ўтказилади. Бинтни қулоқ супралари устидан олиб ўтиб, бош атрофида бир неча марта айлантирилади, сүнгра бинтни ияқ остидан бошқа томонга ёки энсага қийшиқ ҳолда юргизилади ва горизонтал ўрамлар қилиб, боғлам мустаҳкамланади.

Пастки жагни тамомила бекитиш учун мустаҳкамлайдиган горизонтал ўрамлар қылғандан сүнг, бинт бошчасини энса бўйлаб қийшиқ ҳолда пастга туширилади, иякнинг олдинги қисми бўйлаб бўйиннинг ён томонига, кейинроқ бўйин атрофига туширилиб, орқага қайтарилади ва бинт ўрамини ияқдан пастроққа тушириб вертикал ҳолатга ўтказилади ва боғлам бош атрофида мустаҳкамланади (36- расм, е, ё, ж).

**Неаполитанча боғлам.** Бинтни бош теварагида айлантириб ўрашдан, сүнгра бинтни қасал томондан қулоқ ва сүрғичсимон ўсиқ соҳасига туширишдан бошланади (36- расм, з).

### **Бўйинни боғлаш**

**Бўйиннинг юқори қисмини боғлаш.** Бош теварагида галма-галдан бир неча қийшиқ ўрамлар билан (пешона ва энса соҳасини ҳам қамраб олиб) доира ўрамлар қилинади. Энса соҳасини доира ўрамлар қилиб бинтлаш билан бирга, саккизсимон боғлам ҳосил қилинади.


**Бўйиннинг пастки қисмини боғлаш.** Бош теварагидаги ўрамларни энса соҳасининг саккизсимон боғлами ва орқанинг бошоқсимон боғлами ўрамлари билан тўлдирилади.

### Кўлни боғлаш

**Битта бармоқни боғлаш.** Боғлам кафт усти атрофига мустаҳкамлайдиган доира ўрамлар қилишдан бошланади. Сўнгра бинтни қўл панжасининг орқаси оша бармоқ учигача қийшиқ ҳолда йўналтирилади ва шу ердан пастдан юқори томонга, бармоқ асосигача спиралсимон боғланиб, кейин қўл панжасининг орқаси оша кафт устига келтирилади ва бу ерда маҳкамловчи циркуляр ўрамлар қилинади (37- расм, а).

**Бош бармоқни боғлаш** бошоқсимон бинтлаш тариқасида бажарилади. Мустаҳкамловчи доира ўрам ҳам кафт усти — билакда қилинади. Сўнгра бинтни қўл панжаси орқаси оша бармоқ учигача олиб борилади, бармоқ спиралсимон айлантирилиб ўралади, кафт усти — билакнинг орқа томонига, сўнгра кафт томонига қайтарилади. Бинт бармоқни томомила бекитгунча ўрамлар такрорланади (37- расм, б).

**Қулқопсимон боғлам.** Битта бармоқни бинтлаш қойдасидан фойдаланиб, панжанинг ҳамма бармоқларини бирин-кетин „қўлқоп“ шаклида бинтлаб чиқиш мумкин. Чап қўлни бинтлашни қулайлаштириш мақсадида боғламни жимжилокдан, ўнг қўлни бинтлашда бош бармоқдан бошлаш керак (37- расм, в).



37- расм. Кўлни боғлаш турлари.



37- расм. Құлни боғлаш турлари.



38- расм. Елка бүгими ва құлтиқ остига құйиладиган боғлам.



**Панжанинг қайтувчи боғлами.** Бинт билакқа маҳкамланиб, сүнгра у панжанинг орқа томони оша бармоқларга йүналтирилади ва кафт бүйлаб қайтилади. Билакда яна маҳкамловчи ўрам қилинади ва бинтни ўраш такрорланади. Құл панжаси ва бармоқлар ҳам орқа томондан, ҳам кафт томондан бекитилгандан сүнг бармоқлар ван жаңа бинтнинг күндаланг ўрамлари билан ёпилади. Боғлам билакка маҳкамлаб құйилади (37- расм, д-ә).

**Құл панжаси ва бүгимнинг спиралсимон боғламлари** (37- расм, ж, з, к).

**Билакни боғлаш.** 1—2 ўрамдан сүнг бинтни қайириб спиралсимон ва айланана шаклда боғланади.

**Тирсак бүгимини боғлаш** тарқалувчи ва түпланувчи тошибақасимон шаклли боғлам каби бўлади.

**Елка бүгимини боғлашда** оддий спиралсимон ёки бошоқсимон боғлам қўлланилади (38- расм, а).

**Құлтиқни боғлаш.** Бунинг асосини бошоқсимон боғлам ташкил қиласди. Елкада бинтнинг маҳкамлайдиган ўрамлари қилинади. Бинтни құлтиқ соҳасидан елка устига, орқага, қарама-қарши томондаги құлтиққа, кўкрак қафасининг олдинги юзасига қийшиқ юргизиб, биринчи ўрам елка усти соҳасида кесиптирилади ва бинт кўкрак қафасининг орқа юзасидан құлтиққа чиқарилади. Кейинги ўрам олдинги ўрам каби бошланади, бироқ ҳар бир янги ўрамни астасекин пича юқорига кўтариб ўралади, натижада бинт елка усти соҳасини ва құлтиқнинг олдинги ва орқа қисмларини тамомила бекитади. Яхшироқ маҳкамлаш учун кўкрак қафасига қийшиқ йўналишда гир айлантириб, циркуляр ўрам қилинади. Бинтни орқага — соғлом елка устига ўтказилади ва бу ердан кўкрак қафасининг олдинги юзаси бўйлаб пастга — бинтланаётган томондаги құлтиққа туширилади. Шундай ўрамларнинг бир нечтасидан сүнг боғлам узил-кесил маҳкамлаб құйилади. Құлтиқ остига рўмол бойлам қўйини анча кулайдир (38- расм, б).

## Күкрак қафасини боғлаш


Күкрак қафасига боғлам боғлашда қаттиқ бинтлаш нафас ҳаракатига халақит беришни, бўш боғланган боғлам эса фойдасиз эканлигини унутмаслик керак.

Бир томонлама күкрак жароҳатини боғлаш қулай бўлиб, унда кўкрак қафасидаги нафас ҳаракати чегараланмайди. Бунинг учун дастлаб 1 м бинт учидан бойланиб, қўлни унинг ичидан ўтказиб, бемор елкасига ташланади. Кейин бинтни олд ва орқа томонидан ўтказиб бойланади ва жароҳат бекилади (39- расм, а, б, в).


**Спиралсимон боғлам.** Тахминан 2 м узунликдаги бинт бўлагини ўнг ва чап елкага бинтнинг эркин учлари кўкрак қафасининг олдинги ва орқа томонидан тушиб турадиган қилиб ташлаб қўйилади. Боғламни кўкрак қафасининг пастки қисмидан, бинтнинг шу бўлагини бекитишдан бошланади. Бинтнинг спиралсимон ўрамлари аста-секин то кўлтиққача етказиб ўралади ва охирги ўрами билан маҳкамланади. Елкага ташланган бинтнинг осилиб турган учи кўкрак қафасининг олдинги юзаси бўйлаб юқорига кўтарилади, иккинчиси елка орқали ташланади ва учлари орқа томондан боғланади (40- расм, е).

**Хочсимон боғлам** гавданинг орқа қисмларини бинтлаш учун кўлланилади. Боғлам бир елка атрофини маҳкамловчи циркуляр ўрашдан бошланади, олд томондан елкага олиб чиқилади, орқага ўтказилади ва бинтни қарама-қарши томондаги қўлтиқ соҳасига қийшиқ ҳолда йўналтирилади. Бинт йўлларини шу тариқа такрорлаб, уларни иккала елка устига аста-секин кўтариб ва кўкрак қафаси бўйича пастга тушириб, орқа бекитилади.

**Битта кўкрак безини боғлаш.** У кўкрак безини ёпиб туришдан ташқари, уни кўтариб турадиган ўзига хос суспензорий вазифасини ҳам бажаради. Ўнг томондаги кўкрак безини бинтлашда бинтни чапдан ўнгга, чап томондаги кўкрак безини бинтлашда ўнгдан чапга қараб ўралади. Боғлам кўкрак қафасини кўкрак безлари тагидан мустаҳкамлаб айлантириб ўрашдан бошланади. Кейинги ўрам кўкрак безининг пастки ва ички қисмларини қамраб олади, қарама-қарши



39- расм. Бир томонлама кўкрак жароҳатланганда қўйиладиган боғлам босқичлари..



40- расм. Күкрак қафасини боялаш турлари.

томондаги елқага күтарилади ва елканинг орқа томонидан пастга йўналтирилиб бинтланадиган күкрак бези томонидаги қўлтиққа боради. Сўнгра бинт күкрак безининг пастки қисмини қоплайди. Айлантириб ўрай билан олдинги ўрам мустаҳкамланади. Кейинги ўрамларни күкрак бези пастдан батамом ёпилгунча аста-секин юқорига томон йўналтирилиб ўраш тақрорланади. Эмизикли оналарда күкрак безини боялашда бола эмизиш ёки сутни согин учун күкрак бези уни бинт билан ёпилмайди (40- расм, а).

**Иккала күкрак безини боялаш.** Дастребки ўрамлар битта күкрак безини бинтланадиги каби ўралади. Кейин бинтни күкрак қафасининг күкрак безига дастреб бинт ўралган ярмидаги елқадан ўтказиб, орқада қийшайтириб ўралади. Бинтни пастга — күкрак безлари оралиғига туширилиб, қарама-қарши томондаги күкрак бези бинтланади, сўнгра күкрак қафаси гир айлантириб ўралади ва шу ҳолатда иккала күкрак бези ёпилади.

**Дезо боғлами.** Олдин қўлтиққа пахта болишли қуйилади. Билак тирсак бўғимида тўғри бурчак остида букилади ва кўкракка қўйилади. Елка биринчи доира ўрам билан күкрак қафасига бинтланади. Иккинчи ўрам қарама-қарши томондаги қўлтиқдан касал томондаги елқага йўналтирилиб, елқадан орқага оширилади ва пастга туширилади. Кейин бинт тирсак бўғимини қоплайди ва уни билакни ушлаб турган ҳолда юқорига, соғлом томондаги қўлтиққа томон қийшиқ йўналтирилади, сўнгра, күкрак қафасининг орқа сатҳи бўйлаб ўтказиб, касал елқага йўналтирилади ва пастга туширилади,

сүнгра билақдан айлантириб ўтказилади ва кўкрак қафасининг орқа сатҳига, соғлом томондаги қўлтиққа томон йўналтирилади. Боғлам яхши мустаҳкамланмагунча ўрамлар такрор ўралаверади (40- расм, б).

#### Болалардаги Дезо боғлами (40- расм, в).


**Торакобрахиал боғлам** оддий ва аниқ боғлам ҳисобланади, у елка суяклари синганда қўйилади.

**Вельпо боғлами.** Касал қўл панжаси соғлом елкага қўйилади. Бинтнинг айланма ўрами билан касал қўл кўкрак қафасига маҳкамланади. Кейин бинт соғлом томондаги қўлтиқдан ўтказилиб, орқадан касал томондаги елкага қийшайтириб юритилади, пастга вертикал туширилади, тирсак ортига ўтказилади ва кўкрак қафасини айлантириб горизонтал ўраб, қўл қайта маҳкамланади. Бинт ўрамлари такрорланади. Горизонтал ўрамлар бундан олдинги ўрамлар пастига тушади, вертикал ўрамлар эса олдинги ўрамлар ичига тушади (40- расм, д).

### Қорин ва чаноқ соҳасини боғлаш

Қорин соҳасига, одатда, спиралсимон боғлам ёпилади, бироқ уни маҳкамлашда чаноқ ва соннинг бошоқсимон боғламини бирга кўллашга тўғри келади (41- расм, а).

**Бир томонлама бошоқсимон боғлам.** Боғлам қориннинг пастки, соннинг учдан бир юқори қисмини ва думба соҳасини боғлаш учун ишлатилади. Бинт ўрамлари кесишадиган жойга мувофиқ ҳолда орқа, ён ва олдинги (чов) бошоқсимон боғламлар фарқ қилинади. Белда циркуляр ўрамлар қилиб мустаҳкамловчи бинт боғланади, сўнгра бинт соннинг ён томонидан олдинга, кейин соннинг олдинги ва ички юзаси бўйича ўраб боғланади. Бинт соннинг орқа ярим доирасини айланниб ўтиб, унинг ташқи томонидан чиқади ва чов соҳасидан гавданинг орқа ярим доираси орқали қийшайиб ўтади. Бинт ўрамлари такрорланади. Бинтнинг кейинги ўрами олдингисидан юқорига



41- расм. Қорин, чаноқ, оралиқ ва сонга қўйиладиган боғламлар.

түшса, юқорига күтариувчи боғлам, пастга ўралса, пастга тушувчи боғлам дейилади (41- расм, б).

**Икки томонлама бошоқсимон боғлам** иккала сон ва думбанинг учдан бир юқори қисмини ёпиш учун қўлланилади. Бу ҳали олдинги боғлам каби белни циркуляр ўрашдан бошланади, бироқ бинтни иккинчи човнинг олдинги юзасидан, сўнгра соннинг ташқи юзасидан юргизилади, унинг орқа ярим доираси қамраб олинади, ички юзасига чиқарилади ва чов соҳаси бўйлаб тананинг орқа ярим доирасига ўтказилади. Бу ердан бинт ўрами бир томонлама бошоқсимон боғламдаги сингари давом эттирилади. Бинтни иккала оёққа навбат билан, гавданинг шикастланган қисми бекилгунча ўралади. Боғлам танада циркуляр ўрам билан маҳкамланади. Қориннинг пастки соҳаларини боғлашда спиралсимон айлана боғлам қилиниб, бирор-бир чов соҳаси билан мустаҳкамланади(41- расм, д). Думба соҳасини бир томонлама боғлашда рўмол боғлам жуда қўл келади. Иккала чов, юқори сон соҳаларини боғлашда саккизсимон ва хочсимон боғламлардан фойдаланиш қулайдир (41- расм, в, г).

**Оралиқ соҳасини боғлаш.** Оралиққа саккизсимон боғлам боғланади, бунда бинт ўрамлари оралиқда кесиншиди (41- расм, е). Сон соҳасига рўмол бойлам кўйиш анча қулайдир.

### Оёқни боғлаш

Бунга ҳам қўлни боғлашдаги каби талаблар қўйилади.

Одатда, бир-икки ўрамдан сўнг айлантириб спираль шаклда ўралади.

**Тизза бўғими соҳасини боғлаш.** Бирлашадиган ёки тарқаладиган тошбақасимон боғлам боғланади (34- расмга қаранг).

**Болдирни боғлаш.** 1 – 2 ўрамдан сўнг айлантириладиган юқорига кўтариувчи, спираль шаклдаги боғлам қўлланилади (42- расм, а).

**Товон соҳасини боғлаш.** Аксарият тарқалувчи тошбақасимон боғламдан фойдаланилади. Товондан (унинг марказий қисмидан) айлантириб бинтлашдан бошланади. Кейинги ўрамларни биринчи ўрамнинг юқорисидан ва пастидан навбатма-навбат ўралади. Бу ўрамларни товоннинг ёнidan, орқадан олдинга, товон юзасига ва оёқ кафтининг орқасига болдир-панжа бўғими ва пастга, панжа соҳасига ўтадиган қилиб қийшиқ айлантириб маҳкамланади, ўрамлар оёқ кафти устида кесиштирилади (42- расм, з).

**Болдир-панжа бўғимини боғлаш.** Одатда саккизсимон боғлам қўлланилади. Маҳкамловчи ўрам тўпиқнинг юқорисидан айлантирилади. Бинтни панжанинг орқа томонидан қийшиқ юргизиб, панжа атрофидан ўтказилади. Кейин бинтни юқоридан ўтказиб оёқ панжасининг орқа томони бўйлаб бундан олдинги ўрам билан кесиштирилади ва болдирнинг орқа ярим доираси атрофидан ўтказилади. Бинт ўрамлари такрорланади. Богламни тўпиқлар олдида айлантириб ўрам мустаҳкамланади (42- расм, б, в, з).



42- расм. Болдиринг панжа бугимини, товон соҳасини боғлаш турлари.

**Бармоқларни очик қолдириб оёқ панжасини боғлаш.** Бинт панжага ўралиб маҳкамланади, сўнгра уни оёқ панжасининг орқа томони бўйлаб товондан ўтказилади, кейин панжани гир айлантириб ўраб, товонга қайрилади. Товон соҳасида бинтнинг ҳар бир янги ўрами олдинги ўрамнинг юқорисига туширилади ва болдири-панжа бўғимига тобора яқин келтириб кесиштирилади (42- расм, д).

**Бармоқларни очик қолдирмай оёқ панжасини боғлаш.** Бинт тўпиклар соҳасида айлантириб ўраб маҳкамланади. Сўнгра бинтни бутун панжа орқали узунасига юргизиб, бармоқлар ва товон соҳаси ёпилади. Бармоқларнинг учидан бошлаб оёқ панжасида кесишадиган спираль шаклдаги боғлам ёпилади. Маҳкамловчи ўрам тўпиклар соҳасида бажарилади (42- расм, е, ж).

**Оёқ панжаси бош бармогини боғлаш.** Боғлаш усули қўлнинг бош бармогини боғлаш каби. Боғлам тўпиқлар соҳасида маҳкамланади (42- расм, е).

**Сүспензорий.** Мояклар, уларнинг ортиқлари касаллигига ёки ёрғоқда ўтказилган операциялардан сўнг, ёрғоқни кўтариб туришга мўлжалланган махсус мосламадир. Асосан, фабрикада тайёрланган сүспензорийлар бўлади. Сүспензорийни уйда тайёрлаш ҳам мумкин. Бунинг учун оддий бинтдан белбоғ қилинади. Бинтнинг икки чеккасидан қирқиб олинади, ўртасидан 10 см узунликдаги қисми қирқмасдан қолдирилади. Бу қисмнинг бир чеккаси ёрғоқ илдизи остига яқинлаштирилади, унинг учлари белбоқда боғланади. Иккинчи чеккаси ёрғоқнинг олдинги қисмига ташланади ва унинг учлари ҳам белбоққа бир оз тортиб боғланади.

Боғламдан жинсий олат учун тешик очиш мумкин. Боғлам (сүспензорий) нинг асосий вазифаси ёрғоқни жинсий олат билан бирга юқори (қорин томонга) кўтариб туришдан иборат. Унинг ҳамма учини белбоғнинг олдинги қисмига боғлаб қўйиш шарт.

**Бандаж.** Қорин бўшашиб қолганда уни мустаҳкамлаш учун мўлжалланган материал ва чармдан тикилган махсус мосламадир. Бандажлар одатда қорин чурраларини қандайдир сабабга кўра операция қилиш имконияти бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

**Индивидуал боғлов пакети.** Пакет бинтга бириктирилган иккита пахта-докали ёстиқчадан иборат. Уларнинг биттасини бинт устидан юргизиш мумкин. Яра боғлаш материали иккита пакетда: ички — тўғнағичли қофоз пакетда ва ташқи — резина аралашган пакетда бўлади. Бинт ва ёстиқчалар стерил бўлади. Резина аралашган қават чизигидан йиртиб очилади, сўнгра ичидағи қофоз қавати очилади, ёстиқчалар керакли жойга қўйилади ва ҳўл теккизилмаган юзаси билан жароҳат устига ёпилади.

Тешиб ўтган жароҳатларда битта ёстиқча билан кириш тешиги, иккинчиси билан эса жароҳатнинг чиқиши тешиги бекитилади, шундан сўнг ёстиқчалар бинт билан ўраб боғланади.



### Талабаларнинг мавзуга доир билим даражасини аниқлаш учун тестлар

1. „Сопқонсимон“ боғлам тананинг қайси соҳасига қўйилади?
  - а) бурунга;
  - б) иякка;
  - в) пешанага;
  - г) энсага;
  - д) кўрсатилганларнинг ҳаммасига.
2. Тошибақасимон боғлам тананинг қайси соҳасига боғланади?
  - а) бошга;
  - б) бўйинга;

- в) күкрак қафасига;
- г) бүғинга;
- д) қорин соҳасига.

3. Спиралсимон боғлам қуидагилардан қайси соҳага қўйилмайди?

- а) бүғинга;
- б) билакка;
- в) бармоқقا;
- г) болдирга;
- д) күкрак қафасига.

4. Елимли боғламни аниқланг.

- а) бинтли;
- б) kleolli;
- в) крахмалли;
- г) дуррачали;
- д) гипсли.

5. Очиқ пневмотораксда қандай боғлам қўйилади?

- а) „Окклюзион“ боғлам;
- б) „Дуррачали“ боғлам;
- в) „Спиралсимон“ боғлам;
- г) „Дезо“ боғлами;
- д) „Сопқонсимон“ боғлам.



*Эслатма: тўғри жавоблар тагига чизилган.*



## V. ИНФУЗИЯ ВА ТРАНСФУЗИЯ

Қон қуийш — тирик тўқимани кўчириб ўтказиш бўлиб, бемор организмига ҳар томонлама таъсир қиласи, шунинг учун бу операция мутлақ кўрсатмалар бўлганда бажарилиши керак. Ҳозирги кунда трансфузиология маҳсус фан сифатида ажralиб чиқди. Гемотерапиянинг ижобий таъсирини ошириш учун қон компонентлари, унинг препаратлари ва қон ўрнини босувчиларни дифференциаллашган ҳолда қуийш мумкин. Масалан, кўп қон йўқотилганда баъзи бир bemorларга қон ўрнига эритроцитар массани трансфузия қилиш мумкин. Қон тўхтатиш (гемостатик) самарасига плазма, тромбоцитар масса, криопреципитат ва бошқа препаратлар қуийш билан эришиш мумкин. Клиникада янги трансфузия усулига риоя қилиш керак. Ҳозирги кунда қон қуийш ўрнига bemorга етишмайдиган маълум бир омил, эритроцитар, тромбоцитар, лейкоцитар массаларни, плазма ва унинг оқсил фракцияларини, қон дериватларини қуийш тавсия қилинади.

Ўзбекистонда қон қуиши хизматининг ташкилотчиси проф. В. К. Ясевич (1894 – 1965) ҳисобланади. Республика миздаги гематология ва қон қуиши институтининг тарихи, гематология ва транс-фузиологиянинг тараққиети, Ўзбекистонда гематологик ёрдам кўрсатувчи тиббиёт факультети ташкил қилиш учун 1920 йилда Тошкентга келган А. Н. Крюков номи билан боғлиқ. 1930 йилда Тошкентда проф. И. И. Орлов ташкил қилган хирургия клиникасида биринчи қон қуиши хонаси очилган. Унинг раҳбари шу клиника проф. В. К. Ясевич бўлган. 1934 йилга келиб қон қуиши хонаси Марказий қон қуиши станциясига айлантирилди, унга маҳсус хоналар, асбоб-ускуналар ажратилган.

Кейинчалик, Самарқанд давлат тиббиёт институтида. Бухоро вилоят касалхонасида, Кўқон туманлараро касалхонасида, Сурхондарё вилоятида қон қуиши бўлимлари ташкил қилинди.

1933 йилда Тошкент Марказий қон қуиши станцияси ташкил этилган бўлиб, у Москвадаги Марказий қон қуиши институтининг филиали ҳисобланар эди. 1940 йилда Марказий қон қуиши станцияси Ўзбекистон гематология ва қон қуиши институтига айлантирилди. Уни ташкил қилиш ва ривожлантиришда проф. В. К. Ясевич, М. З. Итин, Э. И. Отаконов, А. Ю. Юнусов, С. А. Аъзамхўжаева, Н. И. Исмоилов, К. Б. Болтаев, У. С. Сулаймонова ва бошқа олимпийларнинг хизматлари катта.

Республикада 10 дан ортиқ қон қуиши институтлари, 200 га яқин марказий қон қуиши станциялари, шаҳар ва туман касалхоналарида минглаб қон қуиши бўлимлари ташкил этилган. 1000 дан ортиқ ўрининг эга бўлган касалхоналарда қон қуиши шунингдек, донорлик бўлимлари мавжуд. Ўзбекистонда оммавий донорлик ҳаракати ташкил этилган, унга „Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой“ жамиятлари уюшмаси раҳбарлик қиласиди. Ҳар бир соглом одам умри давомида камида 1—2 марта қон топширса, қонга муҳтож бўлган беморлар соглигига соғлиқ қўшган бўлади.

Қон қуиши ҳозирги вақтда жуда кенг қўлланиладиган бўлди. Қон қуиши оғир асоратларнинг олдини олишга имкон бериб, гоят қимматли ва муҳим даво усули ҳисобланади.

### Донорлик

Даволаш муассасаларини қон, унинг компонентлари ва суяк илиги билан таъминлайдиган кишилар донорлар ҳисобланади.

Донорлар уч гўруҳга бўлинади: фаол, захирадаги ва қариндош донорлар. Вақт-вақтида қон хизмати муассасаларига мунтазам қон топширувчи кишилар фаол донорлар дейилади. Қон ва унинг компонентлари ва суяк илиги маҳсус кўрсатмаларга асосланиб олинади, у донорнинг хоҳишига қараб пуллик ёки бепул бўлиши мумкин. Бир марта ёки бир неча марта қон топширувчи одамлар захирадаги донорлар ҳисобланади ва одатда, улар бепул қон топширадилар.

*Қариндош донорлар* — даволаш муассасаларида даволанувчи қариндош-уруелариға қон қуиши бўлимига бир марта келиб қон топширувчи кишилардир. Шунингдек, аҳоли орасида кам учрайдиган қон гуруҳига эга бўлган донорлар беш мартатача қон топширадилар. Бир марта олинадиган қон микдори 400 — 500 мл., 20 ёшгача бўлган ва 55 дан ошган донорлардан 300 мл дан кўп қон олинмаслиги лозим.

**Суяк илигини тайёрлаш ва кўчириб ўтказиш.** Суяк илиги гемотрансплантация учун донорлар ва беморнинг қариндош-уруелари, шунингдек тўсатдан ўлган кишилардан олинади. Суяк илиги асептикама риоя қилинган ҳолда, Кассирский игнаси билан тўш ва ёнбош суяк қиррасини 19—30 мм гача тешиш йўли билан олинади. Антикоагулент сифатида гепарин, ЦОЛИПК-23 эритмаси, натрий цитрат ва бошқа моддалар кўлланилади.

Қон илиги эксфузия қилингач, ундан 5 — 6 мл олиб бактериологик текширишга юборилади.

Мурдалардан илик олинганда одам ўлганига 6 соатдан кўп вақт ўтмаган бўлиши керак, шу ҳолдагина миелокариоцитлар сифати бузилмаган бўлади. Суяк илиги қон ҳужайралари маълум сабабларга кўра (нурланиш касаллиги, гипопластик анемия ва бошқ.) дисперсияга учраганда ишлатилади.

### **Қон гуруҳлари ҳақида таълимот**

1901 йилда Ландштейнер касал ҳамда соғлом одамларнинг зардоби кўпинча болалар ва соғлом одамлар эритроцитлари билан бир хил агглютинация бериши ҳолатини, яъни изогемагглютинацияни маълум қилди. Изогемагглютинация реакцияси маълум кишиларнинг қон зардоби билан эритроцитлар қўшилиши натижасида рўёбга чиқади, бошқа ҳолларда эса агглютинация рўй бермайди. Ландштейнернинг тадқиқотлари бу гуруҳга мансуб бўлмаган одамлар эритроцитларининг агглютинация — гуж бўлиб ёпишиш натижаларини учгуроҳга бўлади:

1. Биринчи гуруҳга мансуб одамларнинг қон зардоби олинади. Уларнинг эритроцитлари ва зардоби бу гуруҳга мансуб бўлмаган одамларнинг эритроцитлари ва зардоби билан ёпишмайди. Қон хусусиятларига қараб, бундай одамлар биринчи гуруҳга киритилган (I).

2. Қони иккинчи гуруҳ кишиларга зардоби учинчи гуруҳ эритроцитларини ёпиширадиган, лекин биринчи ва иккинчи гуруҳдаги эритроцитларни ёпиштирмайдиган одамларнинг қони киради. Бу гуруҳдаги одамларнинг эритроцитлари биринчи ва учинчи қон гуруҳлари зардолари ёрдамида ёпишади (II).

3. Учинчи гуруҳга кирувчи шахсларнинг зардоби иккинчи гуруҳ эритроцитларини ёпиштирмайди, эритроцитлари биринчи ва иккинчи гуруҳ қон зардоби билан агглютинация берувчи шахслар учинчи гуруҳга киритилган (III).

Кейинги текширишлар қон зардоби маълум бўлган гуруҳ эритроцитлари билан ёпишмайдиган, лекин шу вақтнинг ўзида эритроцитлар бошқа гуруҳ зардoblари билан ёпишадиган гуруҳ борлигини кўрсатди. 1910 йилда америкалик олим, шифокор Масс қон гуруҳларини кўпчилик одамда текшириб, тўртинчи гуруҳга хос шахслар борлигини эълон қилди, 1928 йилда эса Миллатлар лигасининг Гигиена комиссияси 1910 йилда таклиф қилинган қон гуруҳларининг ҳарфлар номенклатурасини ишлаб чиқди ва ҳозир қон гуруҳларини белгилашда шу ҳарфлар кўлланилади. Қоннинг гуруҳларга ажратиш асосини одам эритроцитларида А ва В агглютиногенлар, қон зардобида эса ( $\alpha$ ) альфа ва ( $\beta$ ) бета агглютининлар борлиги ташкил қиласди. Агглютиногенлар ва агглютининлар бор-йўқлигига қараб қоннинг қайси гуруҳга мансублиги аниқланади.

Одамда агглютиногенлар ва агглютининлар бирикмасининг IV гуруҳи ва бинобарин, қоннинг IV гуруҳи учрайди.

**Биринчи гуруҳ — О (I).** Эритроцитларда агглютиногенлар [O] йўқ, зардобда эса иккала агглютинин — альфа ва бета бор.

**Иккинчи гуруҳ — А (II).** Эритроцитларда агглютиноген А, зардобда эса агглютинин бета бор.

**Учинчи гуруҳ — В (III).** Эритроцитларда агглютиноген В, зардобда эса агглютинин альфа бор.

**Тўртинчи гуруҳ — А Б (IV).** Эритроцитларда иккала агглютиноген (А ва Б) бор, бироқ зардобда агглютининлар бўлмайди.

Агглютиноген А агглютинин альфа билан ва агглютиноген В агглютинин бета билан дуч келганда агглютинация (ёпинши) реакцияси пайдо бўлади, тирик организмда эса қуйиладиган қон (донор қони) эритроцитларининг гемолизи юз беради.

Қон қуйилганда донор эритроцитлари реципиент зардоби билангина гемолизга учрайди, лекин бунинг аксича бўлмайди. Оттенберг қоидасига кўра, донор плазмасидаги агглютининлар реципиент қонида жуда кам суюлади; шу сабабли организмда уларнинг титри жуда кичик бўлади ва реципиент эритроцитлари гемолизини юзага келтира олмайди. Кўп қон қуйилган тақдирдагина реципиент эритроцитларининг гемолизи юз бериши мумкин. Шунга кўра қон қуйилганда донор қони агглютиногенлари ва реципиент агглютининларинигина эмас, балки қуйиладиган қон агглютиногенлари ва агглютининларини ҳам назарда тутиш керак.

Биринчи гуруҳ — О (I) гуруҳ қонини ноиложликдан ҳар қандай кишига қуиши мумкин (универсал донор). Аммо қон шу гуруҳдаги кишига биринчи гуруҳ қонинигина қуиши мумкин. Фақат бир гуруҳдаги қонни қуишига ҳаракат қилиш зарур.

**Иккинчи гуруҳ — А (II)** қонини иккинчи гуруҳдаги беморга ва ноиложликдан тўртинчи гуруҳдаги реципиентга қуиши мумкин.

**Учинчи гуруҳ — В (III)** қонини учинчи гуруҳдаги беморларга ва камдан-кам ҳолларда қони тўртинчи гуруҳдаги реципиентларга қуиляди.

**Түртінчі гурұх — AB (IV) қонини фақат шу гурұхға мансуб беморға қыйиш мүмкін. Камдан-кам ҳолларда қони шу гурұждаги беморға ҳамма гурұждаги қонни қыйиш мүмкін (универсал реципиент).**

**Қон гурұхларини аниқлаш.** Буни аниқлашнинг иккита усули бор: стандарт зардобралар бүйіча (тұғри реакция) ва стандарт эритроцитлар бүйіча (тескари реакция).

*Қон гурұхини стандарт зардобралар бүйіча аниқлаш.* Бу усул бүйіча қон гурұхини аниқлаш учун аниқланадиган қон гурұхлари аввалдан маълум зардоб билан аралаштирилади ва агглютинация бор-йүқлигига қараб қон гурұхи тұғрисида холоса чиқарилади. Аниқлаш учун шу гурұждаги олдиндан тайёрланған қон O (I), A (II), B (III) (стандарт зардоб)нинг ұар бир гурұх учун иккита ұар хил сериялари құлланылади. Буюм ойнаси ёки чинни тарелкага ұар бир сериядан бир жуфтдан — икки томчидан стандарт зардоб қүшилади. Зардобралар, албатта, алоҳида томизғич орқали олинади.

Текширилдиган беморнинг бармоги спирт билан артилиб, унга максус скарификатор игна санчилади ва б томчидан қон олиниб, стандарт зардобралар билан алоҳида шиша тәекчалар ёрдамида аралаштирилади. 5 дақиқадан сүнг сохта агглютинация реакциясини аниқлаш учун зардобға 1 томчидан физиологик эритма қүшилади. Агар натижада:

- учала аралаштирилған томчидан агглютинация рүй бермаса, бу текширилаётган қон O (I);
- O (I) ва B (III) зардобралар билан агглютинация рүй берса, қон гурұхи A (II) бўлади;
- O (I) ҳамда A (II) зардоби билан агглютинация рүй берса, B (III) қон гурұхи бўлади;
- учала аралаштирилған зардобра агглютинация реакцияси бўлса, AB (IV) гурұх бўлади.

Хато құлмаслик учун қон гурұхи икки сериядаги стандарт зардоб билан аниқланади. Агар учала зардоб билан агглютинация рүй берса, AB (IV) қон гурұхини AB (IV) қон гурұхи зардоби билан қўшимча аниқлаш ўтказиш зарур бўлади. Шубҳали ҳолларда эса текширув бошқа сериядаги зардобралар билан тақрорланади ёки стандарт эритроцитлар ёрдамида яна текширув ўтказилади.

*Қон гурұхини стандарт эритроцитлар бүйіча аниқлаш.* Чинни тарелкага реципиент қонидан тайёрланған 3 томчи зардоб туширилади. Зардобрарга O (I), A (II) ва B (III) стандарт эритроцитларнинг тұғнағич бошчасидек келадиган томчилари қўшилади. 5 дақиқадан кейин бир томчидан физиологик эритма қўшилади.

Текшириш натижалари: а) O (I) стандарт эритроцитлар ман-фий реакция ва A (II) ҳамда B (III) стандарт эритроцитлар билан мусбат реакция рүй бергандан — биринчи қон гурұхи; б) O (I) ва A (II) стандарт эритроцитлар билан агглютинация реакцияси рүй бермаса ва B (III) стандарт эритроцитлар билан мусбат реакция рүй берса — иккінчи қон гурұхи; в) O (I) ва B (III) стандарт эритроцитлар билан агглютинация реакцияси рүй бермаса ва A (II) эрит-

роцитлар билан мусбат реакция рўй берса — учинчи қон гуруҳи; г) ҳамма стандарт эритроцитлар билан агглютинация реакцияси рўй бермаганда — қон гуруҳи тўртинчи бўлади.

**Резус-омилни аниқлаш.** Биринчи марта Macacus rhesus маймуналарида аниқланган. Бу омил кўпчиллик кишилар (85%) қонида бўлади, бу гуруҳдаги кишиларни резус-мусбат кишилар ( $Rh^+$ ) дейилади. Қолган кишиларда (15%) бу омил бўлмайди ва улар резус-манфий кишилар ( $Rh^-$ ) дейилади. Резус-мусбат қонни резус-манфий одамга қуйилганда сенсибилизация рўй беради, яъни антителолар ишланади (антирезус-агглютинилар). Бундай сенсибилизация: 1) резус-манфий реципиентга резус-мусбат қонни қўйиш натижасида; 2) қони резус-манфий ҳомиладорларда ва ҳомиланинг қони резус-мусбат ҳомиладорликда содир бўлиши мумкин.

Бундай кишиларда антирезус-агглютинилар ишлангандан кейин резус-мусбат қонни қўйиш натижасида анафилактик шок рўй бериб, бу жуда оғир оқибатларга, ҳатто ўлимга сабаб бўлиши мумкин. Шунга кўра, қон қўйинида резус-мусбатликни албатта ҳисобга олиш зарур. Ҳар гал қон қўйишдан олдин қон гуруҳини аниқлаш билан бирга, қоннинг резус-омилини текшириш зарур.

Резус-манфий қон қони резус-мусбат беморларга ҳам (резус-манфий қон бўлмаганда), резус-манфий беморларга ҳам қўйилади, резус-мусбат қон фақат қони резус-мусбат кишиларга қўйилиши мумкин. Ҳозирги вақтда шунга ўхшаш, бироқ хоссалари камроқ юзага чиқсан яна 5 та омил аниқланган. Амалий хирургияда улар одатда аниқланмайди.

### **Резус-омилни туз ва зардоб ёрдамида аниқлаш**

**Туз билан аниқлаш усули.** Ҳомиладорлик даврида резус-мусбат омил билан иммунланган аёллар қонидан тайёрланган резус-манфий зардоб ёрдамида аниқлаш усули ўtkазилади.

Текширилаётган киши қони 4:1 нисбатда 4% ли натрий нитрат эритмаси қўйилган пробиркада аралаштирилди ва 3—5 дақиқа мобайнода центрифугаланади. Плазма тўкиб ташлангач, қолган эритроцитлар физиологик эритма билан 2 марта ювилади ва 2% ли аралашма ҳосил қилиш учун изотоник эритма билан аралаштирилади.

Кичкина пробиркага 2 томчидан антирезус зардобдан ва 2% ли текширилаётган эритроцитлар суспензиясидан бир томчидан солинади. Пробиркалар силкитилади ва I соатга 36—37°C даги термостатта қўйилади. Агглютинация реакцияси мусбат бўлганда пробирка тубига чўқма чўқади, манфий бўлганда реакция четлари текис юмалоқдоира шаклида кўринади.

### **Желатина билан аниқлаш усули**

1. Штативга 6 та пробирка қўйилади ва уларни қўйидагича: иккитаси „манфий“, иккитаси „мусбат“ ва иккитаси „бемор“ деб белгиланиб, унинг фамилияси, исми ва шарифи ёзилади.

2. 2 та контроль пробиркага бир томчи стандарт Rh манфий, иккита бошқа контроль пробиркаларга Rh мусбат ва пробиркаларнинг учинчи контроль жуфтига I томчидан текшириладиган эритроцитлардан солинади.

3. Ҳамма пробиркага  $+46 - 48^{\circ}\text{C}$  даги 10 % ли желатинадан I томчидан солинади.

4. 1- қатордаги ҳамма пробиркаларга бир сериядаги антирезус зардобидан бир томчидан, 2- қатордагиларга бошқа сериядаги антирезус зардобидан бир томчидан қўшилади.

5. Пробиркалар эҳтиётлик билан силкитилади ва  $46 - 48^{\circ}\text{C}$  ли сув ҳаммомига қўйилади ва 5 дақиқа ўтгач, штатив чиқариб олиниади. Пробиркаларга  $46 - 48^{\circ}\text{C}$  гача илитилган изотоник эритмадан 5 — 10 мл дан қўшилади ва натижаси аниқланади: агглютинациянинг майда парчалари борлиги „резус-мусбат“ қондан, агглютинация йўқлиги „резус-манфий“ қондан далолат беради.

**Қоннинг резус мослигини аниқлаш.** Ҳар гал қон қўйишдан олдин албатта шу синама ўтказилади. Петри косачасига 2 томчи реципиент қони солиниб, зардобга донор қоннинг кичкина томчиси қўшилалди ва обдан аралаштирилади. Петри косачасига қопқоқ ёпиб (қуриб қолишдан сақлаш учун),  $42 - 45^{\circ}\text{C}$  ҳароратдаги сув ҳаммомига 10 дақиқага қўйилади. Текшириш натижасига қараб қўйидагича баҳо берилади: агглютинация рўй берса, қон мос келмайди ва қон қўйиш мумкин эмас, агар агглютинация рўй бермаса, донор билан реципиент қони мос келади ва қон қўйса бўлади.

**Қоннинг гуруҳи мослигини синаш.** Мос келмаган қон қўйилганда юз берадиган оқибатларнинг оғирлигини ҳисобга олиб, ҳар гал қон қўйишда қоннинг гуруҳи мос келишига синамалар ўтказилиши лозим.

**Ўзаро (индивидуал) мослигини синаш.** Қўйиладиган (донор қони) қоннинг реципиент қони билан индивидуал мос келиш-келмаслиги қўйидагича синаб кўрилади. Бемор венасидан олинган қон (5 мл) натрий цитрат билан центрифугаланади ёки тиндириб қўйилади. 1 — 2 томчи bemor қони плазмаси бир томчи донор қони билан аралаштирилади. Агглютинация реакцияси рўй берса, донор қони bemor қони билан мос келмайди, аксинча, агглютинация рўй бермаса, мос келади.

**Биологик мослигини синаш.** Биологик мосликка синаш — донор қонини реципиентга қўйишнинг бошидан уни бўлиб-бўлиб юборишдан иборат (қон 25 мл дан 3 дақиқалик танаффус билан 3 марта юборилади). Реципиентда гемодинамика бузилишлари қайд қилинмаса ва шикоятлар бўлмаса, синама манфий саналади, қон қўйиш мумкин бўлади. Бемор безохватанса, бели оғриса, эти увишса ва шу каби ҳодисалар рўй берса, синамага мусбат баҳо берилади, қон қўйиш зудлик билан тўхтатилади, bemor эса маҳсус кузатиб турилади.

## Қонни консервациялаш (консервлаш) ва сақлаш

Қон олиш ва уни сақлашда ишлатиладиган идиш ҳамда системалар олдиндан обдан тозаланғандан сүнг стерилланади. Консервлаш учун қон маҳсус операция хонасида стерилизация қоидаларга қатый риоя қилингандың үшін олинади. Бунда ходимлар операцияға кийингандаги каби кийинадилар, құлларини ҳам үшандай ювадилар ва операция майдони тозаланади, стерил материалдар ишлатилади ва ҳоказо.

Қон вене пункция йўли билан тирсак венасидан стабилизация қиладиган эритма билан тұлдирілген маҳсус банкаларға, ампулаларға ёки полиэтилен халталарға олинади. Қонни ивишдан сақлағанда туралған эритмалар — стабилизаторлар дейилади. Стабилизация қилинадиган эритмалар:

а) натрий цитрат эритмаси (0,5 г натрий цитрат, 0,85 г натрий хлорид, 100 мл дистилланған сув); 100 мл қонға шунча миқдорда эритма құшилади; бундай қонни сақлаш мүддати 12 сутка;

б) 5 — 6% ли натрий цитрат эритмаси; 100 мл қонға 10 мл эритма олинади, сақлаш мүддати 15 сутка;

в) глюкоза-цитрат эритмаси (5 г натрий цитрат, 25 г глюкоза, 100 мл дистилланған сув); 100 мл қонға 10 мл цитрат эритмаси ва 1 мг глюкоза олинади; сақлаш мүддати 25 суткагача.

Консервлашнинг ҳамма ҳолларыда консервант сифатыда қонға бирорта антибиотик ёки қонни парчалайдын антисептик құшилади.

Стабилизация қиладиган ва консервлайдын башқа эритмалар ҳам құлланилади. Стабилизация қилиш учун қонни баъзан ионитли тузлардан үтказилади, булар қондан кальций ионларини тортиб олиб, ивиш хоссасидан маҳрум қиласы.

Қон олиб бўлингандан сүнг идиш герметик бекитилади ва унга қон гуруҳи, олинган вақт, консервлашнинг хусусияти ва донорнинг фамилияси ёзилган ёрлиқ ёпиширилади. Қон резус-манфий бўлганда ёрлиққа бу ҳақда ёзиб қўйилади, резус-мусбат қонға эса бунинг ҳожати йўқ. Қон музлаткичда 4 — 6°C ҳароратда сақланади.

## Қон қуиши усуллари

**Тўғридан-тўғри қон қуиши.** Қон донор венасидан реципиент венасига бевосита қўйилади. Бемор оғир ҳолда бўлганда бу жуда таъсирчан усул ҳисобланади (тўсатдан кўп миқдорда қон йўқотини, сепсис, гемофилия).

**Билвосита қон қуиши.** Донор қони аввалига маҳсус идишларга йиғилади, стабилизация қилинади, консервланади ва кейинчалик зарур бўлганда қўйилади.

Қон қуишининг қўйидаги усуллари мавжуд:

— венага қон қуиши, кўп қон йўқотилганда қон оқим қилиб ёки bemornining ҳолатига қараб кўп миқдорда (1—1,5 л) қон қуиши талаб этилганда томчилаб (дақиқасига 20—30 томчидан) қўйилади;

- артерияга қон қуиши, клиник ўлим ҳолатидаги ёки шунга яқын ҳолатдаги беморларга қон босим остида қуилади;
- сүяк ичига қон қуиши, қон сүякнинг ғовак моддасига (тўш сяги, товон сяги, ёнбош сүяк қаноти ва бошқаларга) қуилади. Венага қон қуиши техникавий жиҳатдан қийин бўлганда, масалан, болаларда қўлланилади;
- алмаштириб қон қуиши, қон олиб ўрнига донор қонини қуиши — гемолитик заҳарланганда, овқатдан ва дорилардан заҳарла-нишларда қўлланилади;
- қайта қон қуиши (реинфузия, аутотрансфузия) —беморнинг сероз бўшлиққа оқиб тушган ўз қонини, масалан, талоқ, ичактутқич йиртилганда, найчадаги ҳомиладорлик бузилганда қуиши (оқиб тушган қон йифилади, натрий цитрат шимдирилган 4 қават докадан фильтрлаб ўтказилади);
- мурда қонини қуиши (ноинфекцион касалликлар — мияга қон қуилиши, оғир шикаст сабабли миокард-инфарктидан ўлган киши-ларнинг жасадидан олинади). Мурда қони ивимайди; шунинг учун у стабилизаторсиз (фибриноген йўқлиги сабабли) кўп миқдорда тайёрланади.

### **Қоннинг яроқлилигини аниқлаш**

Қон қуишида олдин унга инфекция тушган-тушмаганлигини, лахталар ва гемолиз бор-йўқлигини текшириш зарур. Қуиши учун яроқли қонда лахталар бўлмайди. Чўккан эритроцитлар устидаги плазма тиниқ ва сомондек сариқ рангда бўлади. Гемолизда плазма пушти рангга киради („локсимон“ қон). Қуиладиган консерваланган қонда паспорт — ёрлиқ бўлиши керак.

### **Қон қуиши усули**

Қон қуиши қатъий тартиб билан амалга оширилади. Реципиент-нинг қон гуруҳи ва резус-мансублиги аниқланади. Донор қони тўғрисида ҳам ана шундай матъумотлар бўлиши керак. Қон қуишидан олдин бу кўрсаткичлар яна қайта аниқланади. Мос келиш-келмасликка, резус-мос келиш-келмасликка ва биологик синамага бевосита реакция ўтказилади. Қонни қуишидан олдин уй ҳароратигача иситилади.

**ЛИПК флаконидан қуиши.** Қон солинган флакон пробиркаси орқали олдиндан спирт билан артилган иккита маҳсус игна (узун ва калта) киритилади. Калта игнага қон қуиладиган системанинг бир учи уланиб, флакон пробиркаси пастга қилиб тўнкарилади, томиз-гичнинг бир қисмида ҳаво бўладиган, найчада эса ҳаво бўлмайдиган қилиб тўлдирилади; системанинг иккинчи учи эса бемор венасига киритилган игнага уланади. Қон қуиши учун маҳсус тайёрланган бир марта фойдаланиладиган система стерил ҳолатда маҳсус ўрамда сақланади ва қон қуишида ишлатилади.

**ЦИПК ампуласидан қўйиш.** Ампуланинг пастки учидан резина қалпоқча олинади. Унга қон қўйиш системасининг найчаси кийгизилади. Ампуланинг устки тубусидаги резина қалпоқча кесилади ва устига стерил дока салфетка ёпиб қўйилади.

Системани қонга тўлдириш ва ундан ҳавони чиқариш учун системанинг игна қўйиладиган охири қон солингган ампула сатҳидан юқорига кўтарилади. Кейин системадан қисқич олинади ва томизгич ярмигача қонга тўлдирилиб, найчадан ҳаво чиқиб, қонга тўлиши учун (найча учидан қон оқими пайдо бўлгунча) найча-томизгич астасекин пастга туширилади.

**Полиэтилен халтачадан қон қўйиш.** Қон қўйиш учун томизгичи бўлган системанинг иккала томонида иғналари бўлади. Қон солинадиган халтача битта игна билан маҳсус найча орқали тешилади. Иккинчи найча орқали халтача тубига 1 — 2 см етмайдиган узун игна киритилади. Система флакондан қўйиш қоидаси бўйича тўлдирилади. Системанинг иккинчи иғнаси бемор венасига киритилади.

**Иккита флакон (халтача)дан қон қўйиш.** Бу усул кўп миқдордаги қонни тез қўйиш ёки кўп миқдордаги қонни узоқ муддат қўйиш зарур бўлганда қўлланилади. Шу мақсадда томизгич билан иккала флакон ўртасига шиша тройник ўрнатилади. Юқорида айтиб ўтилган усул бўйича аввал системанинг биринчи қисми томизгичгача бир флакондан, кейин иккинчи флакондан тўлдирилади. Системанинг иккинчи қисми одатдаги усулга биноан тўлдирилади. Иккита флакондан қўйишда улардан бирида қон ўрнини босадиган эритма бўлиши шарт.

Айтиб ўтилган усулларнинг ҳаммасида система қонга тўлдирилгандан сўнг пастки учига қисқич кийгизилади, қон қўйиш учун идишлар маҳсус тиргакка ўрнатилади, венага иғна киритилади, системадан қисқич олинади, озроқ миқдорда қон чиқарилади (ҳаво ҳайдалиб) ва системага иғна уланади.

Артериал қон қўйишда узун иғна учига (флакон), устки тубусга (ампула) ёки қўшимча иғнага (халтача) баллон найчаси кийгизилади, баллондан қон қўйиш учун ишлатиладиган идишга ҳаво 160 — 180 мм симоб устунидаги босим остида ҳайдалади. Қон қўйиш 100 — 150 мл мин. тезлик билан ўтилгади.

**Қон қўйишга кўрсатмалар:**

- йўқотилган қон ўрнини босиш;
- организмни заҳардан тозалаш;
- травматик шокни даволаш ва олдини олиш;
- ҳаётий жараёнларни (гемопоэз, регенерация, организмнинг иммун-биологик ҳимоя кучларини ошириш) рағбатлантириш;
- терминал ҳолатларда тирилтириш;
- қон оқишини тўхтатиш учун.

**Қон қўйишга мутлақ монеликлар:**

- юрак-томирлар системаси декомпенсациясида;
- ўпканинг фаол инфильтратив турида;
- аллергик касалликлар (эшакем, Квинке шиши, экзема ва б.)да;

- тромбоз ва эмболияларда;
- жигар ва буйракнинг ўткир яллиганини касалликлари (гепатит, нефритлар)да.

### **Қон қўйишида рўй берадиган асоратлар ва уларнинг олдини олиш**

**1. Гемотрансфузион шок.** Бу мос келмайдиган қон қўйишдан кейин юз беради (қон гурухини аниқлашдаги хато). Симптомлари: беморда кўкс эзилиши, бош, қорин ва бел оғиши, пульс тезлашиши, артериал босимнинг тушиб кетиши, баъзан қўтарилиши, беихтиёр сийиш ёки ич кетиши ҳоллари кузатилади. Бундай ҳолларда қон қўйиш дарҳол тўхтатилади, плазма, шокка қарши эритмалар, 5% ли глюкоза эритмаси қўйилади. Мос келадиган бир хил гурухдаги қон алмаштириб қўйилади ва паранефрал блокада қилинади. Уремия пайдо бўлганда меъда ювилади, „сунъий буйрак“ аппарати ёрдамида гемодиализ қилинади.

**2. Резус-омили мос келмайдиган қонни қўйиши клиникаси.** Бунда қон гурух мос келмайдиган қон қўйишдаги каби касал ухлади. Баъзан реакция бирмунча кечикиб юз бериши мумкин. Альбуминурия ва гематурия пайдо бўлиши ташхисни исботлайди. Давоси мос келмайдиган қон қўйишдаги каби.

**3. Ифлосланган қонни қўйиши.** Клиник симптомлари қисқа муддатдан (бир неча соатда) кейин пайдо булади. Бемор қалт-қалт титраб, пульси сусаяди, тери ва шиллиқ пардалари кўкаради, артериал босими пасаяди. Давоси — мос келмайдиган қонни қўйишдаги каби, баъзан антибиотиклар ҳам қўлланилади.

**4. Анафилактик шок.** Турли хил оқсилларга сенсибилизацияланган организмда пайдо бўлади. Симптомлари: артериал босимнинг пасайиб кетиши, пульс тезлашиши, тери ва кўриниб турадиган шиллиқ пардаларнинг оқариши, нафаснинг юзаки бўлишидир. Даво — шокка қарши тадбирлар кўриш, антигистамин препаратлар қўллашдан иборат.

**5. Цитрат шоки.** Натрий цитрати кўп бўлган катта миқдордаги қон қўйилганда пайдо бўлади. Клиникаси: гемодинамик бузилишлар, талваса тутиши билан ифодаланади. Даволаш учун 10% ли кальций хлорид эритмаси венага юборилади.

**6. Пироген реакциялар фақат қон эмас, балки қон ўрнини босадиган суюқликлар қўйилганда ҳам пайдо бўлиши мумкин.** Бунга кўпинча турли хил бактерияларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотлари бўлган пироген моддаларнинг организмга тушиши сабаб бўлади. Симптомлари: эт увишиши, ҳарорат қўтарилиши, ҳолсизлик, нафас олишнинг бузилиши, терига тошмалар тошишидир.

Пироген реакцияларнинг олдини олиш учун қон қўйишида ишлатиладиган идиш ва системаларни тоза тутиш юзасидан кўрсатмаларни пухталик билан бажариш, қўлланиладиган препаратларнинг яроқлилик муддатига риоя қилиш керак бўлади.

**7. Юракнинг тўсатдан кенгайиши** ҳаддан ташқари тез қон қуйилганда юз беради. Симптомлари: бемор кўксидаги эзилиш ҳиссини сезади, нафас олиши қийинлашади, тери ва шиллиқ пардалар кўкаради.

**8. Ҳаво эмболияси** ҳаво системасидан қон билан бирга ўнг юракка ва ўпка томирларига ҳаво кирганда юз беради. Симптомлари: бемор кўксидаги оғриқ сезади, безовта бўлади, кўкаради, нафас олиши қийинлашади, юрак уришдан тўхтайди.

**9. Тромб эмболияси.** Системадан ва иғналардан қон ивандилари ўпка томирларига тушиши ва уларда инфаркт ҳосил қилиши мумкин. Симптомлари: кўкракда оғриқ, қон туфлаш, эзилиш, иситмалаш каби ҳолатлар рўй беради. Тромблар бош мия томирларига ҳам тушиши (артериовеноз коммуникацияларда) мумкин. Бунда: бемор ҳушини йўқотади, артериал ва веноз босим тушиб кетиб, юзаки нафас олиш пайдо бўлади.

Тромб тушган иғналарни система орқали „ювиш“ (тромбоэмболия хавфли бўлганлиги сабабли) мутлақо ман қилинади.

Флаконлардан қон қуйилгандан кейин асоратлар рўй беришини назарда тутиб, тагида озгина қон қолдирилади.

**10. Қон айланиши системасидаги оғирлик ва юрак-томир етишмовчилиги.** Юракнинг тез катталашиши ва унинг тўхташи бемор вена томирига кўп миқдорда қон юбориш натижасида ўнг юрак етишмовчилигига сабаб бўлади. Бу ҳол юрак хасталиги бўлган беморларда рўй беради ва унинг олдини олиш учун қонни томчилаб қуиши зарур.

Кўп қон қуйилганда уни  $37^{\circ}\text{C}$  гача илитиб қуиши юракнинг бирдан тўхтаб қолипши олдини олади.

**11. Калийдан заҳарланиши.** Узоқ сақланган қонда калий миқдори ошиб кетади ва бу юрак ишини сустлаштиради. Бу асоратнинг олдини олиш учун янги тайёрланган эритроцитар массса, 10%ли кальций хлорид эритмаси ишлатилади. Массив трансфузия деганда беморнинг қон томирига 24 соат ичидаги айланиб юрган қон ҳажмининг 40 – 50% и қуиши тушинилади. Б. В. Петровскийнинг фикрича, массив қон қуиши синдромига қуидагилар киради:

**12. Юрак-томир системаси асоратлари:**

— томир коллапси, асистолия, брадикардия, юрак тўхтаниши ва қоринчалар фибрилляцияси;

— қонда кальций миқдорининг камайиши, калийнинг кўпайиши;

— қоннинг ивиши ва ивишга қарши системанинг бузилиши;

— организм ҳимоя кучларининг камайиб кетиши ва ички аъзолар деворига майда қон қуиши.

Бу синдромнинг олдини олиш учун бемор ҳаёти хавф остида бўлмаган ҳолларда қонни кам миқдорда қуиши ва унинг тайёрланган вақти 3 суткадан ошмаган бўлиши керак.

**Қүйилган қон орқали юқумли касалликлар юқиши.** Юқумли касалликлар беморга консервалантан қон орқали ўтади ва оғир асоратларга сабаб бўлади. Одатда донорда касаллик инкубацион даврда бўлганда ёки уни текширишда диагностик хатоликларга йўл қўйилганда кузатилади. Баъзан касаллик донорда ноаниқ белгилар билан ўтиши мумкин (безгак, қизамиқ, тошмали ва қайталанувчи терлама, грипп, вирусли гепатит, СПИД ва б.) ва қон орқали реципиентда хасталикни келтириб чиқаради. Бундай асоратларнинг олдини олиш учун қон қўйиш муассасалари донорлар яшаб ва ишлаб турган туманлардаги санитария ва эпидемиологик шароитдан хабардор бўлишлари керак.

**Захмни юқтириш.** Бирламчи ва иккиламчи захм даврлари хавфли ҳисобланади. Бунда қон қўйилгач 15 кундан 150 кунгacha беморда захм касаллиги белгилари пайдо бўла бошлайди. Бу асоратни даволаш захм касаллигини даволаш усули каби бажарилади. Ҳозирги кунда NOUTC (СПИД) касаллигидан сақланиш асосий муаммо бўлиб қолди.

**Гепатит „В“ нинг юқиши.** Ҳозирги кунда гепатит „В“ нинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши тиббиёт учун маълум муаммоларни туддирмоқда. Бу асоратнинг келиб чиқишига вирус сабабчи эканлиги маълум бўлса-да, ҳанузгача у ажратиб олинмаган. Қон орқали, тўғрироғи унинг зардобидан ўтадиган хасталик гепатит „В“ дейилиб, тадқиқотчиларнинг фикрича, 5 — 13 дан 40 — 50% тacha учрайди. Тери ташқи қаватининг шикастланиши, шунингдек қон ва хирургик даво усуллари натижасида гепатит „В“ беморларга юқиб қолиши мумкин, бу сабаблар орасида қон қўйиш асосий роль ўйнайди. Бу асорат юз бермаслиги учун донорлар текширилиши зарур.

### **Гемотрансфузия асоратларини даволаш**

**Гемотрансфузион шокни даволаш.** Гемотрансфузион шок зудлик билан даволашни талаб қиласди ва ҳаётий аъзолар функцияси бузилмасдан бажарилиши лозим. Қуйидаги даволаш усуллари қўлланилади:

1. Юрак-томирларга спазмолитик ва антигистамин дори моддаларини қўллаш (2 мл кордиаминни 40% ли глюкоза эритмасида эритиб, 0,06 мг корглюкон ва 2,4% ли эуфиллин), вена ичига кортикостероидлар, лазикс, фуросемид препаратларини юбориш.

2. Реополиглюкин (400 — 800 мл), гемодез (400 мл), 10 — 12% (200 — 300 мл) лактасол.

3. 15% ли маннитол ёки сорбитол қўйиш (200 — 400 мл).

4. Кумбс реакциясига асосланган ҳолда янги тайёрланган қон (250—300 мл), тез музлатилган плазма қўиши.

Маннитолнинг гипертоник эритмаси буйрак фильтрациясини яхшилади ва тўқималардаги суюқликни умумий қон ўзанига ўтишига ёрдам беради. Реополиглюкин эса микроциркуляцияни яхшилаб, беморни қисқа вақт ичидан шоқдан чиқишига ёрдам беради.

## **Қон препаратлари**

Хозирги замон тиббиётіда қон компонентлари кенг тарқалған. Қатор қасалхоналарда соф қон ўрнига уларни құллаш бирмунча мақсадға мувофиқ ҳисобланади.

Қон компонентларининг турли хиллари мавжуд бўлиб, хирургия амалиётида кўп құлланилади.

**Плазма** олишда қонни 48 соат тиндириб қўйиб, кейин олинади.

**Зардоб** плазма яратилгандан сўнг олинади. Плазма ва зардоб суюқ (натив плазма ва зардоб) қуруқ ҳолда чиқарилади. Қуруқ плазма 5 йилгача сақданиши мумкин. Ишлатишдан олдин у стерил дистилланган сувда (ёрлиғида кўрсатилган нисбатда — 25 — 30%) суюлтирилади.

Плазма қўйиш турли сабаблар натижасида юз берган шокда, қон кетганда, гемостаз мақсадида, организм оқсил йўқотганда (гипопротеинемия) ва бошқа ҳолларда құлланилади.

**Эритроцитар масса** 80 — 90% эритроцит ва 20 — 10% плазмадан ташкил топган халтacha ёки флаконларда чиқарилади. Камқонлик, гипо- ва диспротеинемия, интоксикация ҳолларида құлланилади. Монелик қиласиган ҳоллар қон қўйишдаги кабидир.

**Лейкоцитар масса** таркибida кўп миқдорда лейкоцит бўлган препарат. У қон пайдо бўлишининг гипопластик ва апластик ҳолатида, дорилар агранулоцитози ва сепсисда құлланилади. Монелик қиласиган ҳолларга: беморлардаги антилейкоцитар антителолар борлиги мисол бўлади.

**Тромбоцитар масса** суюқ ва қуруқ ҳолда чиқарилади. У қоннинг ивиш хусусияти бузилганда (Верльгоф қасаллиги, апластик анемия ва бошқаларда) гемостатик восита сифатида венага қўйиш учун құлланилади.

*Монелик қиласиган ҳоллар.*

Тромб ҳосил бўлишига мойиллик.

Қон оқишини, айниқса, паренхиматоз қон оқишини маҳаллий тўхтатиш учун қўйидаги препаратлар бирмунча кенг құлланилади. Бунга қуруқ тромбин, гемостатик булут, биологик антисептик тампон ва фибрин пардаси киради. Қон ивишига қарши препаратлар жумласига фибринолизин ва тромболитин киради.

## **Қон ўринини босувчи суюқликлар**

Қон ўринини босадиган суюқликлар ўзининг мақсадға йўналған таъсири, яъни артериал босимни ошириши, дезинтоксикация, плазма оқсиллари синтезини тиклаши туфайли кенг құлланилади. Уларнинг баъзилари комплекс таъсир кўрсатади. Масалан, полиглюкин қон босимини оширади ва организмнинг заҳарланишини камайтиради. Қон ўринини босадиган эритмалар одатда венага томчилаб, кўпинча қон ёки унинг препаратлари билан бирга юборилади.

**I. Шокка қарши таъсир қиласынан қон ўрнини босувчи суюқларлар:** полиглюкин, реополиглюкин; гемовинил; ўргача молекулали поливинил.

**II. Дезинтоксикация қиласынан қон ўрнини босувчи суюқларлар:** гемодез; полидез, гемосорб.

**III. Парентал овқатлантириш учун препаратлар:** гидролизин; казеин гидролизати; аминопептид; аминокровин; липофундин, нефрамин, вамин, инфезол.

Юқорида айтиб ўтилган ўта таъсирчан препаратлар билан бирга, тузли кристаллсімөн эритмалар: 0,85% ли натрий хлорид эритмаси — физиологик эритма, Рингер—Локк эритмаси (9 г натрий хлорид, 0,25 г калий хлорид, 0,23 г калций хлорид, 0,2 г сода, 1 г глюкоза, 1000 мл сув), Рингер—Локк эритмаси (8 г натрий хлорид, 0,1 г кальций хлорид, 0,075 г калий хлорид, 0,1 г сода, 1000 мл сув), ЦОЛИПК нинг тузли инфулизин (8 г натрий хлорид, 0,2 г калий хлорид, 0,3 г натрий фосфат, 100 мл сув) ва стандарт тузли эритмалар: дисол, трисол, ацесол. Тузли эритмалари асосан организм сүксизланғанда, интоксикацияда, күп қон йүқтөнділгандай құлланилади. Тузли инфузин айниңса самарали. Тез тайёрланиши тузли эритмаларнинг афзаллығы ҳисобланади.

### **Муолажа ҳамширасынинг иш ҳусусиятлари**

Йирик хирургик стационарларда турли хил дори моддаларини парентерал юбориш билан боғлиқ бўлган муолажаларни бажариш учун маҳсус хона ажратиласди.

Операция блокида аспелтика қоидаларига нечоғли қаттиқ амал қилинса, муолажа ҳамшираси ўз ишида бу қоидаларга ҳудди шундай амал қилиши керак. Дори моддаларни парентерал юбориш (тери остига, мушак орасига, венага) игналари яхши ўрнатилган ҳар хил типдаги шприцлар ёрдамида бажариласди. Беморнинг инъекция қилинадиган соҳасидаги териси спирт билан яхшилаб артиласди.

Инъекция қилишдан олдин ҳамшира қўлини албатта оқиб турган сув тагида совунлаб ювади. Дори моддасини юборишдан олдин хатога йўл кўймаслик учун дори моддаси солинган ампуладаги ёзувни текшириб кўриш керак. Ампула бошчаси кескинча арраланиб, шу жойи спиртга ҳўлланган пахта билан артиласди ва синдириласди. Ампула ичига игна киритиласди ва ампулани пастга қийшайтириб, ундан эритма тортиб олинади. Шприц иғнаси юқорига қилиб кўтариласди ва шприцдаги ҳаво чиқариласди.

Инъекцияларнинг ҳар хил турларини (тери ичига, тери остига ва вена ичига) бажариш усуслари bemорларни парвариш қилишга доир тегишли қўлланмаларда тасвирланган. Микрокатетер ёрдамида вена ва артерия пункцияси ёки венага стелет қўйиш, суяқ ичига дори юбориш каби шифокор бажарадиган муолажалар ҳам бўлиб, у маҳсус қўлланмаларда ёритиласди.



## Талабаларнинг мавзуга доир билим даражасини аниқлаш учун тестлар

1. Қайси қон гуруҳидаги донор „универсал донор“ ҳисобланади?

- а) 0 (I);
- б) А (II);
- в) В (III);
- г) АВ (IV);
- д) юқоридагиларнинг бирортаси ҳам эмас.

2. Қоннинг қайси элементида агглютиногенлар бўлади?

- а) плазмада;
- б) зардобда;
- в) лейкоцитда;
- г) тромбоцитда;
- д) эритроцитда.

3. Қоннинг қайси элементида агглютининлар бўлади?

- а) плазмада;
- б) зардобда;
- в) лейкоцитда;
- г) тромбоцитда;
- д) эритроцитда.

4. Консерваланган қонни қандай ҳароратда сақлаш керак?

- а)  $-2^{\circ}\text{C}$ ;
- б)  $-1^{\circ}\text{C}$ ;
- в)  $0^{\circ}\text{C}$ ;
- г)  $4^{\circ}\text{C} - 6^{\circ}\text{C}$ ;
- д)  $8^{\circ}\text{C} - 12^{\circ}\text{ C}$ .

5. Қон қўйишда кузатиладиган асоратларнинг олдини олиш учун нималар қилиш керак?

- а) қоннинг яроқлилигини текшириш;
- б) қон гуруҳи мослигини текшириш;
- в) биологик мосликни текшириш;
- г) асептика қоидаларига риоя қилиш;
- д) ҳаммаси тўғри.



*Эслатма: тўғри жавоблар тағигига чизилган.*

## *Мавзуга оид муаммоли масалалардан намуналар*

1. Қорин бўшлиғидаги оғир операциядан сўнг беморга хирург томонидан қон қўйиш тавсия қилинди. Шифокор назорати остида ҳамшира беморга қон қуя бошлаб, бемор ҳолатини назорат қилди. 30 дақиқадан сўнг беморнинг аҳволи бирдан оғирлашиб, лаблари кўкариб, ранги докасимон оқарди ва қалтирай бошлади. Қон босими кескин пасайиб, пульси ипсимон бўлиб қолди.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз? 2. Шошилинч ёрдам кўрсатинг.

2. Операциядан кейин беморга 200,0 мл гемодез вена ичига томчилаб юборила бошланди. 30 дақиқа ўтгач беморнинг нафас олиши қийинлашиб, қалтирай бошлади. Тана ҳарорати кўтарилди, ҳолсизланиб, терисига тошмалар тоша бошлади.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз? 2. Шопшилинч ёрдам кўрсатинг.



## **VI. ОФРИҚСИЗЛАНТИРИШ**

### **Оғриқ**

Оғриқ сезгиси таҳдид колаётган хавф тўғрисидаги даракчи сифатида эволюция жараёнида юзага келган. Бу жиҳатдан оғриқ ижобий ўрин тутади. Оғриқ сезгиси организмнинг оғриқ сабабчисини йўқотиш учун ўз кучларини сафарбар этишга мажбур қиласи.

Оғриқни ҳис қилиш организмнинг турли хил морфологик структураларида нерв оҳирлари борлигига боғлик. Эктодермал тўқималар (тери, мугуз парда, тишлар), шиллиқ пардалар, париетал қорин пардаси, қон томирлар девори шундай нерв оҳирларига айниқса бой. Ҳар қандай кучли таъсирот цитоплазма денатурациясига олиб келади, бунда хужайралarda Н-моддалар (гистамин, ацетилхолин, гистамин-симон моддалар ва ксантиннинг айрим унумлари) озод бўлиб, оғриқ рецепторларнинг бевосита ёки билвосита кўзғалишига сабаб бўлади.

Оғриқ нерв оҳирларидан нерв толалари бўйлаб ўтказилиб, орқа мияга боради. Оғриқ импульслари орқа мия бўйича юқорига кўтарилиб, бош мия пўстлогига ўтади.

Оғриқ, одатда, бошқа сезгилар билан бирга пайдо бўлади. Сезгилар ўзаро бир-бирига таъсир қилиб, самарани кучайтириши ёки пасайтириши мумкин. Оғриқ бўлади, деб куттилганида у яққолроқ юзага чиқади. Бош мия пўстлоги фаолияти пасайтирилганда оғриқ кам сезилади, баъзан эса бўлмаслиги мумкин.

Организм оғриқ сезгисига бефарқ қола олмайди. Рӯҳий сфера ва асаб системаси томонидан скелет мушакларининг тортилиши ва таранглениши, товуш жавоб реакцияси кузатилади, томирлар тонуси ва юрак иши ўзгаради. Бу ўзгаришлар чукурлашиб, оғриқ шоки пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

## **Оғриқсизлантириш ҳақида түшүнчә**

Хозирги вақтда ҳам бемордаги оғриқни йүқтотмасдан туриб операция қилинмайды. Шу мақсадда оғриқсизлантириш усули құлланилады. *Оғриқсизлантириши* деганда оғриқ сезгисини қолдириш мақсадыда құлланиладиган тадбирлар йиғиндиси тушунилади. Оғриқсизлантиришнинг қыйидаги турларидан фойдаланилады:

1) махсус наркотик моддалар (эфир, азот (I)- оксида ва бошқалар) ҳидлатиб, венага ёки тұғри ичак орқали махсус препаратлар (тиопентал-натрий, гексенал, нарколан ва ҳ.к.) юбориб юзага келтириладиган умумий оғриқсизлантириш;

2) оғриқ сезгилари операция соңасыда йүқтотиладиган ва махсус моддалар (новокайн, совкаин, тримекайн ва бошқалар) юбориши йўли билан юзага келтириладиган маҳаллий анестезия;

3) оғриқсизлантиришнинг аралаш ва комбинация қилинган турлари (турли хил наркотик моддаларни ингаляция қилиб умумий оғриқсизлантириш, препаратларни ингаляция қилиш ва венага юбориш, умумий оғриқсизлантириш, маҳаллий анестезия ва ҳ.к.).

Оғриққа ва унинг оқибатларига қарши кураш билан анестезиология шуғулланади. Анестезиология оғриқсизлантириш билан-гина шуғулланиб қолмай, балки операция вақтіда ва операциядан кейинги даврнинг дастлабки муддатларда организмнинг баъзи бир функцияларини ҳам бошқарып туради.

Тиббиёт фанининг бу соҳаси билан шуғулланувчи шифокорлар *анестезиологлар*, ўрта тиббиёт ходимлари эса *анестезистлар* дейилади.

Маҳаллий анестезияни операция қиладиган хирург бажаради. Анестезиолог бунда беморнинг умумий ҳолатини кузатиб туради.

Операциядан кейинги даврда ёки бемор шикастланғанда, за-харланғанда уни танглик ҳолатидан ва клиник ўлимдан қутқариш учун махсус тадбирлар күриш зарурияты вужудға келади. Бу масалаларни ўрганадиган фан *реаниматология*, шифокор эса *реаниматолог* деб аталади. Амалиётда анестезиология ва реаниматология билан битта шифокор — анестезиолог-реаниматолог шуғулланади.

Йирик даволаш муассасаларыда бу мақсад учун махсус хизмат күрсатыш бўлими, яъни реанимация бўлими ажратилади. Бўлимда анестезиолог-реаниматологлар, анестезист ҳамширалар, кичик тиббий ходимлар ишлайди. Бўлим махсус замонавий асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминланган бўлади.

## **Умумий оғриқсизлантириш**

Умумий оғриқсизлантириш деганда сунъий воситаларни құл-ланиш йўли билан марказий нерв системасини чуқур тормозлантириш тушунилади. Бунда эс-хуш, сезувчанликнинг ҳамма турлари бирин-кетин йўқолади, скелет мускуллари бўшашади ва рефлекслар сўнади.

Наркоз вақтіда узунчоқ миядаги нафас ва томирларни

ҳаракатлантирувчи марказлари сақланиб қолади. Наркотик моддалар дозаси кучайтирилганда бу марказлар фаолияти түхтаб қолиб, беморнинг ўлимига сабаб бўлади.

**Наркоз турлари.** Наркотик моддани киритиш йўлларига кўра ингаляцияли ва ингаляциясиз умумий оғриқсизлантириш турлари фарқ қиласди.

Ингаляцион наркоз деб наркотик модда нафас йўллари орқали юбориладиган умумий оғриқсизлантириш турига айтилади. Ингаляциясиз наркозларга вена ичи, тўғри ичак, тери ости турлари киради.

Наркотик уйқунинг чуқурлигига кўра: наркоз юзаки ва чуқур бўлиши мумкин.

Битта наркотик модда бериладиган наркоз соғ наркоз (азот (I)-оксид, эфир, фторотан ва б.) дейилади. Наркотик моддаларнинг аралашмаси қўлланадиган наркоз аралаш наркоз дейилади. Агар биргина наркотик моддаларгина эмас, балки уларни юбориш турли хил йўллари бир вақтда ишлатилса, комбинацияли наркоз деб аталади.

### Ингаляцияли наркоз

Наркознинг бу турига турли хил наркотик моддалар (эфир, фторотан, хлорэтил ва б.), газлар (азот (I)- оксид, циклопропан ва б.)ни нафас олиш (ингаляция) йўли билан синдиришга эришилади. Ингаляция учун амалиётда қуйидаги наркотик моддалар кенг қўлланилади.

#### A. Суюқ наркотик моддалар.

**Эфир** (aether pgo narcosi) — ўзига хос ҳиди ва ачиштирувчи таъми бўлган рангсиз, тиниқ суюқлик. Осон аланталанади. Эфирнинг ҳаво билан аралашган буғлари портлаш хусусиятига эга. Эфирнинг сифати қуйидаги усууллар орқали синааб кўрилади: 1) фильтр қофоздан буғлангандан сўнг ҳиди қолмаслиги керак; 2) ойнадан буғлатилгандан сўнг нордон реакция берадиган чўкма қолмаслиги керак; 3) эритилгандан кўк лакмус қофозни қизартиради. Заргалдоқ рангли шиша флаконларда 100 мл ҳажмда чиқарилади. Ўтдан узоқда, ёруғлик тушмайдиган жойда сақланади.

**Хлороформ** (Chloroformium) — тиниқ, рангсиз суюқлик. Ёруғликда парчаланади. Организмдан, асосан, сийдик билан чиқарилади. Софлигини синаш: 1) фильтр қофозидан буғлангандан ҳиди қолмаслиги; 2) кўк лакмус ботирилгандан қизартирмаслиги керак. Заргалдоқ рангли шиша флаконларда 50 мл ҳажмда чиқарилади. Салқин жойда сақланади.

**Хлорэтил** (Aethylicum chloratum) — ўзига хос ҳидли, жуда учувчан, рангсиз суюқлик. Осон аланталанади. Шиша ампулаларда 20 мл дан чиқарилади. Ёруғлик тушмайдиган салқин жойда сақланади.

**Фторотан** (флюетин наркотан) (Phtorotanum) — ёқимли ҳидга эга бўлган рангсиз суюқлик. Аланталанмайди ва портламайди. Эфирдан

бирмунча кучли заҳарли модда. Бемор 1 — 2 дақиқа ўтгач хушидан кетади, наркоз тезда юз беради. Кўпинча азот (I)- оксид билан бирга қўлланилади. Зарғалдоқ рангли флаконларда чиқарилади.

**Пентран** (Pentran) метоксифлуран, ингалан — ўзига хос мева ҳиди келадиган тиниқ суюқлик, алантланмайди ва портламайди. Наркотик фаоллиги жиҳатидан эфир ва хлороформдан юқори туради. Озгина миқдори билан нафас олиш анальгезияни келтириб чиқаради. Наркоз аппаратларининг резина деталларига шимилиб қолиш ва кейин қайта диффузияланиш хоссасига эга, шунинг учун операция тугашидан 10 — 20 дақиқа олдин анестетик узиб қўйилади. Тўқ қора рангли зич бекитиладиган идишда сақланади.

**Трихлорэтилен** (Trichlorethylene) — трилен, наркоген, рангиз, ўзига хос ҳидли, тиниқ учувчан суюқлик. Кучли наркотик таъсирга эга, 0,4 — 0,7 ҳажм % концентрацияда анальгезия ҳосил қиласи, 2 — 3 ҳажм % да наркотик таъсири беради. Қисқа муддатли операцияларда анальгезия учун қўлланилади. Зиқ бекитилган идишда, ёргулар тушмайдиган салқин жойда сақланади.

**Винетен** (Wineten) — тиниқ, бензин ҳидини эслатадиган учувчан суюқлик. Кучли анестетик. Нафас олинадиган аралашмада 0,2 ҳажм % концентрацияда анальгезияни келтириб чиқаради. 2—3 ҳажм % да эса йўқотади, 4 ҳажм % да наркознинг хирургик босқичини ҳосил қиласи. Тўқ рангли идишда паст ҳароратда сақланади.

**Б. Газсимон наркотик моддалар. Азот (I)- оксид** (Nitrogenium oxydulatum) — кулдирувчи газ. Пўлат баллонларда сақланади. Ёнмайди, ҳиди йўқ. Кўпинча 70 — 80% азот (I)- оксид ва 30 — 20% кислород ҳисобидаги аралашмаси ишлатилади.

**Циклопропан** ( $C_3H_6$ ) — тез ёнувчан газ бўлиб, портлаш хусусиятига эга. Баллонларда сақланади. Тез таъсири қиласи. Кўпинча бошқа воситалар (азот(I)-оксид, эфир) билан бирга қўлланилади.

## **В. Кураресимон наркотик моддалар**

### **а) Деполяризацияловчи релаксантлар**

**Тубокуарин** — узоқ таъсири этувчи релаксант, вена ичига юборилади, 15 — 20 мг миқдори катта одамларда яхши релаксация беради. 30 мг миқдорда юборилса, нафас олиш тўхтайди. Унинг таъсири 2 — 3 минут ичига бошланиб, 30 — 45 минутгача давом этади. Бу препарат узоқ қўлланганда баъзан гиптония ва бронхоспазм рўй бериши мумкин. Тубокуарин гистаминга ўхшаш таъсири этгани учун уни бронхиал астма касаллигида ишлатиш мумкин эмас. Тубокуариннинг антигонисти прозерин ҳисобланади.

**Диплацин** — тубокуариннинг аналоги сувда яхши эрийдиган оқ кукун. У 2% ли 5 мл ли ампулада чиқарилади. Вена ичига интубацион наркоз учун 100—150 мг дан юборилади. 1—2 минутдан кейин релаксация бошланиб, бир соатгача давом этади. У катта дозаларда атропинга ўхшаб таъсири этади. Гистаминга ўхшаш таъсири бўлмагани учун уни бронхиал астмада қўллаш мумкин; тубокуариндан 3 марта кучсиз. Диплациннинг антигонисти прозерин саналади.

**Пиролаксон** (аналоги флакседил) — оқ кристалл кукун бўлиб, сувда яхши эрийди, 4% ли 1 мл ампулада чиқарилади. Релаксация дозаси — 80 мг бўлиб, 3 минут ўтгач таъсир бошланиб, 25 — 30 минутгача давом этади. 110 — 120 мг миқдори эса фаол нафас олишни 5 — 8 минутгача тўхтатади. Бу препарат ганглиоблокли таъсир этиб, артериал қон босимини бир оз пасайтиради (баъзан ошириши ҳам мумкин) ва юрак уришини тезлаштиради. Буйрак касаллиги, миастения, гипертония, склероз, юрак фаолиятининг декомпенсациясида қўлланилмайди. Пиролаксоннинг антагонисти — прозерин.

**Парамидон.** 0,1 % ли эритмаси 5 мл дан ампулада чиқарилади. Беморга 3—5 мл юборилса, релаксация юз бераб, 30—60 минутгача давом этади. Агар 10 мл юборилса, bemornинг нафас олиши тўхтайди. Бу препарат диплацинга нисбатан 10 марта кучли бўлиб, бир оз торайтирувчи таъсирга ҳам эта. Парамидоннинг антагонисти — прозерин.

**Милаксен** — релаксация берувчи дозаси 12 — 12,5 мг, венадан юборганда, 3 — 5 минутдан кейин таъсир этиб, 20 — 30 минутгача давом этади. Бу препарат буйрак орқали чиқарилмайди. Гистаминга ўхшаш таъсир этмайди. Юрак-қон томирларига ва вегетатив неря системасига таъсир этмайди. Шунинг учун буйрак касалликларида ҳам қўлланилиши мумкин. Милаксен дитилиннинг таъсирини кучайтиради.

#### 6) Деполяризацияловчи релаксантлар

**Дитилин** (сукцинил-холин-Йодид, анектин, сколин, курашиб) — қисқа вақт таъсир этувчи релаксант. Организмда жуда тез заарсиз моддалар — холин ва каҳрабо кислотага парчаланади. Унинг 1 — 2 мл ли эритмалари қўлланилади. 20 — 30 мг миқдорда қўлланилса, релаксация юз беради, 40 — 60 мг эса нафасни тўхтатади. Одатда, 1 — 2 минутдан 4 — 7 минутгача таъсир қиласди. Дитилин салбий таъсир этмайди. Уни буйрак касаллигига, миастения, бронхиал астмали bemorларда ҳам қўллаш мумкин. Дитилин тез парчаланиб кетадиган модда бўлгани учун уни тиопентал натрий, ишқорий эритмалар ва қон билан бирга юбориш мумкин эмас.

**Декаметоний** — Йодид қисқа муддат таъсир этувчи релаксант бўлиб, унинг 0,2% ли эритмаси қўлланилади. Унинг 0,2 % ли эритмасидан 1 — 1,5 мл венага юборилса, 2 — 3 минутдан сўнг таъсири бошланиб, 15 — 20 минутгача давом этади. Нафас олишни тўхтатиш учун 2,5 мл миқдорда юборилса, bemor 5—10 минутгача нафас олмайди. Препаратнинг гистаминга ўхшаш таъсири бўлмагани учун миастения, бронхиал астма билан оғриган bemorларга ҳам қўллаш мумкин.

### Наркознинг босқичи ва даражалари

Наркоз вақтида наркотик модданинг концентрация ва турига боғлиқ ҳолда унинг муайян босқичларини ва таъсир даражаларини фарқ қилиш мумкин. Куйида эфирдан фойдаланишда наркознинг

инсон организмида кечиши тасвирланган. Бошқа наркотиклар құлланылғанда наркознинг кечишида бәзі үзгаришлар құзатилиши мүмкін.

**1- босқич** — анальгезия босқичи 3—4 дақықа давом этади ва эс-хушнинг хирадашуви, оғриқ сезгисининг йүқолиши билан ҳарктерланади. Қорачиқлар ёруғлиқка реакция беради, рефлекслар сақланиб қолади, артериал босим, пульс аввалғы даражада бўлади. Бу босқич (хушсиз қиласидиган рауш-наркоз) дан кичикроқ операциялар (йиринглаган жойни кесиш) қилиш, баъзан оғриққа сабаб бўладидан муолажаларни бажарища фойдаланилади.

**2- босқич** — қўзғалиш босқичи бирмунча узоқ давом этади ва беморда ҳаракат реакциясининг ошиши, нутқ марказининг қўзғалиши билан ифодаланади (бемор нима деяётганини билмай кўп гапиради). Артерия босими ошади, пульс тезлашади, мускул тонуси ва рефлекслари ошган бўлади, тез ва нотекис нафас олади, қайт қилиши мүмкін. Бу босқич ичкилиқдан қаттиқ маст бўлган одам ҳолатини эслатади. Ичкиликни истеъмол қиласидиган беморларда қўзғалиш бирмунча кескин намоён бўлади.

**3- босқич** — хирургик босқич. Наркоз пайдо бўлиш вақти наркотик модданинг хусусиятига боғлиқ. Бу босқичда хирургик операциялар ўтказилади. Босқичнинг тўрт даражаси бор.

**Биринчи даражаси:** эс-хуш батамом йўқолган; оғриқ ва тактил (тери) сезувчанлиги йўқ, қорачиқлар торайган, бироқ мугуз парда рефлекси ва мускулларнинг таранглиги сақланиб қолган, кўз соққаларининг „сузиб юрадиган“ ҳаракатлари сақланиб қолган бўлади.

**Иккинчи даражаси:** қорачиқлар торайган, мугуз парда рефлекси сақланиб қолади. Мускуллар қисман бўшашади. Бу даражада тилнинг ҳалқумга тиқилиб қолиш хавфи бўлади.


**Учинчи даражаси:** пульс секинлашади, артериал босим пасаяди, нафас юзаки бўлиб қолади. Кўз ёриғи кенгаяди, мугуз парда рефлекси йўқолади. Мускуллар батамом бўшашади.

**Тўртингчи даражаси:** нафас бирмунча юза, қорачиқлар кенгайган, ёруғлиқка реакция бермайди, мугуз парда нурсиз. Пульс тез, тўлиқлиги суст бўлади. Артерия босими тобора пасаяди. Наркознинг бу даражага етиб боришига йўл қўйиб бўлмайди, чунки у ўлим билан тугаши мүмкін.


**4- босқич** — уйғониш босқичи. Наркознинг барча белгилари аксинча, тартиб билан йўқолиб боради ва ухлаш даври узокроқ давом этади.

### Ингаляцион наркоз учун маскалар ва аппаратлар

Наркоз пайдо бўлган даврдан бошлаб кўп сонли маскалар ва аппаратлар таклиф қилинган. Уларнинг сифати ва тузилиши наркознинг кечишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги вақтда хирургия амалиётида қўлланилмайди, фақат тарихий аҳамиятга эга, холос.



43- расм. Полинаркон аппарати.



44- расм. РО-6 аппарати.



45- расм. Бебилог-800 аппарати.



46- расм. МАК-100 аппарати.

Эсмарх ва Шиммелбуш маскалари тузилиши жихатидан энг оддий маскалардан ҳисобланади. Улар сим түрдан ясалган бўлиб, операциядан олдин у бир неча қават дока билан тортиб қўйилади. Маскани юзга қуйиб, унга бир неча томчи наркотик модда томизилади. Садовенко маскаси намат тўлдирилган ва наркотик модда қўйиладиган металл резервуар, нафасни текшириб туриш учун резина қопча ва наркотик моддани юбориш учун регулятордан ташкил топган.



47- расм. Микровент аппарати.



48- расм. Оксилог-2000 аппарати.

Хозирги вақтда ингаляцион наркозда бериш учун полинаркон (43- расм), РО-6 (44- расм), Бэбилог-8000 (45- расм), Мак-100 (46- расм), Микровент (47- расм), Оксилог-2000 (48- расм) каби маҳсус аппаратлардан кенг фойдаланилади.

### Беморни наркозга тайёрлашда фельдшер (хамшира)нинг вазифаси

Беморни наркозга тайёрлаш операцияга умумий тайёрлаш вақтига тўғри келади. Анестезия ва амалиёт ўтказишдан олдин bemor умумий ва медикаментоз тайёргарликдан ўтиши керак. Умумий тайёргарликнинг асосини меъда ва ичак йўлини тозалаш ташкил қиласди. Амалиёт режалаштирилган кун арафасидаги оқшомдан бошлаб bemor таом емаслиги шарт. Бемор ҳуқна қилиниб, ичаклари ювиб ташланади, кетидан bemor гигиеник ванна қабул қилиши зарур. Беморнинг хирургик операция ўтказиладиган майдон териси туклардан тозаланади. Анестезия бошланишидан олдин bemornинг меъдаси бўшатилган бўлиши шарт. Бунинг учун меъдага зонд юборилади ва „тоза сувгача“ ювилади.

Беморни бевосита анестезиядан олдин медикаментлар воситасида тайёрлаш **премедикация** дейилади. Премедикацияда анестезиядан 30—40 дақиқа олдин тери остига ёки мушаклар орасига инъекция қилинади ва 5—10 дақиқа олдин эса вена ичига дори юборилади. Премедикация учун ухлатувчи, нейроплегик ва нейролептик, атарактиқ, анальгетик, антигистамин ва холинолитик препаратлар кўлланилади.

Ухлатувчи дорилардан люминал (0,1 г.), ноксирон (0,25—0,5 г.) ва шу гуруҳдаги бошқа препаратлар хирургик амалиёт арафасида, ухлашдан 30 — 40 дақиқа олдин қабул қилинади. Атарактиқ самарага эришиш учун элениум (10 — 15 мг), диазепам, седуксен (5 — 10 мг) ёки шу сингари бошқа препаратлар тайинланади. Бу гуруҳдаги

препаратлар амалиёт арағасида, ухлашдан олдин ёки анестезияни бошлашдан 2 – 3 соат аввал берилади. Премедикация мақсадида дроперидол кенг ишлатилади, мушаклар орасига ёки вена ичига 5,0 – 7,5 мг дозаларда юборилади. Наркотик анальгетиклардан промедол (10 – 20 мг), омнопон (10 – 20 мг), морфин (5 – 10 мг), фентанил (0,05 – 0,1мг) ва дипидолор (10 – 15 мг) кабилар ишлатилади. Улар анестезиядан 30 – 40 дақықа олдин юборилади. Антигистамин дорилардан дипразин (25 – 50 мг), супрастин (20 – 40 мг), димедрол (20 – 50 мг) қўлланилади.

Премедикациянинг кенг тарқалган қўриниши қўйидагича ўтказилади. Бемор наҳорда, анестезиядан икки соат олдин 5 – 10 мг седуксен ёки 0,3 – 0,6 г триоксазин ичади. Анестезияни бошлашга 30 – 40 дақықа қолганда тери остига ёки мушак орасига 10 – 20 мг димедрол, 0,2 – 1,0 мг атропин сульфат, 10 – 20 мг промедол юборилади. Беморнинг тинч ётиши, уйқусираши, ташқи муҳитга лоқайдлиги, оғиз қуриши, юрак уришининг тезлашиши, arterial қон босимининг тургунлиги кабилар премедикация самарали бўлганигидан далолат беради. 49- расмда ингаляцион наркоздаги bemor боланинг умумий қўринини тасвиранланган.



**49- расм. Ингаляцион наркоздаги bemor боланинг умумий қўриниши**

### **Ингаляцион наркозда юз берадиган асоратлар ва уларнинг олдинни олиш**

Бу асоратларни икки гурухга бўлиш мумкин:

- 1) наркоз ўтказиш вақтида;
- 2) наркоздан кейин.

Наркоз вақтидаги асоратлар наркоз техникасини нотўғри ўтказиш, аппаратларнинг носозлиги, bemor аҳволининг оғирлиги натижасида содир бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда асфиксия юз бериши ва юрак тўхтаб қолиши мумкин. Бу:

- 1) механик сабаблар (тилнинг орқага кетиб қолиши, қусуқ массаларининг тиқилиб қолиши ва ҳоказо);
- 2) токсинли сабаблар (наркотик моддалар дозасини ошириб юбориш);
- 3) рефлектор сабаблар (наркотик модда таъсири остида юрак ва нафаснинг тўхтаб қолиши) туфайли юзага келади. Наркоздан кейинги даврда турли асоратлар содир бўлиши мумкин. Нафас фаолиятидаги

ҳар қандай асоратлар кислород танқислиги — гипоксемия ва карбонат ангидрид түпланиб қолиши — гиперкарпнияни вужудга келтиради.

Гипоксемия сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлади. Беморнинг хуший айнийди, юрак уриши тезлашади, артериал қон босими аввал кўтарилади, сўнгра туша бошлайди, терлаш кучаяди, руҳий ва жисмоний қўзғалиши, тутқаноқ пайдо бўлади. Ўз вақтида ёрдам кўрсатиласа, юрак фаолиятининг тўхташи рўй беради.

Гипоксемияни даволашда асосий тадбир — гипоксемия сабабини йўқотишдан иборат. Шу билан бирга кислородни ингаляция қилиш, ёрдамчи ёки сунъий вентиляциядан фойдаланиш зарур.

Апноэ — нафас фаолиятининг бутунлай тўхташи бўлиб, анетестиклар ва анальгетиклар таъсиридан рўй беради. Бунда сунъий ўпка вентиляцияси қўлланилади ва апноэ сабабларини камайтириш тадбирлари кўрилади.

Индуктив анетезия асоратлари газ алмашинувининг бузилиши, анетестик ва фармакологик препаратларнинг таъсири, интубация жараёнидаги жароҳатланиш ва хатолар патологик рефлексларнинг намоён бўлиши оқибатидир.

### Ингаляциясиз наркоз

Ингаляциясиз наркоз қўллаш усулларига қараб вена ичига, тери остига, тўгри ичакка, сероз бўшлиқларига юбориладиган ва оғиз орқали бериладиган наркозларга бўлинади.

Булар орасида наркотикларни вена ичига қўйиш ҳозирги замон тиббиётida энг кўп ишлатилади. Ундан дастлабки наркоз ва узоқ давом этувчи тўлиқ наркоз учун ҳам фойдаланилади. Беморни вена ичига юбориладиган наркозга тайёрлаш уни ингаляцияли наркозга тайёрлашдан фарқ қилмайди.

Вена ичига қўйиладиган наркоз бошқа наркозлар учун базис-наркоз сифатида ишлатилади ва шунингдек бўйин, бош, юзда маҳаллий анетезия ёки ингаляцион наркоз қўллаш мумкин бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Беморда чуқур интоксикация белгилари, сепсис ҳолати бўлса, жигар ва буйракларнинг вазифаси бузилса ёки уларнинг етишмовчилиги кузатилган ҳолларда вена ичи наркози қўлланилмайди.

Вена ичига қўйиладиган наркоз учун гексенал, пентотал ва бошқа турли наркотик моддаларни қўйиш усули бир хил бўлиб, бошлангич — базис-наркоз, қисқа муддатли ёки узоқ давом этувчи наркоз турларига нисбатан эса ўзгариши мумкин.

Наркотик моддалар эритмаси наркоз олдидан уларни физиологик ёки глюкоза эритмаларирига аралаштириш йўли билан тайёрланади.

Базис-наркоз учун 2 — 5% ли гексенал эритмаси, 1%ли литопентал-натрий эритмаси ва бошқалар шприц билан аста-секин (ҳар 20 — 40 секундда 1 мл эритма) вена ичига юборилади. Агар тез

юборилса, унда беморнинг нафас олиши тўхтаб қолиши мумкин. Наркотик модда юборила бошлагандан кейин bemorga рақамларни баланд овоз билан санаш буюрилади, шунда бир дақиқа ўтмасдан у ҳисобдан адашади ва тез орада санаш тўхтайди. Бу наркотик уйкунинг бошланганидан дарак берса-да, наркознинг бошланиши одатда рефлексларнинг йўқолиши билан аниқланади. Базис наркоз ва қисқа муддат давом этувчи наркоз учун юбориладиган қуруқ препаратнинг максимал миқдори 1 г ҳисобланади.

Узоқ давом этувчи наркоз учун фракцион ёки томчилаб юбориш усули қўлланилади. Фракцион усул билан 3 — 5 мл наркотик модда эритмасидан қайта-қайта қўйиб туриш наркозни узоқ давом эттиради. 1,5 — 2 соат давом этадиган операцияларда эритма 3 — 4 — 6 марта қайта-қайта қўйилади. Бу эса бериладиган наркотик модда дозасининг кўлпайишига (2 — 2,5 мл гача) ва наркоз хавфининг ошишига сабаб бўлади.

Вена ичи наркозида касал тез ухлайди, унда кўнгил айниши, қусиши ва нафас олишнинг қийинлашиши, қўрқиши кузатилмайди. Агар 5 — 10% ли тексенал ёки 2 — 5% ли тиопентал-натрий эритмасидан аста-секин юборилса, касал 40 — 70 гача санайди ва одатда 1 — 1,5 дақиқа ўтар-ўтмас ухлаб қолади. Шу даврда сарфланадиган наркотик модда эритмасининг миқдори 3 — 4 мл дан ошмайди. Наркознинг бошланишидаёқ bemor ҳушдан кетади ва караҳт бўлади, бу ҳолатдан қисқа муддат давом этувчи операцияларни бажаришида фойдаланилади.

Мушаклар орасига юбориладиган гексенал наркозида bemor вена ичи наркозига нисбатан кечроқ уйқуга кетади ва чуқур ухламайди. Одатда 10% ли гексенал эритмасидан 20 мл ( 2 г қуруқ препарат) сон мушаклари орасига юборилади; кириш наркози учун унинг 10% ли эритмасидан 10 мл кифоядир. Юбориладиган 20 мл гексенал эритмасини бирданига ёки бўлиб-бўлиб 2 марта юбориш мумкин. Гексенал эритмаси операциядан 30 дақиқа олдин юборилса, bemor 10 — 12 дақиқадан сўнг ухлайди, лекин унда оғриқча нисбатан типирчилаш давом этади; 20 — 30 дақиқа ўтгандан кейин у чуқур ухлайди. Бу наркозда типирчилаш бўлмайди. Наркотик моддалар оддий усулда юборилганда, унинг секин-аста шимилиши натижасида наркоз хавфи анча кам бўлади.

**Вена ичи самбровин наркози.** Самбровин фақат вена ичи наркози сифатида қўлланилади, унинг энг юқори миқдори 2000 мг дан ошмаслиги керак (одам гавдасининг ҳар бир кг оғирлигига 7 — 10 мг ҳисобидан, болалар учун эса 5 — 7 мг дан). Одатда самбровиннинг 2,5% ёки 5 % эритмаси (ош тузининг физиологик эритмасида) венага 20 — 30 секунд давомида юборилини лозим. Самбровин венага юборилганда жуда ҳам тез наркотик уйқу беради. Бунда 20 — 30 секунд ўтмасдан операция қилиш мумкин бўлади. Наркотик уйқу 4 — 6 дақиқа давом этади (яхши премедикация қилинганда эса 8 — 10 дақиқагача чўзилиши мумкин).

Самбровин эритмасини 20 — 30 секундан тез юборганда организмдаги гистамин миқдори күпаяди, бу эса нафас олишни тезлаштиради, ундан кейин секинлашиб, натижада нафас олиш тұхтайди. Бундай пайтда дархол сунъий нафас олдиришни бошлаш зарур. Баъзан самбровин артериал қон босимини пасайтириб юбориши, юрак уришини тезлатиши ҳам мумкин. Бундай ҳолни бартараф этиш учун самбровин кальций хлорид эритмаси (10% ли эритмасидан 5—10 мл) билан шприцда арапаштирилган ҳолда венага юборилади.

Юрак, жигар касалликлари, аллергия, шок, анемияда самбровин құлланилмайди.

**Вена ичи кетамин наркози.** Одатда кетаминнинг 2 — 3 мг миқдори одам гавдасининг қар бир кг оғирлигига ҳисобланаб эритма ҳолида венага юборылса, у аналъезия (карахтлап) ва анестезия беради. Бу ҳолат 15 — 20 секундан сүнг кузатилади ва 10 — 15 дақиқа давом этади.

Агар одамнинг қар бир кг оғирлигига 5 — 6 мг ҳисобидан кетамин венага юборылса, бемор 2 — 4 дақиқа ухлади, анестезия эса 30 — 40 дақиқа давом этади. Кетамин эритмасини бир неча марта қайта-қайта юборса ҳам бўлади. Лекин унинг марказий нерв системасининг турли марказларига бўлган таъсирини (баъзисини тормозлаб, баъзисининг фаолиятини кўтаришини) билиш лозим.

Кетаминнинг энг асосий камчилиги мускулларни тириштириш ҳусусияти ҳисобланади. Кетаминни комбинациялаштирилган ҳолда құллаш анестезиянинг асосий қисми ҳисобланади. Катта операцияларни ўtkазишда кетамин кириш ёки базис (асосий) наркоз сифатида құлланилади, ундан ташқари болаларда ва катта одамлардаги куйган жойларни даволаш пайтида анестезия учун ишлатилади.

**Вена ичи виадрил наркози.** Виадрил құлланилганда кўз қорачиги торайиб, кўз мугуз рефлекслари пасаяди. Виадрил фақат йўғон веналарга (0,5—2,5% ли эритмалари 5—10 мл\мин тезликда) юборилади. Чунки майда веналарга юборилганда тромб ҳосил бўлади, шунинг учун унинг эритмасини юбориб бўлгач, кетидан дархол изотоник эритма ёки новокаин эритмасини юбориш керак (венани ювиш учун).

Кириш наркози сифатида 7 — 11 мг дан гавда оғирлигига ҳисоблаб юборилади, умумий миқдори 0,1 дан 3,5 граммгача.

#### **Виадрилнинг ижобий томонлари:**

- 1) заҳарсизлиги;
- 2) безовталаниш, бронхоспазм, (—) ларингоспазм кузатилмаслиги;
- 3) аъзолар функциясига зиён етказмаслиги.

Секин таъсир этиши, бошқариб бўлмаслиги, венага юборилганда вена деворларига салбий таъсир кўрсатиши унинг асосий камчиликлари ҳисобланади.

**Вена ичи оксибутират натрий наркози.** Кириш наркози сифатида құлланилганда, оксибутират натрийнинг 7 — 80 мг миқдорини қар бир тана оғирлигіда тенг ҳисоблаб, 50 — 100 мл натрий хлорнинг изотоник эритмаси ёки 5% ли глюкоза эритмасыда аралаштирилган ҳолда венага томчилаб 10 — 15 дақықа давомида юбориш мүмкін. Агар бундай эритма венага жуда тез (3 — 4 дақықада) юборылса, юрак уриши секинлапиб, нафас олиш ритми бузилади, бемор талвасага тушади, күнгли айниб, қайт қиласы. Шунинг учун жуда әхтиёт бўлиш керак.

Оксибутират натрий наркозининг клиник кечиши 5 даврга бўлинади:

1. Енгил ухлаш.
2. Безовталаниш.
3. Чуқур уйқу.
4. Анальгезия.
5. Чуқур наркотик уйқу даври.

**Биринчи босқичда** — венага оксибутират эритмаси юборилганда, bemor 5 — 7 дақықа енгил ухлай бошлайди. Ҳатто у саволларга жавоб бериши ҳам мүмкін. Бу даврда bemor одатдагидек нафас олиб турсада, унинг юрак уриши секинлаша бошлайди. Кўз қорачиқлари одатдагидек, ёруғлик таъсиридан торайиб, кўз шоҳсимон қобигининг рефлекси сақланган бўлади.

**Иккинчи босқичда** — турли мушаклар қисқариши, титраши, қон босимининг ошиши, ритмининг бузилиши кузатилади.

**Учинчи босқичда** — оғриқни сезиш сақланган бўлиб, кўз соққаси қимирламай қолади, кўз қорачиғи торайган, шоҳсимон қобиқнинг реакцияси сақланган бўлади.

**Тўртинчи босқичда** — оғриқни сезиш анча сусайган, ютқин, ҳиқилдоқ рефлекслари сақланган бўлади. Бу даврда кичик, енгил операцияларни қилиш мүмкін.

**Бешинчи босқичда** — bemor оғриқни тамомила сезмайди, мушаклар бўшашган, нафас олиш сусайган, ҳиқилдоқ ва ютиш рефлекслари тамомила йўқолган бўлади. Бу даврда интубация қилиш имконияти( релаксантсиз) туфилади, операция қилиш ҳам мүмкін бўлади.

### Тўғри ичак орқали наркозлаш

Тўғри ичак орқали наркоз бериш амалиётда жуда кам учрайди. У баъзан базис наркоз сифатида ишлатилади. Йўғон ичак, жигар ва буйрак касалликларида бу хил наркоз умуман қўлланилмайди. Беморни наркозга тайёрлаш учун операциядан бир кун олдин унга овқат бермасдан, ичакларини тозалаш учун сурги дори ичирилади. Операциядан 2 — 3 соат олдин эса ҳуқна қилиб, ичаклари тозаланади. Шундан кейин bemорни ёнбошга ётқизиб, унинг тўғри ичагига 12 — 15 см ичкарига резина найча (катетер) киритилади ва катта шприц

ёки резина баллон орқали наркотик модда эритмаси 37 — 38% гача иситилган ҳолда юборилади. Юборилган қуруқ авертин — нарколан, беморнинг ҳар 1 кг оғирлигига 0,1 г ҳисобида олинади. Юборилган эритма тўғри ичакдан лимфа ва қонга сўрилиб 5 — 10 дақиқа ўтгач, ўз таъсирини кўрсата бошлайди, bemor бўшашиб уйқуга кетади. Бемор ухлаган бўлса-да, оғриқ сезиш рефлекслари анчагача сақланган бўлади. 30 — 35 дақиқа ўтгач, bemor чуқур уйқуга кетади ва уни операция қилиш мумкин бўлади. Лекин уйқу юзаки 20% гача бўлиши операция қилиш учун баъзан тўсқинлик қиласи. Шунинг учун бундай пайтда бошқа тур наркозлар билан комбинациялаштиришга тўғри келади.

Амалиёт аnestезияси даврида гиповентиляция ёки гипервентиляция, артериал гипотензия ва гипертензия, юрак аритмиялари, регургитация, гипертермия, эмболия, тромбоз каби асоратлар кузатилиши мумкин.

Анестезиядан чи қариш даврида bemor уйғонишининг чўзилиб кетиши, узоқ давом этувчи апноэ, гиповентиляция, ректургитация, ўпка ателектази, артериал гипотензия ва гипертензия, юрак аритмияси, гипортемия ва гипертермия, титроқ, тутқаноқ, қусиш сингари асоратлар рўй бериши мумкин.

Анестезия босқичларида рўй берувчи қусиш ва регургитация оғир нафас танқислиги ва қон айланишининг етишмовчилигидан бўлади. Регургитация меъда ширасининг оғиз бўшлигига ва нафас йўлларига оқиб тушишидир. Бу ҳолат аспирация деб ҳам аталади. Меъда шираси таъсиридан нафас йўллари обструкцияси, ларингоспазм, бронхоспазм рўй беради. Аспирация туфайли вужудга келувчи асоратлар — альвеола ва бронхлардаги ўзгариш ва яллигланишлар — ўпка шишиши, пневмония (ўткир экссудатив пневмония) ва ўпка абцесслари bemorni ўлимгача олиб бориши мумкин.

Аспирациянинг олдини олиш учун оғиз-бурун, ҳиқилдоқ ва меъда тозаланади, bemorning боши оёқ томонига нисбатан пасайтирилган ҳолатга келтирилади. Селлике усули ва зонд-обтуратор қўлланилади. Аспирациянинг олдини олишда самарали премедикация ва адекват индуктив анетезия катта аҳамиятга эга. Bemorni мустақил нафас режимига ўтказиш ва экстубация қилиндан олдин унинг эс-хуши, ҳиқилдоқ ва томоқ рефлекслари тикланган бўлиши зарур.

Аспирация синдромини четлаштириш учун ларингоскопия ва бронхоскопия воситасида нафас йўллари ва ўпкани тозалаш ва лаваж қилиш, эуфиллин, атропин сульфат, глюококортикоид гормон, антибиотик ва антигистамин дорилар, оксигенотерапия ва сунъий ўпка вентиляцияси кабилар қўлланилади.

Анестезия босқичларида қон айланни системаси асоратлари юрак фаолиятининг сусайиши, қон ҳажмининг камайиши, қон томирлар тонусининг ўзгариши ва қоннинг қуюлиш хусусиярининг бузилиши оқибатидан келиб чиқади.

Артериал гипотензия айланиб турган қон ҳажмининг камайиши, қон томирлар тонусининг пасайиши, гипоксия, анестетик ва анальгетиклар таъсири ва атония сингари омиллардан келиб чиқади.

Артериал гипертензия самарасиз премедикация, анестезиянинг юзакилиги, гипоксия ва гиперкарпниялар оқибати ҳамда анестезия қўзғалиш босқичининг белгиси ҳисобланади. Артериал гипертензия газ алмашинувини яхшилаш, премедикация ва анестезия таркибида седатив, нейролептик, кучли анальгетиклар, гипотензив моддалар инъятиш ёрдамида четлаштирилади.

Анестезия давридаги юрак аритмиялари оғир асорат ва патология белгиси бўлгани учун ҳам хавфлидир. Нафас фаолиятининг бузилиши, қон йўқотиш, юзаки анестезия оқибатидан, эфир, атропин сульфати таъсиридан тахикардия келиб чиқади. Тахикардия юрак аритмиясининг жиддий кўриниши — *фибриляциянинг* элчиси бўлиши мумкин.

**Брадикардия гипоксия**, вагус нервининг таъсиrlаниши, сукцинилхолин таъсири, фторотан дозасининг ошиб кетиши натижасида вужудга келади. Брадикардия кўпинча асистолияга ўтади.

Анестезия босқичларida юрак уришининг тўхташи — *асистолия ёки фибриляция* кўпинча гипоксия ва гиперкарпния оқибати бўлади. Вагус нерви, ҳалкум, ҳиқилдоқ ва бошқа рефлексоген сатҳларнинг таъсиrlаниши, анестетиклар дозасининг ошиб кетиши кабилар юрак фаолиятининг тўхташига олиб боради.

**Эмболия ва тромбоз.** Ҳаво эмболияси юрак ва бош миянинг орқа қисмида ўтказилаётган амалиётлар, бачадон найларини ҳаво билан даволаш, йўлдон ажралиши, пневмоэнцефалография, вена томирларида инфузия бажарилаётганда рўй бериши мумкин. Вена қон томирига тушган ҳаво ўнг юракка етиб боради, у ердан ўпка артериясига ўтади ва ўпка артериясининг тўсилишига олиб келади. Ўпка артериясининг эмболияси юракнинг ўнг қоринчаси етишмовчилигини келтириб чиқаради. Ҳаво эмболияси белгилари пайдо бўлиши билан бемор чап биқинига ётқизилади, сунъий ўпка вентиляцияси ва ўткир юрак етишмовчилигининг комплекс терапияси ўтказилади. Торакотомияда юракнинг ўнг қисми пункция қилиниб, ҳаво сўриб олинади.

Веналар тромбозини глюкозанинг юқори концентрацияли эритроцитаси, осмотик, диуретик ва айрим анестетиклар (сомбревин) ҳосил қилади.

**Ўпка артериясининг тромбоэмболияси** жуда хавфли асорат. Бу асоратнинг ўткир шакли юрак етишмовчилигининг оғир кўриниши билан ифодаланади. Бир неча дақиқа ичидаги юрак фаолияти тўхташи мумкин. Тромбоэмболия рўй берганда антикоагулянтлар ва фибринолитиклар юборилади, юрак-ўпкага муттасил даво қилинади.

**Спонтан гипотермияга терморегуляция депрессияси, иссиқлик сарфланишининг ошиб кетиши сабаб бўлади.**

*Нормал гипертермик* реакция ҳар қандай жароҳатланиш, касаллик ва хирургия амалиётига жавобан вужудга келади ва ҳароратнинг 37,5 — 38°С гача кўтарилиши билан намоён бўлади.

*Патологик гипертермияни иссиқликнинг* ҳосил бўлиши ва сарфланиши мувозанатидаги силжиш вужудга келтиради. Терморегуляция марказини рагбатлантирувчи (андреномиметик, аналептик), қон томирларини торайтирувчи (вазопрессор) ва иссиқлик узатилишини камайтирувчи (атропин) препаратлар кўпинча патологик гипертермияга олиб келади. Гипертермик реакциянинг оғир ва хавфли кўриниши тез кечувчи гипертермия ҳисобланади. Бундай гипертермия тана ҳароратининг 41 — 42°С гача кўтарилиши, тутқаноқ тутиши, нафас олиш ва қон айланишининг бузилиши билан намоён бўлади. Гипертермияни даволашда сунъий ўпка вентиляцияси, сунъий гипотермия, тана ҳароратини пасайтирувчи препаратлар, детоксикацион ва коррекцион усуllibар, юрак фаолиятини кучайтирувчи дорилар қўлланилади.

*Меъда-ичак* йўли томонидан ҳиқиҷоқ тутиш, қусиш, регургитация каби асоратлар рўй бериши мумкин.

Тил асосининг таъсиrlаниши, меъда шиллиқ пардасига анестетикнинг таъсири, гипоксия, гиперкапния, гипергидратация, IV қоринча тубидаги қусиш марказининг қўзғалиши натижасида қусиш рўй беради.

*Узоқ давом этувчи уйғониши* анестетиклар дозасининг ошганлиги ва уларнинг кумулятив самараси, анестезия босқичларида рўй берган гипоксия ва метаболик силжишлар оқибатидир.

*Узоқ давом этувчи апноэ* — бемор ҳушига келса ҳам, унинг мустақил нафас олиши тикламайдиган ва миорелаксантлар қўлланишига хос асоратдир. Бу асоратнинг интенсив терапияси сунъий ўпка вентиляцияси ўтказиш, гиповолемия, ацидоз ва метаболик силжишларни бартараф қилишдан иборат.

*Титроқ тутиши* — узоқ давом этувчи амалиёт мобайнидаги иссиқлик йўқотиш ва совуқдан таъсиrlаниш оқибатидир. Титроқ тутишининг олдини олиш учун амалиёт хонасида 22 — 24°С ҳароратни сақлаб туриш, инфузион эритмалар ҳароратини тана ҳароратига тенглаштириш, маҳсус мосламалар воситасида bemорни иситиш талаб қилинади.

*Тутқаноқ тутиши* гипоксия ва мия шишиши белгиси, инсульт, тромбоэмболия, гипогликемия, метаболик ацидоз ва алкалоз, гипокальциемия оқибатлари бўлини мумкин. Тутқаноқ синдромида интенсив терапия нормал газ алмашинувини таъминлаш, гидроин ва кислота-асос мувозанатини тиклашдан иборат. Тутқаноқни йўқотиш учун 5 — 10 мг седуксен, 30 — 50 мг/кг ҳисобида натрий оксибутират ёки 5 — 6 мг/кг дозада гексенал, 20 — 40 мг лазикс юборилади.

Наркоздан кейинги даврдаги асоратлар аъзолар системаси бўйича қўйидагилардан иборат:

**Нафас аъзоларида** юз берадиган асоратлар (яллигланиш, ателектаз, бронхитлар) аксарият эфир наркозидан кейин учрайди. Бу асоратларни профилактика қилишда операциядан кейинги даврда беморларга фаол ёрдам бериш (даво физкультураси, нафас гимнастикаси, балғам ажралишини фаолластириш, эрта ўриндан турғизиш), шунингдек антибиотиклар ва сульфаниламидларни қўллашнинг аҳамияти катта.

**Юрак** ишининг бузилиши заҳарли таъсири қиласидан циклопропан ва эфир қўлланишдан сўнг кўпроқ кузатилади. Ўткир юрак етишмовчилиги вужудга келиши, бу эса баъзан ўлимга олиб келиши мумкин. Профилактикаси: юрак дорилари юборилади ва наркознинг бирмунча мукаммал турини қўллаш йўли билан наркотик модда камроқ ишлатилади.

**Жигардаги** асоратлар аксарият эфир ва хлороформ қўллашдан сўнг пайдо бўлади ва жигарнинг функционал бузилишлари билан юзага чиқади, бироқ ёғли айниш (дистрофия) ва ўткир сариқ (атрофия) касаллиги кузатилиши мумкин. Профилактикаси: миорелаксантлар қўлланиб, bemорни уйқунинг паст босқичларида тутиб туриш ҳисобига наркотик моддалар дозасини камайтиришдан иборат.

**Буйракларда** юз берадиган асоратлар аксари олигурия ва альбуминурия кўринишида юзага келади. Сийдикнинг нисбий зичлиги ошади, лейкоцитлар ва эритроцитлар пайдо бўлади. Одатда бу ҳодисалар тез ўтади ва маҳсус даволаш усувларини талаб этмайди.

Наркоз ва операциядан кейинги углевод алмашинуви бузилади, натижада ацидоз ривожланади. Ацидоз клиник жиҳатдан бош оғриши, кўнгил айниши, кусиш, уйқусизлик билан намоён бўлади.

Оғир ҳолларда руҳий толиқиши юзага келади, bemор алаҳлайди, кома рўй бериши мумкин. Ацидозни аниқлаш учун ишқорий-кислотали ҳолатни билиш лозим. Шу мақсадда ҳозирги вақтда „Микро-Аструп“ ёки „АЗИВ“ аппаратларидан фойдаланилади. Ацидозга даво қилиш учун натрий бикарбонат, глюкоза инсулин билан қўлланилади. Организмнинг сувсизланишига ва гипохлорэмияга олиб келадиган сув-туз алмашинувининг бузилиши иккинчи асорат ҳисобланади.

Сув-туз алмашинуви бузилганда ажратиладиган сийдик миқдори ва ундаги натрий хлорид концентрациясини кузатиб бориш лозим. Кўп миқдорда суюқлик, ош тузи, физиологик эритма юбориш лозим.

**Периферик нервлар фалажи** наркоз вақтида бирорта нерв ўзагининг механик шикастланиши натижасида ва бирмунча камроқ ҳолларда наркотик модданинг марказий нерв системасига заҳарли таъсири натижасида содир бўлиши мумкин. Кўпинча елка чигали ёки кўл айрим нервлари (билак, тирсак, ўрта нерв) нинг фалажланиши кузатилади, бу — наркоз вақтида қўлни ёзиб қўйиш ёки нерв ўзагининг операция столи қирраси билан суюк ўртасида босилиб қолиши туфайли ўша нервларнинг чўзилиб кетиши натижасида юз беради. Фалажнинг енгил даражаси тез тузалади.

Бирмунча оғир фалажланиш ҳолларида эса маҳсус даво олиб борилади; прозерин, дібазол ишлатилади, электр мұолажалар амалға оширилади.

**Ингаляцион наркозни құллаш ва унга монеликлар.** Ҳозирги вақтда ингаляцион наркозни құллаш бирмунча кенг тарқалған. Ингаляцион наркоз остида барча мұраккаб операциялар бажарылади.

Ингаляцион наркозни құллашга монелик қыладыған ҳоллар абсолют ва нисбий бўлади.

Наркоз құлланғанда ўлим юз бериши эҳтимоли бўлган ҳоллар абсолют монелик қыладыған ҳолат ҳисобланади. Асоратлар юз бериши эҳтимоли бўлган ҳоллар нисбий монелик қыладыған ҳолларга киради. Абсолют монелик қыладыған ҳоллар қуидагилар:

1) декомпенсация босқичидаги юрак-томир системаси касалликлари, дори-дармонлар билан даволаш кор қымайдиган рўйрост юзага чиққан гипертония касаллиги, шок, коллапс, ўтқир анемия ҳамда интоксикация билан боғланған оғир турдаги гипотония;

2) аниқ кўринган ўпка етишмовчилиги билан кечадыған нафас аъзолари касалликлари – ўтқир пневмония;

3) жигар функциясини қаттиқ бузадыған жигар касалликлари – гепатит ва бошқалар;

4) буйрак функциясини бузадыған касалликлар – ўтқир нефрит;

5) кахексия ва камқонликнинг оғир босқичлари; бош мия ичи босими ошиши билан кечадыған касалликлар – ўсмалар ва бошқалар. Функционал бузилишлари камроқ юзага чиққан, юқорида айтиб ўтилған касалликлар наркозга нисбий монелик қыладыған ҳоллар ҳисобланади.

### **Маҳаллий оғриқсизлантириш ва унинг турлари**

Маҳаллий оғриқсизлантириш (анестезия) деганда беморнинг эс-хуши сақлаб қолингани ҳолда операция майдони соҳасидагина оғриқ сезувчанникнинг йўқолиши тушунилади.

Ҳозирги вақтда хирургия амалиётида маҳаллий оғриқсизлантиришнинг қуидаги турлари фарқ қилинади:

- 1) дори суртиб анестезия қилиш;
- 2) инфильтрацияли анестезия;
- 3) футляр (ниқоб) анестезия;
- 4) регионар анестезия;
- 5) вена ичи ва артерия ичи анестезияси;
- 6) сүяқ ичи анестезияси;
- 7) совитиш билан анестезия қилиш;
- 8) периурал анестезия;
- 9) орқа мия анестезияси;
- 10) каудал, пресакрал, паранефрал анестезия.

Маҳаллий анестезия хавфсизлиги жиҳатидан хирургияда кенг қўлланиладыған усуздир. Оғриқсизлантиришнинг бу тури асосан

кичик операцияларда (аппендэктомия, чуррани кесиш ва ҳ.к.) құлланилади, бироқ етарлича малака бұлғанда маҳаллий анестезия остида катта операцияларни ҳам бажариш мүмкін. Операцияларнинг қарийб 80% и маҳаллий оғриқсизлантириш усулида қилинади.

Маҳаллий анестезия учун нисбатан хавфсиз ва кам токсинли новокаин кенг құлланилади. Новокаин 0,25 – 0,5% ли эритма ҳолида ва баъзан ўтказувчи йүллар анестезияси учун 1 – 2% ли эритмаси ишлатилади. Стерил эритмаси операция хонасидан олдинги хонада сақланади. Новокаин эритмаси солинган флаконга „Новокаин эритмаси“ деб ёзилган ёрлик ёпиширилиб, унда, концентрацияси ва тайёрланган вақти күрсатилади. Новокаиндан фойдаланишда операция ҳамшираси ёрлиқни албатта текшириб, унинг бошқа модда әмас, балки новокаин эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Маҳаллий анестезия учун шприцлар, игналар ва новокаин учун идиш бўлинни зарур. Шприц ва игналарни дистилланган сувда алоҳида стериллаш лозим, чунки стериллаш жараёнида ишлатиладиган сода эритмаси новокаиннинг таъсирини камайтиради.

Маҳаллий анестезиянинг асоратлари камдан-кам ҳолларда рўй беради. Новокаинга сезувчанлиги юқори бўлган айрим беморларда новокаиндан заҳарланишнинг клиник белгилари намоён бўлади: бош айланади, ҳолсизланади, кўнгли айнийди, тери ва кўринадиган шиллиқ пардалар бўзаради, томир уриши тез, тўлиқлиги суст бўлади.

Бирмунча оғир заҳарланишларда безовталаниш, қўзгалиш, қўрқув сезгиси, галлюцинациялар, кусищ кузатилади. Тегишли клиник белгилари пайдо бўлганда анестезияни тўхтатиш, bemorga амилнитрит ҳидлатиш (пахта бўлакчасига 5 томчи), 1 – 2 мл 20% ли кофеин эритмаси, 1 мл 1% ли димедрол эритмасини инъекция қилиш зарур. Барбитурат кислота препаратларидан бирини: 5 – 10 мл 2% ли теопентал-натрий эритмасини венага юбориш ёки 2 – 3 мл 10% ли барбитол-натрий эритмаси ёки 0,1 г люминал ичириш ёки 5 – 10 мл 5% ли этадаколдин-натрий эритмасини венага юбориш мақсаддага мувофик.

Кислородли ингаляциялар буюриш мұхим. Новокаиндан ташқари, маҳаллий анестезия учун 0,5%, 1% ва 2% ли эритмалар ҳолида (стоматологияда), тримекайн (0,25 – 0,5 – 1% ли эритмаси инфильтрацион анестезия учун ва 2% ли эритмаси регионар ҳамда орқа мия анестезияси учун), лидокаин (0,25 – 0,5% ли эритмаси инфильтрация анестезияси учун, 1 – 2% ли эритмаси ўтказувчи йүллар ва орқа мия анестезияси учун), дикаин (0,3% ли эритмаси периудурал анестезия учун, 2 – 3% ли эритмаси суртиб анестезиялар учун) қўлланилади.

**Сақлаш.** А рўйхатда (совкаин, дикаин), Б рўйхатда – болиқа анестетиклар сақланади.

**Суртиш ва намлаш йўли билан анестезия қилиш** кўз касалликлари амалиётида урологияда, оториноларингологияда, бронхологияда ва бошқаларда қўлланилади. Оғриқ сезгисини йўқотиши зарур бўлган

түқима соҳалари 1 — 10% ли новокаин эритмаси ёки 0,1% ли совкаин эритмасига ҳұлланған тампон билан артилади ёки намланади. Шиллиқ парданинг катта қисмiga, айниқса дикаин ва совкаин каби анестетикларни суртишдан зақарланиш әхтимоли борлиги учун хавфлидир.

**Инфильтрациялы анестезия.** Бу усул операция соҳасидаги ҳамма түқималарга анестезия қилинадын эритмани қаватма-қават қилиб шимдиришдан иборат. Бу мақсад учун одатда 0,25 — 0,5% ли новокаин эритмаси ишлатилади. Сүрилувчи инфильтрат усули билан анестезия қилиш қыйидагичадыр. Кесма чизиги бўйлаб тери интичка игна билан лимон пўсти кўринишида анестезия қилинади, сўнгра йўғонроқ ва узунроқ игна билан бирмунча чуқур түқималар инфильтрация қилинади. Инфильтрацияни аста-секин, қаватма-қават түқималар кесилган сайн үтказиш мумкин.

**Футляр анестезия.** Оғриқсизлантиришнинг бу тури оёқ-қўллардаги операцияларда қўлланилади. Кесма сатхининг юқорисидан жгут боғланади, жгутдан пастроқда икки ёки уч нуқтадан тери орқали 0,25% ли новокаин эритмасини (500 — 800 мл) апоневроз остига чуқур инъекция қилинади. Новокаин эритмаси фасциал гилофларга юборилиб, бу ерда новокаин нерв тизимларига тушади ва оғриқсизлантирувчи таъсир юзага келади.

**Асорати:** жгут тез ечиб олинганда новокаин интоксикацияси юз бериши мумкин. **Профилактикаси:** жгутни аста-секин ечиш, **давоси** — юқорида айтиб үтилган антидодларни ишлатишдан иборат.

**Регионар анестезия.** Новокаин эритмасини бевосита нерв ёки уни ўраб турган түқималарга юборишга асосланган. Шу мақсадда 10 — 20 мл миқдордаги 1 — 2% ли новокаин эритмаси қўлланилади. Оғриқсизлантиришнинг бу тури бармоқлардаги операцияларда (Лукашевич усулида үтказувчи анестезия) ва қўлдаги операцияларда (Куленкамф усулида үтказувчи анестезия) кенг ишлатилади.

Асорати — нерв шикастланиши кузатилади.

**Давоси:** прозерин, дифазол, электр билан қилинадын муолажалар.

**Вена ва артерия ичи анестезияси.** Анестезиянинг бу тури қуйидагича үтказилади. Оёқ ёки қўл қонсизлантирилгандан сўнг ўша заҳоти эластик бинт билан операция майдонининг юқори чегараси устидан веноз жгут қўйилади. Пункция йўли билан ёки томир ажратилгандан сўнг томирга новокаин эритмаси юборилади. Қўл учун 60 — 80 мл, оёқ учун 100 — 200 мл 0,25 — 0,5% ли новокаин эритмаси ишлатилади. Оғриқсизлантиришнинг бу тури қўл-оёқдаги операцияларда қўлланилади. Жигут тез ечиб олинганда новокаин интоксикацияси рўй бериши мумкин. Бу асоратнинг олдини олиш мақсадида жгутни аста-секин ечиш зарур. Асоратларни даволаш учун антидодлар юборилади.

**Суяк ичи анестезияси.** Вена ичи анестезиясининг бир тури ҳисобланади. Оёқ ёки қўлга веноз жгут қўйилади, сўнгра суюкнинг (товор суяги, сон суяги дўнглари, катта болтир суягининг устки метафизи, билак ва тирсак суюкларининг бошчаси) ғовак моддасига

новокайн эритмаси юборилади. Новокайн эритмасининг миқдори ва концентрацияси анетезиянинг бундан олдинги туридаги кабилер. Оғриқсизлантиришнинг бу тури ортопедияда ва травматологияда таянч-харакат аппаратидаги операцияларда кенг құлланилады. Асоратлари, профилактикаси ва давоси бундан олдинги усууллардагига ўхшайды.

**Совитиб анетезия қилиш.** Шу мақсадда хлорэтил оксидатини оғриқсизлантириши керак бўлган тўқималар соҳасига йўналтирилади. Хлорэтил буғланганда ҳарорат кескин кўтарилади. Мана шу совитиш оғриқсизлантирувчи таъсирни келтириб чиқаради. Оғриқсизлантириш фақат тўқима юзасида, хусусан, терида юз беради. Кичикроқ операцияларда, масалан, юза жойлашган йиринглаган соҳани кесиша қўлланилади.

**Перидурал анетезия.** Оғриқсизлантиришнинг бу турида анетезия қиласидын моддани орқа мия анетезияси каби субарахноидал бўшлиққа эмас, балки перидурал бўшлиққа юборилади, қаттиқ мия пардаси тешилмайди. Анетезия қиласидын модда сифатида 3:1000 физиологик дикаиннинг эритмаси (20—30 мл), 1% ли тремикаин эритмаси (20—20 мл) ёки 1% ли лидокаин эритмасидан (20—30 мл) фойдаланилади.

Орқа мия анетезияси қараганда оғриқсизлантиришнинг бу турида хавф-хатар кам бўлади. Оғриқсизлантирувчи таъсир 4—5 соат давом этади, ичакнинг операциядан кейинги парезлари юз бермайди. Ҳозирги вақтда узоқ давом этадиган перидурал анетезия қўлланилади. Оғриқсизлантиришнинг бу тури торакал операциялардан сўнг беморларда оғриқни йўқотишида қўлланилади. Камчилиги шуки, бажариш учун кўп вақт сарф бўлади, релаксация етарли эмас. Каудал анетезия перидурал анетезиянинг бир кўриниши ҳисобланади. Бу усул гистоскопия, геморроидэктомия ва айрим урологик амалиётларда оғриқсизлантириш ҳамда ҳомиладорнинг кўзи ёриши пайтида қўлланилади. Каудал анетезия учун 2% ли 20,0 мл маркайн, 1% — 20,0 мл дикаин эритмалари ишлатилади. Каудал анетезия ҳосил қилиш учун думгаза бўшлигининг дистал қисмига анететзик юборилади. Юборилган анететзик 1- бел умуртқаси сатҳигача тарқалади ва шу соҳа иннервацияси қилинади.

**Пресакрал** анетезия паравертебрал анетезиясининг бир кўриниши бўлиб, думгаза сугининг бештала тешигидан чиқувчи нерв толаларининг ўтказувчанилигини блокада қилишга асосланган. Анетезиянинг бу усули кичик чаноқ органлари, урология ва проктология амалиётларини бажаришида кенг қўлланилади. Анетезик ўрнида тримекайн, лидокаин ва новокайннинг 0,5% ли эритмалари ишлатилади.

Кучли оғриқ синдроми ва вегетатив нерв системасининг жароҳатларини ҳолларida маҳаллий анететикларни юзага келтирувчи блокадалар кенг ишлатилади. Блокада воситасида носинаптик сигналларнинг узатилиши тўсилади, симпатик рефлектор механизми ва кўндалангтарғил мушаклар фаоллиги кучайишининг олди олинади. Акушерлик тажрибасидан парацирвикал ва жинсий нерв блокадаси, оёқ ва

Құлдаги операцияларда озиқлантириш учун құймич-сон нервлари ҳамда билакларга филофли блокадалар ишлатилади. Бүйіннинг ваго-симпатик блокадаси күкрапқа қафаси ва органлари жароғаты ҳамда касаллиги оғриқ синдромини четлаштиришда самарали тадбир ҳисобланади.

**Паранефрал** блокада рефлектор анурия, меъда-ичак йўли парези ва шу сингари ҳолатларни даволаш тадбири сифатида ишлатилади. Блокада қилиш учун новокайнинг 0,2% ли эритмасидан 80,0 мл миқдорида паранефрал соҳага юборилади.

**Орқа мия аnestезияси.** Оғриқсизлантиришнинг бу турида аnestезия қиласынан орқа миянинг субарахноидал бўшлиғига юборилади. У орқа мия суюқлиги билан аралашиб, орқа мия нервлари илдизини намлайди, натижада оғриқсизлантирувчи таъсир юзага келади. Аnestезия қилинадиган модда юбориладиган жойнинг пастида оғриқсизлантириш юзага келади. Аnestезия учун 1 — 2 мл 5% ли новокайн, 0,5 — 1 мл 1% ли совкаин, 1 — 2 мл 2% ли тримекайн, 1 — 2 мл 2% ли лидокаин эритмаси қўлланилади.

Аnestезия бошлангандан сўнг сезувчанликнинг ҳамма тури (оғриқ, тактил сезги, температурани сезиши) йўқолади. Орқа мия аnestезияси артериал босимни бирмунча тушириб юбориши мумкинлигини унутмаслик керак. Шунинг учун бемор кўпинча ётган ҳолатда бўлиши зарур.

Препарат юборилгандан сўнг bemор чалқанча ётқизилади. Боши баландроқ кўтариб кўйилади. 10 — 15 дақиқадан сўнг аnestезия юз беради. Новокайн ишлатилгандан аnestезия тахминан 1 — 1,5 соат, новокайн, тримекайн, лидокаин ишлатилгандан 2 — 5 соатга чўзилади. Орқа мия аnestезиясида қорин бўшлиғи, кичик чаноқ аъзолари ва оёқда турли хил операцияларни ўтказиш мумкин. Қуйидаги асоратлар кузатилиши эҳтимоли бор: 1) пункция вақтида игна учи сезувчан нерв илдизига тегиб кетганда қаттиқ оғриқ пайдо бўлиши; 2) артериал босим пасайиб кетиб, ҳатто коллапс рўй бериши мумкин. Асоратларида даво қилиш учун қон ва қон ўрнини босадиган суюқликлар қўйилади, мезатон, эфедрин, адреналин, юрак дорилари юборилади.

Аnestезия даражаси юқори бўлганда нафас тўхташи мумкин, буни сунъий нафас олдириш йўли билан бартараф қилинади, бундан ташқари, лобелин буюрилади. Баъзан bemорнинг ҳарорати бир оз кўтарилади, кўнгли айнийди, қусади, боши оғрийди, сийдиги тутилади. Бундай ҳолларда симптоматик даво қўлланилади.

### **Аnestезист-фельдшер (ҳамшира) ишининг хусусиятлари ва беморларни наркоздан кейинги парвариши**

Аnestезист-фельдшер қуйидаги вазифаларни бажаради:

— аnestезиолог-шифокор буюрган дори-дармонларни bemорга юбориш;

- наркоз учун анестезиологик аппаратура, шунингдек асбоблар, медикаментлар, наркотик воситалар, кислород ва бошқаларни тайёрлаш;
- наркоздан сўнг асбоблар ва аппаратларни тозалаш ва дезинфекция қилиш;
- беморни наркозга ўз вақтида етказиш ва уни операция столига ётқизилиши устидан назорат қилиш;
- наркоз даврининг бошидан-охиригача — bemor уйгониб бўлгунга қадар анестезиолог-врачга доимо ёрдам бераб туриш;
- операция вақтида наркоз картасига пульс, нафас, артериал босим ва бошқа кўрсаткичларни ёзиб бориш;
- операция қилинган bemorни операциядан кейинги палатага кўчириш, уни кузатиш ва анестезиолог-шифокор рухсатисиз операция хонасидан кетмаслик;
- оғриқсизлантиришга сарфланган препаратларнинг ҳисобини олиб, уларни дорихонадан ўз вақтида регистрация қилиш;
- анестезиология асосларини билиш, зарурат бўлганда ниқобли наркоз бера олиши ва бошқариладиган нафасга ўтказа олиши лозим.

Операциядан сўнг дастлабки кунларда анестезиолог-врач ва анестезист-ҳамшира bemornинг аҳволидан ҳабардор бўлиб туради. Функционал каравот олдиндан тегишли ҳолатда ўрнатиб қўйилади. Иситгичлар, нам кислород учун аппарат, томизгичлар учун таглик, аспиратор, тонометр, фонендоскоп, стерил шприцлар, реанимация тадбирлари учун зарур бўлган дори-дармонлар тўплами, салфеткалар, оғиз кенгайтиргич, тил туткич, ҳаво ўтказгич, ларингоскоп, трахеостом учун тўплам, артерия ичига қон ҳайдаш учун система ва дефибриллятор тайёрлаб қўйилади.

Одатда, операциялардан сўнг bemor ёстиқсиз чалқанча бошини ёнбошга қилиб ётқизилади. Оёғига иситгич қўйиш ва бурунга нам кислород бериш йўлга қўйилади, қон ёки қон ўрнини босадиган суюқлик венага томизилади. Пульс, нафас, терининг ранги кузатиб борилади ва артериал босим ўлчанади. Бу маълумотларнинг ҳаммаси маҳсус картага ёзиб қўйилади. Bemornинг ҳолатига қараб бу маълумотлар 15, 30 ёки 60 дақиқадан сўнг ёзиб борилади. Анестезист-ҳамшира барча ўзгаришлар ҳақида анестезиологга хабар қилиб туриши лозим. Bemornи бир зум ҳам ёлғиз қолдирмаслик шарт.

Интубацион наркоздан кейин анестезиолог трахеядан найчани мустакил нафас олиш батамом тиклангандан кейингина чиқариб олади. Бунда тилнинг орқага кетиб қолиши олдини олиш ютиш рефлекси пайдо бўлгунга қадар bemornинг бошини ён томонга энгаштириб туриши лозим. Шу мақсадда баъзан bemornинг ўзига ҳаво ўтказгич киритиш лозим бўлади. Bemornи атайлаб уйғотиш керак эмас. Кусук массасидан аспирация юз беришининг олдини олиш учун bemornинг боши ён томонга бурилади, салфеткалар ва сургич билан вақт-вақтида оғиз бўшлиги тозалаб турилади, суюқлик ичишга йўл қўйилмайди.

Беморни мунтазам кузатиб бориб, унинг томир уриши ўрганилади, артерия босими ўлчаб турилади, нафас олиши кузатиб борилади, шундагина асорат хавфини пайқаб олиш ва уни ўз вақтида бартараф қилиш учун чоралар кўриши мумкин. Татьсир кучи давомли миорелаксантлар билан ўтказилган наркоздан кейин нафас тўхташи кечикиб юз бериши мумкин, бундан олдин bemor ланж бўлади, мушаклари бўшашади, юзаки нафас олади. Бундай ҳолларда кислород бериш, прозерин (миорелаксантлар антидоти), атропин юбориш керак.

Баъзан артериал босимнинг кескин пасайиб кетиб (коллапсга ўтадиган), огриқ шоки, қон йўқотиш, ўтқир юрак сустлиги ва етишмовчилиги, нафас ва буйрак усти безларининг етишмовчилигига сабаб бўлиши мумкин. Бунда тезкор терапия чораларининг ҳаммаси ишга солинади.

Наркоз асоратлари орасида бронхга шилимшиқ ёки қон тиқилиб қолиши сабабли юз берадиган ўпка ателектази кўпроқ келиб чиқиши мумкин. Ателектазни бартараф қилиш учун бронхоскопия ўтказилади, профилактика тариқасида суткасига 3 – 5 дақиқада 10 – 12 нафас гимнастикаси (қорин ва кўкрак учун), йўғалиб туфлаб ташлаш, резина ўйинчоқлар ёки шар пуфлаш (ўпкада ҳаво босимини ошириш унинг ёзилишига имкон беради) тавсия этилади.

Асоратсиз маҳаллий анестезияда операциядан кейин bemorни парвариши қилишга ҳожат бўлмайди. Даволаш касалликнинг характерига ҳамда ўтказилган операцияга кўра олиб борилади.

Орқа мия анестезиясидан кейин bemor чалқанча ётқизилади, боши тагига ёстиқ кўйилмайди, ўрнидан туришга рухсат этилмайди. Bemorни шу вазиятда 2 сутка мобайнида сақлаб туриш лозим. Албатта, бундай ҳолларда, худди наркоздан кейин бўлганидек, bemornинг томир уриши ва артериал босими мунтазам текшириб турилади.



## Талабаларнинг мавзуга доир билимини аниқлаш учун тестлар

1. Наркоznинг қайси босқичида операция қилинади?

- а) 1;
- б) 2;
- в) 3- а.
- г) 3- б;
- д) 4.

2. Наркоздан кейинги энг кўп учрайдиган асорат:

- а) кардит;
- б) юракнинг тўхташи;
- в) нефрит;
- г) бронхит;
- д) зотилжам.

**3. Музлатиш йўли билан оғриқсизлантиришда қўйидагилардан қайси бири ишлатилади?**

- а) новокаин;
- б) дикаин;
- в) лидокаин;
- г) совкаин;
- д) хлорэтил.

**4. Интубация учун қандай ашёлар керак бўлади?**

- а) ларингоскоп;
- б) шпатель;
- в) эндотрахеал най;
- г) най учун мандрен;
- д) юқоридагиларнинг ҳаммаси.

**5. Қайси наркотик модда газсимон?**

- а) эфир;
- б) хлорэтил;
- в) фторотан;
- г) хлороформ;
- д) азот (I)- оксид.



**Эслатма: тўғри жавоблар тагига чизилган.**

### ***Мавзуга оид муаммоли масалалардан намуналар.***

**1. Маститнинг юзаки тури билан оғриган беморнинг новокаинга аллергияси борлиги аниқланди. Операцияда маҳаллий анестезия қилиш учун беморга оғриқсизлантиришнинг бошқа қайси усулини кўллаш мумкин?**

**2. Меъда яраси ташхиси билан операция қилинаётган беморнинг териси операция вақтида тўсатдан кескин оқариб, муздек тер чиқди. PS кескин тезланишиб, А/Б кескин пасая бошлади. Кўп ўтмай, PS ипсимон бўлиб, юрак уриши тўхтади.**

**Савол:** Нима учун беморда бундай ҳолат юз берди?



## **VII. ОПЕРАЦИЯДАН ОЛДИНГИ ДАВР**

Операцияга тайёргарлик қўриш даври (операциядан олдинги давр) бемор стационарга келган ёки шифохонага мурожаат қилган пайтидан бошлаб, то операция бошлангунча ўтадиган вақтни ўз ичига олади. Операцияга тайёргарлик даврини босқичга ажратиш мумкин: ташхис қўйиш ва беморни хирургик йўл билан даволашга тайёрлаш. Дастребки босқичда ташхис қўйилади, турли аъзо ва системаларнинг аҳволи текшириб қўрилади ва операция қилиш учун

маълумотлар аниқланади. Кейинги босқичда эса бемор операцияга тайёрланади. Операциядан олдин беморнинг меъда-ичак системаси тозаланади.

Меъда ва ичакнинг дам бўлиши юрак ва ўпканинг (системасининг ҳам) функциясини бузади. Операция меъда-ичак системасида бажарилаётган бўлса, улардаги моддалар қорин бўшлиғига тушиб, қорин пардасини яллиглантиради. Операция пайтида меъданинг тўла бўлиши наркозда кўнгил айниб, операция пайтида асфиксияга олиб келиши мумкин.

Овқатнинг меъдадан ичакларга ўтиши бузилмаган ҳолларда уни операцияга тайёрлашнинг ўзи кифоя қиласди. Агар меъдада овқат эвакуацияси бузилган бўлса, операциядан олдин у сўриб олинади. Бунинг учун йўғон меъда зондидан ва катта шприцдан (Жане) фойдаланилади. Меъдада қуюқ овқат қолдиқлари<sup>7</sup> ва шиллиқ бўлса, уни ювиш керак бўлади. Бундай ҳолларда шприц ўрнига зонд учига катта шиша воронка кийгазилади.

Беморни операцияга тайёрлашда унинг бадан терисини тайёрлаш катта аҳамиятга эга, чунки тери бурмаларида, тешикчаларида кўплаб микроблар тўпланган бўлади. Шунинг учун ҳам bemорни операция арафасида чўмилтириб, кийимлари алмаштирилади.

Операция куни bemорнинг соchlari, тирноқлари олиниб, соқолмўйловлари қирилади. Операциядан бир кун олдин bemор умумий ванна қабул қиласди. Ҳар бир bemорни чўмилтириш учун ваннани иссиқ сувда мочалка ва чўткаларни қайнатиб стериллаш тавсия қилинади.

Ванна ювилгандан кейин у 3% ли лизол эритмаси ва илиқ сув билан чайиб ташланади. Bemорни чўмилтиришдан олдин 37—38°C ли сув билан 3/2 қисмигача тўлдирилади. Ювинишда bemорга ёрдам бериб, унинг териси рангидан ва айниқса аҳволидан хабардор бўлиб туриш керак.

Умуман, bemорларни операцияга тайёрлашнинг маҳаллий, умумий ва маҳсус турлари бор.

Маҳаллий тайёргарликда bemор тозалигига алоҳида аҳамият берилади. Унинг операция майдони атрофидаги туклари қирилади. Масалан, аппендицитда қорин олдинги деворининг (қов соҳасини кўшиб) 3/2 қисмининг туклари қирилади. Бунинг учун терини жароҳатламайдиган ўткир устаралардан фойдаланиш зарур. Тери операция арафасида қирилган бўлса, терининг кесилган жойларига инфекция тушиб, йиринглаб кетиши ва операцияни кечиктиришига сабаб бўлиши мумкин. Туклар қирилгандан кейин терини спирт, диоцид ёки бошқа антисептик эритма билан артиш керак.

Умумий тайёргарлик муҳим ҳаётий функцияларни нормаллаштиришга қаратилган бўлиб, хирург билан анестезиолог уни бирга ҳал қирилади. Инсон организмининг ички имкониятларини аниқлаш учун содда, аниқ маълумот олини мумкин бўлган усуллардан (Штанге, Генча ва б.) фойдаланилади. Нафас чиқариб тутиб туриш 12—10 с дан кам бўлса, бу юрак-томирлар, нафас олиш система-

ларининг функционал ҳолати ва имкониятларини пастлигини билдириб, наркоз ва операциянинг хавфи катта эканлигидан далолат беради.

Беморни санитария ва гигиеник жиҳатдан озода қилиш тўла ва қисман бўлади. Тўла санитария ишловида режали операция арафасида bemor тирноқларини олиш, душ ёки ванна қабул қилиб операция қилиниши керак бўлган соҳани тозалаб ювиш керак. Бемор операцияга тайёрланаётган палата поли, ҳамма нарса кечкурун хлораминнинг 0,5% ли эритмаси билан артилиши, шамоллатилиши ва ультрабинафша нурлар билан нурлантирилиши керак.

Бемор қисман санитария ишлов бериш шошилинч операциялардан олдин амалга оширилади. У тирноқларни олиш, қўлни, оёқларни ва тананинг бошқа ифлосланадиган қисмларини гексахлоран суспензиясида ҳўлланган сочиқ билан артишни ва операция майдонидаги сочни қиришини ўз ичига олади.

Операция арафасида bemor қўл соати, узуклари ва бошқа қимматбаҳо буюмларини сақлаш учун топширади. Премедикациядан олдин bemor қовуғини бўшатиши, кўзойнак, олинадиган контакт линза ва протез тишларини олиб, уларни палатада қолдириши лозим.

Операцияга тайёргарлик кўриш даврининг қанча давом этиши касалликнинг хусусиятига, bemornинг умумий аҳволига, операциянинг шошилинчлик даражасига ва хирургик йўл билан даволашнинг кўламига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Кечиктириб бўлмайдиган операцияларда (қон кетишини тўхтатиш, чувалчангисимон ўсимта ўткир яллиғланганда, меъда яраси тешилганда, ҳомила бачадондан ташқарида бўлган ҳолларда) операцияга тайёргарлик кўриш даври қисқа бўлади. Бу фурсат ичida фақат оддий тадбирлар (юваниш, сочни олиш), шунингдек текширишлар (қон ва сийдикни текшириш, кўкрак қафаси ва қорин бўшлигини рентгенологик текшириш) амалга оширилади.

Оғир аҳволдаги bemorлар учун операция зудлик билан қилинадиган бўлса, сув муолажалари қўлланилмайди. Юрак ва томирлар, трансплантология хирургиясида, меъда ва ўт йўлларини тиклаш хирургиясида операцияга тайёргарлик даври баъзан бир неча ҳафтага чўзилиб кетади.

Беморни операцияга тайёрлашнинг аҳамиятини баҳолаш мушкул, чунки қилинадиган операциянинг муваффақиятли ўтиши кўпинча ана шу тайёрлашга боғлиқ бўлиб қолади. Хирург операцияга тайёргарлик кўриш даврида ёқ хирургик йўл билан даво қилинаётган пайтда эҳтимол тутилган қийинчиликларни олдиндан кўра билиши керак. Бу қийинчиликлар шартли равишда оғриқсизлантиришнинг тури, қон кетиш эҳтимоли, операция шоки ёки ҳаётий муҳим аъзоларнинг шикастланиши эҳтимоли билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Беморни операцияга тайёрлаш даврида ўзгаришга учраган аъзолар фаолияти коррекция қилинади. Катта ҳажмдаги радикал операция паллиатив операцияга нисбатан катта захираларни талаб қиласди.

Операцияга тайёргарлик даврида режали операциялар қуйидагича ажратилади: 1) олис, 2) яқин орадаги ва 3) бевосита операцияга тайёргарлик күриш даври. Масалан, олис операцияга тайёргарлик күриш даврида беморда бўқоқ ёки туфма юрак касали бўлса, санаторий давоси қўлланилади, бодомсимон без ва чириган тишлар санация қилинади. Яқин орадаги операцияга тайёргарлик кўриш даврида (7 – 15 кун давомида) соматик системанинг умумий ҳолати яхшиланади, бевосита операцияга тайёргарлик кўриш даврида эса санитария ишлови ўтказилади, қовуқ ва тўғри ичакдаги моддалар чиқариб юборилади. Операциядан олдин bemornинг оғирлиги ва қон босими ўлчанади. Бемор кийимлари ечилиб, оқ халат кийдирилади ва ҳамшира bemornинг ўзини, касаллик тарихи ва текшириш натижаларига оид хужжатларни олиб операция хонасига киради.

Бевосита операцияга тайёргарлик даври тадбирлари ва белгиланган турдаги (стенозда меъданни тозалаш, йўғон ичакни резекция қилишдан аввал уни сифонли ҳуқна қилиш, йирингли ўпка касалликларида нафас йўлларини санация қилиш) операцияга тайёrlаш учун ўзига хос тадбирлар тафовут қилинади: ҳар қандай операция олдидан bemorni тайёrlаш даври учун бир хил ва мажбурий бўлган тадбирлар (гигиеник сувли ванна, сочни олиш, ҳуқна қилиб тозалаш, қовуқни бўшатиш) бевосита операцияга тайёргарлик кўриш даври учун тегишилди.

**Bemorni ruҳan tайёrlash.** Хирургик операциядан олдин bemor у ёки бу даражада ruҳan эзилиши мумкин. Буни баргараф этиш ёки камайтиришнинг улдасидан чиқилса, бу bemorni операцияга tайёrlашга ҳам операциядан кейинги натижаларга ҳам яхши таъсир кўрсатади. Tibbiёт ходими bemornинг асаб системасини бутун даволаниш даврида, айниқса, яқин орада бўладиган операцияга тайёргарлик кўриш даврида авайлаб-асраши зарур. Bu даврда bemordagi бўлажак операция билан bogliq kўrkuv va iшончсизлик пайдо бўлади, salbii kechimnalardan yozaga keladi, kўpland-kўp savollarr tufiladi. Bularning barчаси организм reaktivligini pasaytiradi. Шунинг учун savollargaga tўliq, iшonchli javob bериб, улардаги kўrkuvni йўқотиш лозим.

Операцияга тайёргарлик кўриш даврида bemor bilan shifokor ўртасидаги aloқa aйниқса кучаяди. Врачнинг bemorni операция яхши тугашига iшонтира oлиш қобилияти ҳамда даволаш bemorga янгидan-янги куч бағишлийди. Oғir, tuzatib bўlmайдиган kасалликлarda (masalan, xavfli ўсма kасалликларида) shifokor ongli raviishda ҳақиқатни bemordan яширади, aks ҳолда bemor sogайib ketiшига bўlган sўnгgi umidini ҳам йўқотади ва kасалlik янада tezlik bilan avж ola boшlайдi.

Операцияга тайёргарлик кўриш даврида uйқusizlikka va oғriққa қарши kурап мұхим aҳamиятga эга. Shu maқсадda uйқu, asabni tinchlantruvchi (trankviliзatorlar) va oғriқsizlantruvchi doridarmонлар (analgin, promedol, omnopon, morfin) қўлланилади.

Беморнинг соғайишига ўзини-ўзи ишонтира олиши, шунингдек, соғайиши ҳақиқат эканига ишонтира олиш ва тиббий гипноз катта аҳамиятга моликдир. Белгиланган операция кунини болаларга ва ҳисстүйгуга тез бериладиган bemorларга билдиримаган маъқул; бундай bemorларга наркоз беришни палатадаёқ ёки операция хонасидан олдинги хонада (операцияга тайёрланиш хонасида) бошлап мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир ҳолда ҳам операцияга bemornинг розилигини олиш зарур. Агар bemor ҳушини йўқотган бўлса ёки руҳий касаллик туфайли муайян жавобни бера олмаса, у ҳолда хирургик йўл билан даволаш масаласи шифокорлар консилиуми билан ҳал этилади. Бемор болани операция қилиш учун унинг ота-онаси розилигини олиш зарур. Жуда шошилинч операцияларда, bemor боланинг ота-онаси бўлмаса, у ҳолда бу масала ҳам консилиум йўли билан ҳал этилади.

### **Меъда-ичак системасини рентгенологик текширувга тайёрлаш**

Бунда рентгеноконтраст моддаларнинг қизилўнгач, меъда, ўн икки бармоқли ичак, ингичка ва йўғон ичаклар орқали юбориб, рентгенологик текширув ўтказилади. Бу текширишлар bemornинг меъда, ичагини ахлат ва елдан тозалашга қаратилган маҳсус тайёргарликдан кейин амалга оширилади. Bemor текширув арафасида қаттиқ овқат (қора нон, картошка, бодом, ўрик ва бошқалар) емаслиги керак. Кечкурун ва текшириш куни эрталаб тозаловчи ҳуқна қилинади. Текшириш арафасида ва шу куни ичакда ел ҳосил бўлиши (метеоризм)нинг олдини олиш учун сурги дори берилмайди. Меъдада кўп суюқлик йиғилиб қолганда уни бир неча кун давомида ювиб бориш керак. Ичилган контраст (дори) моддалар одатда йўғон ичакка бир кеча-кундуздан кейин ўтади ва шунинг учун bemornи ҳуқна қилмасдан текшириш керак.

Агар bemor текширишга яхши тайёрланган бўлса, рентгенологик усул диагностика учун қимматли маълумотлар беради.

### **Ўт пуфаги ва йўлларини рентгенологик текширишга тайёрлаш**

Холецистография — жигарнинг йоднинг айрим бирикмаларини қонга сингиб, уларнинг ўт билан ажралиб чиқариш қобилияти ва ўт пуфагида йиғилишини ўрганишга асосланган.

Холецистографияга хипагност, осбил, холевит ва бошқа дорилардан бирортасини кечкурун бир марта ва бўлиб-бўлиб қабул қилиш йўли орқали тайёрланиш мумкин.

Холеграфия ўт йўлларини рентгенологик текшириш усулидир. Юқоридаги текширишлар яхши натижа беришида bemorларни тўғри тайёрлашнинг аҳамияти катта.

Текширишдан 15 — 20 соат ва 1 — 1,5 соат олдин bemorgа тозаловчи ҳуқна қилинади, чунки ичак ахлат ва елдан холи бўлиши керак.

## **Беморни режали операцияга тайёрлаш**

Режали операция ўтказиш учун мажбурий ва маҳсус текшириш турлари белгиланади. Мажбурий минимум текширишга: кўздан кечириш, пальпация, аускультация киради. Шу билан бирга қон, сийдик ва нажаснинг умумий таҳлили, қон босимини ўлчаш, айрим ҳолларда кўкрак қафасининг умумий рентген тасвири, қон гуруҳи ва резус омилни аниқлаш лозим. Кекса ёшидаги bemорларни текширишда электрокардиография ва терапевт маслаҳати қўшилади. Маҳсус текширишларда, масалан, қонни текшириш лозимлигини инобатга олиб: а) бактериологик, серологик, б) биокимёвий, в) морфологик текширишлар ўтказилади. Шу жумладан, сийдикни текширишда Земницкий-Абурже, Аддис-Каковский, Ничепоренко синамалари, қанд миқдорини аниқлаш ва биокимёвий текширишлар кўлланилади.

**Юрак-қон томир системаси.** Юрак-қон томир системасини текширишда бирор хил касаллик (юрак пороги, гипертония касаллиги ва ҳ.к.) аниқланади. Беморларда артериал босим (айрим ҳолларда веноз босим ҳам), пульс албатта ўлчанади, электрокардиография, оксигемометрия (қоннинг кислородга тўйинишини аниқлаш) ва умумий қон таҳлили қилинади. Бирорта патология аниқланганда шифокор керакли дори-дармонларни bemорга буюради ва уни бартараф қилиш чоралари кўрилиб даволанади.

**Нафас аъзолари.** Нафас аъзоларини текширишда юқори нафас йўллари катари, бронхит, ўпка яллигланишини аниқлаш, операциядан олдинги даврда бу яллигланиш жараёнларини йўқотиш керак. Оғриқсизлантириш турини танлашда ЎТС (ўпканинг тириклик сигими; нормада 3500 — 4500 мл) аниқланади. Штанге синамаси (бемор максимал нафас олганда қанча вақт нафасни тутиб тура олиши; нормада 40 — 50 секунд) ва Гообразе синамаси (ўшанинг ўзи, бироқ максимал нафас чиқарганда нормада 15 — 20 секунд) қилиб кўрилади. Мураккаб операцияларда, айниқса ўпка ва юрак операцияларига тайёрлашда спирография, юрак бўшлигини зондлаш ва бошқа текширувлар ўтказиш шарт.

**Хазм аъзолари.** Оғиз бўшлигини соғломлаштиришда (санацияга) милкнинг яллигланиши ва чириган тишларни олдиришга катта аҳамият берилади. Меъда-ичак йўлларида бирор касаллик (гастрит, меъда ва ўн икки бармоқли ичакнинг яра касаллиги, колит, бавосил ва ҳ.к.) борлиги аниқланганда улар дори-дармонлар билан даволанади. Операция умумий наркоз остида олиб бориладиган ҳолларда жигар функциясини текшириб кўриш зарур (зардобнинг умумий оқсили ва унинг фракциялари, Таката-Ара, тимол ва формалинли синамалар).

**Сийдик-таносил системаси.** Сийдикнинг умумий таҳлили ва Зимницкий синамаси қилинади, қолдиқ азот аниқланади. Керак бўлганда урологик текшириш ўтказилади. Буларга вена ичига дори юбориб экскретор урография, уретрома юбориб, цистография ёки

цистоскопиялар қилиш киради. Аёллар операциядан олдин албатта гинекологик текширилади. Патология топилганда тегишлича даво олиб борилади. Операция вақтида ва операциядан кейинги даврда қон кетиши хавфининг кучайиши сабабли ҳайз кўриш даврида операция қилинади.

**Қон ва қон яратувчи аъзолар.** Операциядан олдин қоннинг умумий анализидан ташқари қон оқиши ва қон ивиш вақти аниқланади. Мураккаб операциялардан олдин коагулография ва тромбоэластография қилинади. Операция вақтида ва операциядан кейин беморда қон ивиши пасайса, bemor кўп қон йўқотиши мумкин. Қоннинг ивиш хусусияти ошганда тромбозлар ва эмболиялар пайдо бўлади. Қонда юз берган ўзгаришларни назарда тутиб операциягача керакли ўзгаришиш қилинади.

**Асаб-руҳий сфера.** Бемор психикасини эҳтиёт қилини зарур, чунки унга озор етказиш касаллик кечишини оғирлаштиради. Айрим bemorлар ўзида рак касаллигини борлигини билгандан кейин руҳан эзилади: ўйчан бўлиб қолади, иштаҳа ва уйқуни йўқотади.

Тиббиёт ҳамширасининг вазифаси bemorни тинчлантириши ва унга тасалли бериш. Унга бўлажак операциянинг нечоғлик зарурлигини тушунтириш, операциянинг яхши натижа билан тугашига ишонтириш, мисол тариқасида шундай операцияни бошидан кечирган bemorларни тузалиб кетганлиги тўғрисида сўзлаб бериш керак. Тиббиёт ҳамшираси бирор ҳолатни тушунтиришда даволовчи шифокорнинг гагларига асосланиши лозим. Маълумотлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда bemor тиббиёт ходимиға ишонмай қолади.

Касаллик тарихининг bemor қўлига тушиб қолишига асло йўл қўймаслик керак, чунки маҳсус билими бўлмаган bemor ундаги маълумотларга тушунмай, ўзича нотўғри хулоса чиқариши мумкин.

**Тери қопламлари.** Тери қопламларини кўздан кечирганда йиринглаган жой, яллигланган инфильтратлар борлигига аҳамият бериш керак. Теридағи ҳамма яллигланиш жараёнларини тутатиш зарур, чунки операциядан кейин бу касалликлар эндоген инфекция манбаи бўлиб қолиши ва ҳатто йирингли жараённи авж олдириб, оғир асоратлар келтириб чиқариши мумкин.

Операциядан бир кун олдин bemor гигиеник ванна қабул қиласи, операция майдони соҳасидаги тук-жунлар фақат операция қилинадиган куни тозаланади.

## Ёши улгайган bemorларни операцияга тайёрлаш хусусиятлари

Беморларни операцияга тайёрлашнинг умумий қонун-қоидалари ҳамма учун бир хил, бироқ организмнинг ички имкониятлари камайиб кетиши ва операция жароҳатига қаршилик кучининг пасайиши сабабли катта ва кекса bemorлар атрофлича текширишга ҳамда тегишлича медикаментоз тайёрланишга муҳтож бўладилар.

Ёши катта кишиларнинг юрак-томир системасида кўпинча ёшга оид ўзгаришлар кузатилиб, қон айланиш этишмовчилиги аломатлари билан ўтади. Уларни, албатта, электрокардиограмма қилиб, кейин терапевт маслаҳати ўтказилади, кардиотроп дори-дармонлар тайинланади. Уларда аксарият пневмосклероз ва ўпка эмфиземаси кузатилади. Жигар ва буйракларда ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлади. Буларнинг ҳаммаси касалликнинг ўтишини анча оғирлаштиради ва операциядан олдинги тайёргарлик муддатини узайтириб юборади. Бундай bemорлар учун нафас гимнастикаси операциядан кейин содир бўладиган пневмониянинг олдини олишда муҳим восита бўлиб хизмат қиласи.

Ёши катта bemорлар ичак функцияси етарлича ишламаганидан қабзиятдан нолиб юрадилар. Операциядан олдин уларга тегишли юмшоқ парҳез овқатлар тайинланади, вақт-вақтида тозаловчи ҳуқна қилинади.

Bеморга илиқ душ хонасида санитария ишлови ўтказилади. Ваннага тушиши буюрилган бўлса, сув ҳорорати  $36 - 37^{\circ}\text{C}$  дан ошмаслиги керак. Организмнинг қаршилик кучи камайганлигини ҳисобга олиб уни совқотишдан асраш лозим.

Гуруҳдаги bemорларга барбитуратларни эҳтиётилик билан буюриш керак (нафас маркази фаолиятининг пасайиши, жигар ва буйрак функциясининг бузилиши). 60 дан ошган кишиларга ҳар қандай дори воситаларини буюришда юқори миқдор эмас, балки катталарга бериладиган умумий миқдорнинг 3:4 — 1:2 қисмини қўллаш лозим. Бундай кишиларга наркотик воситаларини танлаш ҳам ўоят қийин. Морфин нафас бузилишига сабаб бўлгани учун уни юбориш тавсия қилинмайди. Пантопон ва промедол қўллаган маъқул.

### **Ҳолсизланган bemорни операцияга тайёрлану хусусиятлари**

Ўпка, меъда-ичак йўллари сурункали яллиғланиши натижасида организмнинг ҳимоя кучи камайиб, сув-электролит баланси бузилади ва анемия оқибатида озиб кетади. Натижада операциядан сўнг шок пайдо бўлишига, жароҳатнинг яхши битмаслигига ва аъзоларда асоратлар авж олишига мойиллик тугдиради. Бундай bemорларга такроран қон қўйилади. Витаминлардан  $\text{B}_{12}$ , С, А, 40% ли глюкоза эритмаси юборилади, темир препаратлари камполон тайинланади. Организм сувсизланганда 1,2 — 3 литр физиологик эритма (Рингер-Локк) ёки 5 — 10%ли глюкоза эритмаларидан қўйиш буюрилади. Юрак иши сусайганда юрак гликозидлари, камфора, кордиамин қўлланилади.

Bемор жуда озиб кетганда ва одатдаги усулда овқатлантириб бўлмаганда озиқлантирувчи ҳуқналардан фойдаланилади. Аввал ичакларни тозалаш мақсадида оддий тозаловчи ҳуқна қилинади.

Йўғон ичак орқали сув, ош тузи, глюкоза ва спиртгина сўрилиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик керак, шунинг учун озиқлантирувчи ҳуқна таркиби (0,85 % ли ош тузи эритмаси, тенг миқдорда олинган 5% ли глюкоза ва 4—5%ли спиртли эритма) 37—40° гача иситилиб, суткасига 2 литргача юборилади. Тўғри ичак орқали адакикаопептид гемодез, желатинол полидез ва бошқа стандарт эритмаларни юбориш мумкин.

Бироқ бундай ҳолларда парентерал овқатлантириш усулини қўллаган яхши. Шу мақсадда венага 300 — 500 мл дан албудакика, протеин, казеин гидролизати ва қон ўрнини босадиган бошқа суюқликлар, 40% ли глюкоза эритмаси инсулин билан венага ёки тери остига юборилади. Витаминлар комплексини қўллаш зарур. ЁF препаратларидан интролипид ва липофундин қўлланилади.

### Болаларни операцияга тайёрлаш хусусиятлари

Тиббиёт ҳамширасининг касал болага ғамхўрлик қилиб, уни қунт билан парвариш қилиши боланинг тез согайиб кетишига имкон беради.

Болаларда операция ўтказилиш учун ота-онаси ёки қариндошларининг ёзма розилигини олиш шарт. Уларга операциянинг хусусияти, оғир-енгиллиги, хавфи, шунингдек қандай натижа билан тугаши мумкинлигини тушунтириш лозим. Ота-онаси йўқлигига ошиғич ёки кечиктириб бўлмайдиган операция қилишга зарурат түғилганда бу қоидага амал қилинмайди. Бундай ҳолатларда камида икки кишидан иборат шифокорлар консилиуми операция қилиш-қиммаслик масаласини ҳал қилиб, касаллик тарихига акт қилиб ёзib қўйини лозим. Касалхонанинг бўлим мудири ва бош шифокорига қандай қарорга келингани тўғрисида хабар қилинади.

Операция қилиш муддати касалликнинг хусусиятига боғлиқ. Операцияни ҳар қандай ёшда, хатто чақалоқларда ҳам ўтказиш мумкин.

Операцияга тайёрлаш касалликнинг хусусиятига, беморнинг ёши ва умумий аҳволига боғлиқ. Мураккаб операциялардан олдин функционал диагностикадан фойдаланиб, батафсил текшириш ўтказиш лозим. Беморни операцияга тайёрлашда руҳий тушунишишнинг ўрни катта. Бу масалада ота-оналар ва тарбиячилар ёрдам бериши керак.

Кўкрак ёшидаги болалар операциядан бир кун олдин кеч соат 10 гача одатдагича овқатлантирилади. Каттароқ ёшдаги болаларга енгил кечки овқат ейишга рухсат етилади. Операциядан 3 соат олдин bemorга ширин чой бериш мумкин. У икки соатдан сўнг сўрилиб кетади ва қусишга сабаб бўлмайди. Беморни операцияга тайёрлаш учун сурги дорилар тайинланади. Тозаловчи ҳуқна бир кун аввал кечқурун ва операция куни эрталаб қилинади.

## **Беморни шошилинч операцияга тайёрлаш**

Қисқа анамнез йигилади, bemor умумий күздан кечирилади, перкуссия, аускультация пальпация қилинади. Агар bemornинг аҳволи имкон берса, қон, сийдикнинг умумий таҳлиллари, рентгеноскопия ёки рентгенография, маҳсус кўрсатмалар бўлганда эса қўшимча текширишлар ўтказилади.

Қабулхона бўлимидаги bemor аҳволининг оғир-енгиллигига ва операцияларнинг нечоғли шошилинч суратда ўтказилишига кўра тўлиқ ёки қисман санитария ишлови ўтказилади. Шошилинч ҳолларда bemornинг кийимлари ечилади, танасининг ифлосланган соҳалари булат билан артилади, тук (жунлари) қириб ташланади. Беморнинг меъдаси тўлиб кетган тақдирда ундаги модда зонд билан чиқарилади. Ҳуқна қилинмайди. Сийдик ажратиш қийинлашган бўлса, катетер билан чиқарилади, одатдаги ҳолларда эса bemornинг мустақил сийиши кифоя қиласди.



### **Талабаларнинг мавзуга доир билим даражасини аниқлаш учун тест**

- 1. Операциядан олдинги давр қачон бошланади?**  
а) касаллик бошланиши билан;  
б) bemor хирургия бўлимга ётган вақтидан;  
в) ташхис қўйилгач;  
г) операция бошланган вақтдан;  
д) bemornи операцияга тайёрлаш вақтидан.
  
- 2. Беморни операцияга тайёрлаш учун ҳуқна қилишда қандай ашёлар керак бўлади?**  
а) қайнатиб совитилган сув;  
б) тувак;  
в) Эсмарх кружкаси;  
г) вазелин;  
д) юқоридагиларнинг ҳаммаси тўгри.
  
- 3. Операцияга киришдан олдин bemorgа қўйидагилардан қайси бири мумкин эмас?**  
а) суюқлик ичиш;  
б) овқатланиш;  
в) руҳий зўриқиш;  
г) жисмоний зўриқиши;  
д) юқоридагиларнинг ҳаммаси.
  
- 4. Беморни чўмилтириш учун сувнинг ҳарорати қандай бўлиши керак?**  
а) 34—35°C;  
б) 35—36°C;

- в) 37—38<sup>0</sup>С;
- г) 39—40<sup>0</sup>С;
- д) 40—41<sup>0</sup>С.

5. Беморни операцияга тайёрлашнинг маҳаллий турига қуидагилар киради:

- а) операция майдони атрофидаги тукларни қириш ва юқумизизлантириш;
- б) ҳуқна қилиш;
- в) меъданни зондлаш;
- г) умумий ванна қабул қилиш;
- д) премедикация қилиш.



*Эслатма: тўғри жавоблар тагига чизилган.*

### *Мавзуга оид муаммоли масалалардан намуналар:*

1. Касалхонанинг хирургия бўлимига „Тез ёрдам“ машинасида шошилинч равинида олиб келинган bemорга „ўткир аппендицит“ ташхиси қўйилди ва жарроҳ ҳамширага bemорни шошилинч операцияга тайёрлашга кўрсатма берди.

**Савол.** Bеморни операцияга тайёрлаш учун ҳамшира нималар қилиши керак?

2. Ҳамшира bemорни режали операцияга тайёрлаётганда bemорнинг терисини шикастлаб қўйди.

**Савол.** Bеморни операция қилиш ёки шикастланган соҳага боғлам қўйиш мумкинми?



## VIII. ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВР

Бу давр операция тамом бўлгандан то bemornинг меҳнат қобилияти тиклангунгача бўлган вақтни ўз ичига олади.

Операциядан кейинги давр уч босқичга бўлинади:

1) эрта босқич — операциядан кейинги дастлабки 3 — 5 суткани ўз ичига олади;

2) кечки босқич — операциядан кейинги 2 — 3 ҳафтадан иборат, кўпинча у bemор касалхонадан чиқиб кетгунча давом этади;

3) келажак босқич — иш қобилияти тиклангунигача (ёки бошқа натижа аниқлангунча) давом этади.

Bемор учун операция — ҳам жисмоний, ҳам руҳий травмадир. Операциядан кейинти даврда, агар у ўз саломатлигига зътиборсизлик қилса, жароҳатдаги регенератив ва репаратив жараёнларнинг бузилиши юзага келади.

Бундан ташқари, операциядан кейинги давр; а) силлиқ ёки нормал кечувчи ва б) асоратлар билан кечувчи даврларга бўлинади.

Биринчи ҳолатда организмнинг ўртача реакцияси, иккинчисида эса операциянинг травмага нисбатан кескин ўзгарган реакцияси (гиперергик ёки анергетик ҳолат) кузатилади, бундай реакция организмда функционал ўзгаришни келтириб чиқаради ва операциядан кейинги асоратларнинг ривожланишига имкон туғидиради. Иккала давр ўртасида бирор аниқ чегара ўтказишнинг иложи йўқ, чунки кўпинча ҳатто нормал кечеётган операциядан кейинги давр бемор томонидан қилинадиган муайян шикоятлар билан ўтиши мумкин.

**Беморни операция хонасидан транспортировка қилиш.** Операциядан кейинги эрта босқич дастлабки 3 – 5 суткани ўз ичига олиб, бу давр bemорни операция хонасидан палатага анестезиолог-шифокор ва тиббий ҳамшира бошчилигига санитарка билан биргаликда ташишдан бошланади. Бунда bemорга қўшимча жароҳат етказмаслик, унинг йиқилмаслиги, боғламнинг сурилиб кетмаслиги, гипс боғламнинг синиб қолмаслиги каби эҳтиёт чораларига катта эътибор бериш лозим бўлади. Бунинг учун bemор операция столидан олиниб, эҳтиёткорлик билан аравачага ётқизилади. Бунинг учун замбиль қўйилган аравачанинг бош томони каравотнинг оёқ томонига тўғри бурчак остида қўйилади. Аксинча, bemорни бошқа вазиятда олиб ётқизилса ҳам бўлади. Бунинг учун замбильнинг оёқ томони каравотнинг бош томонига қўйилади ва bemор каравотга олинади.

Ҳозирги вақтда умумий оғриқсизлантириш остида ўтказиладиган ўта мураккаб операциялардан кейин bemорлар 2 – 4 кунгacha реанимация бўлимига ётқизилади. Кейинчалик bemорнинг умумий аҳволи яхшиланиши билан операциядан кейинги ёки умумий палатага ўтказилади. Операциядан кейинги палатада кислородни марказий узатиш системаси ва реанимация тадбирлари ўтказиш учун зарур асбоблар, аппаратлар ҳамда дори-дармонлар тўплами бўлиши лозим.

Одатда bemорга қулай вазият яратиш имконини берадиган функционал каравотлар қўйилади. Каравотга тоза чойшаб ёзилади, чойшаб остига клеёнка солинади. Болаларни каравотга ётқизишда операция жароҳатига қўйилган боғлам ва дренажларни юлиб олмаслиги ҳамда тинч ётишини таъминлани учун операциядан кейинги даврда қўл-оёғи боғлаб қўйилади (50- расм). Bemорни каравотга ётқизишдан олдин иситиқчлар билан иситилади. Лозим бўлганда аҳволи оғир bemорнинг боши, оёғи ва оралиқ соҳаси ювиб туриласди (51- расм).

Агар bemор умумий наркоз остида операция қилинган бўлса, уни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб олиб бориб ётқизишда ва ўзига келган дастлабки соатларда қайт қилиши мумкин. Шунинг учун унинг ёнида маҳсус тогора, қозоз, рўмол ва оғиз бўшлигини тозалаш учун асбоблар бўлини керак. Bemор қайт қилаётганда қусиғини чиқара олмай нафаси қайтиб, аспирация бўлиб ўлиб қолиши, тили осилиб, нафас олиши қийинлашиши ёки юрак фаолияти тўсатдан ёмонлашиши мумкин.



50- расм. Операциядан кейинги даврда болани каравотга фиксация қилиш.



51- расм. Операциядан кейинги даврда: а) сочни, б) оёқни, в) оралиқни ювип ва парваришлиш.



**52- расм.** Бемор чойшабини алмаштириш босқичлари.

Беморни операциядан сүнг ўзига келиш зали, интенсив терапия палатаси ёки реанимация бўлимига ётқизиш керак. Бу ерда bemорни мунтазам равишда кузатиб туриш ва зарур шошилинч ёрдам кўрсатиш имконияти тўлиқ таъминланган бўлади. Бемор операциядан кейин

ўзига келган пайтида күпинча асабийлашади, бақиради, ўриндан туриб кетмоқчи бўлади, боғловни юлиб олишга уринади. Беморни каравотга тўғри ўринга чалқанчасига, баъзан ярим ўтирган ҳолда (қалқонсимон без ва кўкрак қафаси аъзолари операцияларида) ёки юзини пастга қараган ҳолда (умуртқа ва орқа мия операцияларида) ётқизиб қўйилади.


Реанимация ва интенсив терапия бўлимларида томир уриши, нафас олиш ритми, тана ҳарорати доимо кузатилади, веноз ва артериал босим аниқланади, қон ва сийдик таҳлиллари, субэлектролит баланси аниқланади, юрак фаолияти назорат қилинади, зарурият тугилиб қолса ЭКГ ёки мия ЭЭГ қилинади, қон оқими тезлиги ва юракнинг бир дақиқада қанча ураётганлиги текширилади. Беморнинг аҳволини баҳолаш учун кузатишни ва интенсив терапия бўлими ходимининг ишини енгиллаштирадиган мониторлар системасидан фойдаланилади.

Операциядан кейинги даврда bemорлар кўп терлайди, шунга кўра ич кийимларини тез-тез алмаштиришга тўғри келади. Ички кийимларни ечиш муайян тартибда, яъни аввал кўйлакнинг орқа этаги эҳтиёти билан тортилади ва бошни чиқариб кўкракка туширилади. Сўнгра ички кийим енгларини, олдин соглом кўлдан, кейин касал кўлдан ечилади. Беморга кўйлак кийдириш тескари тартибда, яъни аввал касал қўлга, сўнгра соглом қўлга, ундан кейин бошдан ўтказиб елкага тортилади ва бурмалари тўғриланади. Беморнинг чойшабини кир бўлганда алмаштириш керак (52- расм). Бунинг учун bemор каравотда ёнбошига бурилади ва озроқ четга суриласди. Чойшабнинг бўш турган қисми bemорнинг елкасига қадар йигиштирилади. Тўшакнинг бўшаб қолган қисмига эса тоза чойшаб рулон шаклида ёзилади ва bemорни бирламчи ҳолатига айлантириб, тоза чойшабга чалқанчасига ётқизилади. Кир чойшаб йигиштириб олинади ва ўрнига тоза чойшаб тўшалади.

Бемор танасида ётоқ яралар (53- расм) пайдо бўлишига йўл кўй-маслик учун bemорни чойшабга ўралган, ичига ҳаво дамланган резина чамбарга ётқизиши мумкин ёки вақти-вақти билан bemорнинг каравотдаги ҳолати ўзгартириб турилади. Bеморнинг устига адёл ёпиб қўйилади, аммо жуда ҳам иссиқ қилиб ўраб-чирмаш ярамайди.

Операциядан кейинги дастлабки даврда bemорларни кузатиш ва парвариш қилишда тиббиёт ҳамширасининг тутган ўрни каттадир. Бунда ҳамшира асосий функционал кўрсаткичлар: пульс, нафас, артериал босим, ҳарорат, ичилган суюқлик ва ажратилган сийдик, плевра ёки қорин бўшлиғидаги суюқлик миқдорини ёзиб бориши керак.

Бундан ташқари bemорнинг шикоятларини албатта инобатта олиши лозим. Bеморларнинг юз қиёфасига (оқарган, тетик) терисининг рангига (оқарган, қизарган, кўкарган) ва ушлаб кўрилганда уларнинг ҳароратига аҳамият бериш зарур. Тана ҳароратини ўлчаб туриш (пасайган, нормал, ошган), bemорни мунтазам равишда умумий кўздан



**53- расм.** Беморда ётоқ яра  
хосил бўлиши мумкин  
бўлган жойлар.

Қон қўйилиши ёки менингит сабабли марказий нерв системаси фаолиятининг бузилганлиги натижасида юрак I дақиқада 40 — 50 марта уради. Артериал босимнинг пасайиб кетиши ва терининг оқариши билан бир қаторда **пульснинг тезлашиши ва заифлашиши** (дақиқасига 100 мартадан кўп) иккиласми шокнинг ривожланганлиги ёки қон кетганда юз бериши билан юзага чиқиши мумкин. Агар худди шундай ҳолат тўсатдан бўлса, бу ҳолда bemорда ўпка артерияси тромбоэмболияси борлиги тўғрисида фикр юритиш мумкин. Бу патологияда bemор бир неча секунд ичидаги вафот этиши мумкин. Шокка қарши тадбирлар ўтказиш (қон ва қон ўрнини босадиган суюқликлар қўйиш, юрак ва томирлар тонусини оширадиган воситалар) иккиласми шок профилактикаси ва давосининг асоси ҳисобланади.

**Нафас аъзолари.** Операциядан кейинги даврда bemорларда операция соҳаси қаердалигидан қатъи назар оғриқ, bemорнинг мажбурий ҳолатни эгалланти ҳисобига нафас экспурсиясининг камайиши ва бронхлардаги шиллиқ моддаларнинг йиғилиб қолиши (балғамнинг етарлича ажралмаслиги) ҳисобига ўпка вентиляциясининг камайиши содир бўлади. Бу ҳолат ўпка яллигланишига ва ўпка этишмовчилигига олиб келиши мумкин. Буларнинг олдини олиш учун тиббий ҳамшира ёрдамида bemорлар эрта фаол ҳаракат қилиши, даво физкультураси, массаж, муентазам равишда кислород ингаляциясини қилиш, антибиотиклар билан даволаш. вақт-вақтида

кечириб бориш лозим. Энг муҳими, bemор организми аъзо ва системаларининг ҳолати устидан синчиклаб кузатиб туриш лозим бўлади. Bеморларга ўз тўшагида судно бериш (54-расм), сифонли ҳуқна қилиш, сийдириш ёки қовуққа катетер қўйиш лозим.

Операциядан кейинги даврда bemорлар назоратини тўғри ва аниқ ўюнтириш турли хил асрарларнинг олдини олишга қаратилган энг яхши чора-тадбир ҳисобланади.

**Юрак-томир системаси.** Юрак-томирлар системасининг иши тўғрисида пульс, артериал босим ва терининг тусига қараб хулоса чиқарилади.


**Пульснинг секинлашиши ва таранглигининг ошиши.** Бундай ҳолатларда мия шиши ва мияга



54- расм. Беморни суднага қўйиш.

балғам ажратиб туришга шароит яратиш, операциядан кейинги даврда келиб чиқиши мумкин булган зотилжам ва унинг етишмовчилигига қаратилган профилактика утказадилар.

**Ҳазм қилиш аъзолари.** Ҳар қандай операция, ҳатто у ҳазм аъзоларида ўтказилмаган бўлса ҳам унинг функциясига салбий таъсири қиласди. Яъни марказий нерв системасининг тормозловчи таъсири, bemornинг кам ҳаракат қилиши асосида ҳазм аъзолари ҳаракатида муайян дисфункция ҳолатини вужудга келтиради. Ҳазм аъзолари фаолиятини bemor тилини кўриш ва уни характерлаш орқали билиб олиш мумкин. Бунда *тилнинг қуруқлиги* — организмнинг суюқлик йўқотганлигидан, сув алмашувининг бузилишидан, *тилнинг қуюқ*,



55- расм. Беморни бурун-меъда зонди орқали озиқлантириши.

**Қўнгир караш** билан қопланиши — этиологияси турлича бўлган препарат ёки меъда-ичак йўллари парезидан ёки **тилнинг оқ караш** билан қопланиши—ҳазм жараёнининг бузилишидан далолат беради.

Оғиз қуриганда, оғиз бўшлиғида ёриқлар пайдо бўлганда эса сода эритмаси (бир стакан сувга 1 чой қошиқ); 2% ли борат кислота эритмаси; водород пероксид (1 стакан сувга 2 чой қошиқ) ва 1: 400 калий перманганат эритмаси билан чайиш ва артиш, глицерин суртиш тавсия қилинади. Оғизнинг қуруқ бўлиши — стоматит ёки паротитда (кулоқ олди безининг яллиғланиши) рўй бериши мумкин. Бунда сўлак ажралишини кучайтириш мақсадида сувга лимон қўшиб берилади. Оғир аҳволдаги bemorларни операциядан кейинги даврда парентерал озиқлантириш жуда муҳим бўлиб, катталарда ва болаларда бурун-меъда зонди (55- расм) ва гастроном зонди (56- расм) орқали амалга оширилади.

**Қўнгил айниши ва қусиш** наркоздан кейин ичакларнинг тутилиб қолиши, препарат оқибатида организмнинг заҳарланиши ҳисобига юз бериши мумкин. Қўнгил айниши ва қусиш сабабини аниқлаш зарур. Қусишида биринчи ёрдам бошни четга буриб энгаштириш, бурун орқали ингичка зонд киритиш ва меъданни ювишдан иборат. Дори воситаларидан атропин, новокаин, аминазин, церукал, аэрон, алмагел, пиполфен каби препаратларни қўллаш мумкин бўлади. Бундай ҳолларда қусуқ массаларидан аспирация юз бермаслигини назорат қилиб туриш зарур ҳисобланади.

**Ҳиқиҷоқ** диафрагма ёки адашган нерв таъсирланиши натижасида диафрагманинг тортишиб-қисқаришидан пайдо бўлади. Бундай



56- расм. Беморни гастроном зонди билан озиқлантириш.

ҳолларда таъсирланиш рефлектор характерда бўлганлиги учун атропин, димедрол, аминазин, вагосимпатик блокада, меъданни ювиш яхши натижা беради.

**Метеоризм** (қориннинг дам бўлиши). Операциядан кейинги даврда ичакларнинг парези ёки фалажи натижасида келиб чиқади. Метеоризмни бартараф қилиш учун қўйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия қилинади: bemorni vaqtisi-vaqtisi bilan urnidan turgizish, tўғri ichagiga gaz ҳайдайдиган найча қўйиш, тозаловчи ёки гипертоник ҳуқна ( $1 - 10\%$  ли натрий хлорид эритмасидан болаларга  $150 - 300$  мл, катталарга  $500 - 1000$  мл) қилиш, венага  $10\%$  ли калий хлориддан  $30 - 50$  мл, тери остига  $0,05\%$  ли прозерин эритмасидан  $1 - 2$  мл юборини керак. Парезнинг оғир даражаларида сифон ҳуқна буюрилади. Сифими  $1 - 2$  л ли воронкага резина найча кийгизиб, унинг иккинчи учини тўғри ичакка киритилади, воронкага уй ҳароратидаги сув қўйилиб, воронка пастга туширилганда сув ахлат массалари ва газлар билан воронкага чиқади, кейин эса тўқилади. Чиқсан суюқлик миқдорини ҳисобга олиб, яна шу жараён бир неча марта то ювинди сувнинг ранги тоза бўлгунга қадар такрорланади. Бунда ҳуқна учун  $10 - 20$  л сув талаб этилади (57- расм).

Қатор ҳолларда паранефрал новокаин блокадасидан фойдаланилади. Бунинг учун  $100$  мл  $0,25\%$  ли новокаин эритмаси паранефрал




57- расм. Сифонли ҳуқна ва унга керакли анжомлар.

тўқимага юборилади, блокада икки томонлама қилиниши мумкин. Болаларда юбориладиган дори миқдори кг. масса ҳисобида белгиланади.

Бу тадбирлардан ташқари, қўёш чигалига УВЧ гальванизация ёки диатермия қилиш, венага прозериннинг 10% ли глюкозадаги эритмасида даво дозасини 2 — 4 қисмга бўлиб томчилаб юбориш мумкин. Оғнев бўйича ҳуқна (30 мл глицерин, 3% ли водород пероксид, 10% ли натрий хлорид ва 150 мг сув) тавсия қилинади.

**Қабзият.** Операциядан кейинги даврда беморнинг кам овқатланиши ва кам ҳаракатланишидан келиб чиқадиган вақтингчалик ҳолатdir. Бунинг олдини олиш учун беморга фаол ҳаракатлар тавсия қилиш энг яхни чора ҳисобланади. Овқатнинг миқдори ва сифати, унинг таркибида кўп миқдорда сув ва кам миқдорда крахмал бўлиши (простокваша, кефир, мевалар) ични юмшатадиган таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, қабзиятни бартараф килишда ич юргизувчи дори-дармонлар, вазелин мойи беморга берилади ёки гипертоник, мойли ва баъзан сифонли ҳуқна қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Ич кетини.** Бунинг сабаблари нерв-рефлектор, ахолик гастроэнтерит, колит, препарат, ичак дисбактериози ва бошқалар бўлиши мумкин. Ич кетишни даволаш асосий касалликни даволаш билан якунланади.



58- расм. Қовуқни катетерлаш.

**Сийдик ажратиш системаси фаолиятининг бузилиши.** Нормада одам суткасига 1500 мл сийдик ажратади. Бироқ қатор ҳолларда буйрак функцияси бузилиб (нерв-рефлектор, интоксикация сабабли) сийдик ажратилиши ҳатто узил-кесил тўхтаб қолишигача (анурия) боради. Баъзан буйрак нормал ишлаб тургани ҳолда сийдик тутилиши — ишурия кузатилиб, бу аксарият нерв-рефлектор характерда бўлади.

Анурияда беморнинг ҳолатига қараб қўйидагича тадбирлар ўтказилиб, рефлектор ва физиологик ҳолатдан келиб чиқиш ҳам анча ёрдам беради. Бунинг учун bemorni ўтқазиб ёки ҳатто тик турғизиб қўйиш, қориннинг пастига грелка қўйиш, bemorni иситилган суднага ўтқазиш ёки ётқизиб қўйиш, тогорага сувни томчилатиб тушириш (рефлекс йўли билан таъсир қилиш) мумкин. Шу тадбирлар яхин натижга бермагандан шифокор кўрсатмаси бўйича қовуқ катетерланади ёки бошқа даво турлари ўтказилади (58- расм).

**Нерв-психик системаси** фаолиятининг бузилиши. Операциядан кейинги даврда бемор руҳиятининг ҳолати катта аҳамиятга эга. Бемор инжиқ, безовта бўлади, у муолажалардан бош тортади, бу эса ўз навбатида бир неча асоратларга сабаб бўлиши мумкин. Айниқса бундай ҳолатлар болаларда нисбатан анча оғир кечади. Операциядан кейинги даврда нерв-психик зўриқишини бартараф этиш зарур, бунга меди-каментоз даво буюриш билангина эмас, балки яхши парвариш қилиш билан ҳам эришилади.

**Боғламга қараб туриш.** Наркоз таъсири ўтиб бўлгандан сўнг bemor безовталаниб турли ҳаракатлар қилса, у боғламни тасодифан ечиб ёки суриб юбориши, натижада қон оқиши ёки жароҳатга инфекция тушиб, йиринглази мумкин.

Бемор тинч ҳолатда ётганида ҳам боғламга қон шимилиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларнинг ҳаммасида ҳам ҳамшира зудлик билан шифокорга хабар берини шарт. Одатда бундай боғламлар ўз вақтида алмаштирилиши лозим.

**Терини парвариш қилиш.** Бемор бир хил ноилож ҳолатда кўп ётиши туфайли баданининг тўшакка кўп тегиб турадиган жойларида, айниқса суяқ дўнглари соҳасида ётоқ яралар пайдо бўлади. Бу асоратлар оғир ётган bemorларда ташқи (эксоген) ва ички (эндоген) омилларнинг қўшилиб кетиши таъсирида пайдо бўлади. Бу омилларга биринчидан тўшак, чойшаб бурмаларнинг думгаза, товоң соҳасида, яъни суяқ билан тери ўртасида тери ости тўқимаси суст ривожланган жой ва терига узоқ вақт механик босим таъсир этиши натижасида қон айланишининг бузилиши оқибатида терининг озиқланиши бузилиши бўлса, иккинчидан метоболик ацидоз, гипопротеинемия ва анемия ҳисобига келиб чиқадиган тўқиманинг ички озиқланишининг бузилиши сабаб бўлади.

Клиник жиҳатдан бу терининг қизариши билан ифодаланади. Кейинчалик бу соҳа қонсизланади, териси кўчади, тўқималар йиринглаб эриб кетади. Бу асоратнинг олдини олиш учун аввало терини парвариш қилиш, bemorларнинг тез-тез тана вазиятини ўзгартириб туриш, чойшабдаги бурмаларни текислаш, bemornинг остига чамбар қўйиш зарур. Айрим-айрим секциялардан ташкил топган ва компрессор ёрдамида ҳаво билан галма-гал тўлдириб туриладиган антидикубитал (ётоқ ярага қарши) тўшаклар ўзини яхши оқлади. Бунда тўшакнинг бир жойининг ўзини босиб туришига йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, вақт-вақти билан bemor терисини камфора спирти билан мунтазам артиб туриш, массаж қилиш ва bemor ҳолатини ўзгартириб туриш ётоқ яра пайдо бўлишининг олдини олади.

Ётоқ яралар пайдо бўлганда биринчи навбатда уларга инфекция тушишининг, ҳўл некрозга ўтишининг олдини олиш керак. Бунинг учун ётоқ яра ва унинг атрофидаги тери 5% ли калий перманганат

эритмаси билан артилади ва унга актовецин тигерол малҳами суртилади, бирмунча чуқур некрозларда эса Лассар пастаси ёки Вишневский малҳами суртилган боғламлар қўйилади. Некроз тўқималарни кесиш яхши натижа беради. Ич бўшалгандан сўнг беморни тагини ювиш зарур. Аёлларнинг эса ичи келмаган бўлса ҳам ҳар куни остини ювип шарт.

### **Операциядан кейинги дастлабки кунларда беморни овқатлантириш**

Бунинг учун bemорни овқатлантиришдан олдин ҳамма даво муолажалари ва физиологик эҳтиёжларни тугаллаш, палатани йигиштириш ва шамоллатиши, оғир аҳволдаги bemорларнинг қўлини ювиб туриш керак. Агар bemор ўрнидан туриб ўтира олмайдиган бўлса, ёстигини баланд кўтариши ёки бир нечта ёстиқ қўйиб, қаддини кўтариб ўтқазиш керак бўлади. Bеморнинг бўйни ва кўкрагига клеёнка фартук тутилади. Ётадиган bemорларга овқатланиш вақтида каравот олдига қўйиладиган столчалар иншатилади. Оғир аҳволдаги, ҳолдан тойган ва ориқлаб кетган bemорларни турли мосламалардан фойдаланиб улар учун қулай вазиятда овқатлантирилади. Тиббий ҳамшира чап қўли билан bemор бошини ёстиқ билан бирга кўтаради, ўнг қўлида эса bemорга қониқ билан овқат тутади. Bемор овқат ичишни истамаган тақдирда оғзига зўрлаб овқат қўйиш мумкин эмас, чунки овқатнинг нафас ўйларига тушиши кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Оғир ётган bemорларни парвариплашнинг қийин томони — унинг иштаҳаси йўқлигидир. Ammo шунга қарамасдан ўтказилган операциянинг турига, оғирлигига қараб шифокор тавсиясига биноан парҳез таом беринг мақсадга мувофиқдир. Bu ўринда операция қилинган bemорларга бир неча аниқ парҳез таомлар тавсия қилинади.

#### **0- парҳез**

Операциядан кейин 2 – 3 кунга тайинланади. Бунга суюқ ва елимшак, тез ҳазм бўладиган, меъда-ичак йўлларини қитиқламайдиган овқатлар киради. Бунга гўшт бульони, сузилган компот, наъматак қайнатмаси, мевалар елимшаги (желе) киради.

**0 „б“ парҳез** – 0 парҳезга нисбатан бир оз кенгайтирилган – суюқ бўтқа, буёда пиширилган пудинг, оқсили қўймоқ (омлет), чала пиширилган тухум киради. Парҳез 3 – 4 кунга тайинланади.

**0 „в“ парҳез** – бунда олдинги парҳезга қўшимча буғланган творог, ёғсиҳ балиқ ёки товуқни қайнатиб пинириб, буғлатиб берилади, мева пюрелари ёки суюқ овқат, лимонли чой.

Кўшимча равиша витаминалар берилади.

## 1- парҳез

Биринчи парҳезга — Ia, Ib, Iva бошқа парҳезлар киради. Бу парҳезда чегараланган овқатланишдан анча кенгайтирилган овқатланишга ўтиш аста-секинлик билан олиб борилади. Биринчи парҳез овқат ҳазм қилиш тизимини механик, кимёвий ва термик жиҳатдан авайлаш унинг ҳаракат ва секретор функцияларини эҳтиёт қилишни кўзда тутади. У 0- парҳездан кейин асосан қорин бўшлиғида бажариладиган урологик ва гинекологик операциялардан кейин, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касалликларида, сурункали гастритларда тайинланади.

**1 „а“ парҳез** — меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигида тайинланадиган бошлангич парҳез бўлиб, операциядан кейинги даврда 10 — 14 кунга бемор тўшакда ётганда тайинланади. Бунинг таркибиға қайнатилган ёрма (крупа), қайнатилган гўшт ёки балиқ суфлеси, сутда пиширилган суюқ бўтқа, чала пишган тухум ёки унинг қуймоги (омлет), творог, компот киради.

**1 „б“ парҳез** — таркибиға I „а“ парҳездаги овқатлар кириб, унга 80 — 100 г. оқ нон, гўшт ва балиқ қиймаси кунига 2 марта берилади. Қиргичдан ўтказиб пиширилган бўтқа ҳам кўшилади. I „б“ парҳези 10 — 14 кун давомида берилади

**1 „в“ парҳез** — бу асосан I- парҳезга ўтиш арафасида тайинланади. Бу парҳезнинг таркибиға оқ нон, сабзавот ва мева пюрелари (картошка, сабзи, олма ва б.), бугда пиширилган гўшт ва балиқ котлетлари киради. Карши даволаш парҳези қуйидагилардан иборат: I „а“ парҳези (2 ҳафта давомида), I „б“ парҳези (5—7 кун). Бу парҳезлардан кейин анча вақтга I- парҳез асосий парҳез қилиб тайинланади. Бу парҳез яра касаллигини даволашда якунловчи ҳисобланади.

## 1- парҳез

Бу парҳезда витаминалар озгина етишмаслиги мумкин. Витаминалар сабзавот ва мевалар ҳисобиға тўлдирилади. 1-парҳезни амбулатория ва уй шароитида ҳам кўллаш мумкин. 1- парҳез камида 2 — 3 ой давомида тайинланади.

## 2- парҳез

Бу умумий овқатланишга ўтишдаги парҳез ҳисобланаб, I-ва 5- парҳезлардан кейин тайинланади ва етарли даражада чегараланганилиги билан ажралиб туради. 2- парҳез сурункали гастрит, секретор функцияси етишмовчилигида тайинланади (гипоацид ҳолати бўлганда). Бу парҳезда пайли гўшт, ўсимлик тўқимасига бой қовурилган овқатлар, сомсалар тақиқланиб, гўшт қиймаси, шўрна гўшти, ёғиз балиқ, чала пиширилган тухум, сут маҳсулотлари, шўрвага солинглан сабзавот, оқ нон тавсия этилади.

### **3- парҳез**

Ҳар хил сабабли ич кетишларда; алиментар сабабли ичак ҳаракатининг пасайиши, бавосил ёки парапроктит ёрилганда ва бошқа ҳолларда қўлланилади. Ўз таркиби бўйича 3-парҳез оддий, умумий овқатнинг ўртача аралаш рациони бўлиб, фақат иссиқ суюқликлар (куюқ чой, кофе, какао) ҳамда оқ нон, торплар чегараланган бўлади. Тўқималарга бой, ичак ҳаракатини яхшилайдиган озиқ-овқатлар, шолғом, сабзи, сабзавотлар, мевалар ва б. тавсия этилади.

### **5- парҳез**

Бу парҳез жигар, ўт йўллари ва ичакнинг сурункали касалликларида тавсия этилади. 5- парҳез жигар функциясини нормага келтириш, ўт ажралишини яхшилайди ва липотроп ҳусусиятини кучайтириб, ёғлар ва холестерин алмашинувини енгиллаштиради. Бунда ёғлар, тухум сариги иложи борича камайтирилиб, қовурилган таомлар, обдон пиширилган овқатлар тақиқланади. Углеводлар миқдори кўпайтирилади. Жигар ва ўт йўллари касалликлари хуруж қилганда 5 „а“ парҳези, 5- парҳезнинг таркибига кирадиган „п“ парҳези асосан панкреатитларда тайинланади. Бу асосан 4 та парҳездан ташкил топиб, яллиғланишнинг даврига қараб тайинланади.

### **6- парҳез**

Буйрак касалликлари — нефролитиаз, оксалурия ва подаграда тайинланади. Бу парҳезнинг характеристери унинг калориясига қараб аниқланади; 1- куни кундалик рационда 5 „п“ парҳези тайинланади.

### **14- парҳез**

Сийдикда фосфатурия бўлиб тош пайдо бўлиши шароити тугилганда, фосфор-кальций тузларининг организмдан чиқишини тезлаштириш учун қўлланилади. Бу парҳезни сийдикнинг ишқорий реакцияси нордонга ўтиши учун тайинланади. Шунинг учун 14- парҳез таркибига гўшт, балиқ, нон маҳсулотлари кириб, калорияли овқатлар кескин чегараланган бўлади (сут, сут маҳсулотлари ва сабзавотлар). Бундан ташқари, иштаҳани қитиқлайдиган овқатлар ҳам чегараланади (ўткир зираворлар — тузли, сиркали овқатлар ва ширинликлар). Бу парҳезнинг умумий калорияси, оқсиллар, ёғлар ва углеводлар миқдори организмнинг физиологик талабларига яқин бўлади.

### **15- парҳез**

Умумий овқатланиш рациони бўлиб, соғлом одамга мўлжалланган. Парҳез овқатга эҳтиёжи бўлмаган операция қилинган беморларга тайинланади.

Беморларга овқат турини белгилаш операциянинг ҳажми ва характеристига, касалликнинг турига ва кечишига боғлиқ. Шунинг учун уларни умумлаштирилган ҳолда қўйида келтирамиз.

1. Меъда-ичак операцияларидан кейинги дастлабки кунлари bemor умумий энтерал овқатлантирилмаслиги мумкин, сўнгра унга балласт моддалари чекланган овқат (бульон, кисель, сухари ва бошқалар), стол 1- А ёки стол 1- Б берилса бошлайди, кейинчалик bemor умумий столга (15) ўтказилади. Сут бериш мумкин эмас, қоринни дам қиласди (метеоризм).

2. Меъда-ичак йўлларининг юқори қисмидаги (қизилўнгач, меъда) операциялардан сўнг дастлабки 2 кун ичида bemorга оғиз орқали ҳеч нарса берилмайди. Парентерал усулда овқатлантирилади: тери остига ва венага қон ўрнини босадиган турли хил суюқликлар, глюкоза, қон юборилади, озиқлантирувчи ҳуқналар қилинади. 2 — 3- кундан бошлаб, стол № 0 (бульон, кисель), 4 — 5- кундан стол № 1-А (сухари қўшилади) , 6 — 7- кундан стол № 1-Б (бўтқасимон овқат), 10 — 12- кундан асоратлар бўлмагандан bemorni умумий столга (№15) ўтказилади.

3. Ҳазм йўлларининг, ковак аъзоларнинг бутунлиги бузилмай, қорин бўшлиғи аъзосида (ўт пуфаги, меъда ости бези, талоқ) қилинадиган операциялардан сўнг стол №13 (бульон, эзилтириб пиширилган шўрвалар сухари билан, кисель, печда пиширилган олма ва бошқалар) буюрилади.

4. Йўғон ичакдаги операциялардан сўнг 4—5 суткагача bemorni ичи келмайдиган шароитлар яратиш зарур. Bemorga крахмали кам суюқ овқат ҳар куни берилади.

5. Оғиз бўшлиғидаги операциялардан сўнг бурун орқали зонд киритилади ва bemorga зонд орқали суюқ овқат (бульон, қаймоқ, сут, кисель) берилади.

6. Меъда-ичак йўлларига алоқадор бўлмаган операцияларда bemorга дастлабки 1—2 кун ичида стол №1-А ёки №1-Б, кейинчалик стол № 15 буюрилади.

7. Юқорида келтирилган парҳезлар билан операциядан кейинги даврда кўкрак ёшидаги ва ундан катта ёшдаги болаларни овқатлантириш мақсадга мувофиқдир. Ammo кўкрак ёшидаги болаларда эса юқорида кўрсатилган столлар ўрнига она сути, сунъий озиқлантирувчи аралашмалар, глюкоза эритмаси ва сув берилади.

Bemorga парҳез таомларни чойнак, қошиқ, зонд ёрдамида бериш мумкин.

### **Болаларни операциядан кейин парвариш қилиш**

Кичикроқ, айниқса, маҳаллий анестезия орқали ўтказиладиган операциялардан сўнг bemorni умумий палатага ётқизиши мумкин. Чақалоқ бола онасига берилади. Катта операциялардан сўнг болани

реанимация тадбирлар ўтказиш имконини берадиган аппаратлар билан жиҳозланган операциядан кейинги маҳсус палатага ётқизилади.

Болалар совуққа чидамсиз бўлади, шунга қўра операция хонасида ҳам, операциядан кейин ётиладиган палатада ҳам ҳаво ҳарорати 20—22°C бўлиши керак. Ой-кунига етмай туғилган чақалок болаларга маҳсус палаталар ажратиш зарур, уларда ҳарорат 22—26°C атрофида сақланиши керак. Ҳаво ҳарорати 34—37°C бўлган очиқ ёки ёпиқ кювездардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Наркоз бериб қилинган операциялардан сўнг дастлабки соатларда болани чалқанча ётқизиш тавсия этилади. Коллапс рўй бериши эҳтимоли борлигидан гавданинг бош қисмини бирданига кўтаришдан эҳтиёт бўлиш керак.

Бемор бола қусаётган пайтида бошини ён томонга буриш керак. Қусиш тўхтагандан сўнг оғизни пахта тампон билан артиш лозим. Операциядан кейин эртаси куни гавданинг юқори қисми 30°ли бурчакка кўтарилади.

Парвариш ҳусусиятлари операциянинг характеристи ва оғир-енгиллигига боғлиқ. Юрак, магистрал томирлар, ўпка, қизилўнгач операцияларидан сўнг болалар реанимация палатасида 1—2 кунлик шифокор пости ташқил қилинади.

Беморга қўйилган боғлам доимо текшириб борилиши зарур. Оралиқ ва қориннинг пастки соҳасидаги жароҳатда нам ўтказмайдиган материаллар, жумладан клеёнка, полихлорвинил парда ва бошқалардан кенг фойдаланиб, алоҳида эҳтиёт чораларини кўриш лозим. Болалар улардан тезроқ қутулишга уриниб, бальзан уни олиб ташлашлари мумкин. Шунинг учун дренаж найчалар ва доимий катетерларни айниқса дикқат билан кузатиб туриш зарур.

Оғриқни йўқотиш учун барбитуратлар буюрилади, булар айни вақтда болаларни тинчлантиради ва уйқусини яхшилади. Наркотик дори-дармонлар эса жуда зарур ҳолатларда қўлланилади.

Маҳаллий анестезия ўтказилган операциялардан кейин шифокор маслаҳати бўйича турига қараб оз миқдорда чой қошиқда сув ёки ширин чой ичиришга рухсат берилади.

Умумий наркоздан сўнг ва bemor қусмаётган бўлса, 4—6 соатдан кейин сув ичириш мумкин.

Беморга операциядан 6—8 соат ўтгач овқат берила бошланади. Овқатнинг таркиби ва миқдори боланинг ёшига, касалликнинг характеристига ва операциянинг турига боғлиқ. Сув-туз ва оқсил алмашинувини тикланиш, етарли миқдорда витаминлар билан таъминлашнинг аҳамияти жуда катта.

Нормал ел чиқиши учун бир неча кун сурункасига тўғри ичакка газ ҳайдовчи найча қўйиш тавсия этилади. Кўпинча бу кичик ёшдаги болаларда қўлланилади.

Ҳар қандай оғир операциялардан кейин, айниқса кўкракдаги операцияларда кислород қўллаш зарур бўлади.

**Гипертермия.** Болалар ёшининг хусусияти шундан иборатки, ёш болаларда ҳатто кичикроқ операциялардан кейин ҳарорат 40—41°C гача кўтарилиб кетиши мумкин. Гипертермиянинг бир неча тури фарқ қилинади. Буларга: конституционал жисмоний ҳаракатдан кейинги ташналик иситмаси, церебрал, даврий иситма (Рейманн бўйича), инфекция иситмаси ва бошқалар киради.

**Рангпар гипертермия синдроми** (Омбредан синдроми) айниқса хавфли. Операциядан, ҳатто кичик операциялардан сўнг бир неча соат ўтгач, оғриқсизлантиришнинг туридан қатъи назар, ҳарорат 40—41°C гача кўтарилиши мумкин. Бунда юз оқариб кетади, кескин коллапс юз бериб, болани ўлимга дучор қилади. Давоси бошга, жигар соҳасига, сон томирларига ва буйракларга музли халтacha қўйишдан иборат. Уй ҳароратидаги сув билан тўғри ичак аста-секин такрор ювилади, вентилятор ёрдамида совитилади. Венага 5% ли совитилган глюкоза эритмаси, мускуллар орасига беморнинг ҳар бир ёшига қараб, 0,1 мл ҳисобида 50% ли анальгин эритмаси, 1% ли шунча миқдордаги димедрол эритмаси билан бирга юборилади.

**Талваса тутиши.** Талваса тутишига мойиллик операция қилинган болалар учун хос белги ҳисобланади. Талваса тутишига гипоксия, новокаин дозасининг ошириб юборилиши, мия пўстлогининг гексенал ёки тиопенталдан таъсиrlаниши, ҳароратнинг юқорилиги, калла суяги ичига қон қуилиши ва гипергидратация сабаб бўлиши мумкин.

**Ўтқир нафас етишмовчилиги .** Кўпинча юқори нафас йўллари ўтказувчанлигининг бузилиши баъзан эса марказий нерв системаси фаолиятининг бузилиши натижасида юзага келади.

**Симптомлари**—қаттиқ безовталаниш, лабнинг кўкимтири туслаги кириши, терлаш, нафас олиш ёки нафас чиқаришда диафрагманинг кескин ҳаракати, нафас олишда бўйиннинг қўшимча мускуллари, оғиз бўшлиги тубининг қатнашуви, қовурғалараро бўшлиқларнинг ичга тортилиши. Нафас олиш тўсатдан тўхтаб қолиши мумкин.

**Профилактикаси**—қусуқ массасидан аспирация рўй беринининг олдини олиш, бурун-ҳалқумдан шилимшиқни мунгасам тозалаб туриш, юбориладиган суюқлик миқдорини доимо кузатиб туриш, ҳар дақиқада 20—22 мартағача кислород бериб туриш ва оғиздан-оғизга усулида сунъий нафас беришдан иборат.

**Ўтқир юрак-томир етишмовчилиги** операция қилинган бола аҳволининг тобора ёмонлашиб бориши билан характерланади. Лоқайдлик ва теварак-атрофдаги воқеаларга қизиқишнинг йўқолиши ўрнини оғриққа реакциянинг йўқлиги эгаллади, бармоқ учлари кўкимтири туслаги киради, пульс ипсимон ва юмшоқ бўлиб, артериал босим пасаяди, тери кулранг туслаги киради, юрак тоналари тўмтоқлашади. Юрак-томирлар етишмовчилиги белгилари пайдо бўлиши биланоқ томирларга қўлланиладиган дори-дармонлар ёшга қараб кордиамин, эфедрин юборилади, кислород берилади, боланинг боши паст қилиб қўйилади.

Юрак тўхтаб қолганда ёки фаолияти бирданига сустлашганда ёпиқ массаж қилинади. Бу муолажада юракнинг, тўшнинг орқа ва умуртқа погонасининг олдинги сатҳи ўртасини босиб туришни таъкидлаш керак. Бунинг учун кичик ёшдаги болаларда ёпиқ массажни бажараётган шахс тўрттала бармоғининг кафт юзаси билан тўшнинг учдан бир пастки қисмини 1—2 см интервал билан ритмик равишда турткисимон босади. 8 ёшдан ошган болаларда, бири иккинчисининг устига қўйилган иккита қўл кафтлари билан босади. Одатда ёпиқ массаж сунъий нафас олдириши билан синхрон равишда олиб борилади.

**Қон кетиши** ташқи ва ички бўлиши ҳамда бевосита аломатлар билан ифодаланиши мумкин. Бевосита аломатлари — операция жароҳатидан қон кетиш, трахеоброҳал „дараҳт“дан қон оқиши, сийдик ва ахлатга қон аралашиб келишидир. Тери қопламлари ва қўриниб турадиган шиллик пардаларнинг оқариб қолганлиги, муздек тер чиқиши, тахикардия, артериал босимнинг пасайиб кетиши билвосита аломатлар жумласига киради. Ҳамма ҳолларда ҳам ҳамишира қон кетишининг ўзи пайқаган белгилари тўғрисида шифокорни хабардор қилиши керак.

**Олигурия, анурия** — сийдик чиқишининг камайиши ёки тўхтаб қолишидир. Сийдик миқдорининг кескин камайиб кетиши ё айланиб турган қон ҳажмининг сезиларли даражада камайиб кетганидан ёки буйракнинг зарарланганидан дарак беради.

**Болаларда операциядан кейинги парваришнинг ўзига хос хусусиятлари.**

Юз ва бўйинда қилинган операциялардан кейин чокларнинг яхши турганига ва операция қилинган жойнинг тоза ҳолда сақланадётганига катта эътибор берилади.

Боланинг қўлларидаги жароҳат батамом битиб кетгунча у каравотга боғлаб қўйилади ёки тирсак бўғими соҳасига енгил гипс боғлам ё бўлмаса фанер шиналар қўйилади, шунга кўра, бола қўлларини тирсак бўғимидан бука олмайдиган ва чокларга зарар етказа олмайдиган бўлади.

Юқори лаб тиртиқлиги туфайли операция қилинганда бола согиб олинган кўкрак сути ёки операциядан илгари унга бериб турилган сут аралашмаси билан қошиқдан овқатлантириб борилади. Овқатлантириб бўлингандан кейин ҳар сафар оғизда сут қолмаслиги учун 2—3 чой қошиқ қайнаган сув бериб, оғиз чайиб турилади. Жароҳат очиқ қолдирилган ҳолда боғлам қўймасдан даво қилинади.

Операциядан кейин 2 хафта ўтгач, болани кўкрак бериб эмизишга ёки сўргичдан овқатлантиришга ўтилади. Танглай очиқ қолганлиги туфайли қилинган операцияда болага бир ой давомида фақат суюқ овқат бериб турилади. Овқатдан кейин ҳар сафар оғзини чайиб

ташлаш таклиф этилади. Буни улдалай олмайдиган болаларга оғзидა овқат қолдиклари қолиб кетмаслиги учун қайнаган сув ичирилади.

**Құкрак қафаси аъзоларыда қилингандың операциялардан** кейин нафас етишмаслигининг олдини олиш биринчи даражали вазифа бўлиб ҳисобланади. Айни вақтда беморнинг ўрнидаги вазияти катта роль ўйнайди. Бола наркоздан ўйғонганидан кейин дарров қаддини кўтариб, ярим ўтирадиган ҳолатга келтирилади, лекин баъзида касал ёнбоши билан ҳам ётқизиб қўйилади. Ҳар бир аниқ ҳолда шифокор ҳамширага тегишли йўл-йўриклир беради.

Нафас йўлларида тўпланиб қолган шилимшиқни болалар йўталиб яхши чиқариб ташлай олмайди, шу сабабли шилимшиқни маҳсус мосламалар ёрдамида сўриб олиб ташлаш зарур бўлади. Мана шу муолажани ҳамшира шифокор буюрганига қараб ҳар 20—30 дақиқада мунтазам бажариб туриши шарт. Бундан ташқари ингаляциялар, қўкрак қафасини тебратадиган (вибрацион) массаж буюрилади. Вибрацион массаж қўкрак қафасининг ўпка жойлашган соҳаларига тўғри келадиган жойларини мўлжаллаб, чап қўл панжаси устидан ўнг қўл муштуми билан бир маромда тукиллатиб уришдан иборат. Горчичник, банка, балғам қўчирадиган микстуралардан фойдаланиш лозим.

Пневмоторакс ва гемоторакснинг олдини олиш учун плевра бўшлиғига одатда дренаж қўйилиб, унинг учи электр ёки сув оқими кучи билан сўриб оладиган (фаол дренаж) ёки клапанли резинка учлик кийгазилиб, антисептик суюқлиги бўлган мосламага уланади.

### **Ёши улгайган беморларни операциядан кейин парвариша**

Бу гуруҳдаги беморлар ўпка асоратларига мойил бўладилар, шунинг учун операциянинг биринчи қунидан асоратларнинг олдини олиш учун қуйидаги профилактика чоралари қўрилади: ўринда қаддини баланд қилиб ётқизиш, ўнбошидан бу ўнбошига айлантиришни эртароқ бошлаш, қўкракка галма-галдан банка ва горчичниклар қўйиш, трахеобронхеал шохларни яхши дренаж қиласидан нафас гимнастикаси ўтказишилди. Ёши улгайган кишилар организми кислород танқислигига ғоят сезувчан бўлади, шунга кўра уларга нам кислород билан нафас олишлари учун шароит яратиш зарур.

Тромблар ҳосил бўлишига мойиллик операциядан кейин ортиши қайд қилинади, бу қоннинг ивиш хусусияти устидан доимо кузатиб туришни талаб этади.

Кўп миқдордаги суюқликни тез киритиш эластиклиги кам томирлар ўзани ва юракнинг бўлимларига оғирлик қиласиди. Шу сабабли тузли эритмалар, қон, қон ўрнини босадиган суюқликлар венага аста-секин томчилаб қўйилади.

Тери остига суюқлик юборишни ҳам эҳтиётлик билан бажариш керак, чунки ёши улгайган беморларда суюқлик ёмон сўрилади ва

уни кўп миқдорда тез юбориш тўқималарнинг эзилишига, бу эса тери қисмларининг жонсизланишига олиб келиши мумкин. Шунга кўра, суюқликка аста-секин гиалуронидаза препаратларини қўшиб ва шу соҳага иситкич қўйиб, томчи юборилади.

Кекса кишиларда операция жароҳатининг субъектив сезгисиз ва симптомларсиз йиринглаши кўпроқ кузатилади. Шунинг учун боғламни тез-тез алмаштириб туриш тавсия этилади. Витаминалар буюрилади. Бадан терисини яхши парварии қилмаслик тез орада ётоқ яралар пайдо бўлишига сабаб бўлади ва улар кексаларда тез тузалмайди.

### Операциядан кейин юз берадиган асоратлар

**Қон кетиши** натижасида операциядан кейин қон оқишини етарлича тўхтатилмаганлиги, қон томирдан лигатуранинг сурилиб тушиши ва қон ивишининг бузилиши рўй беради. Агар қон кетиши биринчи икки ҳолат туфайли келиб чиқса, бемор операция столига дарҳол қайтадан ётқизилади ва жароҳат очилиб, синчиклаб кўздан кечирилади ҳамда қон оқиши узил-кесил тўхтатилади. Қоннинг ивиш ҳусусияти бузилганда антикоагулянтлар—кальций хлорид, викасол, аминокапрон кислота, янги цитратли қон ва бошқаларни қўллап лозим бўлади.

**Ҳиқилдоқ шиши** аксарият эндотратрахеал наркоздан кейин пайдо бўлади. Бунда товуш бўғиқ бўлиб чиқади ёки бутунлай йўқолади, нафас олиш ва чиқариш қийинлашади, безовталик ошиб боради, нафасда қўшимча мускуллар қатнаша бошлади. Бу хатарли асоратнинг профилактикаси уни техник жиҳатдан тўғри ўтказиш ҳисобланади.

**Давоси** — бу асоратни даволашда антигистамин препаратлардан димедрол, пипольфен, супрастин; шишга қарши дорилардан кальций хлорид, гидрокортизон; ментол, содали эритма, нам кислород билан ингаляция қилиш, кўкракка горчичник, оёққа иситкичлар қўйиш тайинланади. Консерватив даво фойда бермаган тақдирда трахеостомия қўйилади.

**Ўпка шиши.** Ўткир юрак-томирлар етишмовчилиги ва ўпкада қон димланиб қолиши бўғилиш хуружи билан характерланади. Бўғилиш хуружидаги нафас олиши ҳам, нафас чиқариши ҳам қийинлашади, бу ҳолат bemорда ўлим ваҳимаси билан кечади. Бунда bemор одатда мажбурий ҳолатни эгаллайди, оёқларини пастга тушириб ўтиради, терисининг ранги кўкимтири туслади, тер босади, нафас олиши ва пульс тезлашади. Хуруж қуруқ йўтал ёки кўпикли балғам акралиши билан ўтади.

Биринчи ёрдам кўрсатишида ҳамшира bemорни ўтқазиб, оёқларини ўриндан тушириб қўйиши, кислород ингаляциясини таъминлаши лозим бўлади. Венага 0,5 мл 0,05% ли строфантин эритмаси

ёки 1 мл, 0,06% ли коргликон эритмаси, 20 мл ош тузининг изотоник эритмаси ёки 5 % ли глюкоза эритмаси билан бирга юборилади. Шу вақтнинг ўзида 2 мл (40 мг) лазикс юборилади. Шулар билан бирга 10 мл 24% ли эуфиллин эритмасини қўллаш яхши натижа беради. Зарурат бўлганда қон олинади (500 мл гача) ёки оёқ-қўлга веноз жгутлар кўйилади.

**Паротит** – қулоқ олди безининг яллигланиши аксарият операциядан кейинги даврда дармонсизланган ва ёши улгайган кишиларда ҳазм аъзолари онкологик операцияларидан кейин пайдо бўлади. Кўпинча оғиз орқали овқатланмайдиган ёки суюқ овқат ичадиган беморларда чайнов мушаклари функцияси йўқолиб, сўлак безлари секрецияси бузилади. Бу эса оғиз бўшлигида микроблар кўпайишига ва уларнинг сўлак орқали безга ўтишига шароит яратади. Бунда безининг иккаласи ёки биттаси яллигланиди, оғриди, нишади, оғизни очин, чайнаш, гаплашиш қийин бўлиб қолади. Беморнинг умумий аҳволи ёмонлашиб, ҳарорати кўтарилади.

Паротит профилактикаси учун сўлак безлари функциясини кувватлаб туришга эътибор бериш; оғизни лимон бўлакчаси билан артиш, кучсиз антисептик эритма билан чайиб туриш, тил остига 1% ли пилокарпин эритмасидан 3—4 томчидан кунига 3 марта томизиш лозим бўлади.

Даволашда маҳаллий иситувчи компресслар, контрикални 20—30 минг ТБ дан венага томчилаб юбориш, физиотерапия муолажалари, касалликнинг болплангич даврларида антибактериал препаратлар тайинлаш лозим бўлади. Йиринглаб кетганда кесилади ва йирингдон бўшлиқ дренаж қилинади.

**Операциядан кейинги пневмония.** Аксарият қўкрак қафасидаги ва қорин бўшлигининг юқори бўлими аъзоларидаги операциядан сўнг пайдо бўлади. Операциядан кейин bemорлар операция жароҳатидаги оғриқ ҳисобига юзаки нафас оладилар ва йўталиб балғам ажратишдан қўрқадилар. Бу эса нафас йўлларида балғам тутилиб қолишига ва операциядан кейин организмининг заифлашиб, ўпка яллигланишига сабаб бўлиши мумкин. Беморларда пневмония пайдо бўлганда ҳарорат кўтарилади, умумий аҳвол ва нафас олиш қийинлашади, йўтал пайдо бўлади, ўпкада нам хириллашлар эшитилади.

Бундай асоратларнинг олдини олиш мақсадида bemорни фаоллаштириш — ўз вақтида балғамни ажратиб туриш, нафас гимнастикаси билан шуғуллантириш зарур бўлади. Бундан ташқари оғриқ қолдирадиган воситаларни ўз вақтида юбориш, тери остига 2 мл 20 % ли камфора эритмаси юбориш, қўкрак қафаси устига банка ва горчичник қўйиш, кислород ҳидлатини ва нафас йўлларига сода билан ингаляция қилиш лозим бўлади.

Даволаш умумий даво усулларини қўллаш (сульфаниламидлар, антибиотиклар, камфора препаратлари, банкалар, балғам кўчирувчи воситалар ва б.)дан иборат бўлади.

**Операциядан кейинги перитонит.** Аксарият қорин бўшлигидаги ичи ковак аъзоларда чокларнинг етишмовчилиги сабабли содир бўлади. Ҳамшира бу хатарли асоратни аниқлай билиши ва бу ҳақда шифокорга ўз вақтида хабар бериши лозим. Бу асорат беморларнинг қорнида тўсатдан ўткир оғриқ пайдо бўлиши, баъзан эса оғриқ соҳаси аниқ бўлиши, умумий аҳволи ёмонлашиши, ҳарорати кўтарилиши, пульси тезлашиши, кучли ташналик, кўнгил айниши, қусиш, қориннинг олдинги деворида мускуллар таранглашиши билан кечади. Кейинчалик заҳарланишининг кучайипи жараённада қориндаги оғриқ бир оз камайиши мумкин, аммо bemор қусади, ичи тўхтаб, ел чиқмай қўяди. Ичаклар дам бўлиб, диафрагма кўтарилади ва нафас олиш қийинлашади, юрак иши бузилади. Организм сувсизланади, юз қиёфаси ўткирлашади, кўз ичига ботади.

Заифлашган bemорлarda клиник ҳолат бирмунча бошқача бўлиши мумкин. Перитонитнинг оғир кечиши жароҳатнинг йиринглашига ва ипларининг очилиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳолат қорин бўшлигидаги босимнинг ошиши натижасида кўпинча операциядан кейинги ичак эвентрациясига (ташқарига чиқишига) олиб келади. Ушбу ҳолат кузатилганда чиқсан ичак дарҳол илиқ фурацилинга ҳўлланган стерил бинт ёки дока билан ёпилиб bemор дарҳол қайта операцияга тайёрланади.

**Давоси** — bemорни дарҳол қайта операция қилиш. Операциядан кейин дикқат билан парвариш қилишдан иборат.

**Операциядан кейинги психоз.** Заифлашган ва астеник bemорлар операциядан кейин кўпинча психоз ҳолатида бўладилар. Уларнинг ҳаракати галлюцинация, алаҳлаш ва меъёрий ҳаракатнинг бузилиши тариқасида намоён бўлади. Баъзан касал каравотдан сакраб тушиши, бойламларни ечиб ташлапши, ўзига ва атрофидаги кишиларга тан жароҳати етказиши мумкин. Бундай ҳолатларда bemорга тушунтириш, уни ётқизиш ва тинчлантириш ҳеч қандай фойда бермайди. Шунинг учун bemорнинг териси остига аминазиннинг 1—2 мл 2,5% ли эритмаси юборилади ёки хлоролгидратнинг 4% ли, болаларга 20 мл гача, катталарга 50 мл гача эритмаси ҳуқна қилинади.

Психиатр маслаҳати ташкил этилади ва bemор назорат остига олинади. Баъзан психоз ҳолатлари операциядан кейинги заҳарланиш, операция чокларининг етишмаслиги асорати бўлиши мумкин. Бу асоратларни ўз вақтида бартараф қилиш bemордаги психоз ҳолатларни бартараф қиласди.

**Тромбоэмболик асоратлар.** Операциядан кейинги тромбоз, яъни қоннинг қуюқлашиши ҳолатларига веналари варикоз кенгайган, қон ивиши бузилган, қон оқими секинлашган, қон касаллигига чалинган организм, сувсизланган ва қон томирлари шикастланган bemорлар мойил бўлади. Вена тромбозга учраганда унинг ялигланиши ҳисобига тромбофлебит келиб чиқади. Веналарнинг варикоз кенгайиши билан

касалланган шахслар, айниқса семиз, заифлашган, заҳарланган, онкологик беморлар ва кўп туққан аёллар бу касалликка мойил бўладилар.

Тромбофлебит юза ва чуқур веналарда (болдир ва чаноқ) юзага келиши мумкин. Юза веналар тромбофлебити учун кўпинча ўша соҳадаги мушакларнинг чарчаши характерли ҳисобланади. Бу соҳада тўқималарда яллиғаниш, инфильтрация, терининг ипсимон қизариши ва ҳароратнинг кўтарилиши кузатилади. Болдирилган чуқур веналари тромбофлебити учун оёқдаги шиш, чуқур веналар соҳасида оғриқ ва ҳароратнинг кўтарилиши характерли клиник белгилардир.

**Бирламчи ёрдам.** Тромбоэмболия қон оқими билан ўпка артериясига етиб бориб тиқилиб қолиши, тўсатдан ўлим юз беришига олиб келиши мумкин. Шунинг учун бундай асоратларнинг олдини олиш учун беморларни ўринда тинч ётишини таъминлаш лозим бўлади. Агар шундай йўлни кичикроқ эмбол босиб ўтса, ўпка артерияси асосидан ўтиб ўпка инфарктини келтириб чиқариши мумкин. Бу кўкракдаги ўзига хос оғриқ, нафас сиқиши, қон туфлаш ва пневмония клиникаси тариқасида кечади.

Шунинг учун тромбозларнинг олдини олишда операциядан кейинги даврда тўқималарда қон димлянишини камайтириши мақсадида касалнинг ҳаракатлари фаоллаштирилади, сувсизланиши бартараф қилинади. Оёқдаги варикоз кенгайган веналарга эластик бинт боғланади.

Тромбофлебитга маҳаллий даво қилиш мой-бальзамли боғламлар кўйиш (Вишневский малҳами), оёқни баланд қилиб кўйишдан иборат (Белер шинаси, болиш). Қон ивишини пасайтирадиган дори-дармонлар, антикоагулянтлар ёки фибринолизин, антибактериал препаратлар кўлланилади. Уларни қўллашда қон ивиши кўрсаткичларини таҳчилилар асосида динамик кўриш йўли билан белгиланади. Тромбофлебитни даволашда антибактериал препаратлар кўлланилади. Палатадаги режим беморларнинг стационарда даволанишида муҳим аҳамиятга эга. Чунки бсмор касалхонага тушгандан, то тузалиб чиққунга қадар маълум бир режим бўйича даволанади. Агар палапартишиликка йўл қўйилса, касалхонада ишлаб чиқилган қоида ва қонунларга амал қилинмаса, бу албатта беморнинг согайини жараёнiga маълум бир даражада салбий таъсир кўрсатади.

Яхши тузилган режим беморларга бутун кун мобайнода етарли даражада ухланиши ва дам олиши, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, хоналарни тоза тутиш, ўз вақтида овқатланиш, мунтазам шифокор кузатуви, даво муолажаларини кечиктирумай бажарилишини таъминлайди. Кундалик режим ва тартиб-қоидалар касалхона ва бўлим профилiga боғлиқ. Касалликнинг ҳаракети ва оғир-енгиллигига кўра беморларга қўйидаги режимлар тайинланади. Беморга ҳатто ўтиришга ҳам рухсат этилмайдиган қатъий ўринда ётиш режими; ўринда ётиш режимида ўринда ҳаракат қилиш мумкин, бироқ ундан туриб кетишга рухсат этилмайди. Ярим ўринда ётиш режимида bemor палатада юриши, ҳожатхонага бориши ва касалхона ичидаги бемалол юришига рухсат этилади.

Беморлар ички тартиб-қоидалар, шифокор күрсатмалари, тиббий ҳамширининг буюрганларини бажариши лозим. Ҳамшира bemorlarning палата ва коридорларда шовқин қилмасликлари, касалхонанинг бошқа бўлимларига бормасликлари, тунги уйқу, кундузги дам олиш вақтида осойишталикка риоя қилиб ўринларида ётишлари устидан кузатиб бориши керак. Соат 22—00 дан кейин ҳамма палаталарда чироқлар ва радио ўчириб қўйилади. Манипуляцияларни бажариш ва дори-дармонлар бериш bemorlarning овқат ейиши, ухлаши ва дам олиш соатларига тўғри келмаслиги керак. Шовқинни бартараф этиш учун ходимлар секин гаплашишлари зарур.

**Операциядан кейин bemorning ўриндан туриши.** Bemorning ўриндан туришига фақат шифокор рухсат беради. Ҳозирги вақтда операциянинг оғир-енгиллигига ва характеристига кўра bemorni фаоллаштириш мақсадида эрта, 2—3- куни тўшақдан туриш ва секин юриш тавсия қилинади. Болаларда эса иложи борича эрта фаоллаштириш яхни натижা беради.

**Чокларни қолдириш муддатлари ва олиш техникаси.** Кичикроқ операциялардан кейин (аппендэктомия, чуррани кесиш) чоклар 7—8 суткада олинади. Қоринни (мезда резекцияси, холецистэктомия), кўкрак қафасини (пульмонэктомия, лобэктомия) кесиб очиш билан боғлиқ бўлган операцияларда 9—10 суткада олинади. Хавфли ўсмалар сабабли қилинган операциялардан кейин чокларни олиш 12—14 суткаларгача қолдирилади, чунки бундай bemorларда тўқималар регенерацияси секинлаштан бўлади. Болаларда эса чок катталарга қараганда 1—2 кун эрта олинади.

Чоклар турли тиббий асбоблар ёрдамида олинади. Чок соҳасига йод эритмаси суртилади. Унинг бир учидан дастлаб пинцет билан тортилади ва тери остидан ипнинг тўқималарда турган қисмини, яъни чок материалининг оқ қисми олинади ва шу соҳадан чок қайчи ёки скальпель билан қирқиб олиб ташланади. Операция майдонига яна йод эритмаси суртилиб, асептик боғлам боғланади.

**Оғир аҳволдаги bemорни ювиб-тараш.** Оғир аҳволда ётган bemorlarning қўл ва юз териси қайнаган сувга ҳўлланган пахта билан артилади. Кўз, қовоқ ва киприкларини 2% ли илиқ борат кислота эритмаси билан пипетка ёки пахта пилик ёрдамида ювилади, оғиз бўшлигини тоза тутиш учун кунига 2—3 марта ювилади ёки дезинфекцияловчи эритма билан чайилади (калий перманганат, риванол, фурацилиннинг кучсиз эритмаси), сўнгра 10% глицерин қўшилган 1% ли борат кислота эритмасига ҳўлланган дока салфетка билан артилади. Оғир аҳволдаги bemorларнинг тагини кунига бир неча марта (сийиш ва ҳожатдан кейин) ювиш зарур.

Беморлар ҳафтасига камида бир марта ётган жойида илиқ сув билан совунлаб ювинтирилади. Чўмилтиришдан кейин ич кийимлари, ўрни алмаштирилади ҳамда тирноқлари олинади. Зарурат бўлганда дезинфекция тадбирлари ўтказилади.



## Талабаларнинг мавзуга доир билим даражасини аниқлаш учун тестлар

1. Қачон операциядан кейинги давр тугалланади?

- а) операциядан кейинги асоратлар тугаши билан;
- б) операцион жароҳатдаги чоклар олингандан кейин;
- в) bemор касалхонадан чиққандан кейин;
- г) операцион жароҳат битганидан кейин;
- д) bemорни меҳнат қобилияти тиклангандан кейин.

2. Ётоқ яра қандай шароитда пайдо бўлади?

- а) bemор қимирламай ётганда;
- б) гипсли боғлам эзганида;
- в) резина чамбар қўйилганда;
- г) трофик яралар бўлганда;
- д) соддалаштирилган физиотерапия қўлланилганда.

3. Операциядан кейин кузатиладиган пневмониянинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

- а) нафас гимнастикасини бажариш;
- б) шар пулфлаш;
- в) антибиотиклар юбориш;
- г) горчичник – банкалар қўйиш;
- д) юқоридагиларнинг ҳаммасини қўллаш.

4. Меъда ва 12 бармоқли ичак ярасида операциядан кейинги даврда қайси парҳез тайинланади:

- а) 5- парҳез;
- б) 10- парҳез;
- в) 1- парҳез;
- г) 1 а- парҳез;
- д) 7- парҳез.

5. Операциядан кейинги даврда bemорнинг оғиз бўшлигини чайиб туришда қуидаги препаратлардан қайси бири ишлатилмайди?

- а) сода эритмаси;
- б) фурацилин эритмаси;
- в) калий перманганат эритмаси;
- г) борат кислотаси эритмаси;
- д) водород пероксид эритмаси.



**Эслатма:** тўғри жавобларнинг тагига чизилган.

## *Мавзуга оид муаммоли масалалардан намуналар*

1. Операциядан кейинги даврнинг учинчи куни беморнинг аҳволи оғирлашиб қолди, бемор йўтадан, йўтал билан бирга балғам ажралишидан, кўкрак қафасида пайдо бўлган оғриқдан шикоят қиляпти. Беморнинг тана ҳарорати  $38,5^{\circ}\text{C}$ , аускультация қилиб эшитиб кўрилганда нам хириллаш эшитиляпти.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз.

2. Беморга қандай қилиб 1-ёрдам кўрсатасиз?

2. Операциядан кейинги даврнинг учинчи куни ошқозони операция қилинган bemorning аҳволи оғирлашиб қолди, бемор кетма-кет қайт қиляпти, қорин соҳасидаги оғриқдан шикоят қиляпти, bemor кўздан кечирилганда тана ҳарорати  $38,5^{\circ}\text{C}$ , қорин мушаклари нафас олиш вақтида иштирок этмаяпти, таранглашган, „Тахтасимон“ Шчеткин — Блюмберг белгиси мусбат, bemorning тили караш боғлаган.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз.

2. Қандай қилиб 1- ёрдам кўрсатасиз?



## ХУСУСИЙ ХИРУРГИЯ



### IX. ҚОН КЕТИШ СИНДРОМИ

Қон кетиши қон томирлари деворининг шикастланиши, бирор касаллик натижасида емирилиши ёки унинг ўтказувчанлиги ошиб кетиши сабабли келиб чиқади.

**Қон кетиш турлари.** Шикастланган томирнинг характери ва турига қараб артериал, веноз, капилляр ва паренхиматоз қон кетиши фарқ қилинади.

**Артериал қон кетиш.** Қон кетишнинг энг хавфли тури бўлиб, бу артериал қон томирлар шикастланганида юқори босим остида пульсимон қизил алвон ранги қон отилиб чиқиши билан характерланади. Бунда беморда қисқа муддат ичida кўп миқдорда қон йўқотганлиги учун ўткир камқонлик келиб чиқади ва баъзан ўлим юз бериши мумкин.

**Веноз қон кетиш.** Бу веноз қон томири жароҳатланганда юзага чиқади. Бунинг артериал қон кетишдан фарқи шуки, қон бир текисда, бирмунча секин оқади ва унинг ранги тўқ қизил бўлади. Бунда марказий қон томирининг жароҳатга яқин жойини босгандан қон оқиши тўхтамайди. Йирик веноз томирлар, шу жумладан бўйин соҳасидаги томирлар шикастланганда ўлим ҳаво эмболияси натижасида содир бўлиши мумкин. Бунда ҳаво „тиқини“ юракнинг ўнг ёки ўпка артерияларини бекитиб қўйиб, гемодинамиканинг кескин бузилишига олиб келади. Ўлим юракнинг рефлектор тўхташи ва нафас марказининг фалажланишидан юз беради.

**Капилляр қон кетиши.** Бу капиллярларни жароҳатланишидан юзага келиб, жароҳатнинг юзаки қонаши билан характерланади. Қон кўриниши жиҳатидан артериал ва веноз қон орасидаги ўртача ўринни эгаллайди. Капилляр қон кетиши гемофилия ва сепсисда хавфли бўлиб, у қон ивишининг пасайиши билан намоён бўлади. Одатда капиллярлардан қон кетиши ўз-ўзидан тўхташга мойил бўлади.

**Паренхиматоз қон кетиши.** Бундай ички аъзолар — (жигар, талоқ, ўпка, буйракларнинг ҳамма томирлари артериялар, веналар, капиллярлар) шикастланганда кузатилади ва бемор ҳаёти учун хавфли ҳисобланади. Бундай қон кетиши томирлар деворининг паренхиматоз аъзо стромаси томонидан тутиб турилиши, аъзода антикоагулянт моддалар туфайли тромб ҳосил бўлмаслигидан ўз-ўзидан тўхташига мойиллик бўлмайди.

**Қон кетиши бирламчи** (томир шикастланган заҳоти) ва **иқкіламчи** (қон тұхтагандан бир оз үтгач) операциядан сұнг лигатура сурилиб кетганда ёки жароҳатдаги йириングланиш жараёни туфайли томир чириғанда бўлади.

Қон кетиши, шунингдек **ташқи**—қоннинг жароҳатдан (тери, ичак) ташқарига оқиши ва **ички** — бирор ёпиқ бўшлиққа (қорин, плевра, мия), тўқималарга қон оқишига бўлинади. Қон оқишининг кейинги тури кўпинча жигар, талоқ каби ички аъзолар шикастланганда кузатилади.

### Ўтқир қон кетиши клиникаси

Ўтқир қон йўқотишнинг (ўтқир камқонлик) клиник белгиси тери ва шиллиқ пардаларнинг бирданига оқариб кетиши билан характерланади. Бунда беморнинг юзи сўлиб, кўзи киртаяди, артериал ва веноз босими пасаяди, пульси тезлашиб, тўлиқлиги суст ва ипсимон бўлади, нафас тезлашади, бош айланади, аъзойи бадани бўшашади, ташналиқ, кўз олдининг қоронғилашуви, кўнгил айниши ва баъзан қусиш кузатилади.

Ташқи артериал қон кетишида қирмизи қон пульсацияли оқим билан чиқа бошлайди ва тезда ўтқир камқонликка олиб келади. Ўтқир анемия учун қуйидаги симптомлар: ранг оқариши, тез ва кичик пульс, қон босимининг пасайиб кетиши, бош айланishi, кўз тиниши, кўнгил айниши, қусиш ва хущдан кетиш хосдир. Бу барча умумий симптомлар миянинг ўтқир қонсизланиши ва унинг функцияси бузилганлигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Артериал қон кетиши мия ва юрак-томир системаси функциясининг бузилиши натижасида беморни тезликда ўлимга олиб келиши мумкин.

Ташқи веноз қон кетиши учун тўқ қизил рангли қоннинг астасекин оқиб чиқиши характерли. Агар юқори веноз босимга эга бўлган бирор йирик вена шикастланса, қон юқори босим билан чиқиши мумкин, лекин бу одатда артериал оқимдан ўзининг пульсацияланмаслиги билан фарқланади. Йирик веналар жароҳатланиши натижасида юрак ва мия томирларида ҳаво эмболияси ҳосил бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам бу хавфли ҳисобланади.

Капилляр ва паренхиматоз қон кетишида бутун яра юзаси, ҳамма майда томирлар ва капиллярларнинг қонаши рўй беради, уни тўхтатиш жуда қийин ва бу кўпинча ўтқир камқонликка олиб келади.

**Ички қон кетишининг** клиник кўриниши шикастланган аъзо ва қон тўпланган бўшлиққа қараб, турлича бўлади; умумий ва маҳаллий симптомлари фарқ қилинади.

**Умумий симптомлар** қон кетишининг барча турлари, шу жумладан турли бўшлиқларга ички қон кетиши учун ҳам бир хилдир. Улар кўп қон йўқотишда вужудга келиб, ўтқир анемия белгилари пайдо бўлишидан иборат бўлади (ранг ўчиши, бош айланishi, хущдан кетиш, тез ва кичик пульс, қон босимининг тўхтовсиз пасайиши, гемоглобин фоизининг камайиб кетиши ва ҳ. к.).

**Маҳаллий симптомлар** турлича бўлади: қон калла суяги бўшлигига қўйилганда, миянинг эзилиши (босилиши) симптомлари кўринади; кўкрак қафасига қон кетиши (гемоторакс) шикастланган томонда ўпканинг босилиши ва бунинг натижасида ҳансираи пайдо бўлади; шунингдек, кўкрак қафасида нафас экскурсиялари чегараланади, перкуссияда ўпка товуши иоаниқ, ўтмас бўлиб қолади, кўкрак қафаси ҳаракати сустлашади, нафас иловқинлари қон тўплланган томонда суст эшитилади. Ташхис қўйиш мақсадида кўкрак қафаси пункция қилинса, плевра бўшлигига қон борлиги аниқланади. Коннинг қорин бўшлигига тўпланиши (гемоперитонеум) паренхиматоз аъзоларнинг (талоқ, жигар ва ҳ.к.) тери остидан ёрилиши натижасида, найчалардаги ҳомиладорлик ёрилишидан, қорин бўшлиги органларининг яраланишидан ва бошқаларидан ҳосил бўлади ва қорин пардасининг қитиқланиши симптомлари билан (огриқ, қорин мушакларининг таранглашиши, кўнгил айниши, қусиш ва ҳ.к.) ўгади. Бунда қорин бўшлигининг пастки қисмларида перкутор товуш бир оз тўмтоқлашиб қолади. Товушнинг ўтмаслашини тана ҳолатининг ўзгарини билан ўз жойини ўзgartиради.

Гемотораксда ҳам, гемоперитонеумда ҳам, маҳаллий симптомлардан ташқари йўқолган қон миқдори билан боғлиқ бўлган ўткир камқонлик белгилари кузатилади.

Перикард бўшлигига қон кетиши (гемоперикардиум) одатда ўткир анемия белгилари билан ўтмайди, ички қон кетишининг бундай жойлашишида юракнинг ўтказувчаниги анча кенгаяди ва суюқлик перикардитдаги сингари учбурчак шаклни эгаллайди.

Умумий белгилардан юрак тампонадаси ҳоллари бўлади (юрак фаолиятининг пасайиши, цианоз, веноз босимнинг ошиши ва ҳоказо).

Бўғимларга қон кетиши анатомик шароитларга биноан унча катта бўлмайди, шунинг учун ҳам бу ҳолларда ўткир анемия учрамайди. Маҳаллий симптомлар; бўғим ҳажмининг катталашиши, ҳаракатда ва пальпацияда огриқ, ҳаракатчанликнинг чегараланиши, мушаклар билан бекилмаган бўғимларда флюктуация симптомининг ҳосил бўлишидан иборат. Тизза бўғимига қон қўйилганда, шунингдек тизза қопқоғининг баллотация симптоми ҳам бўлади. Ташхис бўғим бўшлигини пункция қилиш ва у ердан қон олиш билан тасдиқланади.

Тўқималараро **гематоманинг** клиник кўриниши унинг жойлашиши, ҳажми, тўқимага қўйилган қоннинг ҳолати (суюқ ёки ивиган) ва жароҳатланган томир билан алоқасига боғлиқ бўлади. Ўткир камқонлик белгилари тўқималараро қон кетишида ва камдан-кам қорин орқаси бўшлигига қон қўйилганда учрайди.

Маҳаллий симптомлардан одатда кўпайиб борувчи шиш, гематомадан пастдаги томирларда пульснинг йўқолиши, цианоз ёки ишемия белгилари—терининг оқариши ва совиб қолиши учрайди. Беморлар кучли огриқдан шикоят қиласилар. Ушлаб кўрилганда агар қон суюқ бўлса, қон жимирлан симптоми, агар гематома бўнилигига бирор йирик arterия очилса, пульсацияни аниқлаш мумкин. Қўпинча тўқималараро гематомалар оёқ-қўлларнинг магистрал қон томирлари

шикастланганда ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган гематома веналарни ва шикастланмаган артерияларни қисиб қўяди ва бунга ўз вақтида хирургик ёрдам кўрсатилмаса, баъзан оёқ ёки қўлда ишемик гангrena ривожланиши мумкин.

Эрта ва кечки **иккиламчи қон кетиш** одатда тўсатдан бошланади. Эрта **иккиламчи қон кетиш** томирни ёпиб турган тромбнинг тушиб кетиши билан боғлиқ бўлади. Кўпинча бу бемор умумий ҳолатининг яхшиланиши натижасида юзага келади. Бунда қон босими ошиб илгариги ҳолига қайтади ёки қон кетиши натижасида ривожланган томирларнинг торайиши (спазм) йўқолади.

**Кечки иккиламчи қон кетиши** кўпинча яра инфекцияси ривожланишининг натижасида бўлиб, бунда инфекция томирни ёпиб турган тромбни ёки қон томир деворларини эртиб юборади (эрозия).

Қон йўқотишида ўлим оғир кислород ётишмовчилиги заминида нафас марказининг фалажланиши ва юрак фаолиятининг тўхташидан юз беради. Заифлашган беморларда, шу жумладан оч қолиш, толикиш, нерв-руҳий травмага учраш ва шок бўлган ҳолатларда, ҳатто оз миқдорда қон йўқотиши ҳам ўлимга олиб келиши мумкин.

Айниқса чақалоқларда, ёшига тўлмаган болаларда ва кексаларда оз миқдорда қон кетиши жуда оғир асоратларга, баъзан эса ўлимга олиб келади.

### Меъда-ичак тизимидан қон кетиш

Меъда-ичак тизимидан қон кетиши, қон қусини ёки анусдан қон кетиши билан характерланади. Қон кетиши оз ёки жуда кўп бўлиши мумкин. Оз миқдорда қон кетиши фақат нажас ва қусук массасини таҳдил қилиш билан аниқланади. Катталар ва болаларда меъда-ичак тизимидан қон кетишига олиб келувчи асосий касалликлар қўйидаги жадвалда келтирилган.

Хирургик касалликлар	Оралиқ касалликлар	Соматик ва юқумли касалликлар
Портал гипертензия	Чақалоқлар	Дизентерия
Геморрагик гастрит	меленаси	Геморрагик илеит
Меллори—Вейс синдроми	Меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси	Сальмонеллез
Қизилўнгач тешиги	Меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси	Энтероколит
Диафрагма чурраси	касаллиги	
Меккел дивертикули	Шенлейн—Генох касаллиги	
Ичакнинг иккиламиши	Гематомали	
Ичак инвагинацияси	полипоз	
Ичак дивертикули	(Пейтц-Егер синдроми)	
Йўғон ичак полипози		
Анус ёриғи		
Ўсмалар		

Меъда-ичак тизимидан қон кетиши жойига қараб З турга бўли-  
нади:

— **Юқориги** — бунга қизилўнгач, меъда, ўн икки бармоқ ичак,  
ингичка ичакнинг бошланғич қисмидан қон кетади. Бунда бемор  
ахлати қора бўлади.

— **Ўрта** — ингичка ичакнинг ўрта қисми ва ёнбаш ичак, кўр  
ичаккача бўлган соҳалардан қон кетади. Бунда бемор ахлати тўқ  
қўнгир ёки малина рангидан бўлади.

— **Пастки** — ўйгон ичак ва анал тешикдан қон кетади. Бунда  
ахлат ранги қизил қон аралаш бўлади.

Меъда-ичак тизимидан қон кетишига қуйидаги касалликлар сабаб  
бўлиши мумкин: портал гипертензияда қизилўнгачнинг варикоз  
кенгайган веналаридан қон кетиши, геморрагик гастрит, меъда ва  
ўн икки бармоқ ичак яраси ва яра касалликлари, янги туғилган  
чақалоқлар меленаси. Касалликлар учун хос бўлган асосий симп-  
томлар: қон қусиш ва анустан қорамтирирангли қон келиши (қора  
нажас).

### Портал гипертензияда қизилўнгачнинг кенгайган веналаридан қон кетиши

Бу ҳолга хос бўлган биринчи симптом — „буткул соғломлик“  
жараёнида рўй берадиган ҳолсизлик, кўнгил айниши, иштаҳа йўқ-  
лиги, иситма кўтарилиши ва бирданига кўп миқдорда қон қусиш.  
Қон қусиш қисқа вақт мобайнида тақрорланади, гоҳида оч рангли  
ректал қон келиш билан кечади.

Бу ҳолда беморнинг ранги оқаради, боши айланади ва огрийди,  
ҳолсизланади, кўп ухлайди. Артериал босими 80/40-60/30 га тенг  
бўлади. Қон таҳлилида анемия кузатилади. 6—12 соатдан сўнг  
беморнинг ахволи кескин оғирлашади. ФЭГДС да қизилўнгачнинг  
дистал қисмida кенгайган веналардан қон кетиши аниқланади. Жигар  
ва талоқ УТТда: талоқ ва жигарнинг катталашиши (ёки кичик-  
лашиши) аниқланади. Бармоқ билан ректал текширувда геморроидал  
тутунлар катталашиши аниқланади.

### Геморрагик гастрит

Бу ҳолда қон кетиши кам ёки кўп даражадаги диапедез билан  
боғлиқ. Диапедез турли сабаблар: эндокрин, инфекцион, токсик,  
септиқ, маҳаллий (дори моддалар, жароҳатлар, қон томирлар  
фаолияти бузилиши), алиментар омиллар таъсирида келиб чиқади.  
Кўп маротабали қон қусиш ва тана ҳароратининг кўтарилиши  
кузатилади. Пальпацияда меъда соҳасида оғриқ кузатилади, қорин  
парданинг таъсиrlанинг симптоми бўлмайди.

Лаборатория текшируларида гемоглобин гемотокрит, эритро-  
цитлар камайиши. ФЭГДС да шиши, гиперемия, нуқтали ва йирик  
эрозия (қон оқиб турувчи ёки фибрин билан қопланган) ёки кўп

миқдордаги нүктали петехия қон кетиши ва мөъда шиллиқ қаватининг катта миқдорини эгалловчи бир-бирига туташган эрозиялар аниқланади.

### **Тўғри ичак полипи**

Тўғри ичак полипида турли хил қон кетишлар кузатилади: қон ахлатда, алоҳида ёки кўп миқдорли қон томчилари тариқасида бўлади. Полип яллиғланишида танезм кузатилади, тўғри ичак соҳасида оғриқ бўлади, анусдан полип чиқиб туриши мумкин. Қон кетиши томчи кўринишида бўлади. Ташхис учун бармоқли ректал текширув, ректоскопия, ректоромоноскопия ўтказилади ва тўғри ичак полипи аниқланади.

### **Ануснинг ёрилиши**

Ануснинг ёрилишида асосий симптом бу дефекация вақтидаги кучли оғриқ ва қон кетиши ҳисобланади. Бунда нажас юзасида ва дефекация охирида қон томчилари пайдо бўлади. Дефекация рефлектор тутилиши туфайли қабзият келиб чиқади. Аналоскопия ва бармоқли ректал текширувда анус орқа айланасида ёрилиш ва яллиғланиш аниқланади.

Мөъда-ичак тизимининг пастки қисмидан қон кетишида консерватив даво умумий ва маҳаллий муолажалардан бўлиб, гемостатик терапия тўшак режими, парҳез, викасол, дицинон, кальций хлорид, витаминлар, қон ва аминокапрон кислотасини қўйиш ҳамда беморни дарҳол хирургик стационарга ётқизиш лозим бўлади.


Мөъда-ичак тизимининг пастки қисмидан қон кетишида орқа тенниги ёрилишидан ташқари барча ҳолларда дарҳол стационар шароитида даво ўтказади.

### **Бурундан қон кетиши**

Бурундан қон кетиши — кўпинча бурун шиллиқ пардаси қон томирлари ишикастланганда, юқори нафас йўулари яллиғланганда ёки хафақон ва жигар циррози каби касалликларнинг асорати сифатида кузатилади. Бурундан кўп қон кетганда қоннинг бир қисми оғиз бўшлигига, ундан мөъдага тушади. Натижада бемор қон қусади ва ахлати қорайиб келади. Бурундан кўп миқдорда қон кетиши ўткир камқонлик белгилари, тери рангининг оқариши, бош айланиши, чанқоқлик, тахикардия ва бошқа белгиларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

**Бурундан қон кетганда биринчи ёрдам.** Бемор ярим ўтқазилган, боши озорқ олдинга энгаширилган ҳолатда бўлади. Тинчлантирилади, иложи бўлса, гаплашмаслик, йўталмаслик, оптиқча ҳаракатлар қилмаслик сўралади.

I. Агар bemор беҳуш бўлса, горизонтал ҳолатда ётқизилиб, боши ёнбошга ўгирилади.



59- расм. Бурун бўшлигини тампонлаш.

2. Бурун соҳасига музли халта ёки совуқ сувга ҳулланган сочиқ қўйилади.

3. Бурун қанотлари бурун деворига 3—5 дақиқа босиб турилади.

4. Агар қон оқиши тўхтамаса, бурун бўшлиғига вазелин суртилган ёки 3% ли водород пероксид, адреналин эритмасига ҳўлланган пахта-тампон киритилиб, касалхонага юборилади.

5. Шароитга қараб олдинги ёки орқа бурун тампонадаси қилинади. Бунда тампон корицанг билан бурун бушлиғига олдиндан киритилиб, тампонланади (59- расм, а) ва орқадан тампонланиб олдингиси билан боғланади (59- расм, б, в, г).

### Бачадондан қон кетиши

Бачадондан қон кетини сабабларига организмнинг ёшига боғлиқ бўлган омиллари, оиласда ва ишда бўладиган кўнгилсиз воқеалар, эндокрин безлари фаолиятининг бузилиши, ўткир ва сурункали кечадиган инфекцион касалликлар, жинсий аъзолардаги сурункали яллигланиш жараёнлари киради. Этиологик омиллар ичida, айниқса, аёллар ва қизларнинг жинсий ривожланиши даврида бошдан кечирган юқумли касалликларини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Ановуляр қон кетиши:

1. Қисқа муддатда фолликулалар ёрilmай қолиб, майда бўлакларга айланганида.

2. Фоллиулалар узоқ вақт мобайнида ёрilmай, майда бўлакларга айланганида.

3. Етилмаган фолликула атрезияси (ёрilmай қолиши) ёки бўлакчага айланниб қолиши натижасида келиб чиқади.

Бачадондан дисфункционал қон кетишига гипофизнинг олдинги бўлаги фаолияти бузилиши сабаб бўлади.

Ановуляр дисфункционал қон кетиши, ҳайзнинг тўхтаб қолини (7—8 ҳафта давомида) бачадондан қон кетишни билан характерланади. Бу қиз болаларда кўпинча менаҳедан бошланади. Баъзан нормал ҳайз кўриш бирмунча қисқаргани ҳолда, дисфункционал қон кетиши билан алмашиниб туради.

Ҳайз тўхтаб қолганидан кейинги қон кетиши турли миқдорда, тезликда ва турли муддатларда давом этаверади. Дисфункционал қон кетиши жинсий ривожланиш даврида юзага келиб, унда ҳам қон кетиб, қизларда ҳатто камқонлик касаллигини келтириб чиқаради. Бу ҳолат бачадоннинг шу даврдаги қисқариш фаолиятининг бузилиши, яъни сусайинидан деб ҳисобланади. Қон кетиши яна қон қуюлиши ва суюлиш системаси фаолиятининг бузилиши билан ҳам кечиши мумкин. Бу ҳол қон кўп кетганда билинади. Қизлардан дисфункционал қон кетганда кўпинча уларнинг соматик ҳолати ҳам бирмунча ўзгаради.

Бундан ташқари, аёлларда бачадондан қон кетишига бачадон раки, бачадон бўйни эрозияси каби бир неча касалликлар ҳам сабабчи бўлади.

**Давоси.** Оғир қон кетишида беморнинг аллергик ва иммунологик ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда қон қуйиш керак бўлади. Қўшимча равишида К ва В<sub>6</sub> витаминлари 1,0 дан буюрилади. 200—500 мкг В<sub>12</sub> дан мускул орасига кун ора 3—4 ҳафта давомида, фолий кислотасидан 0,01—0,03 г дан ичиш учун кунига 2—3 марта, 1% ли 3—5 мл викасол мускул орасига буюрилади. 10% ли кальций хлорид венага ёки pregnантолдан кунига 2—3 марта 0,02 г дан мускул орасига юборилади. Маммафизин, АТФ, кокарбоксилаза, мексалинлар ҳам қон тўхташда яхши фойда беради. Кейинги даво гинеколог маслаҳати остида кечади.

**Профилактикаси.** Бачадондан дисфункционал қон кетишини келтириб чиқарган сабабларни ва жинсий аъзолар касаллигига алоқаси бўлмаган хасталикларнинг олдини олиш ва уларни даволашдир. Яна гигиена қоидаларига амал қилиш, бадантарбия машгулотлари билан шуғуланиш ҳам бу хилдаги жараёнларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

### **Бачадондан қон кетганда шошилинч ёрдам бериш**

Қон кетишининг айтилган хилларига даво қилишда, албатта, уларнинг сабабларини бартараф этиш керак, аммо шифокор кўргунча шошилинч ёрдам берганда консерватив характердаги бир қанча тадбирларни кўрса бўлади. Бундай тадбирларга қўйидагилар киради: 1) қон тўхтатувчи дорилар (эргоtin, питуитрин, кальций хлорид)

бериш; 2) қинни тампонада қилиш, сүнгра мия ва юрак анемиясини бартараф этиш учун каравотнинг оёқ томонини кўтариб қўйиш.

Анемия кучлироқ бўлганда қон қуйин операциянинг (шундай операция талаб қилинса) эсон-омон ўтишига умидни оширадиган ажойиб қон тўхтатувчи восита эканлигини эсда тутмоқ керак.

Қин қуйидагича тампонада қилинади: қўлни яхшилаб дезинфекция қилиб, беморнинг қовуги бўшатилади, сўнгра ташқи жинсий органлари ва қини, умуман қиннинг ҳар қандай операциясидаги сингари синчиклаб тайёрланади.

Сўнгра қин кўзгулар билан очилади ва барча гумбазларига стерил тампонлар жойланади, сўнгра қиннинг ўзи ҳам бўшроқ тампонланади. Тампонадани узун пинцет билан бажарган маъкул. Тампонада қилиниб бўлгач, беморнинг оёқлари жуфтлаштирилиб, тиззасидан сочиқ билан боғланади. Қорин пастига юқ (кумли халта) қўйилади.

Тампон кўп деганда 12 соат, узоги билан 24 соат туради, сўнгра тампон алмаштирилиши лозим. Иложи бўлса, беморни эҳтиётлик билан шифохонага етказиб бориш керак.

Анемия кучли бўлганда ва қулай транспорт топилмаганда тампонададан кейин шифокор етиб келгунча бемор ўз жойида қолдириб турилади.

### **Қон кетишини тўхтатиш усуллари**


Ёрдам бериш шароитлари ва тиббиёт ходимининг малакасига кўра қон оқишини тўхтатиш **вақтинчалик** ёки **узил-кесил** бўлиши мумкин. Одатда ўрта тиббиёт ходими ҳодиса содир бўлган жойда беморни стационарга олиб келишдан олдин қон кетишини вақтинчалик тўхтатади. Қон оқишини узил-кесил тўхтатиш стационар шароитида ва қатор ҳолларда операция йўли билан бажарилади.

### **Қон оқишини вақтинча тўхтатиш усуллари**

Қон оқишини вақтинча тўхтатишнинг бир қанча усуллари мавжуд.

**Босиб турувчи боғлам.** Қўл-оёқни босиб турувчи боғлами, вена ва кичикроқ артериялардан қон оқишини вақтинча тўхтатиша самарали восита ҳисобланади. Бунда жароҳатга стерил дока бир неча қават қилиб қўйилади ва устига яна стерил дока қатлами қўйилиб, унинг устидан маҳкам ўраб бинтланади ёки жгут қўйилади (60-расм).

**Оёқ-қўлни бўғимидан букиш.** Тақим, чов, сон, ёлка артерияси, чов бўғимида сон артериялари жароҳатланганда юз берадиган қон оқишини баъзан оёқ-қўлни максимал букиш ёки боғлаб тортиб қўйиш йўли билан тўхтатиш мумкин (61-расм).



**60- расм.** Құл ва оёқни босиб турувчи бөгелам.




**61- расм.** Құл ва оёқни букиш орқали қон тұхтатиш.

**Жароҳатда томирни босиб туриш.** Қулға стерил құлқоп кийилади вә у спирт, йод билан артилади. Күрсаткыч бармоқ жароҳатга кири-тилиб, сизиб чиқаётган қон томири босилиб қон кетиши тұхтатилади.

**Жароҳатни тарапнг тампонлаш.** Бунинг учун тампон олиниб, уни корнцанг билан жароҳатни бирин-кетин ва тарапнг қилиб тұлдирип орқали қон тұхтатилади. Одатда бу усул бурун шикастланганда құлланилади (59- расмға қаранг).


**Қонааб турған томирға қисқыч қуиши.** Оёқ-құл, чаноқ, қорин бүшлигіда чуқур жойлашған томирлардан оқаёттан қонни тұхтатиши имкони бўлмагандан қўлланилади. Бунда жароҳат орқали қисқыч ёки корнцанг киритилиб қонаёттан қон томири қисилиб қон тұхтатилади.

**Томир бўйлаб босиб туриш.** Бу усулда айрим йирик артериялардан оқаёттан қонни тұхтатишга томирни ўша томир яқинида жойланиған нұқталар орқали сүякка босиш йўли билан амалга оширилади (62-расм): а) ўмров ости артериясини ўмров суюги остида жойлашған



**62- расм.** Томир буйлаб босиб туриш.


нүктадаги биринчи қовурғага, имо-ишора мушаги түш сүяги дастасига ёпишиш жойи ташқарисидан босилади; б) уйқу артериясини бармоқ билан 6-бүйин умуртқасининг күндалант ўсимтасига (бу имо-ишора мускули ички томони узунлигининг ўрта нүктасига мос келади) босиши мумкин; в) сон артериясини пупарт бойламидан пастроқда қов сүягининг горизонтал тармогига босилади; г) тақим артерияси ярим букилган тизза бүгими чукурчасидан босилади; д) пастки жағ артериясини жағ сүягига; е) чакка артериясини чакка сүягига; ё) билак артериясини елка сүягига; ж) елка артериясини құлтиқ остини босиб туриш билан қон кетиш вақтінчалик түхтатилади.



63- расм. Жгут боғлаш.

**Жгут боғлаш.** Бу айниқса артериал қон кетишини тұхтатиша асосий усул ҳисобланади. Артериал қон кетишида жгутни жароқатта нисбатан марказий томонға қўйилади. Жгут солишдан олдин жгут солинадиган терини қисиб қўймаслик учун оёқ ёки қўлга сочиқ ёки бинт ўралади. Жгутни чўзиб, оёқ ёки қўл атрофидан айлантирилади. Жгут ўрамларининг кесишмай, балки ёнма-ён жойланишига эътибор бериш зарур. Жгут учлари маҳкамланади ва унинг ўрамларидан бирининг тагига жгут солинган вақт ёзилган қофоз қистириб қўйилади.

Артерияга қўйилган жгут тұгри солинганда оёқ ёки қўлнинг жгутдан четроқдаги қисеми оқаради, жгутдан пастда пульс йўқолади, қон оқиши тұхтайди. Етарлича тортилмаганда оёқ ёки қўл кўкариб кетади, пульс йўқолмайди, қон оқиши кучаяди. Қаттиқ қисиб боғланганда нервнинг шикастланиши сабабли оёқ ёки қўл фалаж бўлиб қолиши мумкин. Артерияга қўйилган жгут оёқ ёки қўлда кўпи билан 1,5—2 соат қолдирилиши мумкин. Шу вақт ичиде операцияни амалга ошириб бўлмаса, жгут ечилади, артерия қўлда босилади ва жгутни бир оз юқоригоқдан ёки пастроқдан яна қайта солинади (63- расм, а,б).



**64- расм.** Бўйиндан артериал ёки веноз қон кетганда жгут солиш турлари.

Махсус жгут бўлмаганда тасма, тизимча, даструмол кабиларни ишлатиш мумкин. Ясама жгутнинг босиши кучини ошириш учун унга таёқча суқилади ва бураш йўли билан қон оқишини узил-кесил тўхтатилади.

Бўйин томирларидан артериал қон оққанда бўйиннинг қон оқаётган томони қаршисига эгилган Крамер шинаси, беморнинг кўли ёки тахтакач кўйилади ва ундан тиргак сифатида фойдаланиб, жгут солинади (64- расм, а, б, в).

Веноз қон оқишида веноз жгут деб аталадиган жгут ишлатилади. У шикастланган жойдан пастроққа чамаси 6 соат муддатга солинади ва қаттиқ тортилмайди.

Бунда оёқ ёки қўл кўкаради артерияда пульс сақланиб қолади, қон оқиши тўхтайди.

**Қон кетишини узил-кесил тўхтатиш.** Хирургик стационарда операцияга кўйиладиган ҳамма талабларни ҳисобга олган ҳолда қон оқиши узил-кесил тўхтатилади.

### Механик усуллар

**Жароҳатланган томирни боғлаш.** Қонаётган томир исталган чок материали (ипак, лавсан, кетгуг) билан боғланади. Бу кенг тарқалган усуллардан ҳисобланади.

**Томир бўйлаб боғлаш.** Жароҳат қаттиқ инфекцияланганда ёки жароҳатланган томирни топиш қийинлигида ва техник нокулайликлар вужудга келганда қўлланилади.

**Томирларга чок солиш.** У ён томонлама ва айланма (томирнинг гир атрофида) бўлиши мумкин. Махсус чок материали билан травматик игналар ёки тантал тайёр скобалар жойланган тикиш аппаратлари ёрдамида томирларга механик чок солинади.

### Физикавий усуллар

**Совуқни маҳаллий қуллаш.** Бу мақсад учун аксарият муз солинган резина ёки полиэтилен халтачалар ишлатилади. Бу усулдан кўпинчча кичикроқ капилляр қон кетиш ҳолларида фойдаланилади.

**Электрокоагуляция.** Махсус аппарат қўлланилади. Коагуляция операция вақтида майда томирлардан қон кетишида қўлланилади.

**Иссиқ физиологик эритмани қўллаш.** Изотоник эритма 60—80% гача қиздирилади. Эритмага ҳўлланган салфетка қонаётган соҳага бир неча минутга қўйилади. Бу усулни асосан бўшлиқлардаги (кўкрак ва қорин бўшлиғидаги) операцияларда ва нейрохирургияда қўлланилади.

### Кимёвий усуllibар.

**Томирларни торайтирадиган препаратлар.** Бундай препаратларга адреналин, супраренин препарати киради. Препарат турига кўра маҳаллий, парентерал ёки энтерал ҳолда қўлланилади.

**Қоннинг ивиш хусусиятини оширадиган препаратлар.** Бу мақсадда водород пероксид, кальций хлорид, аминокапрон кислота, викасол ишлатилади. Водород пероксид маҳаллий шароитда қўлланилади. Бошқа препаратлар қон оқиши ҳолларида (бачадондан қон кетишида, меъданинг қонаб турадиган ярасида) асосан венага юборилади.

## Биологик усуllibар

**Гемостатик воситаларни маҳаллий қўллаш.** Бу мақсадда от зардоби, гемостатик булат, фибрин пардаси кабилардан фойдаланилади.

**Гемостатик воситаларни венага қўллаш.** Қон, плазма, гемофибрин, антигемафил глобулин (АГП) ва антигемофил плазма (АГГ), фибриноген ва бошқа препаратларни кичик дозаларда бўлиб бўлиб қўйиш яхши натижа беради.

## Қон кетишига олиб келувчи касалликлар

**Гемофилия** қон ивиш хусусиятларининг кескин пасайиб кетиши сабабли қон оқишига мойиллик билан характерланадиган туғма касаллик. Касаллик деярли фақат эркакларда учрайди. Қон оқиши салгина шикастланишлардан сўнг (лат ейиш, пичоқ кесиши, тиш олдириш ва ҳ.к.) пайдо бўлади. Қон оқиши қийинлик билан тўхтатилади. Қон ивишининг у ёки бу омиллари етишмаслигига кўра гемофилиянинг А, В ва С турлари фарқ қилинади. Гемофилиянинг А турида АГГ, АГП, қуруқ ва натив плазма қўйиш яхши фойда беради. В ва С турларида янги цитрат қон қўйиш ёки тўғридан-тўғри қон, эритроцитар масса, фибриноген қўйиш, С ва В витаминлари, рутин, кальций хлорид юбориш яхши натижа беради.

## Қон кетишининг асоратлари

**Хушдан кетиши.** Хушдан кетиши деганда бош мия томирларининг қисқа муддатли спазми натижасида юз берадиган ҳолат тушунилади. Кўп қон ўйқотиш оғриқ, чарчаш, руҳий кечинмалар ва шу кабилар хушдан кетишига сабаб бўлади.

Беморнинг тўсатдан хушдан кетиши натижасида тери ва шиллиқ пардаларининг кескин оқариши, юзаки нафас олиш, томир уришининг сустлашуви кузатилади.

**Давоси.** Ҳушдан кетиши сабабини бартараф қилиш лозим. Шикастланган кишининг бошини паст қилиб, оёқларини эса баланд қўйиб ётқизилади, нашатир спирти ҳидлатилади. Оғир ҳолларда сунъий нафас олдирилади, 20% ли кофеин, 1,0 мл 1% ли лобелин эритмаси инъекция қилинади.

**Коллапс.** Коллапс деб артериал ва веноз босимнинг кескин тушиб кетиши ва айланиб юрадиган қон массасининг камайиши билан ифодаланадиган ўткир юрак-томирлар етишмовчилигига айтилади.

Коллапсга тұстадан қон йўқотиш, шикастланиш, гавда вазиятини горизонтал ҳолатдан вертикал ҳолатга тез буриш (ортостатик коллапс), плевра ва қорин бўшлиғидан суюқлиқни тез чиқариш, оғир интоксикация (овқатдан заҳарланиш, ўпка яллигланиши, тиф ва ҳ.к.) сабаб бўлиши мумкин.

Коллапсда бемор аъзои-баданининг бўшашиши, цианоз, совуқ тер чиқиши, пульснинг ипсимон бўлиши, артериал босимнинг тушиб кетиши, тез-тез юзаки нафас олиш кузатилади. Ҳушдан кетишидан фарқли ўлароқ бемор ҳушини йўқотмайди.

**Давоси.** Коллапс сабабини бартараф қилиш, беморни иситиши, 0,5 – 0,1% ли адреналин, 1,5% ли эфедрин, 0,5 – 1% ли лобелин эритмаларидан бирини юборин, кислород бериш зарур. Оғир ҳолларда қон қўйишга киришилади. Венага 1 мл, 1% ли мезатон эритмаси, 1 – 2 мл 0,2% ли норадреналин эритмаси қўйиш яхши натижа беради.

**Геморрагик шок.** Геморрагик шокнинг келиб чиқиши ўткир қон кетиши билан боғлиқ. Аммо қон ҳажмининг йўқолиши билан бирга, унинг қанча вақт давомида юзага келгани ҳам катта аҳамиятга эга. Агар катталарда 1000 – 1500 мл қон аста-секин йўқотилса, организмнинг ҳимоя күчлари таъсирида асорат рўй бермаслиги мумкин. Аммо шу миқдордаги қон қисқа вақт ичиде айниқса кичик болаларда йўқотилса, бемор организми оғир асоратланади ва кейинчалик геморрагик шокка олиб келиши мумкин.

Геморрагик шокнинг клиникаси уч босқичда кечади: Компенсация, субкомпенсация ва декомпенсация.

Шокнинг **компенсация босқичида** юрак-томирлар системасининг ҳимоя-компенсатор функциясининг яхши бажарилиши натижасида марказий гемодинамика узоқ вақт ўзгармасдан турали, қон кетиши бартараф этилганда организмда бутунлай ўзариши сезилмайди.

**Субкомпенсация босқичи** анча оғир кечади ва керакли дори воситалари ёрдамида зудлик билан гемодинамикани тиклашнинг иложи бўлмаса, декомпенсация юзага келиши мумкин. Унда периферик қон томирларнинг қисқариши ҳам етарли фойда бермайди, беморда қон босими камайиб, артериал гипотония юзага келади.

**Декомпенсация босқичида** эса аъзоларда етишмовчилик юзага кела бошлайди. Ички аъзоларда томирлар қисқариши билан артериал гипотония кучаяди, тўқималар гипотонияси тез ривожланади. Организмда микроциркуляциянинг кучли бузилганлигидан беморда

акроцианоз пайдо бўлади. Олдинлари рефлектор характерга эга бўлган олигурия (сийдикнинг кам ажралиши) анурия (сийдикнинг бутунлай ажралмаслиги) га ўтади. Бу эса буйракда қон айланиши бузилганидан дарак беради.

Ўткир қон кетишини ташхислаш қийин эмас. Беморнинг ранги кескин оқариб кетади, тахикардия пайдо бўлади. Йўқотилган қон ҳажмини аниқлаш бирмунча қийин. Бунинг учун танада айланиб юрган қон ҳажмини ва унинг таркибий қисмларини аниқлаш керак бўлади. Шу мақсадда юқори ковак венага полизтилен катетер юборилади. Нормада марказий вена босими 35—100 мм сув устуни (2—8 симоб устуни) га teng. Унинг пасайиши қоннинг умумий ҳажми камайиши натижасида юракка қоннинг кам оқиб келаётганини билдиради, ошиппи эса аввало гиперволемиядан ёки юрак декомпенсациясидан дарак беради.

**Эмболия.** Қон томирига ҳаво кириб қолиши — **эмболиядир**. Аввал бу асорат йирик вена томирлари шикастланганда рўй беради ва беморни оғир аҳволга солиб қўяди. Кўпинча бўйинтуруқ венаси, ўмров ва қўлтиқ ости венаси, номсиз веналарда ҳаво эмболияси пайдо бўлади. Унинг юзага келишида айтиб ўтилган вена томирлари юракка яқинлиги, деворларининг қўшни аъзо тўқималарига бирикканлиги натижасида шикастланганда пучайиб қолмаслиги ва нисбий босим сабаб бўлади. Оз миқдордаги ҳаво қон томирлари орқали ўнг юрак бўлмачасидан ўпкага ўтади ва унга зарап етказмайди. Қон томирига ҳаво кўп тушадиган бўлса, унда ўнг юрак бўлмачаси катталашиб, уч тавақали клапанлар етишмовчилиги пайдо бўлади, бу юракнинг фалажланишига олиб келади.

Бемор рангизланиб, кўкариб кетади, қон босими пасаяди, пульси секин уриб, нафас олиши тўхтайди. Баъзида тиришиш белгиси пайдо бўлади. Агар ҳаво эмболияси белгилари аста-секин бошланса, bemor совуқ терга ботади, томир уриши секинлашиб, эсхуши йўқолади, кўз қорачиқлари катталашади. Юракка яқин веналар шикастланганда томирга сўрилаётган ҳаво ҳуштаксимон товуш чиқаради. Бундай ҳолда нафас чиқарилаётган пайтда қон ҳаво аралаш чиқади.

Ҳаво эмболиясини даволаш мураккаб бўлиб, бундай ҳолларда томирга ҳаво келишини тўхтатиш керак. Бунда вена томирининг марказий периферик учлари боғланади, ўнг юрак бўлмачасига нина билан пункция қилинади.

Қон кетиши асоратларидан яна бири пульсацияловчи гематома ҳисобланади. Бу асорат йиғилиб қолган гематома бевосита шикастланган қон томири атрофида бўлса юзага келади. Вакт ўтиши билан гематома атрофи бириктирувчи тўқима билан қопланади ва соҳта шикастланиш аневризмини пайдо қиласди. Шунингдек, операция пайтида қон томирлари яхши боғланмаса, қон тўпланиб қолиб, гематомани ҳосил қиласди. У эса йиринглаб, кейинчалик оғир асоратларга олиб келиши мумкин.

## **Қон кетгандың биринчи тиббий ёрдам күрсатыш.**

Қон кетгандың тиббий ёрдам күрсатылмаса, у иккى хил туганни мүмкін: қоннинг ўз-ўзидан тұхташи ёки күп қон йүқтөшін натижасыда мия қонсизланиб, юрак-томирлар иши бузилишидан бемор үлиши мүмкін.

### **Қон кетишини тұхтатувчы дори-дармонлар**

Хозирғы кунда қон ивишини құчайтирувчи моддалардан: 10% ли кальций хлорид, 10% ли кальций глюконат, 1% ли гемофобин әритмаларидан фойдаланылады. Капиллярлардан қон кетганды үларнинг деворини мустақамловчи моддалар — 12,5%ли этамзилат (динон), 0,025% ли адроксан ишлатылады. Қоннинг фибринолитик фаянстилли ошғанлығы натижасыда қон кетиши рүй берган бўлса, гипопластик анемия, операциялардан олдин, йўлдош тушганида, жигар касалликларда фибринолизни камайтирувчи Е—аминокапрон кислота (1 — 5% ли эритмаси) юборилади. Қон ивишини тезлаштирувчи моддалардан — лагохилус (қичитқи ўт) эритмаси ишлатылади.



### **Талабаларнинг мавзуга доир билим даражасини аниқлап үчүн тестлар**

- 1. Қайси турдаги қон оқиши ҳаёт учун ўта хавфли?**  
а) артериал;  
б) веноз;  
в) капилляр;  
г) ички қон оқиши;  
**д) яширин қон оқиши.**
- 2. Қон оқишининг кимёвий усулини аниқланг.**  
а) музли халта қўйиш;  
б) плазма қўйиш;  
в) изотоник эритмага ҳўлланган тампонни қўллаш;  
г) электрокоагуляциялаш;  
**д) 10% ли кальций хлор эритмасини юбориши.**
- 3. Қишда жгут қўйиш муддатини аниқланг.**  
**а) 30 минут;**  
б) 1 соат;  
в) 1,5 соат;  
г) 2 соат;  
д) 2,5 соат.
- 4. Қонни вақтингчалик тұхтатыш усулига қайси усул кирмайды?**  
а) босиб турадиган боғлам қўйиш;  
**б) томирга чок қўйиш;**

- в) томир бўйлаб босиб туриш;
- г) жгут қўйиш;
- д) томирга қисқич солиш.

5. Конни тўхтатишда қайси соҳаларга жгут қўйиб бўлмайди?

- а) елқанинг ўрта қисмига;
- б) соннинг ўрта қисмига;
- в) болдирининг ўрта қисмига;
- г) бўйин соҳасига;
- д) билакнинг ўрта қисмига.



*Эслатма : тўғри жавобнинг тагига чизилган.*



### ***Мавзуга оид муаммоли масалалардан намуналар***

1. Бемор 25 ёнда. Анамнезида 12 бармоқ ичагида яраси бор. Беморда аста-секин кам қувватлиқ, бош айланиши, қулоқ шанғиллаши, оғиз қуриши бошланган. Кофе қуйқаси рангида қайт қилган, ахлати қора рангда.

Объектив текширилганда, эпигастрал соҳа пальпация қилинганда мускуллар таранглиги ва оғриқ кучайганлиги аниқланди.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Даво режасини тузинг.

2. Пичоқдан жароҳатланиш натижасида тизза ости артериясидан кучли қон оқиши кузатилди. Беморнинг кийимидан бошқа ҳеч қандай боғлов материали ва асбоблар йўқ.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатинг.



## **X. ШИКАСТЛАНИШ СИНДРОМИ**

Ташки мухитнинг киши организмига механик, электротермик, кимёвий ва нур тъсири натижасида тўқума ва аъзоларда анатомик ва функционал ўзгаришларнинг пайдо бўлиши шикастланиш дейилади. Шикастланишларда маҳаллий ўзгаришлар билан бир қаторда умумий ўзгариш ва оғир асоратлар келиб чиқиши мумкин. Шикастланишлар очиқ ва ёпиқ бўлиши мумкин.

Шикастланган bemорларни текширишда худди хирургик bemорларни текширишда қўлланиладиган усуллар ишлатилади. Оғир жароҳатлардан кейин bemорда симптомлар тез ривожланиб, кўпинча шок вужудга келиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси хирург ва ҳамширадан зудлик билан ташхис қўйишни ва керакли бирламчи тиббий ёрдам беришни ўша жойнинг ўзида ҳал қилишни тақозо этади. Шикастланган жойнинг ташки кўриниши ҳамма вақт ҳам

беморнинг ахволига мос келавермайди. Масалан, унча катта бўлмаган кўкрак қафаси ёки қорин бўшлиғига етказилган жароҳат ички аъзолар бутунлигининг бузилишига олиб келади. Бош миянинг ёпик, орқа миянинг оғир шикастлари ҳам аниқ ташқи белгиларга эга бўлмаслиги мумкин.

Симптомлари аниқ бўлган ҳар қандай жароҳат инсон ҳаёти учун хавфли бўлмаслиги ҳам мумкин. Айтайлик, катта шикастланишларда оғир асоратлар организмнинг бошқа соҳаларидағи касалликлар билан бирга намоён бўлиши мумкин. Кўл-оёқ териси шилинган bemорда жигар, талоқ ва бошқа аъзоларнинг бутунлиги бузилган бўлиши ҳам мумкин. Айниқса bemор ҳұшсиз ётган, калла суяғи шикастланган, унинг устига спиртли ичимликлар ичган, шок ҳолатига тушган бўлса, ташхис қўйиш анча қийин бўлади.

Беморнинг оғир жароҳат таъсирида ахволи ёмонлашганда унга тез ёрдам бериш керак. Масалан, камқонликка олиб келадиган артериал қон кетаётган ёки нафас йўлларига ёт моддалар тиқилиб қолган бўлса, аввало шу асоратларнинг олдини олишга, даволашга интилиш керак, сўнгра анамнез йиғиши ва бошқа текширишларни бошлаш мумкин.

Бемор анамнезини тўплаш ва унинг шикоятлари билан танишиш вақтида бериладиган саволлар аниқ ва қисқа бўлиши керак. Зарарланган киши ёки уни олиб келган одамлар орқали шикастланиши вақти, сабаблари, қандай шароитда юз берганлиги, bemорнинг жароҳат олишдан олдин ва кейинги ҳолати, қачон ва қаерда биринчи ёрдам кўрсатилганлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга bemорнинг бошқа система ва аъзоларида бўлган қўшимча касаллик белгиларини ҳам суриштироқ лозим бўлади.

Саволларга олинган жавоблар, зарарланган жойни чукур кўриш ва текшириш, ташхис усуллари асоратларининг олдини олишга ёрдам бериши лозим. Масалан, суяқлар синиши, нерв толалари ва магистрал қон томирларининг шикастланишига, кўкрак қафасидаги жароҳат натижасида плевра бўшлиғига қон қўйилиши ёки юрак тампонадасига сабаб бўлиши мумкин.

Жароҳатга тупроқ тушиши ёки ифлосланган кийим-кечак қоқшол, газли гангренага олиб келиши мумкин. Ёки мия чайқалиб лат ейини вақтида бошнинг шикастланиши билан бир қаторда киши ҳушидан кетади. Бундай bemорларнинг 1,5 — 2 соатдан кейин ҳушдан кетиши мия ичига қон қўйилиб, унинг асосий марказлари оқаётгани қон билан эзилишини билдиради.

Жароҳат таъсирун қилган соҳани кўздан кечиришда шу соҳадаги терининг ранги, кўл-оёқининг калта-узунлиги, соҳанинг конфигурацияси, шаклининг ўзгариши, жароҳатнинг катта-кичиклиги, чукурлиги, хусусияти (кесилган, йиртилган, уриб олинган ва ҳ.к.) ва бошқа белгиларига аҳамият берилади.

**Шикастлар таснифи.** Шикастларнинг қўйидаги турлари фарқ қилинади.

## **I. Шикастта сабаб бўлган шароитларга кўра:**

1. Ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган:
  - а) транспортдан шикастланиш (темир йўл, автомобиль, трамвай);
  - б) пиёда юришда юз берадиган;
  - в) майший;
  - г) спорт;
  - д) бошқа шикастлар.
2. Ишлаб чиқариш шикастлари (саноат, қишлоқ хўжалиги).
3. Атайлаб қилинган шикастлар (ҳарбий ва ҳ.к.).

## **II. Шикастловчи омилнинг тури бўйича:**

- 1) механик;
- 2) термик;
- 3) кимёвий;
- 4) операцион;
- 5) нур ва бошқалар таъсирида.

## **III. Шикастланиш характери бўйича:**

- 1) ёпиқ (тери ва шиллиқ пардалар шикастланмаган);
- 2) очиқ (тери ва шиллиқ пардалар шикастланган);
- 3) бўшлиқларга тешиб киравчи (қорин, плевра, синовиал пардалар шикастланган);
- 4) бўшлиқларга тешиб кирмайдиган (қорин, плевра, синовиал пардалар шикастланмайдиган);
- 5) онда-сонда;
- 6) кўп сонли;
- 7) одид (тўқималарнинг бир қисми шикастланган);
- 8) комбинацияли шикастланиш (бир қанча аъзолар шикастланганда).

## **IV. Шикастлайдиган куч таъсирига кўра:**

- 1) бевосита (шикастланиш куч тушган соҳада юз берадиган);
- 2) билвосита (шикастланиш куч тушган соҳадан узоқда содир бўладиган).

## **V. Таъсир қилиш вақти бўйича:**

- 1) ўткир куч таъсир қилган заҳоти юз берганда;
- 2) сурункали (шикаст етказувчи омил кўп марта таъсир этганда пайдо бўлган) турларга бўлинади.

Шифокор келгунча биринчи ёрдам кўрсатиш ва даво муолажаларини бирмунча самарали ўтказиш учун тиббиёт ҳамшираси қўйидаги текшириш усусларини билиши лозим. Бунинг учун ҳамшира бўғимдаги ҳаракатлар ҳажмини маҳсус асбоб — угломер билан аниқлайди ва унинг патологик ҳолати даражасини қайд қиласди. Бунинг учун угломер браншлари оёқ ёки қўл ўқи бўйлаб қўйилади.

угломернинг ўқи эса шу бўғимнинг айланиш ўқига мувофиқ жойлаштирилади. Ҳисоб оёқ ёки қўлнинг дастлабки вазиятига нисбатан олинади. Дастлабки вазият деганда тана ва оёқ-қўлларнинг эркин вертикал вазиятида бўғимнинг ҳолати (чаноқ-сон ва тизза бўғимлари учун  $180^{\circ}$ , болдир-товор бўғими учун  $90^{\circ}$  бурчак) тушунилади.

Сагиттал текисликдаги ҳаракат **букиш** ва **ёзиш** деб юритилади. Бунда оёқ ва қўл панжаси учун **оёқ-кафт**, **кафт орқаси** ва **кафтни букиш** деган сўзларни кўшиш лозим.

Фронтал текисликдаги ҳаракатлар **узоқлаштириш** ва **яқинлаштириш** деб аталади.

Билак-панжа бўғимидағи ҳаракат (букиш) **улнар** (билак суяги томонига) бўлиши мумкин. Бўйлама ўқ атрофидаги ҳаракатлар **ташқи** ва **ички** ротация номи билан юритилади.

Бўғимларда ҳаракатчанликнинг бузилиш даражаси қўйидаги тушунчалар билан ифодаланилади:

- 1) **анкилоз** — бўғимнинг бутунлай ҳаракатсиз бўлиб қолиши;
- 2) **риgidлик** — бўғимда силжиш ҳаракатларининг 5 градусдан ошмаслиги;

3) **контрактура** — бўғимда ҳаракатнинг чекланиши.

Чекланишлардан ташқари, бўғимларда **ортиқча ҳаракатчанлик** кузатилади. Бу кўпинча боғлам аппарати бузилганда ва чўзилганда рўй беради.

**Патологик ҳаракатчанлик** деб бўғим бўлмагандаги (синган, сохта бўғим) **ҳаракатчанликка** айтилади.

Оёқ-қўлларнинг узунлиги ва айланасини ўлчаш учун сантиметрли лента ишлатилади. Ўлчашда касал соҳа албатта соглом симметрик соҳа билан таққосланади. Солиширма ўлчашда суяқ дўнглари таниш нуқталар бўлиб хизмат қиласди.

Елка узунлигини қуракнинг акромиал ўсиғидан то елканинг ташқи дўнги устидаги кўтарилган жойгача аниқланади. Билак узунлиги елканинг ташқи дўнги устидан то бигизсимон ўсиққача аниқланади. Қўлнинг бошдан-оёқ узунлиги акромиал ўсиқдан кафт юзаси бўйлаб учинчи бармоқ охиригача аниқланади.

Оёқ узунлиги ёнбош суяқнинг олдинги устки ўсиғидан то ички тўпиққача, сон узунлиги катта кўст билан тизза бўғимининг бўғим ёригигача, болдир узунлиги эса бўғим ёриғидан то ташқи тўпиққача аниқланади.

Қисқариш ёки узайишнинг қўйидаги турлари билан фарқ қилинади:

1. Чин (анатомик) қисқариш ёки узайиш. У оёқ ёки қўл узунлигининг анатомик ўзгаришларига боғлиқ. Қисқариш суяқ синиқларининг узунасига силжиши, ўсишдан орқада қолиш ва бошқалар натижасида юз берган суяқ синишида кузатилади. Оёқ ёки қўлнинг узайиши силдан заарланишнинг бошлангич босқичларида (бўғимда суякларнинг сурилиши — бўғим ёригининг катталашиши ҳисобига) юз бериши мумкин.

2. Проекцион қисқариш ёки узайиш оёқ-құлнинг контрактура ёки анкилоз сабабли нотүгри жойлашиши натижасыда келиб чиқади.

3. Нисбий (дислокациялы) қисқариш ёки узайиш сүяк чиқиши ҳолларыда, бирикадиган битта сүяк бошқасига нисбатан силжиганда күзатилади.

4. Беморнинг вертикаль вазиятидан оёқнинг функционал қисқариши ёки узайиши (суммар қисқариш ёки узайиш) — бу оёқнинг чин проекцион ва нисбий қисқариши йиғиндиндисидир. Оёқ (касал ва соғлом оёқ) айланаси симметрик жойларда (сүякнинг таниш нүкталаридан маңым масофаларда) ўлчанади. Масалан, ўнг томондаги сон айланаси катта күстдан 10 см қуида аниқланса, чап сон ҳам шу масофадан ўлчанади. Одатда айланы оёқнинг юқори-ўртга ва пастки учдан бир қисмларидан ўлчанади.

Мушак кучини аниқлашнинг муҳим аҳамияти бор. Мушак кучига шартли равища 5 балли система бүйича баҳо берилади: 1 — мушак кучи нормал, 2 — мушак кучи оз-моз пасайган, 3 — мушакларда рўйиност парези мавжуд, 4 — мушак кучи анчагина пасайган, 5 — мушак тўлиқ фалажланган.

Мушак кучи одатда гавданинг қарама-қарши томондаги куч билан таққосланадиган ва маҳсус асбоб — динамометр билан ўлчанади.

### **Травматизм ва унинг олдини олиш**

Травматизм деганда травма (шикастланишга) га олиб келган сабаблар тушунилади. Шикастланишлар юз берган шароити ва жойига кўра: 1) саноат; 2) қишлоқ хўжалиги; 3) транспорт; 4) спорт; 5) майший; 6) ҳарбий турларга тафовут қилинади.

Шикастланиш оқибатида киши узоқ вақтгача иш қобилиятини йўқотади, баъзан у ногирон бўлиб қолади. Травматизм профилактикасида корхона раҳбарлари, техника хавфсизлиги ходимлари, йўл назорат хизмати, уй-жой, мактаб, болалар муассасаси ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари тиббиёт муассасалари ходимлари билан бирга фаол қатнашадилар. Шикастланишлар кўпинча мастилик ҳолатида юз берипши ни ҳисобга олиб, ичкилиқбозликка қарши жиддий курашиш лозим.

Саноат травматизмига саноат корхоналарида ишлаб чиқариш билан боғлиқ зарарланишлар киради. Бу ҳодисалар техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш ходимларининг нотүгри ишлаши натижасыда юзага келади. Уларга: ходимни ишга олишдан олдин, уни маҳсус ўқитиш, техника хавфсизлиги қоидалари билан батафсил таништириш, сўнгра турли хилдаги ҳимоя воситалари ҳамда кийим-кечаклар (кўзойнак, қўлқоп ва ҳ.к.) билан таъминлаш киради.

Маълумки, ишчининг малакаси қанча юқори бўлса, шикастланиш шунча кам бўлади. Шунинг учун ишчиларнинг техник малакасини оширишини тўғри уюштириш, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини яхшилаш билан бир қаторда травматизмни ҳам камайтиради.

Қишлоқ хұжалиғи травматизмігә қишлоқ хұжалик маңсулоттарини ишлаб чиқаришга бевосита алоқадор бүлгап шикастлар киради. Ҳозирғи кунда қишлоқ хұжалиғи механизацияланырылғанлығы туфайли қишлоқ хұжалиғи травмаси хусусиятіга күра саоат травмасидан кам фарқ қилади.

Транспорт хавфсизлегіні таъминлаш учун чорраҳалар, пиёдалар үтиш жойларини тартибға солиш, туннеллар қуриш, транспорт воситаларини доимо техник назорат қилиб туриш керак.

Болалар травматизміні профилактика қилиш тадбирларига мектбларда йўл ҳаракати қоидаларини узлуксиз ўргатиш, спорт лагерларини ташкил қилиш киради.

Турмушда (овқат пишириш, кир ювиш ва шунга ўхшаш) рўй берадиган заарланишлар турмуш травмалари гуруҳига киради. Үнинг профилактикаси аҳолининг моддий ва майший даражасини юксалтириш йўли билан амалга оширилади.

Темир йўл травмаси кўпинча оғир шикастланишлардан иборат бўлганлиги учун, у маҳсус гуруҳга киради.

Мамлакатимизда спортнинг кенг кўламда ривожланиши, машғулотлар пайтида учрайдиган травмаларнинг олдини олиш тадбирларини белгилаш зарурлиги сабабли, спорт травматизми ҳам маҳсус гуруҳга ажратилган.

Трамвайдан заарланишлар умумий хирургик касалликларнинг 30 – 35% ини ташкил этади. Шикастланишда биринчи ва юқори малакали ихтисослашган ёрдамни тўғри йўлга қўйиш керак. Травматологик хизмат кўрсатиш уч асосий босқичдан иборат:

1. Шикастланиш рўй берган жойда биринчи тиббий ёрдамни ташкил қилиш.

2. Амбулатория-поликлиникада шикастланганларга ёрдам кўрсатини.

3. Травматологик ёрдамни стационарда ташкил қилиш.

Травма юз берган жойда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қўйидаги мақсадларни кўзда тутади:

а) шифокор келгунча бериладиган биринчи оддий ёрдам. Бу оддий кишилар (ўз-ўзига ва бир-бирига ёрдам) томонидан кўрсастилади. Улар – шикастланган кишининг ўртоғи, санитария ходими, қариндошлар, бегона кишилар, йўл ҳаракати ва милиция ходимлари, ўрта маълумотли тиббиёт ҳамширлари бўлиши мумкин.

б) юқори малакали ёрдамни маҳсус тайёргарликка эга бўлган шифокор бажариши керак.

Биринчи травматологик ёрдамни ташкил қилишда қўйидагиларга риоя қилиш лозим:

1. Шикастланган кишига иложи борича зудлик билан ёрдам бериш.

2. Тезроқ биринчи малакали ёрдам кўрсатилиши учун аввало оддий тиббий ёрдамдан сўнг беморни маҳсус даволаш муссасасига олиб бориш.

3. Кейинги босқичда ёрдам берувчи травматология ходимларига ҳар бир қилингандаволаш усуллари кенг ва батафсил баён қилиниши (бирламчи хирургик ишлов, қоқшолға қарши зардоб юбориш ва ҳ.к.).

4. Ҳар бир киши шикастланиш юз берганда қаерга, қачон мурожаат қилишини билиши керак.

Шаҳарларда тез тиббий ёрдам станцияларининг санитария мутахассислари бўлиб, уларнинг асосий вазифаси беморни тез ва эҳтиётлаб даволаш муассасасига етказишдан иборат.

Шикастланганларга маҳсус ёрдам касалхона ва поликлиникаларда очилган травматология пунктларида кўрсатилади. Стационар даво эса маҳсус травматологик касалхоналарда ёки бўлимларда олиб борилади. Уларнинг ишини кузатиб туриш травматология илмий-текшириш институти ва тиббиёт институтларининг травматология кафедралари ходимлари томонидан олиб борилади.

## Ёлиқ шикастлар

Юмшоқ тўқималарнинг ёпиқ заарланиши қуйидаги турларга бўлинади: чайқалиш, лат ейиш, шикастланиш, узилиш, ёрилиш ва эзилиш.

**Чайқалиш.** Юмшоқ тўқималарнинг чайқалиши ўткир травмаларда кам учрайди ва кўпинча характерли белгилари бўлмаганлиги туфайли бемор учун билинмай ўтади.

Сурункали чайқалиш, яъни тез-тез қайталаниб турувчи чайқалиш — вибрация касаллигига мансуб бўлиб, пневматик асбоб ва болғалар, электр қирқувчи ва турли аппаратларда меҳнат қилувчи кишиларда учрайди. Сурункали чайқалишда беморнинг бўғимларida вақт ўтиши билан (тери, тери ости ёғ қавати, бўғими, нервида) склеротик ўзгаришлар пайдо бўлади, суюкларда экзостоз ёки кисталар пайдо бўлади, беморларнинг асаблари таранглашган бўлади.

**Даволаш.** Вибрация касаллигига физиотерапевтик даво қилинади. Беморнинг касби ўзgartирилади.

**Лат ейиш.** Юмшоқ аъзо ва тўқималарнинг бевосита бирор тўмтоқ нарса билан урилиши натижасида тери бутунлигининг бузилмай заарланиши лат ейиш дейилади. Баданга зарб текканда ёки бемор қаттиқ нарса устига йиқилиб тушганда унинг белгилари тананинг заарланган соҳасига таъсир қилувчи буюмнинг тури, оғирлиги ҳамда таъсир қилиш тезлигига боғлиқ бўлади.

Юмшоқ аъзо ва тўқималар лат еганда шиш, қон қуилиши, оғриқ ва аъзо функциясининг бузилиши қайд қилинади. Аввалига оғриқ ва функционал ўзгаришлар юзага келади, лекин кейинчалик у қайтади. Оғриқнинг кучи лат ейиш (нервга яқин бўлган суюклида, бўғимда) жойи ва унинг зарбига боғлиқ. Шиш ва қон талашлар кўпи билан 2 — 3 кунда, шикастдан кейин пайдо бўлади. Оғир лат ейишдан сўнг ҳароратнинг кўтарилиши ва умумий ҳолатнинг бузилиши қайд қилинади.

Ташхис қўйишда тўқима ва аъзоларнинг заарллангани ёки синган-чиққанлигини, тўқима, пайларнинг узилган-узилмаганлигини ҳисобга олиш зарур. Улар тўқима травмаси ва чидамлилигига боғлиқ. Қўпинча лат ейишда тери ости ёғ қатламида ўзгаришлар бўлиб, унда майда қон ва лимфа томирлари заарланади. Бу ҳолатда қон томир деворларининг мустаҳкамлиги, қоннинг ивиши ва бошқа омиллар ҳам аҳамиятлидир. Ҳар хил катталикдаги қонталашлар пайдо бўлади, атрофдаги тўқималарда асептик яллиеланиш (шиш, экссудат, лейкоцитларнинг сўрилиши) юзага келади. Қонталаниларининг суюқ қисми лимфа томири орқали сўрилади, қолган эритроцитлар эса парчаланиб гемоглобинни ташкил қиласди, у атрофдаги тўқимаға сўрилиб, гемосидерга айлангани учун ранги ўзгаради, мўматалоқ ҳосил бўлади. Унинг рангига қараб, лат ейиш вақтини аниқлаш қийин эмас. Узоқ вақтгача қонталаш соҳаси ўртасида суюқ қон бўлади, атрофида эса қон лахталари пайдо бўлади. Кейинчалик биринтирувчи тўқима ўсиб, чандикда айланади. Агар сўрилиш кечикса, қон кистасига олиб келади.

**Даволаш.** Шикастланган кишига аввало тинч шароит яратиш лозим. Травмадан сўнг биринчи соатлар шиш ва қонталашни совуқ компресслар, муз қўйиш камайтиради. Шиш камайгандан сўнг физиотерапевтик даво ва иссиқлик, кейин эса массаж ва ҳаракат машқлари тавсия қилинади. Қонталаш кенг ва бир жойни эгаллаганда, шунингдек қон кисталарида уларни пункция қилиб, қон олиб ташланади. Тўқималар кўчипини тўхтатиш учун лат еган кўл-оёқ сатҳига сиҳма боғлам қўйилади.

Лат ейишнинг баъзи бир турларида, масалан, катта куч таъсир этганда терининг катта бир қисми шилиниб кетиши, йирик нерв ўзани уриб олинганда шок ривожланиши ёки шикастланган нерв иннервация қиласидан соҳанинг заарланиши, бўғим уриб олинганда унинг функцияси бузилиши, кўкрак қафаси ёки ўпка лат еганда тери ости эмфиземаси ва шунга ўхашлар пайдо бўлиши мумкин.

**Шикастланиш ва узилиш.** Тўқималар тортилиш кучидан ортиқроқ куч ишлатилса, узилиш пайдо бўлади. Мушакларнинг кучли тортилиши натижасида ҳомиладор аёлларнинг қорин терисида йўл-йўл чизиқлар пайдо бўлади. Агар тўқима ташқи томондан анатомик бир бутунликка эга бўлса унда шикастланиш дейилади. Анатомик бутунлик йўқолиб, нофизиологик ҳолатда бўлса унда узилиш дейилади. Узилиш қисман ва бутунлай узилиш турларига эга. Бу ҳолдаги травмалар кутилмаган тасодифларда, югуришида, йиқилишда, юқ кўтарганда юзага келиши мумкин. Одатда шикастланиш ва узилиш бўғим пайларида бўлиб, унда кўпинча болдир-панжа бўғими заарланади.

Шикастланиш ва узилиш клиникаси лат ейиш белгиларига ўхшайди, травма соҳасида қаттиқ оғриқ сезилади, ҳаракат бузилади, юмшоқ тўқималарга ва баъзан бўғим бўшлигига қон қўйилиши (гематома) бўғим шишиб кетини билан ифодаланади. Бу белгилар

узилиш юз бергандың күчлироқ бўлади. Шикастланиш ва узилиш нерв толаларининг эзилиши, суяклар ва бўғимлар синишида кўпроқ учрайди. Нерв толалари шикастланишининг белгилари ҳар хил бўлиб, баъзида унинг функцияси бутунлай йўқолиши мумкин. Қон томирлари зарарланиши ташқи таъсир кучли бўлмаганда ҳам бўлиши мумкин. Уларнинг интимаси травмага сезиги бўлиб, адвентицияси эса мустаҳкамроқдир. Шунинг учун томир уриши натижасида вақт ўтиши билан чин аневризма пайдо бўлиши ва у катта ҳажмни эгаллаши мумкин, унда томир уриши яққол кўзга ташланиб туради.

**Даволаш.** Шикастланишни даволаш лат ейишни даволагандек бажарилади, фақатгина узокроқ ва барқарор иммобилизация қилиш лозим. Бунинг учун гипс боғламини ишлатиш мумкин. Узилиш рўй берганды пайни, нерв толасини, қон томирларини ёки апоневрозни операция йўли билан тикилади. Агар нуқсон мавжуд бўлса, маҳаллий ёки алопластик моддалардан олиб, уларнинг бутунлиги тикланади.

**Эзилиш.** Эзилишда шикастлантирувчи агент бемор танасига узоқ вақт таъсир қилиши мумкин. Енгил эзилишлар клиникаси лат ейилгандек кечади, аммо эзилишда қон қуилишлар чуқур ва кенг бўлиб, оғир асоратларни олиб келади. Узоқ эзилишда, қон айланишининг бузилиши кичик қон томирларини сиқиб, тери, тери ости ёғ қаватини, шу тузилмаларнинг некрозига ва яра бўлишига сабаб бўлади. Яра тананинг бўртиб турувчи суяк, бўғим соҳаларида, айниқса шу соҳалар ҳаракатсиз турган бўлса ёки тўқималар гипс боғлами, bemor танасининг оғирлиги билан босиб турилса вужудга келади.

Енгил эзилишлар маҳаллий зарарланишни вужудга келтиради. Бемор ҳаёти учун хавф туддирмайди. Оғир эзилишлар, айниқса ер қимирагандан, қурилиш ишларида ва ҳарбий шароитда оғир оқибатларга сабаб бўлади. Тўқималарнинг эзилиши катта қон томирларини (сон, тизза ости, елка артериялари) ҳам сиқиб қўяди ва мушакларни оғир шикастлантиради. Унинг натижасида қўл-оёқда шиш пайдо бўлади, нервларда парез ва фалажликлар келиб чиқиб, кейинчалик ўткир буйрак етишмовчилигига олиб келади. Қўл-оёқларнинг эзилиш синдроми (травматик токсикоз ) рўёбга келади.

**Даволаш.** Таъсир қилувчи агентни тезда олиб ташлаш, иммобилизация қилиш ва шифокор тавсияси бўйича иш тутиш лозим.

**Бош миянинг лат ейиши.** Бош ва юзнинг юмшоқ тўқималарига тўмтоқ нарса билан урилганда лат ейин содир бўлади. Бунда тери ва тери ости ҳужайраси ўзига хос тузилганлиги сабабли шикастланган томирлардан чиқсан қон ҳар томонга тарқалмай, лат еган жойда тўпланиб қонталаш — гематомани ҳосил қиласади.

Лат еган соҳада ўсмасимон ҳосила, болаларда эса „furra“— тугунча пайдо бўлади. Юзнинг юмшоқ тўқималари, айниқса кўз косаси лат еганда тери кўк-кўнғир тус олади ва у кўпинча бир томонлама бўлади, буни калла асоси синганда кузатиладиган „кўзойнак симптоми“дан ажратса билиш зарур. Қонталаш кейинчалик кўк-сарғиш, яшил-сариқ рангта айланиб, аста-секин сўрилиб йўқолиб кетади.

**Клиникаси** бош миянинг оғир чайқалишини эслатади: бунда беморнинг эс-хушини йўқотиш даври узоқ вақтгача чўзилиб, бир неча кун, ҳатто ҳафтагача тормозланиш билан кечини мумкин. Ретроград амнезия бирмунча рўйирост юзага чиқсан бўлади. Беморнинг ҳарорати кўтарилади, қонда нейтрофил лейкоцитоз қайд қилинади, ликворда доим қон аралашмаси бўлади.

Бош мия лат еганда ўчоқли марказий симптомлар устунлик қиласди. Бу асосан бош мия ва оёқ-қўл нервлари фалажи, парези, гематомаси ва патологик рефлекслар билан кечади.

**Давоси.** Даво консерватив усулда олиб борилади. Бунинг учун жароҳат олган жой ёки аъзога ҳаракатсиз ҳолат берилади. Кейин совуқ нарса кўйилади ва босиб турувчи боғлам боғланади. Агар гематома катта бўлса, у пункция қилиниб, тўпланган қон шприц билан сўриб олинади. Ҳолбуки, гематома соҳасида пульсация сезилиб ёки у катталаниб кета бошласа, операция қилиниб, қонаётган томир боғланади ва кесилган тери тикилади.

Бош миянинг лат ейиши юз ва бош юминоқ тўқималарининг жароҳатланиши билан бирга келса, кўп қон оқади. Бонининг сочли қисми (сочи узун кишиларда) биронта механизмининг ҳаракатдаги қисмига тушиб қолганда сидирилган (скалплантан) жароҳатлар кузатилиши мумкин. Бунда бонининг юмшоқ тўқималари соchlар билан бирга калладан бутунлай сидирилиб тушади.

**Биринчи ёрдам** кўрсатишдан асосий мақсад, ҳодиса рўй берган жойда зудлик билан қон оқишини тўхтатишdir. Бунинг учун кичик жароҳатлarda босиб турувчи боғламнинг ўзи кифоя қиласди, йирик артериал томирлар шикастланганда томирни унинг йўли бўйича босиш ва шикастланган кишини хирургик стационарга зудлик билан олиб бории зарур. Ташқи чакка артерияси шикастланганда қулоқ супраси олди соҳаси босилади, ташқи жағ артерияси шикастланганда эса пастки жағнинг пастки чеккасидан 1—2 см юқоридан босилади. Кейинчалик хирургик стационарда жароҳатга бирламчи ишлов берилади.

Сидирилган жароҳатлarda терининг сидирилган қисмини **сақлааб қолиш шарт**, бунда соchlар ва мажаҳланган тўқималар ўз вақтида олиб ташланади ва сидирилган терининг кўп жойидан тешилиб ўз жойига тикиб қўйилади.

**Бош миянинг чайқалиши.** Бу барча бош мия шикастлари орасида энг кўп учрайдиган патологиядир. Одатда бош мия чайқалганда калла суюклари шикастланмайди. Қисқа ва кучли зарб таъсири бош мия ҳамда унинг суюқ таркибий қисми (ликвор, қон) ни ҳаракатга келтиради. Бунда ўзгаришлар кам кузатилади: томирлар қисқа муддатга спазмга учраб, кейин кенгаяди, веноз қон димланади, мия ва мия пардалари шишади, нуктали қон қуйилиш юз беради. Бу ўзгаришлар бир-икки ҳафта давом этади.

Бош мия чайқалганда bemorning эс-хуши бир неча соатга йўқолиши ва **ретроград амнезия** (бемор қандай ҳодиса рўй берганини

эслай олмайди) асосий симптомлар ҳисобланади. Бунда бемор күпинча қайт қиласы, юз териси оқаради, камроқ гиперемия кузатилади ва бемор юзаки нафас олади. Бош мия чайқалишининг енгил даражасида томир уриши тезлашади (тахикардия), оғир даражасида эса аксинча, секинлашади (бронкардия). Күз қорачиқлари бир текисда торайиши ёки кенгайиши, бурун-лаб бурмасининг озгина силлиқ тортганлиги кузатилиши мумкин. Кейинчалик бош оғрийди, айланади, қулоқ шанғиллайди, бош оғирлашади, күз ачишади, бу сезги күзни ҳаракатлантиради ва ёруғ чироқда кучаяди.

Орқа мия пункция қилинганда ликвор босими ошган бўлиши мумкин. Травмадан сўнг бир неча кун ўтгач, уйқусизлик, тажанглик, кўп терлаш, дармонсизлик, китоб ўқиганда, ён томонга йўналганда филайлик юзага келади.

**Давоси.** Даво асосини 1 — 2 ҳафта ўринда ётиш режими ташкил этади. Лозим бўлса нейроплегик, антигистамин ва витамин препаратлари кенг қўлланилади. Бош мия босими ошганда кўрсатма асосида венага 40 — 60 мл 40% ли глюкоза эритмаси, 10 — 20 мл 10% ли натрий хлорид эритмаси, 10 мл 40% ли уротропин эритмаси, мушак орасига 10 мл 20 % ли магнезий сульфат эритмаси ва сийдик ҳайдовчи дорилар юборилади. Суюқлик миқдори чегараланади ва тузсиз овқатлар бериш тавсия этилади.

Бош мияда шиш кузатилганда қўшимча равишда венага 5 — 10 мл 2% ли гексоний, 1 — 2 мл 2% ли димедрол, 50 — 100 мл кортизон ёки гидрокортизон эритмалари юборилади.

**Бош миянинг эзилиши.** Бунда касаллик бошқаларига қараганда бирмунча оғир кечади. Патологоанатомик ўзгаришлар мия шиши, ўсиб борувчи гематома (томир ёрилганда) ва суяқ қисмлари босиши ҳисобига тобора кўпроқ эзилишдан иборат бўлади. Гематомалар жойлашишига кўра субдурал (қаттиқ мия пардаси ости), эпидурал (қаттиқ мия пардаси усти), субарахноидал (юмшоқ мия пардаси ости) ва интрацеребрал (мия моддасига турларга бўлинади).

Бош мия эзилганда ёки гематома ҳисобига қисилганда бир неча минутдан бир неча соатгача тинч давр бўлиб, сўнгра бемор ҳушидан кетади. Пульси секинлашиб, минутига 40 — 50 мартагача уради. Кўз қорачиқлари аввалига торайган, кейин кенгайган бўлади. Бемор кусади, ютиниши бузилади. Тинч даврда бош оғрийди ва айланади. Гематома турларини таққослашда касалликнинг клиникаси ва орқа мия пункцияси кўрсаткичлари катта аҳамиятга эга.

**Этидура**л гематомада бемор тез орада ҳушини йўқотади, ликвор босими ошади. Субдурал гематомада беморнинг ҳолати бирмунча давомли ва тинч, ликворда қон бўлади. Субарахноидал гематоманинг тинч даври беморда бир неча суткагача давом этади, бемор ҳушини йўқотмаслиги мумкин. Ликворда қон аралашмаси кўп бўлади.

Умумий мия симптомлари ошган сайин мия эзилиши ва дислокациясининг ўчакли симптомлари қуйидагича бўлади: қон қуйилган томонда бош мия нервларининг парезлари ва фалажлари

(анизокория, устки қовоқ птози, қорачиқнинг торайиб, кейин кенгайиши, филайлик), қарама-қарши томонда сёёқ-қўл мушаклари парези ва фалажлари (моноплегия патологик рефлекслар билан, эпилептик талваса) бирмунча аниқ юзага чиқади.

Давоси операция усулида олиб борилади. Операциянинг моҳияти калла суюгини трепанация қилиш (очиш), гематомани бўшатиш ва қон оқишини тўхтатишдан иборат.

### **Бош миянинг ёпиқ шикастланишларида беморга биринчи ёрдам кўрсатиш ва транспортировка қилиш.**

Очиқ шикастланишларда ҳодиса рўй берган жойда жароҳатга стерил боғлам қўйилади. Дарҳол оғриқсизлантириш чоралари кўрилиб, зудлик билан касалхонага ётқизилади. Транспортировка қилишда беморнинг боши замбилига баландроқ қилиб ётқизилиб, уни авайлаб ушлаб кетиш зарур. Бемор ҳұксуз ҳолатда бўлса, тилнинг ҳалқумга тиқилиб қолиши олдини олиш мақсадида тилтуткич билан тортилади ёки ипак ип ўтказиб, иякка ёки bemor кийимига фиксация қилиб қўйилади.

### **Кўкрак қафасининг шикастлари**

**Қовурғаларнинг синиши.** Кўкрак қафасининг эзилиши ва босилиши оқибатида қовурғаларнинг ёрилиши, суяқ усти пардаси остидан синиши ва битта ёки бир неча қовурғаларнинг тўлиқ синиши, синиқларнинг ўрнидан силжиши ёки силжимаслиги билан кечиши мумкин. Баъзан қовурғалар синиб, плевра ёки ўпканинг шикастланиши билан бирга кечиши мумкин.

Қовурғалар якка синганда ўткир, синиқ чегараси соҳасида оғриқ кузатилади, бу нафас олганда, йўталганда ва гавда вазиятини ўзгартирганда кучаяди. Пайласлаш йўли билан оғриқ нуқтаси аниқланади, суяқ синиқлари силжиган синишида қовурғаларнинг шакли логонасимон бўлиб ўзгариади.

Қовурғалар кўп жойидан синганда клиник белги ёмонлашиб, bemor шоқ ҳолатида бўлиши мумкин. Ўпка тўқимаси заарланганда ҳаво тери ёф қатламига чиқиб эмфиземани пайдо қиласди, тери босилганда фижирлаш сезилади, bemor қон туфлаб, нафас олиши қийинлашади, акроцианоз (лаб. бурун учи, қулоқ чиганоги, бармоқларнинг учи кўкаради) ва тахикардия бўлади. Плевра бўшлиғига қон қўйилганда гематома келиб чиқади. Бунда bemorни ўтирган вазиятида перкуссия қилишиб горизонтал сатҳдаги суюқлик аниқланади. Агар ўпка тешилиб плевра бўшлиғига ҳаво тўпланса, ҳаво пневмоторакс келиб чиқади. Бунда ўпка сиқилиб, перкуссияда баланд перкутор товуш қайд қилинади, аускултацияда эса ўпканинг нафас олиши эшитилмайди.

Қовурғаларнинг синиши фақат клиник жиҳатдан аниқлансада, ташхисни тасдиқлаш учун рентгенологик текширувнинг аҳамияти

кatta, лекин қатор ҳолларда синишиң фақат клиник текширувда аниқланади. Ташхис қўйишда касалликнинг клиник белгиси асос қилиб олинади.

**Давоси.** Синган соҳага 5 — 10 мл 2% ли новокаин эритмаси юборилиб блокада қилинади. Агар қовурға кўп жойидан синса, соҳага 0,5% ли новокаин эритмаси билан маҳаллий оғриқсизлантирилади ёки шу томоннинг ўзига ватосимпатик блокада қилинади.

Оғриқсизлантиришни чуқур ва давомли бўлиши учун синишиң соҳасига 5 — 10 мл 2% ли новокаин эритмаси юборилади. 10 минут ўтгач игнани чиқармай туриб қўшимча равишда 5 мл дан 0,2 — 2% ли лидокаин эритмаси юбориш лозим бўлади.


Беморда ўпка яллигланишининг олдини олиш учун нафас гимнастикаси бажарилади, антибиотиклар ва сульфаниламидлар буюрилади. Қовурғалар синганда пневмониянинг олдини олиш, bemornining кўкрак қафасини бинтламаган маъқул.

**Ўмров суягининг чиқиши** аксарият елка билан йиқилганда содир бўлади. Ўмров суяги акромиал ва тўш учларининг чиқиши фарқ қилинади. Кўпинча ўмров суяги акромиал учининг чиқиши кузатилади. Бойлам аппаратининг йиртилиш даражасига кўра унинг тўла ва қисман чиқиши тавофт қилинади. Тўла чиқишида шу соҳадаги бойлам аппарати батамом йиртилади ёки қисман сақданиб қолади.

Ўмров суяги акромиал учидан чиққанда елка усти соҳасида акромиал учининг чиқиб қолиши сабабли поғонасимон детурция кўзга ташланади. Елка суяги узоқлаштирилганда ва ўмровнинг чиқиб турган уни босилганда ўмров жойига тушади, елка суяги пастга туширилганда унинг бу уни яна юқорига кўтарилади („клавиша симптоми“). Ташхис рентгенологик текширувда тасдиқланади. Елка суяги қисман чиққанда ўмровнинг акромиал уни рўйрост туртиб чиқмайди.

**Давоси.** Ўмров суягининг чиққан уни жойига солинади. Крамер шинаси ёки гипс боғлам билан фиксация қилинади. Қатор ҳолларда, айниқса ўмровнинг акромиал уни чиққанда бу усул фоят яхши натижа берини мумкин. Ўмровнинг чиққан учини тутиб туришнинг иложи бўлмаган ҳолларда операция йўли билан даволанади. Операциянинг моҳияти шундан иборатки, ўмров суягининг акромиал уни чиққанда уни куракнинг акромиал учига, ўмровнинг тўш уни чиққанда уни тўши суягига фиксация қилинади.

**Ўмров суягининг синиши.** Бевосита зарб тушганда ёки ёзилган кўлга, тирсакка, елканинг ён юзасига йиқилганда ўмров суяги синади. Болаларда аксари суяк устки пардасининг остидан синиб, суяк синиқларининг унчалик силжимаслиги кузатилади. Катта ёнцаги кишиларда кўндаланг, қийшиқ ва парчаланиб синиш қайд қилинади. Одатда ўмров синиши суяк синиқларининг силжиши билан ўтади. Марказий суякнинг синиши тўш-ўмров-сўрғичсимон мушакнинг тортишиши ҳисобига юқорига ва олдинга, периферик синиқ ўмров



65- расм. Дельбе усулида боғлаш.

мушагининг тортишиши ҳисобига пастга ва ичкарига силжийди. Суяқ синиқлари томир-нерв тутамини, плевра гумбази ёки терини шикастлаши ҳам мумкин.

Даволашда шикастланган соҳага новокаин юборилади ёки узоқ таъсир қиладиган блокада қилинади. Беморнинг елкалари иложи борича узоқлаштирилади ва иккала елка учи соҳасига иккита дока ҳалқа кийгизилиб, улар резина найча билан боғланади — Дельбе усули( 65- расм). Керилган елкалар устига ҳалқалар ўрнига саккизсимон боғлам қўйилса ҳам бўлади. Суяқ синиқлари 3 — 4 ҳафта ичидаги битади.

Суяқ синиқларини кўрсатилган усуллар билан жой-жойига солиб бўлмаса, хирургик йўл билан даволанади. Операция суяқ синиқларини лавсан ип ёки сим билан, шунингдек, ўмров суюгининг иккала учидан ўтказилган пўлат кегай билан биритиришдан иборат бўлади.

### **Кўкрак қафасига тешиб кирувчи шикастлар**

Кўкрак қафасини тешиб кирувчи шикастларга тери, тери ости клетчаткаси, мушак қавати билан бирга париетал плевра жароҳатланишлари киради. Бунда ўпка шикастланмаслиги ҳам мумкин. Кўкрак қафасини тешиб кирадиган жароҳатларга ўткир предметларнинг санчилиши ва совуқ куролдан отилган ўқ содир қилиши мумкин.

**Құқрап қафасини тешіб кирудын шикастланишларда күпинча пневмоторакс (плевра бүшлиғига ҳаво йиғилиши), гемоторакс (плевра бүшлиғига қон йиғилиши) ва пневмогемоторакс (ҳаво ва қон йиғилиши) күзатилади.**

**Пневмоторакс.** Плевра бүшлиғига құқрап деворидаги жароқат тешиги орқали (ташқаридан) ёки шикастланган үпка орқали ҳаво кириши (ичкаридан) натижасыда пневмоторакс ҳосил бўлади. Ҳаво плеврал бүшлиққа тушганда үпка сиқилади ва бу ҳаво миқдорига боғлиқ бўлади.

Пневмоторакс: ёпиқ, очиқ ва клапанли турларга бўлинади.

— ёпиқ пневмотораксда плевра бүшлиғига кирган ҳаво ташқи муҳит билан туташмайди, бунда құқрап қафаси ёки үпкадаги жароқат канали бекилиб қолади;

— очиқ пневмотораксда жароқат канали очилиб туради ва плевра бүшлиғига тушган ҳаво ташқи атмосфера билан бемалол туташади;

— клапанли пневмотораксда жароқат каналининг хусусиятларига кўра ҳаво плевра бүшлиғига бемалол кириб, қайтиб чиқа олмайди. Шунга кўра бемор нафас олган сайин плевра бүшлиғига тобора кўпроқ ҳаво йиғила бошлайди.

Бунда үпканинг анчагина эзилиши ва кўкс оралиғи аъзоларининг соғлом томонга силжиши күзатилади. Қатор ҳолларда (клапанли пневмотораксда) ҳаво тери ости клетчаткасига чиқиб тери ости эмфиземаси пайдо бўлишига олиб келади.

Қўқракда эзилиш сезгиси, нафас сиқиши пайдо бўлади, бемор кўкариб кетади, қўқрап қафасининг шикастланган томонида нафас олиш йўқолади ва бирмунча сустлашади, товуш титраб чиқади. Очиқ ва клапанли пневмотораксга нисбатан беморларнинг ахволи айниқса оғир бўлади.

**Гемоторакс.** Күпинча қон плевра бүшлиғига жароқатланган үпка томирларидан, баъзан қўқрап деворининг шикастланган томирларидан оқиб тушади. Оқиб тушган қон миқдори 1,5—3 л га етиши мумкин. Инфекция қўшилган ҳолларда плевра йиринглаб эмфизема ривожланади. Беморда ички қон оқиши аломатлари пайдо бўлиб тери ва шиллиқ пардалар оқаради, совук тер чиқади, пульс тезлашади, артериал босим тушиб кетади. Бу симптомларга нафас сиқиши ва нафаснинг қийинлашуви қўшилади. Перкуссияда қон оқиб тушган соҳада перкутор товушнинг бўғиқлиги қайд қилинади.

Пневмогемоторакс клиник жиҳатдан пневмоторакс ва гемоторакснинг бирга учраши билан характерланади. Перкуссияда плевра бүшлиғига суюқликнинг горизонтал сатҳи аниқланади.

**Биринчи ёрдам ва давоси.** Қўқрап қафасини тешіб кирудын жароқатларга учраган беморларга бериладиган биринчи ёрдам очиқ пневмотораксни бартараф қилишга қаратилиши керак. Бу мақсадда жароқат соҳасига герметикликни таъминлайдиган асептик боғлам қўйилади, бунинг учун лейкопластир ёки индивидуал пакетдаги

резина арапаштириб тайёрланган қолчиқдан фойдаланилади, устидан пахта докали боғлам ёпилади. Беморларга оғриқ қолдирувчи ва юрак фаолиятини яхшиловчи дорилар юборилади. Сүнгра кўкрак деворидаги жароҳат хирургик тозаланади, уни қаватма-қават жисп қилиб тикиш, плевра бўшлиғидан ҳаво ва қон тортиб олинади ва дарҳол транспортировка қилинади.

Қопқоқли пневмотораксда такрорий плеврал пункциялар қилиниб, ҳаво тортиб олинади. Трокар орқали очиқ пневмотораксга айлантирилади ёки Бюлау усулида дренаж қўйилади. Бироқ бундай ҳолларда клапан механизмини дарҳол операция йўли билан бартараф қилиш яхши бўлади. Гемотораксда қон оқиши оператив ёки консерватив йўл билан тўхтатилади ва плеврал бўшлиғдан қон олиб ташланади.

### **Юрак жароҳатлари**

Юрак жароҳатлари аксари совуқ ва ўқ отар қуролдан фойдаланиш натижасида келиб чиқади. Кўпроқ юрак қоринчалари, айниқса чап қоринча соҳаси жароҳатланади.

Юрак жароҳатланган ҳолларнинг учдан бир қисмида ўлим тўсатдан юз беради. Беморларнинг қолган қисми 1—3 кун ичидан қон кетишидан ва юрак пардаси ичига тўплланган қон орқали юрак қисилишидан (тампонада) вафот этади. Баъзан эса ўлим унинг асоратлари перикардит, плеврит, пневмоторакс, эмболия сабабли ҳам келиб чиқиши мумкин.

**Клиникаси.** Перикардга қон тўпланиши ҳисобига юрак тампонадаси симптоми билан характерланади. Беморлар юрак соҳасидаги оғриқдан, бош айланиши, нафас сиқишидан нолийди ва ўлим ваҳимасига тушади. Бунда тери оқариб кетади, кўзи киртаяди, пульс сал тўлишади, тез-тез, минутига 120 — 160 марта уради. Артериал босими тушиб, веноз босими кўтарилади. Нафас тезлашиб, юзаки бўлади. Оғриқ чап курак, елка ва қоринга ўтиши мумкин. Юрак тонлари деярли эшитилмайди. Юрак чегаралари перикардда қон тўпланиши ҳисобига катталашади, бу рентгенологик текширувда яхши кўринади.

**Давоси.** Беморни бундай ҳолларда зудлик билан операция қилиш лозим. Операциядан мақсад — юракдаги жароҳатни тикишdir. Операциядан олдин ва транспортировка қилиш вақтида bemorга максимал даражада тинчлик берилади, юрак соҳасига совуқ, муз қўйилади, оғриқизлантирувчи дорилар юборилади.

### **Травматик шок**

Травматик шок деганда, bemornинг травма оқибатида марказий нерв системаси ва бошқа физиологик системаларининг қўзғалиши ёки функциясининг пасайиб кетиши билан намоён бўладиган умумий оғир ҳолат тушунилади.

Организмнинг олдинги ҳолати: шикастланган кишининг жисмоний толиқсанлиги, узоқ вақт ухламаганлиги, ҳолсизланганилиги, камқонлиги, совуқ қотганлиги, қон йўқотганлиги, руҳан эзилганилиги ва шу кабилар травматик шокнинг лайдо бўлишида катта роль ўйнайди.

Операциядан сүнг юз берадиган хирургик (иккиламчи) шокка операциянинг узоқ давом этиши, наркознинг такомиллашганлиги ёки маҳаллий оғриқсизлантириш, кўп қон йўқотиш, операцияларни нерв тузилмалари кўп махсус шокланган соҳаларда ўтказиш сабаб бўлади. Шок пайдо бўлиш вақтига кўра бирламчи ва иккиламчи турларга бўлинади.

**Бирламчи шок** шикастланиши юз берган заҳоти, **иккиламчи шок** эса шикастланишдан озроқ кейин, баъзан эса бир неча соат ўтгач пайдо бўлади. Марказий нерв системасининг ҳолатига кўра шокнинг икки босқичи — эректил ва торpid босқичлари фарқ қилинади.

Шокнинг **эректил босқичи** бевосита шикастланишдан сүнг юз беради. Бунда беморнинг эс-хуши сақланиб қолиши, безовталаниши, терлаши, бақириши кузатилади. Кўз қорачиқлари кенгайган ва уларнинг ёруғликка реакцияси кучайган бўлади. Пульс тезлашган (баъзан, аксинча, секинлашган), артериал босим нормал ёки бир оз ошган бўлади. Бу босқич қисқа муддатли бўлиб, кейинги босқичга ўтиб кетади.

Шокнинг **торpid босқичида** организмнинг барча функциялари пасаяди ва тормозланади. Эс-хуш сақланиб қолади, бироқ бемор ланж, теварак-атрофга лоқайд бўлиб қолади. Артериал босими пасайиб кетади. Пульси тезлашган, тўлиқлиги суст, кўпинча ипсимон бўлади. Тери қизарган, совуқ тер чиқади. Беморнинг юзи сўлиган бўлиб, қорачиқлари кенгаяди ва ёруғликни аранг сезади. Кўнгли айниши ва қайт қилиши мумкин.

Беморнинг артериал босими ва умумий ҳолатига кўра шокнинг 4 даражаси фарқ қилинади.

1- даражаси— беморнинг умумий аҳволи қониқарли, пульси минутига 90—100 марта уради, артериал босими 90—100 мм симоб устунига тенг бўлади.

2- даражаси— беморнинг умумий аҳволи ёмонлашади, ранги қизаради, совуқ тер босади, пульси минутига 120—140 марта уради, артериал босими симоб устунининг 70—90 мм га тенг бўлади.

3- даражаси—беморнинг умумий аҳволи оғир, пульси минутига 120—160 марта уради, артериал босими симоб устунининг 50—70 мм га тенг бўлади.

4- даражаси — беморнинг аҳволи жуда оғир, терминал (клиник ўлим) ҳолатга яқин, пульси ипсимон, санашнинг имкони бўлмайди, артериал босими симоб устунининг 50 мм дан паст бўлади.

### **Шикастланган беморларни транспортировка қилиш**

Таянч-ҳаракат аппаратининг зарарланиши билан касалхонага келган bemорларга ўз вақтида ва тўғри биринчи ёрдам кўрсатиш турли хил асоратларнинг олдини олишга ва тез соғайиб кетишига имкон беради. Скелет суюкларининг синишида ва қон томирлар шикастланишида транспорт иммобилизацияси ва қонни тўхтатиш

асосий аҳамиятта эга. Сүяклар синганда, чиққанда, юмшоқ түқиманинг кенг заарланишида, бўғимлар, пайлар, йирик нерв устунлари, магистрал қон томирлар шикастланганда ва узоқ вақт оёқ-қўлларнинг эзилиши синдромида транспорт иммобилизацияси қўлланилади.

Транспорт иммобилизациясининг мақсади синган сүяқ бўлаклари кейинчалик силжиб кетмаслиги учун уни ушлаб туриш, нерв томир тутами ва тери қопламлари сүяқ фрагментининг ўтирир учлари билан заарланиши олдини олиш, шунингдек, калла суяги синишида бош миянинг қўшимча жароҳатланиши, умуртқа погонаси синганда орқа мия ва чаноқ суяги синганда чаноқ аъзолари (сийдик пуфаги, уретра, тўғри ичак) жароҳатланишининг олдини олади, оғриқни камайтиради ва иккиласми шок ривожланишига йўл қўймайди. Шикастланганларни транспортировка қилишни одатда тиббий ҳамшира ўюстиради. Беморни транспортировка қилишда гавданинг шикастланган қисмини эҳтиёт қилиш ва қолган барча ишлар тез ҳамда аниқ бажарилиши лозим. Санитарлар ўрта тиббиёт ходимларининг кўрсатмаларини сўзсиз бажариши керак. Ҳар бир шикастланган bemorda аввало шикаст тури аниқланиб, унга иммобилизацияловчи шина қўйилади ва кейин транспортировка қилишга тайёрланади.

### **1. Транспорт шинасини қўйиш.**

Транспорт иммобилизацияси стандарт шиналар билан амалга оширилади.

Транспорт шиналарини қўйишнинг асосий қоидалари:

1. Иккита бўғимдан кам бўлмаган соҳа фиксация қилинади.
2. Суякнинг бўргиб чиққан жойига пахта докали тампон қўйилади.
3. Заарланган оёқ-қўлга иложи борича ўрта физиологик ҳолатни бериш керак (кейинчалик сүяқ бўлаклари силжиши олдини олиш учун мушак антогонистлари мувозанатга келтирилади).

4. Қон кетиши билан кечувчи очиқ синишларда стерил боғлам ва жгут қўйилади.

Транспорт иммобилизацияси заарланиш ўчонининг жойланишига кўра қўйидагича бажарилади.

**1. Ўмров суяги, курак синганда ва елка суяги чиққанда транспорт иммобилизацияси.** Бунда Дезо ёки Дельбе боғлами қўйилади.

**2. Елка суяги синганда иммобилизация.** Бу асосан нарвонсимон Крамер шинаси билан бажарилади. Шина қўйишдан олдин қўлтиқ остига пахта бинтли болишча қўйилади ва у кўкрак орқали соғлом елкага боғланади. Билак супинация ҳолатда ва тирсак бўғими  $90^{\circ}$  бурчак остида букилиб, бармоқлар асосидан заарланган қўлга орқа юзаси бўйлаб Крамер шинаси қўйилади. Елкани  $30^{\circ}$  олдинга чиқариб, танадан узоқлаштирилади. Шинанинг юқориги учлари иккита докали тасма билан соғлом томонга қўшиб боғланади. Шина оёқ ёки қўлга юмшоқ дока бинтли боғлам билан фиксацияланади. Қўлни қўнимча рўмолга осиб танага мустаҳкамланади (66- расм).



66- расм. Елка суяги синганда иммобилизация.




67- расм. Билак суяги  
синганда иммобилизация.

### 3. Билак суяги синганда транспорт иммобилизациясини қўйиш.

Бунда нарвонсимон ёки тўрсимон шина бармоқлар асосидан то елканинг юқори 1/3 қисмигача орқа юзаси бўйлаб қўйилади. Билакка пролокация ва супинация ўртасидаги ҳолат берилади. Тирсак суягининг тожсимон ўсиғи синганда ёки билак суяги бўйинчаси синганда тирсак бўғимининг букилиш бурчаги ўтқир бўлиши керак. Тирсак ўсиғи ажралганда 110 – 120°, диафизар синишда 90° бурчак остида бўлиши керак. Кейин шина бинт билан енгил боғлаб қўйилади (67- расм, а–д).

4. Билак-кафт бўғими суклари ва бармоқлар синганда иммобилизация. Бу нарвонсимон ёки фанерли шиналар билан амалга оширилади. Кафт ўрта физиологик ҳолатда қолдирилади. Паҳтали докадан тайёрланган болиашча бутун шина бўйлаб қўйилади. Шинани кафтнинг орқа юзасига тирсак бўғимигача қўйилади ва бинт спираль қилиб ўралади (68- расма, а, б, в.)



68- расм. Билак, кафт бүтим сүяклари синганда иммобилизация.

**5. Сон сүяги синганда ва чиққанда, чаноқ-сон ва тизза бүгими шикастланишида транспорт иммобилизацияси.** Бу маҳсус Дитерихс транспорт шинаси орқали амалга оширилади:

а) ён тахтачалар оёқнинг зааралган жойи ўлчамига қараб танланади ва таёқчанинг бири култиқ ости чуқурчасига, иккинчиси оёқ кафтидан 10 — 15 см чиқиб туриши керак. Сўнг иккаласи қўшиб боғланади;

б) сиқилиб қолиш ва некрознинг олдини олиш учун сүякнинг бўртиб чиққан ва оёқ кафтининг ташқи соҳаларига пахтали ёстиқча қўйилади;

в) тахтали “товор” оёқ кийимига, оёқ кафтига зич қилиб боғланади;


г) ён тахтачалар танага тасма билан боғланади, пастки ён тахтачалар кўндаланг тахта тешигидан ўтказиб, бурама таёқча ёрдамида буралади. Бурамани кўндаланг тўсиқлар қўлтиқ ости чуқурчасида тенг, зич ёпишгунча ва жароҳатланган оёқ узунлиги соғ оёқ узунлигига тенг келгунча давом эттирилади;

д) кейин тортмага ўтилади, бунда тахта „товор“га маҳкамланган ипни кўндаланг тахта тешигидан ўтказиб, бурама таёқча ёрдамида буралади. Бурамани кўндаланг тўсиқлар қўлтиқ ости чуқурчасида тенг, зич ёпишгунча ва жароҳатланган оёқ узунлиги соғ оёқ узунлигига тенг келгунча давом эттирилади;

е) сон ва болдирилган орқа қисмидан оёқ осилиб қолмаслиги учун фанерли ёки Крамер шиналари қўйилади. Шиналар оёқка бинт билан зич қилиб айлана шаклда боғланади(69- расм, а,б,в,г).

**6. Болдирилган орқа қисмидан оёқ осилиб қолмаслиги учун Крамер шинаси ёрдамида битта моделлаштирилган шина оёқ кафти тагидан, то болдирилган 1/3 қисмигача қўйилади. Кейин иккита ён шина қўйилиб, айлана бинт билан мустаҳкамланади. Бунда оёқ кафти тўғри бурчак остида бўлиши керак.**


**7. Болдирилган орқа қисмидан оёқ осилиб қолмаслиги учун Крамер шинаси ёрдамида битта моделлаштирилган шина оёқ кафти тагидан, то болдирилган 1/3 қисмигача қўйилади. Кейин иккита ён шина қўйилиб, айлана бинт билан мустаҳкамланади. Суяк бўртмаларирига пахтали ёстиқча қўйилади. Пневматик, нарвонсимон ёки тўрсимон ва маҳсус шинини**



69- расм. Соң, чаноқ-соң, тизза бүгими ва сүяклар шикастланганда транспорт шиналар.

бодирнинг орқа тизза бүгимидан то оёқ бармоқлари учигача қўйилиб, жароҳатланган оёққа юмшоқ бинт билан фиксацияланади. Бемор замбилда ташилади (70- расм, а, б, в, г, д, е.)

**8. Бош ва умуртқа погонаси синганда иммобилизация.** 1961 йилда А. Н. Герасимов универсал шинани таклиф этган. Шинани жароҳатланган bemорга кийимини ечмасдан қўйиш мумкин. Шина — тахтадан ясалган рамка бўлиб, унда белбоғ, иккита қўлтиқ тасмаси, тахвали бошга қўйич бўлади, яна айланма тўсиқ ва Глиссон илмоги ҳам булиб, амортизация учун хизмат қиласди. Бутун рамка бўйлаб ярим айлана жилоблар бўлиб, унинг чуқурлиги 1 — 1,5, кенглиги 2,5 см. Бу жилоблар рамка умуртқаларининг ўткир ўсиқларига қўйилади. Белбоғнинг оддинги қисмига иккита тасма тикилган бўлиб, соң бўртмаларидан ўтади. Иккита тасма тешиклардан ўтиб, қўлтиқ ости соҳасига боради ва у елка бўғимининг олд қисмига қадалади. 30x30 ўлчамли тахтача ёпиширилган Глиссон қовузлогида фақат



70- расм. Болдир, оёқ кафт ва бармоқлар шикастланганда транспорт шиналар.

олдинги тасма бўлиб, у илгакни қамраб олиб бошдаги таҳтага мустаҳкам резинка билан маҳкамланади. Бошдаги таҳтага айлана таглик қўйилади ва у шина қўйишдан олдин шиширилади.

### Шикастланган беморларни ташишни ташкил қилиш

Беморни стационарга олиб қелишда транспорт иммобилизацияси вақтингчалик тадбир (бир неча соатдан бир неча кунгача) ҳисобланади ва у катта аҳамиятга эга. Беморнинг жароҳатланган соҳаси иммобилизация қилгандан сўнг у қуидаги усууллар ёрдамида ташилади.


Бундан ташқари, bemorlarни пневматик, пластмассали, кўл остидаги бўюмлар: фанер, картон, таҳтадан фойдаланиб шина қўйилади ва ҳар қандай транспортда жумладан, маҳсус санитар автомашиналарида, самолётларда ва вертолётларда bemorga иложи борича озор етказмай ташиш мумкин.

**Беморни суюб юргизиш.** Бунда шикастланган кишининг қўли ёрдамчининг бўйнидан ўтказилиб bemorning шикастланмаган кўл панжасидан ушланади(71- расм, а).



**71- расм.**  
Шикастланган беморни  
ташиш усуллари.

**Күлдә күтариш.** Шикастланган кишини қўлда күтаришда бир қўлни танадан, иккинчи қўлни тақимдан ўтказиб күтарилади, bemor кулини ёрдамчининг бўйнидан ўтказади (71- расм, б).



**72- расм.** Беморларни зинапоядан олиб юриш:  
а) тусириш, б) күтариш усуллари.

**Опичиб күтариш.** Бунда bemор ёрдамчининг елкасига опичади ва қўлини унинг бўйнидан ўтказиб олади. Ёрдамчи эса bemорнинг тақимидан ушлаб кўтаради (71- расм, в).

**Икки кишининг қулини „кулф“ қилиб кутариши.** Бунда тўртта қўл „кулф“ қилиб ушланади. Санитарлардан ҳар бири чап панжаси билан ўзининг ўнг қўли билагидан, ўнг қўли билан эса иккинчи санитарнинг чап қўли билагидан ушлайди. Бемор шу „ўриндиқча“ ўтиради ва қўлини санитарларнинг елкасига қўяди (71- расм, г).

**Беморни яrim ўтирган ҳолатда кутариш.** Санитарлардан бири шикастланган кишининг орқа томонига ўтиб, қўлтиғидан, иккинчиси bemорнинг оёқлари орасига ўтиб унинг тиззасидан ушлаб кўтаради (71- расм, д).

**Замбилда кутариш.** Беморни ташища замбил энг қуай восита ҳисобланади. У ҳамма касалхоналарнинг қабулхона бўлимида, тез тиббий ёрдам станцияларида ва тез ёрдам машиналарида бўлади. Замбилни тури нарсалардан, ҳатто қўлда ҳам ясаш мумкин.

Беморни замбилда кутаришда битта санитар замбилининг бош томонида, иккинчиси оёқ томонида туради. Санитарлар замбил белбогини елкага тақиб, замбил дастасини қўлга тутишади ва айни вақтда bemор ётган замбилини силкитмасдан эҳтиётлик билан кўтариб боришлари керак. Зинага кўтариб чиқаётганда ва ундан олиб тушаётгандага bemорнинг горизонтал ҳолатини сақлаб қолиш зарур. Шу мақсадда санитарлардан бири замбилининг орқа томонини баланд кўтарса, иккинчиси пастга тусиради (72- расм, а, б).

Шикастланишнинг турига қараб, bemорлар замбилга турили вазиятда ётқизилади.

— Беморнинг одатдаги вазияти чалқанча ётишdir, бунда у бошини баландроқ кўтариб, қўл-оёқларини узатиб ётади. Бемор ҳушсиз бўлганда бошини баланд кўтармаслик лозим.

— Боши яраланган бемор чалқанча ётқизилади, бироқ танасининг юқори қисми ва боши баландроқ қилиб қўйилади. Боши тагига тарновсимон қилиб букланган адёл қўйилади.

— Бўйиннинг олдинги қисми ва юқори нафас йўллари яралангдан беморнинг қадди баланд кўтариб ётқизилади, боши пастга энгаштирилади, ияги эса кўкрагига теккизилади.

— Кўкраги яралангдана беморнинг қадди баланд қилиб ўтқазилади ёки яраланган ёнбоши билан ётқизиб кўтарилади.

— Қорин яралангдана беморнинг оёқларини тиззадан букиб, чалқанча ётқизиш тавсия қилинади. Шу мақсадда беморнинг тақимига болишимон букланган адёл қўйилади.

— Умуртқа поғонаси ва чаноқ ёпиқ шикастланганда бемор чалқанча вазиятда ёки юзтубан ётиши лозим.

— Кўллари шикастланган бемор соғлом ёнбоши томонга озроқ бурилган ҳолда чалқанча ётиши керак. Бунда билак кўкракка ёки қоринга қўйилади.

— Оёқлари ва боши шикастланганда шикастланган оёққа шина қўйилиб, бемор чалқанча ётқизилади.

— Оёқ суяги синганда Дитерикс шинаси қўйилиб, бемор замбила га чалқанча ётқизилади.

— Болдир суяги синганда дастлаб шина қўйилиб, кейин замбилга чалқанча ётқизилади.

### **Гипснинг хусусиятлари, сифатини текшириш усуллари ва гипсли боғлам турлари**

Гипс  $140^{\circ}\text{C}$  да қиздирилган кальций сульфатdir. Қиздирилгандан сўнг у осонгина майда оқ кукунга айланади ва сув билан аралашмаси тезда қотади. Гипс ҳаводаги намни ўзига тез тортади, шунга кўра унинг сифати тезда ёмонлашади. Бунга йўл қўймаслик учун у зич бекитиладиган руҳланган қутиларда куруқ жойда сақланади.

Гипс сифатини текшириш учун бир неча синамалар мавжуд: 1) гипс билан сув teng миқдорда олиниб аралаштирилади, ҳосил бўлган масса 5 — 7 дақиқа ичидаги қотиши, босиб қўрилганда синиши, бироқ кукунга айланмаслиги керак; 2) гипс кукуни қисмлаб сиқилади, сифати яхши бўлса у сочилади, ёмон бўлса қумоқ-қумоқ бўлиб қолади.

Гипс кукунида қумоқлар бўлса, уни элаш ёки докадан ўтказиш керак. Намиқиб қолган гипс  $140^{\circ}\text{C}$  даги маҳсус идишида қиздирилади. Гипснинг қотиши хусусиятини пасайтириш учун у совуқ сув билан суюлтирилади ёки унга крахмал клейстери қўшилади. Қотишини тезлаштириш учун илиқ сувда ( $30 - 35^{\circ}\text{C}$ ) қорилади ва унга аччиқтоз (1 л сувга 10 г) ёки суюқ оҳак қўшилади.

Гипс боғламнинг қўйидаги хоссалари бор: яхши иммобилизация қиласи, очиқ синишиларда жароҳатни бекитади, ва у жароҳатни

дренаж қилинға халақит бермайды, чунки жароҳат суюқлиги гипсга яхшы шимилади.

Гипс боғламларнинг қўйидаги турлари фарқ қилинади: 1) циркуляр (ёпиқ); 2) олиб қўйиладиган; 3) дарчали; 4) қўприксимон; 5) шинали; 6) лонгетали; 7) лонгетали-циркуляр; 8) торакобрахиал (қўл ва кўкрак қафасига қўйиладиган); 9) кокситли (оёққа, чаноқ, қорин билан кўкрак қафасига); 10) гонитли боғламлар (кокситли боғлам чегараси фақат юқори киндиккача етади); 11) корсетлар.

Гипсли боғламлар гипсли бинтлардан тайёрланади. Гипсли бинтлар учун фақат гигроскопик дока ёки тешниклари ўртача бинтлар ишлатилади. Рухланган туника қопланган ёки клеёнка қопланган столга бинт ёзилади, устига гипс сепилади ва гипс куч билан бинтга ийланади. Гипс сепилган бинт говак қилиб ўралади. Керакли узунлик ва қалинликдаги (5 – 8 қават) гипс лонгеталарни олдиндан тахт қилиб қўйиш мумкин. Фабрикада ишлаб чиқариладиган гипсли бинтлар ҳам бўлади.

Гипс боғламлар қўйишнинг қўйидаги қоидалари мавжуд: гавданинг тегишли қисмига ўртача физиологик ёки функционал жиҳатдан қулай вазият берилади. Гавданинг шикастланган қисмидан ташқари, иккита қўшни бўгим иммобилизация қилинади, гипсли боғлам таглик билан қўйиладиган бўлса, бу мақсад учун гигроскопик бўлмаган пахтадан фойдаланган ва уни суяқ дўнгчаларига қўйган маъқул. Боғлам тўқималарни босмаслиги, бироқ ҳаддан ташқари бўш ҳам бўлмаслиги керак. Боғлам қўйилгандан сўнг унинг йирик томирларни босмәётганлигини (кўкариб кетиш, шиш, эт жунжикиши, баданда чумоли юргандек сезги пайдо бўлиши, увишиш, қўйида жойлашган бўғимларнинг шишуви) текшириб кўриш зарур.

Гипс боғламларни қўйиш ва олишда ишлатиладиган маҳсус мосламалар ва асбоблар бор: экстензион стол, тогора қўйиладиган таглик, корсетлар қўйиш учун аппарат, гипс учун аррата, қайчи, скальпеллар, Штилу омбури, электр арралар.

**Айланма боғлам қўйиш.** Гипсли бинт сув солинган төғорага туширилади. У сувни шимиб олгандан (газ пуфакчалари ажралиб чиқиши тўхтагандан) сўнг бир оз сиқилади. Бинтдан гипс бўтқаси оқиб чиқишига йўл қўймаслик учун бинт учларини маҳкам ушлаб, бинт қўл билан босиб турилади. Бинтни қаттиқ ва нотўғри босиб турилганда гипснинг бир қисми бинтдан оқиб чиқади. Бинтлашда маҳкамлайдиган ўрамдан сўнг кейинги ўрамлар олдинги ўрамнинг ярмини ёки бундан кўпрогини бекитиб турадиган ўрам ўралади. Бинтлаш перифериядан марказга томон бажарилади. Боғлам бир текисда, букламасдан ўралади. Зарур бўлганда бинт ўртасидан қирқилади. Боғламнинг бир текисда ёпишиб туриши учун (унинг пишиқлиги ана шунга боғлиқ бўлади) бинтни бир меъёрда ва тез ўраш керак. Биринчи бинтни ўраш вақтида у текислаб турилади ва боғламни гавданинг шу қисмидаги анатомик тузилмаларига мослаш орқали пухталик билан қолипланади (73- расм, а, б).




73- расм. Гипс боелам турлари .

**Олиб қўйиладиган шина боғлам.** Боғламни янгилаш, массаж ва бошқа тиббий тадбирларни амалга ошириш зарур бўлган ҳолларда қўлланилади. Шу мақсадда одатдаги циркуляр гипс боғлам қўйилади ва қотиб қолмасдан олдин қарама-қарши икки томонидан қирқиласди. Боғламни маҳкамлаш учун кейинчалик тавақалари бинт билан тортиб қўйилади (73- расм, в).

**Дарчали боғлам.** Боғлам қўйилгандан сўнг жароҳат соҳасидан дарча ўйилади. Боғламнинг бу турида гипс боғлам пишиқлигини сақлаб қолади ва зарурат бўлганда жароҳатни қайта боғлан мумкин (73- расм, г, д).

**Кўприксимон боғлам.** Гавданинг бирор қисмини гир айлантириб очиқ қолдириш зарур бўлган ҳолларда қўлланилади. Шу мақсадда гипсли циркуляр боғламлар гавданинг тегишли қисми юқорисидан ва пастидан қўйилади. Гипсланган қисмлар бир-бирига тахта ёки металлдан ясалган кўприкчалар билан бирлаштирилиб, устидан гипсланган бинт билан бекитилади.

**Шарнирли боғламлар** картондан тайёрланади. Картонга керакли шакл берилгач, у гипсланган ҳўл бинтга ўралади (Волкович шинаси). Бундай боғлам гавданинг тегишли қисмiga қўйилиб моделланади ва бинт билан фиксация қилинади (73- расм, е).




74- расм. Торакобрахаал боғлам.

**Лонгетали боғлам.** Иммобилизация учун лонгетани фиксация қилиш кифоя қиласидиган ҳолларда ёки циркуляр гипсли боғламни маҳкамлаш учун қўлланилади. Лонгеталар (тегилили узунликдаги бир неча қават гипслантган бинт) гипсли бинтларни тайёрлашда олдиндан тайёрлаб қўйилади ёки гипс учун ҳўлланган бинтлардан тайёрланади(73- расм, ә, ж).


**Лонгетали циркуляр боғлам.** Аввал циркуляр гипсли боғлам билан фиксация қилинадиган лонгеталардан фойдаланилади. Одатда лонгеталар гипснинг сизиши эҳтимоли бўлган гавданинг кисмларига, масалан, бўғимлар соҳасига қўйилади.

**Торакобрахаал боғлам.** Ёлка ва елка бўғими шикастланганда қўлланилади. Одатда уни лонгетали-циркуляр гипсли боғлам принципиliga биноан қўйилади. Бунда кўкрак қафаси ва қўлният тегишли қисми танадан узоқлаштирилган, олдинга яқинлаштирилган ва тирсак бўғимидан букилган вазиятда гипсланади. Қўлни ҳосил қилган вазиятда тутиб турини ва боғламни мустаҳкамлаш учун билакнинг учдан бир ўрта қисми билан кўкрак қафасидаги гипсли корсет орасига таёқча гипслаб қўйилиши мумкин (74- расм, а,б)

**Кокситли боғлам.** Сон суюги ва чаноқ-сон бўғими шикастланганда қўлланилади. Бу боғламни қўйиш учун экстензион столдан фойдаланган маъкул. Лонгета-циркуляр боғлам қўйилади. Чаноқ-сон бўғими ва соннинг орқа сатҳи лонгеталар билан маҳкамланади. Циркуляр бинтларни ўрашда оёқ панжаси, болдир, сон, чаноқ-сон бўғими, қорин ва кўкрак қафаси кўкрак учи сатҳига қамраб олинади (75- расм а, б).



75- расм. Кокситли боғлам.  
Катта чаноқ-сон гипсли  
боғлами.



76- расм. Гипсли корсет.

**Гонитли боғлам.** Тизза бўғими ва болдири шикастланганда қўлланилади. Боғламни қўйиш қоидаси кокситли боғлам қўйиш кабидир, бироқ юқори сатҳи киндиккача етказилади, холос.

**Гипсли корсет.** Умуртқа погонаси касалликларида ва шикастларида қулланилади. Корсет циркуляр гипсли бинтлардан тайёрланади. Унинг қуий чегараси ёнбosh суюклар ҳисобланади, устки чегараси олдинги сатҳ бўйлаб туши суюги уйигигача боради, орқа чегараси биринчи кўкрак умуртқасининг қиррали ўсиғидир. Умуртқани шикастланиш жойига қараб, корсетнинг баландлиги ўзгартирилиши мумкин (76- расм, а, б, в).

**Гипсли каравотча** умуртқа погонаси силида ва дефорциясида қулланилади. Ундан умуртқа погонаси шикастланишларида транспортировка қилиш учун фойдаланиш ҳам мумкин. Бемор қорни билан ётқизилади. Гипсли каравотча энлик бинтдан ёки олдиндан гипслаб қуйилган айрим дока қаватларидан тайёрланади. Тана бўйлаб синчиклаб моделланади. Қуригандан сўнг каравотча олинади ва четлари қирқилади. Каравотча 1—2 сутка мобайнида қурийди, шундан сўнг унга bemor ётқизилади. Гипс ўз вазифасини бажариб бўлгандан сўнг олиш зарур, қотиб қолган гипс қийинчилек билан кўчади. Юмшатиш учун у иссиқ сув, натрий хлор эритмаси ёки кучсиз хлорид кислота эритмаси билан ҳўлланади. Боғламни юмшатмасдан қирқиш ҳам мумкин, бунинг учун махсус аррacha, қайчи ёки электр аррадан фойдаланилади.



77- расм. Шаде усули.


ёпиширилари ва уларнинг орқасидан пўлатли сим тортгич (тросча) ёрдамида махсус танланган юк билан тортуб қўйилади. Оёқ унга физиологик вазият берадиган махсус шинага тортилади. Кўл суяклари синганда абдукцион шинадан, оёқ суяклари синганда Белер шинасидан фойдаланилади.

Белер шинасини қўллашдан олдин устки параллел қисмлар орасига матодан қилинган тўр беланчак тортилиб, оёқлар ана шунга жойланади. Шинани керакли йўналишда тортиш учун махсус блоклари бўлади. Пастки блок болдири тортуб туриш учун, усткиси сонни тортуб туриш учун, олдингиси оёқ панжаларини ушилаб туриш учун хизмат қиласди.

Суяк синиқларини ушлаб туришга катта юк талаб этиладиган ҳолларда тери устидан тортуб қўйиш ўрнига скелетдан тортиш қўлланилади. Буни амалга ошириш учун маҳаллий оғриқсизлантириш остида суяқдан махсус дрел ёрдамида металл кегай ўтказилади. Кегайга ёй маҳкамланади, бу кегайни таранг тортуб туришга хизмат қиласди. Ёйга юк осилган тросча боғлаб қўйилади. Оёқ бундан олдинги ҳолатдаги каби шинага жойлаштирилади. Болдири суяклари синганда кегай товоң суягидан, сон суяги синганда эса катта болдири суягининг ғадир-буруридан ёки сон суягининг метафизиздан ўтказилади (78-расм).

**Даволашнинг хирургик усуллари.** Суяк синиқларини жой-жойига солиб бўлмаганда ва суяк синиқларини бундан олдин айтилган усуллар билан даволашнинг имконияти бўлмаганда хирургик усул қўлланилади. Суяк синиқлари орасига юмишоқ тўқималар қисилиб қолганда (интерпозиция) ва суякнинг очиқ синишиларида кўпинча операция йўли билан даво қилишга киришилади. Операция қилиб даволашнинг моҳияти шундаки, суяк синиқлари очилади, тўғрила-

тиш. Суяк синиқларини, айниқса у қийшиқ синганда ҳамма вақт ҳам гипсли боғлам билан ушлаб туриб бўлмайди. Бундай ҳолларда тери устидан ёки скелетдан тортуб қўйиш қўлланилади. Тери устидан тортишнинг моҳияти шундан иборатки, айниқса болаларда шикастланган қўл ёки оёқнинг дистал қисмига бўз, пахмоқ ёки бошқа енгил матодан (ёпишқоқ пластирдан фойдаланса ҳам бўлади) махсус богочлар қўйилади (77- расм). Богочлар терига махсус елимлар билан



**78- расм.** Скелетдан тортиш. Соң сүягининг пастки қисми синганда сүякдан тортиш.

нади ва улар зангламайдиган пўлатдан ясалган махсус металл шитифлар, пластинкалар, шуруплар, сим ва бошқалар ёрдамида фиксация қилинади. Сүяк синиқлари битиб кетгандан сўнг (одатда 6 — 8 ой ўтгач) уни фиксация қилиб турган металл кегай олиб ташланади.

Сүяк синиқларини операция йўли билан тўғрилашда махсус елем қулланилади, у сүяк синиқларини яхши фиксация қилиб турари ва кейинчалик уни олиб ташламаса ҳам бўлади.

**Очиқ сүяк синишиларини даволаш.** Биринчи ёрдам жароҳат четларига йод эритмаси суртиш, асептик боғлам қўйиш, беморни иммобилизация қилиш ва травматологик стационарга ётқизишдан иборат. Агар жароҳатдан сүяк синиқлари кўриниб турган бўлса, биринчи ёрдам кўрсатишда уларни тўғрилашга мутлақо рухсат этилмайди, чунки чуқур жойлашган тўқималарга инфекция тушиб қолиши мумкин. Стационарда жароҳат бирламчи хирургик тозаланади, сүяк синиқлари тўғриланади. Инфекция тушиш белгилари бўлмаса, жароҳат яхшилаб тикиб қўйилади.

Кўрсатма бўлганда ва беморнинг аҳволи имкон берганда очиқ сүяк синиқларини бирламчи хирургик тозалаш вақтида юқорида кўрсатиб ўтилган хирургик усуслар билан фиксация қилиш мумкин. Беморнинг аҳволи оғир бўлганда ёки хирургик тозалангандан ва сүяк синиқлари тўғрилангандан сўнг, гипс боғламда тортиб қўйишдан фойдаланилади.

Инфекция түшгән очиқ сүяқ синиқларыда некрозга учраган түкималар олиб ташланади, йириңгли чүнтаклар очилади, жароҳатта дренаж күйилади, лекин тикилмайди. Иммобилизация қилиш мақсадыда скелет тортиб күйилади ёки күпrikсимон гипсли боғламдан фойдаланилади.

### **Сүяқ синишиларида юз берадиган асоратлар**

Уларни эрта ва кеч турларга ажратиш мүмкин.

**Эрта асоратларга** күйидагилар киради:

1. **Травматик шок.** Профилактика учун яхшилаб оғриқсизлантириш, құл ёки оёқни түгри иммобилизация қилиш ва беморни даволаш муассасасига ўз вақтида транспортда олиб бориш зарур.

2. **Еғ әмболияси.** Профилактикаси — синган соҳани авайлаш, яхши иммобилизация қилишдан иборатдир.

3. Сүяқ синишиларида йирик томирларнинг шикастланиши ҳосибига иккиламчи қон кетиши.

4. Оёқ-құл гангренаси бу йирик томирларни босиб турадиган гипсли айлана боғламларни құйиншіда күпроқ учрайди. Профилактикаси — гипсли боғламни түгри құйинші ва уни вақтида олиб ташлаш керак.

**Кечки асоратлари:**

1. Сүяқ дүмбоқлары соҳасида **әтоқ яралар** пайдо бўлиши. Профилактикаси — беморни фаол парваришлаш, массаж қилишдан иборат.

2. Кегай ўтказилган соҳада ёки операция қилинган соҳанинг йиринглаши олдини олиш учун асептикага қатый риоя қилиш ва профилактик антибактериал даво ўтказиш лозим. Кегайни сүяқ танасидан ўтишини таъминлаш, скелетдан тортиб құйинші ўз вақтида ечиш ва унинг ўрнига бошқа усулларни құллаш керак.

3. Секинлик билан битиши (консолидацияси) бу сүяқ синиқлари нобоп солинганды, юмшоқ түкималар интерпозициясида,avitaminоз ва шу кабиларда күзатилади.

4. Узоқ вақт давом этган секинлашган консолидацияда соҳта бўғим ҳосил бўлади. Бунда кўмик канали бекилиб қолиб, у тогайни эслатадиган толасимон тўқима билан қопланади, унга операция йўли билан даво қилинади.

**Болаларда сүяқ синишининг хусусиятлари.** Сүяқ тўқимасининг бирмунча эластиклиги, сүяқ усти пардасининг етарлича пишиқлиги ва ўсиш зонаси борлиги туфайли болаларда сүяқ синиши ўзига ҳос хусусиятлар билан кечади. Аксарият болаларда сүяқ усти пардасининг остидан синиши учрайди. Бунда сүяқ усти пардаси шикастланмаган ҳолда сүяқ синади (кўк новда типида). Бунда сүяқ синиқлари силжимаслиги мүмкин. Эпифизар ўсиш соҳаси борлиги унинг йиртилиши — э п и ф и з е о л и з учун шароит яратади ва шунга кўра сүяқ синиқлари катталардаги кўндаланг сүяқ синиши каби

силжийди. Бундай сүяк синишларида сүяк фрагментларининг консолидацияси ўзгача кечади. Болаларда оёқ ёки қўл мажбурий ҳолда қўйилганда бўғим халтачалари ва бойлам аппаратининг бужмайиши ҳамда бўғимда биритирувчи тўқиманинг ривожланиши уччалик тез содир бўлмайди. Шу сабабли уларда бўғимлар ҳаракатининг қийинлашиб қолиши катталарга нисбатан секинроқ ривожланади.

Болаларда сүяк синишини даволаш ҳам ўзига хос бўлади. Скелетдан тортиб қўйиш одатда катта ёшдаги болаларда қўлланилади. Ёш болаларда теридан тортиб қўйиш — Шаде усули билан чекланади. Катта юк қўйиш талаб қилинмайди. Уларда оёқ ёки қўлнинг физиологик ҳолати бошқача: чунончи, оёқ учун чаноқ-сон бўғимида букиш бурчаги  $90^\circ$ , тизза бўғимида  $180^\circ$ га тенг. Шунга кўра, оёқ терисидан тортиб қўйилгандан сўнг пўлатли сим тортгич (тросча) ромга ўрнатилган блоклардан ошириб ўтказилади (бода гўё каравот ёки маҳсус шинага „осиб қўйилади“). Бола бундай вазиятга астасекин кўнишиб қолади ва кейинчалик кам безовта бўлади. Бадан териси бичилишини олдини олиш, боланинг ичи келганидан ва қовуғи бўшагандан сўнг, вақти-вақтида унинг остини ювиб туриш зарур.

### **Жароҳатлар ҳақида тушунча**

Жароҳат деганда тери ёки шиллик пардаларнинг механик шикасти тушунилиб, бунда ичкаридаги тўқималарга ҳам шикаст етган бўлиши мумкин.

**Жароҳат турлари.** Жароҳатлаган нарсанинг хусусиятига кўра қўйидаги жароҳатлар тавофут қилинади.

**Кесилган** жароҳатлар тўқималарга бирорта ўткир пичноқ, шиша, темир ва бошқа асбоблар таъсир қилганда пайдо бўлади. Жароҳатнинг атрофи текис, остидаги тўқималарга одатда камроқ шикаст етади, жароҳат очиқ бўлади, қонаб туради. Бошқа жароҳатларга қараганда бирмунча тез тузалади.

**Шилинган** жароҳатлар кесилган жароҳатнинг бир тури, бўлиб, бунда тери унинг остки қаватидаги тўқималардан ажralиб чиқсан бўлади. Бундай жароҳатлар урунма чизик буйича ҳаракат қиласётган кесувчи нарсалардан шикастланиш ёки терининг тери ости тўқимасидан ажralиши оқибатида юз бериши мумкин.

**Чопилган** жароҳатлар ўткир ва оғир нарса — болта, қилич ва ҳоказолар билан урилганда ҳосил бўлади. Остидаги тўқималарнинг анчагина шикастланиши кузатилади. Бирмунча секин битади.

**Санчилган** жароҳатлар санчиладиган ўткир буюмлар: бигиз, мих, наиза ва ҳоказолар санчилишидан ҳосил бўлади. Бу жароҳатлар терига озроқ шикаст етиши ва ичкаридаги аъзолар ҳамда тўқималар (йирик қон томирлар, ўпка, юрак, жигар ва ҳ.к.) нинг кўпроқ шикастланиши билан характерланади. Ташқарига қон кам чиқади, бироқ чуқур

жойлашған тұқымалардан күп миқдорда қон оқиши мүмкін. Бундай жароҳатлар ғоятда хавфлидір. Даво қилишда ички айзоларға шикаст етгандың аниқлама мақсады да жароҳат каналини көнг күламда тафтиш қилиш талаб этилади.

**Чопилған-кесилған** жароҳатлар чопилған ва кесилған жароҳатларнинг құшма тури бўлиб, ҳам ташқи, ҳам ички томондан анчагина қон оқиши билан характерланади. Даволаш услуби чопилған жароҳатлардагига ўхшайди.

**Урилған** жароҳатлар бирорта тұмтоқ буюм — таёқ, тош ва ҳоказолар билан урилганда пайдо бўлади. Улар юмшоқ тұқымаларнинг анчагина эзилиши ва озроқ қонаши билан характерланади. Тұқымаларнинг оғир эзилиши сабабли жароҳат атрофининг жонсизлениши кузатилади ва инфекция осонликча тушиб, йиринглаш юз беради. Жароҳатни хирургик тозалашда яшаб кетмайдын тұқымаларни батамом олиб ташлаш талаб қилинади.

**Юлинған** жароҳатлар уриб олинған жароҳатларга яқын туради. Одатда машиналар ва механизмларнинг ҳаракатланадиган қисмларидан вужудга келади. Бунда жароҳатнинг ўлчамлари катта, четлари нотекис бўлади, осонликча инфекция тупади. Узоқ муддат мобайнида турли асоратлар билан кечиб битади.

**Тиішланған** жароҳатлар одам ёки ҳайвонлар тиішланыдан юзага келади. Бунда тери ва унинг остидаги тұқымаларға анча шикаст етади. Жароҳат ҳамиша инфекцияланған бўлади ва кеч асоратлар билан битади.

**Үқ тегишидан юз берган** жароҳатлар үқ отар қуролдан заарланиш натижасыда юз беради. Үқ, сочма үқ, снаряд парчаси кабилардан юз бериши мүмкін. Жароҳатлайдын снаряд масофасига ва ҳоказоларға кўра турли-туман характерда бўлади. Үқ ёки снаряд парчасыдан рўй берган жароҳатлар айниқса оғир кечади. Бу жароҳатлар тешиб ўтган бўлади, бунда жароҳатлар учун буюм танани қисмидан тешиб ўтади унинг кириш ва чиқиш тешиклари бўлади. Бунда кириш тешиги чиқиш теннигидан кичик ва берк бўлади ёки фақат кириши тешиги бўлиб, жароҳатловчи буюм тұқымаларда қолади.

Үқнинг бўшлиқ ичкарисига киришига кўра:

1. Тешиб кирмайдын, бунда бўшлиқ (қорин, плевра, мия, бўғимнинг синовиал пардаси) тўсиги шикастланмайди.
2. Тешиб киравчи (бўшлиқ тўсигини шикастлайдын) жароҳатлар бўлиши мүмкін.

**Ўқ тегишидан вужудга келган** жароҳатда қуйидагилар фарқ қилинади:

- жароҳат канал соҳасыда некротик тұқымалар, ўқ парчаси, кийим парчалари ва шу кабилар бўлади;
- шикастланған некроз соҳасы тұқымаларнинг ҳарорат таъсирида шикастланыши натижасыда ҳосил бўлади;
- молекуляр силкиниш соҳаси. Кўзга кўринадиган ўзгаришлар кузатилмайди, бироқ шу соҳада тұқымалар қаршилигини камайтирадиган некробиотик ўзгаришлар учрайди.

**Тасодифан юз берган** жароқатларга жароқатларнинг юқорида санаб ўтилган ҳамма тури киради. Үлар одатда бирламчи инфекцияланган ва атайлаб қилинган (операция) – асептик бўлади.

Тасодифан юз берадиган ҳамма жароқатлар, жумладан ўқ теккан жароқатлар ҳам бирламчи инфекцияланган ҳисобланади ва тўқималарга кўп шикаст етиши билан ўтади, бу эса уларнинг битишини қийинлаштиради.

**Заҳарланган жароқатлар** – жароқатнинг заҳарловчи модда (иприт, люизит ва б.) тушган ҳар қандай туридир. Заҳарловчи модда жароқат тешиги орқали организмга тез сўрилиб, оғир оқибатларга олиб келади.

**Даволаш** – ювиш, антидотлар қўллаш, жароқатни бирламчи хирургик тозалашдан иборат.

Инфекциянинг тушиш даражаси бўйича асептик жароқатлар фарқ қилинади.

**Иккиламчи инфекцияланган жароқатлар** – одатда операция жароқатлари бўлиб, нотўғри парвариш қилинганда (тиббиёт ходимларининг ёки беморларнинг айби билан) улар жароқат пайдо бўлишидан бир неча соат ёки кун ўтгач инфекцияланиши мумкин. Жароқатлар яккаякка ва кўп сонли бўлиши мумкин.

Жароқатнинг клиник манзараси оғриқ, жароқат четларининг очилиб туриши, қон оқиши ва гавданинг шу қисмларида юз берадиган функционал бузилишлар билан характерланади.

**Жароқатларнинг битиши.** Жароқатларнинг битиши мураккаб патофизиологик жараён бўлиб, у шартли равишда уч босқичга ажратиласди.

**Гидратация босқичи.** Бевосита травмадан сўнг юз беради ва бир неча сутка давом этади. Яллиганиш аломатлари билан ўтади. Жароқат суюқлигининг оқиб чиқини учун шароитлар (жароқатни кесиш, дренажлаш, гипертоник эритмалар қўллаш) яратиш зарур.

**Дегидратация босқичи.** Жароқатнинг тозаланиши, яллиганишнинг камайиши, яшаб кетмайдиган тўқималар ва фибрин ивиндиларининг лизиси ва грануляциялар ҳосил бўлиши билан рўй беради. Грануляция тўқимаси ҳосил бўлиши учун шароитлар (антисептик эритмалар, малҳамли боғламлар, боғламлар, боғламни кам янгилаш) яратиш зарур.

**Эпителизация босқичи** жароқат нуқсонини беркитадиган эпителиал тўқима ҳосил бўлиши билан характерланади. Айни вақтда грануляция тўқимасидан чандиқли тўқима ҳосил бўлади. Сабаблари – ҳаракатлар, иссиқ муолажалар, малҳамли боғламларни қўллашдир. Ҳар бир босқичнинг давом этиш муддати жароқатнинг характерига, даволаш усулларига, организмнинг умумий ҳолатига ва инфекция борлигига боғлиқ. Жароқат битишининг қўйидаги турлари фарқ қилинади.

**Бирламчи тортилиб битиш** жароқат чеккалари бир-бирига тегиб (чоклар босиб турадиган боғлам), жароқатда инфекция ривожланади.

маганда ва яшашга лаёқатсиз түқималар жуда кам бўлганда рўй беради. Жароҳат тахминан 6- кунда битиб, ингичка чизиқли чандик қолади.

**Иккиламчи тортилиб битиш** жароҳат очиқ, унда йиринглаш бўлганда рўй беради. Жароҳатнинг яшаб кетмайдиган түқималардан тозаланиши, яллигланишининг йўқолиши, грануляциялар пайдо бўлиши, чандиқли түқима ҳосил бўлиши ва эпителизация қайд қилинади.

**Иккиламчи тортишиб битиш** узоқ давом этадиган жараёндир. Бунда дағал чандик қолади. У бурушганда бўғим контрактураси юз бериши ва гавданинг шу соҳаси детурацияга учраши мумкин.

**Жароҳатнинг пўстлоқ остидан битиши.** Тери юза шикастланганда жароҳат соҳасига чиққан қон ва лимфа тўқ жигар ранг пўст ҳосил қиласди. Пўст остида битиш жараёни жароҳат регенерациясининг қоидалари бўйича, бироқ бирмунча тезроқ боради, чунки пўст жароҳатни инфекциядан ва шикастланишдан сақлайдиган биологик боғлам вазифасини бажаради.

**Жароҳатнинг микробдан ифлосланиши.** Ҳар қандай тасодифий жароҳатланишда жароҳатга микроблар тушиб ифлосланади. Микробли флора жароҳатга жароҳатловчи қурол, кийим парчалари, тери атрофлари орқали тушади.

Жароҳатда инфекция ривожланишига микрофлоранинг вирулентлиги, жароҳат канали соҳасидаги түқималар емирилиб, қон айланиши ва иннервация бузилиши, организмнинг ҳимоя кучлари пасайиши ҳолатлари сабаб бўлади.

**Жароҳатнинг йиринглаши.** Жароҳатдаги йирингли жараён муайян клиник манзара — жароҳат атрофининг қизариши, шишиши, қаттиқлашиши, маҳаллий ва умумий ҳароратнинг кўтарилиши, қаттиқ оғриқ, гавданинг шу қисми функциясининг бузилиши билан характерланади.

Жароҳатдаги яллигланиш йирингли экссудат характеристига эга бўлади (лейкоцитларнинг миқдори кўпайиб кетиши ҳисобига). Очиқ жароҳатда йирингли модда түқималарро бўшлиқлар бўйича тарқалиб, катта йирингли халталар ҳосил қиласди.

Йиринглаган жароҳатларни даволаш, йирингни оқиб чиқиши учун қулай шароит яратиш ва антибактериал даво ўтказишдан иборат.

Жароҳатланганда биринчи ёрдам кўрсатишни асосан қон оқишини вақтинча тўхтатиш (боғлам, жгут) ва инфекция тушишининг олдини олиш (боғлам кўйиш олдидан жароҳат чеккаларига йод эритмаси суртиш) дан иборат бўлади.

Жароҳатга боғлам кўйишдан олдин гавданинг шу қисмидаги кийим ёки пойабзални эҳтиётлик билан ечиш лозим.

Вақтингчалик қон тўхтатишдан сўнг транспорт иммобилизацияси тегишли бўлимларда баён этилган қоидалар асосида бажарилади ва бемор даволаш муассасасига ётқизилади.

Шифокор келгунча жабрланганга бериладиган ёрдамни тиббиёт ҳамшираси жароҳат юз берган жойда түғри күрсата билиши керак. Кейин беморга қоқшолга қарши зардоб юбориш, уни ихтисослашган даволаш муассасасига жүнатиш лозим.

**Даволаш. Жароҳат юзасини тозалаш ва бирламчи чок солиши.** Муолажаларнинг бу тури кичикроқ юза жароҳатлари (лат ейиш, тери экскориацияси) бўлган беморларда ёки атрофлари текис, ифлосланмаган ва ичкарида жойлашган тўқималар ҳамда анчагина шикастланган кесилган жароҳатларда бажарилади.

Жароҳат атрофидаги соч ёки туклар тозаланади, тери спирт билан артилади ва йод эритмаси суртилади. Беморда фақат тери экскориацияси бўлса, асептик боғлам қўйилади. Бундай ҳолларда бактеришид таъсирга эга бўлган маҳсус лейкопластирли боғлам қўйса ҳам бўлади.

**Жароҳатга бирламчи хирургик ишлов бериш.** Жароҳатга бирламчи хирургик ишлов бериш асосида жароҳат чеккалари, деворлари ва тубини соғлом тўқималаргача кесиш, уни асептик жароҳатга айлантириш принципи ётади.

Шикастланган соҳа ва унинг оғир-енгиллигига қараб бирламчи хирургик ишлов бериш маҳаллий ёки умумий оғриқсизлантириш остида ўтказилади. Жароҳат тозаланади, қон оқиши узил-кесил тўхтатилади. Ички томондан кетгут чок солиш ва терини ипак билан чоклаш ёрдамида жароҳат чеккалари бир-бираiga яқинлаштирилади. Жароҳат чеккаларига антибиотиклар қўйилади. Жароҳатга бирламчи хирургик ишлов бериш жароҳатлангандан сўнг дастлабки соатларда бажарилиши керак. Антибиотикларни парентерал қўллаш хирургик тозалашни кечроқ муддатда (бир суткагача) ўтказиш имконини беради. Чуқур камгаклар ва инфекция ривожланиши хавфи бўлганда жароҳат дренажланади, ёрдамчи чоклар солинади ёки умумий чокланмасдан асептик боғлам билан бекитилади. Яллиганиш жараёнлари бўлмаса 3 — 4 кундан кейин чок солинади (бирламчи тикилган чок). Жароҳат йиринглагандан яллиганиш жараёнлари тугагандан кейингина уни тикиб қўйиш мумкин. Бу вақтта келиб жароҳатда грануляциялар пайдо бўлади. Улар кесилади ва чок солинади (иккиламчи тикилган чок).

Юз, тил, қўл панжаси жароҳатланганда, яъни қон таъминоти яхши соҳаларда жароҳат чеккалари минимал даражада кесилиб, унга чок солинади ва зарурат бўлганда иммобилизация қилинади. Жароҳат бирламчи хирургик тозалангандан сўнг нормал битаётган чоклар 7 — 8 суткада олинади.

**Йирингли жароҳатларни даволаш.** Жароҳат ўз вақтида тозаланмаса шу жой йиринглай бошлайди. Клиник жиҳатдан у жароҳат атрофларининг қизариши ҳамда умумий ҳароратнинг кўтарилиши, беморнинг умумий ҳолсизланиши, жароҳат соҳасининг қаттиқ оғриши билан ифодаланади. Бундай ҳолларда жароҳатга дренаж қўйиш

лозим бўлади (**жароҳатга иккиламчи хирургик ишлов бериш**). Бу мақсадда илгари чоклар солинган бўлса, улар олинади ва йирингли халталар кесиб очилади. Йиринг чиқишини яхшилаш учун қўшимча кесмалар — контрапертуралар қилинади. Бу даврда (гидратация босқичи) катта-кичиклигига қараб резина ленталар, дренаж найчалар, натрий хлориднинг гипертоник эритмаларига ботирилганfovак тампонлар билан жароҳат ичидаги йиринг сўриб олинади. Антибиотиклар, ферментлар, антисептик воситалар юборилади.

Заҳарланишга қарши курашиш ва организмнинг иммунибологик реакцияларини фаоллаштириш учун катта миқдорда суюқликлар юборилади, витаминаларга бой, юқори калорияли овқат тайинланади, бўлиб-бўлиб қон қўйилади. Ўтқир ҳодисалар босилгандан кейин (дегидратация босқичи) малҳамли боғламлар қўлланилади, боғлам кам янгиланади, физиотерапевтик муолажалар тайинланади. Жароҳатни даволашда иммобилизация қилиш зарур ва қоқшолга, газли гангрена ва қутуришга қарши тадбирларни дарҳол ўтказиш лозим бўлади (яллигланиш синдромига қаранг).

### **Куйиш**

Куйиш деб, тўқималарнинг юқори ҳарорат (термик), кимёвий моддалар (кимёвий), электр токи (электрдан) ва нур энергияси (нурдан) таъсирида келиб чиқсан жароҳатга айтилади.

Кучли куйишларда беморда жиддий умумий бузилишлар кузатилади ва куйиш касаллиги ривожланади.

Ўтқир куйиш касаллигининг кечишида шок, токсемия, септи-котоксемия ва реконвалесценция даврлари фарқ қилинади.

**Шок даври** куйишда травматик шокни эслатади, бироқ организмнинг яққол заҳарланиши ва плазма йўқотилиши ҳисобига бирмунча оғир кечади. Травматик шокдаги сингари бемор эректил босқичда кўзғалган бўлади, артериал босими ошиб, пульси тезлашади.

**Торнид** босқичда ҳётний функциялар кескин пасайиб кетади: бемор ҳаракатсиз, тана ҳарорати ва артериал босими пасаяди, териси рангизланади, юз қиёфаси жиддийлашиб, акроцианоз пайдо бўлади. Сийдик ажралиши камайиб, тўлиқ ануриягача боради.

**Токсемия даври** куйишдан кейин бир неча соат ўтгач бошланади. Куйган юзада кўп миқдорда плазма йўқотилиши билан бирга заҳарли моддаларнинг сўрилиши бошланади, бу моддалар организм тўқималари ва бактерияларнинг парчаланиши ҳисобига юзага келади. Бу даврда беморнинг аҳволи ниҳоятда оғир, ҳарорати жуда юқори, иштаҳаси ва уйқуси бўлмайди, қусади, ичи келмайди. Қон қуюқлашгани сабабли (плазма йўқотилишидан), гемоглобин ва эритроцитлар миқдори кўпаяди. Лейкоцитар формуланинг чапга силжиганлиги қайд қилинади. Сийдикда эритроцит ва оқсиллар пайдо бўлади.

**Септикотоксемия даври** куйган юзада инфекция ривожлангандан кейин кузатилади. Бу давр клиник жиҳатдан бундан олдинги даврдан кам фарқ қиласи. Куйган юза күп йириングли суюқлик билан қопланади. Ҳарорат септик характерга эга бўлади (сепсис). Грануляциялар оч рангли, суст. Ётқ яралар, йирингли метастазлар ҳосил бўлади (тананинг бошқа соҳаларида йирингли ўчоқлар вужудга келади). Баъзан эса ареактив ҳолат ҳам кузатилиб, бу организмнинг ҳимоя кучлари пасайиб кетганидан далолат беради.

**Реконвалесцент (согайиш) даври.** Тана ҳарорати, қон ва сийдик нормага келади, беморнинг иштаҳаси яхшиланади, тўқималарнинг некротик қисмлари кўчиб тушади, куйган юзада пушти ранг соғлом грануляциялар пайдо бўлади.

Куйган беморларда куйишнинг клиник ўтишини даврларга ажратиш жуда муҳим. Бемор аҳволининг оғир-енгиллиги асосан куйиш даражасига ва куйган юзага, шунингдек, организмнинг умумий ҳолатига боғлиқ (авитаминон, гипотрофия, иммунодефицит ҳолат).

**Термик куйиш.** Тўқималарга юқори ҳарорат, иссиқ буғ, сув ва бошқалар таъсир этганда содир бўлади. Куйишда тўқималарнинг шикастланиш даражаси ҳароратнинг кўтарилганлиги ва термик омилнинг қанча вақт давомида таъсир қилишига боғлиқ. Ҳарорат нечоғли юқори бўлса ва термик омил қанча узоқ таъсир қилса, тўқималар шунча кўп шикастланади. Эриган металл таъсирида айниқса чуқур куйиш ҳоллари кузатилади.

Тўқималарнинг шикастланиш характеристири нечоғли чуқур шикастланишига кўра куйишнинг бир неча даражаси кузатилиши мумкин.

**Куйишнинг 1- даражаси** унча юқори бўлмаган термик омилнинг тез муддатли таъсирида кузатилиб, терининг қизарини ва пича шишиши билан характерланади (эритематоз). Куйишнинг бу даражасида тери капиллярлари кенгаяди ва уларнинг порозиги ошиши ҳисобига қоннинг суюқ қисми (плазмаси) атрофдаги тўқималарга чиқади.

1- даражали куйишнинг ўтиш муддати 2 — 3 кун. Куйган жойда тери пигментацияси ва кейинроқ эпидермиснинг кўчиб тушиши кузатилади.

**Куйишнинг 2- даражаси** пуфаклар пайдо бўлиши билан характерланади (буллёз шакл). Куйишнинг бу даражасида яллиғланиш бирмунча яққол юзага чиқади. Талайтина суюқлик чиқади, шунга кўра у эпидермис остига йиғилади ва эпидермисни кўчириб пуфаклар ҳосил қиласи. Пуфаклар куйишдан кейин бир неча минут ўтгач, баъзан эса эртасига пайдо бўлиши мумкин. Терининг юза қатлами (эпидермал қавати) жонсизланади. Пуфак ёрилганда терининг тиниққизил сўргичсимон қавати кўринади. Куйиш асоратсиз ўтганда 4 — 6-суткага келиб пуфакдаги суюқлик сўрилиб кетади. Янги, ёш эпидермис аввалига пушти рангли ва осон шикастланадиган бўлади.

Инфекция тушиб оғирлашганда пуфакдаги суюқлик йириңгайды. Кейинчалик грануляциялар ва чандиқли түқима ҳосил бўлиши билан битади, бу тузалиш вақтини узайтиради ва бемор аҳволини оғирлаштиради.

Куйишнинг 3- даражаси терининг юза қатлами, шу жумладан ўсиш соҳаси (А гуруҳи) ёки барча ички қаватларнинг (Б гуруҳи) жонсизланиши билан характерланади. Куйган юзада тўқ рангли пўстлоқ пайдо бўлади. Пўстлоқ оқсиллар коагуляцияси (ивиши) ва айланишининг тўхтатиш ҳисобига вужудга келади.

Куйишнинг бу даражасида пўстлоқ кўчгандан кейин ўша жой иккиласида чандиқли бўлиб битади. Эпителийланиш куйган жой атрофидан бошланади. Терининг юза қатлами куйганда шикастланган қисми тўла-тўқис эпителизацияланиши мумкин. Терининг ҳамма қавати жонсизланганда эпителиал тўқима аста-секин ривожланади ва куйган юзани умумий бекитмайди ва дағал келлоид чандиқ ҳосил бўлади.

**Куйишнинг 4 - даражасида** теридан ташқари, бирмунча ичкарида жойлашган тўқималар (тери ости, мушак, суяклар) нинг жонсизланиши кузатилади. Бу жуда секинлик билан битиб, катта чандиқлар ҳосил қилади. Тўқималарнинг айрим жойлари кўчиб тушиб, ҳатто оёқ-қўллар ўз-ўзидан узилиб тушиши мумкин.

Куйишнинг клиникаси куйган юзанинг даражаси ва майдонига боғлиқ. Куйган юза нечоғли катта бўлса, беморнинг аҳволи шунчалик оғир бўлади. Тананинг 30 % и ва бундан кўпроқ қисми кўйса, куйиш касаллиги келиб чиқиб, унда кўпинча бемор ўлиши мумкин.

**Куйиш майдонини ўлчаш.** Кафтлаб ўлчаш — одамнинг кафти тери юзасининг тахминан 1 — 2 %ини ташкил қилади.

**Тўққизлик қоидасига мувофиқ ўлчаш.** Бунда бош ва бўйиннинг майдони жами юзанинг 9 %, қўл юзаси — 9 %, тананинг олдинги юзаси — 18 % (9+2) , орқа юзаси ҳам 18 % (9+2) ва оёқ — 18 % (9+2) ни ташкил қилади. Буларнинг жами 99% (ўн битта тўққизлик) ни ташкил этади; 100% нинг 1% ини оралиқ соҳаси ташкил этади.

**Б. Н. Постников усули.** Куйган юзага стерил цеплофан ёпилади. Куйиш соҳаси атрофига бриллиант яшил билан чизиб чиқилади. Ўрта бўйли одам танасининг умумий майдони тахминан 100 % — 16000 см<sup>2</sup> ни ташкил қилади.

Куйишда биринчи ёрдам беришдан асосий мақсад — термик омил таъсирини йўқотишdir: иссиқ сув ва буғ келишини тўхтатиш, кийим-кечак ёниб кетганда ўт-оловни ўчириш учун шикастланган кишини адёлга ёки қандай бўлмасин бирор матога ўраш керак.

Куйишда асептик боғлам қўйилади, оғриқсизлантирувчи дори ёки наркотиклар юборилади, тананинг шикастланган қисми иммобилизация қилинади ва шок профилактикаси ўтказилади. Агар ҳаво совуқ бўлса, бемор иссиқ қилиб ўраб қўйилади ва даволаш муассасасига олиб борилади.



79- расм. Куйининг очиқ даво усули.

**Даволаш** икки йўналишда — куйган жойни маҳаллий ва умумий даволаш билан олиб борилади. Умумий даволашга шок, плазма йўқотилиши ва қон қуюқлашиши, инфекциялар, токсемиянинг олдини олишга қаратилган тадбирлар киради. Ҳозирги вақтда куйини даволаш учун махсус ихтиосослашган марказий шифохоналар барпо этилган.

**Куйган юзага ишлов бериш.** Куйган юзага ишлов беришдан олдин баданининг катта қисми куйган беморлар калий перманганат эритмаси солинган илиқ ваннага туширилади, кейин боғламлар ҳўллаб ечилади. Унча катта бўлмаган куйган жойга ишлов беришдан олдин беморга аналгетиклар юборилади. Катта куйган юзага ишлов беришда эса наркоз берилади.

Куйган жой атрофидаги терини тозалаш учун, эфир, спиртга ва ҳўлланган дока тампонлар ишлатилади, пуфаклар антисептик дори билан тозаланиб, кўчган эпидермис эҳтиётлик билан қайича қирқилади. Жароҳат юзаси қуритилади. Кейинги даво очиқ, ёпик ёки аралаш усулларда олиб борилади.

**Очиқ усулда** bemorни стерил чойшаблар ёзилган ўринга, электр лампалар билан ёритилган каркас остига ётқизилади ва каркас устига стерил чойшаб ташланади (79- расм). Бу усулда куйган юза бир меъёрда қуритилади ва унинг ўрнида пўстлоқ ҳосил бўлади, бу плазма йўқотишдан ва куйган юзани йирингланишдан сақлайди. Пўстлоқ остида эпителиал тўқима ҳосил бўлади. Пўстлоқ ҳосил бўлишини тезлаштириш учун баъзан ошловчи моддалар қулланилади. Бунинг учун 10% ли калий перманганат эритмаси, 5% ли танин эритмаси куйган юзага суртилади.

Куйган юзага инфекция тушиши хавфи борлиги очиқ усулининг камчилиги ҳисобланади. Бундан ташқари, пўстлоқда ёриқлар пайдо бўлади ва битгунча узоқ мuddатда ундан плазма оқиб туради.

**Ёпик усулда** турли-туман боғламлар қулланилади. Бу мақсад учун синтомицин ёки стрептомицин эмульсияси, Вишневский малҳами, балиқ мойи кабилар ишлатилади. Ҳар 1—2 кунда жароҳат қайта боғланади.

Некроз ўоқлари аниқ күриниб турадиган 3 — 4- даражали катта куйишларда улар кесилади, жароҳат нұқсони эса тананинг соғлом қисмидан дерматомда қирқиб олинган тери парчаси билан ёпилади (аутотрансплантация).

Терининг жуда катта нұқсонларида гомотрансплантация усулидан фойдаланилади. Күп ҳолларда тери нұқсонини ёпишида ауто ва аумотрансплантация усуллари құлланилади.

**Аралаш усулда** куйиш жароҳатини даволашда очиқ ва ёпиқ усуллардан бир вақтнинг ўзіда фойдаланилади. Бүгимларнинг чандық контрактуралари олдини олиш мақсадида ва даволаш учун парафин ва озокерит апликациялари, балчиқи ва водород сульфидли ванналар, гальванизация, массаж, жисмоний машгулотлар табиқ қилинади.

### **Куйиша құлланиладиган умумий даво тадбирлари**

Куйиша бошқа очиқ шикастлардаги каби беморларга мажбурий тартибда қоқшолға қарши зардоб ва қоқшол анатоксини юборилади. Шок пайдо бўлиши олдини олиш учун анальгетиклар ва нейролептанальгетиклар (дроперидол, фентанил) ва новокаинли блокадаларнинг ҳар хил турлари, жумладан: оёқ-қўл соҳаси куйганда — филофли, кўкрак қафаси соҳаси куйганда — вагосимпатик ва қорин, бел соҳаси куйганда — паранефрал блокада құлланилади.

Шок, токсемия ва плазма йўқотилишига қарши курашиш учун венага шокка қарши суюқлик, қон, физиологик эритма ва бошқа препаратлар қуйилади. Бир кечакундузда юбориладиган суюқликнинг умумий миқдори 500 — 3000 мл ни ташкил қилиши мумкин. Юрак-томирлар системаси ишини енгиллаштириш мақсадида юрак фаолиятини яхшиловчи ва сийдик ҳайдовчи препаратлар юборилади.

Токсемия натижасида буйраклар ишламай қолини мумкин. Буйраклар ишини назорат қилиб туриш учун қовуқта доимий катетер қўйилади. Сийдик миқдорининг камайиши буйракнинг касалланиши ҳисобланади. Анурия билан асоратланганда суюқлик қуйишидан ташқари, паранефрал новокаин блокада ўтказилади, буйраклар соҳасига диатермия құлланилади, сийдик ҳайдовчи воситалар юборилади. Туз ишқорли аралашма (1 л сувга 1 чой қошиқ натрий хлор ва 1/2 чой қошиқ натрий бикарбонат) ичириш яхши натижа беради. Оғир ҳолларда “сунъий буйрак” аппаратини ишга солиш ва гемодиализдан фойдаланиш мумкин.

Инфекцияларга қарши курашиш учун куйган юзага микрофлорага сезувчанлигини ҳисобга олган ҳолда антибиотиклар құлланилади.

Куйган беморларнинг овқати юқори каллорияли, оқсилли, витаминли ва минерал тузларга бой бўлиши керак.

### **Кимёвий куйиш**

Кимёвий куйиш тўқималарга кимёвий моддалар — кислоталар, ишқорлар, оғир металл тузлари, фосфор ва бошқалар таъсир этганда

рўй беради. Кимёвий моддалардан куйиш ишлаб чиқаришда ҳам, турмушида ҳам кимёвий моддаларни бетартыб ишлатиш оқибатида юз беради.

Кислоталар ва оғир металл тузларидан куйишда түқима оқсилларининг ивиши ва уларнинг сувсизланиши рўй беради. Коагуляцион некроз юз берганлиги сабабли зичлашган пўстлоқ ҳосил бўлади. Хлорид кислотадан куйишда пўстлоқнинг ранги оқ, нитрат кислотадан куйишда сариқ, сульфат кислотадан куйишда қорамтирик рангда бўлади.

Оғиз, қизилёнгач, меъда шиллик пардалари куйганда кимёвий моддалар таъсири маҳаллий куйиш реакцияси юз беришидан ташқари, улар организмга заҳарли резорбтив таъсир қиласди.

**Биринчи ёрдам.** Кимёвий моддани сув оқими билан тез ювиб ташлаш, қолдиқларини эса нейтраллаш керак. Кислоталарни нейтраллаш учун 2 % ли сода эритмаси қўлланилади. Қаттиқ куйишда бу соҳага бор порошоги куйдирилган магнезиядан сепилади. Ишқорлар 2% ли сирка кислота ёки лимон эритмаси билан нейтралланади.

Терига ёниб турган фосфор бўлакчалари тушганда тананинг шу қисмини сувга ботириб туриш, фосфор қолдигини пинцет билан олиб ташлаш керак. Шикастланган соҳага 5% ли мис купороси эритмасига ҳўлланган боғлам қўйилади ёки тальк сепилади.

Кейинги даволаш босқичлари термик куйишни даволашдаги сингари олиб борилади. Малҳамли боғламлар қўйиш тавсия этилмайди, чунки ёёлар фосфорнинг сўрилишига ёрдам беради.

**Болалардаги куйиш.** Бирмунча кўп учрайди. Стационарда даволашни талаб этадиган бемор болаларда учрайдиган майший травмаларнинг 20 % и куйишга тўғри келади. Куйганлар орасида З ёшгacha бўлган болалар кўпчиликни ташкил этади. Оз-моз куйганда гўдак оғриқни йиғлаш ва қичқириш билан ифодалайди. Аксинча, танасининг кўпроқ қисми куйганда боланинг аҳволи оғир бўлиши мумкин. Боланинг ранги ўчиб, атрофдаги ҳодисаларга бефарқ бўлади. Ҳуши жойида, цианоз, томирнинг тез-тез уриши ва сустлиги, оёқ-қўлларнинг музлаши ва ташналиқ — оғир куйиш белгилари бўлиб, шок борлигини кўрсатади. Айрим ҳолларда қусиши ҳам кузатилади, бу шикастланишнинг анча оғирлигидан далолат беради.

**Даволаш ҳусусиятлари.** Даволаш қонун-қоидалари катта ёшдаги bemorлардаги каби. Беморлар очиқ ва ёпиқ усуlda даволанади.

### Электр токидан шикастланиш

Электр токидан шикастланиш даражаси:

- а) ток кучига, унинг кучланишига, таъсир қилиш давомийлигига, токнинг доимий ва ўзгарувчанлигига;
- б) организмнинг физиологик ҳолатига, нерв системасига, юрак мушак ҳолатига, таъсир механизмига;
- в) аъзо ва терининг чидамлилигига (заифлашган аъзо, нам тери шикастланиш кучини оширади);
- г) ток таъсир қилган атроф-муҳитга боғлиқ.

Электротравмада түқималарнинг маҳаллий ўзгаришлари аксарият 3 – 4- даражали күйиш билан ифодаланади. Некроз кенг юзада ичкарида жойлашган түқималарда бўлади. Шунинг учун уни дастлабки кўздан кечирганда аниқлаш қийин бўлади. Кўпинча күйиш симметрик жойлашган метрик йўллар, яъни соchlарнинг күйиши кўринишида кузатилади. Баъзан кўйиган соҳа оқ ранга бўлади. Электр токи кирган ва чиққан жойда терининг кўйиган соҳалари кўзга ташланади.

Электр токининг умумий таъсири мия чайқалишига ўхшаш клиник кўриниши беради. Баъзан фалажлик, кўриш қобилиятининг пасайиши, ютишининг қийинлашуви кузатилади. Оғир ҳолларда нафас ва юрак марказлари фаолиятининг фалажи рўй беради, бу соҳта ўлим ҳолатини юзага келтиради. Бундай ҳолларда зудлик билан реанимация тадбирларини тўлиқ ўтказиш лозим бўлади.

**Биринчи тиббий ёрдам.** Зудлик билан электр токи таъсирини тўхтатиш лозим. Шикастланган киши кўпинча усти очиқ симни ушлаб олиб, мускуллари қисқарганидан уни қўйиб юбора олмайди. Шунинг учун тезда электр токини ўчириш ёки унинг иложи бўлмагандан шикастланган кишини тортиб олиш лозим бўлади. Бунда электр токини ўтказмайдиган резина қўлқоп, калиш ёки этик, жун адёл, ипак газламалар, қуруқ ёрочдан фойдаланиш зарур.

Электрдан кўйишни маҳаллий даволаш термик кўйишни даволашдагидек. Умумий белгилар юз берганда симптоматик даво қўлланилади, сунъий нафас олдирилади, юрак дорилари берилади. Токдан шикастланган беморлар қунт билан парвариш қилиш ва кузатиб туришга муҳтож бўладилар, чунки уларда нафас фалажланиши, юрак ишининг тўхташи оқибатида тўсатдан ўлим юз бериши мумкин.

Электротравманинг олдини олишда техника хавфсизлиги қоидаларини билиш ва уларга риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.

### Совуқ уриш

Совуқ уриши паст ҳарорат таъсир этганда келиб чиқади. Бунда бемор аъзоларини нокулай шароитларда ҳўл, тор пойафзал кийиш, ҳолдан тойиши, 40°С да ва ҳатто бундан юқори ҳароратда ҳам совуқ уриши мумкин. Кўпинча қўл ва оёқларнинг бармоқлари, қулоқ, бурун учини совуқ уради. Совуқ уришининг тўртта даражаси фарқ қилинади.

**1- даражаси** терининг оқариши (томирлар спазми) ва сезувчанигининг йўқолиши билан характерланади. Бемор иситилгандан кейин бадан терисининг шу қисми қизгиш-кўкимтири тусли бўлиб қолади (томирлар фалажи), озгина шишади ва курийди. Соғайишдан олдин одам совуққа сезгир бўлиб қолади, баъзан терининг кўкимтири ранги сақланиб қолади.

**2- даражасида** қон айланишининг бирмунча чуқур бузилиши кузатилиб, кейинроқ тиниқ суюқлик билан тўлган пуфаклар ҳосил

бўлади. Пуфаклар атрофидаги тери кўкимтири-қизил тусга киради. Инфекция тушмаса, ўрта ҳисобда 2 ҳафта ичидаги битади.

**3- даражасида** тери ва унинг остидаги тўқималар ириб некрозланади. Жонсизланиш геморрагик суюқлик билан тўлган юмшоқ пуфаклар ҳосил бўлиши билан характерланади. Бу пуфаклар пўстлоқ пайдо бўлишига олиб келади. Кўпинча унга йиринглаш қўшилади. Ўлган тўқималар кўчиб тушгандан сўнг уларнинг ўрнида грануляциялар вужудга келиб, чандиқланиш ва эпителизация бошланади. Жароҳат I — 2 ой ичидаги битади.

**4- даражасида** некроз чукур жойлашган тўқималар, шу жумладан суюкларни ҳам қамраб олади. Тананинг шикастланган қисми тўқ кўкимтири рангга, қорамтири суюқликка тўла пуфаклар билан қопланади. Одатда пуфаклар совуқ олишидан 2 ҳафтадан кейин пайдо бўлади (иккиламчи пуфаклар). Деморкация чизиги аста-секин кўринади ва унчалик яққол сезилмайди. Совуқ олган соҳаларда сезувчанликнинг ҳамма тури йўқолади. Кейинроқ шикастланган қисм қуриб (мумификация) кўчиб тушади ва чандиқ ҳосил бўлади.

Совуқ уришда беморнинг умумий аҳволи унинг даражасига боғлиқ. Совуқ уришнинг дастлабки икки даражасида беморнинг умумий аҳволи унчалик ёмон бўлмаса, кейинги даражаларида токсемия ва инфекция қўшилишига боғлиқ ҳолда клиникаси намоён бўлади (юқори ҳарорат, ҳолсизлик, иштаҳа йўқлиги, лейкоцитоз, ЭЧТ ошиши ва ҳ.к.).

**Биринчи ёрдам ва давоси.** Бемор иссиқ хонада ётқизилади. Унга иссиқ чой, алюгол, юрак фаолиятини яхшиловчи ва оғриқ қолдирувчи дорилар берилади, беморни ваннага тушириб, сув ҳароратини 18 — 20°C дан аста-секин 37°C гача кўтарилади. Ваннада қон таъминоти, сезувчанлик тиклангунга қадар эҳтиётлик билан массаж қилиш лозим. Оёқ ёки қўл териси спирт билан артилади ва унга қалин дока боғлам қўйилади.

Терининг совуқ олган соҳасини қор билан уқалаш тавсия этилмайди, чунки майда муз парчалари шикаст етказиши ва инфекция тушишига сабаб бўлиши мумкин.

Даволаш режасига қон айланишининг бузилишини бартараф қилиш, инфекциянинг олдини олиш тадбири киритилади. Совуқ уришининг 1- даражасида биринчи ёрдамнинг ўзи кифоя қиласи, 2- даражасида эса пуфаклар олинади ва асептик ёки малҳамли боғлам қўйилади, 5—7 кун ўтгач, физиотерапевтик муолажалар қўлланилади (УВЧ, лазер ва ультрабинафша нурлар билан нурлантариш, маҳаллий дарсонвализация). Совуқ уришининг 3 — 4- даражасида шиш ва заҳарланишни камайтириш учун баъзан некрэктомия я тутказилиб, кейин термик кўйишдаги сингари очиқ усул билан даволанига киришилади. Грануляциялар пайдо бўлгандан сўнг малҳамли боғламлар қўйилади. Демаркация чизиги ҳосил бўлганда некрэктомия ўтказилади: некрозланган тўқималар олиб ташланади, оёқ-қўллар эса ампутация қилинади.

Совуқ уришини умумий даволашда юқори калориялы оқсиллар ва витаминларга бой овқатлар буюриш зарур. Инфекцияяға қарши курашиб учун антибиотиклар құлланилади. Токсикозни камайтириш учун қон, қон ўрнини босадиган суюқликлар қыйиш, күп суюқликлар ичиш тавсия этилади.

**Музлаш.** Организмга паст ҳарорат умумий таъсир қилиши натижасыда содир бўлади. Бунда ҳаёт учун муҳим аъзолар (мия, юрак, ўпка, жигар, буйрак) да чуқур, қайтмас ўзгаришлар содир бўладики, булар ўлимга олиб келиши мумкин. Шикастланган киши бўшашади, эти увишади, чарчайди, уйқудан бошини кўтартмайди. Пульс сусаяди, нафас юзаки бўлиб қолади.

**Қалтираш.** Паст ҳарорат узоқ муддат таъсир қилиши натижасыда пайдо бўлади. Кўпинча оёқ-қўл учлари қалтирайди. Уруш даврида бундай ҳодисалар аскарларда кузатилган ва бу ҳолат „траншея оёқ панжаси“ деган ном олган.

Терида тўқ қизил ёки кўкимтир-қизил доглар пайдо бўлади. Тери сал шишишади, қичишади, ачишади ва оз-моз безиллаб оғрийди. Юқоридаги жароҳатлардан кейин қоқишлоқ, газли гангрена ва қутуриш касалликларини олдини олиш мақсадида профилактика тадбирлар ўтказилади.



### Талабаларнинг мавзуга доир билим даражасини аниқлап учун тестлар

1. Пайларнинг чўзилишида қандай симптом кузатилмайди?

- а) оғриқ;
- б) бўғим функциясининг бузилиши;
- в) шиш;
- г) қонталаш;
- д) крепитация.

2. Куйишнинг II даражасига хос бўлган симптомларни аниқланг:

- а) оғриқ, қизариш, шиш;
- б) оғриқ, қизариш, пуфаклар пайдо бўлиши;
- в) терининг чуқур қатламлари шикастланиши ва унинг некрози;
- г) тери ва ички тўқималар некрози;
- д) суякларнинг куйиши.

3. Лат ейишга қандай симптом хос эмас?

- а) оғриқ;
- б) шиш
- в) тери бутунлигининг бузилиши;
- г) қонталаш гематома;
- д) функцияянинг бузилиши.

- 4.** Күйишида шошилинч ёрдам күрсатиши:
- а) жароҳатни хирургик йўл билан бирламчи тозалаш;
  - б) малҳамли боғлам қўйиш;
  - в) қоқшолга қарши зардоб юбориш;
  - г) антибиотиклар юбориш;
  - д) термик агент таъсирини тўхтатиши, оғриқни қолдириш, асептик боғлам қўйиб касалхонага юбориш.
- 5.** Тишланган жароҳатга қандай шошилинч ёрдам күрсатилади?
- а) 20% ли совун эритмаси билан жароҳат ювилади;
  - б) антибиотик юворилади;
  - в) 0,5% ли фурацилин эритмаси билан жароҳат ювилади;
  - г) 0,006% ли хлоргексидин эритмаси билан жароҳат ювилади;
  - д) 1% ли дегмин эритмаси билан жароҳат ювилади.



*Эслатма: тўғри жавоблар тагига чизилган.*

### *Мавзуга оид муаммоли масалалардан намуналар*

1. Техника хавфсизлигига риоя қилинмаслиги натижасида буғозони ёрилиб кетди. Бемор темир бўлакчасидан шикастланди. Кўкрагининг чап томонида қаттиқ оғриқ, бўғилиш кузатилди. Беморнинг аҳволи оғир, юзи кўқимтири, кўзлари киртайган, бўйин веналари шиштан, овози бўғиқ. Кўкрак қафаси чап қисмидаги  $4 \times 11,5$  см. қонаб турган жароҳат кузатилади. Бемор хириллаб нафас олади. Кўкрак қафаси аускультациясида гирчиллаш эшитиляпти.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Даво услубини танланг.

2. 12 ёшли бола дараҳтдан йиқилган, икки дақиқага ҳушини йўқотган. Кейинчалик болада бош оғриғи, кўнгил айниши, қусиши ва пешона соҳасида гематома кузатилган.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Даво услубини танланг.



## XI. ЯЛЛИГЛАНИШ СИНДРОМИ

Хирургик инфекция деганда даволаш асосан хирургик усууллар билан олиб бориладиган, носспецифик ва специфик микроблар келтириб чиқарадиган яллигланиш касаллиги тушунилади. Клиник турига қараб, хирургик инфекция ўтқир (стафилококк ва стрептококк, кўк йиринг таёқчаси, қоқшол, газли гангрена, сил ва б.) ва сурункали( специфик ва носспецифик) турларга бўлинади.

Механик ва бошқа омиллар таъсирида терининг устки қавати ва шиллиқ пардалари заарланади, ана шу йўл билан инфекция

учун „кириш дарвозаси” очилади. Микроблар ҳатто теридағи арзимаган яралар туфайли түқималар орасидаги бўшиққа, кейин лимфа системасига, лимфа оқими билан эса янада ичкаридаги түқима қаватларига — тери ости мушаклари, лимфа тугунлари ва бошқаларга ўтади.

Хирургик инфекциянинг навбатдаги авж олиши йириングли жараённинг ёилиши, организмнинг иммунологик ҳолати ва микробларнинг вирулентлигига боғлиқ. Хирургик инфекция авж олишида түқималарнинг анатомик-физиологик хусусияти катта ўрин тутади. Қон тез оқадиган юз ва бошнинг сочли қисмida микробларнинг тарқалиши бирмунча чекланган; айни пайтда септик метастазлар худди мана шу жойлардан коллатерал веналар орқали бош суюгининг ички веноз синусларига кириб бориши, тромбоз ва йириングли менингитни келтириб чиқариши мумкин. Шунингдек, түқималар иммунобиологик хусусиятлари ҳам анча аҳамиятлидир. Микроблар кўпроқ учратиладиган жойларда (чот, сон) йириングли жараёнлар камдан-кам ҳолларда пайдо бўлади. Чунки юқорида айтилган жойларда түқималарда микроблар ва уларнинг токсингларига қарши чидамлилик, яъни маҳаллий иммунитет юзага келган бўлади.

Ўткир йириングли инфекциянинг авж олишига қуйидаги омиллар имкон яратади:

- 1) кириш дарвозаси соҳасида тери трофикаси (түқималарда нормал моддалар алмашинуви) нинг бузилиши (қон қуйилиши, некроз ўчоқлари);
- 2) полиинфекция (бир неча турдаги микроб флорасининг биргаликда таъсир этиши);
- 3) суперинфекция (вирулентлиги билан фарқ қилувчи микробларнинг янги турлари кириши ёки тўпланиши).

Организмнинг йириングли инфекцияга реакцияси умумий, шунингдек, маҳаллий бўлади.

**Маҳаллий белгилар** ҳаммага маълум ҳодисалар; қизариш (*rubor*), шиш (*thmor*), оғриқ (*dolor*), ҳароратнинг кўтарилиши (*calor*), жароҳатланган аъзо ва түқималар фаолиятининг бузилиши (*functio laesa*) билан ифодаланади. Ушбу симптомларнинг ифодаланиш даражаси организмнинг реактивлигига боғлиқ. Организмнинг яллигланишга нисбатан реакциясининг *гипер* — норма, *гипо* — анергик хиллари тафовут қилинади.

**Гиперергик** реакция учун йириングли жараённинг тез авж олиши, лимфаденит билан ифодалантган шиш ўчогини ўраб турган қон томирларининг тромбози хосдир. Ушбу жараёнлар кўпинча организм умумий ҳолатининг кескин ёмонлашуви билан кечади ва ўлим билан тугаши ҳам мумкин.

**Нормергик** реакция рўй бергандага йириングли жараён секин ўтиб, ўртача түқима реакцияси (ўртача шиш), нисбатан баланд бўлмаган ҳарорат ва озроқ лейкоцитоз билан кечади. Нормергик реакция даволаш агар у ўз вақтида бошланиб, тўғри олиб борилса, осонгина ён беради.

**Гипоанергик** реакция умумий ва маҳаллий симптоматиканинг камроқ ифодаланганлиги билан ажралиб туради — яллиғланиш деярли сезилмайдиган тўқима шиши орқали кечиб, маҳаллий характерга эга бўлади, ҳарорат меъёрида ёки субфебрил бўлади.

## Маҳаллий хирургик инфекция

### Чипқон (фурункул)

Чипқон — соч халтаси ва унинг атрофидаги тўқималарнинг йирингли яллиғланишидир. У кўпинча шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинmasлиги ва терининг микрошикастланиши натижасида пайдо бўлади. Сурункали касалликлар, айниқса, диабет, анемия, инфекцион касалликлар ва нерв-психик чарчаш касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Чипқоннинг кўзғатувчиси стафилококкдир.

Чипқон теридан озгина кўтарилиб, қизғиш рангли оғриқли инфильтратдан бошланади. Даствлаб бўртмача учидаги қорамтири ёки сарғиши нуқта пайдо бўлади. Кейинроқ нуқта ўрнида оқ рангли некроз қисми — чипқон ўзаги ҳосил бўлади. Чипқон ўзаги кўчиб тушганидан сўнг грануляция тўқимаси билан тўлган бўшлиқ ҳосил бўлади.

Юз соҳасига чипқон чиққанда клиник жараён оғир кечади. Ўздаги лимфа ва қон томирларининг кенгайиши инфекциянинг тез тарқалишига ва веноз анастомоз бўйлаб миянинг синус веналарига ўтишига имкон яратади. Бў эса йирингли базал менингитни келтириб чиқариши мумкин. Бунда юз тез шишади, беморнинг ҳарорати жуда баланд бўлиб, кўзи хиралашади, энса мушаклари таранглашиб, аҳволи жуда оғирлашади.

**Давоси.** Юзга чипқон чиққанда bemor стационарда даволаниши лозим.

Даволаш жараённада яллиғланиш соҳаси атрофидаги терини парвариш қилишнинг аҳамияти катта. Тери 70° ли спирт ёки 5% ли калий перманганат, 0,5 — 1% ли яшил бриллиант эритмаси ва бошқалар билан суртилади. Даствлабки босқичда физиотерапевтик муолажалар, жумладан, ультрабинафша ва лазер нурлари, УВЧ-терапия ва бошқалар яхши натижа беради. Антибиотиклар буюрилади.

Хирургик усул билан йиринглаган чипқон кесилиб, ўзаги ва йирингли суюқлик чиқариб ташланади. Шундан кейин йирингли жароҳатларни даволашдаги умумий усувлар кўлланилади.

### Фурункулёз

Фурункулёз тананинг бир неча жойига чиқади. У тананинг сочли соҳаларида, жумладан ҳолдан тойган, заифлашган ва айниқса қандли диабетли bemорларда кўп учрайди. Клиник кўриниши чипқонга ўхшаганлиги учун оғирроқ кечади.

**Давоси.** Фурункулёзни даволашда маҳаллий даволашдан ташқари, организмнинг умумий ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар қўллаш зарур.

Оқсиллар ва витаминаларга бой овқатлар, ачитқилар тайинланади, аутогемотерапия, ультрабинафша ва лазер нурлар Құлланилади, атовакцина билан иммунизация қилинади, умумий антибиотик терапия ва бошқалардан фойдаланилади.

### **Хүппоз (карбункул)**

Хүппоз — соч халтачалари ва унинг атрофидаги ёғ түқималарини қамраб олган ўткір маҳаллий йириングли-некротик яллигланишдир. Хүппоз аксари кексаларда ёки озиб кеттган, шахсий гигиена қоидаларига риоя қылмайдиган ва қандлы диабет билан оғриган беморларда ва, жумладан, болаларда күп кузатиласы. Аксарият карбункул бўйиннинг орқа юзаси, елка, думба, сон соҳаларида пайдо бўлади.

Касаллик битта йириングли ярадан бошланиб, аста-секин ён-атрофидаги соч халтачаларини ва ёғ безларини эгаллайди. Касаллик авж олган даврида қизгиш-кўкимтирик ва кўп йириングли нуқталари бўлган, чегараланган, яллигланган ўсмасимон ҳосила пайдо бўлади. Яллигланиш жараёни қаттиқ оғриқ, юқори ҳарорат, умумий ҳолсизлик билан ўтади.

Юз ва бўйиндаги чипқон ва хўппозлар айниқса хавфли. Бунда йириングли жараён юз ва бўйинда жойлашганда у веноз система бўйлаб мияга ва унинг пардаларига тарқалиши мумкин. Бу кўп ҳолларда ўлимга олиб келади. Шунинг учун бундай касаллар албатта стационар шароитида даволанишлари лозим.

**Давоси** комплекс усулда олиб борилади. Умумий антибиотик терапия ўтказилади: бунда сутқасига 4 — 6 марта 500 минг ТБ дан пенициillin ва шунча дозадан 2 марта гентамицин мушак орасига юборилади. Антибиотикларни электрофорез ўйли билан бемор баданига мунтазам равишда юбориб туриш йириинг ўчогига яхши даволовчи таъсир қиласы. Витаминалар, пархез овқатлар ва маҳаллий физиотерапевтик даво буюрилади. Кўрсатиб ўтилган тадбирлар яхши наф бермаганда операция қилинади. Бунда яллигланган ҳосила хочсимон кесилади ва некрозга ураган түқималар соғлом түқималар чегарасигача кесиб олиб ташланади. Ҳосил бўлган бўшлиқ Вишневский малҳами, синтомицин эмульсияли тампонлар билан тўлдирилади. Протеолитик ферментлар ва гипертоник эритмалар яхши тозаловчи таъсир кўрсатади.

### **Гидраденит**

Тер безлари, айниқса қўлтиқ ости тер безларининг ўткір йириングли яллигланишидир. Қўлтиқда кўкимтирик-қизгиш рангли, юзаси силлиқ, кичкина, зич яллигланиш инфильтрати пайдо бўлади. Кейинчалик унинг ёнидан худди шунга ўхшаш тузилмалар кўпайди. Улар бир-бирига қўшилиб, битта яллигланиш ўчогини ҳосил қиласы. Инфильтратнинг бир неча жойи юмшаб, улардан озгина йириングли суюқлик чиқади. Касаллик узоқ вақт давом этиб, тез-тез хуруж қилиб туради.

**Давоси.** Умумий қувватга киргизувчи даво, қисқа ёки мунтазам рационалдан блокадаси қилиб турилади. Йириңт ҳосил бўлиш босқичида бу майдонлар кесилиб, кейин физиотерапевтик даво, ультрабинафша ва ярим ўтказгичли лазер нурлар, соллюкс, ва УВЧ-терапия қўлланилади.

### Абсцесс

Йириңгли парда билан чегараланган йириңгли бўшлиқ, тананинг ҳар қандай қисмида жойлашиши мумкин. Абсцесслар тўқималар ва аъзоларга стафилококк ва стрептококк тушиши натижасида пайдо бўлади, уни бошқа қўзғатувчилар келтириб чиқариши кам кузатилади. Тери ва шиллиқ пардаларнинг заарланишлари, ёт жисмлар (зирапча, ўқ ва ҳоказолар), инъекция қилинган жойлар инфекция дарвозаси ҳисобланади. Инфекция тананинг бир жойидан иккинчи жойига лимфоген (лимфа томирларидан) ёки гематоген йўл билан (қон томирларидан) ўтганда аксарият метастатик абсцесслар кузатилади.

Абсцесс юза жойлашганда инфильтрат иригандан сўнг флюктуация ўчори ҳосил бўлади. Кўпинча абсцесслар терини эритади, йириңгли суюқлиги ташқарига чиқади ва ўз-ўзидан тузалиши мумкин. Ички аъзолар — жигар, талоқ, мия ва ҳоказоларда жойлашган абсцессларда умумий йириңгли инфекциянинг клиник белгиси (юқори ҳарорат, эт увишиши, тез-тез терлаш, лейкоцитоз) яқъол намоён бўлади.

**Давоси.** Яллигланишнинг бошлангич даврида антибиотиклар ва сульфаниламид препаратлар қўлланилади. Йириңт ҳосил бўлганда у кесилади, кейин унга йириңгли жароҳатларни даволаш қоидасига асосан даво қилинади.

### Флегмона

Бириклирувчи тўқима бўшлиқлари — тери ости, ёф тўқимаси, мушаклараро, қорин пардаси орқаси ва бошқа тўқималарнинг ўткир йириңгли яллигланишидир. Абсцесдан фарқли рационалдан блокадаси қилиб, чегаралмаган тарқалишга мойил бўлади. Флегмоналарни абсцесслар каби келтириб чиқарадиган омиллар пайдо қиласи. Страфилококк ва стрептококкдан ташқари, яллигланиш жараёнини ичак таёқчаси, кўк йириңт таёқчаси, гонококк ва бошқалар келтириб чиқариши мумкин. Йириңглини тарқалиши микроорганизмларнинг вирулентлигига, организм ҳимоя кучларининг пасайғанлигига ва жойлашган соҳасининг анатомик хусусиятига боғлиқ.

Касаллик клиникаси инфекциянинг турига, яллигланиш жараёнининг чуқурлигига ва жойига, шунингдек организмнинг инфекцияга бўлган реакциясига боғлиқ. Бунда умумий белгилар: юқори ҳарорат, эт увишиши, иштаҳа йўқолиши, бош оғриши кузатилади.

Флетмона юзада жойлашганда шу жой шишиди, тери аниқ чегараларсиз қызаради, безиллаб оғрийди ва маҳаллий ҳарорат күтарилади. Кейинчалик инфильтрат юмшайди ва билқиллаш кузатиласи. Жараён түқималар бўйлаб тез тарқалади.

**Давоси.** Касалликнинг биринчи босқичида (инфильтрат) маҳаллий новокайн блокада қилинади. Түқималарнинг йирингли иришида йирингли бўшлиқ етарлича катталика кесиб очилади ва йиринг яхши чиқиши учун шароит яратиласи. Жароҳат чўнтаклари очилади, бўшлиқлар йиринглардан тозаланади ва гипертоник эритма шимдирилган дока билан юмшоқ тампонланади. Зарурат бўлганда кўшимча кесмалар — контрапертуралар қилинади. Кейинги даволаш йирингли жароҳатларга даво қилиш қоидасига биноан олиб бориласи.

## Мастит

Кўкрак безининг яллиганиши мастит дейилади. Уни кўзғатувчиши кўпинча стафилокок бўлиб, без учининг микрожароҳати ҳисобига яллиганиш келиб чиқади. Жараён сероз, инфильтратив, абсцесс, флегмоноз, гангренали ва сурункали инфильтратив босқичларда кечади.

Маститнинг сероз босқичи bemорда ҳарорат тўсатдан 38,5 — 39°C га кўтарилиши ва кўкрак безида оғриқ пайдо бўлиши билан кечади. Маҳаллий кўздан кечирилганда кўкрак бези катталашган, пайпаслаганда оғрикли, аммо териси ўзгармаган бўлади.

Кеч ташхислашда ёки нотўғри даволангандага жараён кучаяди ва ўткир инфильтратив босқичга ўтади. Бунда кўкрак бези катталашиб, устидаги тери қоплами қизаради. Пайпаслаб кўрилганда кўкрак бези оғрикли, инфильтрат чегараси аниқ билинади. Умумий аломатлардан бош оғриғи, уйқучанлик, эт увишиши, беҳоллик, ҳароратнинг 39 — 40°C гача кўтарилиши кузатиласи. Лейкоцитоз 10 — 12 минггача, ЭЧТ соатига 30—45 мм гача ошади. Қўлтиқ ости лимфа тугунлари катталашади.

Маститнинг инфильтратив босқичида жараён тўхтамаса ва инфильтрат сўрилмаса, маститнинг абсцессланадиган босқичи бошланиб, бунда барча клиник аломатлар кучайиб боради.

Маститнинг флегмоноз босқичи умумий ҳолатнинг кескин ёмонлашиши, ҳароратнинг 38 — 40°C гача кўтарилиши ва эт увишиши билан ифодаланади, кўпинча септик белгилар билан кечади. Беморнинг тили ва лаби қуриб, боши оғрийди, иштаҳаси ва уйқуси бузилади. Кўкрак бези катталашиб таранглешади, териси қизариб, ялтироқ, баъзан кўкимтир тусга киради, тери ости веналари кенгаяди ва кўкрак учи ичига ботади. Пайпаслаганда бир неча жойда флюктуация ўчоқлари аниқланади. Лейкоцитоз 17— 20 минггача кўтарилади.

Маститнинг гангреноз босқичи bemорда одатда, унинг врачага кечикиб бориши ёки кўкрак бези томирларидаги димланиш ва тромбоз натижасида юзага келади. Бу босқич юқорида келтирилган умумий ва маҳаллий клиник белгилар кучайиб, bemорнинг аҳволи оғирлашади.

Сурункали инфильтратив босқич күп учрамайды. У йириングли мастиитта пенициллин билан узоқ вақт маҳаллий даво қилинганда рўй беради. Маҳаллий пенициллин терапия туфайли жараён сурункали турига ўтиши мумкин. Беморнинг умумий ҳолати яхши, ҳарорати субфебрил  $37,5-37,8^{\circ}\text{C}$  ёки меъёрда бўлади. Кўкрак безида қаттиқ, тоғайсизмон инфильтрат бўлиб, у терига ёпишмаган, пайпаслаганда учча оғримайди.

**Давоси.** Мастиитнинг сероз босқичидаги беморларни даволашда кўкракда сут димланишининг олдини олиш чорасини кўриш керак. Бунинг учун кўкракни кўпроқ эмизиш ёки сутни сурғич билан соғиб олиш тавсия этилади. Веноз димланишининг олдини олиш учун сутни соғиб олишдан ташқари, кўкракни унинг ўлчамига мос рўмол бойламга осиб кўйиш керак бўлади. Бу тадбирлар қўлланилганда сероз мастиитнинг клиник белгилари йўқолиб, bemor яхши бўлиб кетади. Агар bemornинг ҳарорати  $37,1-37,3^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилса ва кўкракда оғриқ бўлса, сульфаниламилар (кунига 4-5 марта 1 г дан) берилади ва мушак орасига суткасига 4 марта 500 минг ТБ дан инъекция қилинади. Пенициллин-новокайн блокадаси узун игна ёрдамида ретромаммар бўшлиққа қилинади  $0,25\%-0,5\%$  ли 150-200 мл новокайн эритмаси ва 2-3 млн ТБ пенициллин юборилади. Сероз мастиитга ўз вақтида даво қилинса, яллиғланиш жараёни тез тугаб, bemor соғайиб кетади.

Мастиитни ўткир инфильтратив босқичида, ўз вақтида тўғри даволаш билан жараённи тўхтатиш ва кўп ҳолларда bemorларни тузатишга эришилади. Бунинг учун суткасига 4 марта 500 минг ТБ дан пенициллин терапия қилинади, суткасига 4 марта 1 г стрептоцид бериш физиотерапия (кварц, соллюкс, УВЧ ва ҳ.к.), маҳаллий пенициллин-новокайн блокадаси ва сут димланиб қолишига йўл қўймаслик орқали bemornинг тўлиқ консерватив даволанишига эришилади.

Мастиитнинг абсцесслантган босқичида хирургик усул қўлланилади. Bemor стационарга ётқизилиди ва маҳаллий анестезия ёки Рауш наркози ёрдамида жарроҳлик операцияси ўтказилади. Радиал йўналишда 7-10 см узунликда, сурғич доирасидан 2-3 см гача масофада кесилади. Йириングли бўшлиққа киритилган бармоқ билан ҳосил бўлган тортмалар ажратилади. Бўшлиқ йирингдан ҳоли қилиниб, унда дренаж қолдирилади.

Мастиитнинг флегмонали ва гангренали босқичларини даволаш аёл стационарга ётқизилиши билан тезликда операция қилингандан иборат.

## Паротит

Паротит — қулоқ олди беzinинг йириングли яллиғланишидир. Яллиғланиш стафилококк ёки стрептококкнинг кўпинча оғиз бўшлиғи орқали қулоқ олди сўлак безларига ўтишидан келиб чиқади.

Паротит дастлаб, чегараланган йирингланиш босқичида бўлса, кейинчалик у флегмоноз ва гангреноз турига ўтиши ҳам мумкин.

Паротитнинг клиник кўринишида қулоқ бези олдида оғриқ ва шиш пайдо бўлиши, иситманинг 39—40°C гача кўтарилиши кузатилади. Оғриқ ҳисобига беморнинг ютиниши ва чайнаши қийинлашади. Тўқималар борган сари таранглашиб, тери юпқалашиб қизаради, остида ноаниқ флюктуация сезилади. Бу даврда қон таҳлилларида лейкоцитоз ва нейтрофилёз кузатилади. Беморнинг умумий ҳолати ёмонлашиб, тўқима шиши бўйин, юз ва жағ ости соҳасига тарқалади. Оғир аҳволдаги беморларда юмшоқ танглай ва ҳалқумнинг ён девори шишади. Шиш чайнов мушакларига ҳам тарқалиб, оғизни очиш қийинлашади. Айрим беморларда юз нерви парези кузатилади, бу ҳолат паротитнинг оғир деструктив турларида кузатилиши мумкин.

Давоси паротитни турига қараб, даволаш консерватив ва оператив усуслда олиб борилади. Консерватив даволашда антибиотиклардан ташқари физиотерапевтик муолажалар (иситувчи компресс, УВЧ, лазер, соллюкс) буюрилади. Консерватив даво натижа бермаганда, операция усули қўлланилади.

### Сарамас

Тери ёки шиллиқ пардалар ва лимфа йўлларининг гемолитик стрептококк туфайли юзага келган ўткир яллигланиши тушунилади.

Терини қичиши, ҳашаротлар чақиши ва микрожароҳатлар инфекция дарвозаси ҳисобланади. Беморнинг ҳолати сарамас яллигланиши пайдо бўлишида асосий роль ўйнайди. Сарамас билан оғриган бемор у билан қайта касалланиши мумкин. Сарамас кўпроқ юз, бош, болдири терисини, камроқ бадан терисини шикастлайди. Инкубация даври 2 — 7 суткани ташкил қиласди.

Касаллик эт увишиши ва ҳароратнинг 40 — 41°C гача кўтарилиши билан ўткир бошланади. Шу вақтнинг ўзида тери қизаради ва бир оз шишади. Тери тортилади, ачишиб оғриб туради, ушлаб кўрилганда иссиқ сезилади ва кескин чегара билан ажралиб турадиган қип-қизил туsgа киради, унинг атрофларида терининг милк шаклида шишиши кузатилади. Баён қилинган манзара эритематоз шакл деб номланади. Баъзан тўқималарнинг қизарган қисмидаги тиник, сарғиши экссудатли пуфакчалар — буллэз шакл пайдо бўлади, у йиринглаганда пустулали шакл вужудга келади, геморрагик суюқлик бўлганда — геморрагик шакл, жараён йиринглаб, тери ости тўқимасига тарқалганда — флегманоз шакл ва тери некрозида — некротик шакл пайдо бўлади.

Сарамаснинг адашган деб номланган шакли оғир ўтади, бунда жараён тананинг бир қисмидан иккинчи қисмiga ўтиб туради.

Сарамасга зотилжам, флегмона, абсцесс ва сепсислар қўшилиши мумкин. Сарамаснинг бир одамдан иккинчисига ўтиши мумкин-

лигини унутмаслик, шунга кўра сарамасга учраган бемор алоҳида ажратиб қўйилиши лозим.

**Давоси.** Сарамасга учраган жой ультрабинафша нурлар билан субэрите мозаика дозада нурлантирилади, унга йод эритмаси ёки Вишневский малҳами билан камфара мойи, 5 % ли калий перманганат эритмаси суртилади. Антибиотиклар ва сульфаниламид препаратлари билан умумий даво олиб борилади. Флегмоноз ва некротик турида операция қилинади.

### **Лимфангоит**

Лимфа томирларининг яллиғланиши. Лимфангоит бошқа яллиғланиш жараёни (карбункул, флегмона ва ҳоказоларнинг) иккиласми оқибати ҳисобланади. Ўткир лимфангоит майдонида табака — ретикуляр ва йирик томир — трабекуляр лимфангоитига, шунингдек юза ва чуқур лимфангоитларга бўлинади.

Лимфангоитда яллиғланиш майдонида терининг аниқ чегараларсиз, лимфанинг соғлом қисмларига ўтадиган катта қизариш ўчофи пайдо бўлади. Лимфангоитда тугуларга борадиган йўл-йўл қизарган майдонлар аниқ кўринади. Бу майдонларда тўқималар зичлашган ва безилладиган бўлади. Чуқур лимфангоит одатда юмшоқ тўқималарнинг бўртиб чиқиши билан ўтади. Ҳароратнинг кўтарилиши, эт увишиши, бош оғриги, лейкоцитоз кузатилади.

**Давоси.** Лимфангоитга олиб келадиган асосий бирламчи яллиғланиш ўчофини туттиш, осойишта шароит яратиш, касалланган оёқ ёки қўлни шина ёки гипс боғлам билан иммобилизация қилиш, яллиғланиш соҳасига Вишневский малҳами суртилган боғлам кўйиш, антибиотиклар ва сульфаниламидлар билан даво қилиш зарур.

### **Лимфаденит**

Лимфа тугуларининг яллиғланиши бирламчи яллиғланиш ўчоидан фурункул, карбункул, абсцесс, флегмона ва ҳоказолар, микроорганизмлар ҳамда уларнинг заҳарлари тушиши натижасида пайдо бўлади.

Бунда лимфа тугунининг катталashiши, уни пайпаслаганда оғриши, яллиғланиш жараёнининг лимфа тугунидан атрофидаги тўқимага ўтиши кузатилади. Қатор ҳолларда лимфа тугуни йиринглаб шу жойда флюктуация пайдо бўлади. Баъзан эса лимфаденит бирламчи ўчоқда яллиғланиш жараёни йўқолиб бораётганида пайдо бўлиб қолиши мумкин.

**Давоси.** Бирламчи яллиғланиш ўчоига тўғри даво қилиш керак. Лимфаденитнинг бошлангич босқичида умумий ва маҳаллий консерватив даво қилинади. Антибиотиклар ва сульфаниламидлар буюрилади.

## **Хасмол (панариций)**

Хасмол деганда бармоқ учи йириングлаши түпнунилади. Заарланган жойнинг чуқурлигига қараб тери, тери ости, тирноқ (паронихия), пай, сұяқ ва бўғим хасмоллари фарқланади. Страфилококк айрим пайтларда стрептококкли йириングлашни келтириб чиқарувчи омил ҳисобланади.

Яллигланиш жараёни асосан қўл кафти юзасида, лекин шин эса кўпроқ унинг орқа юзасида билинади. Бу терининг қаттиқлиги ва бириктирувчи тўқима деворларининг теридан ичкарига, чуқурга қараб кетиши билан ифодаланади. Шу хусусиятлар туфайли шин суюқлиги кафт соҳасидан лимфа ёриқлари орқали бармоқлар орқасига қараб чуқурлашиб боради. Одатда шин бармоқнинг анчагина қисмини эгалайди. Яллигланиш жараёни пай қини бўйлаб тарқалади.

Хасмолда бармоқда қаттиқ оғриқ ва анчагина шиш кузатилади. Кўпинча, йирингли жараён бошланганда пулсацияланувчи оғриқ пайдо бўлади. Бунда фақатгина бармоқ эмас, балки бутун панжа ҳамда билак функцияси бузилади.

Яллигланиш жараёни қанчалик юза жойлашса, у қўлга шунча яхши уннайди. Оғриқ эса суст бўлади. Шиш қанча катта бўлса, оғриқ нуқтасини топиш шунча қийин бўлади. Бундай пайтда бармоқ терисининг ҳар хил нуқталарига зонд учи теккизиб қўйилади.

**Давоси.** Бармоқда инфильтрация ва шин аниқданганда ярим ўтказгичли лазер, УВЧ, новокаин блокадаси, спиртли компресс ва иссиқ ванна қилиб турин тавсия қилинади. Йиринг пайдо бўлганда ўчоқ жарроҳ томонидан кесиб очилиб, дренаж қўйилади ва антибиотиклар берилади. Суяқ хасмолига бармоқ остеомиелити деб қаралгани учун унинг хирургик давоси остеомиелитни даволашга ўхшаш бўлади.

## **Чақалоқлар флегмонаси**

Чақалоқлар ҳаётининг биринчи ҳафтасида тери ости ёғ қаватининг яллигланиши, яъни „чақалоқ флегмонаси” кўп учраб туради. Касаллик оғир кечиб, тез ривожланиши, тери ости ёғ қаватида тарқалган некроз ҳисобига терининг қатламланиши ва кўчишига олиб келади. Некроз жараёни чуқурроқ жойлашган тўқималарга (мушак, фасция, қовурга тоғайлари) ўтиши мумкин. Шунинг учун кўпинча касаллик „чақалоқларнинг некрозли флегмонаси” деб ҳам юритилади. Касалликни асосан страфилококк чақиради. Инфекция кўпроқ тери орқали тушади.

Касаллик кўпинча ўткир бошланиб, кучли заҳарланиш билан кечади. Дастлаб чақалоқларнинг умумий аҳволи оғирлашади. тана ҳарорати 38 – 40°С га кўтарилади, чақалоқ эммайди, қайт қиласи, бесаранжом бўлади. Кейин ҳолсиз бўлиб қолади. Териси кўл ранг тусга киради, баъзан лейкоцитлар кўпаяди, заҳарланиш белгилари

кучаяди, чақалоқнинг ичи кетиб, сувсизланиш юзага келади. Касалликнинг енгил турида умумий клиник белгилар кучли ривожланади, заҳарланиш аломатлари кам учрайди.

Флегмонанинг иккила тури ҳам бир хил ривожланади. Касалликнинг дастлабки соатларида терида 1,5 — 2 см ўлчамдаги чегаралган қизариш пайдо бўлади, 6 — 8 соат ўтгандан кейин ўзгарган терининг ўлчами катталашади, заарланган жойда кўқимтириши шиш пайдо бўлади. Биринчи куннинг охири ва иккинчи куннинг бошида қизарган жой каттагина юзани эгаллади, чеккалари аниқ бўлиб, ўргасида флюктуация аниқланади. Баъзан некроз ҳисобига тери, тери ости ёғ қавати ажралиб тушади ва катта майдонда юмшоқ тўқималарнинг қаттиқлашиши пайдо бўлиши мумкин. Флегмона кесилганда хиралашган шиллик суюқлик ёки суюқ йиринг билан бирга кул ранг тусдаги тери ости ёғ тўқимаси ажралиб чиқади.

**Давоси.** Некротик флегмона билан оғриган бола шошилинч ҳолда болалар ёки чақалоқлар хирургик бўлимига ётқизилади. Комплекс даво хирургик аралашув, антибактериал, заҳарсизлантирувчи, умумий қувватловчи муолажалардан иборат. Иккинчи босқичда суст иммунизация давом эттирилади ва фаол иммунизация бошланади. Бунда некротик тўқима кўчиб тушиши ва яранинг битишини яхшилаш кўзда тутилади.

### Омфалит

Омфалит — киндик чурраси ва унинг атрофидаги тўқималарнинг яллигланишидир. Баъзи ҳолларда жараён киндик томирларига тарқалиши ва тромбоarterит пайдо бўлиб, атрофидаги юмшоқ тўқималарга кенг тарқалиши мумкин.

Омфалитнинг оддий, йирингли ва некрозли турлари бор.

**Оддий** омфалитда киндик жароҳати узоқ вақт давомида битмайди. Киндикдан шиллик ёки йирингли суюқлик ажралиб туради. Бунда боланинг умумий аҳволи ўзгармайди, иштаҳаси бузилмайди, тана вазни ёшига мос ҳолда қўшилиб боради.

**Йирингли** омфалитда киндик чуқурчасининг яллигланиши унинг атрофидаги юмшоқ тўқималарга ҳам ўтади. Киндик атрофи териси қизариб туради. Инфильтрат пайдо бўлади. Киндик чуқурчаси яраланиб, фиброз қобиқ билан қопланади ва унинг атрофидаги тери қалинлашади. Киндик атрофи босиб кўрилганда киндик чуқурчасидан йиринг сизиб чиқади. Баъзи ҳолларда қорин олд девори флегмонаси кузатилади. Боланинг умумий аҳволи касаллик бошланишида ўртача бўлади. Тана ҳарорати субфебрилгача кўтарилади.

**Некрозли** омфалит йирингли яллигланиш натижасида бошланиб, асосан нимжон болаларда кузатилади. Бунда яллигланиш жараёни нафақат ён томонга, балки чуқурликка, яъни қорин бўшлиги

тарафига тарқалади. Натижада тери некрози аниқланиб, юмшоқ түқималардан ажралиб қолади. Бу жараён қорин олд деворининг ҳамма қаватларига тарқалиб, ичак эвентрациясига сабаб бўлиши мумкин.

Омфалитнинг охирги икки турида инфекция киндик томирлари-га ўтиб, сепсис ёки жигар абсцесси ривожланишига сабаб бўлади.

**Давоси.** Омфалитнинг маҳаллий турида киндик соҳаси водород пероксид билан ювилади, калий перманганат ёки 5% ли йод эритмаси билан куйдирилади. Киндик қолдиги тушгандан кейин калий перманганат эритмаси билан ванна қилинади. Касалликнинг йирингли ва некротик турида шифокорга мурожаат қилинади ва бемор стационарда даволанади, комплекс даво ўтказилиб, антибиотиклар (ампциллин, оксациллин ва ҳ.к), витаминалар, дисенсибилловчи дорилар, глобулин, қон плазмаси тайинланади ва маҳаллий даво ўтказилади. Йиринг тўхтагандан кейин Вишневский малҳами фойда беради. УВЧ тайинланади.

### Остеомиелит

Суякнинг йирингли яллигланиши бўлиб, стафилококк, стрептококк ва бошқа микроблар қўзғатади. Инфекция кўмикка бирор яллигланиш ўчоғидан гематоген йўл билан ёки яраланишда бевосита йирингли жароҳат соҳасидан ўтиши мумкин.

Гематоген остеомиелит катта болдир суяги, сон суягининг пастки учдан бир қисми ва елка суягига кўпроқ жойлашади

Ўтқир гематоген остеомиелитда бир-икки кун мобайнида умумий ҳолсизлик, оёқ-кўлларнинг қақшаб оғриши, мушакларда оғриқ, бош оғриги қайд қилинади. Сўнгра қалтираш пайдо бўлиб, тана ҳарорати 39 С ва бундан ҳам юқорига кўтарилади, беморнинг дармони қуриди, эс-хушини йўқотиб, алаҳлаш пайдо бўлади. Кейинчалик мия пардаларининг таъсирланиш симптомлари пайдо бўлади. Бунда беморнинг юзи оқариб, кўзлари киртаяди, лаблари кўкимтири туғса, териси эса қуруқ, сарғиш рангга кириб, таранглиги пасаяди. Беморнинг артериал босими пасаяди. Нафаси тезлашади ва юзаки бўлади. Жигар ва талоқ катталашиб, оғрийди. Оёқ-кўлда қаттиқ оғриқ пайдо бўлиб, ҳаракат қилганда у кучаяди. 3 — 4 кунга келиб касалланиш майдонида юмшоқ түқималарнинг оғриқли шиши, терининг ўртача қизил туғса кириши, ҳароратнинг маҳаллий кўтарилиши кўрилади, флюктуация пайдо бўлади.

Сурункали остеомиелит ўтқир остеомиелитнинг оқибати сифатида вужудга келади. У яллигланиш жараёнининг вақти-вақтида хуружланиб туришида номоён бўлади. Бу — ҳароратнинг кўтарилиши, йирингланиш ўчоғида оғриқнинг давом қилиши, түқималарнинг шиши, терининг қизариши, оқмалар ҳосил бўлиб, улардан йиринг ва баъзан суяк парчалари чиқиб туриши билан ифодаланади.

**Давоси.** Ўткир остеомиелитга шифокор назоратида стационарда даво қилинади. Бунда антибиотиклар, баъзан сукнинг шикастланган соҳасига, суяк ичига юборилади, микробдан заҳарланишга қарши даво буюрилади. Йиригланиш ҳосил бўлганда у очилади.

## Умумий хирургик инфекция

### Сепсис

*Сепсис* — бу турли-туман микрофлора ва уларнинг токсинлари қўзғатадиган оғир умумий хирургик инфекцион касалликдир. Сепсис бирламчи ва иккиласми бўлади. Агар микроблар тўғридан-тўғри организмга қон орқали тушиши билан касаллик пайдо бўлса, бирламчи сепсис, агар бирламчи яллиғланиш ўчоқлари (чишқон, карбункул, остеомиелит, флегмона ва абсцесслар) орқали ривожланадиган бўлса, иккиласми сепсис дейилади. Сепсис бир неча соатдан (яшин тезлигига ўтадиган) узоқ йилларгача (сурункали тури) давом этади.

Сепсис турлари ва клиник белгиларининг турли-туманлиги уни таснифлашда бирмунча қийинчиликлар туғдиради. Сепсиснинг қўйидаги турлари бор.

1. *Қўзғатувчиси бўйича* — стафилококкли; стрептококкли; пневмаококкли; гонококкли; колибацилляр; аралаш ва бошқалар.

2. *Манбаи бўйича* — жароҳат сепсиси; ички аъзолар касаллиги (ангина, зотилжам ва бошқалар) дан кейинги, операциядан кейинги крептоген (манбаи аниқланмаган).

3. *Бирламчи ўчоқнинг жойлашиши бўйича* — гинекологик; урологик; аутоген ва ҳоказо.

4. *Клиник кечиши бўйича* — яшин тезлигига ўтадиган; ўткир; ярим ўткир; қайталанувчи; сурункали.

5. *Клиник-анатомик жиҳатдан* — септициемия — йириңгиз метастаз бермайдиган, септикопиемия — йириңгли метастаз берадиган.

Сепсиснинг ўзига хос симптомлари йўқ. Йириңгли заҳарланиш сепсисга яқин клиник манзарани юзага келтириб, ташхис қўйишни қийинлаштиради.

Сепсисда энг кўп учрайдиган клиник белгилар:

— марказий нерв системаси томонидан юз берадиган бузилишлар; бош оғриши, тажанглик, уйқусизлик, асаб системаси фаолиятининг пасайиши;

— организмнинг умумий реакцияси: ҳароратнинг  $40^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилиб, эрталаб ва кечқурунлари анчагина ўзгариб туриши, йириңгли метастазларда эт увишиши ва тез-тез терлаш, озиб кетиши;

— юрак-томирлар системаси томонидан пульснинг кескин тезлашуви, тўлишувининг камайиши, артериал ва веноз босимнинг пасайиши;

— анемия ривожланиши, ЭЧТ ва лейкоцитознинг ошиши, лимфоцитлар йўқлиги ёки оз миқдорда бўлгани ҳолда лейкоцитар формуланинг чапга сурилиши. Қатор ҳолларда қон экилганда бактеремияни (бактериялар борлигини) аниқлаш мумкинлиги;

— паренхиматоз аъзолар томонидан сийдикнинг нисбий зичлигининг пасайиши ва унда оқсил ҳамда шаклли элементлар пайдо бўлиши билан бирга буйраклар ва жигар функциясининг ёмонлашиши, сариқлик ва гепатитга хос белгиларнинг пайдо бўлиши, талоқининг катталашиши;

— иштаҳа йўқлиги, септик ич кетиши; кўнгил айниши ва қусиш ҳисобланади. Септик жароҳат учун: грануляцияларнинг юмшоқлиги, лойқа тусли ва кўпинча ириган суюқликнинг жуда кам ажралиши, томирлар тромбози, лимфангоитлар, лимфаденитлар қайд қилинади. Айтиб ўтилган ҳамма симптомлар барқарорлиги билан ажралиб туради.

**Яшин тезлигидаги** сепсис жадал ривожланиб, симптомларнинг тўлиқ комплекси бир неча соат ичидәёқ намоён бўлади.

**Ўтқир** сепсисда тўлиқ клиник манзаранинг ривожланиши учун бир неча кун талаб этилади.

**Ярим ўтқир** сепсисда симптомлар сепсис учун характерли бўлади, бироқ дастлабки икки шаклидаги каби аниқ бўлмайди. Жараён бир неча ҳафта давом этади ва ривожланади.

**Сурункали** сепсис суст кечади ва қасаллик алломатлари билинмас бўлиб, бир неча ойгача чўзилади.

**Қайталанувчи** сепсисда зўрайиш даври ремиссия (сўниш) даври билан алмашинади.

**Метастазли сепсис (септикопиемия)** турли тўқималар ва аъзоларда кўп сонли йиринг боғлаган жойлар пайдо бўлиши билан, симптоматик зўрайган ҳолда ўтади.

**Метастазлиз сепсис (септицимия)** одатда бирмунча оғир ва доимий бўлади. Бунда ремиссиялар кузатилмайди ва симптоматика аниқ намоён бўлади.

**Давоси.** Стационар шароитида шифокор назоратида комплекс бўлиши ва қўзгатувчига қарши курашга, заҳарланишни камайтиришга, организмнинг иммунитетини оширишга, моддалар алмасинуви ва ички аъзолар функциялари, шунингдек қон таркибини яхшилашга қаратилиши лозим. Беморларга чой, витаминли ичимликлар, сутни кўп миқдорда ичириш, тери остига ёки венага физиологик эритма ва 5%ли глюкоза эритмаси, қон, плазма ва оқсил препаратлари юборилади. Беморнинг овқати витаминларга бой ва сифатли бўлиши керак. Шунинг учун гўшт экстракти, қайнатилган балиқ, тухум, творог берилади. Уларга янги сабзавотлар ва мевалар истеъмол қилиш тавсия этилади. Антибиотиклар уларнинг сепсис келтириб чиқартган микрофлорага сезувчанлигини ҳисобга олган ҳолда тайинланади.

**Профилактикаси.** Инфекция ўчогини фаол даволаш, жумладан, йирингли ва метастатик ўчоқларни ўз вақтида очиш, ёт жисмларни олиб ташлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Беморни парвариш қилишда қўрқув ва ҳис-ҳаяжонларни бартараф этишнинг аҳамияти катта. Бемор хонасининг ҳавоси тоза бўлиши лозим.

Беморда ётоқ яралар пайдо бўлмаслиги ва ичи яхши юришиб туришини кузатиб бориш керак.

### Газли гангрена

Газли гангренани шу гуруҳдаги микроблар келтириб чиқаради.

Унинг ривожланишида шикастланган ва некротик юмшоқ тўқималарнинг борлиги ҳамда қон айланишининг бузилиши катта аҳамиятга эга. Ушбу касаллик кўпинча мушакларга кўп шикаст етган, ифлосланган ва йиртилган, лат еган жароҳатларда пайдо бўлади. Инкубация даври 7 кунгача давом этади.

Анаэроб инфекция яллиғланиш реакцияси рўй бермасдан ўтади ва тўқималарнинг ириши, шин пайдо бўлиши ва тўқималарда микроблар ажратадиган заҳарлар таъсирида газ ҳосил бўлиши билан таърифланади.

Патологоанатомик ўзгаришлар ва клиник кечиши бўйича газли гангренанинг қуйидаги турлари бор.

**шиш шакли** — тўқималарнинг қаттиқ щипшиши ва заҳарланиш ҳодисалари билан ўтади;

**эмфизематоз шакли** — тўқималарда газ ҳосил бўлиши билан ўтади;

**аралаш шакли** — қаттиқ шиш билан бирга кўп миқдорда газлар ҳам ҳосил бўлади;

**некротик шаклида** — тўқималар некрози устунлик қилади;

**флегманоз шакли** — клиник жиҳатдан олдингиларидан енгилроқ кечади;

**гангреноз шакли** — тўқималарнинг кўпроқ ириши, кучли заҳарланиш билан ўтади ва хатарли кечади.

Умумий клиник манзараси марказий нерв системасининг кўзгалиши ёки тормозланиши билан таърифланади. Бемор одатда эс-хушини йўқотмайди, ухламайди, ҳарорати 39°C гача кўтарилади, томири минутига 120—160 мартағача уради. Юрак фаолияти сусайиб кетади. Артериал босими 80—90 симоб устунигача пасаяди. Нафас кўпинча юзаки бўлади.

Жароҳатда кучли оғриқ пайдо бўлади, юмшоқ тўқималар шишиб кетади. Тери аввалига рангизланади, тери остидаги веналар яхши кўринади, кейин кўнгир, қип-қизил ва кўк дөглар билан қопланади, тўқималар пайпасланганда фижирлайди ва қўлга совуқ ундейди. Тўқима бармоқ билан босилганда газ пуфакчалари ажралиб чиқади. Мушаклар қайнатилган гўштга ўхшаб қолади, сўнgra кўкимтир тусга кириб кейинчалик қорамтириб бўлиб қолади.

**Профилактикаси.** Қон юриши яхшىи бўлган тўқималарда анаэроб инфекция камдан-кам ривожланади, шунинг учун боғламлар қўйишда қон айланиши бузилмаслиги зарур. Жароҳатга ўз вақтида ва тўғри хирургик ишлов бериш катта, эзилган ва ифлосланган жароҳатларда антибиотиклар юбориш зарур бўлади.

Гангренага қарши зардобнинг профилактик дозаси 30 минг АЕ ни ташкил қиласди (антитерфренгес, антиадематикум ва антисептикум зардобралардан 10 минг АЕ дан). Дастреб зардобга сезувчанликни аниқлаш учун 1:100 суюлтирилган тери ичи синамаси қўйиласди.

**Давоси.** Ривожланиб бораётган газли гангренада стационар шароитида юмшоқ тўқималар ичига узунасига суюкка қадар кесилади, унга водород пероксидли боғлам қўйиласди (кислород ажралиб чиқиши учун), жароҳат юзаси аэрация қилинади. Венага томчилаб гангренага қарши зардоб қўйиласди (150—200 минг АЕ дан бир неча кунгача).

Беморга суткада 3—4 литргача суюқлик вена орқали юборилади. Қон қўйиласди, юракни қувватловчи дорилар, антибиотиклар берилади. Газли инфекция билан касалланган bemорлар доимий кузатувга ва парваришга муҳтож бўлади.

Касалхонада инфекция юқишининг олдини олини мақсадида bemорлар алоҳида палатага ётқизилади, ишлатилган боғлов материалари ёқилади, ишлатилган асбоблар бўлиб-бўлиб стерилланади.

## Қоқшол

Касалликни қоқшол таёқчаси ажратадиган заҳарлар келтириб чиқаради. Бундай таёқчалар табиатда кент тарқалган, улар тупроқда, гўнгда кўп бўлади. Қоқшол споралари физик-кимёвий таъсирларга жуда чидамли ва узоқ муддатгача сақланиши мумкин. Қон айланишининг бузилиши, организмнинг ҳимоя кучлари сусайиши қоқшол ривожланиши учун қулий шароит ҳисобланади. Қоқшол заҳари нерв системасига таъсир қиласди. Инкубация даври ўрта ҳисобда 7—10 кун, баъзан 1—1,5 ойгача чўзилиши мумкин.

Бунда bemорнинг аввалига чайнов мускуллари тортишиб қисқаради, натижада bemор сув ича олмайди (тризм), юзнинг мимика мускуллари тортишиб қисқаради, бу юзга азоб чекаётган қиёфа (кардоник табассум)ни беради.

Кейинчалик тортишиб-қисқариш тана, қўл-оёқ мускулларини эгаллайди, натижада bemор ўзига хос ҳолатни олади: bemор бошини орқага ташлаб, ёй каби эгилган (опистотонус) ҳолатда ётади (80-расм). Ҳалқум мушаклари, қовургаларо мушаклар ва диафрагманинг спазми қайд қилиниши мумкин (нафас қийинланиши). Қаттиқ тортишиб-қисқаришда суюклар синиб кетиши, пайлар узилиши мумкин. Тортишиб-қисқаришлар қаттиқ оғриқ беради. Улар қандайдир ташки таъсир — ёруғлик, шовқин, оғриқ ва ҳоказо сабабли юзага келади. Ҳарорат 40°C ва бундан юқори бўлади, томир уриши ва нафас тезлашган. Bemор бўғилиш, юрак ва диафрагма мушаги фалажланишидан ўлиб қолади.



80- расм. Опистостонус.

**Профилактикаси.** Специфик профилактика қўйидаги ҳолларда ўтказилади:

- тери қоғламлари ва шиллиқ пардаларнинг бутунлиги бўзилган ҳар қандай шикастланишларда;
- II ва III дараҷали қуийш ва совуқ уришларида;
- аёллар тиббий ёрдамсиз уйда туққанда;
- касалхонадан ташқарида қилинган абортларда;
- меъда-ичак йўлларида операцияларда;
- ҳайвон тишлигандан.

*A. Илгари эмланган болалар ва катта ёшдаги кишиларда қоқшолниң шошилич профилактикаси.*

Қоқшолга қарши илгари эмланган кишиларга шикастланишнинг оғир-ентиллигидан қатъи назар, фақат 0,5 мл тозаланган АС анатоксини юборилади. Қоқшолга қарши биринчи ревакцинациядан кейин олти ойдан, иккинчи ревакцинациядан кейин эса бир йилдан кўп вақт ўтмаган бўлса, шикастланишларда қоқшолга қарши анатоксин юбормаслик керак.

*B. Эмланмаган болаларда ва катта ёшдаги одамларда қоқшолниң шошилич профилактикаси.*

Бундай ҳолларда 1 мл тозаланган АС қоқшолга қарши анатоксин юборилади ва тери ичи синамаси ўтказилгандан кейин бошқа шприц билан тананинг бошқа қисмига тозаланган қоқшолга қарши зардоб 3000 МЕ дозада юборилади. Қоқшолга қарши фаол ва суст профилактика ўтказилгандан 30—40 кун кейин иммунизацияни давом эттириш учун 0,5 мл АС анатоксинони инъекция қилиш, кейинчалик эса барқарор иммунитет ҳосил қилиш учун препаратнинг худди шундай дозасини (0,5 мл) 9—12 ой ўтгач ревакцинация қилинади.

Зардоб юбориш турли реакциялар билан ўтиши мумкин. Бу реакциялар уч турда бўлади: а) зардоб юборилган заҳоти юз берадиган, б) эрта (4—6 кун), в) кечикиб юз берадиган реакция (2 ҳафта ва бундан кўпроқ вақт ўтгач). Реакция ҳарорат кўтарилиши, эт увишиши, мушакларнинг тортишиб-қисқариши, турли хил тошмалар тошиши ва юрак-томирлар фаолиятининг бузилишида

намоён бўлади. Бундай ҳолларда венага 1 мл адреналин (1:100) ёки 1 мл 5% ли эфедрин, 10 мл 0,5 % ли новокаин, 10 мл 10 % ли калъий хлорид, 20—25 мл 20—40 % ли глюкоза эритмасини қўшиб юбориш тавсия этилади. Бундан ташқари, гормонал препаратлар (преднизолон, кортизон, гидрокортизон), юрак фаолиятини яхшиловчи дорилар ва бошқалар буюрилади.

**Давоси.** Ривожлангаётган қоқшолга маҳсус даво чоралари йўқ, чунки нерв системаси билан боғланган заҳарларни нейтраллаб бўлмайди. Қонда айланиб юрган, ҳали боғланиб ултурмаган заҳарларни нейтраллаш учун қоқшолга қарши зардобларнинг даво дозалари қўлланилади (10—150 минг МЕ).

Бундан ташқари, 2—3 кундан кейин 1—2 мл дозада қоқшол анатоксини буюрилади. Беморни тинчлантириш учун хлоралгидратли ҳуқналар (30 мл 3 % ли хлоралгидрат эритмаси) қилинади, ухлатувчи дорилар ва нейроплегиклар (1—2 мл 2,5 % ли аминазин эритмаси суткасига 4—5 марта) юборилади. Организм сувсизланишининг олдини олиш учун ректал йўл билан томчилатиб суюқлик юборилади. Суюқ ёки суюқроқ овқатлар тавсия қилинади. Бемор қоронги илиқ хонага ётқизилади ва осойишталик сақланади. Оғир ҳолларда трахеостомия қилинади, миорелаксантлар буюрилади ва бошқариладиган сунъий нафас олишга ўтилади.

### Қутуриш

Қўзғатувчиси — қутуриш вируси. Бу касаллик bemорнинг психикасига таъсир қилувчи, кўнгилга ваҳима соловчи ва қўзғалиш ҳолати билан намоён бўлади. Бемор бир қултум сув ичишга уринганида, кейинчалик эса сувга кўзи тушганда ҳам ютишида иштирок этувчи мускуллари тортишиб, тиришиб қолади (гидрофобия), сувдан кўрқиш ҳолати кузатилади. Касалликнинг 2—3 кунидан бошлаб bemорнинг эс-хуши айнийди, галлюцинациялар пайдо бўлиб, алаҳсирайди.

Бемор тинмай чанқайди ва оғзидан сўлак чиқиб туради, чунки сўлагини юта олмай қолади. Бемор тобора бесаранжом, эси кириб-чиқарли, тажовузкор бўлиб қолади, ўринда ўзини ҳар ёқقا уриб, ерга тушиб эмаклайди, деразадан ўзини ташлашга уринади. Касалликнинг қўзғалиш даври фалажланиш билан алмашиниб касалликнинг 6—9, байзан эса 1- кунларида bemорнинг ўлими билан тугайди. Инкубация даври 10—90 кун.

**Давоси.** Касалликка қарши самарали даво қилишининг йўллари йўқ. Бироқ bemорнинг азобларини енгиллаштиришга қаратилган ва тиббиёт ходимларини касаллик юқиб қолишидан эҳтиёт қилиш учун зарур чораларни кўриш лозим бўлади.

Ҳайвоннинг тиши ботган жой, яъни жароҳат имкони борича қайнаган илиқ сув билан совунлаб ювилади ва унга йод суртилади, жароҳат ичкарисига ва юмшоқ тўқималарга стерил антирабик зардоб

ёки иммуноглобулин юборилади. Одамни қутурган ҳайвон тишлаб олган ёки унинг сўлаги тегиб қолган пайтдан бошлаб ҳисоблаганда кўп деганда 14 кундан кейин қутуришга қарши эмлаш наф беради. Эмлаш махсус Пастер пунктларида, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўрсатмаларига мувофиқ олиб борилади, антирабик вакцина курси эса олдин Безредко усулида антирабик гамма-глобулин юборилгандан кейин бошланади. Вакцинация даврида ва унга яқин даврларда спиртли ичимлик ичиш қатъяян ман қилинади.

Шубҳали ҳайвон 14 кун ичидаги касал бўлиб қолмаса, у ҳолда эмлаш тўхтатилади.

Беморни ташқи таъсир — ёруғлик, шовқин-сурон, гап-сўзлар, ҳаво ҳаракатидан ҳоли қилиш учун қоронгилатиб қўйилган алоҳида палатага ётқизилади.

Тиришишга қарши курашиш учун симптоматик воситалар: хлоралгидрат, наркотиклар, седуксен, ухлатадиган моддалар қўлланилади; bemорни озиқлантириш учун парентерал йўл билан туз эритмалари, глікоза юборилади. Бемор ўрнига боғлаб қўйилади, индивидуал тиббий ҳамшира пости ташкил этилади. Ходимлар қўлларига қўлқоп кийган ва ниқоб тутган ҳолда ишлашлари керак, чунки bemорнинг сўлагида қутуриш вируси бўлиб, у юқиши мумкин.

Беморга жуда эҳтиёт бўлиб бориш керак. Унга парвариш вақтида тутиладиган ўрин-бош жилдлари захирада туриши лозим. Парвариш вақтида тутилган буюмлар, идишлар, жилдлар 2% ли хлорамин эритмаси билан юқумсизлантирилади.

Қутуришга қарши антирабик тирик вакциналар билан эмлаш куйидаги ҳолларда буюрилади:

1) қутурганлиги аниқ қўриниб турган, шубҳали сўлак ҳамда номаълум ҳайвонлар тишлаганда, тирнаганда ва бадан терисига, шиллиқ пардаларга теккан пайтларда;

2) қутурган ёки қутурмаганлиги номаълум бўлган ҳайвонларнинг сўлаги ёки мияси билан ифлосланган нарсалардан бадан жароҳатланганда (ўлган ҳайвонларни ёриш, нимталаш вақтида);

3) ҳайвон одамнинг кийими устидан тишлаганда (кийимни тишлари тешган ёки йиртиб юборганда, юпқа ёки тўқилган кийим устидан тишлаб олганда; одамга дахл қилган ёки яқин юрган чоғида соғ бўлиб, 10 кунлик кузатув давомида касаллиги билинса, сўлаги теккан, тирнаган пайтларда;

4) қутуриш касаллиги учраб турадиган жойларда одамни ёввойи кемириувчилар тишлаб олганда;

5) қутуриш касаллигига учраган одам сўлаги киши баданига текканлиги аниқ бўлса ёки у баданга шикаст етказганда.

**Вакцинация.** Эмлаш курсининг қанча давом этиши ва вакцинация дозалари. Бунда махсус тайёргарлик олган врач — рabiолог томонидан белгиланади. Баданинг қайси жойи ва қай тариқа тишланганига ҳамда ҳайвон саломатлигининг аҳволига эътибор берилади.

Вакцинанинг катта ёшли одам ва 10 ёшдан катта болаларга

мүлжалланган дозаси йўриқномада қўрсатилган. З ёшгача бўлган болаларга катта ёшли киши дозасининг ярми, З ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларга 75% и буюрилади. 5 мл дозадаги вакцина орадан камидан 20—30 минут ўтказиб туриб, икки инъекция билан юборилиши шарт.

Антирабик вакцина қорин ўрта чизигидан 2—3 см четга ёки сал пастроққа ингичка игнали стерил шприц билан тери остига юборилади. Айрим ҳолларда қураклар соҳаси териси остига юборилиши мумкин. Вакцинациядан кейин бемор 5—10 минут ётиб туриши тавсия этилади.

Мустаҳкам иммунитет ҳосил бўлини ва асоратларнинг олдини олиш учун эмланаётгандарга бутун эмлаши курси ва ундан кейинги 6 ой давомида, сўнгра яна 1 ой давомида спиртли ичимликлар ичиш тақиқланади. Эмлаш курси давомида бемор ортиқча толиқмаслиги, совқотиш, иссиқлаб кетишдан ўзини эҳтиёт қилиши зарур. Улар эрта тонгда эмланмаслиги керак. Антирабик вакцина билан эмлангандан кейин 2 ой мобайнида беморга бошқа эмлашлар ўтказилмайди.

**Антирабик гамма-глобулин (иммуноглобулин).** Шифокор буюрган дозадаги антирабик гамма-глобулиннинг ҳаммаси бир кунда юборилади. Қутурган бўри ва гўштхўр ҳайвон юз ва бошнинг каттагина қисмини тищлаганда, баданни қаттиқ тажиганда антирабик иммуноглобулинни 2- куни такрор юбориш мумкин. Гамма-глобулин дозасининг бир қисмини, агар жароҳатланган жой қалтис бўлмаса, унинг атрофидаги тери остига юбориш мумкин.

Бемор организмининг зардобга сезгиригини текшириб кўриш учун билакнинг ички юзаси соҳасига 0,1 мл 1% ли (1:100) антирабик гамма-глобулин юбориб кўрилади ва реакция натижаси 20—30 минутдан кейин ҳисобга олинади. Папула диаметри 1 см дан ошмаса ва қизарган жой чекланган бўлса, натижа манфий ҳисобланиб, бунда беморнинг билак териси остига 0,7 мл 1%ли антирабик гамма-глобулин юборилади; реакция бўлмаса даволаш профилактика мақсадида буюрилган дозада, яъни антирабик гамма-глобулиннинг ҳаммаси, 37°C гача илитилиб, думбанинг устки ташқи квадрантига 2—3 мартаға бўлиб (ҳар сафар орадан 10—15 минут ўтказиб туриб) юборилади.

## Сурункали специфик инфекция

Сурункали специфик инфекцияга специфик қўзғатувчилар вужудга келтирадиган яллигланиш жараёнлари — сил, актиномикоз, бруцеллёз киради.

### Актиномикоз

Актиномикоз тўқималарнинг нурсимон замбуруг — актиномицетдан заарланишидир. Организмга актиномикоз нафас йўллари орқали ёки меъда-ичак йўлларидан тушади. Актиномицет тушган майдонда специфик яллигланиш реакцияси пайдо бўлади, унинг

асосини периферияга нур шаклида тарқаладиган ва түғнағиң бошидек йұғонлашиб тугайдын (друзлар) ингичка толалар туридан иборат замбуруғлар колонияси ташкил қилади. Друз атрофида зич инфильтрат ҳосил бўлади. Унинг устидаги тери қизгиш-кўкимтири тусга киради. Айрим жойларида у юпқалашади, оқмалар ҳосил қилади, улардан друслар билан оч сариқ суюқлик ажralиб чиқади.

Ўпка актиномикозида клиник манзара ўткир ёки сурункали абсцесс, бронхопневмония кўринишида ўтади. Актиномикоз кўкрак деворини ҳам эгалайди ва қон томирлар, шунингдек, лимфа йўллари бўйлаб метастаз беради.

**Давоси.** Антибиотиклар (пенициллин, стрептомицин, агромицин) нинг катта дозалари ва актиномикоз билан специфик даво (0,1 дан 2 мл гача ҳар 2–3 кунда, жами 20 тагача инъекция), шунингдек рентгентерапия буюрилади.

### Силнинг хирургик турлари

Сил хирургиясига сил микобактериялари қўзғатган, хирургик ва даволаш усувларини талаб этадиган, турли соҳаларда жойлашадиган қатор касалликлар киради.

Сил микобактериялари организмга қўйидаги йўллар билан тушади: нафас йўллари — чанг ва сил микобактериялари тутган ҳаводан нафас олганда; ҳазм йўллари — сил микобактериялари тутган овқат (сув, гўшт) истеъмол қилинган, тери ва шиллиқ пардалар орқали — улар шикастланганда ва ҳоказо.

Носпецифик инфекциядаги сингари специфик инфекция авж олиши аксари яхши овқатланмаслик, турар жой шароитининг оғирлиги, руҳан зўриқиши ва шу кабилар сабаб бўлади.

Сил микобактериялари таъсирида, у жойлашган майдонда бирламчи сил ўчоғи ҳосил бўлади. Ўчоқ ичидаги кazeоз некроз қайд қилинади. Казеоз массанинг ириб суюқланиши йиринг бўшлиғи ҳосил бўлишига олиб келади. Сил йиринг бўшлиғи носпецифик йиринг бўшлиғидан фарқли ўлароқ одатда жадал ва ўткир, яққол симптомлар билан ажralиб турмайди.

Хирургик силга: суяқ-бўғимлар, лимфа тугунлари сероз пардалар (қорин пардаси, плевра, мия пардалари), меъда-ичаклар, буйрак, қовуқ, мояк ва ўпка силининг айрим турлари киради.

**Суяқ-бўғим сили.** Касаллик ҳамиша иккиласида бўлади, бирламчи ўчоқ эса ўпқада ёки қорин бўшлиғига жойлашиади. Суяқ ва бўғимлар сили асосан болаларда, баъзан катта ёшдаги кишиларда ҳам учрайди. Кўпинча умуртқа погонаси заарланади — сил спондилити, чаноқ-сон бўғими сили — коксити ва тизза бўғими сили — гонит учрайди.

Суяқ шаклида касаллик суякнинг ғовак моддасида бошланади (эпифизар — метафизар соҳа) ва сил ўчоғи ҳосил бўлади, сўнгра суяқ моддасининг ириб, майда секвестрлар ва суяқ бўшлиқлари ҳосил бўлиши кузатилади. Тўпланган йиринг суяқ бўшлиғидан чиқади ва тўқималарро бўшлиқлар (совуқ камгаклар) бўйлаб тарқалади.

Жараён бўғимга ҳам ўтиши мумкин. Бўғим силида синовиал парда шишади, гиперемияланиб қолади, ворсинка (тук)лари бўлади, бўшлиғида йирингга айланадиган сероз-фибриноз суюқлик ҳосил бўлади, бу йиринг ташқарига ёрилади ва оқма ҳосил қиласи.

Бўғимлар заарланганда қуйидаги шакллари фарқ қилинади:  
а) синовиал-эксудатив жараён синовиал пардада ривожланади, у гиперемияланади, шишади ва фибринга бой суюқлик ажратади; б) фунгоз шаклида (грануляция тўқимаси ҳосил бўлади, сил дўмбокчаларида казеоз парчаланиши — ямоқланиши жараёни бўлади; в) жараён суяқ эпифизидан бошланади, майда секвестрлари бўлган казеоз парчаланиш маҳсулотлари билан тўлган бўшлиқ ҳосил бўлиб, кейинчалик синовиал пардага ўтади.

Сил спондилитида заарланиш ўчоги ҳамиша умуртқа танаси олдинги қисмининг ғовак моддасида бошланади, бу ғовак модда, сўнгра магиз модданинг суюқланишига олиб келади. Ҳосил бўлган йиринг сизиб ўтиб, абсцессларга йўл очади. Емирилган умуртқа-нинг „шакли ўзгаради“, бу умуртқа погонасининг буқри кўринишида қийшайиб қолишига олиб келади.

Бўғимлар сили учун касалликнинг зимдан бошланиши, астасекин ривожланиши ва сурункали кечини хос. Касаллик авж олган даврда қуйидаги характерли симптомлар пайдо бўлади:

а) оғриқнинг доимий бўлиши ёки жисмоний ҳаракатда пайдо бўлиши; кўпинча оғриқ бошқа соҳага тарқалади, масалан, сил кокситида оғриқ тизза бўғимида қайд қилиниши мумкин;

б) бўғим функциясининг бузилиши — оғриқни камайтириш мақсадида касал беморга атайнин юкламани кўйиш оқибати ҳисобланади;

в) мушакларнинг атрофига учраши нейтротрофик ўзгаришларга ва қисман оёқ-кўлнинг ҳаракатсиз бўлишига боғлиқ;

г) тери бурмаси ва тери ости қатламининг қалинлашуви, бу тери ости ёғ қатламини касал оёқ-кўлнинг симметрик соҳаларида бурма кўринишида йигиш йўли билан аниқланади — касал томонда бурма қалинроқ бўлади;

д) бўғим шиши бўғимга аввалига сероз, сўнгра эса йирингли суюқлик (бўғим эмпиесаси) шимилишига боғлиқ;

е) пролифератив шаклида фиброз тўқима йигилини ҳисобига „оқ ўсма“ ҳосил бўлади;

ж) йиринг ташқарига ёрилганда юмшоқ, оқимтири грануляциялар билан қопланган оқмалар, аксари кўп сонли оқмалар ҳосил бўлади;

з) совуқ йиринг бўшлиғига юмшоқ тўқималарнинг йиринг тўпланишига фаол реакцияси натижаси ҳисобланади, тарқалганда улар „йирингли совуқ оқмалар“ ҳосил қиласи;

и) детургия, қийшайиши, калта тортиш, паталогик синиш ва чиқишилар силнинг оғир шаклларида учрайдиган кечки симптомлар ҳисобланади.

Сил спондилити клиникаси асосан бўғим шакллари билан мос келади. Заарланган умуртқа соҳасида мушакларнинг таранглашиши ва

„жилов симптоми”, букрилик кўринишидаги детурция ва баъзан орқа миянинг заарланиши ажратиб турадиган белгилардан ҳисобланади.

**Давоси.** Сил билан оғриган одамлар маҳсус диспансер ва санаторий типидаги дам олиш масканларида даволанади. Беморларга умумий тадбирлар — яхши ва тўйимли овқатланиш, улътрабинафша нурлар билан нурлантириш дозасига амал қилинган ҳаво ва қуёш ванналари қўлланилади. Беморлар дори-дармонлардан стрептомицин, ПАСК, фитивазид, рефодин ва бошқаларни қабул қиласди. Гавданинг касалланган қисми иммобилизация қилинади: сил спондилитида гипсли каравотча, чаноқ-сон бўғими зааралланганда гипсли коксит боғлам, тизза бўғими зааралланганда гонит боғлам ишлатилади.

Ҳозирги вақтда суяк-бўғим силини даволашнинг хирургик усулларидан тобора кенг фойдаланилмоқда. Сил спондилитида зааралланган умуртқанинг некротик тўқималари олинниб, у суяк трансплантати билан фиксация қилинади. Бўғим силида зааралланган синовиал парда суяк деструкцияси ўчори билан бирга олинади, сўнгра оёқнинг функционал қулай вазиятида анкилоз вужудга келтирилади.

### **Хирургик инфекция билан касалланган bemorларни парвариш қилиш хусусиятлари**

Хирургияда, умуман олганда тиббиётда кичик ва катта касаллик бўлмайди. Беморни нотўғри даволаш ва вақтни қўлдан бой берилганда юз соҳасидаги кичкина чипқон ҳам ўлимга олиб келиши мумкин. Шунинг учун хирургик инфекцияларни даволашда bemornинг ўз вақтида шифокорга мурожаат қилиши ва мумкин қадар асоратсиз даволаниши, уларни яхши парваришлаш муҳим аҳамиятга эга. Умумий парвариш тадбирлари қуйидагилардан иборат.

### **Маҳаллий йирингли инфекцияси бўлган bemorларни парвариш қилиш**

Чипқон (юзи соҳасидан ташқари), гидраденит, лимфаденит бўлган bemorлар одатда амбулаторияда даволанади. Чипқон, карбункул, абсцесс ва флегмонаси бўлган катта ва кичик ёшдаги bemorлар кўпинча шифохонада даволанади. Даволашда жароҳатнинг жойлашиши ва яллигланиш жараёнининг босқичи ҳисобга олинади. Беморни парваришлашда аввало жароҳатларни ўз вақтида боғлаш лозим бўлади. Агар йирингли жараён оралиқ соҳасида ёки анус атрофида бўлса, даволовчи антисептик дорилар билан ванна ҳар бир дефекациядан кейин қилинади. Касалнинг ичи яхши юришмаса, тозаловчи ҳуқна қилинади. Бундай вазиятда овқатланиш меъёрий ҳолатга келтирилади. Организмнинг ҳимоя кучларини ошириш учун юқори калорияли, турли-туман ва витаминли овқатлар берилиши лозим бўлади. Агар бўлимда йирингли маҳсус боғлов хонаси бўлмаса, аввал нисбатан тоза боғловлар, кейин йирингли боғловлар ўтказилади.

## **Умумий йирингли инфекцияли беморларни парвариш қилиш**

Хонани мунтазам равишида шамоллатиб туриш ва тоза сақлаш керак. Ич кийим, чойшабларнинг тозалигига эътибор бериш зарур. Нам ич кийим, чойшаб ва уларнинг бурмалари ётоқ яралар пайдо бўлишига имкон беради, bemорни кунига бир неча марта ётган ҳолатида ҳаракатлантириб туриши лозим ва ҳўл сочиқ билан бадан артилади.

Ўқкадаги асоратларнинг олдини олиш учун bemорни қадди баланд қилиб ётқизилади, нафас гимнастикаси қилдирилади, балғам тупуришга ўргатилади. Bемор болаларга шар пуфлаш тавсия қилинади.

Юқори ҳарорат ва организмнинг сувсизланиши меъда-ичак йўллари ишининг бузилишига олиб келади. Шунга кўра оғиз бўшлигини синчиклаб тозалаш (оғизни чайиш, нам тампон билан артиш) керак.

Ич яхши келиши учун икки суткада кам деганда бир марта тозаловчи ҳуқна қилинади ёки ичак перисталтикасини кучайтиришга қаратилган бошқа тадбирлар, яъни гипертоник ҳуқна, 10 % ли натрий хлорид эритмасини венага юбориш, прозеринни мушак орасига юборилидан иборат. Албатта суткалик диурез миқдорига қараб буййраклар функцияси текшириб турилади.

Софайиш даврида bemорни тез-тез тўйимли овқатлантиришга, аста-секин ўрнидан туриб фаоллаштириш, даво гимнастикаси ва мушакларни массаж қилишга катта аҳамият берилади.

## **Газли инфекция билан касалланган bemорларни парвариш қилиш**

Bеморлар сеписис бўлган bemорлар каби парваришга муҳтож бўладилар. Уйқусизликни даволаш учун ухлатадиган димедрол, люминал, ноксирон, тинчлантириш учун андаксин, бром, валериана, оғриқ қолдирувчи промедол, дроперидол, пантопон, фентанил дорилари буюрилади.

Анаэроб инфекция бошқа bemорларга осон юқади, шунинг учун bemор алоҳида хонада ётиши керак. Хизматчи ходимлар бундай хонада маҳсус кийим — ҳалат киядилар, уларнинг бу ҳалатида бошқа bemорлар ётган хонага кириши ман қилинади. Боғлов материали ишлатилгандан сўнг ёқиб ташланади. Bеморнинг ич кийими ва чойшаблар маҳсус тозаланади.

## **Қоқшолга учраган bemорларни парвариш қилиш**

Bеморга осойишталик шароитини яратиш зарур. Bеморлар организми анчагина сувсизланиб қолиши сабабли уларга парентерал озиқланиш учун томчили даволовчи ва озиқлантирувчи ҳуқналарда 3—4 л суюқлик берилиши лозим бўлади. Bеморнинг қонуги ўз-ўзидан бўшалиб турмаса, уретра олдин, анестезия (дикаин, совкайн) қилин-

тандан сұнг сийдикни кунига икки марта катетер орқали чиқариш керак. Талваса синдроми бор бемор бурнига киритилган доимий ингичка зонд орқали овқатлантирилади. У юқори калорияли ва сервитамин бўлиши керак. Сепсисдаги каби мунтазам ич келиши вақтида сийдик ажралиши, бадан териси тозалиги устидан кузатиб бориш, ётоқ яра кабиларнинг олдини олиш зарур.

### **Суяк-бўғим сили билан касалланган беморларни парвариш қилиш**

Кўпгина болаларда шу касаллик учрайди. Бола дори-дармонлар, айниқса аччиқ, тахир дорилар ичишдан бош тортади. Бундай беморларнинг узоқ вақтгача мажбурий ҳолатда гипсли боғламда бўлишини ҳам унумаслик керак. Шунга кўра, ётоқ яралар, зотилжам, мушаклар атрофияси каби иккиламчи касалликларнинг олдини олишга жиддий эътибор бериш лозим. Берилаётган дори-дармонлар дозасига риоя қилиб муолажа қилиш лозим. Беморнинг овқати витаминаларга, оқсилларга бой ва хилма-хил бўлиши керак.

Оқмалар бўлганда носспецифик йирингли инфекция киришига қарши барча тадбирларни ўтказиш зарур. Специфик ва носспецифик инфекциянинг биргаликда содир бўлиши асосий касалликни кескин оғирлаштиради ва маҳсус даво қилишни талаб этади. Операциядан чиқкан беморлар худди суяк сили туфайли операция қилинган беморлар каби парвариш қилиб борилади, бироқ бунда касалликнинг узоққа чўзилганлиги ва сурункали заҳарланиш сабабли организм қувватининг пасайиб кетганлиги ҳисобга олинади.

### **Йиринг микрофлорасининг антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш**

Олдиндан тайёрланган стерил пробиркадан фойдаланилади. Пробирка ичидаги стерил пахта бўлакчаси қўйилган сим ёки чўп бўлиб, улар пробирканинг тиқини орқали ўтказилган бўлади. Тампон пробиркадан олинади, унга текшириш учун олинган материал қўйилади, деворларига теккизмай яна пробиркага солинади ва пробирка тиқин билан маҳкам бекитилади. Пробирка зудлик билан (микробларнинг куриш ва аутолизга учраш хавфи бор) бактериологик лабораторияга кичкина хат билан биргаликда жўнатилади, унда bemornинг фамилияси, исми ва отасининг исми, бўлимнинг номи, ташхиси, сурма олинган жой ва текширувнинг мақсади (микрофлоранинг характеристи, унинг антибиотикларнинг муайян турига сезувчанлиги ва ҳоказо) ёзилган бўлади.



## Талабаларнинг мавзуга доир билим даражасини аниқлаш учун тестлар

- 1. Флегмона деб нимага айтилади?**  
а) териости безларининг йирингли яллигланиши;  
б) тери ости ёғ клетчаткасининг чегараланган яллигланиши;  
в) тери ости ёғ клетчаткасининг чегарасиз — тарқалган яллигланиши;  
г) ёғ безларининг йирингли яллигланиши;  
д) бўғимнинг йирингли яллигланиши.
- 2. Гидраденитда нима яллигланади?**  
а) лимфа томирлари;  
б) тери безлари;  
в) соч халтаси;  
г) лимфа тугунлари;  
д) тери.
- 3. Оёқ панжаси гангренаси қандай қасалликдан кейин кузатилади?**  
а) лимфаденит;  
б) лимфангоит;  
в) облитерацияловчи атеросклероз;  
г) артроз;  
д) абсцесс.
- 4. Қоқшол қасаллиги учун қайси симптом характерли эмас?**  
а) беҳушилик;  
б) клоник тиришиш;  
в) тахикардия;  
г) тана ҳароратининг кўтарилиши;  
д) жароҳатдаги оғриқ.
- 5. Чипқонни даволашга нима халақит беради?**  
а) 70% ли спирт билан терини артиш;  
б) чипқонни сиқиш;  
в) яллигланиш ўчигига новокаин-пенициллин эритмасини юбориш;  
г) сульфаниламид препаратларини бериш;  
д) ультрабинафша нур билан даволаш.

### *Мавзуга оид муаммоли масалалардан намуналар*

**1.** Бемор ўнг кўкрак бези соҳасидаги шиш ва ундаги оғриқдан шикоят қилди. Объектив текширилганда: кўкрак бези шишган, териси қизарган. Пайпаслаганда қаттиқ, шиш марказида флюктуация, маҳаллий гиперемия бор.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Даво услубини танланг.

2. Бемор болдири суягининг очиқ синиши билан даволанган. Зойдан кейин синган жойда яна оғриқ пайдо бўлиб, bemorning умумий аҳволи оғирлашган, тана ҳарорати  $40^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилиган. Синган жойнинг териси қизарган ва оғрикли.

Рентген тасвирида суяқда секвестр борлиги аниқланди.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Даво услубини танланг.



## XII. „ЎТКИР ҚОРИН“ ОҒРИФИ СИНДРОМИ

Замонавий хирургияда „Ўткир қорин“ термини сақланиб қолмоқда. Қорин пардасининг яллигланишидан юзага келган касалликлар симптоми комплекси шундай номланади. Бунга ички аъзолар: жигар, меъда ости бези, ўт қопи, талоқ, меъда-ичаклар,чувалчангсимон ўсимта, қорин пардаси ва ҳоказоларнинг шикастлари ва ёрилиши, ковак аъзоларнинг тешилиши ва тутилиши, қорин бўшлиғига гемотоген ёки лимфоген йўллар билан патоген микроблар тушиши ва қорин пардасининг яллигланиш жараёнлари сабаб бўлади. Шулардан энг кўп учрайдиган касалликлар тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

**Қорин деворининг шикастлари.** Қорин деворининг шикастлари қориннинг бевосита травмасида, оғир юқ кўтарганда кузатилади. Қорин деворининг шикастлари ёпиқ (қорин тўғри мушагининг йиртилиши) ва очиқ (жароҳатлар) турларга бўлинади.

Қорин деворининг ёпиқ шикастланиши учун маҳаллий оғриқ ва гематома характеридир. Қориннинг тўғри мушаги йиртилганда қон қуйилиши қориннинг тўғри мушаги қин қисми билангина чегараланади. Пальпация қилинганда гематома ўсмасимон ҳосила кўринишида аниқланади. Қориннинг тўғри мушаги йиртилганда қорин мушакларини таранглаштирганда ҳам, бўшаштирганда ҳам ўсмасимон ҳосила аниқланади.

Баъзан қорин девори томирларининг йиртилиши кузатилади. Бунда гематома асосан қорин пардаси устида жойлашиб, анчагина майдонни эгаллади. Клиник жиҳатдан қорин мушакларининг таранглашиши аниқланади. Бундай ҳолларда ички аъзоларнинг шикастланганини истисно қилиш лозим бўлади.

**Давоси.** Қорин девори ёпиқ шикастланганда беморга тинч шароит яратилади. Дастребки кунлари совуқ, кейинчалик иссиқ муолажалар ўtkaziladi. Катта гематомалар бўппатилиши (пункция қилиб тортиб олиш, кесиш) керак.

Қорин очиқ жароҳатланганда жароҳатга бирламчи хирургик ишлов берилади. Бунда албатта қорин пардаси ва ички аъзолар шикастланганлигини текпирин зарур.

**Қорин бўшлиги аъзоларининг шикастлари.** Қориннинг ёпиқ жароҳатида кўпинча ички аъзоларининг *тери ости* шикастлари кузатилади.

**Паренхиматоз аъзолар** — жигар, талоқ шикастланганда симптомлар комплексида ички қон кетиш етакчи ўрин тутади. Бутун қорин бўйлаб диффуз оғриқ рўй беради, бемор ётган ҳолатда текширилганда қориннинг чекка жойларида перкутор товушнинг бўтиқлиги, артериал босимнинг пасайиб кетганлиги, гемоглабин ва эритроцитлар миқдорининг камайганлиги, ўртacha лейкоцитоз қайд қилинади.

**Ковак аъзолар** — меъда-ичаклар шикастланганда ўткир препараторнинг клиникаси ривожланади, бутун қорин бўйлаб оғриқ бўлади, қорин мушаклари таранглашади, оғриқ симптоми мусбат бўлади, ҳарорат кўтарилади.

**Давоси.** Кўп қон оқмаганда беморнинг аҳволи қониқарли бўлади ва консерватив даво қўлланилади. Бемор қорнига муз қўйилади, гемостатик препаратлардан кальций хлорид, викасол, аминокапрон кислота ва ҳоказо ишлатилади. Натижасиз ҳолларда операция қилиниб жигар ёки талоқдаги жароҳат тикилади, қон узил-кесил тўхтатилади ёки иложи бўлмаса спленектомия қилинади. Ковак аъзолар ёрилганда унга чок солинади ёки қаттиқ шикастланганда шу соҳа резекция қилиниб, кейин ичаклар учи бир-бирига улаб тикилади.

**Чурраларнинг ўтқир асосатлари.** Буларга чурра қопида ахлат туриб қолиши (копростаз) ва чурра ҳосилаларининг эзилиши киради.

Копростаз асосан катта ёшдаги одамларда, аксарият аёлларда учрайди. Бунда одатда чурранинг ўзида ҳам, бутун қорин бўйлаб ҳам оғриқ нисбатан кам бўлгани ҳолда чурра бўртмасининг ҳажми катталашади. Кейинчалик қоринда оғриқ, лоҳаслик, кекириш, кўнгил айниши, қусиш пайдо бўлади.

Чуррада ахлат туриб қолганда дастлабки биринчи тиббий ёрдамнинг асосий вазифаси ичак перистальтикасини кучайтиришга ёрдам бериш. Шу тариқа ахлатни суриласди, чуррақопи ичидағи ҳосилани қорин бўшлиғига тўғриланади.

Чурра бўртмасига муз солинган халтача қўйилса, унинг таъсири остида ичакларнинг қонга тўлиқлиги камаяди, қисқа вақт спазм вужудга келади, ичакни тўғрилаш осон кечади. Аммо ичакни тўғрилаш енгил кечмаса, уни мажбурлани мумкин эмас. Бундай усулни болаларда қўллаб бўлмайди.

**Чурранинг қисилиши.** Чурра қисилиши, чурра ҳосиласининг чурра дарвозаларида ёки чурра халтаси бўйнида тўсатдан қисилиб қолишидан келиб чиқади. Бунда чурра ичидағи аъзо тўқималарида қон таъминоти, иннервацияси, бинобарин озиқланишнинг бузилиши рўй беради.

**Ҳар қандай чурра қисилишининг белгилари асосан учта симптомдан иборат.**

а) чурра бўртмаси бўлган жойда ёки қоринда тўсатдан оғриқ бошланиши;

- б) чурра бўртмасининг тез катталашиши;
- в) чуррани тўғрилаш имконияти бирданига йўқолиши.

Бу симптомларнинг юзага чиқиш даражаси ҳар хил бўлади. Қорин деворидаги чурралар қисилиши асосан ўткир ичак тутилиши клиник белгилари билан кечади.

**Даволаш.** Чурраси қисилган беморлар дарҳол операция килиниши лозим. Қисилган чуррани операциясиз, қўлда тўғрилашга уриниш мумкин эмас, бироқ операция қилишга мутлоқ монелик ҳоллари бундан мустасно.

## Перитонитлар

Қорин пардасининг яллигланиши *перитонит* дейилади.

**Жараёнишиг тарқалишига кўра перитонитлар** — тарқалган (тугаш, диффуз) ва маҳаллий (чегараланган ёки чегараланмаган) бўлади.

**Тарқалган перитонит.** Бу турдаги яллигланиш жараёни эркин, қорин бўшлиғида муайян чегараларсиз тарқалади, жараёнга бутун қорин пардаси қўшилади.

Перитонит иккиласми ривожланганлиги туфайли унинг клиничеси бирламчи қасаллик симптомларига қўшилиб кетади. Бемор қориндаги оғриқ, камқувватлик, ташналик, кўнгил айнишидан шикоят қиласди. Қориннинг ички бўш аъзолари перфорациясида аввалига „ханжарсимон“ оғриқ қайд қилинади, кейинчалик оғриқ бир оз пасаяди. Бемор чалқанча ёки оёқларини қорнига тортиб ётади, юз қиёфаси ўткирлашган, кўзлари киртайган „Гиппократ қиёфаси“ ва терисининг ранги кул ранг — заҳил бўлади.

Беморнинг ҳарорати аввалига 38—39°C гача кўтарилади, кейин нормага тушади ёки бундан ҳам пасайиши мумкин. Ҳароратнинг пульсдан орқада қолиши характерли бўлиб, бу „қайчи симптоми“ деб айтилади. Пульс минутига 120—140 мартағача уради, артериал босим пасаяди. Беморнинг тили қуриб, караш қоплайди ва кетма-кет қусиш кузатилади.

**Давоси.** Бемор дарҳол стационарга ётқизилиб, перитонит келтириб чиқарган сабабни бартараф қилиш учун тезлик билан операция қилинади. Қорин бўшлиғи аъзолари тафтиш қилиниб, ювилиб, ўчоқ (перфоратив тешик тикилади, яллиғланган чувалчангисимон ўсимта ёки ўт пуфаги олиб ташланади) бартараф қилинади. Йирингли суюқликни чиқариш учун қорин бўшлиғига дренаж қўйилади ва антибиотиклар юборилади.

**Маҳаллий перитонит.** Маҳаллий перитонит деганда қорин бўшлиғидаги маҳаллий яллигланиш жараёни тушунилади. Чегараланган перитонитларга қорин бўшлиғининг жароҳатлари, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси, ўткир аппендицит, холецистит ва бошқа қасалликлар сабаб бўлади. Яллигланишнинг чегараланиб қолишига чарви, ингичка ичак қовузлоқлари ва шу локализациянинг анатомик хусусиятлари имкон беради.

Шу жойнинг оғриши қорин мушакларининг таранглашиши билан характерланади. Дүглас бўшлиғидаги абсцессда беморнинг ёзилиши (дефекация) оғриқли бўлади ва бармоқ билан текширишда тўғри ичак девори осилиб туради. Абсцесс қорин бўшлиғида ёрилганда перитонит чегараланган туридан тарқалган турга ўтиш мумкин.

**Давоси.** Қорин бўшлиғи очилиб, йирингли ўчоқ бартараф қилинади. Дүглас бўшлиғи абсцессларида тўғри ичак орқали ёки аёлларда қин орқали дастлаб пункция қилиниб жойи аниқланади, кесиб йиринг чиқарилади ва дренаж қўйилади. Умумий даволаш йирингли жароҳатлардаги каби олиб борилади.

### Аппендицит

Чувалчангсимон ўсимтанинг йирингли ялигланиши — *аппендицит* дейилади. Аппендицитгачувалчангсимон ўсимтага ичаклардан ёки қон ва лимфа томирлари орқали инфекция кириши сабаб бўлади. Чувалчангсимон ўсимта бўшлиғидаги нажас тошлари ёки ичак паразитлари (аскаридалар) ҳам бу касалликни келтириб чиқариши мумкин. Улар шиллиқ пардани шикастлаб, инфекция кириши учун йўл очади. Аппендицитнинг клиник жиҳатдан ўткир ва сурункали турлари фарқланади.

Патологоанатомик жиҳатдан аппендицитнинг ўткир тури қуийдагиларга бўлинади:

- **катарал** — ўсимта деворлари шишиб, нуқтасимон қон қуийилиши,
- **флегмоноз** — ўсимтанинг кескин қалинлашуви, юзасида фибриноз парда, бўшлиғида сероз-йирингли суюқлик бўлиши,
- **гангреноз** — ўсимта шалвираб қолган, бўшлиғида тўқ ранги, қорамтири, йирингли-некротик суюқлик бўлиши кузатилади.

Сурункали аппендицитдачувалчангсимон ўсимта бўшлиғи битиб, ўсимта чандиқли ўзгарган бўлади.

Ўткир аппендицитнинг клиник белгилари ўнг ёнбош соҳасида симилловчи оғриқ бўлиши билан характерланади. Баъзан оғриқ киндик соҳасида пайдо бўлади, сўнгра ўнг ёнбош соҳасига ўтиб, оғриқ, кўнгил айниши ва қусии билан кечади.

Бундан ташқари, қатор клиник симптомлар ташхис қўйишга ёрдам беради. Ситковский симптоми — бемор чап биқинини босиб ётганида ўнг ёнбоши соҳасида симиллаган оғриқ пайдо бўлади. Ровзинг симптоми — чап ёнбоши соҳаси кафт ёни билан босилса ва юқорига пича силкитилса, ўнг ёнбош соҳасида оғриқ бўлади. Бундан ташқари, ўткир аппендицитда ўнг ёнбош соҳаси қорин мушакларининг таранглашиши, Шёткин — Блюмберг симптоми мусбат, ҳароратнинг 38—39°C гача кўтарилиши, лейкоцитознинг 12—15 минггача кўтарилганлиги қайд қилинади. Чувалчангсимон ўсимта ёрилганда (перфоратив аппендицит) перитонитнинг клиник манзараси намоён бўлади.

**Давоси.** Ўткир аппендицитда бемор касалхонага ётқизилиб зудлик

билан операция қилинади ва чувалчангсимон ўсимта олиб ташланади (аппендэктомия). Қорин бүшлиғида йириңгли суюқлик бўлганда дренаж кўйилади. Йириңг кам миқдорда бўлганда қорин бўшлиғига антибиотиклар юбориш учун микроирригатор кўйилади.

Сурункали аппендицитда бемор ўнг ёнбоши соҳасида вақти-вақти билан такрорланиб турадиган ўрта даражада оғриққа нолийди. Касаллик узқ вақтга чўзилиши мумкин. Аппендицитнинг бу тури учун қўйидаги оғриқ нуқталари характерли:

1) Мак — Бурнеа нуқтаси—қорин деворига киндик билан ёнбош суюги юқори олдинги ўсиғи ўртасидаги учдан бир ўрта ва ташқи учдан бир масофа чегараси бармоқ билан босилганда;

2) Ланц нуқтаси — ёнбош суюги иккала юқори олдинги ўсиқлари орасида жойлашган ўрта ва ўнг томондаги ташқи учдан бир масофа ўртасидан ўтган чегара бармоқ билан босилганда.

Сурункали аппендицитда операция (аппендэктомия) режали тартибда ўтказилади.

Аппендицитнинг асоратланган тури — аппендикуляр инфильтратда ўнг ёнбоши соҳаси пальпация қилинганда чувалчангсимон ўсимта, чарви ва ичак қовузлоғининг яллиғланиб ёпишиб қолини натижасида ҳосил бўлган зич инфильтрат аниқланади. Бунга аввалига консерватив даво олиб борилади (музли халта, умумий антибиотик терапия). Инфильтрат сўрилиб бўлгандан кейин совуқ даврида аппендэктомия қилинади. Инфильтрат абсцес ҳосил қилган тақдирдагина аппен-дэктомия ўтказилади ва йириңгли суюқлик чиқарилади.

Болаларда ўткир аппендицит катталардагига қараганда бирмунча оғир ўтади; чувалчангсимон ўсимта перфорацияси кўпроқ қузатилади. Ёши улгайган кишиларда, аксинча, чувалчангсимон ўсимта ҳатто деструкцияга учраганда ҳам клиник манзара атипик ўзгарган бўлади. Ҳомиладор аёлларда, айниқса ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида оғриқлар бирмунча юқорироқ соҳада сезилади, кўнгил айниши ва қусини кўпроқ қузатилади.

## Холецистит

Ўт пуфагининг ўткир яллиғланиши *холецистит* деб юритилади. Бу жарабённинг пайдо бўлишига пуфак бўшлиғида микрофлора бўлиши ва ўт суюқлиги оқиб кетишининг бузилиши сабаб бўлади. Ўткир холециститнинг *катарал, флегмонали, гангренали* (ўт пуфаги тешилган ва тешилмаган) турлари бор.

**Катарал ва флегмоноз холециститда** тана ҳорорати субфебрилгача (пульс минутига 100 мартагача) кўтарилади. Беморда тахикардия қузатилади. Қорин пайпаслаб кўрилганда ўнг қовурга остида, айниқса ўт пуфаги соҳасида кескин оғриқ пайдо бўлади. Қорин девори мушаклари таранглашган ёки унчалик юзага чиқмаган бўлади. Баъзан катталашган, ўрта даражада оғриқ турадиган ўт пуфагини пайпаслаб кўрса бўлади. Лейкоцитоз 10 — 12 минггача кўтарилади.

**Гангренали холецистит** жадал кечади. Зақарланиш симптомлари билан маҳаллий ёки тарқалган йирингли перитонит ҳодисалари биринчи ўринни эгаллади. Яллигланишнинг гангренали тури тўқималарнинг регенератив хусусиятлари, организмнинг реактивлиги пасайган, ёши катта ва кекса ёшдаги одамларда кўпроқ кузатилади. Ўт пуфаги ёрилганда тарқалган перитонит симптомлари тез ривожланади. Беморнинг аҳволи дастлаб оғир, камҳаракат бўлади, тили қуриб, қорни ичак парези ҳисобига катталашади. Қориннинг ўнг томони нафас олишда қатнашмайди, ичак перисталтикаси кескин пасаяди. Қорин пайпасланганда тарангланишган ва оғрикли, қорин пардасининг қўзгалиш симптомлари мусбат бўлади. Лейкоцитоз ва ЭЧТнинг ошиши аниқланади.

### Ўт-тош касаллиги

Ўт-тош касаллиги 70 ёшдан ошган кишиларда, аёлларда учрайди. Ўт тошлари пайдо бўлишининг асосий сабабчиси моддалар алмашинувининг бузилиши, ўт пуфаги эпителийсидаги яллигли ўзгариш ва ўт димланишидир. Клиник жиҳатдан ўт-тош касаллиги кўпинча санчиқ қўринишида намоён бўлади. Оғриқ кўпинча парҳез бузилганда, жисмоний зўриқишида пайдо бўлади. Оғриқ пайдо бўлишига ўт пуфаги бўйнида, пуфак йўлида тош қисилиб қолиши сабаб бўлади. Оғриқ ўнг қовурғалар остида ва элигастрал соҳада жойлашган бўлса, бел соҳасига, ўнг куракка беради. Кўпинча жигар санчиги хуружи кўнгил айниши ва сафро аралаш бир неча марта қайт қилиш билан ўтади, бироқ бундан bemor енгил тортмайди.

Кўздан кечиришда қориннинг бир оз дамланиши, пайпаслаб кўрилганда ўнг қовурға остида кескин оғриқ пайдо бўлиши кузатилади. Мушаклар таранглашмайди. Қориннинг юқори ўнг соҳасида кучли маҳаллий оғриқ бўлади. Қонда лейкоцитлар миқдори нормал ёки бирмунча ошади.

### Ўткир панкреатит

Меъда ости бези тўқималарининг ўз ферментлари билан аутолизи натижасида келиб чиқадиган ўткир яллигланиши ўткир панкреатит дейилади. Бу касаллик кўп учрайди ва қорин бўшлифи аъзоларининг бошқа касалликлари орасида ўткир аппендицит ва ўткир холециститдан кейинги ўринни эгаллади. Ўткир панкреатит 30—60 ёшдаги лар орасида кўп кузатилади. Аёллар бу касаллик билан эркакларга нисбатан кўпроқ оғрийди.

Ўткир панкреатитнинг қуйидаги турлари бор:

- 1) меъда ости безининг ўткир шишиши ( 77—78%);
- 2) меъда ости безининг геморрагик некрози(10—12%);
- 3) йирингли панкреатит(10—12%).

Касаллик кўпинча тўш ости соҳасида ва чап қовурғалар остида оғирлик сезиш ва оз-моз оғриқ, кекириш, қориннинг ўрта даражада

дам бўлиши каби диспептик бузилишлар билан бошланади. Оғриқ ўткир панкреатитнинг асосий ва доимий симптоми бўлиб, тўсатдан камарсизмон кўринишида намоён бўлади. Оғриқ жуда кучли, симиллаган, доимий бўлади. Оғриқ шу қадар кучли бўладики, бемор баъзан ҳушидан кетади.

Касаллик бошланишида брадикардия бўлиб, тезда тахикардия билан алмашинади. Касалликнинг оғир турлари учун тез ипсизмон пульс хос. Артериал босим кўпинчада пасайган бўлади.

Лаборатория текширувларида амилаза, трипсин, липаза, трансаминаза ферментлар кўрсаткичининг ошиши кузатилади.

### Ўткир ичак тутилиши

Ўткир ичак тутилишида тўлиқ ичак суюқликлари нормал ҳаракатининг бузилиши ёки тўлиқ тўхташи натижасида унинг қайта сўрилиши туфайли, организмда чуқур заҳарланиш рўй беради. Ичак тутилишининг **динамик** ва **механик** турлари фарқ қилинади.

**Динамик ичак** тутилишида ичакларнинг ҳаракат функцияси бузилади, бунда перистальтиканинг тўлиқ тўхташгача сустлашиши (паралитик) ёки ичак спазмининг кескин кучайиши (спастик) кузатилади.

**Механик ичак** тутилиши: странгуляцион, обтурацион ва инвагинация турлари мавжуд.

Ичакнинг странгеляцион тутилиши унинг энг хавфли туридир. Ичак бўшлигининг тиқилиб қолиши ичактутқич томирлари ва нервларининг сиқилиши билан ўтади. Бу қон айланишининг бузилишига ва ичак бўлагининг тез жонсизланишига олиб келади. Ичакнинг странгуляцион тутилиши чурралар қисилиб қолганда, ичак буралганда, ичакда тугунлар ҳосил бўлганда келиб чиқади.

Ичакнинг обтурацион тутилиши энг енгил тури ҳисобланади, чунки ичак бўшлигининг тиқилиб қолишида ичактутқичининг сиқилиши содир бўлмайди. Ичакнинг ёт нарса — ўсма ва капростаз кабилар тиқилиб қолиши ичак тутилишининг шу турига киради.

Ичаклар инвагинацияси ичак тутилишининг странгуляцион ва обтурацион турлари ўртасидаги оралиқ тур ҳисобланади. Ичакнинг бир бўлаги унинг давоми бўлмиш иккинчи бўлагининг ичига киради. Кўпинча ингичка ичак кўричак соҳасида йўғон ичакнинг ичига кириб қолади. Инвагинацияга нотўғри перистальтика, ичак касалликлари сабаб бўлади. Инвагинацияда ичак тиқилибгина қолмай, балки ичактутқич томирлари ҳам босилиб қолади (страндгуляция), натижада қон айланиши бузилади ва кейинчалик инвагинацияланган бўлган ичак бўлаги некрозга учрайди.

Ичак тутилишининг ҳамма тури учун бир қатор умумий симптомлар хос: қоринда хуружсимон кучли оғриқ, ич келиши ва ел чиқишининг тўхташи, метеоризм (қорин дам бўлиши), қайт қилиш, заҳарланиш ва бошқалар. Ичак тутилишининг айрим турларида айтиб

үтилган симптомлардан ташқари специфik клиник манзара кузатилади. Ичак тутилишининг фалаж турида қорин анчагина дам бўлади ва перистальтика бутунлай бўлмайди.

**Спастик тури** учун ичак перистальтикасининг кучайиши билан бирга хуружсизон оғриқлар характерли. Ичак тутилишининг спастик тури паралитик турга ўтиши мумкин.

**Странгуляция** ичак тутилишида қоринда кучли санчиқсизон оғриқ пайдо бўлади: баъзан шок юз бериши мумкин. Бемор оғриқ билан бирга бетиним қусади. Ичак тутилиши қанча юқорида бўлса, қусиш шунчалик кўп бўлади. Бироқ ичакнинг қуий бўлимларидан нажас келиши мумкин. Ичакнинг айрим бўлимлари дам бўлиши сабабли қорин асимметрияси пайдо бўлади, артериал босим пасаяди, пульси испимон бўлиб қолади, совук тер чиқади, лаблар ва бармоқларнинг учи кўкимтири тус олади, кўз киртаяди, товушнинг жарангдорлиги йўқолади, оёқ-қўл музлайди, бироқ эс-хуш йўқолмайди. Тана ҳарорати одатда норма атрофида бўлади. Ичакнинг жонсизланиши тарқалган перитонитга олиб келади.

**Обтурацион** ичак тутилишида агар ичак бўшлигининг қисман тиқилиб қолиши кузатилса, клиник манзара аста-секин намоён бўлади. Ичакнинг олиб келувчи қовузлогода нажас тутилиб қолади, бу—хамирсизон консистенциядаги ўсмага ўхшаш тузилма кўринипда бўлади.

**Инвагинацияда** клиник манзара одатда тез рўй беради, қусиш, қоринда оғриқ бўлади, пальпация қилингандан эластик консистенциядаги цилиндросизон ҳосила аниқланади, ўнг ёнбош соҳаси ичига тортиб кетади, нажасда қон пайдо бўлиши мумкин. Инвагинация кўпинча болаларда кузатилади. Қуий инвагинацияда инвагинат анал тешикдан ташқарига чиқиши мумкин.

Ичак тутилиши мезентериал томирлар тромбозига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Бунда қоринда муттасил оғриқ бўлади, қорин бирмунча шишиб чиқади, ич тўхташи қайд қилинади. Тромбозга шикастлар, қон ивиш хусусиятининг ошганлиги, ичакнинг яллигланиш касалликлари сабаб бўлиши мумкин. Мезентериал томирлар тромбозида ичак тегишли бўлимнинг қон билан таъминланиши бузилади, кейинчалик эса жонсизланиш ва гангrena юзага келади.

**Давоси.** Беморни стационар шароитида даволаганда биринчи навбатда у келтириб чиқарган сабабини бартараф этиш зарур. Ичак силлиқ мушакларининг ишини нормага соладиган омил паранефрал новокайн блокадаси ҳисобланади. Паралитик ичак тутилишида у ичак силлиқ мушакларининг тонусини оширади, спастик турида эса тонусни пасайтиради. Ичак тутилишининг паралитик турида блокада қилишдан ташқари, венага 10—20 мл 10% ли натрий хлор эритмаси, тери остига 1 мл прозерин юбориш тавсия этилади. Гипертоник ҳуқна (20—30 мл 10% ли натрий хлор эритмаси) ёки Огнев ҳуқнаси (20 мл натрий хлориднинг гипертоник эритмаси, глицерин ва

водород пероксид) қилинади. Обтурацион ичак тутилишида, айниұса бу копростаз сабабли келиб чиққанда, тозаловчи сифонли ҳукна қилинади.

Консерватив тадбирлар наф бермаганда оператив даво қилинади — ичак тутилиши сабаби бартараф этилади. Ичак тутилишига сабаб бўлган битишмаларда улар кесилади. Инвагинацияда инвагинат тўғриланади. Инвагинат соҳасида ичак анчагина ўзгарган бўлса, уни резекция қилиб, ичак бутунлиги тикланади.

Странгуляцияли турида уни келтириб чиқарган сабабни бартараф қилиш зарур. Ичак бўллаги яшаб кетмайдиган бўлса у соғлом тўқималар чегарасигача резекция қилинади.

### Аппендикуляр генитал синдром

Қиз болаларда ички жинсий аъзоларнинг яллигланиши кам учрайди. Аппендицит билан оғриган қызларда иккинчи навбатда ички жинсий аъзолар заарланади. Аппендэктомиядан кейин 25—30% ли аднексит ва периаднекситлар учрайди.

Қиз болада, аппендикс ёрилиб кетганда, бачадон соҳасида яллигланиш кузатилади. Буни аппендицит туфайли бачадонни кўшимча ялигланиши деб ҳисоблаш мумкин. Албатта, аппендицитни ва аднекситни аниқ ажратиб ташхис қўйиш жуда қийин. Чунки бу соҳадаги нервлар бир-бири билан бөгланиб кетганлиги туфайли оғриқ белгилари ҳам ўхшаёт бўлади.

Бачадоннинг ўнг томондаги найлари ва тухумдон чувалчангсимон ўсимтага яқин жойлашганлиги сабабли шу найчалар кўпроқ заарланади. Бунда ташқи инфекция лимфа ва қон томирлари орқали ҳам тарқалади. Натижада аппендиксдан узоқроқ жойлашган чап томондаги найча ҳам заарланиши мумкин. Қўпинча қиз болалардаги бачадон кўшимчаларининг яллигланиши аппендиксга ўтиб кетади.

Аппендикуляр — генитал синдромли касалликнинг клиник кечиши хар хил бўлиши мумкин. Баъзан аппендицитга, баъзан эса аднекситга хос бўлган белгилар кузатилади. Бундай патологик ҳолатни консерватив усулда даволаш кўпинча қийинроқ кечади. Чунки патологик жараён оғирлашиб, аднекситда найча кўпинча йиринг ёки сероз экссудат билан тўлган бўлади (пиосалпинкс, сактосалпинкс).

Баъзан Дуглас бўшлиғи соҳасида абсцессларни ҳам кузатиш мумкин. Бу ҳолда албатта аппенди克斯 билан найчани олиб ташлаш керак бўлади. Улар олиб ташланмаса, бачадон найчаларида яллигланиш бошланади. Унда фаол равишда консерватив даволаш усулларини қўллаш керак бўлади. Антибиотиклардан, жинсий аъзолардаги яллигланиш жараёнларини даволашда қўлланиладиган чоралардан фойдаланилади.

Жинсий аъзолардаги яллигланиш жараёни сийдикдаги инфекция туфайли давом этади ва авж олади. Аммо баъзи пайтларда ҳар иккала патологик жараён айрим-айрим кечиши ҳам мумкин.

## Проктологик касаллар

**Проктологияда ассоциация текширув усуулари.** Түгри ичак бармоқ орқали текширилади. Бемор сөёдларини қорнига тортиб, орқа билан ётади. Хирург күлкөп кийиб, күрсаткыч бармогига вазелин суриб, аста-секин түгри ичакка киритади. Бармоқ билан текшириш түгри ичак ва түгри ичак ёнидаги түқиманинг патологик инфильтрациясини, тромб ҳосил қылган ички геморроидал тугуналарни, түгри ичак ўсмаларини ва шу каби бошқа касалларни аниқлаш имконини беради.

Асбоб ёрдамида текшириш ўтказишдан олдин bemorning йүғон ичаги ҳуқна қилиб тозаланади.

Ректоскопияда ректал күзгуга вазелин суртилади ва эхтиётлик билан 8—10 см ичкарига киритилади ва патология аниқланади.

Ректороманоскопияда күргина диагностик маълумотлар аниқ олинади. Бунинг учун ректороманскоп тубусига вазелин суртилади ва секин-аста 25—30 см ичкарига киритилиб текширилади.

Түгри ва йүғон ичак шиллиқ пардасини текшириш учун колонофибрископ қўлланилади. Бунда йўғон ичак сифонли ҳуқна билан кечкурун ва эрталаб тозаланади. Бемор дори билан (юзаки) ухлатилади, сўнгра оптик тубусга вазелин суртилиб ануслага киритилади ва босқичма-босқич йўғон ичакнинг барча бўлимлари кўрилади. Йўғон ичакдаги патология объектив баҳоланади. Бу усул ташхислашида энг юқори аниқликни беради.

## Орқа чиқарув йўлиниң ёриғи

Бунда түгри ичак шиллиқ пардасининг анал тенник соҳасида зич нажас массалари, ёт жисмлар тўпланиши натижасида маҳаллий микро-шикастланиш кузатилиб қон кетишига сабаб бўлади.

Дефекация вақтида кучли оғриқ бўлади, озроқ қон ёки сероз-қон аралаш суюқлик пайдо бўлади. Ёриқ кўпинча оғриқ ҳисобига сфинктер тоғуси ошиб, рефлектор ич қотиши билан ётади, ёриқ атрофлари ва унинг ичи зичлашганлиги қайд қилинади.

**Давоси.** Ёриқ янги бўлганда консерватив даво қилинади. Биринчи навбатда қабзиятнинг олдини олиш, бунинг учун парҳез овқатлар танлани керак. Бу ичнинг мунтазам юмиюқ келишини таъминлайди. Беморга канакунжут қайнатмаси ёки вазелин мойи ичирилади. Түгри ичакка 50—100 мл дан илиқ зайтун мойи юборилади, новокаинли ва белладоннали шамчалар буюрилади, калий перманганат ёки ичимлик сода солинган ваннага ўтириш, микрохуқналар тайинланади.

Консерватив даво фойда қилмайдиган сурункали ёрикларда операция қилинади.

## Парапроктит

Түгри ичак атроф тўқимасининг йирингли яллигланиши *пара-проктит* деб номланади. Касалликни стафилококк, стрептококк, энтерококк, ичак таёқчаси ва бошқалар келтириб чиқаради. Инфек-

циянинг кириш йўлларига ёриқлар, лат ейиш, жароҳатлар, қабзиятлар ва бичилиш киради.

Парапроктит ўткир ва сурункали турларга бўлинади. Ўткир парапроктитнинг қўйидаги турлари фарқ қилинади: 1) тери ости; 2) шиллик парда ости; 3) қўймич-ректал; 4) чаноқ-тўғри ичак; 5) ретроректал.

Ўткир парапроктитнинг клиникаси унинг турига боғлиқ бўлади. Тери ости шаклида яллиғланиш чегарасида тери соҳасининг қизариши, шишиши, кучли оғриқ, дефекация вақтида оғриқнинг кучайиши кузатилади. Бу соҳани пальпация қилганда унчалик қаттиқ бўлмаган оғриқли инфильтрат аниқланади. Организмнинг умумий реакцияси парапроктитнинг бу турида унчалик кучли ўзгармайди.

**Шиллик ости** шаклида дефекация вақтида оғриқ қайд қилинади. Ректал текширувда тўғри ичак шиллик пардасида инфильтрация соҳаси аниқланади.

**Қўймич-ректал** шаклида яллиғланиш жараёни тўғри ичак атрофидаги чаноқ клетчаткасини эгаллайди. Бу шакли лўқилловчи оғриқ, юқори ҳарорат, эт увишиши билан ўтади; ректал текширишда тўғри ичак атрофика рўй-рост инфильтрация аниқланади ва думбанинг пастки соҳасида сезиларли асимметрия кузатилади.

**Чаноқ-тўғри ичак** шаклида жараён чаноқ тубидан юқорига тарқалади ва орқа чиқарув йўли яллиғланишининг ташқи белгилари бўлмаган ҳолда оғир септик ҳолат билан кечади.

**Petro-ректал** шаклида жараён лимфаденитдан бошланиб, тўғри ичакнинг орқа томонида жойлашади, кейин теварак-атрофидаги тўқима йиринглаб ирийди. Касаллик оралиқ соҳасининг оғриши, ҳароратнинг кўтарилиши, эт увишиши, лейкоцитоз ва шу кабилар билан кечади.

Ўткир парапроктитнинг ҳамма турларида тўғри ичакни бармоқ билан текшириш, ташхис қўйинида муҳим ўрин тутади.

**Давоси.** Касаллик бошланишида, ҳали тўқималар йиринглаб ирий бошламаганда умумий антибиотик даво, УВЧ, маҳаллий яrim ўтказгичли лазерлар ва калий перманганат солинглан илиқ ванначаларда ўтириш буюрилади. Консерватив даво наф бермаган ҳолларда парапроктитнинг ҳамма турларида йиринг бўшлиги кесилиб, криптоэктомия қилинади ва йирингли бўшлиқ дренажланади. Беморга операциядан кейин 3—4 суткагача дефекацияни тўхтатиб туриш учун шлаксиз парҳез овқатлар берилади. Умумий антибактериал ва дезинтоксикацион даво олиб борилади. Ўтириладиган ванначалар тайинланади. Ҳар бир дефекациядан кейин албатта яра боғланади.

Сурункали парапроктит ўткир парапроктитнинг асорати бўлиб, унда оқма орқали доим йиринг ёки суюқлик ажралиб туради. Давоси — режали равишда оқмани бартараф қилиш операциясини ўтказишидир.

## **Бавосил**

Бавосил деганда түғри ичак веноз чигалларининг муайян варикоз кенгайиши тушунилади. Жойлашишига кўра **ички ва ташқи** бавосил фарқ қилинади.

**Ички** бавосилни кўриб бўлмайди, уни бармоқ ёки ректоскоп усулда текшириш мумкин.

**Ташқи** бавосил тугунлари анал тешик яқинида кўринади. Қатор ҳолларда бу тугунларнинг яллигланиши қузатилади. Ич қотиши, ҳомиладорлик, узоқ вақт ўтириш натижасида кичик чаноқдаги қон димланиши бавосилга сабаб бўлади.

Бавосил тугунларининг шунчаки катталашуви оғриқка сабаб бўлмаслиги ва беморни беъзотга қўлмаслиги мумкин. Бироқ қатор ҳолларда ички бавосил тугунлари катта бўлганда ва сфинктерни бекитиш функцияси етарли бўлмагандан ташқарига чиқиб қолади, бу — сфинктер функциясини янада пасайтиб, нажаснинг ташқарига чиқинишига олиб келади, бу эса ўз навбатида анал тешик соҳасини қичиштиради, тери бичилади ва оғрийди. Қатор ҳолларда дефекация пайтида оз-моз қон кетади. Тез-тез қон кетиши камқонликка олиб келиши мумкин.

Бавосил тугунлари тромбофлебитида орқа чиқарув йўли соҳасида оғриқ пайдо бўлади, бу оғриқ дефекация пайтида кучаяди. Бавосил тугунлари қўқимтири туслага киради, тарапланганишида, устини фиброз парда қоплайди, шиллиқ парданинг айрим жойларидан яралар пайдо бўлади.

**Давоси.** Асоратланмаган бавосилда ич қотишининг олдини олиш учун парҳез тартибга солинади. Ич қотганда канакунжут мойи ёки вазелин мойи буюрилади. Тери бичилганда калий перманганат солинган ваннага ўтирилади. Қон кетиши камроқ бўлганда гемостатик воситалар — викасол, кальций хлорид, гемофобин ва бошқалар қўлланилади. Тўғри ичакка доривор шамчалар; битиол, синтомицинли, новокайнли шамчалар буюрилади. Бавосил тугунлари тромбозида 5%ли калий перманганат эритмаси солинган илиқ ваннага ўтирилади. Антикоагулянтлар ва маҳаллий, анузол, неоанузол, цепаринли шамчалар қўлланилади. Пресакрал новокайн блокадаси яхши натижа беради.

Агар бавосилда қонашга ва яллигланишига мойиллик бўлса, операция қилиб даволанади. Яллигланишнинг ўткир даврида операция қилиш мумкин эмас. Агар ўткир яллигланиш белгилари бўлмаса, дарҳол операция қилинади. Операциядан кейинги даврда ич келишини бир неча кунга тўхтатиб қўйилади. Бунинг учун беморга клетчаткаси кам овқатлар берилади. Дефекациядан кейин калий перманганат (пушти ранг эритма) ёки сода эритмаси солинган 30—40°ли ваннага ўтирилади.

## **Тўғри ичак полиплари**

Булар хавфсиз ўсмалардир. Улар якка ва кўп сонли, тариқ донидан то ёнғоқ катталигигача бўлади. Ингичка оёқчада турган паст жойлашган полиплар орқа чиқарув йўли орқали чиқиб қолини мумкин. Тенезма,

баъзан қон кетипи кузатилади. Ташхис бармоқ билан текшириш, ректоскопия ва ректороманоскопия асосида қўйилади, юқори жойлашган полигларда ташхис колоноскопияда аниқланади.

**Давоси.** Паст жойлашган якка полипларда ичакнинг тегишли бўлаги кесиб олиб ташланади.

### Тўғри ичак раки

Анчагина кўп учрайди ва беморлар ўртасида эркаклар билан аёлларнинг нисбати 3:2 ни ташкил қиласди. Орқа чиқарув йўли раки камроқ учрайди, бироқ хатарли ўтади. Тўғри ичак ампуласи ва проксимал бўлимининг раки аденокаринома ёки скирр кўринишсида бўлиб, баъзан тўғри ичакнинг циркуляр торайишига олиб келади. Метастазланиш лимфоген йўл билан ҳам, гематоген йўл билан ҳам рўй бериши мумкин. Бу касалликнинг босқичига боғлиқ. Аввалига касаллик симптомларсиз ўтиши мумкин. Кейинчалик ич кетиши билан алмашиниб турадиган қабзият, тенезма, тўғри ичакдан шилимтиқ, қон ва йиринг ажralиши кўрилади. Ўсма ўсиб, қалинлашгандан тўғри ичак бўшлиғи тиқилиб қолиши, бу — қуий ичак тутилишига сабаб бўлиши мумкин. Ўсма тўғри ичак ёнидан тўқимага ўсиб кирганда сийдик ажralиши бузилади.

Бармоқ билан текшириш — ректоскопия ва ректороманоскопиянинг катта аҳамияти бор. Текширишнинг бу турида ўсманни топиш, унинг ўлчами, тарқалганлиги, жойлашиши ва яралар ҳосил қилгани аниқланади. Гистологик текшириш учун ўсма тўқимасидан биопсия олинади.

**Давоси.** Касалликнинг дастлабки босқичларида радикал операция қилинади. Бунда тўғри ичак ўсма билан бирга соғлом тўқималар чегарасигача олиб ташланади. Ичакнинг қолган қисми оралиқ орқали ўтказилади ёки қорин деворига чиқарилади. Касалликка радикал хирургик даво қилишнинг иложи бўлмаган ва зўрайган ҳолларда сигмасимон ичак бўлагини чап ёнбон соҳасидан ташқарига чиқариб қўйиш йўли билан сигмостома қўйилади. Рентгенотерапия, кимётерапия ва радиологик даво бирмунча қониқарли натижа беради. Улар даволашга тўлиқ имкон бермаса-да, хавфли ўсишини беморда секинлаштиради.

### Қорин бўшлиғи аъзолари шикастланган беморларни парвариш қилиш

Қорин бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ шикастларида (йиртилишида) ва тешиб ўтадиган жароҳатларида операциядан олдинги тайёргарлик иложи борича қисқа бўлиши керак. Гигиеник ванна, тозаловчи ҳуқна, меъданни ювиш сингари тадбирларни қўллаш ярамайди. Үмумий тайёргарликка келганда фақат қориндаги туклар

Қирилади ва тери илиқ сув билан артилади. Беморнинг қовуғи бўшатилади. Операциядан олдинги тайёргарликнинг қолган қисми шокка, юрак-томирлар ишини яхшилашга ва анемияга қарши қаратилиши лозим. Беморга юрак дорилари, наркотиклар берилади, операция вақтида қон, физиологик эритма қўйилади.

Операциядан кейин bemor каравотининг бош томони баландрок қилиб чалқанча ётқизиб қўйилади ва парвариш қайси аъзонинг шикастланганилигига қараб олиб борилади. Меъда ва ичаклар шикастланганда операциядан кейин 3 сутка давомида 1—2 литргача 5%ли глюкоза эритмаси, шунча миқдорда физиологик эритма парентерал юборилади, 250—500 мл плазма, ёт эмульсияси (интрапид, липофундин) қўйилади. Бундан ташқари, юрак фаолиятини яхшиловчи дорилари, наркотиклар, антибиотиклар тайинланади. Беморлар меъда ва ичак резекциясидаги каби овқатлантирилади.

Биринчи кунлари меъдада суюқлик йигилиб қолиши мумкин. Суюқликни бурун орқали чиқариш учун меъдага ингичка зонд киритилиб, шприц ёрдамида меъда суюқлиги тортиб олинади. Ичак перистальтикасини қўзғатиш учун 3- кундан бошлаб тозалаш ҳуқнаси қилинади, тери остига прозерин, венага натрий хлориднинг гипертоник эритмаси юборилади. Операциядан кейин эргасига bemor сувяб ўтқазилиди, 4- куни эса юришга рухсат берилади. Чоклар 8—10- куни олинади.

Паренхиматоз аъзолар жароҳатланганда bemорни операция қилишда парвариш қилиш қоидаси сақланиб қолади. Фарқи шундаки, пархезни бирмунча эрта муддатларда кенгайтириш мумкин, бироқ bemорни эҳтиётлик билан овқатлантириш лозим бўлади. Вақти-вақти билан кўрсатмага биноан қон ва қон ўрнини босадиган суюқликлар қўйилади.

### **Перитонитда bemорларни парвариш қилиш**

Операциядан кейинги даврда дезинтоксикация давоси: кўп миқдорда суюқлик ичириш, глюкозани парентерал юориш, қон, плазма, гидролизатларни трансфузия қилиш, антибиотиклар ва новокаинни қорин бўшлигига дренаж орқали ва мушак ичига юориш тавсия этилади. Ўпкадаги асоратлар, юрак-томир бузилишларига қарши кураш олиб борилади (банка, иситгичлар, нафас машғулоти, камфора, кофеин, кордиамин ва бошқалар).

Бемор ўринга бош томонини баланд қилиб ётқизилади (Фовлер вазияти). Ич дам бўлишига қарши чоралар кўрилади. Бемор меъда-ичак операцияларидаги каби овқатлантирилади.

### **Чуррани кесишдан кейин bemорларни парвариш қилиш**

Ички аъзолари анчагина циқиб қолган катта чурралар сабабли операция қилинган bemорларни парвариш қилишга алоҳида аҳамият берилади. Бундай bemорлarda операциядан кейин қорин ичидаги босим бирмунча кўтарилади, натижада диафрагма юқорида туриб қолиб, юрак иши ўпканинг нафас олишдаги ҳаракати қийинлашади.

Бу ҳолатнинг олдини олиш учун операциядан 2—3 ҳафта олдин беморга Тренделенбург вазияти берилади (каравотнинг оёқ томони баландроқ кўтариб қўйилади) ва чурра ичидаги аъзо тўла-тўкис тўғриланади. Операциядан кейин нафас машғулоти муҳим роль ўйнайди.

Чуррани бартараф қилишда ичакларни тайёрлашга катта аҳамият берилади. Бунинг учун операциядан 3—4 кун олдин сурги дорилар буюрилади. Операциядан бир кун олдин ичакни тозалаш учун ҳуқна қилинади.

Операциядан кейинги даврда ёрғоқ шиши, орхит ва эпидемитнинг олдини олиш учун суспензорий тақиши керак. Суспензорийни ёрғоқни юқорига кўтариб тақилади. 3—4 кундан сўнг ўриндан туришга рухсат этилади.

### **Меъда операцияларида bemорларни парвариш қилиш**

Операцияга умумий тайёргарлик bemорнинг аҳволига ундаги йўлдош касалликлар, касалликнинг шакли ва асоратларига қараб белгиланади. Операциядан бир кун олдин кечқурун меъда ювилади. Яраси қонайдиган, меъда раки бор bemорларни операцияга тайёрлашда эритроцитар масса куйиш йўли билан камқонликка қарши кураш олиб борилади.

Меъданинг чиқиши бўлими торайганда меъда чўзилган бўлади, bemор кўп қусади, сув, ферментлар, тузлар кўп йўқотилади. Меъда тонусини ошириш ва заҳарланишини камайтириш учун операциядан бир неча кун илгари bemорнинг меъдаси 0,25 % ли хлорид кислота эритмаси билан ювилади. Сув-туз балансини тиклаш мақсадида оқсилли, қон ўрнини босадиган суюқликлар, туз, сув, витаминалар парентерал йўл билан берилади.

Меъдаси операция қилинган bemорнинг парҳезга риоя қилишини қатъий кузатиб бориш шарт. Операциядан кейин биринчи куни bemор оғиз орқали ҳеч нарса қабул қилмайди. Сув-туз балансини, оқсил ва витамиинни қувватлаб туриш учун сув, тузлар, оқсиллар ва витаминалар парентерал йўл билан юборилади. Кейинчалик парҳезни кенгайтириб одатдаги столга (№ 1 б, 1) ўтказилади. Меъда ширасининг кислоталилиги пасайиши сабабли қилинган меъда резекциясидан сўнг ҳазмни яхшилаш учун bemорга суюлтирилган хлорид кислота, пепсин ва меъда шираси буюрилади. Шу боисдан bemорга ҳар 2—3 соатда оз-оздан овқат берилади.

### **Жигар ва ўт йўллари операцияларида bemорларни парвариш қилиш**

Жигар функцияси бузилганда операцияга тайёргарлик ўринда ётиш режими ва парҳезга риоя қилиш (ёгларни чегаралаш, витаминаларни катта миқдорда юбориш — стол №5), глюкозани инсулин билан бирга юборишдан иборат бўлади.

Жигар функциясининг чуқур бузилишлари билан ўтадиган обтурация сариқ касаллиги бор bemорларни, айниқса синчиклаб

тайёрлаш талаб этилади. Витамин К нинг ичаклардан етарлича тушмаслиги прогромбин ишланиши бузилишига ва қон ивиш жараёнларининг издан чиқишига олиб келади. Бу асоратларнинг олдини олиш учун беморга витамин К ёки унинг ўрнини босадиган викасол, дицинон кальций хлорид юборилади, қон ва плазма қўйилади.

Умумий ўт йўли дренаж қилинадиган операцияларда ҳамшира операциядан кейинги даврда дренаж найчанинг жароҳатга тушиб қолмаганилиги, дренаж системаси бузилмаганилиги устидан кузатув олиб бориши керак. Беморнинг аҳволи ёмонлангисаса ва сариқлик қўпаймаса, дренаж олиб қўйилади (одатда, операциядан кейин 10—12- куни).

Ўт фистулалари узоқ вақтгача турганда нормал ҳазм қилиши бузилади, чунки ўтнинг кўп қисми ташқарига чиқарилади. Йўқотилган ўт ўрнини тўлдириш учун уни тоза идишга йигилади ва овқатдан 15—20 минут кейин беморга ичирилади.

### **Ичаклардаги операцияларда беморларни парвариш қилиш**

Жароҳатга инфекция тушиши, чоклар ситилиб кетишининг олдини олини учун ичакни нажас массаларидан тозалаш керак. Бемор операцияга 3—5 кун тайёрланади. Парҳезга алоҳида аҳамият берилади. Операциядан 2—3 кун олдин сурги дорилар буюрилади (15—30 %ли магний сульфат эритмасини кунига 6—8 марта 1 ош қошиқдан), эрталаб ва кечқурун тозаловчи ҳуқна қилинади.

Операциядан бир кун аввал тўғри ичаклар сифонли ва тозаловчи ҳуқна билан тозаланади.

Операциялардан кейин тўғри овқатланиш режимининг аҳамияти катта. Операциядан кейинги кундан бошлаб суюқлик ичишга рухсат этилади. 2- куни беморга клетчаткаси кам суюқ ёки суюқроқ овқатлар берилади. Сут маҳсулотлари, нон, мевалар бермай турилади сўнгра ичинча вазелин мойи тайинланади ва лозим бўлса, 7—8- кунга келиб тозаловчи ҳуқна қилинади.

Операциядан кейин беморларни парвариш қилиш йўғон ичак операциясидагидек бўлади, бироқ қўшимча равишда тўғри ичакка Вишневский малҳами суртилган тампонга ўралган резина найча киритилади. Тампонлар 3- куни алмаштирилади.

### **Колостомали беморларни парвариш қилиш**

Оқма атрофидаги терини парвариш қилиш, унинг атрофидаги терининг магнерациясига йўл қўймаслик учун бундай беморларда жароҳатни тез-тез боғлаб туриш керак. Ичак бўшатилгандан сўнг ҳар доим ичак шиллиқ пардасининг чиқиб қолган қисмига вазелин мойига ботирилган салфетка суртилади, устига салфетка ёпиб, кейин бинт ёки маҳсус бандажлар билан ёпиш лозим бўлади. Оқма атрофидаги терига Лассар пастаси ёки бошқа индифферент мазъ

суртиш лозим бўлади. Оқма шаклланиб, жароҳат битгандан кейин терининг таъсиrlанишини камайтириш учун ҳар куни ванна қилиб туриш лозим бўлади.

**Меъдан ювиш** даво ва ташхислаш мақсадларида бажарилади. Меъданинг сурункали яралари, унинг пилорик қисми торайиши ҳисобига овқатни сифатсиз маҳсулотларнинг тутилиши ва кучли таъсир қилувчи заҳарли моддалардан заҳарланиши меъданни ювишига кўрсатма ҳисобланади.

Кизилўнгач ва меъдадан қон оқиши (яра, рак, веналарнинг варикоз кенгайиши), юрак-томир касалликлари (аорта аневризмаси, тож-томирлар етишмовчилиги, миокард инфарктни) монелик қиладиган ҳоллар ҳисобланади. Меъданни ювиши учун йўғон меъда зонди, сифими 0,5—1 литрли воронка ва уларни туташтирадиган резина найда ишлатилади. Бунинг учун бемор стулга ўтқазилади ва ундан оғзини очиш, бурун орқали чуқур нафас олиш сўралади. Сувга ҳўлланган меъда зонди оғиз орқали қизилўнгачга киритилади. Агар зондланинг иложи бўлмаса, кўрсаткич бармоқ ҳалқумга киритилиб, тил босилади ва бармоқ ёнидан зонд киритилади.

Баъзан бурун-ҳалқум ўта сезувчан бўлганда зондланидан 2—3 минут олдин томоқ ва ҳалқумга 10 % ли новокайн, 2% дикаин эритмаси суртилади ёки 2% лидокайн аэрозоли ҳалқумга сепилади. Воронкани беморнинг тиззалири сатҳида тутиб турган ҳолда сувга тўлдирилади ва бемор оғзи соҳасидан аста-секин 25 см юқорига кўтарилилади. Воронкадаги сув сатҳи найдага етиши билан воронкани пастга тушириб, аввалги ҳолатда тутиб туриш лозим. Меъдадаги сув билан суюлган меъда суюқлиги воронкага туша бошлиди. Воронкадаги меъда суюқлиги тўкиб ташланади. Бу муолажа меъда суюқлиги тўлиқ ҳайдалгунча бир неча марта қайтарилади.



## Талабаларнинг мавзуга доир билимини аниқлаш учун тестлар

1. Меъда ярасидан қон кетишига хос симптомни кўрсатинг:
  - а) сийдик ажралишининг бузилиши;
  - б) тери рангининг қизариши;
  - в) тана ҳароратининг кўтарилиши;
  - г) қоринда кучли оғриқ ва қаҳва қуйқаси кўринишнида қайт қилиши;
  - д) артериал босимнинг кўтарилиши.
2. Жигар санчиғида биринчи ёрдам:
  - а) ўнг қовурға остига музли халта қўйиш;
  - б) сульфаниламид препараторларини бериш;
  - в) антибиотиклар юбориш;
  - г) ўнг қовурға остига иситгич қўйиш ва анальгетиклар юбориш;
  - д) меъданни ювиш.

**3. „Үткір қорин оғриғи“га қуйидагилар сабаб бўлади:**

- а) қорин бўшлиғи аъзолари шикастлари;
- б) ўткір аппендицит;
- в) перитонит;
- г) меъда ва 12 бармоқ ичак яраси перфорацияси;
- д) ҳаммаси.

**4. Ўткір холецистит учун қуйидаги клиник белгилар хос:**

- а) ўнг қовурға остидаги оғриқ, тана ҳароратининг кўтарилиши;
- б) кўнгил айниши, қусиш;
- в) „Ортнер“ симптоми мусбат;
- г) мускулларнинг таранглашуви;
- д) ҳаммаси.

**5. Ўткір панкреатитга хос бўлган оғриқ характеристини аниқланг:**

- а) ўраб турувчи белбог сингари сиқувчи оғриқ;
- б) доимий симилловчи оғриқ;
- в) лўқилловчи оғриқ;
- г) тўхтаб-тўхтаб оғриш;
- д) „Ханжарсимон“ оғриқ.



**Эслатма:** тўғри жавобнинг тагига чизилган.



### ***Мавзуга оид муаммоли масалалар***

**1.** 35 ёшили аёл шифохонага келтирилди. Шикояти: ўнг қовурға остида оғриқ, кўнгил айниши, қайт қилиш, лоҳаслик. Қовурға остидаги оғриқлар 5 йилдан бўён безовта қиласди.

Текширилганда умумий аҳволи ўртача оғирликда, тери қопламлари рангсиз. Кўз оқи сарғайган, тили қуруқ, караш билан қопланган, ўнг томондаги қовурғалари остида қорин мушаклари нафас олишда иштирок этмайди. Шеткин-Блюмберг, Ортнер симптомлари мусбат.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз.

2. Даво услубини танланг.

**2.** Бемор 20 ёшда. Тез ёрдам машинасида қабул бўлимига келтирилган. Анамнезида: зинапоядан югуриб тушаётган пайтида қорин билан йиқилиб тушган.

Шикоятлари: қорнида кучли оғриқ, кўнгил айниши, текширилганда тери қопламлари, шиллиқ, қаватлари оқарган. Муздек тер билан қопланган. Нафас олиши, пульси тез, юзаки. Бемор оёқларини қорнига йиғиб олган ҳолатда ётибди. Нафас олиши вақтида қорин мушаклари қатнашмайди. Пайпаслаганда қорин мушаклари таранглашган (таксимон қорин) ва оғриқли.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Даво услубини танланг.



### XIII. ОЁҚДА ҚОН АЙЛАНИШИНИНГ БУЗИЛИШИ СИНДРОМИ

#### Облитерацияловчи эндартериит ва атеросклероз

Облитерацияловчи эндартериит — артерия томирларининг астасекин битишиши билан ўтадиган касалликдир. Оёқ томирлари кўпроқ зарарланади. Аксарият ёш эркак кишилар касалланади. Оёқларнинг совқотиши, нерв-асаб травмаси, тамаки чекиш, сурункали заҳарланиши унга мойиллик чақирадиган омиллардан ҳисобланади. Аввалига томирлар спазми, кейин томир деворида бириктирувчи тўқиманинг ўсиб, қалин тортиши кўринишидаги морфологик ўзгаришлар рўй беради. Облитерацияловчи атеросклероз ёши улғайган кишиларда умумий атеросклероз заминида вужудга келади ва оёқ томирларининг бириктирувчи тўқимасининг ўсиб, қалин тортиши ва уларнинг атеросклеротик заарланиши ҳисобига морфологик ўзгаришлари билан характерланади.

Облитерацияловчи эндартериит билан облитерацияловчи атеросклерознинг клиник манзараси бир-бирига кўп жиҳатдан ўхшайди. Бемор аввалига заарланган оёқнинг совқотаётганидан, чумоли ўрмалаётгандек сезги пайдо бўлганидан нолийди. Сўнгра бунга болдир мушакларининг оғриғи кўшилади. Даствори бу оғриқлар юрганда пайдо бўлади, тўхтаганда эса йўқолади, бу „галма-гал оқсоқланиш“ симптоми дейилади.

Касалликнинг ilk даври кўздан кечирилганда терининг рангсизланганлиги қайд қилинади. Тери пўст ташлайди, тирноқлар мўрт бўлиб қолади, оёқ пайпасланганда совуқ бўлади, оёқ панжаси дорзal артерияси ва катта болдирнинг орқа артериясида пульс йўқолади. Касалликнинг ривожланган даврида қўшимча равишда сон артериясида пульсация йўқлиги қон алмашиниши бузилишидан дарак беради. Кейинчалик оёқ панжасининг бош бармоғида кичкина ярача пайдо бўлади, у катталашади ва бармоқ гангренасига, сўнгра оёқ панжаси гангренасига айланади.

**Давоси.** Қон таъминотини яхшилашга қаратилган. Беморга кўп ҳаракат қўймаслик тавсия этилади. Дорилардан спазмолитиклар ва томир кенгайтирувчи воситалар: дипрофен, пахикарпин, падутин ёки ангиотрофин, витаминлардан В<sub>1</sub>, В<sub>6</sub> ва аскорбинат кислота буюрилади. Буйрак атрофи тўқимасига новокайнил блокада қилиш ва барокамерада даволаш яхши самара беради. Консерватив даво етарлича натижা бермаганда даволашнинг операция усуллари татбиқ қилинади. Томирнинг чегараланган жойида морфологик ўзгаришлар юз бергандан тромб томирнинг интим қавати билан бирга олиб ташланади (интим-тромбэктомия), трансплантат ёрдамида айланма анастамоз қўйилади ёки томирнинг шу қисми резекция қилиниб, томир трансплантатни кўчириб ўтказиш йўли билан қон таъминоти тикланади.

## Оёқ веналарининг варикоз кенгайиши

Веналарнинг варикоз кенгайиши асосан оёқларда пайдо бўлади ва одатда катта тери ости веноз системасини заарлайди. Касалликнинг асосий сабаблари эндокрин регуляцияси ва томирлар иннервацияси бузилишлари, вена девори эластик ва мушак элементларининг нобоплиги (иссиқ цехларда, кирхоналарда, новвойхоналарда) мойиллик туғдирадиган омиллардан ҳисобланади.

Беморларда варикоз кенгайган оёқнинг тез чарчаши, оғирлик сезгиси безовта қиласи. Тик турганда болдир ва оёқ панжаси шишади, шунингдек болдирилган орқа соҳасида тери ости веналари эгрибугри тусда кенгайиб, кўкарган ҳолда аниқ-равшан кўриниб туради. Оғир турларида тери юпқалашади, пўст ташлайди, экзема ва тузалмайдиган яралар пайдо бўлади.

**Давоси.** Консерватив ва операция усулларида олиб борилади. Консерватив даво қилишда эластик бинтлар тақиши, эластик бинтлар қўйиш таклиф этилади.

Кичкина варикоз кенгайишларда венага склерозлайдиган моддалар юборилади. Вена склерозланади ва унинг бўшлиғи облитерацияланиб битади.

Катта варикоз кенгайган веналарга операция йўли билан даво қилинади. Бунда кенгайган вена зонд ёрдамида олинади (Бэбок операцияси) очиқ усулда қирқилади (Маделунг операцияси), катта тери ости венаси куйилиш соҳасидан боғлаб қўйилади (Троянов-Тренделенбург операцияси) ва ичкарига кирадиган веналар гуруҳи болдир тўпиги устидан боғланиб кесилади (Линтон операцияси).

## Флебит ва тромбофлебит

Флебит деганда, венанинг яллигланиш жараёни тупунилади, жараён венанинг ташқи деворидан ҳам, ички деворидан ҳам бошланиши мумкин. Флебитга вена атрофидаги тўқималарнинг яллигланиши, шунингдек венага таъсирлантирадиган моддалар (гипертоник эритмалар, антибиотиклар ва ҳ.к.) юборини сабаб бўлади. Венанинг яллигланиш жараёнида қон ивийди (тромб), бу тромбофлебитга олиб келади. Флебит ва тромбофлебит қайси вена шикастланганига қараб юза ва чуқур бўлиши мумкин.

Юза веналар яллигланганда уларнинг устидаги тери қизаради, юмшоқ тўқималар инфильтрацияга учрайди, маҳаллий оғриқ реакцияси кўрилади. Тромбофлебитда томирнинг айрим қисмлари зичлашган бўлади. Чуқур веналар шикастланганда беморнинг оёги шишади. Маҳаллий клиник аломатлар билан бирга ҳароратнинг юқорилиги, эт увишиши қайд қилинади.

**Давоси.** Бемор ўринда қимирамасдан ётиши ва шифокор назоратида бўлиши зарур. Бунда оёқлар баланд қилиб қўйилади. Антибиотик, антикоагулянтлардан гепарин, неодикумарин, пелентан

ва бошқалар буюриб, ҳар куни протромбин индекси албатта назорат қилиб турилади. Оёқقا Вишневский малжами суртилган компресс ёки гепарин малжами суртилган боғлам қўйилади.

Касалликнинг ўтқир даврида массаж қилиш ярамайди, чунки тромб узилиб ўпка томирларига тиқилиб қолиши мумкин.

## Тромбоз ва эмболия

Қоннинг ивиш системаси бузилганда ёки томир девори шикастланганда қонда унинг қатор таркибий қисмлари, фибрин ва эритроцитлар чўқади, улар ўзаро ёпишиб, томир йўлини бекитиб қўядиган компакт масса ҳосил қиласди. Бу масса тромб, томирнинг тиқилиб қолиши эса *тромбоз* деб аталади. Одатда тромб ҳосил бўлиши аста-секин рўй беради, бу янгидан кенгайган, коллатераллар деган ном олган майда томирлар орқали айланма қон айланиш пайдо бўлиши учун шароитларни вужудга келтиради.

Тромбнинг бир қисми асосдан узилиб чиқиб, эмболга айланади. Кейинчалик эмбол томир бўшлигини қон оқими орқали бекитиб қўйиши туфайли эмболияни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, эмболияни ёғ бўлакчалари, ҳаво пуфакчалари, жароҳатда ёки инфекцияларда томир бўшлигига тушган микроб тўпламлари ҳам келтириб чиқариши мумкин. Эмболияда қон айланиши тўсатдан бузилади, коллатераллар ривожланишга улгура олмайди, натижада тўқималар ёки аъзонинг тегишли қисми тез орада некрозга учрайди. Бош мия, юрак ва ўпка томирларининг эмболиялари айниқса хавфли бўлиб, кишининг тўсатдан ўлиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Касалликнинг клиник белгиси тромб ҳосил бўлиши тезлигига, томирнинг катта-кичиклиги ва коллатераллар миқдорига боғлиқ. Веналар тромбозида қон айланишининг бузилиши, қон димланиши ҳодисалари (зарарланган вена соҳасида цианоз, шиш, оғриқ) билан таърифланади. Артериялар тромбозида қон томир йўли батамом бекилиб, қон айланишининг бузилиши аста-секин рўй беради ва кейинчалик гангренага олиб келиши мумкин. Артериялар эмболиясида тўсатдан кескин оғриқ туради, оёқлар совқотади, томир урмай қолади ва гангрена пайдо бўлади. Бош мия, ўпка, юрак эмболиясида уларнинг функцияси тўсатдан тўхтаб қолади. Эмболия қисман юз берганда аъзоларнинг иши батамом тўхтамайди ва даво тўғри олиб борилса, бемор ҳаётини сақлаб қолиш мумкин.

**Давоси.** Консерватив тадбирлар томир спазмини йўқотишга қаратилган папаверин, новокайн ва антикоагулянтлардан гепарин, палентан, некодикумарин, фибринолизин ва бошқаларни юборишига қаратилган. Оёқ томирлари тромбозида оёқни баланд кўтариб, мутлақ тинч ҳолатда қўйилади. Йирик артериал томирлар эмболиясида зудлик билан эмболэктомия операцияси ўтказилади.

## Некрозлар

Некроз ички ва ташқи омиллар таъсирида тўқималарда қон таъминоти ва озиқланишнинг бузилиши натижасида ҳосил бўлади. Некрозга сабаб бўладиган *ташқи омилларга*:

тўқима (мушаклар, нервлар, томирлар)ни чуқур шикастлантирувчи ўткир жароҳатлар;

тўқималарнинг жгут ёки гипсли боғлам остида узоқ вақт босилиб ётиши;

ичакларнинг чурра дарвозасида эзилиши;

термик ва кимёвий омилларнинг таъсири (совуқ уриши, куйиш) киради.

**Ички омилларга:** қон томири эмболи, тромби, томирларни облитерацияловчи эндартериит ёки атеросклероздан торайиб бекилиб қолиши, микробларнинг заҳарлари (газли гангрена) таъсирида келиб чиқадиган некрозлар, периферик ва марказий нерв системасининг касаллиги ёки шикастланиши сабабли тўқималар иннервациясининг бузилиши киради.

**Некроз турлари.** Гангрена қўл ёки оёқдаги йирик қон томирлар ўтказувчанлигининг бузилиши натижасида юз беради. Гангренанинг қуруқ ва *ҳўл* турлари фарқ қилинади.

**Қуруқ гангрена** некротик тўқималарнинг аста-секин зичлашуви ва кўриши (мумификация) билан таърифланади. Соғлом тўқималар билан некрозга учраган тўқималар чегарасида грануляцион тўқимадан иборат демаркация чизиғи ҳосил бўлади. Тўқиманинг некрозланган қисми ўз-ўзидан кўчиши мумкин.

**Ҳўл гангрена** веноз қон айланиши бузилганда ва йирингли ёки ириган инфекция қўшилганда артериал томир бўшлиғи тез бекилиб қолганда (эмболия) кузатилади. Клиник жиҳатдан у тўқималарнинг шишганлиги, терида қорамтири қўнгир-қизил ёки кулранг доғлар ва бадбўй суюқлик билан тўлган пуфаклар пайдо бўлади. Касаллик оғир заҳарланиш билан кечади.

**Давоси.** Ўз вақтида даволанмаса бемор ўлади. Некроз турларини даволашда уни келтириб чиқарган омилларни ҳам бартараф этиш керак. Қон томир шикастланганда тромб тикилади. Томир тромб ёки эмболдан бекилиб қолганда улар олиб ташланади.

Некрозда ҳўл гангрена ривожланишининг олдини олиш зарур. Шу мақсадда некроз майдонида тўқималарни куритишни кўзда тутадиган очиқ усул билан даво қилинади.

Ҳўл гангренани қуруқ гангренага айлантиришга ҳаракат қилиш зарур. Бунинг учун спиртли боғламлар қўйилади, нобуд бўлган тўқималарга йод эритмаси суртилади. Демаркацион чизиқ пайдо бўлганда н е к р э к т о м и я қилинади (жонсизланган майдон олиб ташланади).

## Яралар

Яра деб, тери ёки шиллиқ парданинг баъзан ичкарида жойлашган тўқималарга ўтадиган, битишга мойиллиги кам нуқсонига айтилади. Яранинг сурункали кечиши унинг характерли хусусияти ҳисобланади.

Яраларнинг ҳосил бўлиш сабаблари турли-туман. Бироқ уларнинг асосида тўқималар озиқланишининг бузилиши ётади, бу дистрофик жараёнга ва некрозга олиб келади. Яралар кўпроқ оёқ веналарининг варикоз кенгайиши, облитерацияловчи эндартериит ва атеросклероз заминида пайдо бўлади. Баъзан трофик яралар нерв устунлари шикастланганда, масалан, қўймич нерви шикастланганда товоң ёки оёқ кафти соҳасида ҳосил бўлади. Заҳм ва сил яралари учрайди.

**Давоси.** Ярани ҳосил қилган сабабни аниқлаш зарур. Яралар одатда консерватив йўл билан даволанади ёки оператив йўл билан яра кесилади ва ҳосил бўлган тери нуқсони тери трансплантати билан бекитилади. Нерв устунлари шикастланиши натижасида пайдо бўлган яраларда улар чандиқли тўқималардан ҳалос қилинади. Кейинчалик яра ўз-ўзидан битиб кетиши мумкин.

## Оқмалар

Оқма (фистула) деганда чуқур жойлашган тўқималар, аъзолар ва бўшлиқлардан гавданинг ташқи юзаси (ташқи) ёки бошқа аъзога (ички) келадиган патологик йўл тушунилади.

Келиб чиқишига кўра эмбрионал даврда ёриқлар ва унинг йўлларининг ўсиб етилмаслигидан ҳосил бўладиган т ў қ и м а (бўйин, киндик, қовуқ, ичак ва оралиқ) ва йирингли ялииғланиш жараёнлари (флегмона, абсцесс, остеомиелит ёки турли хил сабаблар) натижасида юз берган орттирилган оқмаларга бўлинади. Муайян кўрсатмаларга биноан хирург томонидан ҳосил қилинган сунъий оқмалар (қизилўнгач, меъда, қовуқ, йўғон ичак) алоҳида гуруҳни ташкил этади.

Ташқи оқмаларни ташхислаш қийинчиллик туғдирмайди. Бундай ҳолларда фистула каналини зондлаш ва унга контраст модда (Йодолипол, сергозин, кардиотраст) юбориш, кейин эса рентгенография – фистулография қилиш буюрилади.

**Давоси.** Оқманинг давоси уни ҳосил қилган сабабни бартараф этингага қаратилади. Туғма, орттирилган ва сунъий оқмаларда кўпинча уларни хирургик йўл билан бекитишга ҳаракат қилинади.



## Талабаларнинг мавзуга доир билим даражасини аниқлаш учун тестлар

1. „Ўтиб кетувчи чўлоқлик“ симптоми қайси касаллиқда кузатилади?
  - а) оёқ веналари тромбозида;
  - б) облитерацияловчи эндартериитда;
  - в) тромбофлебитда;
  - г) остеомиелитда;
  - д) артритда.

**2.** Веналарнинг варикоз кенгайиши учун қайси белги хос эмас?

- а) вена бўйлаб оғриқ;
- б) оёқ панжаларининг шишиши;
- в) тана ҳароратининг кўтарилиши;
- г) тери ости веналарининг бўртиб чиқиши;
- д) терининг юпқалашиб пўст ташлаши.

**3.** Облитерацияловчи атеросклерознинг асорати:

- а) гангrena;
- б) сарамас;
- в) веналарнинг варикоз кенгайиши;
- г) артроз;
- д) тромбофлебит.

**4.** Оёқ венаси тромбозининг асорати:

- а) гангrena;
- б) флегмона;
- в) трофик яра;
- г) остеомиелит
- д) артрит.

**5.** Ҳўл гангrena учун хос эмас:

- а) шиш;
- б) пульснинг йўқлиги;
- в) қорамтири, кулранг, кўнғир рангли дөглар;
- г) терида бадбўй ҳидли пуфаклар ҳосил бўлиши;
- д) демаркация чизиги.



*Эслатма: тўғри жавоблар тагига чизилган.*

### ***Мавзуга оид муаммоли масалалардан намуналар***

**1.** 28 ёшли аёл чап оёғининг юрганда чарчаши, увишиши, болдири мушакларининг тортишиб оғриши ва кечга бориб панжа соҳасида шиш пайдо бўлишидан шикоят қилиб қабул бўлимига мурожаат қилди. Объектив текшириб кўрилганда, чап оёғнинг болдири соҳасида турли шаклдаги,чувалчангисимон, тери ости веналарининг бўртиб чиқсанлиги, пайпаслаганда оғриши ва нисбатан совуклиги аниқланди.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Даво услубини танланг.

**2.** Бемор юрганда ўнг болдири соҳасининг оғриши, оёғининг музлаши ва увишишидан шикоят қиласди.

Анамнезидан: bemor 40 ёшда, сантехник бўлиб ишлайди. З йилдан бўён уни оёқ оғриги безовта қиласди. Беморда олдинлари 300 метр, кейинчалик 150 метр, ҳозир эса 20—30 метр юрганда болдири соҳасида

кучли оғриқ пайдо бўлиб, 3—4 дақиқа дам олгандан сўнг оғриқ йўқолади. 22 йил мобайнида кунига 1 пачкадан сигарет чеккан, спиртли ичимлик ичиб туради.

Текширилганда оёқ териси оқарган, мушаклари қуриган. Тирноқлари нотўғри ўсган ва мўрт, тизза бўғими артериясида пульс жуда суст.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Даво услубини танланг.



## XIV. СИЙДИК АЖРАЛИШ ФАОЛИЯТИ-НИНГ БУЗИЛИШИ СИНДРОМИ

Урология хирургиянинг сийдик-таносил аъзолари (буйрак, сийдик йўллари, қовуқ, сийдик чиқариш канали, простата бези, moyяклар, жинсий олат)да касаллilikлари бор беморларни даволаш билан шуғулланадиган қисмидир.

**Беморни урологик текшириш усуllibар ва терминологиялар.**

**Цистоскопия** — Бунда қовуқ маҳсус гистоскоп асбоби ёрдамида визуал текширилади. Қовуқ шиллиқ пардасидан ташқари сийдик йўли тешиклари кўздан кечирилади, уларнинг функцияси аниқланади ва сийдик йўлларини катетерлаш ёрдамида кўтарилиувчи пиелография қилинади.

**Хромо цистоскопия.** Бу усул буйраклар функциясини аниқлаш имконини беради. Шу мақсадда венага 4 мл 0,4% ли индигокармин эритмаси юборилади. Қовуққа цистоскоп киритилади. Нормада 3—5 минут ўтгач, сийдик йўлларидан кўк рангга бўялган сийдик ажралади. Индигокармин ажралиб чиқиши ушланиб қолганда буйрак ёки сийдик йўллари функциясининг бузилганлиги тўғрисида фикр юритиш мумкин.

**Сийдик йўлларини катетеризация қилиш.** Текшириш учун маҳсус катетеризацион гистоскоп кўлланилади. Унинг ёрдамида сийдик йўлига маҳсус катетер киритилади. Сийдик йўли чандиқли торайганда ёки унга тош тиқилиб қолганда катетер тўсиқ олдида тўхтаб қолади. Сийдик йўли катетери орқали сийдикни бевосита буйрак жомидан олиш мумкин.

**Кўтарилиувчи пиелография.** Сийдик йўли катетери орқали буйрак жомига контраст модда — 20%ли сергозин, верографин, кардиотраст, уротраст ёки кислород киритилиб рентген сурати олинади. Контраст модда фонида тошлар ва ўсма яхши кўринади.

**Венага контраст модда юбориб урография қилиш.** Венага 40% ли сергозин эритмасидан 50 мл юборилади ва 10, 20, 30 минутдан кейин сийдик йўлларининг рентген сурати олинади. Бу усул буйракларнинг ажратиш функцияси ва тўсиқлар борлигини аниқлаш имконини беради.

**Цистография.** 10—20 % ли сергозин, верографин ёки кардиотраст эритмасидан 150—100 мл қуйиб тўлдирилган қовуқни рентгенография қилишдир. Бу усул қовуқдаги ўсмалар ва шикастларни ташхислаш учун кўлланилади.

**Үретрография.** Бунда уретрага 10—20 % ли сергозин, верографин ёки кардиотраст эритмасидан 10—20 мл юборилгандан кейин рентгенография қилинади. Бу текшириш усули уретра шикастлари ва ўсмаларини ташхислаш учун амалиётда кўп қўлланилади

## Урологик терминологиялар

**Нормал суткалик диурез** (бир суткада ажralадиган сийдик миқдори) ўрта ҳисобда 1,5 л (700 дан 3000 мл гача) га тенг.

**Полиурия** диурезнинг кўпайишидир. У ҳаддан ташқари кўп суюқлик ичганда қонда қанд миқдори ошганлиги натижасида қоннинг осмотик босими кўтарилганда (қандли диабет), гипофиз антидиуретик гормонининг фаоллиги етарлича бўлмаслиги натижасида каналчаларда сув реабсорбцияси бузилганда (қандсиз диабет), сурункали нефритларда буйракларнинг концентрацион хусусияти пасайганда кузатилади.

**Олигурия** — диурезнинг барқарор пасайиши.

**Анурия** — сийдикнинг бутунлай ажralмай ёки чиқмай қолиши. У буйрак касалликлари оқибатида организм сустлашганда, сийдик йўлига тош, шиллиқ тиқилиб қолганда ёки уни ўсма босиб кўйганда, шунингдек қон айланиши бузилганда ёки рефлектор тарзда содир бўлиши мумкин. Нормада қовуқнинг сигими меъерида бўлганда (200-300 мл) қовуқ суткасига 5—6 марта бўшатиб турилади.

**Поллакиурия** — сийдик чиқариш ритмининг тезлашуви, у аксари полиурия билан бирга учрайди. Буидай ҳолларда тез-тез сийдик қисташи қовуқнинг тўлишига боғлиқ. Поллакиурияниң оғрикли ва қийналиб сийиш — **дизурия** билан бирга кечиши қовуқ яллиғланганда ёки унда томплар бўлганда шиллиқ пардасининг тасирланишида кузатилади.

**Протеинурия** (альбуминурия) — сийдикда оқсил пайдо бўлиши соғлом кишиларда ҳам жисмоний чарчашдан, кўп овқат ейиндан, совқотишидан кейин кузатилиши мумкин. Баъзи киниларда протеинурия тана вертикал ҳолатда бўлганда рўй беради ва горизонтал ҳолатда йўқолади (**ортостатик протеинурия**).

Протеинурия аксарият нефрит, писелонефрит (3—6%) ва нефропрозда (10—50%) кузатилади.

**Гемоглобинурия** — сийдикда эркин гемоглобин пайдо бўлиши эритроцитларнинг жадал емирилиши (гемолиз)дан далолат беради. Бунда сийдик унда гемоглобин миқдорига кўра пушти рангдан қора ранггача бўялади. Сийдикда қон пайдо бўлиши гемчатуря дейилади.

## Буйрак касалликлари

### Буйракларнинг ёпиқ шикастлари

Буйракнинг ёпиқ шикастлари бел соҳасининг тўмтоқ нарсадан шикастланиши, баланддан йиқилиш, иккита нарса ўртасида қисилиб қолиш натижасида содир бўлади. Бунда кичикроқ **субкапсуляр ши-**

**кастлар, шунингдек буйракнинг тўла-тўкис ёрилиши ва унинг сийдик йўлидан узилишига бўлган оғир шикастларда** кузатилиши мумкин.

Бемор бел соҳасининг шикастланган ярмида оғриқ, шиш пайдо бўлишидан нолийди. Сийдикка қон аралашпид келади. Касалликни аниқлашда цистоскопиянинг аҳамияти катта, бунда тегишли сийдик йўлида қон ёки қон лахтаси сийдик йўлининг нусхаси кўринишида ажralиб чиқади. Сийдик йўли узилганда ундан сийдик ажралмайди. Қовуқ ва уретра шикастлари ҳақида чаноқ суюкларининг асоратланган синишлари бўлимига қаралсин.

**Давоси.** Кичикроқ шикастларда консерватив даво қилинади: тинч шароит яратилади, бел соҳасига музли халтacha қўйилади; инфекциянинг олдини олиш учун антибиотиклар қўлланилади. Гемостатик даво: кальций хлорид, викасол, эпсилон-аминокапрон кислота ва шу кабилар тавсия этилади. Буйракнинг катта шикастларида операция қилиб даволашга киришилади — буйрак ёки сийдик йўлининг йиртилган қисими тикилади. Травма катта бўлса, иккинчи буйрак ишлаб турганига ишонч ҳосил қилгач буйрак олиб ташланади (нефрэктомия).

## **Буйракнинг яллигланиши касалликлари** **Пиелонефрит**

Буйрак жоми, косачалари ҳамда паренхимасининг яллигланиши пиелонефрит деб аталади. Ҳозирги вақтда антибиотиклар ва бошқа уросептиклар кенг қўлланишига қарамасдан, пиелонефрит болалар орасида кенг тарқалган касалликлар жумласига киради. Бу касалликнинг келиб чиқиши сабаблари ангина, пневмония, фурункулёз, сепсис каби юқумли касалликлар, организмда сурункали йирингли ўчоқларнинг мавжудлигидир.

Боланинг функционал ва иммунобиологик ҳолати ҳамда илк даврларининг ўзига хослиги билан чамбарчас боғлиқ. Кичик ёшдаги болада пиелонефритнинг умумий белгилари яққол кўзга ташланади, маҳаллий белгилар ноаниц бўлиб, ўзига хослиги кузатилмайди. Сийдик синдроми элас-элас билиниб, ташхис қўйишида тез-тез хатоликларга йўл қўйилади.

Чақалоқларда ва кўкрак ёшидаги болаларда сийиш жараёни бузилиб, тана ҳарорати кўтарилади. Боланинг иштаҳаси йўқолиб ранги оқаради, қайд қилиб, ичи кетиши мумкин. Юқорида кўрсатилган белгилар асосида оғир токсикоз ва дегидратация ривожланади, сийдикда лейкоцитурия, макрогематурия (микрогематурия), протеинурия, цилиндрурия қайд этилади. Қонда анемия, ЭЧТнинг кучайиши, лейкоцитоз рўй беради. Катта ёшдаги болаларда ҳам токсикоз симптомлари пайдо бўлади. Улар бел соҳасидаги оғриқдан шикоят қиласади. Бироқ, бу оғриқ қорин соҳасида бўлиши ҳам мумкин. Айрим ҳолларда bemor тизза ва сон бўғимларини буккан ҳолатда ушлаб ётишга мажбур бўлади. Одатда бу белгилар буйрак ўлчамлари анча катталашиб, йирингли жараён буйрак атрофига ўтганда кузатилади.

## **Сурункали пиелонефрит**

Сурункали пиелонефрит ўзининг тўлқинсимон кечиши билан таърифланади. Айрим беморларда бу хасталик латент бўлиб, у жуда хавфли. Латент пиелонефритнинг симптоми аниқ эмас. Талайгина bemорларда бу хасталик диспансер кўригидан ўтгаётганда тасодифан аниқланади. Айрим bemорларда иштаҳа йўқлиги, беҳоллик, тана ҳароратининг субфебрил бўлиши, вақти-вақти билан кўтарилиб туриши, қорин соҳасида сим-сим оғриқ аниқланади. Болаларда сийиш жараёнида қисқа муддатли оғриқ бўлиши, тана ҳароратининг кўтарилиши, белдаги увишган оғриқ ота-оналарнинг диққатини ўзига жалб қилиши мумкин. Аммо бу симптомлар тез ўтиб кетади. Шу сабабли ота-оналар бу шикоятлар билан камдан-кам мурожаат қиласидилар.

**Давоси.** Пиелонефритни даволаш унинг босқичига боғлиқ. Бирламчи пиелонефритда bemорга парҳез, антибактериал ва стимулловчи даво буюрилади. Piелонефритни даволашда нефротоксик таъсири бўлмаган, пиелонефритда энг кўп учрайдиган микробларга таъсири кучли, концентрация етарли даражада юқори бўлган дорилар қўлланилади.

Пиелонефритни даволаш учун энг кам нефротоксик таъсирга эга пенициллин гуруҳи, гепарин, эритромицин ва левомицетин кабиларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Нитрофуранлар (фурадонин, фуразолидон, фурагин) ва нолидаксин кислота ҳосилалари (неграм, невигармон) яхши натижа беради. Piелонефритни даволашда грамм-мусбат ва грамм-манғий микробларга нисбатан антибактериал дори 5—Нок қўлланади. Piелонефритни комплекс даволашда доривор гиёҳлар (далачой, мойчечак, марварак, наъматак, оқ қайин куртаги, буйрак чойи ва ҳ.к.) ҳам яхши натижа беради. Касалликни даволаш узоқ муддатни талаб қиласиди.

## **Буйрак-тош касаллиги**

Буйрак-тош касаллиги нисбатан кўп учраб, бир ёки икки томонлама бўлиши мумкин. Тошларнинг буйракдаги сонига нисбатан ягона буйрак тоши ёки бир неча буйрак тоши фарқланади. Тожсимон — коралл тош ёки тошлар буйрак косачаларига ўсиб кириб, даволашда анча қийинчиликларни тугдиради. Буйракдаги тошлар ҳар хил ўлчам ва шаклларга эга бўлиши мумкин. Бу сифатларни аниқлаш амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, потрама ҳам фарқ қилинадики, бунда тош ёки тошлар ҳам битта ёки иккита буйракда, сийдик йўлларида ҳамда қовуқда бирданига пайдо бўлиши мумкин.

Буйрак-тош касаллиги (нефролитиаз)нинг асосий клиник белгилари қўйидагилардир: белда оғриқ бўлиши, гематурия, лейкоцитурия, пиурия, дизурия ва майда тошларнинг сийдик билан чиқиши. Юқорида кўрсатилган белгиларнинг бўлиши тош ёки тошчаларнинг ўлчами, шакли, жойлашган ўрни ҳамда яллиғаниш жараёни бор ёки йўқлиги, шунингдек унинг фаоллиги билан чамбарчас боғланган.

Кичкина тош буйрак косачаларида жойлашган бўлса, уродина-

мика камдан-кам издан чиқади, демак, оғриқ симиллаган тусда бўлади. Ҳаракатчан тошда эса буйрак косачаси бўйни ёки буйрак жомчаси тешигига тош тиқилиб қолишидан буйрак ички босими ошади ва бунда буйрак санчиғи кузатилади. Нефролитиазда буйрак санчиғи кўпинча тўсатдан бошланади, беморнинг бел соҳасида тўсатдан қаттиқ оғриқ туриб, соннинг олд юзасига, чов ва қовға, ўғил болалардаги олат ва уруғдонларга, қизларда дилоққа беради. Буйрак санчиғи хуружи даврида кўнгил айниши ёки қайт қилиш кузатилади.

**Давоси.** Нефролитиазни даволаш ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди. Тошнинг жойлашган ўрни, шакли, катта-кичиликли, асоратланган ёки асоратланмаганилигига қараб кўпгина даво усуслари мавжуд. Беморларни дорилар билан даволаш консерватив усул ҳисобланади.

— оператив даволанишга вақтинча монеликлар бўлса.

Консерватив даво операцияга тайёрлаш ва операциядан кейинги даврларда ҳам қўлланилади. Ушбу вазиятда консерватив даво орқали тош ёки тошларни операция қиласдан тушириш, операциядан олдин ва кейин ҳар хил асоратларнинг олдини олиш тушунилишини унутмаслик керак.

## Қовуқ касалликлари

### Цистит

Қовуқнинг яллигланиши *цистит* дейилади. Одатда сийдик стерил бўлади. Қовуққа инфекция жомлардан, улар яллигланганда (пиелит), сийдик чиқариш каналидан (инфекциянинг ретроград тарқалиши ва қовуқни катетерлашда) киради.

Ўткир ва сурункали цистит фарқ қилинади. Ўткир цистит бўлган bemor қовуқ соҳасидаги оғриқдан ва тез-тез сийинидан шикоят қиласди. Сийдик лойқа, унда йиринг, баъзан қон бўлади, ишқорий реакцияга эга. Сурункали циститда бу ҳодисалар ўзгарган бўлади. Инфекция буйракка тарқалганда bemornинг аҳволи бирданига оғирлашиб қолади.

**Давоси.** Ўткир циститда ўринда ётиш режими, қовуқнинг таъсирланишини камайтириш учун сут-ўсимликли парҳез овқатлар буюрилади. Антибиотиклар, уросептиклар ва сульфаниламидлар билан даво қилинади. Кўп суюқлик ичирилади. Ўткир оғриқлар босилгандан сўнг қовуқ кумуш нитрат (1:5000), симоб оксигианид (1:5000)нинг кучсиз эритмаси билан ювилади.

## Қовуқ тошлари

Қовуққа кичикроқ тошлар сийдик жомларидан тушиши мумкин, бироқ кўпинча улар ўз-ўзидан ҳосил бўлади. Эпителий, шишимшиқ, ёт жисм ва бошқалар тош учун ўзак бўлиши мумкин. Сийдик чиқариш каналининг чандиқли торайишида ва простата бези адено масида қовуқдаги димланиши ҳодисалари ва цистит тошлар ҳосил бўлишига шароит яратади. Тошлар битта, кўп, майдага (бир неча миллиметр

келадиган) ёки қовуқ бўшлигини тўлиқ бекитиб турадиган даражада катта бўлиши мумкин. Кимёвий таркибига кўра фосфат, ўрат ва оксалатлар фарқ қилинади.

Қовуқ соҳасида оғриқ, тез-тез сийдик қисташи ва сийиб бўлиш биланоқ оғриқ пайдо бўлиб, унинг жинсий олат бошчасига тарқалиши, сийдик чиқариш канали тешигининг тош, қон лахтаси ва шиллиқ билан бекилиб қолиши натижасида сийдик чиқишининг тўсаддан тўхтаб қолиши қайд қилинади. Қовуқни металл катетер билан катетерлашда, металлни тошга урилишида чиқадиган ўзига хос товуш сезгиси пайдо бўлади. Узил-кесил ташхис цистоскопия, цистография ва умумий рентгенографиядан кейин кўйилади.

**Давоси.** Қовуқдаги тошлар маҳсус асбоблар: литотриптор ёки УРАТ—I аппарати ёрдамида майдаланиб, сўнгра ювиб турилади. Давонинг бошқа усулида қовуқ операция йўли билан очилгандан кейин тошлар олиб ташланади.

### Простата бези касалликлари

**Простата бези adenомасида** бэзсимон тўқума ва биринтирувчи тўқиманинг простата бези катталашади ва ўсиб қалинлашади. Простата бези катталашганда сийдик чиқариш тўсилиб қолади, натижада қовуқ, сийдик йўллари ва ҳатто жомларида сийдик доим димланиб туради. Димланган сийдикка инфекция қўшилса, цистит ва пиелонефрит пайдо бўлади. Простата adenомаси ракка айланishi мумкин. Касаллик асосан ёши улгайган кишиларда учрайди.

Касалликнинг дастлабки босқичида сийдик чиқариш қийинлашади ва тез-тез сийдик қистайди, бу ҳолат тунда кучайди. Кейинчалик сийдик бутунлай ушланиб қолади. Қовуқ чўзилиб кетади. Сийдик чиқариш каналидан сийдик тўхтосиз томчилаб чиқиб туради. Палпацияда простата безининг катталашганлиги аниқланади. Ракка айланган простата бези эгри-буғри, жуда берч консистенцияга эга бўлади. Цистоскопияда катталашган простата бези қовуқ бўшлиғига чиқиб туради.

**Давоси.** Сийдик бирдан тутилиб қолганда катетеризация қилинади. Аввалига юмшоқ катетер киритилади, уни киритишнинг иложи бўлмаса, метал катетер киритилади. Иссиқ муолажалар тавсия этилмайди. Синэстрол, сустанон, эндокрин препаратлари қўлланилади. Одатда консерватив даво қисқа мuddат таъсир этади. Радикал даво простата безини олиб ташлаш (аденомэктомия) дан иборат. Беморнинг аҳволи оғир бўлганда, қов усти фистуласи қўйиш билан кифояланилади.

### Мояк касалликлари

#### Мояк истисқоси

Истисқо — моякнинг асл пардаси бўшлиғида суюқлик йигилишидир. У тумса ва ортирилган бўлиши мумкин. Ортирилган турларида унинг қўшини тўқималарида жароҳат ёки сурункали яллигланиш жараёни этиологик омил ҳисобланади. Суюқлик тиник сарғимтир тусли бўлади. Унинг миқдори 1—2 л гача этиши мумкин.

Ёрғоқнинг тегишли ярми катталашади. Мояк пардалари истис-қосида бутун ёрғоқ катталашади. Пальпация қилишда оғримайдиган эластик тузилма аниқланади. Флюктуация қайд қилинади. Перкуссияда бўғиқ товуш аниқланади. Мояк орқали ёруғлик дастаси ўтганда бу соҳа кўринади (*диафаноскопия*). Болаларда мояк ва уруғ тизими истисқолари жуда кўп учрайди.

**Давоси.** Радикал операция тузалишга имкон беради. Винкелман усули пардаларни қирқин ва уларнинг ички юзасини ташқарига ағдаришдан иборат. Пардалар Бергман усулида кесилади. Болаларда эса аксарият Росс усулида операция бажарилади.

**Орхит.** Тухумнинг яллигланиши *орхит* дейилади. Бу касаллик силь ёки бошқа микобактериялар томонидан вужудга келиши мумкин.

Эпидидимит — мояк ортиқларининг яллигланиши. Этиологияси орхитдаги каби. Касаллик қўзғатувчи турига қараб даволанади.

## Сийдик чиқарув йўлига алоқадор касалликлар

### Эписпадия

Эписпадияда сийдик чиқариш каналининг дорсал девори йирилиб, олат ғовак таналари ҳам бир-бири билан зич ёпишмаган бўлади. Асосан эписпадия шаклига боғлиқ. Олат боши эписпадиясида олат боши яссиланган бўлади. Сийиш жараёни ҳам бузилмаган, лекин сийдик турли томонга сачрайди. Эрекцияда олат танаси оз ёки кўпроқ қорин тарафга этилган бўлади. Тана эписпадиясида уретра тешиги олат танасида жойлашади. Қов суюклари симфиздан узоқлашган, қориннинг тўғри мушаги йўқ ёки кам ривожланган. Олат эрекцияланганида қорин томонга анча эгилади. Айрим ҳолларда бола кулганда, кучанганды сийдик томчилайди. Сийиш пайтида бола тиззасига суннади (сийдик сачрамаслиги учун).

*Тотал эписпадияда* уретранинг дорсал девори бўлмайди, олат ҳаддан ташқари этилган бўлади. Қов суюклари бирлашадиган симфиз соҳасида даҳансимон тешик бўлиб, ундан тўхтовсиз сийдик чиқиб туради. Айрим ҳолларда қовуқ шиллиқ қавати ҳам шу тешикдан кўринади. Қов суюклари орасидаги диастаза 8–12 см гача боради. Бемор „ўрдак юриш“ қилиб юради. Ёрғоқ ривожланмаган, унинг атрофи ва сон терилари чақаланганди. Эписпадияга учраган bemорларнинг 30 % ида криптторхизм, юқори сийдик йўллари нуқсонлари кузатилади.

**Давоси.** Эписпадиянинг олат боши ва клитор турларида даво тадбирлари кўрилмайди. Тана ва тотал шаклдаги эписпадияларни операция қилиш зарур. Агар сийдик тута олмаслик аниқланса, энг аввало шу нуқсонни бартараф этиши лозим.

### Гипоспадия

Гипоспадияда уретра олд деворининг бўлмаслиги, сийдик чиқариш канали ташқи тешигининг қисман ёки олат воляр юзасининг турли жойларида бўлинши кузатилади.

Сийдик чиқариш каналининг ташқи тешиги олат боши чўққисида бўлмай, олат тоҳ эгати ёки танасининг турли жойларида ҳамда ёргоқ ва оралиқда бўлса, буни гипоспадия деб тушунмоқ керак. Бунда уретра тешиги қаерда жойлашганлигига кўра унинг шакли аниқланади.

Шуниси муҳимки, гипоспадия тешигидан то олат бошигача хорда тортқиси ва фиброз чандиқлар манжуд бўлиб, улар олатнинг воляр юза томонга эгилишини таъминлади. Шунинг учун ҳам гипоспадияга учраган олат худди вергулга ёки ўроққа ўхшаб эгилади. Йиллар ўтиши билан ғовак таналар ўсаверади, бироқ хорда тортқиси ва фиброз чандиқлар узунлиги ўзгармасдан қолаверади. Шу сабабли олатнинг эгиклиги тобора орта боради. Шу эгиклик туфайли гипоспадиянинг ёргоқ, тана-ёргоқ ва оралиқ турларида болалар ўтириб сийишга мажбур бўладилар.

**Давоси.** Гипоспадияни даволаш асосан 3 босқичда олиб борилади. 1. Олат эгрилиги тўғриланади. 2. Уретропластика ўтказилади. 3. Неоуретра билан уретра уланади.

Гипоспадия тешиги стенозини баргараф қилиш бужлаш ёки операция йўли билан ҳам бажарилиши мумкин. Олатни тўғрилаш — биринчи босқич операцияси бўлиб, бунда олат воляр юзасидаги хорда тармоқлари ва фиброз чандиқлар олиб ташланади ва олат эгрилигига барҳам берилади. Бу операция бола 1—2 яшарлигига бажарилгани маъқул. Иккинчи босқич операцияси — уретропластика деб аталди. Одатда бу операция 2—3 ёшларда амалга оширилади. Уретропластика қўйидаги талабларга жавоб бериши керак: а) олат эрекция бўлганида у эгик бўлмаслиги шарт; б) уретранинг ташқи тешиги олат бошида бўлиши зарур; в) уретранинг ташқи тешиги етарли даражада кенг бўлиб, сийишда сийдик оқимининг эркин чиқишини таъминлаши керак.

### Баланопостит

Бу олат боши ва кертомак варакаларининг яллигланишидир. Хасталик асосан туфма ва ортирилган фимоз натижасида кертомак халтачалари ичida яллигланиш бошланиб, олат бошига ҳам ўтиши сабабли келиб чиқади.

Белгилари: яллигланиш ҳамда фимоз туфайли сийдик тутилиши кузатилади. Баъзан кертомак тешигининг торайишидан (яллигланиш туфайли) сийдик ингичка оқим билан чиқади. Яллигланган жойлар сийдик таъсирида безиллаб, ачишиб оғрийди ва бундан болалар қийналади. Шу сабабли улар сийишдан кўрқиб, сийдикни сунъий равишда тутиб туришга ҳаракат қиласади. Аммо улдасидан чиқа олмасдан сийишга мажбур бўлади ва бунда улар қаттиқ чинқириб йиғлади.

**Давоси.** Яллигланиш жараёнита қарши дорилар қўлланади. Олат илиқ антисептик (фурациллин ёки калий перманганат эритмалари билан) ванна қилинади. 5—10 % ли синтомишин эмульсиясини қўллаши яхши натижада беради. Баланопоститнинг тез-тез қайталаниши циркумцизиядан далолат беради.

## Фимоз

Кертмак тешигининг тўқима ўсиши ёки чандик ҳисобига торайиши оқибатида сийишнинг қийинлашиши фимоз дейилади. Бу жинсий олат бошчасининг очилишига тўсқинлик қиласди. Фимоз болаларда кўп учрайди ва тугма характерда бўлади. Катталарда фимоз кертмак жароҳатидан ёки яллигланишдан (кўпинча сўзакли яллигланишдан) кейин юзага келади. Кертмак тешиги торайганда сийиш қийинлашади (сийдик ингичка оқим билан чиқади). Сийдик тутилишига яллигланиш кўшилиши мумкин, бу оғриқли сийишни келтириб чиқаради.

**Давоси.** Фимозда антисептикли маҳаллий ванначалар буюрилади ёки кертмак айлантириб кесилади.

## Парафимоз

Касаллик фимознинг асорати ҳисобланади. Жинсий олат бошчаси торайган чекка кертақдан сирғалиб чиқади ва қисилиб қолади, бу ўз навбатида қон айланишининг бузилишига олиб келади. Олат бошчаси шишади ва кўкариб кетади. Ўз вақтида тиббий ёрдам кўрса-тилмаса, олат бошчаси некрозланиши (ириши) мумкин.

**Давоси.** Олат бошчасига вазелин суртилади, уни 2- ва 3- бармоқ-лар билан ушлаб туриб, бosh бармоқ билан унинг бошчаси босиб тўғри-ланади ёки кертмак орқа (дорсал) юзаси бўйича кесиб тўғриланади.

## Урологик беморларни парвариш қилиш

Урологик беморларни парвариш қилишнинг асосий усуслари умумий ихтисосликдаги хирургик беморларни парвариш қилишдаги каби бўлади. Бироқ унинг ўзига хос томонлари ҳам бор. Операциядан олдин буйраклар функциясини яхшилашга алоҳида аҳамият берилади. Шу мақсадда оқсиллар ва тузи кам парҳез таомлар (стол №7) тайинланади, диурезни кўпайтирадиган воситалар (40 %ли глюкоза эритмаси) юборилади. Сийдик инфекция билан заарлантганда микробларнинг дори моддаларига сезувчанлигини ҳисобга олган ҳолда антибактериал даво тавсия этилади.

Урологик касалликлари бор беморларнинг кўлчилигини ёши улғайган ва кекса кишилар ташкил қиласди, шу сабабли улар организмининг айниқса операцион жароҳатга компенсатор имкониятлари пасайиб кетишини назарда тутиш зарур. Ёни катта одамларнинг нерв системаси тез ҷарчайди. Тиббиёт ҳодимининг вазифаси бемордаги операциянинг қандай натижага билан тугашидан қўрқиш ҳиссини йўқотиш мақсадида унинг руҳини кўтаришдан иборат.

Кекса ёшдаги кишиларнинг кўлчилигида юрак-томир системаси фаолияти ўзгариб, қон айланиши етишмовчилиги, жигар ва бошқа аъзолар ишининг бузилиши аломатлари кузатилади. Буларнинг ҳаммаси касаллик ўтишини анча оғирлаштиради ва операциядан олдинги тайёргарликни узайтиради.

Операциядан кейинги даврда қон оқаётгани, шунингдек дренажнинг бекилиб қолгани ёки суритганини ўз вақтида аниқлаш учун боғлам ва дренажларни назорат қилиб бориш зарур. Одатда урологик операциялардан, жумладан гистотомиядан кейин сийдик оқиб чиқиши учун дренаж қолдирилади ва катетерлар киритилади. Каравотга шиша боғлаб қўйилади, унга дренаждан чиқадиган суюқлик йигилади.

Ичидаги суюқликни кузатиб туриш учун шишалар тиниқ ва инфекция тушишининг олдини олиш учун стерил бўлиши шарт. Сийдик ҳидини йўқотиш мақсадида одатда шишага оз микдорда дезодорация қиласидаган моддалар (калий перманганат ва бошқалар) қўйилади. Узайтиргич сифатида ҳар ер-ҳар ерида шиша найчалари бўлган резина найчалар ишлатилади.

Диурезнинг аниқ ҳисобини олиб бориш — табиий йўл ва дренаж орқали чиқадиган сийдик микдорини ҳамда найча ёнидан сизиб чиқсан сийдик микдорини алоҳида-алоҳида аниқлаш зарур. Одатда дренажлар дока боғичлар билан маҳкамланади, бунда тана айлантириб боғланади ёки унга пластир ёпишириб қўйилади. Мацерацияни профилактика қилиш учун дренажлар атрофидаги терига индифферент маз суртилади.

Ёрғоқдаги операциялардан кейин докадан тайёрланган стерил суспензорий ишлатилади. Катетер ва дренажларни шифокор алмаштиради. Ҳамширага қовуқни дренаж ёки катетер орқали ювиш вазифаси топширилади. **Қовуқни ювиш** учун Эсмарх кружкаси ёки Жане шприцидан фойдаланилади. Одатда бирор антисептикнинг кучсиз эритмаси қўлланилади: қовуқقا 50—100 мл эритма юборилади, сўнгра чиқарилади. Бундай муолажалар бир неча марта, то соғ суюқлик пайдо бўлгунча қилинади. Суткасига кам деганда 3 марта ювилади. Чоклар олингандан кейин ванналар тавсия этилади. Дренаж етарлича бўлмаганида сийдик чўнтаклари ҳосил бўлади. Ажралмаларнинг дренаж орқали чиқмай қолиши ва ҳароратнинг кўтарилиши сийдик чўнтаклари пайдо бўлганидан далолат беради.

**Қовуқни катетерлаш усули.** Юмшоқ (резина) ва қаттиқ (металл) катетерлар бўлади. Катетерлар 30 хил бўлиб, улар бир-биридан ўлчами бўйича (диаметри 1/3 мм) дан фарқ қиласиди. Одатда ўртача рақамлари (14—18) ишлатилади. Аввалига юмшоқ катетер билан катетерланади, бу натижга бермаганда метал катетер қўлланилади.

**Эркакларга катетер қўйини:** бемор оёқларини кериб чалқанча ётади. Оёқлари орасига тоза тувак қўйилади. Чап қўл билан жинсий олат ушланиб, унинг бошчасига дезинфекция қиласидаган эритма (0,1% ли сулема, калий перманганат эритмаси) суртилади. Стерил катетер учига стерил глицерин ёки вазелин мойи қўйилади. Юмшоқ катетер пинцет билан қўйилади, метал катетер қарама-қарши учидан ушланади ва аввалига деярли пастга туширилиб, катетер учи қовуқقا киритилади ва сийдик йигилади.

**Аёлларга катетер қўйиш.** Бунинг учун чап қўл билан жинсий лаблар керилади, вульва дастлаб фурациллин эритмаси билан яхшилаб артилади ва катетер сийдик чиқариш каналига киритилади.



## Талабаларнинг мавзуга доир билим даражасини аниқлаш учун тестлар

1. Сийдик тутилиши қандай номланади?
  - а) полиурия;
  - б) гемотурия;
  - в) пиурия;
  - г) диурез;
  - д) анурия.
2. Операция йўли билан буйракни олиб ташлаш қандай номланади?
  - а) аппендэктомия;
  - б) спленэктомия;
  - в) лапаротомия;
  - г) нефрэктомия;
  - д) резекция.
3. Сийдикда қон пайдо бўлиши қандай номланади?
  - а) полиурия;
  - б) анурия;
  - в) олигурия;
  - г) протеинурия;
  - д) гематурия.
4. Фимознинг асоратини кўрсатинг:
  - а) баланопостит;
  - б) цистит;
  - в) орхит;
  - г) эпидидимит;
  - д) простатит.
5. Ўткир сийдик тутилишида биринчи ёрдам:
  - а) қовуқ соҳасига иситгич қўйиш ва қовуқни катетерлаш;
  - б) қовуқ соҳасига музли халта қўйиш;
  - в) тозаловчи ҳуқна қилиш;
  - г) антибиотиклар юбориш;
  - д) УВЧ.



*Эслатма: тўғри жавоблар тагига чизилган.*



*Мавзуга оид муаммоли масалалардан намуналар*

1. Бемор 70 ёнда. Шикояти: сийдик тутилиши, сийишнинг бузилиши ва қориннинг пастки соҳасидаги кучли оғриқ. Анамнезидан: спиртли ичимлик ичган, 2—3 кун олдин қийналиб сийиш ва тунда сийдик тутилиши кузатилган.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Даво режасини тузинг?

2. Бемор 18 ёшда. Оғир ақвонда касалхонанинг хирургия бўлимига келтирилган. Олиб келган одамнинг гапига қараганда bemорни машина уриб кетган. Бемор ҳушини йўқотмаган, бош айланиси, кўнгил айниши, чап бел соҳасидаги кучли оғриқдан, бел соҳасининг чап томони ва қориннинг пастки қисми шишидан ва қон сийишдан шикоят қиласди. Кўздан кечирилганда тили қуруқ, тоза, қорни асимметрик, нафас олишда суст қатнашади. Пайпаслаганда қориннинг чап ярми ва чап ёнбош соҳасида оғриқ ва таранглашиш белгилари аниқланди. Буйрак қўлга билинмайди. Чап бел соҳасида қизариш ва аниқ кўриниб турадиган гематома бор. Беморнинг ақвони оғирлашиб бормоқда. Териси ва шиллик қаватлари оқарган, совуқ тер босган. АҚБ 80/60 мм симоб устунига тенг.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Даво режасини тузинг.



## XV. ЎСМАЛАР СИНДРОМИ

Ўсма деганда тўқималарнинг патологик ўсиши тушунилади, у бир неча сабабларига кўра ҳосил бўлади ва у соғлом тўқималардан тузилиши, ривожланиши, ўсиши, озиқланиши ва моддалар алмашинуви жараёнлари билан кескин фарқ қиласди.

**Ўсмаларнинг таснифи.** Ўсмалар уларни ташкил этган тўқималарнинг тузилишига кўра қўйидаги гуруҳларга бўлинади.

1. Эпителиал ўсмалар: хавфезиз (папилломалар — сургичсимон, аденоалар — бессимон, кисталар — бўшлиқли ўсмалар); хавфли ўсмалар (карцинома ёки рак).

2. Бириктирувчи тўқима ўсмалари: хавфезиз (фибромалар); хавфли (саркомалар).

3. Томир ўсмалари: а)хавфезиз; (гемангиома, лимфангиома); хавфли (гемангиосаркомалар).

4. Ёғли ўсмалар (липома) хавфезиз: хавфли (липосаркома).

5. Нерв тўқимаси ўсмалари: а) хавфезиз (невринома); б) хавфли (хавфли невринома).

6. Пай қинлари ва бўғим халталари ўсмалари: а)хавфезиз (синовиома); б) хавфли (хавфли синовиома)

7. Арабаш ўсмалар: хавфезиз ва хавфли тузилишга эга бўлган турли хил тўқималардан иборат ўсмалар.

**Хавфли ўсмалар** деганда етилмаган тўқимадан ривожланган ўсмалар тушунилади. Улар тез ўсиши, қўшни тўқималарга ўсиб кириши ва ўсма ҳужайраларининг лимфа йўллари ёки қон томирлари системаси орқали бошқа аъзолар ва тўқималарга тарқалишига (метастазланиш) мойиллиги билан ажralиб туради.

Ўсма олиб ташлангандан кейин у яна шу соҳада пайдо бўлиши мумкин. Ўсмаларнинг қўшни тўқималарга ўсиб кириши ўсма

хужайраларининг тўқималароро ёриқларга кириши, қўшни тўқималарни емириши ўрин алмашинуви йўли билан содир бўлади. Бундай ўсиш инфильтратив ўсиш дейилади. Метастатик ўсма оналик ўсма тузилишига эга ва тез суръатда ўсиши билан фарқ қиласди. Хавфли ўсмаларда организмнинг ҳолдан тойиши — кахексия кузатилади.

Хавфли ўсманинг ривожланишида тўрт давр фарқ қилинади:

1) ўсманинг маҳаллий ўсиши;

2) унинг лимфа йўллари бўйлаб яқиндаги лимфа тугунларигача тарқалиши;

3) метастазларнинг гематоген тарқалиши;

4) ўсманинг бутун организм бўйлаб тарқалиши.

**Хавфсиз ўсмалар** етилган тўқимадан ташкил топган, қўшни тўқималарни сурисб ўсадиган, аммо уларга ўсиб кирмайдиган, метастазлар бермайдиган, умумий ҳолсизликка сабаб бўлмайдиган ва емирмайдиган ўсмалар киради.

**Ўсмаларнинг пайдо бўлиши ва ўсиш сабаблари.** Ҳозирги вақтда ўсмалар пайдо бўлишини тушунтирадиган асосий назария п о ли - этиологик назария ҳисобланади. Бу ўсма назариясига биноан тирик организмнинг ҳар бир ҳужайрасида ўсма қўзгата оладиган маҳсус вирус бўлади, бироқ бу вирус фаолсиз ҳолатда туради (анабиоз). Унинг фаол ҳолатга ўтиши учун қатор ташкил омиллар (канцерогенлар) нинг қўшимча таъсири бўлиши зарур. Улар ўз навбатида кимёвий (чиқинди газ, тутун, кимё корхоналаридан бўладиган бензпиренлар, ароматик аминлар ва ҳоказо), физикавий (қуёшнинг ультрабинафша нурлари, рентген ва гамма нурлари, атомнинг элементар заррачалари ва ҳоказолар) ва биологик (турли паразитар) омилларга бўлинади.

Вирус фаолланиши ва ҳужайранинг ген структурасига, хусусан ДНК ва РНК га таъсир қилиб, ирсиятни ўзгартиради, бу тўқиманинг янги тури, яъни ўсма ҳосил бўлишига олиб келади. Бироқ бунда юкорида айтиб ўтилган омиллар мавжудлиги кўпинча ўсма ривожланиши учун кифоя қилмаслигини унутмаслик зарур. Организм иммунобиологик ҳимоя кучларининг пасайиши ўсма ривожланишига сабаб бўлади.

### Ўсмаларнинг айрим турлари

**Папилломалар** — эпителий билан қопланган бириктирувчи тўқима асосидан иборат сурғич қаватининг хавфсиз ўсмаларидир. Улар терида ёки шиллиқ пардаларда (аксарият меъда, ичаклар ва сийдик ажратиш системаси шиллиқ пардаларida) кузатилиши мумкин. Папилломалар гоҳо хавфли ўсмага айланаб кетади.

**Аденомалар** — без тўқималарида ҳосил бўлади. Баъзан у бэзсимон ракка айланishi мумкин. Улар тананинг без тўқималари бўлган ҳамма аъзоларида, жумладан сўлак, лимфа, сут, қалқонсимон, тухумдон безларида учрайди.

**Дермоид кисталар** — халтасимон тузилмалар бўлиб, эмбрионал ривожланиш даврида тери кичикроқ бўлакчаларининг ичкарига кириши натижасида вужудга келади. Уларнинг зич пардаси бўлиб,

бу парда тери ёги билан күчган эпителий танаачалари аралашмаси, тук (соч) дан иборат бүтқасимон массани ўраб туради. Күпроқ чаноқ ва олдинги күкс оралиғи соҳасида жойлашади.

**Рак** — эпителий хужайраларидан ривожланиб, энг күп учрайдиган хавфли ўсма ҳисобланади. Рак эпителий хужайралари бўлган ҳамма аъзоларни заарлайди. Эпителийнинг ўзгариб, атипик тузилишига эга бўлиши рак ўсмасининг аломати ҳисобланади.

Рак ўсмасининг тез ўсиши ва қон билан етарлича таъминланмаслиги ўсма қисмларининг некрозга учрашига, кейин парчаланиб, бўшлиққа ва яралар ҳосил қилининг олиб келади. Рак яраси ўзига хос белгилар билан ажralиб туради: четлари ва туви зич, ёғли парда билан қопланган. Рак ўсмасининг лимфа ва қон томирлар бўйлаб метастаз бериши характерлиди. Рак жараёни кўпинча қаҳексия билан ўтади. Меъда раки билан заарланганда қаҳексия айниқса кузатилади.

**Фиброма** — бириктирувчи тўқимадан тузилган хавфсиз ўсма бўлиб, организмнинг дэярли барча тўқималарида учрайди. Кўпроқ бачадон, тери, тери ости тўқимасида жойлашади. Ўсиб, жуда ҳам катталашиб кетиши мумкин.

**Липома** — ёғ тўқимасидан ҳосил бўладиган хавфсиз ўсма. Бўлаксимон тузилишга эга, юпқа деворли капсула билан ўралган, секин ўсади. Ҳар қандай аъзода, ёғ тўқимаси бўлган ерда жойлашиади.

**Хондрома** — тогай тўқималаридан тузилган хавфсиз ўсма. Секин ўсиши билан ажralиб туради.

**Остеома** — суяқ тўқимасидан иборат ўсма. Секин ўсади. Айниб, хавфли турга ўтиб кетиши мумкин.

**Саркома** — бириктирувчи тўқимадан ривожланадиган хавфли ўсма. У тогай тўқимасидан пайдо бўлса — хондросаркома, суюкдан ҳосил бўлса, остеосаркома, фасциялардан ташкил топса, фибросаркома, лимфа тугунларидан — лимфосаркома, қон томирларидан — ангиосаркома дейилади. Саркома ўзининг кечиш хусусиятига кўра хавфли ўсмаларнинг барча аломатларига эга

**Ангиома** — томирлардан ўсиб чиқадиган хавфсиз ўсма бўлиб, лимфангиома ва гемангиомаларга бўлинади. Гемангиомалар ўз навбатида: 1) оддий ёки капилляр гемангиомалар; 2) каверноз ёки горсимон гемангиомалар; 3) шохланадиган гемангиомаларга бўлинади.

Катта гемангиомаларда ўсма соҳасида кўпинча томир шовқинини эшитиш мумкин.

**Миома** — мушак тўқимасидан ҳосил бўладиган ўсма. Силлиқ мускул ўсмаси — лийомиома, кўндаланг-тарғил мускул ўсмаси — рабдомиома дейилади. Улар секин ўсади.

**Невринома** — нерв устунининг Шванн пардаларидан ҳосил бўлган ўсма (Шваннома) кам учрайди. Кўпинча куймич, ўрталик ва тирсак нервларида жойлашиади. Ўтказувчи тур бўйича оғриққа сабаб бўладиган кичикроқ ўсмасимон тузилмадан иборат.

**Глиома** — бош ва орқа мия ўсмаси хавфсиз ўсма бўлишига қарамай, инфильтратланиб тез ўсиши, тенарак-атрофдаги тўқималарга

ўсиб кириши билан характерланади. Глиома олиб ташлангандан сўнг рецидив юз берини мумкин.

Хавфли ўсмаларни ташхислаш бошқа касалликлар ташхисидаги каби анамнестик маълумотларга эга. Бемор шикоятларини кўздан кечириш натижаларига ва аниқ ташхис қўйиш имконини берадиган текширишининг қўшимча усуулларига гистологик ташхис киради. Бунда аъзодан пунктат ёки суртма олиниб, ўсма тузилиши аниқланади. Бундан ташқари, хавфли ўсмаларни ташхислашда аъзоларни умумий рентгенография, томография, радиоизотоп сканирлаш ва УТТ текширишларини олиб бориш ўз вақтида ташхислашга ёрдам беради.

Хавфли ўсмаларни эрта аниқлаш учун тиббиёт ходимлари онкологик жиҳатдан хушёр бўлишлари керак. 40 ёшдан ошган ва турли сурункали касалликлари бўлган шахслар „касаллик хавфи ошган“, яъни хавфли ўсма ривожланишига мойил гуруҳга киритилади ва йилига камида бир марта профилактик махсус текширувдан ўтишлари лозим бўлади.

Толали оптикаси бор замонавий асбоблар ёрдамида ўтказиладиган эндоскопик текширувлар (фибробронхоскоп, фиброэзофагоскоп, фиброгастроскопия, фиброколоноскопия ва бошқалар ташхис қўйиш имкониятини анча кенгайтиради.

**Хавфли ўсмаларнинг ривожланиш босқичлари.** Хавфли ўсмага ташхис қўйиш билан бирга касалликнинг қандай босқичда эканлигини аниқлаш лозим. Даво унинг қуидаги босқичига қараб буюрилади:

1- босқичда регионар лимфа безларини эгалламаган ва ичкарида жойланган тўқималарга ўсиб кирмаган кичкина ўсма борлиги билан характерланади.

2- босқичда ўсма тўлиқ аниқланади, бироқ, заарланган аъзодан ташқарига чиқмаган бўлади. Регионар лимфа тугунларига якка метастазлар бериши мумкин.

3- босқичда ўсма заарланган аъзодан ташқарига чиқади ва яқин жойлашган тўқимага ўсиб киради. Регионар лимфа тугунларига кўп сонли метастазлар беради.

4- босқичда ўсма жуда катталашади, у парчаланишга учрайди ва кўп сонли кечиккан метастазлар беради. Ракдан заҳарланиш ҳисобига кахексия ривожланади.

**Хавфли ўсмаларни даволаш.** Ҳозирги вақтда хавфли ўсмаларни даволашда хирургик, нур билан даволаш, кимётерапия ва гормон даво усууллари қўлланилади.

Даволашнинг жарроҳлик усууллари кўпинча радикал ҳисобланади ва аксарият ички аъзолар қизилўнгач, меъда, ўпка, бачадон ва ҳоказолар заарлангандага қўлланилади. Даволашнинг бу турида касал аъзо соғлом тўқималар чегарасидан регионар лимфа тугунлари ва атрофдаги тўқималар билан бирга қўшиб олиб ташланади.

Нур билан даволаш мустақил даво сифатида ёки хирургик, гормонал ва кимётерапевтик даво билан бирга қўлланилади.

Ионланувчи нурланиш спектри хилма-хил бўлган ҳозирги вақтда нур билан даволашнинг ҳамма усулларини нурни қўллаш усулига кўра шартли равишда З туруга бўлинади:

1) тери орқали ташқи томондан;

2) нурланиш манбани табиий бўшлиқларга оғиз, бачадон бўшлиғи, қизилўнгач, қовуқ ва ҳоказо ёки сунъий ҳосил қилинган бўшлиқларга юбориш;

3) тўқима ичи (ўсма)ни нурлантириш.

Ҳозирда хавфли ҳужайраларга танлаб таъсир қиласиган маҳсус кимёвий препаратлар Тио ТЭФ, эмбихин, ДОФА, сарколизин, лофенал, кохамин ва бошқалар амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Айрим хавфли ўсмаларни гормонлар билан даволаш яхши натижа беради. Чунончи, сут бези ракида эркак жинсий гормонлари — андрогенлар, простата бези ракида — аёл жинсий гормонлари (эстрогенлар) қўлланилади.

Барча усуллар бирга қўшиб олиб борилганда гормонотерапия яхши натижа беради. Нечоғли эрта бошланса, натижа шунча яхши бўлади.

Хавфсиз ўсмаларни даволаш ҳеч қандай қийинчиллик туддирмайди. Хавфсиз ўсма хавфли ўсмага айланаб кетиши мумкинлигини ҳисобга олиб уни олиб ташлаш ўсманинг хавфли ўсма профилактикаси эканлигини унутмаслик зарур.

### **Рак олди касаллиги тўғрисида тушунча**

Хавфли ўсмадан олдин юзага келадиган ва кўпинча хавфли ўсмага айланадиган турли хил жараёнлар ёки ҳолатлар рак олди касаллиги деб аталади. Бундай ҳолатлар жумласига ривожланишдаги нуқсонлар, жумладан адашган эмбрионал пушт, сурункали яллиғланиш жараёнлари, тўқима регенерациясининг бузилиши, гиперпластик бузилишлар киради. Шунинг учун бундай касалликни хирургик йўл билан эрта бартараф қилиш оғир асоратларнинг олдини олади.

### **Онкологик ёрдамни ташкил этиш**

Онкологик хизматнинг асосий бўғими онкологик диспансерлар ҳисобланади. Онкологик диспансерлар замонавий ташхис ва даволаш аппаратлари билан жиҳозланган бўлиб, унда малакали мутахассислар хизмат қиласиди.

Онкологик бўлимларнинг вазифаси онкологик беморларни ҳисобга олиш, улар устидан диспансер кузатуви олиб бориш, тегишлича даво қилиш ва ўзи ишлаб турган ҳудудда ракнинг олдини олиш ҳамда унга эрта ташхис қўйиш бўйича турли хил тадбирларни амалга ошириш ҳисобланади.

Барча онкологик беморларни тўлиқ ҳисобга олиш ва диспансер кузатуви билан таъминлаш учун қўйигдаги клиник гурухлар жорий этилган:

- 1- а гуруҳ — хавфли ўсмаларга шубҳа қилинган беморлар;
- 1- б гуруҳ — ўсма олди касалликлари бўлган беморлар;
- 2- гуруҳ — махсус даво қилиниши зарур бўлган беморлар;
- 2- а гуруҳ — радикал даво қилиниши зарур бўлган беморлар;
- 3- гуруҳ — амалда соғлом, ракдан соғайиб кетган кишилар;
- 4- гуруҳ — симптоматик даво қилиниши зарур бўлган, касалликнинг ўтиб кетган босқичидаги беморлар.

Хавфли ўсмаларни аниқлашда профилактик текширувларнинг аҳамияти катта бўлиб, унинг уч тури мавжуд:

- комплекс текширувлар — бунда фақат рак касаллиги эмас, балки бошқа касалликлар ҳам аниқланади;
- мақсадли текширувлар, бунда рак олди касалликлар ва хавфли ўсмалар махсус аниқланади;
- ракни аниқлаш учун олдиндан профилактик текширув ўтказилади. Бунда бемор бошқа касаллик билан шифохона ёки касалхонага мурожаат қилганда уни шифокор текширувдан ўтказади.

### **Онкологик bemорларни парваришлаш хусусиятлари**

Онкологик касалликлари бор bemорларни парвариш қилишининг ўзига хос томонлари мавжуд. Бемордан ҳақиқий ташхисни яшириш, яъни bemор психикасини авайлаш зарур. „Рак“, „саркома“ терминлари ўрнига „яра“, „торайиш“, „қаттиқланиш“ каби сўзлар ишлатилиши лозим. Беморнинг аҳволи ёмонлашган тақдирда ҳам унинг соғайиб кетишига ишонтириш ва буни вақтингчалик ҳолат деб тушунтириш керак. Кўпчилик онкологик bemорларнинг асаби нозик бўлади, улар таъсиричан бўлиб қоладилар, шунинг учун ўсма касаллиги оғирлашган bemорларни даволашнинг бошидаёқ уларни бошқа касаллардан ажратиб қўйиш зарур.

Bеморга тегишли ҳужжатларнинг тасодифан унинг қўлига тушиб қолишидан эҳтиёт бўлиш керак. Bеморга турли-туман юқори калорияли овқатлар берилиши лозим. Рақдан заҳарланиш ҳисобига уларда иштаҳа йўқолишини назарда тутиб, иштаҳани яхшилаш мақсадида уларга хлорид кислота, пепсин ва мусаллас буюрилади. Одатда bemорлarda қабзият кузатилади. Бундай ҳолларда ҳафтасига 2—3 марта тозаловчи ҳуқна қилиниши лозим бўлади.

Ўсма тўқимаси ириб, парчалангандага қон кетиши эҳтимоли кўпроқ бўлади (бундай ҳолларда bemорга гемостатик воситалар берилиши лозим). Сиртда жойлашган ўсма парчаланиб, инфекция юзага келганда дезодорация қиласидиган воситалар (5% ли калий перманганат, скипидар ва б.) тавсия қилинади. Балгам оғзи бураб бекитиладиган махсус банкага ёки туфдонга йигилади ва идишлар тозаланиб ҳар куни иссиқ сув ва 10% ли хлорли оҳак эритмаси билан ювилади.

Суткасига 2—5 марта I ош қошиқдан чага настойкаси, кунига 3 марта 3000—9000 ТБ дан кручин инъекцияси, овқатдан олдин 5—10 мг дан нелегит яхши фойда қиласи. Кусишида аминазин буюрилади.

Оғриқни қолдириш учун дарҳол наркотик моддаларга ўтиш ярамайды, улар беморни ҳолдан тойдиради ва ўрганиб қолишига олиб келади. Шунинг учун дастлаб оғриқсизлантиришни анальгетиклардан бошлаган маъқул. Ўсма суякларга метастаз берганда 10 мл 1% ли гексенал эритмасини инъекция қилиш тавсия этилади. Перфокал яллиеланиш реакциясидан оғриқ бўлганда антибиотик ва сульфаниламидлар қўлланилади.



## Талабаларнинг мавзуга доир билим даражасини аниқлаш учун тестлар

1. Рак қандай тўқимадан келиб чиқади?

- а) бириктирувчи;
- б) нерв;
- в) мускул;
- д) эпителий;
- д) етилмаган тўқимадан.

2. Хавфсиз ўсма учун қайси белги хос?

- а) тез ўсиши, капсула билан ўралмаганлиги, метастаз беринши;
- б) секин ўсиши, капсула билан ўралганлиги, метастаз бермаслиги;
- в) bemorninig oziib ketishi;
- г) тез чарчаш;
- д) иштаҳанинг йўқолиши.

3. Бириктирувчи тўқимадан ташкил топган ўсма:

- а) липома;
- б) фиброма;
- в) аденона;
- г) остеома;
- д) хондрома.

4. Куйидаги ўсмалардан қайси бири метастаз беради?

- а) липома;
- б) атерома;
- в) ангиома;
- г) миома;
- д) саркома.



*Эслатма: тўғри жавоблар тагига чизилган.*

## *Мавзуга оид муаммоли масалалардан намуналар*

1. 70 ёшли bemor касалхонага келтирилди. Шикоятлари: тўшости соҳасида оғриқ, кўнгил айниши, қайт қилиш, иштаҳа йўқлиги, дармонсизлик.

Объектив текширишда: bemor жуда озиб кетган, дармонсиз, тери қопламлари оқарган. Пальпацияда қўлтиқ ва чов соҳасидаги

лимфа тугунлар катталашган, түш ости соҳасида оғриқ бор. Қоннинг умумий таҳдилида эритроцитлар 3,10 г.л. Гемоглобин 85 г. л. Сийдик таҳдили ўзгаришиз.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Даво услубини танланг.

2. Бемор 43 ёшида. Касалхонага ўнг кўкрак безида ўсмасимон ҳосила борлигидан шикоят қилиб келган. Бу ҳосиланинг ярим йил ичida катталашганлигини сезган.

Объектив кўришда ўнг кўкрак безининг юқоридаги ташқи соҳасида 6x4 см катталикдаги қаттиқ, оғриқсиз ҳосила борлиги аниқланади. Ўсма устидаги тери „лимон пўстлоғига” ўхшаб бурмаланади, ўнг кўлтиқ остида нўхат катталигидек келадиган тугунча аниқланган.

**Савол.** 1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Даво усулини танланг.



## XVI. ТУФМА НУҚСОНЛАР

Туфма нуқсон деганда, анатомик тузилишнинг қўпол бузилиши ва бунинг натижасида аъзо ва системалар фаолиятининг издан чиқиши тушунилади. Сўнгти йилларда болалар орасидаги туфма нуқсонлар тўғри ташхис қўйиш, муолажалар сифатининг яхшилаши ҳисобига камайиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда туфма нуқсонлар туғилган чақалоқлар умумий сонининг 11,3%ини ташкил қиласди, бундан 1,5—3%и хирургик тўғрилашга муҳтож болалардир. Болаларда кўп сонли нуқсонлар 30—35% ни ташкил қиласди.

Анатомик белгисига кўра нуқсонлар қўйидагиларга бўлинади.

1. Иккиланинг нуқсонлари.
2. Нерв системаси ва таянч скелетининг йирик аномалиялари.
3. Тана бош томонининг дағал аномалиялари.
4. Тана орқа томонининг қўпол аномалиялари.
5. Тана вентрал деворининг йирик нуқсонлари.
6. Алоҳида аъзо ёки унинг бирор қисми аномалияси.
7. Скелет ривожланишининг тарқалган (генерализациялашган) аномалияси.
8. Рудиментлар ва ирсий белгилар ривожланишидаги чекланишлар.
9. Аъзо ва тўқималар (гетеротопияси) топографик силжиши.
10. Гамартомалар ва гамартом системали бузилишлар.
11. Эмбрионал ўсмалар ва тератомалар.
12. Фетопатия, моддалар алмашинуви ва анатомик тузилишнинг бузилишиз кечадиган нуқсонлар.

Түгма нүқсонларни илк ташхис қилиніца янги туғилған чақалоқтарни туғруқхонада ва поликлиникада мұкаммал текшириш катта ажамиятта эга. Түгма нүқсони аниқданған болалар то хирургик коррекция ўтказилғунча диспансер кузатуvida бўлади. Зарурат бўлганда операциядан олдин маҳсус мутахассис бошлигидаги даво муолажалари ўтказилади. Бемор диспансер кузатувидан тўлиқ тузалганидан сўнг, ётқизилади ва лозим бўлса, қўшимча қайта муолажалар ўтказилади. Логопед, психоневролог текширув ва давоси ташкиллаштирилади.

Амалиётда энг кўп учрайдиган түгма нүқсонлар қўйидагилар:

**Пробанд** — ўрганилаётган касаллик билан оиласда учраган биринчى bemor.

**Юқори лаб ва танглай тириқлиги.** Ўртача 1:1000 ни ташкил қиласди. Агар пробанд болаларда касалланиш учраса, кейинги авлодда касаллар сони ортиб боради. Бунда болалар онадан лаб ва танглай кемтиги билан туғилади. Уларда ютиниш жараёни кўпинча оғиздаги суюқликлар нафас йўлига кетиб аспирация кузатилади. Бундай касаллар тез-тез зотилжам билан оғрийди. Кўп ҳолатларда боланинг ўлими билан тугайди. Шунинг учун бундай болаларни яхшилаб парваришлаш ва эрта операция қилиш лозим бўлади.

**Пилоростеноз.** Болаларда 5 баробар 1:200, қизларда 1:1000, шундан 4,4% сибларда (сибс — bemornинг туғиштаган aka-сингиллари), 6,8% болаларда, 4% пробанднинг ўғил ва қиз жиянларида учрайди. Касалланган қизнинг яқин қариндошлари учун касалланиш эҳтимоли ҳавфи акалари ва ўғиллари учун 15—20%, сингиллари учун 10% ташкил қиласди. Касалланган болаларнинг қариндошлари учун касалланиш эҳтимоли 2 маротаба кам. Пилоростенозда меъданинг пилорик қисми туғма ва ортирилган (яра) касалликлар натижасида торайиб, меъдадаги овқат маҳсулотлари ўн икки бармоқли ичакка кам ўтади ёки ўтмай қолади. Бу ҳолат болаларда қисман ёки тўлиқ юқори ичак тутилишига сабаб бўлади. Бемор тез-тез фавворасимон қусиб, озади. Давоси операция йўли билан торайиш бартараф қилинади.

**Гиршпрунг касаллиги.** Бу йўғон ичакнинг маълум бир қисмida нерв тутунларини бўлмаслиги оқибатида ичак фаолиятининг бузилишидир. Кўпроқ ўғил болаларда учрайди. Пробанднинг aka-укаларида касалликнинг учраши агангионар соҳанинг узунлигига боғлиқ бўлиб 5—15% гача кузатилади. Касаллик болаларда қабзият, қориннинг катталаниши, ўсишдан қолиш каби клиник белгилар билан кечади (81- расм).

**Давоси** операция йўли билан туғма торайиған йўғон ичакни кесиб олиб ташлаш ва анастмоз қўйишдан иборат.

**Аноректал туғма нүқсонлар.** Чакалоқлар кўпинча аноректал (анус ва тўғри ичак) туғма нүқсони билан туғилади. Касалликнинг келиб чиқишига, ҳомиланинг биринчи 3 ойлигига турли ташқи ва ички омилларнинг таъсири сабаб бўлади. Аноректал туғма нүқсонларнинг 20 га яқин тури мавжуддир. Бу турдаги аномалияли чақалоқларда анус ёки тўғри ичакнинг туғма бутунлай бўлмаслиги, торлиги туфайли унинг оқма тариқасида қовуқка, қинга, бачадонга ва уретратга

очилиши билан кечади. Натижада чақалоқ ҳаётининг биринчи куни туғма пастки ичак тутилиши ёки меконий билан сийдик ва жинсий аъзоларнинг иккиламчи яллигланиши ва организмнинг заҳарланиши билан кечади. Бундай ҳолларда чақалоқ ўз вақтида шошилинч операция усулида даволанмаса, нобуд бўлиши мумкин. Бу туғма нуқсонлар турига ва кечишига қўра шошилинч ёки режали операция қилишни талаб қиласди.

**Бўйрак поликистози.** Бу касалликнинг янги туғилган чақалоқларда учраши отаонанинг рецессив мутант гени соғлом гетерозигот ташувчиси эканлиги билан тушунтирилади. Бундай болалар ўсишда орқада қолади. Ранги оқаради, иштаҳаси пасаяди, камқон, нимжон бўлади. Оператив йўл билан даволанади.

**Таянч-ҳаракат аппаратининг туғма нуқсонлари.** Ирсий мойиллик ҳомила-нинг ривожланиш шароитига боғлиқ. Биринчи фарзанд кўп ҳолларда туғма сон суяги чиқиши билан касалланади. Сибларда ва пробанднинг болаларида касалликнинг учраши тахминан 4%, хола ва амакиларда, қиз ва ўғил жиянларда 0,4%, маймоқоёқликнинг учраш эҳтимоли ота-онасида ва сибларда 2%, демак, ўртачадан деярли 20 баробар кўп учрайди. Касалланиш хавфи қариндошлар қизларида янада юқорироқ. Бу турдаги касалликларга туғма сон чиқиши, оёқ ва қўл панжаларининг нуқсонлари, бўйин қийшиклиги киради.


### Сон суягининг туғма чиқиши

Ушбу касалликни келиб чиқиш сабабларига витаминалар етишмовчилиги, гормонал ўзгаришлар, боланинг она қорнида ривожланиш пайтида чаноқ-сон бўғимининг ўсмаганлиги, касалликнинг наслдан-наслга ўтиши киради. Чаноқ-сон бўғими туғма чиқшининг сабаби — дисплазиядир. Бола туғилганда чаноқ-сон бўғими дисплазияси билан туғилади.

**Касалликнинг клиник белгилари:**

- чақалоқнинг иккала сони ташқи томонга яхши очилмаслиги. Бу белгини чақалоқни йўргаклаётган ва чўмилтираётган вақтда тиббиёт ҳамшираси кўриши мумкин;

- сон бурмаларининг ҳар хил бўлиши. Сон суяги чиқсан томондаги тери бурмалари бир нечта асимметрик ва чуқурроқ бўлади.



81- расм. Гирпшрунг касаллигига учраган бола.

Бу белгини чақалоқни чалқанча ва қорин билан ётқизиб қўйганда ҳам аниқлаш мумкин.

Касалликнинг яна бир белгиси — бўғим шиқиллашидир. Бунда оёқни чаноқ-сон ва тизза бўғимидан  $90^{\circ}$  букиб ташқарига кенгайтирилганда чиққан сон суяги ўз ўрнига шилқ этиб тушади, агар оёқлар яна бирлаштирилса, яна товуш чиқариб, шилқ этиб чиқиб кетади.

— оёқнинг калта бўлиб қолиши. Сон суяги, чаноқ-сон бўғимидан чиққан томондаги оёқ калта бўлиб қолганлигини болани орқаси билан столга ётқизиб, иккала оёғини тўғри, ёнма-ён қўйиб текширилганда яққол билинади.

— оёқнинг ташқи томонга қараб бурилиши. Бунда касал томондаги оёқ панжаси, тўпифи, болдир ва сон ҳам ташқи томонга қараган бўлади.

Сон суягини чаноқ-сон бўғимидан туғма чиқишининг ilk белгилари бир ёшгача бўлган болаларда учраса, бир ёшдан кейин бола бемалол юриб кетиши натижасида бу белгилар ҳам кеч пайдо бўлади. Касалликнинг кечки белгиларига:

— кеч оқсоқланиб юриш киради. Касаллик қайси томонда бўлса, бола шу томонга оқсоқланиб юради, агар иккала томонда бўлса, ўрдакка ўҳшаб юради. Боланинг ёши ошиб борган сари оқсоқланиб юриши кучайиб боради. Икки томонлама сон суяги чиққан қизларнинг бўйи паст, қорни олдинга туртиб чиққан, пастга осилган, бели эса олдинга силжиган бўлади. Кўпинча бундай қизларнинг оналари „боламнинг бўйи ўсмаялти“, деб шифокорга мурожаат қиласидар. Болани соғ оёғида турганда касал оёғининг товони ерга тегмайди. Касал оёқ ерга босиб тик турилса, таянч бўлмаганлиги учун беморнинг гавдаси ва думбаси соғ томонга оғиб қийшади.

**Даволаш.** Янги туғилган чақалоқларни йўргаклаганда оёқларини икки томонга керган ҳолда, улар орасига 5–6 қаватли таглик ёки памперс қўйлади, бу сон суяги чиқишини олдини олади. Ҳиндистон ва Вьетнамда бола йўргакланмайди, аксинча оналари уларни белларида оёқларни керган ҳолда олиб юришади, шу туфайли у ерда сон суягининг туғма чиқиши кам учрайди. Сон суяги туғма чиққан чақалоқларни даволашни уларнинг оёғига керувчи мослама кийгизишдан бошланади. Ҳозирги кунда оёқни керувчи мослама — шина қўлланилмоқда. Шинадан ташқари, бойдан З ёшгача бўлган болаларда гипсли боғламалар қўлланилади. Агар сон суяги жойига тушмаган бўлса, уч ёндан ошган болалар фақат операция йўли билан даволанади.

### Оёқ панжасининг туғма нұқсанлари

Маймоқ оёқлик кўпинча болаларда кузатилади ва барча туғма касалликлар ичida 35,8%—65% ни ташкил қиласиди.

Ўғил болаларда икки томонлама маймоқ оёқлик қиз болаларга нисбатан 2 маротаба, кўп учрайди.

Янги туғилган чакалоқларда туғма маймоқликнинг қуйидаги белгилари аниқланмоқда:

- оёқ панжаси олдинги қисмининг пастига эгилиши;
- оёқ панжаси ўрта ва олдинги қисмларининг ичкарига қайрилганлиги;
- оёқ панжасининг ўз ўқи атрофида ташқарига бурилиши.

Беморнинг ёши ортган сари бу белгилар янада ривожлана беради, тери, мушак, пай ва суюклардаги ўзгаришлар яққол кўзга ташланади, оёқ панжасини асл ҳолатига келтириш қийинлашаверади. Оёқ панжаси ўсишдан орқада қолади, унинг ҳаракати чекланади.

2—3 ойлик болаларда маймоқлик тўғриланиб гипсли боғлам қўйилади, 1—3 ёшгача бўлган болаларни даволашда эса лонгетасимон гипсли боғлам қўлланилади. Катта ёшдаги болаларни хирургик йўл билан даволаш мақсадга мувофиқ.

### **Қўл бармоқларининг туғма нуқсонлари.**

Бу нуқсонларга қўл бармоқлари сонининг ортиқлиги — полидактилия, бармоқларнинг ўзаро бирикиши — синдактилия, қўл кафтининг иккига бўлиниши — эктродактилия киради.

**Полидактилия.** Бунда кўпинча бола 6 ва ундан ортиқ бармоқ билан туғилади.

Агар бармоқ терида осилган ҳолатда бўлса, унда ҳаракат бўлмайди, баъзан эса бошқа бармоқлар билан бирга тўла ҳаракатланади.

**Даволаш.** Оператив йўл билан ортиқча бармоқ олиб ташланади.

**Синдактилия** — бу бармоқларнинг ҳомилалик вақтида ривожланиши тўхтаб, уларнинг тўла ёки қисман бирикиб кетишидир.

Ҳомилада қўл 3 ҳафта ичидаги шаклланиб, бўйин ва бўйин бўғимларидан ажралмаган ҳолда бўлади. 5—6- ҳафта охирида бармоқлар кўринади, 8- ҳафтада бармоқлар тез ўса бориб, бармоқ ораси тери қоплами билан бармоқ учидан асосигача йўқолиб боради. Бу жараён ўзгарса, бола турли хилдаги ўзгаришлар билан туғилади. Пардасимон синдактилиядаги бармоқлар бармоқ охирида кўпприксимон ҳолда бириккан бўлиб, икки қаватдан иборат бўлади, бармоқлар ҳаракати сақланади.

Суюклар билан бирикканда эса бармоқлар бир ерида ёки бутунлай бириккан бўлади. Бунда суюклар, ҳам тери бириккан ҳолда бўлиб, тирноқ бўғими тўла ўсмаган бўлади.

**Даволаш.** Операция йўли билан бармоқ ораси кесилади, „У“ симон тери парчаси олинниб кафт томонга тикилади, очиқ қолган жой маҳаллий тери билан ёпиб тикилади

**Эктродактилия.** Асосан оддий ва бошқа турдаги эктродактилия кузатилади. Оддий турдаги эктродактилиядаги қўл ҳолати тирсак бўғимидан, ҳатто панжагача бориб ўзгарилиши ва қисқичбақа қўлларига ўхшаб кетади. Атипик ҳолатдаги эктродактилиядаги билак ўртасидан бўлинмайди. Бунда кафт ва бармоқ суюклари бўлмай, бармоқлар букилмайди.

**Даволашда** консерватив ва хирургик усул қўлланилади. Консерватив йўл билан бемор 4—5 ёшлигида гипс боғламлар ёрдамида бармоқлар ҳолати тикланади, уқалаш, ЛФК буюрилади. Хирургик усул билан бемор 12—14 ёшида даволанади.

## Түгма бўйин қийшиқлиги

Түгма бўйин қийшиқлигидаги умуртқа погонаси бўйин қисмидан чап ёки ўнг томонга эгилган бўлади, энгак эса қарама-қарши томонга бурилади. Бу касаллик кўпроқ қиз болаларда учрайди. Касаллик келиб чиқишига кўра түгма ва ҳаётда орттирилган бўлиши мумкин.

Қийшиқ бўйин касаллигининг мушак (миоген), тери (дерматоген), тери ва тери ости (дермадесмоген), нерв (невроген), бўғим (артроген), суюк (остеоген) ва бошқа бир неча турлари қайд этилади. Мазкур касалликнинг миоген тури кўп учрайди. Бу бўйин, хусусан тўш-ўмров — сўргичсимон мушакнинг аномал ҳолатидан келиб чиқади.

Янги туғилган чақалоқда касалликни аниқлаш қийинроқ бўлиб, у 2—3 ҳафталикда яққол сезила бошлайди. Касалликнинг ilk белгиси — чақалоқ бошининг ёки бу томонга эгилишидир. Боланинг бўйни ушлаб кўрилганда, тўш-ўмров-сўргичсимон мушакда шиш борлиги ёки бу мушакнинг катталашгани, таранглашгани аниқланади. Бошининг бир томонга эгилган, энгакнинг қарама-қарши тарафга бурилган ҳолати эса таянч-ҳаракат аппаратида иккиласмачи ўзгаришларни келтириб чиқаради. Касал томондаги кулоқ супраси елкага яқинроқ туради, юз қисми соғ томондагига нисбатан яссироқ, кичикроқ бўлади, кўз косалари ҳам ҳар хил жойлашган бўлади. Бу белгилар вақт ўтиши билан зўрайди ва бемор жисмоний жиҳатдан мажруҳланади, яъни бўйин ва юз шаклининг ўзгариши (асимметрияси) йилдан-йилга мураккаблана бориб, бемор чакка ва бони суюкларининг ҳам ўзгаришига олиб келади.

**Даволаш.** Ҳар қандай касалликни даволашдан кўра олдини олиш осонроқ. Түгма қийшиқ бўйин касаллигини камайтириш ва унинг олдини олиш учун ҳомиладор аёллар турмуш тарзини тўғри ташкил қилишлари зарур. Бунинг учун ҳомиладор аёллар витамишли, оқсил моддаларга бой овқатлар ҳамда янги сабзавот ва меваларни еб туриши лозим. Жисмоний тарбия машғулотлари билан мунтазам шуғуланиш ва маълум тартибга риоя қилиб, дам олишлари тавсия қилинади.

Ҳозирги вақтда касаллик икки хил — консерватив ва хирургик усулда даволанади. Түғма қийшиқ бўйин касаллиги аниқланган кундан бошлаб ёки 2 ҳафтадан сўнг консерватив усул билан даволанади.



### Талабаларнинг мавзуга доир билим даражасини аниқлаш учун тестлар

- Пилоростеноз касаллиги учун хос қусиш турини аниқланг:
  - оз-оз қусиш;
  - „фаввора“ симон қусиш;
  - кўп миқдорда қусиш;
  - эмган сут миқдоридан кам қусиш;
  - тўхтовсиз қусиш.

2. Аноректал туғма нүқсонларнинг атрезия түри қайси ичак тутилиши тариқасида кечади?

- а) юқори ичак тутилиши;
- б) пастки ичак тутилиши;
- в) инвагинация;
- г) странгуляцион ичак тутилиши;
- д) паралитик ичак тутилиши.

3. Гиршпунг касаллигига ташхис қўйишдаги асосий текшириш усули:

- а) колоноскопия;
- б) ректороманоскопия;
- в) ирригография;
- г) қорин бўшилиги аъзоларининг умумий рентген тасвири;
- д) электромиография.

4. Тўғри ичак атрезиясида чақалоқни оғирлашишга олиб келувчи ҳолат:

- а) сувсизланиш;
- б) заҳарланиш;
- в) нафас етишмовчилиги;
- г) юрак-қон томир етишмовчилиги;
- д) бош мия етишмовчилиги.

5. Туғма сон чиқишини тасдиқловчи симптомларни аниқланг:

- а) оёқни ён томонга оча олмаслик;
- б) оёқнинг бир томонлама қисқалиги;
- в) оёқни керганда шиқиллаш;
- г) болани оқсоқланиб юриши;
- д) ҳаммаси тўғри.



*Эслатма: тўғри жавоблар тагига чизилган*

### ***Мавзуга оид муаммоли масалалардан намуналар***

1. Ҳамширанинг галига қараганда бир қунлик чақалоқ эмгандан сўнг қусган, безовталаради. Бундан олдин икки маротаба қайт қилган. Орқа чиқарув тешиги йўқ. Қорин димланган, катталашиган.

**Савол.** 1. Сизнинг ташхисингиз?

2. Таnlаган даво услубингиз?

2. 1 ойлик чақалоқда патронаж ҳамшира кўрик пайтида оёқ бурмаларининг асимметрик ҳолатини кўриб қолди. Аммо чақалоқнинг умумий аҳволи қониқарли. Шикояти йўқ, безовталашибди, инштаҳаси яхши. Иккала оёқнинг ҳам ҳаракати чекланмаган.

**Савол.** 1. Сизнинг ташминий ташхисингиз?

2. Тутган даво услубингиз?

## XVII. Фанга оид амалий құнікмалар

### 1. Биксга ётоқ жайларини жойлаш үсуллари

Универсал жойлаш — бир турдаги операция учун ўртача сарфланадын ҳар хил материалларнинг ҳаммаси комплект қилиб жойланади.

Мақсадға қараб жойлаш — бир бикс ичига аниқ бир операция қилиш учун зарур бўлган жайлар ва боғлов материаллари жойланади.

Хиллаб жойлаш — биксга фақат операция жайлари ёки боғлов материаллари жойланади.

### 2. Резус-омизини тезкор үсулда аниқлаш

Белгилаб қўйилган оқ ликопча юзасига антирезус зардобидан бир томчи ва контрол зардобдан бир томчи томизилади. Уларга 1:10 нисбатда бемор эритроцитлари қўшилади. 3—4 дақиқадан кейин иккала томчига бир томчидан физиологик (натрий хлор) эритма томизилади, ликопча 5 дақиқа чайқатиб турилганда текширилаётган қон резус- мусбат бўлса, анти резус зардобда агглютинация бўлади, контрол зардобда бўлмайди. Агар қон резус-манфий бўлса иккала зардобда ҳам агглютинация бўлмайди.

### 3. Қон йўқотган беморнинг аҳволини баҳолаш

Қон йўқотган беморнинг аҳволи bemor терисининг ранги, пульс, А/Б, нафас ҳаракатларига ҳамда қондаги гемоглобин ва гематокрит кўрсаткичларига қараб баҳоланади.

Енгил даражадаги қон йўқотишда — пульс 1 дақиқада 90 ни, А/Б 110/70 мм, Нв — 100 г/л, гемотокрит 38 г/л ни ташкил қиласди.

Ўртача оғирлиқдаги қон йўқотишда пульс 1 дақиқада 100 ни, А/Б 100/70 мм ни,

оғир даражадаги қон йўқотиш пульс 1 дақиқада 130 ни, А/Б 80/60 мм, Нв — 60 г/л, гемотокрит 0,23 л/л ни ташкил этади.

### 4. Маҳалий анестезия учун жиҳозлар

Спирт, пахта шарча, 2 ёки 10 г ли шприц, бир турдаги мандренли игна (орқа мия анестезияси ёки периурал анестезия учун) ва анестезияловчи эритма.

### 5. Интубацияни ингаляцион наркоз учун жиҳозлар

Ҳаво ўтказгич, тиш кергичлари, оғиз кенгайтиргич, тил тутқич, вакуум сўргич, пульверизатор, ларингоскоп, эндотрахеал найча, игналар, томир катетерлари ва сунъий нафас бериш аппарати.

### 6. Меъда ва 12 бармоқ ичакни зондлаш учун ашёлар

Меъда учун — диаметри 3—5, 75 см ли зонд; 12 бармоқ ичак учун — диаметри 3,5 мм, 1,5 метрли оливали зонд; пробиркалар; пробиркалар учун штатив ва 20 г ли шприц.

### 7. Меъданы ювиш учун ашёлар

Резина най — диаметри 8—12, 75 см ли воронка; 8—10 л қайнатиб, совитилган илиқ сув, клеёнка, фартук, тогора ва сочиқ.

Бажарилиш тартиби қуйидаги:

Бемор ёнбошига ёки чалқанча ҳолда клеёнка устига ётқизилади ёки бошини олдинга энгаштириб, олдига фартук боғланади.

Тантглай тишлилар бўлса олиб қўйилади. Бемор оёқлари орасига тогора қўйилади. Зонд оҳисталик билан меъдага йўналтирилиб, bemордан ютиниш талаб қилинади. Зонднинг эркин учига воронка кийдирилиб, ҳаво кирмаслиги учун воронкани bemор оғзидан пастроқ ушлаган ҳолда сув тўлдирилади ва воронка юқори йўналтирилади. Сув сатҳи воронканинг бўғзига тушгач, воронка паст туширилиб, тогорага бўшатилади. Воронкадан тушадиган сув топ-тоза бўлгунча уни шу тариқа тўлдириб-бўшатиб турилади. Бунда меъдага юборилган ва қайтиб чиқсан сув миқдори тенг бўлиши лозим.

#### 8. Ўтқир қорин синдромида биринчи ёрдам

Сув ичиш, овқатланиш, меъдани ювиш, қорин соҳасига иситкич қўйиш, оғриқ қолдирувчи дорилар, спазмолитиклар юбориш, тозаловчи ҳуқна қилиш қатъян ман этилади.

Биринчи ёрдам: қорин соҳасига музли халта қўйиб, юракни қувватловчи воситалардан инъекция қилиб, шошилинч равиша хирургик стационарга юборилади.

#### 9. Варикоз кенгайганда томирлардан қон кетганда кўрсатиладиган биринчи ёрдам

Биринчи ёрдам босқичлари:

1. Жароҳат атрофига йод суртилади.
2. Жароҳат юзасига босиб турувчи асептик боғлам қўйилади.
3. Оёқ иммобилизация қилинади.
4. Касалхонага юборилади.

#### 10. Веналарнинг варикоз кенгайшида эластик бинт ва пайтоқ кийдириши

Хар куни bemor эрталаб ўрнидан турмасдан ётган ҳолда эса касал оёғига эластик пайтоқни кийиб, уни ётишдан олдин ечиб қўяди. Ёки оёқ панжасидан то тизза бўғимигача эластик бинт билан бинтланади; бинтланганда бинтнинг кейинги ҳар бир ўрами олдингисининг ярмини қоплаб бориши керак (спиралсимон). Бинтнинг тугалланган учи маҳкамлаб қўйилади. Эластик бинт ҳам ҳудди шундай bemor ётган ҳолатда боғлаб ечилади.

#### 11. Қовуқни катетерлаш учун ашёлар

Буларга юмшоқ ёки қаттиқ — металлик катетер, пинцет, вазелин, судно, клеёнка, заарсизлантирувчи эритмалар киради.

Катетерлашнинг бажариш босқичлари:

Ҳамширанинг кўли юқумсизлантирилади.

Беморнинг ташқи жинсий аъзолари ювилади.

Чап қўл билан жинсий лаблар керилиб ўнг қўл билан пинцет ёрдамида вазелин суртилган катетер учи бурама ҳаракат билан қовуқقا киритилади. Катетернинг иккинчи учи тувакка туширилади.

Сийдик ажралиб бўлгач, катетер қовуқдан чиқариб олинади.

## *12. Тозаловчи ҳүқна*

Тозаловчи ҳүқна учун Эсмарх кружкаси, штатив, сув термометри, уй ҳароратидаги сув, клеёнка, тогора, судна керак бўлади.  
Ҳүқна қўйидаги босқичларда олиб борилади.

Бемор оёклари букилган ва қорнига тортилган ҳолатда чап ёнбони билан ётқизилади.

Эсмарх кружкасига 1,5 л сув солиниб, кружка юқори кўтарилади ва найдаги ҳаво чиқариб юборилади, най жўмрагини бекитиб, кружка штативга илинади.

Учликка вазелин суртилади. Чап қўл билан bemор думбаларини кериб, орқа чиқарув йўли тешигига киритилади.

Найдаги жўмрак очилиб, сув тўғри ичакка юборилади.

Кружка тубида озроқ сув қолгач, жўмрак бекитилиб, учлик айланма ҳаракатлар билан чиқариб олинади.

Бемор 10 дақиқа чалқанча ётади, сўнгра суднага ўтиради.

## *13. Йирингли жароҳатга ишлов бериш*

Жароҳатда чоқлар бўлса олиб ташланади.

Жароҳат деворлари кенг очилади.

Жароҳат ичи антисептик эритмалар билан ювилади.

Жароҳат тубига дренаж киритилади.

Жароҳатга гипертоник натрий хлорид эритмасига ҳўлланган ёки мазли боғламлар боғланади.

## *14. Суякларнинг очиқ синишида шошишинч ёрдам*

Қон оқишини вақтинчалик тўхтатиш.

Оғриқсизлантириш.

Жароҳатга асептик боғлам қўйиш.

Крамер шинаси билан иммобилизациялаш.

Беморни замбилда касалхонага юбориш.

## *15. Суякларнинг ётиқ синишида шошишинч ёрдам*

Оғриқсизлантириш.

Шиналар ёрдамида иммобилизациялаш.

Травматология бўлимига юбориш.

## *16. Бош мия чайқалишида шошишинч ёрдам*

Мутлақ тинч ҳолат яратиш.

Бош соҳасига музли халта қўйиш.

Стационарга ётқизиш.

## *17. Электр токи ургандда шошишинч ёрдам*

Электр токи таъсирини йўқотиш.

Сунъий нафас олдириш.

Юракни бевосита массаж қилиш.

Маҳаллий қўйишда асептик боғлам қўйиш.

Касалхонага жўнатиш.

*18. Кимәвий күйишида шошилинч ёрдам*

Огриқсизлантириш.  
Сув билан жароҳатни ювиш.  
Асептик боғлам қўйиш.  
Беморни стационарга жўнатиш.

*19. Совуқ уришида шошилинч ёрдам*

Беморни иссиқ хонага олиб кириш.  
Илиқ сувли ванна қўллаш.  
Оёқ-қулларига иситкич қўйиб, жун адёлга ўраш.  
Иссиқ чой, қаҳва ёки спиртли ичимлик ичириш.  
Оёқ-қулларни уқалаш.  
Стационарга жўнатиш.

*20. Қўл-оёқ, бармоқлар узилиб кетганда шошилинч ёрдам*

Қон кетишини тўхтатиш.  
Асептик боғлам қўйиш.  
Тананинг узилган қисмини (стерил ) полиэтилен халтага солиб  
қўйиш.  
Огриқсизлантириш.  
Иммобилизация қилиш.  
Стационарга жўнатиш.

*21. Жароҳатда биринчи ёрдам*

Қон кетишини тўхтатиш.  
Огриқсизлантириш.  
Жароҳат четига йод суртиш.  
Асептик боғлам қўйиш.  
Шокнинг олдини олиш.  
Стационарга жўнатиш.

*22. Ўпкадан қон кетишида шошилинч ёрдам кўрсатиш*

Беморни ярим эгилган ҳолатда ўтқизиш.  
Нафасни сиқиб турувчи кийимларни ечиш.  
Очиқ ҳаво келишини таъминлаш.  
Қон тўхтатувчи дори воситаларини ишлатиш.  
Кўкрак қафасига музли халта қўйиш.  
Беморни касалхонага қулай вазиятда зудлик билан жўнатиш.

*23. Меъдадан қон кетганда шошилинч ёрдам*

Беморни тинчлантириши.  
Бошини кўтарган ҳолатда горизонтал ётқизиш.  
Қон тўхтатувчи дори воситаларини ишлатиш.  
Овқатлантириш ва сув ичини қатъяян ман қилиш.  
Қорин соҳасига музли халта қўйиш.  
Беморни касалхонага қулай вазиятда зудлик билан жўнатиш.

#### *24. Үткір сийдик тұтынушында күрсатыладыган биринчи ёрдам*

Водопровод жұмрагидан ёки чойнакдан шилдиратиб сув оқизилади.

Қовуқ соҳасига иситкіч қўйилади, жинсий аъзолар илиқ сувда ванна қилинади.

Қовуқ усти соат стрелкаси бўйича уқаланади.

Сийдик ҳайдовчи воситалар юборилади.

Қовуқ катетерланади.

Қовуқ пункция қилинади.

#### *25. Анаэроб инфекцияга қарши ишилатыладыган асбобларни стерилизлашга тайёрлаш ва стерилизлаш*

Асбоблар I соат 6% ли водород пероксид ва 0,5 %ли юувучи эритмага солинади.

2%ли натрий гидрокарбонат эритмасида 2 марта 45 дақиқадан қайнатилади.

Юувучи эритмага яна 20 дақиқа солиб қўйилади.

Юувучи эритмада чўтка билан ювилади.

Оқар сувда 5—10 дақиқа ювилади.

Дистилланган сувда чайилади.

85°C ли қуруқ ҳаво стерилизаторида 20 дақиқа қуритилади.

Асбоблар бир жуфтдан салфеткаларга ўралиб, бинтлар устига тахланади.

Автоклавда 1,5 атмосфера босим остида 45 дақиқа стерилланади.

#### *26. Қыл-оёққа жегут қўйши тартиби*

Жгут бурмалари бўлмаган текис мато устидан қўйилади.

Жгут жароҳат тепасидан гир айлантириб қон тўхтагунча сиқиб боғланади.

Жгут қўйилган вақтни кўрсатувчи белги қўйилади.

Иммобилизация қилинади.

Бемор касалхонага қулай вазиятда зудлик билан жўнатилади.

---

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

*Муратов С. Н.* Хирургик касалликлар ва беморларни парвариш қилиш. Медицина, 1985 й.

*Оропов Ү. О., Каримов Ш.И.* Умумий хирургия. Ибн Сино, 1994 й.

*Дронов А. Ф., Ленюшкин А. И., Кондратьева Л. М.* Общий уход за детьми с хирургическими заболеваниями. Медицина. 1998 г.

*Кузнецова В.* Сестринское дело в хирургии. Феникс. Ростов-на Дону. 2000 й.

*Турсунов Б. С. ва б.* Хирургик касалликларни парваришлаш. Т., Ибн Сино. 2001 й.

*Каримов Ш. И.* Хирургик касалликлар. Т., Ибн Сино. 1991 й.

*Брукмен М. С. ва б.* Руководство для операционных сестёр. Москва, 1988 г.

---

## МУНДАРИЖА

Сүз боши ..... 3

### I. ҮМУМИЙ ХИРУРГИЯ (ХАМРАЕВ А. Ж.)

I.	Кириш .....	4
II.	Хирургия ишини ташкил қилиш .....	32
III.	Хирургияда инфекция түшишининг олдини олиш .....	63
IV.	Десмургия .....	96
V.	Инфузия ва трансфузия .....	113
VI.	Огриқсизлантириш .....	129
VII.	Операциядан олдинги давр .....	153
VIII.	Операциядан кейинги давр .....	163

### II. ХУСУСИЙ ХИРУРГИЯ

IX.	Қон кетиши синдроми .....	190
X.	Шикастланиш синдроми .....	207
XI.	Яллигланиш синдроми .....	253
XII.	Үткір қорин оғриғи синдроми .....	279
XIII.	Оёқда қон айланишининг бузилиши синдроми .....	297
XIV.	Сайдик ажралиш фаолиятининг бузилиши синдроми .....	303
XV.	Үсмалар синдроми .....	314
XVI.	Түғма нұқсанлар .....	321
XVII.	Фанга оид амалий күнікмалар. (Хамедова М.А.) .....	328
	Фойдаланилган адабиётлар .....	333

**Абдурашид Жўракулович Ҳамраев  
Мұхаббат Аэизовна Ҳамедова**

## **ХИРУРГИЯ**

*Тиббиёт колледжлари учун дарслік*

*Тошкент „Ўқитувчи“—2002*

Маҳсус мұхаррир *M. Қодирова*  
Таҳририят мудири *Б.Х. Ақбаров*  
Мұхаррирлар *Ф. Мұхитдинов, Б.Х. Ақбаров*  
Бадий мұхаррир *Ф. Никадамбоев*  
Техн. мұхаррир *C. Тұрсынова*  
Мусаҳхілар *M. Минахмедова, Д. Умарова*  
Компьютерда терувчи ва сақиfalовчи  
*K. Ҳамидуллаева*  
Кичик мұхаррир *M. Иброҳимова*

**ИБ №8135**

Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 25.12.2002. Бичими 60x90/16.  
Кегли 10 шпонли. Таймс гарн. Офсет босма усулида босилди. Босма т.  
21,0. Шартли кр.-отт. 21,5. Нащр. т. 19,5. 7000 нұсқада босилди. Буюртма  
№206.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент, Навоий күчаси 30. Шартнома  
07—113—2002.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент китоб-  
журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси,  
Муродов күчаси, 1- уй. 2002.

51.1. (5Y)  
X23

**Ҳамраев А. Ж., Ҳамедова М. А.**  
Хирургия: Тиббиёт колледжлари учун дарслык.  
-Т.: „Ўқитувчи“  
2002.-336 б.

I. Муаллифдош.

51.1 (5Y)я722

